

БАКИРОВ, А. И. ИСАЕВ, О. А. ОСМОНОВ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

# ГЕОГРАФИЯСИ



# 8-9

ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ДАВЛАТ ГЕРБИ



ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ДАВЛАТ БАЙРОҒИ



## ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ ГИМНИ

*Сөзу: Ж. Садыков, Ш. Кулиевдики  
Муз.: Н. Давлесов, К. Молдобасановдуку.*

Ак мөңгүлүү аска — зоолор, талаалар,  
Элибиздин жаны менен барабар.  
Сансыз кылым Ала-Тоосун мекендеп,  
Сактап келди биздин ата бабалар.

Кайырма:


Алгалай бер кыргыз эл,  
Азаттыктын жолунда,  
Өркүндөй бер, өсө бер,  
Өз тагдырың колуңда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,  
Досторуна даяр дилин берүүгө.  
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,  
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

Кайырма:

Аткарылып элдин үмүт тилеги,  
Желбиреди эркиндиктин желеги.  
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,  
Ыйык сактап урпактарга берели.

Кайырма:



Н. Б. БАКИРОВ, А. И. ИСАЕВ, О. А. ОСМОНОВ

# ЌИРВИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГЕОГРАФИЯСИ

**8-9 синф ўқувчилари учун дарслик**

*Ќирғизистон Республикаси Таълим ва  
маданият вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

ЎШ-БИШКЕК  
2004-йил

**Бакиров Н.Б. ж.б**

Б-19 **Қирғизистон Республикаси географияси: 8-9 синаф ўқувчилари учун дарслик**/Н.Б.Бакиров, А.И.Исаев, О.А.Осмонов. - Б.: 2004. - 442 б.

ISBN 9967-411-51-1

Масъул муҳаррир: география фанлари  
номзоди, доцент *Токомбасв Ш.Т*

Қўлингиздаги ушбу дарслик **Қирғиз-Ўзбек университети** тасарруфидаги Қирғизистон ўзбек мактаблари учун “**Дарсликлар яратиш маркази**” томонидан тайёрланди. Дарслик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни университет раҳбариятига ёки “**Марказ**” маъмуриятига ёзма равишда билдиришигизни илтимос қиламиз

*Бизнинг манзил: Ўш шаҳри, Г. Айтисов кўчаси, 27 уй.*

Қирғиз тилидан *Абдувоҳоб Қирғизбоев* таржима қилди.

Расмлар ва хариталар ёзувларининг таржимони:  
*Улуғбек Абдусаломов*

Муҳаррирлар: *М.Т.Мамасандов, С. Набиева*

## КИРИШ

Қирғизистон табиати бой, манзараси ранг-баранг ўлка. У фақат табиатининг гўзаллиги билангина эмас, балки табиат бойлиқларининг мўл-кўллиги билан ҳам ажралиб туради. Республикада чўққисини қор ва музликлар қоплаган баланд тоғлар, тоғлардан бошланувчи зилол сувлар, кўллар, турли хил ўрмонлар, боғқоқлик ва чўллар, яйловлар ҳамда кўплаб қазилма бойлиқлар мавжуд. Булар халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, табиат — бир-бири билан чамбарчас боғланган яхлит комплекс бўлса, шу билан бирга алоҳида бўлақлар (компонентлар)дан ташқил топган тирик мавжудотдир. Унинг турли даврлардаги ҳолати, ривожланиши шу ерда яшаган кишиларнинг хатти-ҳаракатига, оқилона хўжалик юритишига боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир одам, айниқса, улгайиб келаётган ёш авлод ўз ўлкасини яқиндан билиши, табиатини муҳофаза қилиши, унинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини яхшилаб ўрганиши керак. Бу масалаларни сиз «Табиий география» дарслигидан ўқиб ўрганасиз.

Инсоният қадимдан ўз ҳаёти ва иш фаолиятида табиат бойлиқларидан фойдаланган. Хўжаликнинг ҳар томонлама ўсиши ва ривожланиши йўлларини, ҳозирги ҳолатини, унинг айрим тармоқларининг ўлка бўйлаб жойланиш қонуниятларини ёки ишлаб чиқаришни ҳаракатлантирувчи куч-аҳолининг жойланиши ва ижтимоий ривожланиши ҳақида «Иқтисодий ва ижтимоий география» фани орқали билиб оласиз.

Ушбу дарсликда Қирғизистон Республикасининг табиий географияси ҳамда иқтисодий ва ижтимоий географияси баён қилинди.

Қирғизистон Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида, Буюк Ипак йўлининг бошланишида, Европа билан Осиёни боғлаб турган қадимий йўлларнинг бош занжирида, дунёвий дин ва маданият, кўпчилик мамлакатлар геосиёсий манфаатининг туғунида жойлашган.

Ҳозирги Қирғизистон саҳни ҳақидаги географик қарашларнинг илдизи бир қанча асрларни ўз ичига олади. Милоддан минг йиллар аввал Оксус (Амударё), Яксарт (Сирдарё) ва Иссыккўл каби сув ҳавзалари юнон-римликлар днёрида ва Хитойда маълум ва машҳур бўлган.

Ўрта асрларда Қирғизистон ерлари турк ва мўғул истилочиларининг уруш майдонига айланган, у бир қанча мамлакатларнинг бирлашиб ривожланишига ва майдаланиб йўқолиб кетишига гувоҳ бўлган. Турклар сулоласининг марказида (Суёб, Боласоғун, Ўзган) элчилар, йирик савдогарлар, саёҳатчилар ва бошқа оқсуяк зодагонларни қабул қилишган ва улар орқали бу ер ҳақидаги маълумотлар дунёга тарқалиб турган. Мисол тариқасида ўша замонларда ёзиб қолдирилган маълумотлардан Сюань-Цзан (VII аср), Ибн Хордодбек (IX аср), Маҳмуд Қошғарий (XI аср) асарларини тилга олесак бўлади. Маҳмуд Қошғарий ўзи туғилиб ўсган Иссыккўл бўйи-Барсғон шаҳри, бу ерда яшаган халқлар ва уларнинг хўжалик фаолияти ҳақида кўплаб маълумотларни ёзиб қолдирган.

Географик маълумотларни ватандошимиз Юсуф Боласоғун ёзиб қолдирган асарлардан ҳам билиб олишимиз мумкин. Қадимий шаҳар-

Уш ҳақида, Фарғона водийси халқлари, уларнинг хўжалик юритиши ва табиати ҳақидаги маълумотлар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» китобида берилган.

Географик маълумотларнинг энг кўпи, энг аниқи, умуман ўлка табиати қонуниятларини ўрганиш қалти шу ерда яшаган аҳолида бўлган. Халқ оғзаки ижодиётида, айниқса улуғ меросимиз «Манас» эпосида нафақат Қирғизистоннинг географик ўрни, балки қўшни ўлкалардаги тоғлар, сувлар ва бошқа табиат манзаралари ҳам дoston қилинган. Бахшларнинг айтишувларида, шоир ва ёзувчиларнинг шеърлари, насерий асарларида ер, сув ва турли табиат ҳодисалари ҳақидаги лавҳалар кўнлаб учрайди. Масалан, Мўлду Қилич, Мўлду Нияз, Тўғўлўқ Мўлду асарларида гўзал табиат ва унинг ранг-баранг манзаралари кўлланади.

Ўтроқ аҳоли ўзи яшаган жойнинг орографик тузилишини, гидрологиясини, об-ҳавонинг кўп йиллик ҳолатини, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёсини яхши билган.

Қирғизистон диёрига келган саёҳатчилар, тадқиқотчилар ерини табиий шароитини яхши билган ўтроқ аҳолининг ёрдамсиз ўз ишини муваффақиятли тугата олмайди. XVIII-XIX асрлардаги саёҳатчиларнинг кўплари ўтроқ аҳоли орасидан чиққан айрим иқтидорли табиат билимдонлари ҳақида ёзиб қолдиришган.

Масалан иссиқкўллик С. Абдибеков (XIX аср охири- XX аср боши) қирғиз ўлкасини ўрганишга келган рус (В.Н.Шкитников), чет эллик (Д. Алмаши, Г. Мерцбакер, Д. Принц) ва бошқа бир қанча сайёҳларнинг илмий экспедицияларида қатнашиб, Қирғизистон табиатини ўрганишда ёрдамлашган. Қолаверса, булардан ҳам илгари ўтган кишиларнинг номлари тарих саҳифаларида ёзилмаган бўлса-да, айрим топонимларда сақланиб қолган. Масалан, Игнатъев (1886 й.) ўзи ўрганган Марказий Тяньшан музликларини Бойвози, Тинай, Бектур деган йўл бошловчиларнинг номлари билан атаган.

Бу дарслик умумий ўрта таълим мактабларининг география бўйича дастури асосида тузилиб, Қирғизистон Республикасининг фан ва маданият вазирлиги томонидан тасдиқланган.

Дарсликнинг биринчи қисмини (Қирғизистон Республикасининг табиий географияси) А.О.Осмонов, иккинчи қисмини (Қирғизистон Республикасининг иқтисодий ва иқтимоий географияси) Н.Б.Бакиров ва А.И.Исаев ёзган, кирини қисми биргаликда ёзилган. Картографик маълумотларни И.Э.Эгембердиев тайёрлаган.

Боткен вилоятига таллуқли статистик маълумотларини тўплаган ва унинг замонавий социал иқтисодий ҳолатини, физик, географик шароитини ёзган, шунингдек китобни қирғиз тилидан ўзбек тилига таржима қилган А. Қирғизбоевдир.

«Қирғизистон Республикаси географияси» биринчи марта кенгайтирилган дастурда ўзбек тилида тавсия қилинмоқда. Дарсликнинг сифатини янада яхшилаш ниятида билидирилган фикр ва мулоҳазаларини мамнуният билан қабул қиламиз.

# I БЎЛИМ

## ЎРЎИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯСИ

### 1. ЎРЎИЗИСТОННИНГ ГЕОГРАФИК ЖОЙЛАШИШИ, ЧЕГАРАЛАРИ ВА ЕР ЮЗИДА ТУТГАН ӲРНИ

#### 1.1. ЎРЎИЗИСТОННИНГ ГЕОГРАФИК ЖОЙЛАШИШИ

ЎРЎИЗИСТОН шарқий ярим шардаги энг йирик материк-Евросий марказида, океан ва денгизлардан жуда олисда жойлашган. Агар глобус ёки ярим шарлар харитасига қарайдиган бўлсак, ЎРЎИЗИСТОН майдони Евросийдаги Атлантика океанидан Тинч океанигача чўзилган улкан тоғ тизмасининг шимолий чеккасини эгаллайди. ЎРЎИЗИСТОН ҳудудидан шимол томон баланд тоғлар аста-секин пасайиб, Қозоғистон паст тоғлари ва ундан нари Фарбий Сибирь паст текисликларига уланиб кетади. Жануб томонда эса, аксинча, тоғлар баландлашиб, Помир, Шарқий Ҳиндукуш, Қорақурум, Тибет билан Фарбий Ҳимолай орқали Ҳиндистон ярим ороли текисликларига туташади. Меридиан бўйлаб ЎРЎИЗИСТОН мўътадил иқлимли минтақаниннг жанубий қисмида жойлашган. Ундан фарбда Қизилқум, Қорақум чўллари, Кичик Кавказ, Кичик Осиёнинг шимоли, Болқон, Аппенин ва Пиреней ярим ороллари, шарқда Такламакон, Гоби чўллари, Манчжурия, Корея ярим оролининг шимоли, Сихотэ-Алиининг жанубий қисми жойлашган.

- ЎРЎИЗИСТОННИНГ шимолий чегараси Чуй дарёсининг чап қирғоғида жойлашган Камишановка қишлоғининг шимолидан, 43°16' шимолий кенгликдан ўтади. Бу ердан Шимолий Муз океанигача бўлган масофа 3380 км. Жанубий чегараси эса Бош Олой тоғ тизмалари, Дараутқўрғон қаршисидаги (Қизилеув дарёсининг чап irmoғи-Олтиндара бошланишидаги) музликларга тақалади. Бу ер 39°11' шимолий кенгликда жойлашган ва шу нуқтадан Ҳинд океанининг қирғоғигача бўлган оралиқ 1670 км. ЎРЎИЗИСТОННИНГ энг фарбий чегараси Лайлак туманидан ўтган Оқсув дарёси ҳавзасининг фарби (Туркистон тоғларининг шимолидаги Асалчи чўққиси) ҳисобланади. Бу нуқта 69°15' шарқий узунликда жойлашган бўлиб, Атлантика океанидан 6530 км узоқда. Энг шарқий чегараси эса Энгилчак музлигида, Меридиан тоғ

тизмаларининг 6210 м баландликдаги чўққиси ҳисобланади. Бу чўққи 80°18' шарқий узунликда бўлиб, бу нуқтадан Тинч океан қирғоғигача бўлган масофанинг узунлиги 3830 км. Қирғизистоннинг ғарбий нуқтасидан шарқий нуқтасигача бўлган масофа 925 км, шимолидан жанубигача бўлган масофа 459 км, чегарасининг умумий узунлиги эса 4508 км, майдони 198, 5 минг км<sup>2</sup>.

Қирғизистон Туркистон (Ўрта Осиё)нинг шимоли-шарқида жойлашган. Лекин, Ўрта Осиёни географик адабиётларида турлича талқин қилишади. Айримлар собиқ СССР таркибидаги тўрт Республикани (Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон) киритса, баъзилар Жанубий Қозоғистонни ҳам қўшишади, баъзан эса «Ўрта Осиё» атамасининг ўрнига «Туркистон» атамасини ишлатмоқдалар. Ҳатто шу номда дарсликлар (Ўзбекистон мактабларининг 7-синф дарслиги) нашр қилинди. Туркистон табиий географик ўлкаси эса шимолда Мўғожар тоғлари, Қозоғистон паст тоёлари, жанубда Шимолий Афғонистон, ғарбда Каспий денгизи, шарқда Орол-Балхаш ҳавзаси ва Тарим ҳавзаларининг сув айирғичи билан чегараланади.

Қирғизистоннинг жанубий ва шарқий чегаралари табиий чегаралар билан эмас, балки Республика (маъмурий) чегараси бўйлаб ўтади. Умуман Қирғизистон Марказий Осиёнинг шимоли-шарқини, Тяншаннинг эса ғарбий қисмини эгаллаб туради.

Республиканинг географик ўрни ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун жуда қулай. Келажақда Қирғизистон барча турдаги йўллар бўйича алоқа марказига айланади. Яқин йиллар ичида Пекин-Урумчи-Алмати-Тошкент-Ашгабат-Машиҳал темир йўли Тяхрон шаҳри орқали Форс қўлтиғигача етказилади. Сўнг Истамбул орқали Европагача йўл очилади. Бу трансмагистрал темир йўл Ҳинд океани орқали ўтган денгиз йўлига нисбатан масофани беш ҳисса қисқартиради ва Осиё билан Европанинг 40 мамлакатини, жумладан Қирғизистонни ҳам ўз ичига олади.

Келажақда Ҳинд океанидаги Карачи денгиз портига ва Дехли шаҳрига уланадиган Бишкек-Қашқар-Қорақурум (хитой)-Карачи (Покистон) темир йўли қурилиб, қуруқликдаги «Сувайш канали» хизматини бажара бошлайди. Қадимда шу йўналиш бўйича Буоқ Ипак йўли ўтган бўлиб, Жануби-Шарқий Осиё мамлакаглари бир-бири билан алоқа қилиб турган. Ҳозирги кунда Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда Бишкек-Урумчи-Пекин, Пекин-Бишкек-Франкфурт-Майн, Шанхай-Бишкек-Санкт-Петербург ҳаво йўллари очилди. Булар иқтисодни ривожлантириш, ижтимоий таъминотни яхшилаш имконини беради.

## 1. 2. Қирғизистон чегаралари

Қирғизистон шимол ва шимолӣ-шарқда Қозоғистон, ғарбда Ўзбекистон, жануби-ғарбда ва жанубда Тожикистон, жануб ва жануби-шарқда Хитой Халқ Республикаси билан чегарадош. Қозоғистондан ажратиб турувчи табиий чегара Меридиан тоғ тизмасидаги «Узловая» (6146 м) чўққиси ҳисобланади, бу чўққидан ғарбга томон Сарижаз тоғ тизмасининг Семёнов (5816 м) чўққисига, Терская Олатовининг шарқидаги Ашугор довоғига туташади. Кейин Текес дарёси билан Сарижаз дарёсининг сув айирғичи орқали, сўнг Қарқара дарёсини ҳосил қилган Кўкжар ва Турук дарёларининг сув айирғичи орқали Қарқара водийсига уланади. Қарқара дарёси орқали Кунгай Олатов билан ўтган чегара Челек водийсини Иссиқкўл ботинидан ажратиб туради. Кунгай Олатов билан Или Олатовининг ғарбий қисмидан Қорабулоқ дарёсининг ўнг томонидаги сув айирғич бўйлаб Чуй дарёсининг бошланишигача, у орқали Чуй-Сарисув ҳавзасигача етади. Камишановка қишлоғидан 8 — 10 км шимолроқда, Чуй дарёси бўйлаб чегара кескин жанубга бурилиб, Камишановканинг тўғрисида ғарбга қараб кетади, сўнг Ашмар дарёсининг соҳили билан Қирғиз Олатови чўққисига чиқади. Чўққидан ғарб томон тоғ охиригача бориб, Жамбул шаҳрининг жанубидаги текисликлар орқали аста-секин жанубга йўналиб, Асса дарёсининг соҳили орқали Манас (4482 м) чўққиси томон қайтадан Талас Олатови чўққисига кўтарилади, Қуркурў, Жабағлисув, Оқсув, Майдонтоғ ва Ўйқайин дарёларининг бошланиши бўлган Манас чўққисининг ёнбағрида Қирғизистоннинг Қозоғистон билан бўлган чегараси тугайди. Қирғизистоннинг Манас чўққисидан меридиан тоғ тизмасидаги «Узловая» чўққисигача Қозоғистон билан бўлган чегараси узунлиги 1113 км.


Ўзбекистон ҳудудларини ажратиб турувчи табиий чегаралар Манас чўққисидан шарққа томон Талас Олатовининг чўққилари орқали Писком тоғ тизмасининг қўшилган жойигача ва ундан нарида, Чарвоқ сув омборига яқин жойда, Чотқол водийсига туташади. Чотқол дарёсининг чап irmoғи Терс билан Оқбулоқ дарёлари орасидаги сув, айирғич орқали Чотқол тоғ тизмасининг чўққисига етади. Кейин чегара Қурама тоғ тизмасининг Чотқол тоғ тизмасига туташган жойидан Говасой дарёси бўйлаб, Фарғона водийсига туташади. Фарғона водийсида Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги маъмурий чегара табиий чегарага мос келмайди ва тоғ эстагидаги текисликлардан эгри-бугри

йўналишда водийни айланиб, Сўх дарёси ҳавзасининг чап қисмигача боради. Ундан ташқари Шохимардон ва Сўх дарёлари бўйида, ҳамма томони Қирғизистон ерлари билан ўралган Ўзбекистонга қарашли, оролга ўхшаш кичик ерлар ҳам бор. Писком дарёсининг бошланишидан Сўх водийсигача бўлган масофа 240 км бўлса-да, ўша ерларни туташтирувчи икки Республика маъмурий чегарасининг узунлиги 1374 км.

Тожикистон билан бўлган чегара ҳам Фарғона водийсида, Сўх ҳавзаси билан Исфара ҳавзасининг тоғ этаклари яқинидаги сув айирғичдан бошланади. Кейин ғарбга томон Оқсув водийсигача бориб, унинг чап томони билан Туркистон тоғ тизмасининг чўққилари орқали жанубга йўналади, Туркистон тоғ тизмасига Саркат дарёсининг чап соҳили бўйлаб кўтарилиб, 4745 м баландликдаги Пирёх чўққисига чиқилади. Ушбу чўққидан Қирғизистон билан Тожикистоннинг табиий чегараси — Туркистон тоғ тизмаси, сўнг Олатов тизмаси бошланади. Олой водийсидаги Қорамик қишлоғининг қаршисидан Олой тоғ тизмасининг Кўксувни ғарб томондан ажратиб турган ёнбағирлар этаклари билан водийга тушиб, Гулома дарёсининг чап соҳилида жойлашган Бош Олой тоғ тизмаси чўққисигача етади. Ундан кейин Бош Олой тоғ тизмаси чўққилари бўйлаб, шарққа томон, Хитой Халқ Республикаси чегарасигача етиб боради. Қирғизистоннинг Тожикистон билан чегара чизигининг узунлиги 972 км ни ташкил этади.

Хитой Халқ Республикаси билан бўлган чегара Бош Олой тоғ тизмасининг шарқидаги Эргаштом (5820 м) чўққисидан Шарқий Қизилсув водийсигача келиб, у орқали яна Терактоққа кўтарилади. Сўнг уларни табиий чегара бўлган Олойку, Тўруғарт, Қоқшаал, Бўзқир тоғларининг сув айирғичлари ажратиб туради. Эргаштом чўққисидан Меридиан тоғ тизмасидаги «Узлова» чўққисигача Хитой Халқ Республикаси билан бўлган чегара чизигининг узунлиги 1049 км.

Шундай қилиб, Қирғизистон ҳудуди Тяньшан тоғ тизмаларининг марказий ва ғарбий қисмини, Помир-Олой тоғ тизмаларининг шимолий қисмини эгалдайди.



Қирғизистон ҳудудининг Евросийдаги ўрни

### 1.3. Қирғизистон дунё сиёсий харитасида

Қирғизлар ўз эрки ва юртининг мустақиллиги йўлида неча асрлар машаққатли йўл босди. Қирғиз халқи қадимги халқлардан эканлиги тарихдан маълум. Асрлар бўйи қирғиз халқи қанча уруш ва қирғинларни ўз бошидан кечирди. Бироқ халқ енгилмади, ўзлигини сақлаб қолишга муяссар бўлди. Қадимий қирғизлар тарихини ёзувчи Ашим Жақипбеков қуйидагича ёзади:

Қайин борми, қирғиз болта чопмаган,  
Қай жой бордир қирғиз қирон топмаган  
Асрлар ўтса-да шон-шарафини ўчирмай,  
Қирғиз халқини ботир Манас сақлаган.

Қирғизистон 1991 йил 31 августда мустақилликка эришди. Ўшандан бери Республикада кўп ўзгаришлар содир бўлди; тоталитар тузумнинг оқсуяк зодагонлари мансабидан ажради, демократик йўл билан президент сайланди; Республика мустақилликка эга бўлиб, ўз байроғи, мадҳияси ва миллий пулига эга бўлди; жамиятда янгича онг-фикр шаклланимочда, бироқ сиёсат ва иқтисоддаги зўравонлик кишанлари ҳалигача парчалангани йўқ, аммо у аста-секин нурамоқда бу нураш жараёни иқтисодий-сиёсий тангликни чуқурлаштириб, халқнинг яшаш даражасига салбий таъсир этмоқда. Халқнинг аксарият қисми қийинчиликда яшамочда. Аҳоли турмуш даражасини кўтариш учун Қирғизистон саноати тараққий этган, ривожланган давлатлар сафига қўшилиши керак. Бунинг учун сўнгги уч йилда бир қатор иқтисодий ислохотлар ўтказилди. Натижада бозор иқтисодиётига асос солинди. Масалан, хусусий мулкчилик, ишбилармонлик, қишлоқ билан шаҳар ўртасида ўзаро ҳомийлик институтлари очилди.

Ҳозирги кунда дунёдаги мамлакатлар уч гуруҳга — ривожланган, ўртача ривожланган ва ривожланиб келаётган давлатларга бўлинади. Қирғизистон Республикаси ривожланиб келаётган мамлакатлар қаторидадир. Шунинг учун чет мамлакатлар, уларнинг фирмалари Қирғизистонга турли хил инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатишмоқда, фойдали қазилмаларини ўзлаштиришда, айниқса олтин қазиб олишда катта ёрдам беришмоқда. Шу билан яқин ва олинсадаги чет мамлакатлар Қирғизистон миллий иқтисодиётини халқаро миқёсда ихтисослашиб кетишига ёрдам бериб, янгидан тикланишига ва мамлакатда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кўмак беришмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра 1993 йил Қирғизистон халқининг яшаш даражаси дунёдаги 173

мамлакат ичида 82-ўринни эгаллаган (1992 йили Қирғизистон 83-ўринда эди). Олдинги сафда Канада, Швейцария, Япония, Швеция, Норвегия, Франция, Австралия, АҚШ, Нидерландия сингари ривожланган мамлакатлар бормоқда. Мустақилликни яқиндагина қўлга киритган мамлакатлардан Литва, Эстония, Латвия — 28-30-ўринларда, Россия — 34, Қозоғистон — 61, Туркманистон — 80, Тожикистон — 97, Ироқ — 100, Ҳиндистон — 139-ўринни эгаллайди. Бундай тақсимотни олиб боришда қуйидаги омиллар — биринчидан, ўша мамлакат одамларининг тинчликда, осойишталикда яшashi, уларда инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, узоқ умр кечириши; иккинчидан, мамлакатда киши бошига тўғри келадиган миллий даромад ҳажми, давлат хазинасидаги пулнинг тинчлик мақсадларида фойдаланиши, аҳолига мансий хизмат кўрсатиш ва экология масалалари ҳисобга олинади.

Мустақилликка эришгандан буён Қирғизистон Республикасини дунёнинг 130 давлати тан олди. Республикамиз дунёнинг 82 мамлакати билан дипломатик алоқа ўрнатди. Ҳозир Қирғизистонда Туркия, Россия, Ҳитой, АҚШ, Испания, Белгия, Исроил, Германия, Мўғулистон, Швеция, Дания, Чехия, Норвегия, Австрия, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Италия, Покистон, Финляндия, Буёк Британия, Швейцария, Вьетнам, Замбия, Нидерландия, Канада, Франция — ҳаммаси бўлиб 32 мамлакат элчихонаси фаолият кўрсатмоқда.

Қирғизистон Республикаси мустақил бўлиши биланоқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Халқаро Валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро ривожланиш ассоциацияси, Осиё ривожланиш банки, Европа реконструкция ва ривожланиш банки, Ислом ривожланиш банки, Европа ҳамкорлик комиссияси ва ҳоказолар Республикада иқтисодийнинг ривожлантиришга, ижтимоий таъминотни яхшилашга, кадрлар тайёрлашга сезиларли ёрдам бермоқда.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Қирғизистон Республикаси табиий географик ўринининг хусусияти ва унинг келажаги қандай?
2. Қирғизистоннинг ҳозирги табиий географик чегараси қандай объектлардан ўтади?
3. Қирғизистоннинг дунё миқёсидаги макен ҳақида шималарини биласиз?
4. Қирғизистоннинг табиий ва маъмурий чегараларини ёзувиз харитага туширинг.

## 2. РЕЛЬЕФИ, ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ ВА ФЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАРИ

### 2.1. Қирғизистон Республикаси ер юзасининг асосий хусусиятлари


Қирғизистон ҳудуди Тяншан тоғ тизмаси (системаси) ғарбий қисмини ва Помир-Олой тоғ тизмаларининг шимолини эгаллайди. Уларни ажратиб турган табиий чегара Фарғона водийси ҳисобланади.

Тяншан ғарбдан шарққа 2450 км чўзилган Марказий Осиёдаги энг йирик тоғ тизмасидир. Унинг ғарб томонидаги 1000 км га яқин қисмида Қирғизистон ҳудудининг асосий қисми жойлашган. Ғарб ва шимолидаги қатор тоғларнинг айримлари тўлалигича, баъзилари эса қисман Тожикистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудларига кириб боради. Ғарбий Тяншан билан Хитой Халқ Республикаси ҳудудидаги Шарқий Тяншан орасидаги табиий чегара шимолдан жанубга чўзилган, ўртача баландлиги қарийб 6000 м бўлган Меридиан тоғ тизмасидир.

Бу тоғ тизмаси асосан Тяншан тоғ тизмасини тенг иккига бўлади. Худди шу ерда Тяншан тоғ тизмаси (системаси)нинг энг жуда торайиб кетган. Меридиан тоғ тизмасидан Тяншанга тегишли тоғ тизмалари асосан кенглик бўйича чўзилиб, тобора ёйилиб борган. Масалан, Текес водийсидан Таримгача ўртача 100 км, Чуй водийси билан шарқий Қизилсувнинг соҳилигача эса 400 км дан ортиқ кенгаяди.

Меридиан тоғ тизмасидан ғарбга томон деярли тикка кўтарилган Сарижаз, Тангритоғ ва Бўзқир тоғ тизмаларининг ўртача баландлиги қарийб 6000 м. Уларда Қирғизистоннинг энг баланд чўққилари жойлашган. Меридиан тоғ тизмаси билан Бўзқир тизмаси туташган жойнинг баландлиги 6814 м. Ундан 14 км ғарбда давлат чегараси бўйлаб чўзилган Бўзқир тизмасида Тяншан тоғ тизмасининг энг баланд жойи-Ғалаба чўққиси (7439 м) жойлашган. Меридиан тоғ тизмасидан 9 км ғарбда Тангритоғ чўққисидан илгари Тяншан тоғ тизмасининг энг баланд чўққиси деб ҳисобланган Хон-тоғ (Хон-Тангри) чўққиси (6995 м) жойлашган.

Сарижаз билан Меридиан тоғи оралиғида Семенов чўққиси (5816 м) бор. Бу чўққининг шимолидан Терскай Олатовининг шарқий қисми-Ашутўр тоғ тизмаси, кейин яна 7 км ғарбда Адиртўр тоғ тизмаси бошланади. Бўзқирдан эса Оқтоғ, Энгил-



Кыргызистон хуудунинг орографик схемаси

чактоғ, Қайинди, Қўйқоп, Майбош деб аталган тоғ тизмалари бошланади. Шимолий ва жанубий Энгилчак музликларининг сув айырғичи бўлган Тангритоғ, Меридиан тоғ тизмаларидан ғарбга 38 км гагина чўзилиб, бирдан тугайди. Ғарб томондан эни 6-9 км, ўртача баландлиги 6000 м дан ортиқ бўлган Сарижаз водийси билан чегараланган. Юқорида аталган тоғларнинг жойлашиши Меридиан тоғ тизмасидан шарққа томон Хитой ҳудудидаги Қалиқтоғ ва Тундуқ (Сайқал) тоғ тизмалари билан биргаликда Хонтангри тоғ боғламини (туғунини) ташкил қилади. У Тяншан тоғ тизмасининг музликлари билан қопланган энг баланд марказидир. Шу ердан бошлаб ғарб ва шарққа томон тоғларнинг баландлиги аста-секин пасая бориб, текисликларга тутшиб кетади.

Хонтангри тоғ туғунидан ғарбга қараб чўзилган тоғ тизмаларининг айримлари бир неча юзлаб чақирим ораликда ястаниб ётади ва у Қирғизистон ҳудудидаги энг йирик орографик боғламга айланади. Бу тоғ тизмалари уч қисмга — шимолий, ўрта (оралиқ) ва жанубий қисмларга бўлинади.

**Тяншан тоғ тизмасининг** шимолий тармоқлари Кетмон тизмани тоғидан Талас Олатовигача чўзилиб ётган йирик антиклинал букилма бўлиб, шимолдан Или, Чуй ҳамда Талас водийси текисликлари билан туташади. У Тяншаннинг ўрта қисмидан Сусамир, Қўчқор, Иссиқкўл ҳамда Текес водийлари билан ажралиб туради. Шимолий тизмага Қирғизистон ҳудудига тегишли Кунгай Олатов, Или Олатовининг ғарбий қисми, Қирғиз Олатови, Талас Олатови киради.

**Кунгай Олатов** Қарқара дарёси соҳилидан Боом дарасигача 285 км га чўзилиб, Иссиқкўл ботиғини шимол томондан ўраб туради. Энг баланд чўққиси Чотқол (4771 м). Или Олатовидан челек ва Чўнкемин водийлари орқали ажралади. Катта Оқсув баланд тоғлиги Или Олатовига туташиб, Талғартоғ тизмалари туғунини ташкил қилади.

**Или Олатовининг** Талғартоғ туғунидан ғарб томон чўзилган Чўнкемин, Кичиккемин водийларининг жанубий ёнбағирларигина Қирғизистон ҳудудига киради. Ғарбий қисми пасайиб бориб, Чуй-Или тоғларига туташиб кетади.

**Қирғиз Олатови** орографик жиҳатдан Кунгай Олатовининг Боом дарасидан ғарбга кенглик бўйича чўзилган давоми ҳисобланади ва ғарбга томон Жамбул шаҳрига яқинлашиб тугайди. Унинг узунлиги 454 км га тенг бўлиб, кенг жойлари 40 км дан ортиқ. Тоғнинг баланд қисми Қораболта ва Шамши дарёлари

оралиғидаги (Бишкек шаҳрининг түғрисида) Фарбий Оламудун чўққисидир (4895 м). Тоғ шимолда Чуй водийси, жанубда Талас, Сусамир ва Қўчқор водийлари билан чегараланади.

**Талас Олатови** Қирғиз Олатовидан Қораболта, Қоракўл ва Сусамир дарёларининг сув айирғичи-Ўтмўк тоғидан бошланади. Аввал жануби-ғарбга йўналиб, Отўйноқ ва Чотқол тизма тоғлари билан бирлашгандан кейин ғарб ва шимолий-ғарбга томон, Арис дарёсининг соҳилигача 260 км га чўзилиб ётади. Эни энг кенг жойида 40 км дан ортиқ, энг баланд нуқтаси Манас чўққиси (4482 м) ҳисобланади. Шимолдан Талас водийси, жанубдан Сусамир, Кетмонтепа, Чотқол водийлари ўраб туради.

**Марказий Тяньшан** Хон-Тангри тоғ боғламининг шимолий-ғарб томонидан, Сарижаз тоғ тизмасининг шимол томонидан бошланади. Худди шу ердан Ашутўр тоғ тизмалари номи билан машҳур бўлган энг кўркам орографик бирлик-Терскай Олатови бошланади.

**Терскай Олатови** Хон-Тангри тоғ боғламига Ашутўр тоғ тизмаси номи билан Сарижазнинг энг баланд жойи-Семёнов (5816 м) чўққисига бориб тақалади. Ашутўрнинг энг баланд жойи 5470 м. Сарижаз дарёсининг юқори қисмидаги Терскай Олатови бирдан пасайиб, 3300 — 3600 м баландликдаги тепаликлар билан баробарлашиб, Ўттуқ дарёси қаршиенга келганда яна кескин баландлаб, ғарбга 354 км га чўзилиб кетади. Энг кенг жойи 40 км дан ортиқ. Шимол томони Иссиқкўл ботиғидан, Қўчқор водийсигача бориб тақалади. Терскай Олатовининг энг баланд жойи Қоракўл чўққиси (5216 м) бўлиб, Қоракўл дарёсининг катта қисмини эгаллаб туради. Агарда Ашутўр Терскай Олатовининг шарқий қисми бўлиб ҳисобланса, Семенов музлигининг ўнг томонидаги 5470 метрлик чўққи унинг энг баланд қисмидир.

Терскай Олатови асимметрик шаклга эга: шимол томони кенгайиб, Иссиқкўл ботиғи томон аста-секин пасая боради ва ясси ёнбағирни ҳосил қилади, жануб томони эса қисқа ва кескин пасайган, тик ёнбағирга эга.

Тяньшаннинг ўрта қисмини ташкил этган баланд тоғлар Қорақужур, Кичик-Норин, Орабел, Қумтўр, Саригчат, Қўўлу ва Сарижаз водийлари билан ажралган. Ушбу водийлардан жанубда Терскай Олатови сингари кенглик бўйича тарқалган бир неча тоғ чўққилари жойлашган. Энг шимолда Сарижаз, Қўўлу тизма тоғлари, Оқшийроқ тоғ тугуни, ғарбга томон кетма-кет бошланувчи Етимбел, Етим, Нура, Қапқатош, Байдулу, Қора Жўрғў, Дўлўн довонидан олдин юқорида айтиб ўтилган тоғларнинг да-

воми қисқа, аммо баланд тоғлар-Сўнкўлтоғ, Қизарт, Қарағат-ти тоғлари ястаниб ётади. Сўнкўлни жанубдан Мўлдўтоғ, Жумғол водийсини шимолдан Жумғолтоғ билан Саидқоғ тизмалари қуршаб туради. Кўкўмерон водийсидан ғарбда Талас Олатовигача Сусамир тоғ тизмалари чўзилган. Кетмонтепа водийсини Тўғиз-Тўрў водийсидан ажратиб турган Кўкийрим тоғи, Тяньшан тоғларининг ўрта тизмасини Фарғона тоғ тизмасига боғловчи орографик объект ҳисобланади.

**Тяньшан жанубий** тоғ тизмасининг асосий тармоғи Хон-Тангри тоғ боғлами жануби-ғарбидан бошланган Кўкшаал тоғларидир. Бўзқирдан ғарбга томон, то давлат чегарасигача-Чатиркўлининг жанубигача 582 км га чўзилган Кўкшаал тоғи, бутун Тяньшан тоғлар гуруҳининг йирик орографик бирлиги бўлиб ҳисобланади.

**Кўкшаал тоғлари** мураккаб орографик тузилишга эга. Хон-Тангри тоғ уюмининг жануби-ғарбининг эгаллаган Кўкшаал тоғидан бир неча тоғлар бошланади. Энг жанубдаги Энгилчак музлигини унинг чап тармоғи бўлган Жилдизча музлигидан Оқтоғ тизмаси ажратиб туради. У Уруш топографлари чўққисидан (6873 м) шимоли-ғарбга томон чўзилади ва баландлиги 5200-6000 м дан ошмайди. Асосий тоғ тизманинг тепасидан шимол бўйлаб Оқтоққа ёнма-ён яна бир қанча қисқа (9-10 км), бироқ баланд тепаликлар ёввойи, Пролетар туристи, Комсомол музликларини ажратиб, жанубий Энгилчак водийсига тақалади. Жилдизча музлигининг бир қисми, Кўкшаал тоғининг энг баланд жойи-Ғалаба чўққисининг шимол томонида Қўйқопбоши (5620 м) чўққисидан шимолга чўзилган алоҳида тоғ тизмалари ғарбга бурилиб, олдин Қайинди тоғ тизмасини, кейин Энгилчак тоғини ҳосил қилади. Кўкшаал тоғидан ғарб томон Сарижаз дарасигача яна Қўйқоп (Теректи) ва Майбош тизма тоғлари ажралани. Кўкшаал тоғини Уруш топографлари чўққисидан Сарижаз дарасигача бўлган қисминини Бўзқир деб ҳам атайдилар.

Сарижаз дарасидан ғарбга томон Узунгу Қууш дарасигача бўлган қисми бироз баланд бўлиб, музликлар билан қопланган. Энг баланд Жанғартбоши чўққисининг баландлиги 5390 м.

Узунгу Қууш билан Оқсой (Кўкшаал) дараларининг орасидаги Кўкшаал тоғида баландлиги 5982 м га яқин Данков чўққиси бор. Бу ерда Кўкшаал тоғининг йирик музликлари жойлашган. Оқсой дарасидан ғарбдаги Кўкшаал тоғининг яна бир

гармоғи жанубга томон чўзилиб, сўнгра ғарбга бурилади ва Тўруғарт тоғи билан уланади. Кейин бу тоғ Фарғона тизмалари билан қўшилиб кетади.

Тяншан тоғ тизмасининг марказий тизмаларини жанубдан бўлиб турган асосий табий чегара Норин водийсидир. Шарқда унинг давоми Катта Норин, Қорасой, Оқшийроқ ва Энгилчак водийларидан, сўнг Сарижаз дарасининг ўнг томонидаги Энгилчак тоғининг ғарбий қисмидан, теректи тоғ тизмаси билан Қайинди баланд тоғининг давоми-Эшегарт (Уч-қўл) тоғ тизмаларидан иборат.

Меридиан тоғ тизмасидан Оқшийроқ тоғ тугунигача шимолдан Терскай Олатов ва жанубдан Кўкшаал тоғи билан ўралган Тяншаннинг энг баланд, абадий музликлар билан қопланган қисми географик маъбаларда **Марказий Тяншан** номи билан маълум. «Марказий» деб аталишининг сабаби Хитой томонидан Шарқий Тяншан билан Қирғизистон ҳудудидаги Ғарбий Тяншан оралиғидаги марказда жойлашганлигидир.

Юқорида таърифланган Тяншан тоғлари уч томондан Фарғона тоғ тизмасига бориб тақалади. Унинг асосий тоғ тизмаларидан фарқи жануби-шарқдан шимоли-ғарбга томон бироз бурилиб жойлашганлигидир.

**Фарғона тоғ тизмаси** Фарғона водийсини Олабуқа, Тўғузтўрў ва Нориннинг бошқа майда водийларидан ажратиб туради. Шаклий тузилиши бўйича Ички Тяншаннинг ғарбий чегараси Тўруғарт тоғининг Олой тоғ тизмаларига қўшилган жойидаги Уч-Сейит тоғ боғлами (баландлиги 4940 м)дир. У шимоли-ғарб томон бироз пастлаб, баландлиги 3000 м ни ташкил қилади. Қораунғур тоғига етганда баландлик қайтадан 3500-4000 м гача кўтарилади. Ғарбий чегара (Бабошота тоғи)да баландлик 4427 м гача етади. Фарғона тоғ тизмаси жуда кўркам табий чегара. У Марказий Норин ва Фарғона водийлари бўлиб турган нафақат орографик, балки иқлимий, гидрогеологик ва ландшафтли чегара ҳамдир. Фарғона тоғ тизмасининг шимоли-шарқий ёнбағри қисқа ва тик қиядикни ҳосил қилса, жанубий-ғарб томони эса кенг ва ясси бўлиб, аста-секин Фарғона водийси паст текисликларига уланиб кетади.

Ғарбий Фарғона тоғ тизмаси, унинг шимоли-ғарбий давоми Отўйноқ баланд тоғи, Талас Олатовининг шарқий қисми, Қирғиз Олатовининг шарқи, Терскай Олатови, Оқшийроқ тоғ боғлами, кейин Сарижаз дарё ҳавзаси орқали Кўкшаал тоғига-ча бориб, унинг баланд чўққилари бўйлаб қайтадан Фарғона тоғ

тизмасига келиб туташган ёпиқ контур орасидаги ҳудуд географик манбаларда **Ички Тяншан** деб аталади.

Ички Тяншаннинг ғарбий чегараси Кетмонтепа паст текислигини Қорасув дарёси ҳавзасидан бўлиб турган Отўйноқ тоғ тизмасига, Чотқол тоғи билан Талас Олатовининг ғарбий қисмигача бориб тақалади. Мана шу уччала баланд тоғнинг бириккан жойидан ғарб ва шимоли-ғарбга томон чўзилиб ётган Талас Олатови, Ғарбий Тяншан деб аталган табиий-географик ҳудуднинг орографик ўқи бўлиб ҳисобланади. Шу баланд тоғнинг жанубида, жануби-ғарб томон Чотқол тоғ тизмаси ҳамда унга ёндош Сандалаш, Писком, Угом ва Қоражантоғ тизмалари чўзилиб ётади. Улардан Чотқол тоғларининг кўпчилик қисми, Сандалаш тоғи тўлиқ, Писком тоғининг жануби-шарқ томони Қирғизистон ҳудудида жойлашган.

**Чотқол тоғ тизмаси** Фарғона водийсининг шимолидан, Қирғизистон ҳудудидаги Саричелак кўлидан Ғовасой бўйлари-гача чўзилган, ғарбдан Ўзбекистон ҳудудидаги Оҳангарон водийсининг шимоли билан чегарадош. Оҳангароннинг табиий сув айирғичи Қурама тоғларидир. Чотқолнинг узунлиги 225 км, энг кенг жойи 30 км, энг баланд жойи 4503 м.

**Сандалаш тоғ тизмаси** Талас Олатовининг жануби-ғарбига томон, Чотқол дарёсининг йирик ўнг ирмоғи Сандалаш дарёсининг қуйилишигача 72 км га чўзилган. Энг кенг жойи 10 км, энг баланд жойи 4114 м.

**Писком тоғ тизмасининг** жануби-шарқ томонигина Қирғизистонга қарашли. Умумий узунлиги 141 км, энг кенг жойи 20 км, энг баланд жойи Бештор чўққиси-4299 м.

Қирғизистоннинг жануби-ғарб томони Помир-Олой тоғларининг шимолий қисмидан ўрин олган. Бу тоғ уюмларини Тяншан тоғларидан ажратиб турган табиий чегара Олойку водийсидир. Бу шу жойининг асосий орографик бирлиги бўлиб, Олой тоғ тизмалари ҳисобланади.

**Олой тоғ тизмаси** шарқдан Кўкшаал тоғи билан Фарғона тоғларининг бириккан жойидан ғарбга томон Матча тоғ боғламигача 350 км кенгликда ястаниб ётади. Ғарб томон бу тоғдан аста-секин майда тоғлар бўлиниб, уларнинг айримлари алоҳида тизма тоғларга айланади, баъзилари ҳар томонга тармоқланиб борган сари пасайиб боради ва ниҳоят тугайди.

Асосий тоғ тизмаси Матча довоидан иккига бўлиниб, ғарб томон ёнма-ён чўзилган Туркистон ва Зарафшон тоғ тизмаларини ҳосил қилади. Фарғона водийсининг жанубини Туркистон тоғ

тизмаси билан Олой тоғлари эгаллаб туради. Кўндаланг кесими бўйича кескин асимметрияли: жануб томони қисқа ва баланд, шимоли 60-70 км га чўзилиб, Фарғона водийсининг адирлари томон аста-секин пасаяди. Ўртача баландлиги 4000 м гача, энг баланд жойи-Кўксувнинг боши (61277 м). Унинг баландлиги шарқдан ғарбга томон ортиб боради ва Оқбура дарёсининг юқори қисмида 5258 м, Сўх ҳавзасида эса 5530 м гача кўтарилади.

Шарқ томонда Олой тизма тоғларидан бошланган Олойку, Терактоғ, Адишев номидаги тоғ тизмалари жойлашган. Ғарбида эса Оқтўр, Кичик Олой, Коллектор, Текалик деган йирик ҳудудлар жойлашган. Буларнинг орасида баландлиги ва узунлиги бўйича Кичик Олой тоғ тизмаси алоҳида ўрин тутати: бу тоғ тизмаси Оқбура ҳавзасидан Исфайрамсой водийсигача 78 км га чўзилади. Энг кенг жойи 20 км, энг баланд жойи эса 4954 м.

*1-жадвал*

**Асосий тоғ тизмалари ҳақида морфометрик маълумотлар**  
(Қирғизистон атласи бўйича, 1987 й)

Тартиб рақами	Тоғ тизмаларининг номлари (чўккилари)	Узунлиги, км	Энг кенг жойи, км	Энг баланд жойи, м	Уртача баландлиги, м
1	Олой	350	20	5539	4450
2	Олойку	130	15	4754	4190
3	Отбоши	140	30	4788	4300
4	Бойбичтоғ	140	13	4337	3900
5	Бўркўлдўу	90	34	5170	4500
6	Жангнер	104	17	4844	4000
7	Етим	130	24	4896	4300
8	Етимбел	100	13	4627	4200
9	Или Олатови (Талғар)	120	30	4973	3700
10	Кўкшаалтоғ (Ғалаба)	582	52	7439	4500
11	Хонтоғ (Хон-Тангри)	38	9	6995	6000
12	Қирғиз Олатови (Оламудун)	454	40	4895	3700
13	Кунгай Олатов	285	32	4770	4200
14	Меридиан	32	20	6814	6100
15	Муллатоғ	110	36	4195	3500
16	Норинтоғ	120	18	4499	4200
17	Писком	141	20	4396	3860
18	Сусамир	126	30	4042	3500
19	Талас Олатови (Манас)	260	40	4482	3900
20	Терская Олатов	354	40	5216	4300
21	Туркистон	300	30	5621	4430
22	Фарғона	206	62	4893	3600
23	Чотқол	225	30	4503	3800
24	Бош Олой (Ленин)	250	40	7134	5460

**Туркистон тоғ тизмасининг** шимол томони Қирғизистон ҳудудига қарайди. У Олой тоғ тизмасининг ғарбий давоми бўлиб, Фарғона водийсининг жанубини эгаллайди. Матча довоидан бошлаб, Жиззах шаҳри меридианигача (300 км) давом этади. Шарқ томонининг баландлиги 5000 м дан ортиқ, ғарбга борган сари аста-секин пасайиб, 2000 м баландликдаги Нурота тоғига туташади. Қирғизистон ҳудудига Сўх дарёсининг юқори оқимидан Оқсув дарёсининг ўзанигача — 140 км га яқин қисми тегишли. Энг кенг жойи 20 км, энг баланд жойи 5622 м.

Қирғизистон ҳудудининг энг жанубий чеккасида Помир тоғларининг шимолӣ қисми бўлган Бош Олой тоғи жойлашган.

**Бош Олой тоғ тизмасининг** сув айирғичи Тожикистон билан Хитой Халқ Республикасидан Қирғизистон ҳудудини ажратиб турувчи чегара хизматини бажаради. Олой тоғ тизмаси билан Бош Олой тоғ тизмаси ўртасидаги кенгликда ястаниб ётган Олой водийси Помир тоғлари билан Олой-Туркистон тоғларининг табиӣ чегарасидир. Бу тизма ғарбда Қизилсув билан Муғсув дарёлари чеккасидан, шарқда шарқий Қизилсув билан Марқаш дарёсининг қўшилган жойигача 250 км масофага кенглик бўйича чўзилган. Унинг 190 км лик қисми Қирғизистон чегарасида бўлиб, энг баланд жойи Ленин чўққисига (7134 м) тўғри келади. Бу баландлиги бўйича Қирғизистондаги иккинчи чўққидир.

### Савол ва топшириқлар

1. Тяньшан тоғларининг шимолӣ тизмасига қайси тоғ тизмалари киради?
2. Тяньшан тоғларининг марказий ва жанубий тизмалари чегараларини ташкил қилган водийларни эсланг.
3. Кўкшаал тоғи гуруҳига тегишли тоғ тизмалари номини айтинг.
4. Помир-Олой тоғлари гуруҳига кирган тоғ тизмалари номини айтинг.
5. Ёзувсиз харитага асосий тоғ тизмаларини туширинг.

## 2.2. Геологик ривожланиш тарихи, ер юзасининг тараққиёти ва тектоникаси

Қирғизистон ҳудудида жойлашган Тяньшан ва Помир-Олой тоғлар гуруҳи қадимги архей ва протерозей эраларидан тортиб, охириги неоген-тўртламчи давргача бир қанча мураккаб геологик жараёнларни бошидан кечирган. Тяньшан тоғлари гуруҳининг пойдевори палеозой давридан бошлаб пайдо бўла бошлаган, аммо геосинклинал режимининг бошланиши ва охирилари бир хил бўлган эмас. Ороген ҳаракатининг бошқичлари бўйича Қирғизистон бир неча геологик структурага бўлинади.

Булар: Шимолий Тяньшан, Марказий Тяньшан ва Жанубий Тяньшан. Бу номлар аҳамияти бўйича табиий географияда аталган ҳудудларнинг номларига мос келмайди. Геологик тuzилиши ва орогеник бошқичлари бўйича Олой-Туркистон тоғлар гуруҳи Тяньшанга яқин. Шунинг учун бу тоғлар гуруҳи Кўкшаал тоғлари билан биргаликда «Жанубий Тяньшан» деб аталади.

**Шимолий Тяньшанга** Талас Олатови, Қирғиз Олатови, Сусамир тоғи, Жумғол тоғи, Кунгай Олатови, Сўнкўл тоғи, Қора Жўрғў тоғлари киради. Бу ерда палеозой давригача ва илк палеозойнинг бошланишида геосин-клинал текисликлари ҳосил бўла бошлаган. У Или Олатовининг жануб ва ғарб томонларидаги бепоён ҳудудни эгаллайди. Кембрийнинг охирида ва ордовикнинг бошланишида дастлабки каледон тектоник ҳаракатлари бошланиб, илк қўтарилишлар Мақбал ва Бурхон эпигеосинклиналли ороген-бурмаланиш системасини ташкил қилган. Ордовикнинг ўрталарида Қоратоғ-Талас қўшилиш жойлари ташкил топади. Ордовикнинг охири ва Силурнинг бошланишида охириги каледон ҳаракатлари натижасида Сусамир, Қирғиз Олатовининг марказий қисми, Чўн-Кемин ва Жирғалан бириктирилган зоналарининг ҳосил бўлиши билан Шимолий Тяньшаннинг геосинклинал режими тамом бўлади. Палеозойнинг ўртаси ва сўнги даврида Шимолий Тяньшан каледонидлари кенг ҳудудни эгаллаган, геосинклиналли тепаликларда майдаланган жинсларни ундаги жарлик ва ҳавзаларга элтиб турувчи жой бўлган. Шимолий Тяньшанда ташкил топган гранодиоритларнинг майда массивлари каледон бириктирилишининг кейинги давларига тўғри келади.

## ГЕОХРОНОЛОГИК ЖАДВАЛ

**(Ер пўстидаги тоғ жанслари қатламларининг ҳосил бўлиш даврлари тартибини кўрсатувчи жадвал)**

Эралар млн йил	Даврлар	Даврчалар	Бошланиши, млн йил ҳисобида	Давом этиши, млн йил ҳисобида
Кайнозой 67 млн йил	тўртламчи давр (антропоген) неоген палеоген	голоцен	0,013	0,013
		плейстоцен	1,5	1,5
		плиоцен		
		миоцен	25	23,5
		олигоцен		
		эоцен		
		палеоцен	67	42
Мезозой 163 млн йил	бор юра триас	1	137	70
			195	58
			230	35
Палеозой 340 млн йил	перм тошкўмир девон силур ордовик кембрий		285	55
			350	75-65
			410	60
			440	30
			500	60
		570	70	
Протерозой 2 млрд йил	юқори протерозой қуйи протерозой		1650	1100-970
			2600	1000 йил
Архей 1 млрд йил	бўлинмайди		3600	1000

**Марказий (Ўрта) Тяншанга** Оқшийроқ тоғ тугуни, Етимтоғ, Норинтоғ, Кўллў, Кўкийрим тоғи, Мўллўтоғ, Чотқол, Сандаш, Писком тоғлари киради. Палеозойнинг бошларида Марказий Тяншан геосинклинал мантиқанинг чеккаси бўлиб, чўкмаларнинг йиғилиши давом этаверган. Силур ва девоннинг биринчи ярмида Марказий Тяншаннинг кўпчилик қисмида чўкмаларнинг йиғилиши тўхтаб, йирик ва майда бирикш жойлари пайдо бўлган. Палеозойнинг охиридаги ороген ҳосил бўлиши Талас Олатовининг ғарбида, Чотқол, Кавактоғ, Оқшийроқ, Марказий Тяншан эгаллаган ҳудуд тарда айниқса кучли давом этган. Шундай қилиб, Марказий Тяншаннинг қўшилиш жойлари охириги каледон ва герцин ороген тоғ ҳосил бўлиши натижасида ву-

жудга келган. Марказий Тяншанда интрузив магматизм жаранни секин кузатилган ва улар асосан герцин тоғ ҳосил бўлиш даврига боғлиқ бўлган.

**Жанубий Тяншан** Кўкшаал ва Фарғона тоғ тизмаларини, Олой-Туркистон тоғ гуруҳларини, тўла, Чотқол-Қурама тизмаларининг бирозгина қисмини ўз ичига олади. Ордовикнинг охири ва силурда бошланган катта ҳудуддаги геосинклинал режим (герцин тоғ пайдо бўлиш даври) Урал, Фарбий Сибир, Қозоғистон паст тоғлари, Олтой, Тарбағатой, Жунғар Олатови, Помир-Олой ва Жанубий Тяншани ҳам ўз ичига олган. Палеозойнинг ўрталари ва охириларида юз берган ороген ҳаракати-герцин тоғ ҳосил бўлиши натижасида Кўкшаал, Янгир каби ҳосил бўлган тоғлар вужудга келган. Тошқўмир даврининг бошларида Туркистон ва Олой тоғ тизмаларининг ғарбий қисмларида кучли тоғ ҳосил бўлиш бошланган. Жанубий Тяншанининг шимолий чеккаларидаги тоғ пайдо бўлиш босқичлари кейинроқ тошқўмир даврининг охирига тўғри келади. Шу даврда Туркистон, Олой тоғ тизмаларининг шимолий ёнбағирлари, Олой тоғларининг шарқий қисми, Фарғона тоғ тизмасининг жануби-шарқи, Чатирқўлнинг атрофи, Кўкшаал тоғининг ғарби ва марказий Тяншан жанубидаги тоғлар пайдо бўлган.

Герцин тоғ пайдо бўлиш давридан сўнг тектоник ҳаракатлар тугаб, Тяншанининг ҳамма қисмида, шу билан бирга Помир-Олойда ҳам платформаларга ўхшаш қўшма континентал воқалар ҳосил бўлади.

Герцин тоғ пайдо бўлиш даври чўкма жинсларнинг қалин қатламига ҳар хил таркибдаги магмаларнинг суриб кириши билан бирга, бу чўкма жинсларнинг метаморфизацияланишига (жинсларнинг ўзгаришига), интрузив тоғ жинсларининг кўплаб ҳосил бўлишига сабабчи бўлган.

Тяншанининг палеозой эрасидаги узоқ давом этган геологик ривожланиши, унинг шимолидаги каледонидларни, ўрта қисмидаги каледонидлар ва герцинидларни ҳамда жанубидаги герцинидларнинг ҳосил бўлишига олиб келди. Улар бир-биридан катта ва чуқур ер ёриқлари ва чўкмалари билан ажралиб туради. Шимолий Тяншан Марказий Тяншандан «Тяншанининг асосий таркибий чизиғи» деб аталган чизиқ орқали Қоратўғдан Сариязгача чўзилган ер ёриғи билан ажралиб туради. Жанубий Тяншан эса Марказий Тяншандан Чотқол-Норин ер ёриғи билан бўлинади.

Палеозойдаги тоғ ҳосил бўлиш даври тамом бўлгандан сўнг, Тяншанининг геосинклинал режими платформа режими билан

алмашинади. Перм даври охирлашганда герцин тоғ ҳосил бўлиш давридан ҳосил бўлган баланд тоғлар емирилиб, пенепленга айланган.

Биринчи бўлиб америкалик геоморфолог М. Девис емирилган тоғларнинг ўрнида ҳосил бўлган текисликни пенеплен деб атади ва фанга киритди. Пенеплен — деярли текислик демакдир.

Тоғларни пенепленга айлантирган денудация режими мезозой давридан палеогеннинг олигоцен давригача сақланган. Мезозой эрасининг юра даврида бироз вертикал тектоник ҳаракатлар бўлиб ўтади ва ҳозирги пайтдаги текисликлар, ҳавзаларнинг дастлабки замини-излари пайдо бўла бошлаган. Жойланиши бўйича палеогендаги Тяншан ҳудуди тахминан ҳозирги Марказий Қозоғистон тепаликлари билан паст текисликларини эслатади.

Тектоник жиҳатдан Тяншанда ҳукм сурган меъёрли осойиштадик палеоген даврининг охири-олигоценгача сақланган. Палеогеннинг охири-олигоценда ҳосил бўлган текислик ва ҳавзалар ўрнида тепаликлар ҳосил бўлиб, бутун Тяншанда дифференциаллашган ҳаракат бошланади. Шу даврдан бошлаб, Тяншан янги (эпиплатформа) ороген ҳаракати натижасида аввал ҳосил бўлиб, кейинчалик емирилиб, текисликларга айланган структураларда (эпигеосинклинал орогенлар) бурунги ҳолатидаги каби кучли вертикал кўтарилиш содир бўлади. Тяншаннинг чекка томонларидаги ички ер ёриқлари ва ҳавзалардаги чўкмалар, аввал кичик бўлиб, кейинчалик йириклаша бошлагани бунга далил бўла олади. Юқорига кўтарилиш босқичи, яъни ороген ҳаракатлар, неоген ва тўртламчи даврларда давом этиб, Тяншаннинг аввалги структурасини бузмай, ёппасига кўтарилишига сабаб бўлган.

С.С.Шульц таълимоти бўйича Тяншаннинг ҳозирги жойлашувини ҳосил қилишда катта майдонни эгаллаган бир неча тоғ гуруҳлари (антиклиналлари) ва ички текисликларни (синклиналлари) ўз ичига олган тоғ ҳосил бўлишлар (эпиплатформа орогенлари) асосий хизматни бажарган. Тяншаннинг катта қисмида мезозойдаги денудацияланган текисликлар бузилмай, ўз ҳолатини яхлит сақлаб қолган. Ҳудуд бўйича кенг тарқалган йирик ҳосил бўлиш таркибида содир бўлган иккинчи даражадаги ҳосил бўлишлар натижасида Иссиққўл, Норин ҳавзалари сингари ҳудудлар (синклинорийлар) ялпи кўтарилишга дучор бўлган. Бундай қадимги ҳолати бузилмай сақланган ҳудудларда ҳозиргача мезозой даври пенепленларининг қолдиқлари бор.

Улар Тяншан сиртларида кенг тарқалган, жумладан Саригаз, Олабел, Қумтўр дарёларининг ўзанида, Бўрқўлдўй тоғларида, Оқсой, Чатиркўл водийларида 3600—4000 м баландликларда учрайди.

Жумҳуриятимизнинг Тяншан ороген қисми ҳар хил катта-кичикликдаги тектоник тузилмалардан иборат бўлиб, улардан энг катталари бурмали тузилмалардир. Булардан асосийлари Чотқол, Қурама, Туркистон тузилмалари ҳисобланади.

Ороген ва плитали тузилмалар герцин ва альп тоғ пайдо бўлиши даврида вужудга келган. Улар турли катта-кичикдаги ва йўналишдаги ер ёриқлари билан кесилган. Бу ер ёриқлари орқали бўлиб турадиган ҳаракатлар таъсирида мазкур тектоник тузилмалар ҳар хил баландликларга қўтарилган. баъзилари чўккан, натижада палахсасимон тузилмалар ҳосил бўлган.

Геологлар С.С.Шульц, М.М. Адишев ва бошқаларнинг фикрича Тяншан тоғлари билан тоғлар орасидаги ботиқларни барпо этган структурали шакллар асосан палеозой жинсларидан таркиб топган тузилмалардир. Палеозой ва палеозойгача бўлган жинслар денудацион жараёнлар натижасида емирилади, тоғ тузилмаларининг антиклиналлари баланд тоғ системаларини, аксинча йирик ботиқлар эса тоғ орасидаги водийларни ҳосил қилади. Уларнинг эни 60-150 км, узунлиги бир неча юзлаб км, баландлиги (ёки чуқурлиги) 8-10 км. Бундай меготузилмалар ёки антиклинорий ва синклинорийлар ўз навбатида эни 15-20 км, узунлиги 60-100 км га тенг бўлган ички водийларга (синклиналлар) тўғри келадиган иккинчи даражадаги паст тоғлар ва эгри тузилмаларга бўлинади. Булар Тяншаннинг ҳозирги ҳолати асосини ташкил қилади. Тектоник ҳаракатлар эса ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Ҳозирги даврда кузатилаётган фаол тектоник ҳаракатлар ва зилзилалар бунга мисолдир.

Олой водийси билан Катта-Олойтоғ тизмаси ривожланиш тарихи ва тузилиши бўйича Тяншан билан Олой-Туркистон тоғ тизмаларидан кескин фарқ қилади. Олой водийси Катта-Олойтоғ тизмасининг шимолидаги чуқурлиги 10 км келган тоғ ёриқларига яқин жойлашган. Палеозойда ҳосил бўлган эпигерцин платформасининг жанубидаги Катта Олой, қадимий Тетис океанининг шимолий қирғоғи қатори, охириги альп геосинклинал режимининг бошланишигача сақланган. Шунинг учун Олой водийсининг ер остида мезо-кайнозой чўкинди жинслар жуда қалин

қатламни барпо этган. Катта Олой тоғ тизмаси ва айниқса, антиклинал тузилишга эга бўлган Помир тоғ тизмаларининг шимолӣ чеккаси кейинги альп тоғ пайдо бўлиш даврларида вужудга келган.

### Савол ва топшириқлар

1. Қирғизистон ҳудудининг геологик тарихини ва тузилиши бўйича бўлинишини контур харитага чизинг.
2. Геологик тарихи бўйича Жанубий Тяншанга қайси тоғ тизмалари киради?
3. Терская Олатови қайси геологик структурага киради?

### 2.3. Қадимий музликлар

Тяншан ва Помир-Олой тоғ тизмалари тўртламчи даврда қалин муз қатламлари билан бир неча марта қопланган. Тоғ оралиғида жойлашган водийлардаги хад-ҳисобсиз кум, шағалтош, мореналар йиғиндиси, ботиқ шаклдаги водийлар, яланг қоялар, ором курси шаклидаги карлар (кар-шведча кресло-ором курси демақдир), цирклар, қадимий музликлар ҳаракатидан ҳосил бўлган рельеф шакллари 1800 — 2000 м дан баланддаги ҳамма жойда учраши бунинг далилидир. Олимларнинг кўп йиллик изланишлари натижасида шу нарса маълум бўлдики, Тяншан ва Помир-Олой тоғлари тўртламчи (плейстоцен даврининг бошланишидан ҳозирги (голоцен давргача уч марта муз билан қопланган.

Дастлабки (илк) плейстоцен бошланишидаги музликлар неогендан кейинги тектоник ҳаракатларнинг кучайиши натижасида ҳам ҳудуддаги баланд тоғлар структурасини бузмай, ҳозирги ҳолатини сақлаб турибди. Марказий ва Ички Тяншанда маълум баландликларда жойлашган қалин муз қопламни шу ҳудудларнинг табиий қалқони дейиш мумкин. Баланд тоғларнинг водий музликлари ҳосил қилган троглар, қўй пешоналар, морена кўллари ва тепаликлари ҳозир ҳам яхши сақланган. Сарижаз, Қумтўр, Арабел, Оқсой, Олой водийларида, Сўнкўл билан Чатиркўл ботиқларида, баланд тоғ орасидаги водийларда қадимги эриш жараёнларида тугаб улгурмаган унча кўп ва фаол бўлмаган муз қалқонлари учрайди. Муз қоплашлардан кейинги даврларда об-ҳавонинг исииши ва намликнинг озайиши уларнинг жадал эришига, тоғ ёнбағирларида емири-

лиш жараёнларининг кучайишига сабаб бўлган. Дастлабки муз қоплаш даврининг қолдиқлари ва у юзага келтирган рельеф шакллари яхши сақланган эмас. Бунга охириги муз қоплаш ва нураш жараёнлари сабаб бўлган. Маълумки, муз қоплаш жараёнлари жуда мураккаб йўл билан, аниқроғи тоғ ораси ботиқлари ва кенг водийлардаги чўкмадар қолдиқларини ўрганиш натижасида аниқланади.


Тектоник жараёнлар кучайишининг иккинчи турқуми плейстоцен ўрталигида об-ҳавонинг навбатдаги совушига тўғри келади. Муз қоплашнинг иккинчиси дастлабкисига қараганда кенг-роқ ҳудудни эгаллаган. Бу даврни максимал муз қоплаш даври деб аташади. Бу даврдаги абадий музликлар Тяншаннинг ички томонини, айниқса шу пайтда унча емирилмаган тепаликлар (Сарижаз, Оқсой, Сусамир, Олой, Арабел, Қумтўр ва бошқаларни) қалқон сингари тўла қоплаб ётган. Чекка тоғ тизмаларида, Иссиқкўл атрофи, Ўрта Норин ва бошқа водийларда музликлар дараларни эгаллаб, тоғ этакларигача пастлаб келган. Масалан, Терскай Олатовидан тушган водий музликлари денгиз сатҳидан 1800-1900 м баландликларда ҳам мавжуд бўлган ва буни тасдиқловчи изларни қолдирган. Олой водийсида даралардан тушган музликлар бир-бирлари билан қўшилиб, тугаш муз далаларини ҳосил қилган. Улар Қизилсув ва Сурхоб водийларигача етган. Қирғиз Олатовининг шимол томонидан тушган музликлар даралардан чиққан эмас, лекин улар кўп тармоқли водийлардаги қўшилиш жойларида ҳар тарафга шоҳлаган йирик дендрий (дарахтсимон) шаклдаги ўилаб музликлар ҳосил бўлган.

Ўша замонлардаги қор чизиги, ҳозиргига нисбатан чекка тоғ тизмаларида 800 — 900 м, ички ҳудудларда эса 350 — 500 м паст бўлган.

Терскай Олатовнинг шимолӣ ёнбағридаги қадимги муз қопламларининг ўрни ва ҳозирги музликларининг жойлашиши

Шундай қилиб, плейстоценнинг ўрталарида катта ҳудудни эгаллаган абадий музликлар тоғ тизмаларининг марказий қисмида қалқонсимон муз далаларига ўхшаса, уларнинг чекка томонларида мураккаб дендрий шаклдаги йирик водий музликлари жойлашган. Уларнинг охири (тили) тоғ этакларигача етиб, қалин мореналар билан флювиогляциал шағалларни ҳосил қилган.

Муз давридан кейин тектоник ҳаракатлар фаоллиги пасайиб, об-ҳаво қайтадан исиб кетади. Натижада музликлар



Терсей Олатовнинг shimoliy qismida qadimgi muz qoplamlarining urini va hozirgi muzliklarning joylashishi

эриб, чекина бошлайди, оқар сувлар миқдори ва тезлиги ортиб, эрозия емирилиш кучайиб, рельефнинг hozirgi holatiga yaqin chuqur daralar hosil buladi. Masalan, Sarijaz vodiysida maksimal muz qoplashlaridan keyin сув uйgan darachuqurliklar 800 — 1200 м gacha etgan. Asosan uша vaqtdagi tog' eñbaqirlarining eмирилиши Тяньшаннинг hozirgi holatini hosil qilgan. Uрта pleistotsenda muzliklar chekinib, biratula iуqolib ketgan emas. Taxminan, tog'larнинг balandligi hozirgidan kam bulmagan, qor chizigidan balanddagi maydonlar kuplab учragan.

Uchinchi марта muz qoplash pleistotsennining oxirida boшла- nib, голоцeнда eки биз яшаб турган даврда tamom bulgan. Бу muz davri ham tektonik xarakatning kучайиши bilan об-хавонинг умумий совиши natijasida sodir bulgan. Ammo, бу davr бурунги muz qoplash darajasiga etмай, hozirgi vodiylarнинг

чекка томонларидагина силжиган сўнгги муз қоплашнинг қолдиқлари сифатида (аккумулятив ва структура шаклларида) ҳамма жойларда яхши сақланган.

Тоғ тизмаларининг баландлиги ва улар ёнбағирларининг емирилиши ҳозирги ҳолатига яқин бўлганлигидан, чуқур дараларда дендрий типдаги шохлаган катта музликлар ҳосил бўлган. Аммо уларнинг тили 2200 — 2500 м баландликдан пайсайган эмас. Сув эрозиясидан емирилиб улгурмаган Марказий ва Ички Тяншан юзаларида, тоғлар оралиғидаги водийларда абадий музликлар қалқон шаклида бўлак-бўлак бўлиб жойлашган. Охириги муз қоплаш мореналари Олой водийсида 2500 — 4000 м баландликкача етади. Марказий Тяншанда, Сусамир водийсида, Чатиркўл, Сўнкўл ботиқларида, Терскай Олатовининг иккала томонида ва яна бошқа ҳудудларда бириккан музлик майдонлари водийларни, текисликларни қоплаган. Ўша замонлардаги Сарижазнинг юқори оқимида узунлиги 70 км, Энгилчакда — 110 км, Қайиндида — 52 км чўзилган музликлар бўлган. Чекка тоғ тизмаларидаги музликларнинг узунлиги эса 25 — 30 км га етган.

Плейстоцендаги охириги муз қоплаш даврида қор чизиғи баландлиги Тяншаннинг чекка қисмларидаги тизма тоғларда 800 — 950 м, ички-марказий ҳудудларда 500 — 700 м га тенг бўлган.

А. В. Шкитников таълимотига кўра, плейстоцен охиридаги сўнгги муз қоплаш ҳозирги замондан тахминан 13 — 13,5 минг йил илгари ўзининг максимал даражасига етган. Мана шу даврдан то ҳозиргача нафақат Тяншандаги, балки бутун шимолий ярим шардаги музликлар эриб, чекина бошлаган. Чекиниш донмо бирдай бўлмасдан об-ҳавонинг ўзгаришига қараб дам тўхтаб, дам тезлаб, ҳозирги даражага етган. А. В. Шкитников Тяншан ва Помир тоғлари музликларининг чекиниши саккиз босқичдан иборат бўлгани, ҳар бир босқич оралиғи 1850 йилга тўғри келишини далиллаган. Ҳозирги еттинчи босқичда музликларнинг бироз кенгайиб, олдинга жидиб, яна чекина бошлаган муддати ўтган асрнинг ўрталарига тўғри келган.

### Савол ва топшириқлар

1. Контур (ёзувсиз) харитага қадимий музликлар жойлаишини туширинг.
2. Ўзингизга яқин тоғ этакларидан қадимги музликларнинг изларини излаб кўринг.
3. Муз қоплашдан қолган рельеф шакллари қайсилар?

## 2.4. Рельефининг умумий хусусиятлари

Қирғизистон ҳудуди асосан баланд тоғлар билан тоғлар оралиғидаги водийларнинг мураккаб жойлашган тизимларидан иборат. Асосан, ҳозирги рельеф қадимги эпигерцин структураларининг олигоцен-миоцендан бошлаб, плейстоцен охиригача қарама-қарши йўналишдаги фаол тектоник ҳаракатлар натижасида ҳосил бўлган. Бир томондан тектоник кўтарилиш устулик қилиб, денудация ва эрозион емирилиш кучайиб турган, иккинчи томондан эса тоғ орасидаги тектоник эгилган ботиқлар чўкмаларга тўлиб турган шаронгта ҳозирги рельеф шакллари ташкил топган.

Энг катта ўсиш шарқда, Хонтангри баланд тоғ тизмасида бўлган. Чекка томонлардаги Чуй, Фарғона водийлари паст текисликлар бўлган. Шунинг учун улар тоғдан оқиб тушган қум ва шағалга тўлган. Шарқдан ғарбга томон баландликлар пасайиб боради. Шарқдаги ғалаба чўққисининг баландлиги 7439 м бўлса, Лайлак тумани ҳудудидаги паст текисликнинг баландлиги 401 м. Демак, Қирғизистон ҳудудининг мутлақ баландлик амплитудаси 7038 м. Тяньшан тоғлари ғарбга томон ёйилиб, водийлари кенгайиб, тизма тоғларнинг, тоғлар оралиғидаги водийларнинг умумий йўналиши кенглик бўйича кетади. Меридиан тизма тоғи билан Фарғона тоғ тизмаси бу йўналишдан бормайди. Тизма тоғларнинг бириккан жойларида тоғ тугунлари ва ноқулай воҳалар жойлашган. Булар Талас-Чотқол, Матча тоғ бирикмаларидир.

Ер юзаси рельефини ҳосил қилувчи омиллар экзоген ва эндоген жараёнлардир. Эндоген омиллар ер юзаси рельефининг йирик шаклларини ҳосил қилади. Экзоген омиллар эса турли хил ташқи кучлар таъсири натижасида тоғларни текислаб, текислик ва ботиқларни эса турли-туман нураш жинслари билан тўлғазиш сингари геологик ишларни бажарди. Оқибатда тектоник кучлар таъсирида ҳосил бўлган ер юзаси рельефининг турли шакллари бетўхтов ўзгаришларга учраб туради.

Ер юзаси рельефи қабарик шаклларининг нураши, тоғ-тошларнинг емирилиши иқлимнинг турли элементлари, жумладан ҳароратнинг кундалик ва мавсумий ўзгаришлари, ёмғир сувининг тўпланиши, музлаши ва унинг эриши ва бошқа механик жараёнлар таъсирида кечади. Бу жараён тоғ жинсларини тинимсиз нурашга дучор қилиб, ер юзасида рельефининг турли шаклларининг ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Табиатда ёғин-сочиндан, қор ва музнинг эришидан ҳосил бўлган сув оқими энг бежилов экзоген кучлардан ҳисобланади. Юза оқим, айниқса, нишабликлари катта ёнбағирлар сиртини тинимсиз ювиб, пастга оқизади, кейин улар чуқурликларга тўпланиб, унинг тўлишига, кенгайишига туртки бўлади ва ниҳоят, дараларни ва текисликларни пайдо қилади.

Тяншан баланд тоғларидаги рельефнинг турли шаклларда бўлишида қадимги ва ҳозирги музликларнинг хизмати катта. Кўпчилик ҳудудларда сув оқимидан ҳосил бўлган водийлар, емирилган қоялар, қўй пешонасига ўхшаш тошлар, турли шаклдаги қотишма-конгломератлар кўплаб учрайди. Муз қопламлари эриши ҳамда тоғ жинсларининг нураши оқибатида пастга силжиб йиғилган ғовак тоғ жинслари-мореналар кўпгина тоғ водийларга ҳосдир.

Ҳамма баланд тоғларга хос бўлган гравитацион жараёнларнинг бир маромда кечиши Тяншан тоғларига ҳам ҳосдир. Тоғ этагидаги водийларда кўзга ташланадиган шағаллар, кўчки ва қоялар нурашидан пайдо бўлган тўсиқлар, ер ҳолатининг турли шакллари Қирғизистонда кенг тарқалган ўзига хос кўринишдир.

Тоғ ёнбағирлари, этакларида ва нишаб текисликларда ер ости сувларининг ҳаракатидан ҳосил бўлган рельеф шакллари ҳам учрайди. Буларга турли-туман кўчкилари, суффозия ва карст шакллари киради.

Сув оқимлари қаттиқ тоғ жинсларини емириб ўзига йўл очади. Тоғ ёнбағрларидан катта ҳажмдаги нураган жинсларни оқизиб келиб, тоғ этакларини, текислик ва ботиқларни юмшоқ жинслар билан тўлдиради. Айрим дарёлар тизма тоғларни кесиб, антицедент дараларни ҳосил қилади. Масалан, Сарижаз дарёси Энгилчак, Кўкшаал тоғларини кесиб ўтиб, кенг дараларни пайдо қилади, Чуй дарёси эса Боом дараси бўйлаб Кунгай Олатовни кесиб ўтади.

Рельеф ҳосил қилувчи омилларга қор кўчкилари, селлар ҳам киради. Гоҳида бир марта келган сел, шу водийдаги оқар сувларнинг минглаб йиллик ҳаракатига баробар қум, тош ва бошқа жинсларни оқизиб келиши мумкин.

Қирғизистон ҳудуди рельефининг ҳозирги кифёси неоген-тўртламчи даврда қадимги эпигерцин платформаси асосида ташкил топиб, сўнгги ўсишлар билан бирга ривожланиб, эрозия-денудация жараёнлари натижасида шаклланган. Рельефнинг турли шакллари ва ўзига хос хусусиятлари тектоник-денудацион, тектоник-денудацион-аккумулятив ва тектоник-аккумулятив

кўринишлардаги учта генетик қисмларга бўлинади. Бу қисмлар асосида Қирғизистон ҳудуди рельефи 12 турга бўлинган (Қирғизистон атласи).

Тектоник-денудацион қисмга кирган рельеф турлари баланд ва ўртача баландликдаги тоғларга тегишли. Бу ерда тектоник ривожланиш денудацион нураш билан қўшилиб кетган. Эрозия жараёни натижасида оқар сувлар емирилган жинсларни ташқарига оқизиб чиқарган, майда-майда бўлақларга бўлиниб, сув остида чўкиб ётган тошли қатлам қалинлиги 1000-2000 м дан ошади. Бу жойнинг рельефи асосан палеозой ва ундан олдинги жинслардан ташкил топган. Рельеф турлари тоғ жинсларининг ҳосил бўлган даврига ва жойнинг баландлигига қараб бўлинади. Рельефнинг асосий шакллари-қоя тошлар. Фарғона тоғ тизмасининг жануби-шарқида ва Катта Олой тоғларидаги тектоник-денудацион рельеф мезозой ва палеоген чўкмаларидан иборатдир.

Тектоник-денудацион — аккумулятивли қисмга тегишли бўлган рельефнинг турлари мезозой ва палеоген-неоген даврига тўғри келади. Асосан маласс тузилишидаги чўкмалардан ҳосил бўлган. Бу турга кирган рельеф шакллари Фарғона водийсининг тоғ этакларида, Қирғиз Олатови билан Терскай Олатов этакларида, Сусамир, Қўчқор, Ўрта Норин водийларида тарқалган. Бу турдаги рельеф шакллари тизма тоғларга ёндошган тешаликларни, адирларни ва вақтинчалик оқар сойлар этакларидаги ёйилмаларни эгаллайди. Рельефи ясси адирларнинг дарёлар қирқиб ўтган жойларида қадимий жинсларнинг қатламлари учрайди.

Тектоник-аккумулятив гуруҳга тегишли рельеф турлари асосан текисликдадир. Неотектоник ботиқликлар баланд тоғлардан эрозион жараёнлар натижасида олиб келинган ғовак жинсларга тўлғизилиб, текисликларга айланган. Шу асосда ҳосил бўлган қия текисликлар Чуй, Талас водийларининг ёнбағирлари, Иссиққўл этаклари ва бошқа жойларда кўплаб учрайди.

Геологик тузилиши ва рельефининг ҳосил бўлиш даврига қараб, рельеф турларини геоморфологик комплексларга бириктириш мумкин. Геоморфологларнинг таълимотига кўра Қирғизистон ҳудуди тоғ этакларини эгаллаган текисликлар, ясси тоғлар ва адирлар, баланд ва паст тоғлар комплексига бўлинади.

**Тоғ этакларини эгаллаган текисликлар.** Бу комплекс бепоён текисликларга ва тоғлар оралиғидаги водийларга, ботиқликларга тегишли. Чуй ва Фарғона ботиқлари, Иссиққўл, Талас, Олой водийлари неотектоник ҳаракатнинг бош-

ланишидан ҳозирги кунгача чўкиб, атрофлари пастлаб, тоғдан оқиб келган жинслар ва лойқаларга тўлиб кетган. Рельефининг асосий шакллари қалинлиги 300 — 500 м га етган тўртламчи даврнинг говак чўкиндиладан иборат. Бу чўкиндилар қадимги мезокайнозой даврларидаги тузилишлардан ҳам эскироқдир.

Текисликлар Фарғона билан Чуй водийларида кўп учрайди ва улар рельефининг тузилишидаги умумийлик қуйидагича:

— тоғ этаклари бўйлаб чўзилган, тоғлардан оқиб чиққан сувларнинг лойқа жинслари конусларининг ёйилган этакларидан (шлейф) иборат нисбатан майда қум-шағалли текисликлар (қалинлиги 5 — 10 м);

— унча нишаб бўлмаган, майда қум-лойқа аралашган, қатламлари унча қалин бўлмаган (2 — 5 м айрим вақтда 10 м) текисликлар. Оқар сувлар йиғиндиси асосан «Қорасув» — деб аталган булоқлар;

— ички антиклинал тузилишга яқин, тўлқинсимон майда паст-баланд лёсс ва шунга ўхшаш майда тоғ жинсларидан ташкил топган текисликлар;

— дарё соҳилларининг алювиал текисликлари.

Тоғ этакларига яқин текисликлар водийларда ҳам учраб туради. Улар орасида баланд тепаликда жойлашган ерлар ҳам бор. Масалан, Оқсой, Арпа, Сўнкўл, Отбоши ва бошқалар шулар жумласидандир. Иссиқкўл атрофида текисланган қирғоқдаги қумлоқларни ўз ичига олган текисликлар ҳам бор. Уларнинг парчаланиши ҳам унча чуқур эмас (3 / 1 5 м, гоҳида 10 м).

**Ясси тоғлар ва адирлар.** Бу комплекс асосий тизма тоғлар билан ва адирларни эгаллайди. Бу комплексга Фарғона водийси адирлари билан ясси тоғлари, Терскай, Қирғиз ва Талас Олатовларининг шимолий ёнбағирлари тўртламчи даврда ташкил топган қалин чўкма жинслар қатламлари киради. Фарғона адирлари билан Катта (Бош) Олой тизма тоғининг шимол томонидаги баланд адирларнинг рельефи мезозой-кайнозой чўкиндиладан ташкил топган бўлса, бошқа жойларда баланд адирларни пайдо қилган тоғ жинслари асосан кайнозой чўкиндиладан ташкил топган.

Ясси тоғлар ва адирларнинг, айниқса Фарғона адирларининг рельефи нотекис бўлиб, ўзлаштиришга ноқулай. Бу комплексга кирган рельефнинг турларига кўпинча тепаликлар, антицедент водийлар ва ички ботиқликлар билан водийлар киради. Рельеф шакллари асосий қисми тепаликлардир. Улар Фарғонада «адирлар» деб, шимолий Тяншанда эса «прилавки» деб атала-

ди. Қиймаланган майда қисмларнинг чуқурлиги 200 — 300 м дан 500 м гача. Адирлар оралиғидаги ички ботиқликлар билан водийлар асосан тўртламчи даврнинг ғовак жинслари билан тўлган. Уларнинг қалинлиги 100 — 200 м га етади. Баъзида бу чўкиндилар тоғ этакларида ястаниб ётган конусларни (шлейф) ҳосил қилади, баъзида эса теп-текис алювиал текисликларни ташкил этади. Парчаланишнинг чуқурлиги 20 — 50 м, баъзан эса 100 м гача етади.

Ясси тоғлар ва адирларга ўхшаш геоморфологик комплекслар Ички Тяншаннинг тоғ оралиғидаги водийларда, ботиқликларда ҳам учрайди. Ички ботиқликлар ва водийларнинг бунёд бўлиш муддати палеоген ва неоген даврларига тўғри келади ва уларга йиғилган чўкмаларнинг қалинлиги 2500 — 3000 м га етади. Асосан бу чўкмалар турли аралашмалардан (маласслардан тузилган). Тўртламчи давр бошларидаги умумий кўтарилишда бу ботиқлар ва водийлар тизма тоғлар билан бирга ўсган. Тўртламчи даврнинг ўрта ва охирларида тоғ кўтарилиши (тоғ пайдо бўлиши)нинг ҳар хил тезликда бўлиши ҳозирги рельефнинг тектоник-эрозион-аккумулятивли турларини келтириб чиқарган. Рельефнинг асосий шакллари: устки томони кескин, нотекис-«бедленд» симон майда парчаланган, унча баланд бўлмаган қолдиқ тоғлар; ҳар хил даража парчаланган ва баланд-паст қия текисликлар. Парчаланиш чуқурлиги 300 — 450 м гача етади.

Ички водийлардаги тизма тоғлар билан ясси тоғлар оралиғидаги ботиқликларда тўпланган тўртламчи даврнинг чўкинди жинслари унча қалин эмас (одатда 20 — 30 м баъзан 100 — 150 м га етади). Улар текисликларда ва устки қисми текис тепаликларда бўлади. Водийлар остидаги чўкмалар эрозион парчаланишга тааллуқлидир. Ясси тоғлар билан адирсимон тепаликларнинг энг кўп тарқалган жойи Олабуқа-Норин ботиғи. У ерда рельефнинг бундай комплексини «чаптар» деб аташади.

**Баланд ва паст тоғлар комплекси.** Бу комплекс Қирғизистон ҳудуди-нинг кўпчилик қисмини эгаллайди (66% га яқин). Улар асосан протерозой ва палеозой эраларида ҳосил бўлган қаттиқ кристалл тоғ жинсларидан иборат. Мезозой-кайнозой эраларидаги жинслар ҳам баъзан рельеф шакллари-нинг таркиб топишида қатнашади. Рельеф турлари асосан тектоник-денудацион ва эрозион келиб чиқишга эга. Мазкур рельеф комплекслари жуда чуқур ўйилган (500 м дан 1000 — 1500 м гача, баъзан 2000 м га боради) ҳамда зич ва жуда нотекис. Сув айирғичларда ва унга яқин



Тоғ водийсидаги музлик

баландликларда ўркак-ўркак қоялар, яланг тошлар, ям-яшил воҳалар абадий музликлар ва қорликлар ётибди. Тоғ ёнбағирлари этаги шарқираб оқиб ётган дарёлар, тор даралар билан кўндаланг кесилган. Даралар ёнбағирларининг тепа қисмини ўткир қиррали тошлар, этакларини эса майда шағал ва йирик-йирик ҳарсанг тошлар эгаллаган. Айрим тизма тоғларнинг баланд ёнбағирларида ва тепасида қадимги герцин платформаси емирилиб нураш натижасида ташкил топган денудацион текисликларнинг (пенепленнинг) қолдиқлари сақланиб қолган. Уларнинг айримларининг баландлиги қор чизигидан юқори бўлганлигидан устини музликлар қоплаб туради. Тоғли геоморфологик комплекснинг ташкил топиши неогеннинг охири-тўртламчи даврга тўғри келади.

Баланд тоғлар комплекси литологик таркиби бўйича икки турга бўлинади. Биринчиси-протерозой ва палеозой эраларидаги тоғ жинсларидан иборат баланд тоғлар. Протерозой ва палеозой эраларининг тоғ жинсларидан иборат баланд тоғли рельеф Қирғизистоннинг деярли ҳамма жойига тегишли. Марказий, Шимолий, Ички ва Ғарбий Тяншанда фақат юқорида қайд этилган рельеф турлари тарқалган. Иккинчиси-мезозой эрасининг тоғ жинсларидан иборат баланд тоғли рельеф. Фарғона

## Асосий воҳаларнинг морфометрик кўрсаткичлари (Қирғизистон атласидан олинган)

Тартиб рақами	Водийларнинг номлари	Узулиги, км ҳисобида	Энг кенг жойи, км ҳисобида	Баландлиги, м ҳисобида
1	Фарғона	340	160	400—1200
2	Исфара-Исфана	120	26	900—1500
3	Боткен	60	24	900—1500
4	Кўгарт	80	20	700—2000
5	Чотқол	120	15	900—2500
6	Олойқу	75	15	1900—3000
7	Олой	175	25	2200—3500
8	Кетмонтепа	50	22	800—1200
9	Жумғол	80	25	1500—2800
10	Кўчқор	80	20	1800—2500
11	Ўрта Норин	170	54	1500—2600
12	Тўғузтўра	66	30	1200—2000
13	Отбоши-Қорақоюн	150	20	2000—3200
14	Сусамир	150	24	2000—3200
15	Сўнқўл	50	25	3000—3400
16	Арпа	60	20	2600—3600
17	Оқсой	81	28	3000—3800
18	Мудурум	80	18	3000—3600
19	Чатирқўл	48	18	3500—3600
20	Сарижаз	90	25	2800—3500
21	Чуй	220	60	500—1400
22	Талас	160	26	800—1700
23	Иссиққўл	250	65	1600—2300

тоғ тизмасининг жануби-шарқ томонида ва жануби-ғарбий ёнбағрида ҳамда Катта Олой тизма тоғларининг шимол томонида жойлашган. Паст тоғлар комплекси баланд тоғлар бўлинган жойларни ва уларга параллел ҳолда адирлар билан баланд тоғлар оралиғидаги текисликларни эгаллайди.

Протерозой ва палеозой эраларидаги тоғ жинсларидан ҳосил бўлган пастқам тоғлар ҳам тоғли геоморфологик комплекс таркибига киради (Чилмайрам, Сулаймон тоғлари).

### Савол ва топшириқлар

1. Сиз яшаётган жойнинг рельефи қайси комплексга ҳос?
2. Контур (ёзувсиз) харитага турли буёқлар билан тоғ этагида жойлашган текисликларни, ясси тоғларни ва адирларни, баланд ва паст тоғларни туширинг.
3. Рельеф ҳосил қилувчи омилларни айтинг.

4. Экзоген кучлар деганда нимани тушунасиз ва улар қандай шаклларни ҳосил қилади?
5. Ўзингиз яшаётган ҳудуд рельефини тасвирлаб беринг.
6. Қирғизистон ҳудудида рельефнинг баландлиги бўйича ўзгаришини тасвирлаб беринг.
7. Тоғлар қандай тоғ жинсларидан ташкил топган?
8. Текисликлар қайси тоғ жинсларидан ташкил топган?
9. Жадвалдаги воҳаларнинг қайси бири сиз яшаётган жойга тўғри келади? Уларни контур харитага туширинг.

## 2.5. Қазилма бойликлари

Қирғизистон фойдали қазилмаларга бой. Уларга ёнувчи моддалар, металллар, нометалл қазилмалар, тоғ-кимё ишлаб чиқариши учун ҳам ашё маҳсулотлари, қимматбаҳо тошлар, қурилиш материаллари, минерал сувлар, шифобахш ботқоқликлар ва бошқалар кирadi.

Ёнувчи моддаларга биринчи навбатда кўмир конлари кирadi. Қирғизистон кўмир захираси бўйича Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистондан олдинда туради. Республикадаги кўмир конларининг ҳаммаси мезозой эрасининг триас даври охири, юра даврининг бошланишига тўғри келадиган чўкма жинслар орасида жойлашган. Кўмир конларининг кўпчилиги Жанубий Қирғизистонда (Сулукта, Қизилқия, Ўзган, Кўкёнғоқ ва Тошкўмир) жойлашган. Шимолий Қирғизистонда кўмир конлари Иссиқкўл водийсида (Жирғалан, Кажисой) ва Қавак ҳавзасида (Қоракеча) учрайди. Кўмир ишлаб чиқаришнинг ҳозирги талабига жавоб берадиган умумий захираси 28,3 млрд т; бундан ҳозирги кунда ишлатилиши мумкин бўлгани 2,3 млрд т, келажакка мўлжаллангани 26 млрд т. Сифати бўйича энергетика кўнғир кўмири –18%, паст даражада метаморфизмлашган энергетика тошкўмири –70%, кокеловчи тошкўмир 9%, олий даражада метаморфизмлашган энергетика тошкўмири –1%, технология антрацитлари ва ярим антрацитлар –2%.

**Ёнувчи сланецлар** Сулукта, Кўкёнғоқ, Қарғаша (Ўзган томонда), Тошкўмир кўмир конлари орасида учрайди. Умумий захираси 65 млн т дан ортиқ.

Чекка ва ички водийлардаги серсув ботқоқликларда торфнинг сийрак захиралари учрайди.

**Нефть ва газ** конлари Фарғона водийсининг шимолий қисмида учрайди. Асосий нефть қазиб олиш жойлари Шарқий Из-

боскан, Чағиртош, Қораёғоч, Таган-Бешкент ҳисобланади. Нефть ва газ конлари Мойлисув, Избоскан, Шимолий Риштон Баткен областининг Арка ва Бурчанди массивлари, фақат газ чиқадиган жойлар Қизилдолма, Сузоқ, Чиғирчиқ, Сарикамиқ, Саритошда бўлса, газ конденсатлари эса шимолий Қароқчи-қумдан олинади. Булар юра билан бўр даврлари ва палеоген чўкма жинслари оралиғида жойлашган.

**Металлар.** Қирғизистонда темир, титан, ванадий конлари бор. Темир конлари ичида чўкма-метаморфизмлашган конларининг тури кўплаб учрайди. Норин шаҳридан 30 км шарқда Жетим темир кони ҳавзаси бошланиб, Норин дарёси бўйлаб юқори томон 70 км ораліққа чўзилган. Умумий заҳираси бир неча млрд т ни ташкил қилади. Дунёдаги темир конларининг аксарияти каби бу ерда ҳам темир кварцитининг баъзи турлари учрайди. Республиканиннг кўпгина жойларида скарн-магнетит конлари бор. Уларнинг заҳираси унча кўп эмас. Магнетитининг кичик конлари Кемин Чаёқ, Сумсар, Талас ва Норин шаҳарларининг атрофларида учрайди. Темир билан бирга бу конларда олтин, платина ва бошқа металлар ҳам бор.

Талас шаҳри яқинидаги Балачичқон, Кичик Қайинди ҳудудларида титан-магнетит конлари бор. Улардан темир, титан, ванадий олиш мумкин. Темир конларининг заҳираси бўйича Қирғизистон МДХда тўртинчи ўринда (Россия, Қозоғистон, Украинадан кейин) туради.

Алюминийни бокситдан, нефелини-сиенитдан, андалузит-силлиманитни сланецлардан, алунитдан, каолиндан олиш мумкин. Бокситларининг кичик конлари Жанубий Қирғизистонда ҳам бор. Нефелини сиенитлар Сандиқ, Зардалида учрайди.

Вольфрамнинг скарн ва гидротерм сингари конлари Сўнкўлдан Сарижазгача, Тяншаннинг асосий таркибий чизиғи деб аталган ҳудудлар бўйлаб учрайди. Улар Қумбел, Қашқасув, Тўрўкелди, Кенгсув конларидир. Булардан вольфрам билан бирга олейин, темир ва бошқа металлар ҳам қазиб олинади. Гидротерм конларида вольфрам билан бирга қалай ҳам учрайди. Бундай конларининг биттаси Сарижаздан ўрин олган.

Мис конлари порфир-мис ва скарн кўринишларида Кеминдаги Толдибулоқ, Сўнкўлдаги Қумбел, Чотқолдаги Бўзбағир, Саидалаш тоғ тизмасидаги Қуру-Тегерек деган жойларда учрайди. Рудалар диорит-порфирит билан гранодиоритлар орасида бўлади. Буларда миснинг миқдори 0,2 — 0,6% га баробар. Мис билан биргаликда олтин, молибден, платиналар ҳам учрайди.

Кемин шаҳарчасига яқин жойдаги Толдибулоқ конидан биринчи навбатда олтинни қазиб олиш учун ҳаракат бошланмоқда. Қуру-Тегерекда ҳам мис билан биргаликда, юқорида тилга олинган камёб ва қимматбаҳо металллар бор.

Симоб билан сурма бўйича Қирғизистон дунёга машҳур. Улар Жанубий Қирғизистонда жойлашган. Чотқол билан Муллаторғда янги конлар очилди. Ҳайдаркон ва Чувайда симобнинг жосперон турига кирган конлари жойлашган. Симоб минерали киновар, сурма (антимонит) ва фтор (флюорит) минераллари билан бирга учрайди. Сурма конлари Қадамжойда, Шимолий Оқтошда, Абширда, Тераксойда, Чаар Отда жойлашган.

Қўрғошин, рух ва мис биргаликда полиметалл конларини ҳосил қилади. Пайдо бўлиши бўйича бу конлар гидротермик ва стратиформли бўлиб, иккига бўлинади. Қоида бўйича улар таркибидаги металллар концентрацияси билан фарқланади. Асосий конлари Талас Олатовида, Шимолий Қирғизистондаги Бўрду, Чўлоқ Терак, Темиртўр булоқ, Чотқол тизма тоғидаги Сумсар Қораунғур, Оқ-Бошот, Жирғалаи дарёси ўзанидаги Эки Чот, Чаар Қудуқ ва Қарқара кабилардир.

Молибден-ванадий конлари Марказий Тяншанда кўп учрайди. Улар кембрий даврининг карбонатли-балчиқ-кремнийли сланец қатламларида жойлашган. Рудаларда молибден, ванадий билан бирга фосфор, қўрғошин, уран ва бошқалар учрайди.

Висмут конлари кумуш, мишяк билан бирга Кумуштоғда (Учэмчак кони), висмут-мис кони бўлса Кастекда топилган.

Олтин конларидан Тўғузтўрадаги Мақмал кони ишлаб турибди. Чўкмаларда камдан-кам учровчи олтин Чотқолдан, Косонсойдан, Сумсардан қазиб олинади. Дунёдаги йирик олтин конлари қаторига кирган Қумтор ишлай бошлади. Бу ердан олтин билан бирга кумуш, вольфрам, теллур, платина, палладий ва бошқа қимматбаҳо металлари олиш мумкин. Таласда Жеруй кони ишлай бошлади. Кемин туманида Толдибулоқ кони очилиб, уни ишлатишга ҳозирлик кўрилмоқда.

**Нометалл конларига** қурилиш материаллари, тошлар, оҳақтош, мрамар, гранит, сиенит, гипс, балчиқ, қум-шағал конлари киради. Булар орасида Такталиқ ва Норин тоғларидаги топаз, аквамарин, турмалин, аметит, нефрит, роонит, агат, колчедан, тоғ хрустали, дала шпати ва бошқа қимматбаҳо тошлар учрайдиган конлар алоҳида ўрин эгаллайди. Қурилиш ва иморатлар сиртини безашда ишлатиладиган тош конлари кўп

тарқалган. Уларга оҳактош, мәрмәр, доломит, чиғаноқли оҳактош, гранит, сиенит, габбро, порфирит, балчиқ, мергель тошлари киради.

**Тор-кимё хом ашё маҳсулотлари** конлари ҳам Қирғизистон ҳудудининг кўп жойларида учрайди. Уларга слюда, графит, олтингургурт, олтингургурт колчедани, пирит, флюорит, барит, гипс, ангидрит ва бошқалар киради. Тошкўмир даври карбонатлари орасида галит (туз) билан гипс учрайди (Жирғалан, Қарача-ўғли ва бошқалар). Бўр даври қатламларидаги (Катта Олой) неоген чўкмаларида галит (туз) билан глауберит мирабилит тузлари ҳам учрайди (Чўнгтуз, Шамшикол, Наврўз, Желдисув ва бошқалар).

**Қирғизистон минерал сувлари** ҳам бой. Карбонатли сувларнинг 25 дан ортиқ булоқлари бор. Ҳозирги кунда Оқсув, Чатиркўл, Безбелчир, Арашан, Қорашўро, Борбулоқ минерал сувли булоқларидан фойдаланилмоқда. Шифобахш иссиқ булоқлар чиққан жойларга курортлар қурилиб, ҳозирги кунда улар ўз миқозларини даволаш учун қабул қилмоқда (Иссиқота, Жалолобод, Аламудун, Жетиўғуз, Жилисув, Жирғалан ва бошқалар). Бундан ташқари одам танасига таъсир қилувчи олтингургуртли сув (Чанғиртош, Мойлисув), йод-бромли сувлар (Избоскан, Қўчқорота) ҳам бор. Шифобахш балчиқнинг йирик манбалари Иссиқкўлда, Жалолободда, булоқлар чиққан жойларда, Чуй водийсида ва бошқа жойларда кўплаб учрайди. Уларнинг умумий ҳажми 5 млн м<sup>3</sup> дан ошиқдир.

Юқорида санаб ўтилган конларни топиш ва уларни ишга туширишда Қирғизистон геолог олимларининг ҳам хизматлари жуда катта. Улардан академиклар М.М. Адишев, У.А. Асаналиев, академиянинг муҳбир аъзоси А.Б. Бакировларнинг номларини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

### Савол ва топшириқлар

1. Қирғизистон қазилма бойликларининг қайси тури бўйича дунёга машҳур?
2. Олтин кони бор жойларни контур харитага туширинг.
3. Кўмир конлари Жанубий Қирғизистоннинг қайси жойларидан чиқади?
4. Шартли белгилардан фойдаланган ҳолда ҳамма конларни контур харитага туширинг.

### 3. ИҚЛИМИ

Қирғизистон иқлими мамлакат ҳудудининг Ер қуррасидаги энг катта материк-Евросиёнинг марказий қисмида, океан ва денгизлардан олисда ҳамда унинг денгиз сатҳига нисбатан баланд жойлашганлигига боғлиқ. Бундай ҳолат қишки, ва ёзги, кундуз ва тунги ҳароратларнинг бир-биридан кескин фарқланишига, ҳавонинг қуруқлигига, қуёшли кунларнинг кўплигига, ёғин-сочиннинг камлигига, иқлимнинг мўътадиллигига шароит яратади. Шу билан бирга қишнинг бир хилда бўлмаслиги, водийларда совуқ кунлар вақти-вақти билан илиқ ҳаво билан алмашилиши, баланд тоғларда эса изғирин совуқ бўлиб туриши, баҳорнинг тез келиши, аммо совуқ кунлар қайталаниб, дарахтларни совуқ уриши билан фарқланади.

Ҳар бир жойнинг денгиз сатҳига нисбатан жойлашишига қараб, баҳор айрим ерларда март, апрелда, бошқа ерларда эса май ойларида келади. Ёз ойлари узоқ ва қуёшли, кузи илиқ, одатда қуруқ бўлади. Баланд тоғлар ва тоғ оралиқларидаги водийлардан, шунингдек, ғарбдан эсанг нам ҳавога боғлиқ ҳолда турли жойларда иқлим турлича бўлади. Бу ўз навбатида иқлим минтақаларининг ҳосил бўлишига олиб келади.

#### **3.1. Иқлимнинг таркиб топишига таъсир этувчи асосий омиллар**

Иқлимнинг таркиб топишига таъсир этувчи асосий омиллардан бири-ер юзасига тушадиган Қуёш нуридир. Жумҳуриятимиз серқуёш ўлка деб аталиши бежиз эмас. Қуёшли кунларнинг ўртача йиллик давомийлиги жумҳурият бўйича 2500 — 2750 соатни ташкил қилади. Уфқлари очиқ бўлмаган, яъни тоғ тизмалари билан ўралган даралар оралиғидаги водийларда қуёшли кунлар 1700 — 1800 соатгача етади. Энг кўп қуёшли кун Юқори Норин водийсидаги Қорақўл станциясида (2965 соат) ҳисобга олинган. Қуёшли кунларнинг кўплиги бўйича Қирғизистон ҳудуди, Ўрта Осиёнинг текисликдаги Тошкент, Байрамали сингари шаҳарларидан қолишмайди. Йил давомида қуёшли кунларнинг ўртача ҳисоби 30% дан 40% гача, булутли кунлар ҳисобига озаяди. Тоғлар ораларида эса булутли кунлар ва уфқ томон кўринмаслиги туфайли 55 — 60% гача камаяди.

### Қуёшли кунлар давомийлигининг ўртача ҳисоби (% ларда)

Станциялар	Облар												Уртача йиллик
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
Бишкек	54	46	43	54	61	69	73	76	76	66	56	49	60
Уш	56	46	47	54	55	85	81	85	76	72	55	45	65
Норин	45	51	49	57	55	71	69	71	74	74	57	44	59
Тяншан	69	69	51	65	59	60	59	60	68	65	58	56	61
Катта Қизил-сув	46	51	43	42	44	49	50	43	49	50	43	32	45

Жадвалдан кўриниб турибдики, қуёшли кунларнинг давомийлиги текисликларда ёз ойларида, баланд тоғларда эса қишда ортади. Бишкекда Қуёш кўриниб турадиган муддат 60% атрофида бўлади.

Қирғизистон ҳудудининг қуёшли бўлишига эгаллаган ўрни. Қуёшнинг йил давомида уфқдан юқорилиги (ёзги Қуёш баландлиги 71°) ва очиқ кунларнинг кўп бўлиши сабаб бўлади. Тўғри ва сочилган Қуёш радиациясининг ўртача йиллик йиғиндис Бишкекда 136 ккал/см<sup>2</sup> бўлса, Тяншанда 61 ккал/см<sup>2</sup> га тенгдир. Қуёш радиациясининг ортиши йилнинг совуқ даврига тўғри келади, сабаби, қишда сув буғларининг конденсацияланиш даражаси кескин камаяди, баланд водийлар ва тоғларда тўғри Қуёш радиацияси йил давомида катта бўлса, баландлиги 1000 м гача бўлган водийларда ва ясси тоғларда Қуёш радиацияси ёз ойларида ва кузда кўпаяди. Радиация меъёри тоғ ёнбағирларининг жойлашишига ҳам боғлиқ. Тоғларнинг Қуёш нури қия тушадиган тескари (шимол) томонлари радиацияни уларнинг жанубий ёнбағирларига қараганда оз олади.

Ер сиртига тушган Қуёш нурининг бир қисми қайтади, бир қисми эса ўша захотиёқ ер бағрига сингади ва иссиқлик энергиясига айланиб, ер юзидаги турли жараёнларда иштирок этади. Қуёш нурининг ер бағрига сингиш ва қайтиш хусусиятлари турли жойларда ҳар хил. Масалан, қор юзасидан 80-90%, қумли ердан 30% Қуёш нури қайтади. Шу туфайли баланд тоғларда қиш фаслида салбий радиацион баланс кузатилади. Умуман, бу ҳолат Қирғизистон ҳудуди радиацион балансига кучли таъсир кўрсатмайди. Масалан, Тяншанда у ноябрь-февраль ойларига, Бишкекда эса фақат декабрь ойига тўғри келади.

**Атмосфера циркуляцияси** иқлим ҳосил бўлишини таъминловчи асосий омилларидан бўлиб ҳисобланади. Қирғизистон ҳудудида тропос-феранинг 3 км дан 12 км гача бўлган қатламида ғарбдан шарққа томон йўналган мўътадил минтақага ҳос бўлган ҳаво оқими устулик қилади. Қиш фаслида Қирғизистон ҳудудида ҳаво очиқ, шу билан бирга совуқ кунлар кўп бўлади. Баҳорда мўътадил ҳаво аста-секин шимолга томон силжий бошлайди ва баҳорги ёғингарчиликнинг кўпайишига сабаб бўлади. Айниқса, тизма тоғларнинг ғарбий ва жануби-ғарбий ёнбағирларида, циклон жараёнининг кучайиши натижасида, ёғингарчилик кескин кўпаяди. Ёз кунлари эса маҳаллий мўътадил ҳароратнинг кўтарилиб кетиши туфайли бу жараён ўз кучини йўқота бошлайди. Фронтнинг икки томонидаги ҳаво массаларининг ҳароратлари фарқи йўқолиб кетганиги сабабли ёғингарчилик тўхтайтиди. Бу даврда текисликларда ва водийларда қуруқ, очиқ ҳаво ҳукм суради. Баланд тоғли районлардагина, ҳаво массалари кўтарилиши оқибатида, циклон жараёнлари кузатилиб, ёғингарчиликлар ҳосил бўлади. Ёзда мўътадил ҳаво Қирғизистон ҳудудидан ўтиб, марказий Қозоғистон устида жойлашади. Кузга яқин у қайтадан жануб томон силжий бошлайди. Қирғизистон ҳудудидан қайтадан ўтиб бораётганда циклон жараёнлари яна кучайиб, ёғингарчиликни олиб келади. Мўътадил иқлимнинг янада жанубга томон силжиши Қирғизистон ҳудудига қишки режимни олиб келади. Эрта баҳорда ва кеч кузда Қирғизистон ҳудудига арктика иқлимининг тарқалиши айрим вақтларда экинларни совуқ урушига сабаб бўлади. Баъзан совуқ ҳаво оқими кучсиз бўлганлигидан унча баланд бўлмаган тоғлар ҳам унинг йўлида катта тўсиқ бўла олади. Шу туфайли тоғлар ортидаги ҳудудларга совуқ ҳаво камдан кам ўтади. Иқлимнинг бир хилда бўлишини таъминловчи омилларга Қуёш радиацияси билан атмосфера циркуляциясидан бошқа маҳаллий омил-рельефнинг таъсири ҳам катта.

**Ер юзаси рельефининг** иқлимга бўлган таъсири айниқса, Қирғизистонга ўхшаш тоғли жойларда жуда каттадир. Тоғларда баландлик ортган сари ҳарорат пасайиб, ёғин-сочининг кўпайиши сезилади. Тоғ ёнбағирларининг жойлашиши (экспозицияси)га қараб қуёш нури бир хил тегмаслиги, ёғин-сочин бирдай бўлмаслиги мумкин. Шу билан бирга бу ҳолат қор тўпланишидаги фарқ ва музликларнинг катта ёки кичиклиги кўринишида маҳаллий иқлимга таъсирни ўтказди. Атмосферанинг умумий циркуляциясидан ташқари маҳаллий циркуля-

циялар, кўл сувлари ҳам ўзига хос иқлим хусусиятларини пайдо қилади. Ҳар қандай орография ва рельеф Қирғизистон ҳудудидаги иқлимнинг баландлик бўйича минтақаланишини намоён қиладиган етакчи омилдир.

### Савол ва топшириқлар

1. Қирғизистон иқлими қандай омиллар таъсирида пайдо бўлган?
2. 3-жадвал бўйича қайси нуқтада йил давомида очиқ кунлар кўп бўлади? Қайси ойларда қуёшли кунлар муддати оз бўлади?
3. Қирғизистон ҳудудида ҳукмрон бўлган ҳаво массаси қайси йўналишда силжийди?

### 3.2. Иқлим ҳосил қилувчи элементларнинг ўзига хос хусусиятлари

**Ҳаво босими.** Қирғизистон ерлари нисбатан баландда жойлашганлиги туфайли унинг ҳудудида ҳаво босимининг кўрсаткичлари денгиз сатҳидагидан анча кичик. Кўп йиллик кузатишлар бўйича босимнинг ўртача йиллик қиймати Бишкекда (737 м) 696 мм симоб устунига ёки 928 мб га тенг, Ўшда (1013 м) 678 мм симоб устунига ёки 901 мб га, Таласда (1227 м) 607 мм симоб устунига ёки 878 мб га, Қоракўлда (1776 м) 607 мм симоб устунига ёки 823 мб га ва Норинда (2045 м) 5977 мм симоб устунига ёки 796 мб га ва Саритовшда (3156 м) 521 мм симоб устунига ёки 695 мб га тенгдир.

Баландлик ортиши билан босим ўзгаришининг йиллик фарқи ҳам ўзгариб боради. Масалан, кўп йиллик кузатишлардан олинган ҳаво босимининг ўртача йиллик фарқи (амплитудаси) Бишкекда 39 мм (52 мб), Ўшда 32 мм (45 мб), Қоракўлда 27 мм (36 мб) ва Норинда 25 мм (33 мб)ни ташкил қилади. Барик градиент ҳам баландлик бўйича бирдай ўзгармайди. Масалан, паст ва унча баланд бўлмаган тоғларда босим ҳар 100 м да 10 мб га камайса, 3000 м дан юқорида бу кўрсаткич 8 мб га тенг. Босимнинг бир кеча-кундуздаги ўзгариши эса унча катта эмас (1,2-3,6 мб).

**Шамол режим** мураккаб бўлиб, рельеф тузилишига боғлиқ. Шамолнинг йиллик йўналиши (шамоллар гули) асимметрияли кўринишига эга. Шамолнинг йиллик аксарият йўналиши водий ўқига боғлиқ. Шамолнинг кеча-кундузлик ҳаракати маҳаллий тоғ-водий циркуляциясига бўйсунди. Шунинг оқибатида кундузи шамол водийдан тоққа, кечаси эса тоғдан водий-

га қараб эсади. Музликлар мавжуд бўлган водийларда, музликлар усти совуқ бўлганлиги сабабли шамол кечаю-кундуз музликдан водий томон эсади.

Қирғизистоннинг айрим жойларида ҳаво чекка тизма тоғларни ошиб, тоғнинг нариги ёнбағридан пастга тушгани учун фён шамолига ўхшаш иссиқ ва қуруқ шамол ҳосил бўлади. Бу шамол таъсирида ички водийларда ёғингарчилик кам бўлиб, қурғоқчилик ҳукм суради. Иссиққўл ҳавзасида бундай шамоллар ғарбдан эсан «Улан» ва шарқдан эсан «Сантош» шамоллари сифатида аввалдан маълум. Айрим вақтларда бу шамоллар қуюн-га айланиб, тезлиги секундига 15 — 20 м га, баъзан 40 м гача етади. «Улан» ва «Сантош» шамоллари айрим пайтларда Иссиққўл ҳавзасига ғарбдан ёки шарқдан совуқ ҳаво кириб келган пайтга тўғри келиб қолади. Шамолнинг тезлиги ортиб, қуюн ёки бўронга айланиб кетишининг сабаби, совуқ ҳаво тоғлардан ошиб ўтиб, қир ва ёнбағирларни қоплаб олишидир. Иккинчидан, сув бетидаги аввалги иссиқ ҳаво тез кўтарилиб, унинг ўрнини эгаллаган совуқ ҳаво оқими баттар кучайиб, тезлиги ортади.

Умуман Қирғизистон ҳудуди жуда кўп майда тоғли, тоғ оралиғи, тоғ олди ботиқлари каби бўлақлардан иборат. Шу туфайли шамолининг тезлигини қайтарувчи тўсиқлар кўп. Очиқ водийларда шамолининг йиллий ўртача тезлиги 1—3 м/сек, уфқлари тўсиқ водийларда эса 1 м/сек дан ошмайди.

4-жадвал

### Шамол тезлиги 15 м/сек дан юқори бўлган кунлар сон

Станциялар	Ойлар											
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Бишкек	0,8	1,0	3,0	2,0	2,0	3,0	2,0	2,0	0,7	0,8	0,9	0,7
Ўш	0,1	0,4	0,6	2,0	2,0	3,0	1,0	0,2	0,1	0,2	0,2	0,4

**Иссиқлик режими.** Қирғизистон ҳудудида ҳаво ҳарорати ҳар бир жойнинг паст-баландлигига ва рельефининг шаклига боғлиқ. Мутлақ баландликнинг таъсири асосан йилнинг иссиқ пайтида сезилади. Ҳамма жойда, аста-секин баландликка кўтарилган сари, ҳароратнинг пасайиши кузатилади.

Қиш кунлари ҳаво ҳарорати баландлик ва кенгликка боғлиқ эмас. У асосан рельеф шаклига бўйсунди. Паст ҳаро-

рат Ички Тяншаннинг атрофи тўсиқ водийларида, Олой, Чотқол ва бошқа чекка водийларда кузатилади. Сабаби совуқ ҳаво рельефининг ботиқ, чуқур жойларида тўпланиб қолиб, янада совуши учун шароит яратилади. Тоғ ёнбағирларида эса совуқ ҳаво қуйи томон оғиб, ўрнини илиқ ҳаво қоплайди. Натижада Қирғизистон водийларида ҳарорат инверсияси ҳосил бўлади. Инверсия пайтида водийдан баландликка кўтарилган сари ҳарорат ҳам кўтарилади. Баланд тоғли Оқсой водийсини Қирғизистондаги «Совуқ кутб» деб аташ мумкин. Водийнинг ўртасида жойлашган Оқсой метеорология станциясида январнинг кўп йиллик ўртача ҳарорати  $-28^{\circ}\text{C}$  га тенг. Бу ер Қирғизистоннинг энг совуқ жойи сифатида рўйхатга олинган, аниқроғи 1953 йил январ ойида ҳаво ҳарорати  $-53,6^{\circ}\text{C}$  гача пасайган. Тоғлар оралиғидаги водийларнинг қиши совуқ ва узоқ давом этади. Баланд тоғли водийларда қишда қор қалин тушади ва изғиринли бўлади. Чекка водийларда ва 1000 м гача баландликдаги ясси тоғларда январнинг ҳарорати  $-5^{\circ}\text{C}$  дан  $-10^{\circ}\text{C}$  гача, Жанубий Қирғизистонда  $-3^{\circ}\text{C}$  дан  $-5^{\circ}\text{C}$  гача бўлади. Ички Тяншан водийларида  $-10^{\circ}\text{C}$  дан паст ҳарорат ҳам учраб туради. Иссиқкўл водийларида кўлнинг таъсири натижасида январь ойининг ҳарорати  $-2^{\circ}\text{C}$  гагина камаяди.

Баҳори одатдагидай илиқ, узоққа чўзилмайди, аммо совуқнинг қайталаниши оқибатида ўсимликлар, боғ ва дарахтларни совуқ уриши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Текисликлар ва пастқам тоғларга баҳор эрта келади, баланд тоғларда ва ички водийларда эса кечроқ бошланади.

Ёз ойлари Қирғизистонда узоқ давом этади ва иссиқ бўлади. Катта водийларда (Чуй, Фарғона) қуёшли ва қуруқ бўлади. Тоғларда ёнғингарчилик кўп. Ёзнинг энг иссиқ ойи — июлда ўртача ҳарорат текисликларда ва 1000 м гача бўлган пастқам тоғларда  $22 - 25^{\circ}\text{C}$ , Ўш томонларда эса  $24 - 28^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилади. Тоғларда (3000 м гача) июль ойининг кўп йиллик ўртача ҳарорати  $10^{\circ}\text{C}$  дан  $17^{\circ}\text{C}$  гача, Иссиқкўл бўйида эса  $16 - 18^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилади.

Куз ойлари илиқ бўлиб, очиқ кунлар кўп бўлади. Кеч куздан бошлаб ҳаво совий бошлайди ва ёнғингарчилик бошланади. Сентябрь ойининг ёз ойларида деярли фарқи йўқ. Октябрнинг бошланиши ҳам илиқ, унинг иккинчи ярмидан ёнғингарчилик ва ҳавонинг совуши бошланади. Ноябрь ойида қор ёғиб, тоғларда эрмай, сақлана бошлайди. Ҳавонинг ойлик ва йиллик ўртача ҳарорати қуйидаги жадвалда берилган.

### Ҳавонинг ойлик ва йиллик ўртача ҳарорати

Станциялар	Ойлар												Ўртача йиллик
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
Бишкек	-4,1	-3,2	3,8	11,4	18,9	21,3	24,1	22,6	17,3	10,1	2,2	-2,9	10,0
Талас	-6,3	-3,9	1,3	8,9	14,2	18,0	20,0	18,5	12,4	7,6	1,2	-3,3	7,5
Турашу	-11,8	10,9	-6,4	-2,6	1,9	5,9	8,2	7,6	3,6	-1,1	-6,4	-8,7	-0,7
Қоракўл	-6,1	-5,2	-0,2	6,9	11,4	14,8	16,4	16,0	12,0	6,1	-0,2	-4,3	5,6
Норин	-17,1	14,0	-4,6	6,4	11,7	14,6	17,1	17,0	12,2	5,2	-4,5	13,5	2,5
Тяньшан	-21,2	19,5	13,4	-7,0	-1,1	2,3	4,3	3,9	-0,5	-6,8	-14,3	19,5	-7,7
Ўш	-5,6	-0,8	5,6	13,9	18,7	22,9	25,5	23,5	18,5	11,4	4,3	-0,7	11,4
Кетмон-тепа	-14,1	11,4	0,6	12,4	17,3	20,6	23,6	23,7	18,4	10,4	1,5	-7,8	7,9
Сари-гош	-17,5	15,7	-9,8	-3,0	3,1	6,1	9,2	9,2	4,9	-1,9	-9,7	14,8	-3,3

### Энг юқори ҳароратнинг мутлақ қиймати

Стан-циялар	Оқшар												
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
Билсек	16,4	21,4	28,0	34,7	39,0	38,4	41,6	39,4	36,1	34,1	28,3	20,2	41,6
Ўш	17,8	16,6	24,5	32,0	34,1	38,5	38,7	37,2	33,2	30,3	24,5	17,4	38,7
Норин	1,8	6,9	18,6	27,3	29,9	30,4	33,6	32,8	30,5	24,8	14,9	6,8	33,6
Тяньшан	3,8	0,1	6,7	11,9	13,5	19,5	21,2	19,5	16,9	15,1	3,2	-0,4	21,2

### Энг паст ҳароратнинг мутлақ қиймати

Стан-циялар	Оқшар												
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
Билсек	-30,0	-34,0	-21,8	-10,4	-2,7	3,9	7,4	7,0	-2,8	-11,4	-32,2	34,4	-34,4
Ўш	-24,1	20,6	17,2	-6,3	1,2	5,3	9,0	7,2	1,7	-8,3	-22,2	25,9	-25,9
Норин	-37,9	38,0	-35,3	-19,8	-5,7	0,7	2,5	0,3	-4,4	-14,3	-29,2	35,4	-38,0
Тяньшан	-43,1	42,2	36,4	-33,7	-25,5	-13,5	-15,4	-13,5	-27,6	-30,8	-37,7	41,9	-43,1

Энг юқори ҳарорат Чуй ва Фарғона водийларида кузатилади ва уларнинг қиймати 43-44°C гача етади. Пастқам тоғлардаги ёзги ҳарорат 20°C атрофида, баланд тоғларда эса нолгача камаяди.

Ҳарорат жадвалларидан кўриниб турибдики, июлнинг энг юқори ҳарорати Чуй водийсида аниқланган. Баланд тоғларда ҳам ёзги мутлақ максимум 20°C дан юқори. Энг паст ҳарорат эса 3616 м баландликдаги Тяньшан станциясида аниқланган (Оқсойда ундан ҳам паст). Ҳарорат амплитудасининг мутлақ кўрсаткичи Бишкекда — 76°C, Ўшда -64,6°C, Норинда — 71,6°C ва Тяньшан станциясида — 64,3°C.


Ҳаво ҳарорати ўртача ойлик қийматининг амплитудаси Бишкекда — 28,5°C, Тяньшанда — 25,5°C.

Иқлимшунослар маълумоти бўйича ўртача ҳароратнинг амплитудалари об-ҳаво континенталлигининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Шуни эътиборга олиб, Қирғизистон ҳудудидаги ҳарорат амплитудаларига назар солсак, кескин континенталли об-ҳаво Тўғўзтўрў, Кетмонтепа ботиқларига ва Оқсой водийларига тўғри келади. Қирғизистоннинг аксарият қисмида об-ҳаво юмшоқ. Иссиқкўл атрофидаги тоғларнинг энг баланд қисмида ҳам денгиз бўйи ҳавоси ҳукмронлик қилади. Йиллик ҳарорат амплитудасининг энг кичик қиймати Қоработқоқ музлигида (18,3°C) қайд этилган.

Бир кеча-кундузда ўртача ҳарорат 0° С дан юқори бўлган давр баланд тоғли ҳудудларда 130 кун, текислик ва пастқам тоғли районларда 250-310 кунга тенг. Бир кунлик ўртача ҳарорат 10°C дан юқори бўлган энг узоқ кунлар Фарғона водийсида кузатишган.

Ички Тяньшанда эса бу кўрсаткич Қирғизистон бўйича энг қисқа. Масалан, 10°C дан юқори ҳароратнинг йиллик йиғиндиси Фарғона водийсида 4000 — 4900°, Чуйда 3700 — 4000°, Таласда 3000 — 3300°, Иссиқкўлда 2500 — 2600° бўлса, Норинда 2000°, Сусамирда 1100°.

**Булутлар.** Булутлар Қуёш нурининг ер юзасига тушишига тўсқинлик қилади. Қирғизистон ҳудудида булутли даврнинг йиллик ўртача кўрсаткичи 5-6 балл. Булутли кунларнинг энг катта кўрсаткичи (8-10 балл) қиш охири ва эрта баҳорда, энг кичик кўрсаткичи эса ёзда ва кузнинг бошланишида (2-3 балл) бўлади. Бундай режим мўътадил кенгликдаги ҳаво массаларининг эрта баҳордан бошлаб шимол томон силжиши билан боғлиқ. Қирғизистон ҳудудидаги очиқ кунлар бир йилда 50% дан юқоридир.



Қирғизистоннинг айрим жойларида атмосфера ёгинларининг  
 йил давомида тақсимланиши (Н.Пономаренко буйича)

Тоғли ҳудудларда кузатиладиган об-ҳавонинг асосий хусусиятлари қуйидагича: айрим вақтларда эрта билан кун очик бўлиб, тушга яқин осмонда аста-секин булутлар пайдо бўла бошлайди. Тушдан кейин осмонни тўлиқ булут қоплаб, кейин ёмғир ёғади. Кечга яқин булутлар тарқаб, кун очила бошлайди. Тун бўйи ҳаво очик бўлади.

**Намлик.** Қирғизистон ҳудуди жуда майда бўлақларга бўлинганлиги сабабли, намлик даражаси турли жойларда турличадир, аммо нисбий намлик 50 — 70% оралиқда ўзгариб туради. Қирғизистон ҳудудида нисбий намликнинг энг кичик қийматлари июль август ва сентябрь ойларига, энг катта қийматлари эса январь, февраль ва март ойларига тўғри келади.

Ёз ойларида нисбий намлик қиймати Фарғона водийси тоғ этакларида ва тоғ ёнбағирларида 33% дан 56% гача, Чуй ва Талас водийларида 38 — 75% оралиғида ўзгаради. Ёзги намликнинг энг юқори кўрсаткичи Иссиқкўл бўйи (55 — 70%) ва 3000 м дан юқори бўлган баландликларга тўғри келади.

Қишда нисбий намлик тоғ ёнбағирларига қараганда водийларда юқори бўлади. Масалан, Чуй водийсининг 600 м баландлигида унинг қиймати 80% бўлса, 800 м баландликда 70%. Қирғиз Олатовининг шимолий ёнбағридаги 1600 м баландликда 50-60%, Оқсойда — 75%. Демак, нисбий намликнинг йиллик фарқи водийларда юқори, тоғларда эса паст. Масалан, Чуй водийсида намлик амплитудаси 30%, Оқсойда 20%, Иссиқкўл бўйида 10%.

**Ёғинлар.** Қирғизистон ҳудудининг турли жойларида ёғинларнинг миқдори турлича. Айрим жойларда ёғин-сочининг йиллик миқдори 1000 — 1500 мм бўлса, бошқа жойда 100 — 150 мм. Умуман, Қирғизистон ҳудуди атрофидаги жойларга нисбатан баланд жойлашганлигидан, бу ерда ёғин-сочининг миқдори ҳам кўпроқ. Ёғинлар асосан ташқаридан-ғарбдан, шимоли-ғарбдан келадиган нам ҳаво йўлида жойлашган тизма тоғлар ёнбағирларида кўп бўлади. Фарғона тизма тоғининг жануби-ғарбий ёнбағирларида ёғингарчиликнинг йиллик миқдори 1000 мм дан юқори, Оқтерак-Ғовада — 1090 мм, Демидовкада — 1084 мм, Чаартошда — 1057 мм ва ҳоказо. Қирғиз Олатовининг чўққиларида ёғингарчилик миқдори бироз юқори (Тўрашу — 1003 мм). Ёғингарчилик кўп бўладиган жойларга Чотқол тизма тоғининг шимоли-ғарбий ёнбағри (1000 мм дан юқори), Кемин туманининг ичкарилари ва Иссиқкўлнинг шарқ томони (900 мм), Сарижазнинг шарқий қисми (700 — 800 мм)

киради. Чуй ва Талас водийларида 250 дан 500 мм гача, водийлар, Ўш адирлари ва пастькам тоғларда 300 дан 700 мм гача ёғингарчилик бўлади. Ички Тяншан ва Марказий тяншан водийларида ҳам ёғингарчилик энг кам бўлади (Балиқчида 100 — 140 мм). Фарғона водийсининг жанубий қисмида ҳам ёғингарчилик кам бўладиган жойлар бор (Боткен — 156 мм).

Ёғингарчиликнинг йил фасллари бўйича тақсимланиши ҳам бирдай эмас. Ёғингарчилик кўпроқ баҳор ойлари (март, апрел) ва кеч кузга (октябрь, ноябрь) тўғри келади. Баланд тоғларда эса конвектив жараённинг таъсири оқибатида июнь-июль ойларида ҳам ёғингарчилик кўп бўлади.

8-жадвал

**Ёғингарчиликнинг йил давомида ойлار бўйича тақсимланиши (мм ҳисобида)**

Станциялар	Ойлар												Йиллик
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
Бишкек	20	23	46	64	62	39	20	12	16	34	34	25	395
Талас	10	14	32	49	49	35	19	12	9	4	23	19	292
Балиқчи	1	1	2	7	17	26	26	20	9	5	1	0	115
Тургун-Оқсув	30	30	46	55	102	85	75	80	60	40	64	50	714
Норин	10	13	22	28	51	51	34	22	13	15	17	11	269
Тяншан	6	5	15	22	43	56	59	54	24	11	9	7	311
Ўш	32	34	54	48	42	23	4	5	5	26	44	36	360
Оқтарак - Фова	166	75	112	109	109	81	47	33	19	76	96	79	912

Ёғингарчиликнинг йиллик нормаси (меъёри) муайян бир жойда йил сайин ўзгариб туради, сабаби атмосферадаги жараёнларнинг қайталаниши ва уларнинг мароми ҳар йили бирдай эмас. Масалан, Бишкекда ёғингарчиликнинг бир йиллик нормаси 400 мм. У айрим йилларда 150 мм гача тушиб, айрим йиллари 600-650 мм га етади. Иссиққўлнинг шарқ томонида йиллик ёғингарчиликнинг миқдори 370 мм дан 930 мм гача ўзгариб туради (нормаси 729 мм). Энг катта фарқ эса Жанубий Қирғизистонда (110 мм дан 580 мм гача) кузатилади (нормаси 360 мм).

Ёғинлар тинимсиз ёққанда 2-4 соатдан 10 — 12 соатгача чўзилиши мумкин. Айрим кунлари ёққан ёмғир йиллик ёғингарчиликнинг 10 — 15% ини ташкил қилади. Бундай жадал ёққан ёмғир

ир кўпинча Фарғона тизма тоғининг жануби-ғарбий ёнбағирларида кузатилади. Бу ерда ёққан бир кунлик ёмғир миқдори 90 мм гача етган кунлар бўлган. Жадал ёққан ёмғир селга айланиши мумкин. Сел олиш ҳодисалари Қирғизистоннинг кўрғина жойларида, айниқса, Фарғона водийсининг қирадирларида кўп учрайди.

**Қор қоплами.** Табiiй-географик тузилишига кўра Қирғизистон ҳудудида қорнинг қалинлиги, тарқалиши, эриш муддати ҳар хил. Ғарб, шимоли-ғарб томондан эсган ҳаво массаси таъсирида Фарғона водийсида қор оз ёғади ва қиш юмшоқ бўлади, оқибатда қор узоқ муддат сақланмайди. Қалин қор қоплами тоғларда, айниқса Фарғона водийсининг шимол томонида жойлашган тоғларда, Иссиқкўлнинг шарқий қисмида учрайди.

Талас водийсида қорнинг қалинлиги баландликка ва тоғ ёнбағирларининг экспозициясига боғлиқ. Бу ерда қор қопламининг ўртача қалинлиги, ғарбдан водийнинг ичкарасигача 4 см дан 16 см гача ортади.

Иссиқкўл ботиғининг ғарбий қисмида, Балиқчи шаҳрининг атрофларида қор турмайди, ўрта қисмида қорнинг қалинлиги 3 — 5 см га (Чўлпонота) етиб, узоқ сақланмай эриб кетади, бироқ шарқий қисмида бўлса қорнинг қалинлиги 35-40 см га етади, айниқса Сантош довори билан Жирғалан дарёсининг этакларида 50 — 60 см га етиши мумкин.

Ички Тяншан водийларига қор оз ёғади, айрим қисмларида қиш бўйи ер оқармайди. Тоғларида қорнинг қалинлиги ғарбдан шарққа томон озайиб боради. Масалан, Сусамирда қор 50 см бўлса, Қорақужурда 8 — 10 см.

Энг қалин қор қоплами Фарғона тизма тоғинининг баланд қисмида учрайди. Бу ерларда қорнинг қалинлиги 150 см гача боради.

Доимий қор қоплами Қирғиз Олатовида, Фарғона тоғ тизмаларининг баланд жойларида, Олой водийсида энг эрта пайдо бўлади. Текисликлар билан тоғ этакларидаги қорлар доимий эмас, улар эриб, яна пайдо бўлиб туради. 1500 м ва ундан баланддаги доимий қор қопламлари ўрта ҳисоб билан ноябрнинг иккинчи ярмидан бошлайди. Қор қоплами энг қалин бўлган вақт февраль ойига тўғри келади. Март, апрель ойларида қор эрий бошлайди. Баланд тоғларда эса эриш жараёни майнинг охиридан бошланади. Тоғларнинг баландлигига боғлиқ ҳолда қорнинг эриш муддати 50 кундан 200 кунгача чўзилади.

1. Қирғизистон ҳудудида ҳаво босими, шамол йўналиши, ҳарорат ва ёғингарчиликнинг бирдай эмаслигини қандай тушунтириш мумкин?
2. 8-жадвалдан фойдаланиб, нима учун Турғун-Оқсув ҳавзасида ёғингарчилик кўп, Балиқчида эса оз эканлигини тушунтириг.
3. Сизлар яшаётган ҳудудда атмосферанинг қайси жараёнлари хўжаликка ёмон таъсир кўрсатади?

### 3.3. Иқлимнинг баландлик минтақалари бўйича ўзгариши ва регионал хусусиятлари

Қирғизистон ҳудудида ер юзаси тузилишининг мураккаблиги, тоғ ёнбағирларининг турли экспозицияларда жойлашиши ва уларнинг нам ҳаво оқими йўналишига нисбатан жойлашишига қараб, иқлимнинг ўзига хос хусусиятлари ҳосил бўлган. Унинг ҳудуди баландлик бўйича тўрт иқлим минтақасига бўлинади.

**Тоғ этакларидаги текисликлар ва пастқам водийлар иқлими.** Ёзи иссиқ, қуёшли (июлнинг ўртача ҳарорати  $28^{\circ}\text{C}$  гача), қиши унча совуқ эмас, мўътадил, ёғингарчилик кам. Бу иқлим минтақаси, айниқса Фарғона водийсида субтропик иқлим белгиларига эга. 900 — 1200 м баландликларда ҳам ёзининг ҳарорати  $20 - 25^{\circ}\text{C}$  дан кам эмас, қишнинг ҳарорати (январь)  $-4^{\circ}\text{C}$  гача пасаяди. Энг иссиқ кунларда ҳарорат  $44^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилади, энг совуқ кунларда эса ҳавонинг ҳарорати  $-40^{\circ}\text{C}$  гача пасаяди. Бу минтақада  $0^{\circ}\text{C}$  дан юқори ҳароратнинг йиллик йиғиндиси 3600 — 4900<sup>0</sup> га етади. Бу минтақа сув билан яхши таъминланса қишлоқ хўжалиги учун жуда қулай ҳисобланади.

**Тоғ олди иқлим минтақаси** 900 — 1200 м дан 2000 — 2200 м баландликкача фақат мўътадил иқлимли. Ёзи иссиқ, қиши эса унча совуқ эмас, маълум қалинликдагина қор тушади. Ёзги (июлдаги) ўртача ҳарорат  $18 - 19^{\circ}\text{C}$ , қишнинг январ ойидаги ўртача ҳарорат эса  $-7 - 8^{\circ}\text{C}$ . Декабрдан февралгача бўлган ўртача ҳарорат  $-3 - 5^{\circ}\text{C}$  ни ташкил қилади.

1000 — 1500 м баландликда етти ойдан ортиқ совуқ бўлмайди,  $0^{\circ}$ дан юқори ҳароратнинг йиллик миқдори 3500 — 4000<sup>0</sup>. Бундай даражадаги ҳарорат учун нам етарли бўлса, иссиқ иқлимга мослашган бир қанча қишлоқ хўжалиги экинлари учун яхши шароит яратилади. Минтақанинг юқори қисмида олти ойга яқин

совуқ бўлмайди, илиқ ҳароратнинг миқдори 2700 — 3800°C. Бу фақат мўътадил иқлимга тўғри келади.

**Баланд тоғли иқлим минтақаси** 2000 — 2200 м дан 3000— 3500 м гача баландликда жойлашган. Бу минтақанинг ёзи салқин, қиши совуқ, кўпчилик қисмини қалин қор қоплами эгаллаб ётади. Июлнинг ўртача ҳарорати 11— 16°C, январ ойи ҳарорати эса -8 — 10°C. Қиши узоқ (ноябрь-март) ва қорли. Бу минтақанинг юқори қисмида илиқ кунлар фақат 3 — 4 ой-гача давом этади. 0°C дан юқори ҳароратнинг миқдори 600 — 2800<sup>0</sup>. Бу минтақадан асосан яйловлар учун фойдаланилади.

**Нивал иқлим минтақаси** 3500 дан баландда жойлашган тоғ тизмалари ва дараларнинг оралиқларидаги абадий музликлар қоплаган жойларни ўз ичига олади. Ёзи салқин, қиши изғиринли, юқори қисмида қор умуман эримайди. Июлнинг ҳарорати 4 — 7°C дан ошмайди, январда эса -19 — 22°C гача совуқ.

Қирғизистон иқлими баландлик бўйичагина минтақаларга бўлинмасдан, балки жойлашиши бўйича ҳам фарқ қилади. Иқлимшуносларнинг фикрича Қирғизистон тўрт иқлим регионига бўлинади: Шимолий Қирғизистон, Иссиқкўл ҳавзаси, Ички Тяньшан ва Жанубий Қирғизистон. Бундай гуруҳлашда асосий кўрсаткич бўлиб ёғингарчиликнинг йиллик режими олинган. Бу маълум даражада атмосфера циркуляциясининг шарт-шароитига ҳам мос келади.

**Шимолий Қирғизистоннинг** қиши бир мунча совуқ. Синоптик жараёнининг асосий хусусияти-совуқ ҳаво оқими ғарбдан, шимоли-ғарбдан ва шимолдан кириб келишидир. Бу ҳаво оқими кўпчилик ҳолда шамолнинг кучайишига, осмонни булут қоплаб, ёғингарчилик бўлишига сабаб бўлади. Ёз ойлари, иқлимнинг бирдай эмаслиги билан фарқ қилади. Совуқ ҳаво илиқ ҳаво билан тез-тез алмашиб, гоҳ совуқ, гоҳ илиқ ҳавони олиб келади. Ёғингарчилик кўпроқ бўлиб туради.

Ёзнинг бошларида ҳам шимоли-ғарбдан ва ғарбдан нам ҳаво оқими кириб келади. Ёмғир кўпинча жалага айланади. Ёзнинг иккинчи ярми қуруқ келади.

Кузнинг синоптик жараёнлари ҳам бирдай эмас. Бу даврда совуқ ҳавонинг ғарбдан кириб келиши, айрим пайтларда ёмғир ёки жаланинг қорга айланишига сабаб бўлади.

Ёғингарчиликнинг йиллик максимуми баҳор ва ёзнинг биринчи ярмига тўғри келади.

**Иссиқкўл ҳавзасидаги** синоптик жараёнлар ўзига хос хусусиятга эга. Орографик қуршовдаги ҳавза бўлганлиги са-

бабли, унинг бошқа регионлар билан ҳаво алмашинуви жуда қийин. Ҳаво оқими Иссиққўл ҳавзасига Қирғизота тоғи билан Кунгай Олатов ва сантош довлари орқали кириб келади. Тоғдан ошиб ўтган ҳаво оқими пастлай бошлаганда адиабатик ва илиқлашиш жараёни кузатилади ва иккинчида ҳаво оқими ёйилиб кетиб, нисбий намлик камаяди. Натижада ёнғингарчиликни ҳосил қилувчи булутлар бу ерда жуда сийраклашиб кетади. Қўл усти билан шарққа ҳаракатланган ҳаво оқимининг нисбий намлиги аста-секин ортиб, Иссиққўлнинг шарқий қисмига етганда ёнғингарчилик кўпаяди. Ёнғингарчиликнинг йиллик максимуми баҳорнинг охири ва ёзнинг бошларига тўғри келади.

**Ички Тяншани** қуршаган баланд тизма тоғлар ва бу иқлим минтақаси ер юзасининг баландлиги атмосфера циркуляциясига кўп ўзгаришларни киритади. Тизма тоғларнинг ёнбағирларида ёнғин-сочин кўп бўлиб, водийларга келганда ҳаво оқимининг намлиги камаяди.

Қиш ойларида конденсация даражаси паст бўлганлигидан нам ҳаво оқимининг ички водийларга кириши қийинлашади. Шунинг учун Ички Тяншан водийларида қор йўқ ҳисобида. Иқлимида антициклон режими устунлик қилиб, кўпчилик вақтда очиқ аёзли кунлар ҳукм суради. Қишдаги ёнғингарчилик йилликка нисбатан 11,5% ни ташкил қилади.

Йилнинг иссиқ пайтида аҳвол кескин ўзгариб, ёнғингарчилик кўпаяди. Конвектив ҳаво оқимининг кучайишидан булутлик ортиб, ёнғингарчилик ҳам кўпая бошлайди.

Умуман олганда, Ички Тяншан ёнғингарчилиги нисбатан камроқ, мўътадил иқлим минтақали ўлкадир. Ёнғингарчиликнинг кўпайган даври баҳорнинг охири ва ёз ойларига тўғри келади.

**Жанубий Қирғизистонда** шимолдан ва шимоли-ғарбдан келадиган совуқ ҳаво оқимининг таъсири кам, айрим ҳолларда иқлимга уларнинг таъсири йўқ ҳисобида. Бу ер иқлимига ғарбдан эсан нам ва муздай ҳаво оқимининг таъсири кучли. Шунинг учун ёнғингарчилик йилнинг совуқ даврига тўғри келади. Бу ерда йилнинг илиқ даври қуруқ ва офтобли ёки ўрта денгиз бўйларига хос иқлим белгилари бор. Ер юзаси баландлиги ортган сари ёнғингарчилик даври баҳор ойларига қараб силжийди. Баҳорда ёнғингарчилик янада кўпаяди.

**Фарғона водийсининг шимолий ва шимоли-ғарб** томонига ғарбдан кириб келадиган ҳаво оқими учун йўл очиқ.

Шунинг учун Жанубий Қирғизистоннинг бу томони иқлими ғарб ва жануби-ғарб томондан эсган ҳаво оқимининг таъсири остида вужудга келади. Қиш ойларида ёғингарчилик жанубий циклонлар билан, ғарбдан эсган совуқ ҳаво оқимининг кўшилиши натижасида кузатилади.

Йилнинг илиқ даврида кузатиладиган об-ҳавонинг термик депрессияси шимолий қисмидан кириб келадиган ғарбий ва шимоли-ғарбдан эсган совуқ ҳаво оқими натижасидир. Бу совуқ ҳаво оқими эсган паллага асосий ёғингарчилик даври тўғри келади (баҳор тугаб, ёзнинг бошланиш даври). Умуман бу регионда ёғин-сочининг умумий кўлами бутун Қирғизистон ҳудудидагидан кўп. Бу ердаги тоғ ёнбағирларининг айримларида ёғингарчиликнинг йиллик миқдори 1000 мм дан юқори. Атрофи ўралган водийларда ва тоғ ёнбағирларининг шимолий қисмларида ёғингарчилик 300 мм дан ошмайди.

Фарғона водийсининг жануб томонларини эгаллаган тоғ тизмаларининг пастки қисмидан то чўққисигача бўлган ҳудудлар иқлимида ҳам ўзига хос икки давр бор. Осиё антициклонининг жануби-ғарбида ҳукм сурган совуқ ҳавонинг қиш ойларида, илиқ даврда эса жануби-ғарбий циклонларнинг кириб келиши Фарғонанинг бу томонлари учун ҳам хос. Ёғингарчиликнинг асосий қисми баҳорда ғарбдан эсган нам ҳаво оқими билан биргаликда келади.

Ёғингарчиликнинг йиллик кўлами тоғ этакларида ва ички водийларда 250 мм дан 500 мм га етади. Бу ерларда ҳам ёғингарчилик миқдори ғарбдан шарққа томон кўпаяди. Бироқ Фарғонанинг шимол томонига нисбатан умумий миқдори озроқ (600 мм гача).

### **Савол ва топшириқлар**

1. Сизнинг фикрингиз бўйича иқлим элементларининг қайси кўрсаткичлари инсон ҳаёти учун энг керакли? Ўз мулоҳазаларингизни дафтарчага ёзинг.
2. Сиз яшаётган яқин атрофда дам олиш мумкин бўлган жойлар борми? Уларнинг иқлимий тасвирлашга ҳаракат қилинг.
3. Мактабингиз жойлашган ернинг баландлиги қанча? Мана шу баландликдаги ҳароратни, ёғингарчиликни, Қуёш нурининг интенсивлигини ва бошқа иқлим элементларини аниқлашга уришиб кўринг.

## 4. МУЗЛИКЛАР ВА АБАДИЙ МУЗЛИКЛАР

### 4.1. Музликларнинг жойлашиши

Музликлар — Қирғизистон табиат комплексининг асосий компонентларидан бири. Ҳудуд рельефининг шаклланишида ва ҳозирги кунда давом этаётган барча табиий жараёнларда музликларнинг аҳамияти катта. Иккинчидан, музликлар оқар сувларнинг туганмас манбаларидан бири. Республика иқлими шароитида ёзда эриган музликлар тоғ этакларидаги сувга муҳтож бўлган қишлоқ хўжалиги экинзорларини сув билан таъминлайди.

Қирғизистон ҳудудида эгаллаган майдони  $0,1 \text{ км}^2$  дан ортиқ бўлган 6516 музлик ҳисобга олинган. Улар эгаллаган майдон  $8047,7 \text{ км}^2$  ни, ёки Республика умумий майдонининг 4% ини ташкил қилади. Агарда ҳамма музликларни (майдони  $0,1 \text{ км}^2$  дан кичикларини ҳам) ҳисобласак, уларнинг сони 7638 га етади ва майдони  $8107,7 \text{ км}^2$  ни ташкил этади.

Қирғизистон ҳудудидаги музликларнинг тарқалиши, муз қоплаган майдонларнинг ва алоҳида абадий музликларнинг кўлами асосан иқлим элементларининг маҳаллий шароитларга қараб ўзгаришига, тоғ ёнбағирларининг мутлақ баландлигига ва уларнинг Қуёшга нисбатан жойлашишига (экпозициясига) боғлиқдир. Ер юзасининг табиий географик шароитига кўра турли ҳудудларга бўлиниши ҳам катта аҳамиятга эга. Юқорида айтилган сабабларга кўра музликларнинг тарқалиши Республикада бир хил эмас. Катта майдонларни эгаллаган музликлар қоплаган ҳудудлар баланд тоғларнинг ёнбағирларида ва водийларда жойлашган. Айрим тоғ чўққиларида уларни қоплаб ётган абадий қор далалари ва музликларга дуч келинса, бошқа тоғ тизмаларида алоҳида қор-музлик далалари, майда музликларнинг ҳар хил шакллари учрайди. Музликларнинг жойлашишида икки хил қонуният бор. Биринчиси баланд жойлашган тоғ воҳаларини эгаллаб ётган яхлит музликлар ўчоғи бўлса, иккинчиси тизма тоғларнинг баланд чўққиларини эгаллаб, гоҳо туташ, гоҳо бир-биридан ажралиб жойлашган музликлар тизми ҳисобланади. Музликларнинг энг катта ўчоғи бўлиб Хонтоғ ва Ғалаба чўққисининг атрофлари ҳисобланади. Шимолдан Терскай Олатов, жанубдан Қақшаалтоғ, шарқдан Меридиан тизма тоғи ва ғарбдан Сарижаз дарёси билан чегараланган ҳудудда умумий майдони  $1581 \text{ км}^2$  дан ошиқ 340 та музлик

жойлашган. Булар шу ҳудуд майдонининг 31% ини ташкил қилади. Бундай улкан тоғ музликларининг бўлиши ва катта майдонларни эгаллаб ётиши Қирғизистон ҳудуди учунгина эмас, бутун Марказий Осиё учун ҳам тан қоларли ҳодисадир. Бундай шароит яратилишига, биринчи навбатда, мутлақ баландликнинг шарққа томон аста-секин кўтарилиши ва иккинчидан шарқда энг баланд — Меридиан тизма тоғининг ҳаво оқими йўлида тўсиқ бўлиб жойлашиши сабабдир.

Меридиан тизма тоғи Хонтангри тоғ бирикмасининг фақат орографик марказигина бўлмасдан, ҳозирги муз қоплашнинг ҳам маркази ҳисобланади. Агарда бу тоғ бирикмаларини Қирғизистон ҳудудидан ташқарида (Хитой) бўлган томонлари билан бирга олсак, унинг барча музликлар билан қоплаган регионлар ичида энг каттаси эканлигини кўриш мумкин. Бу ердаги музликларнинг умумий майдони 3000 км<sup>2</sup> дан ортиқ. Шу билан бирга алоҳида ётган музликларнинг кўлами ҳам анча бор. Масалан, биргина жанубий Энгилчак музлигининг узунлиги 58,9 км, майдони 613,2 км<sup>2</sup> га тенг. Бу музликдан ташқари, узунлиги 20 км дан ошиқ бўлган Семенов (Қашқатўр), Мушкетов (Адиртўр), Шимолий Энгилчак, Қайинди ва бошқа музликлар бор.

Ўрта Осиёда (Туркистонда) музликларнинг (эгаллаган майдони бўйича) энг каттаси Катта Олой тоғ тизмаси бўлиб ҳисобланади. Катта Олой тоғ тизмасидаги Ленин номли чўққининг мутлақ баландлиги 7139 м га тенг. Марказий қисмининг баландлиги эса 6000 м дан ортиқ. Бундай баландликлар натижасида тизма тоғларнинг чўққилари ва ёнбағирлари яхлит музликлар ва абадий эримайдиган қорликлар билан қопланган. Бу тизма тоғлардаги музликларнинг умумий майдони 1329,3 км<sup>2</sup> га тенг. Ёки Хонтангри тоғ тизими музликлари майдонидан қолишмайди. Уларнинг шимолий ёнбағирларида ёки Қирғизистон ҳудудида жойлашган музликларнинг майдони 697,5 км<sup>2</sup>. Катта Олой тоғ тизмасидаги музликлар орографик хусусиятлари бўйича уч қисмга бўлинади. Фарбий қисми — Муғсув билан Қизилсув дарёларининг қўшилишидан Терсоқар довоғигача бўлган 64 км га яқин қисмида умумий майдони 94,6 км<sup>2</sup> га тенг бўлган 44 та музлик жойлашган. Марказий қисми — Терсоқар довоғидан Қизиларт довоғигача бўлган 92 км лик оралиқ ҳам қалин музлик билан банд. Бу қисмининг ўртача баландлиги 6000 м дан ортиқ, энг баланд жойи — Ленин чўққиси (7139 м). Музликларнинг умумий майдони 361,2 км<sup>2</sup>. Учинчи қисми — Қизиларт довоғи орқали Хитой билан чегарадош Отжайлов чўққисига-

ча бўлган 30 км лик оралиқнинг ўртача баландлиги 5500 м, энг баланд жойи 6601 м (Қўрумду чўққиси). Бу ердаги музликларнинг умумий майдони 241,1 км<sup>2</sup> га тенг.

Катта Олой тоғ тизмасининг шимолий ва жанубий ёнбағирларидаги музликларнинг пайдо бўлиши ва катта майдонларни эгаллашининг асосий сабаби — уларнинг мутлақ баландлигидадир. Унинг шимолида ёнма-ён жойлашган Олой тизма тоғининг чўққилари Катта Олойнинг чўққиларидан деярли 1000 м га паст. Шунинг учун у ерларга келадиган нам ҳаво оқимларидан, ҳатто ёз фаслида ёғадиган ёғингарчилик қор шаклида тушиб, музликларнинг тўйинишига ва сақланишига имконият яратади.

Музликларнинг қисмидаги энг юксак чўққининг баландлиги 5000 м дан ортиқ, музликларнинг майдони 435 км<sup>2</sup>, сони 154 та. Бу ердаги музликлар кўлами 30х40 км бўлган майдоннинг 44% ини эгаллаб ётади. Нориннинг бошланиш жойи бўлган Қумтор ҳавзасидаги Петров музлиги (узунлиги 14 км, майдони 70,6 км<sup>2</sup>) энг катта музлик бўлиб ҳисобланади.

Қирғизистондаги муз қоплаган регионларнинг катталаридан яна бири Кўкшаал тоғининг шимолий ёнбағри ҳисобланади. Шарқдан, сарижаз дарасидан, ғарб томон Кўкшаал тоғи дарасигача чўзилган тизма тоғнинг бу қисмида умумий майдони 907,6 км<sup>2</sup> бўлган 600 дан ошиқ музлик жойлашган. Тахминан 70 км га чўзилган Мудурум билан Катта Узўнгу-Кууш дарёларининг ҳавзасига тўғри келган Кўкшаал тоғининг энг баланд қисмидаги музликларнинг майдони 443 км<sup>2</sup>. Данков чўққиси (5982 м) атрофида бир бутун бўлиб ётган қор, фирн ва музлик далаларидан йирик водий музликлари тўйинади ва уларнинг этаклари 3800 — 4000 м баландликдаги ёйиқ водийларга чиқади (Оқсой, Ойтола ва бошқалар). Бу музлик регионини Оқсойнинг музлик ўчоғи деб аташади.

Узўнгу-Кууш дарасидан Сарижаз дарасигача бўлган Кўкшаал тоғ қисмида умумий майдони 399,5 км<sup>2</sup> га баробар 400 дан ортиқ музликлар бор. Музликларнинг асосий қисми Оқшйроқ дарёсининг ўнг ирмоғи-Жанғарт ҳавзасида жойлашган. Жанғарт дарёси ҳавзасидаги музликлар кўлами бўйича бошқалардан юқори туради.

Тизма тоғ тешаликлари бўйлаб гоҳ туташ, гоҳ узилган музликлар Терскай Одатовда йиғилган. Уларнинг асосий қисми чуқур парчаланган дараларнинг шимолий ёнбағирларидадир. Бу ердаги музликларнинг умумий майдони 544,2 км<sup>2</sup>. Кўпчилиги майда музликлар, масалан 14 та музликнинг ҳар бирининг май-

дони 5 км<sup>2</sup> дан ортиқ. Тизма тоғнинг жанубий ёнбағри қисқа ва қияликларнинг давомига ўхшаб аста-секин паства боради. Чўққиларга яқин ёнбағирлар ва бўлинган водийлар орасида ясси ва анча-мунча қияликлар бор. Қадимги пенеплен қолдиқлари сақланиб, уларнинг устида «Ясси тоғлар музликлари» ётади. Жанубий ёнбағир музликларининг умумий майдони 579,5 км<sup>2</sup>. Бу музликлар Сарижаз, Норин ва Чуй дарёларининг ҳавзаларига бўлинади. Водий музликларининг йириклари Сарижаз дарёси ҳавзасида (энг катта музлик-Калпаковский: узунлиги 10 км, майдони 30,4 км<sup>2</sup>) жойлашган, ясси тоғлардаги музликларнинг йириги эса Норин ҳавзасидаги Григорьев музлиги бўлиб, унинг узунлиги 4 км, майдони 8,3 км<sup>2</sup>.

Ички ва Марказий Тяншан атрофида юқорида келтирилган муз қоплаган ҳудудлардан бошқа, Кўкшаал тоғи билан Терскай Олатовнинг оралиғида жойлашган музликлар тўплами ҳам мавжуд. Улар Бўрқўлдў (250,3 км<sup>2</sup>), Отбоши (106, 2 км<sup>2</sup>), Жанижер (59 км<sup>2</sup>), Жетимбел (71,5 км<sup>2</sup>), Жетим (136,6 км<sup>2</sup>), Нура (25,9 км<sup>2</sup>), Норинтоғ (69,4 км<sup>2</sup>) тизма тоғларида жойлашган.

Шимолий Тяншан тизма тоғларининг чекка томони (ғарбий) нам ҳаво оқими йўналишида жойлашганлигидан, унча баланд бўлмаса-да, бу ерда музликлар билан қопланган бир қанча майдонлар жойлашган. Қирғиз Олатовининг шарқий қисмида қўшилиб ётган музлик далалари ғарбга томон айрим (алоҳида) ётган музликларга айланиб бориб, Ашмара дарё ҳавзасидан ҳам ўтиб кетади. Жанубий ёнбағирлардаги музликлар ҳам марказий қисми билан қўшилиб туради. Бу тизма тоғлардаги музликларнинг майдони 530 км<sup>2</sup>, сони 607 та. Энг йирик музликлар Аламу-дун ва Олаарча дарёларининг ҳавзаларидаги Голубин музигидир. Унинг узунлиги 5,5 км, майдони 9,4 км<sup>2</sup>.

Кунгай Олатовнинг марказий қисмида ҳам бир қанча музликлар жойлашган. Унинг Иссиққўл томонида, яъни жанубий ёнбағрида умумий майдони 140,3 км<sup>2</sup> га етган 159 та музлик бор. Бу тоғнинг шимолий ёнбағрининг шарқий қисми Челек дарёси ҳавзасидаги музликлардир. Уларнинг умумий майдони 112,3 км<sup>2</sup>. Шимолий ёнбағридаги энг катта музликлардан бири Шарқий Оқсув бўлиб, узунлиги 4,9 км, майдони 6,9 км<sup>2</sup>. Катта Кемин билан Кичик Кемин дарёларининг ҳавзаларидаги, яъни Или Олатовининг жанубий ёнбағридаги майда музликларнинг умумий майдони 40,9 км<sup>2</sup>.

Талас Олатовидаги музликларнинг аксарияти майда, қорлик типидagi музликлардан иборат. Улар туташ муз далалари-

ни ташқил қилмай, дараларнинг ичкарасида, бир-биридан алоҳида, бўлак-бўлак бўлиб жойлашган. Умумий майдони 120,7 км<sup>2</sup> га тенг бўлган 202 та музлик Талас Олатовининг шимолий ёнбағирларида ястаниб ётади. Жанубий ёнбағрида Угом, Майдонтол, Писком, Сандалаш ва Чотқол тоғ тизмалари ажралган жойларда ва юқорида айтиб ўтилган тоғ тизмаларининг шимолий ёнбағирларида майда музликлар жойлашган. Чотқол дарёси ҳавзасининг Қирғизистонга қарашли қисмида умумий майдони 10,8 км<sup>2</sup> бўлган 62 та музлик бор.

Фарғона водийсини ўраб турган тизма тоғлар ичида Олой тизма тоғи музликларга энг бой ҳисобланади. Бу тизма тоғда жойлашган музликларнинг умумий сони 1360 дан ортиқ, майдони 936 км<sup>2</sup>. Бу тизма жанубий ёнбағрининг ғарбий қисми Тожикистон ҳудудига қарайди. Қирғизистон ҳудудига қарашли музликларнинг сони — 1088, майдони 816 км<sup>2</sup> га тенг. Шу ҳолат эътиборга олинса, музликларнинг асосий қисми Исфайрамсой ҳавзасидан ғарбга томон, Туркистон тоғ тизмасигача ястаниб ётибди, шарқ томонда эса Оқбура, Қуршоб дарёлари ҳавзаси ва Кўксувнинг ичкари қисмида жойлашган. Йирик музликлар тизма тоғларнинг ғарбий музлигининг узунлиги 9 км, майдони 25,2 км<sup>2</sup>. Бу музликдаги махсус станция 1967 йилда Халқаро гидрологик ўн йиллик (МГД) изланишлар дастури бўйича тошкентлик олимлар томонидан очилган ва ҳозирги кунда ҳам тинимсиз кузатишлар олиб борилмақда.

Туркистон тизма тоғининг шимолий ёнбағридаги музликларнинг умумий сони 306 та, майдони 299,1 км<sup>2</sup>, кўп қисми Сўх ҳавзасининг чап томонида ва Исфара ҳавзасида жойлашган. Аксарият музликлар майда шаклда учрайди. Энг йирик 4 та музликнинг умумий майдони 10 км<sup>2</sup> дан ортиқ (Теминген, Шуровский ва бошқалар).

Фарғона тизма тоғи кўпчилик қисмининг баландлиги 3000–3500 м дан ошмайди. Бундай баландликлар қор чизигидан патда жойлашганлигидан уларда музликлар ҳосил бўлмайди. Бу тоғ тизмасининг Олой тоғ тизмаси билан бириккан жойигина бироз баландлаб, 4500 — 4800 м га етади ва шу ерда музликлар ҳосил бўлган. Фарғона тизма тоғидаги музликларнинг умумий сони 383, майдони 195,8 км<sup>2</sup>. Улар Норин (Олабуқа) ва Қорадарё (Тор) ҳавзаларига қарашли. Музликларнинг кўпчилиги майда, энг катта музликнинг узунлиги 5,4 км, майдони 7,4 км<sup>2</sup>.

Қирғизистон ҳудудидаги музликларнинг йирик дарёлар ҳавзалари бўйича тақсимланиши 9-жадвалда келтирилган.

9-жадвал

### Музликларнинг йирик дарёлар ҳавзалари бўйича тақсимланиши

Тартиби	Дарё ҳавзалари	Майдони 0,1 км <sup>2</sup> дан катта музликлар		Майдони 0,1 км <sup>2</sup> дан кичик музликлар	
		сон	майдони, км <sup>2</sup>	сон	майдони, км <sup>2</sup>
1	Сирдарё	3040	2668,0	288	12,6
2	Тарим	1674	3480,7	328	20,8
3	Чуй	793	722,8	222	7,1
4	Амударё	158	677,7	-	-
5	Иссиқкўл	632	636,4	203	14,0
6	Талас	210	159,3	71	2,0
7	Чатиркўл	3	2,8	-	-
	Ҳаммаси	6516	8047,8	1112	59,9

### Савол ва топшириқлар

1. Контур харитага муз қоплаган тоғларни, тизма тоғларни туширинг.
2. Ўзингиз яшаётган ҳудуддаги музликлар ҳақида нималарни биласиз?
3. Музликлар кўп жойлашган регионларни Қирғизистон харитасидан топиб, уларни қайси дарё ҳавзаларига қарашли эканлигини белгиланг.
4. Музликларни ҳосил қилувчи асосий омиллар қайсилар?

### 4.2. Музликлар жойлашишидаги умумий қонуниятлар

**Қор чизиғи.** Қор чизиғининг географик тарқалиши музликлар жойлашган ҳудуднинг иқлим, оралиқ иқлим ва морфологик хусусиятларига боғлиқ бўлиб, у турли ҳудудларда турли баландликларда жойлашади. Қирғизистон ҳудудида жойлашган музликлар қор чизиғи ҳарорат режимига ва ёғингарчиликнинг шимолдан-жанубга, ғарбдан шарққа қараб ўзгаришига қараб

ўша йўналишда аста-секин баландлашгани сезилади. Масалан, Талас Олатовининг шимолий ёнбағрида қор чизигининг ўртача баландлиги 3750 м ёки Туркистон тизма тоғининг шимолий ёнбағрида ўша шароитдаги музликларда қор чизигининг ўртача баландлиги 4140 м. Қор чизиклари баландликлари ўртасидаги 390 м фарқни кенглик туфайли келиб чиққан деб ҳисоблаш мумкин.

Қор чизигининг ғарбдан шарққа томон баландлашиб бо-ришини Қирғизистон ҳудудидаги ҳаво оқими циркуляциясига боғлиқ десак бўлади. Ғарб ва шимоли-ғарбдаги тизма тоғларда конденсация даражаси ички регионлардагига солиштирганда анча паст. Тобора ичкари кирган сари тоғ тизмалари чекка тизма тоғлардан баланд бўлмаса, ёнғингарчилик етарли бўлмайди ва музликларнинг ҳосил бўлиши қийинлашади. Шунинг учун шарққа томон борган сари қор чизиги баландлашади. Масалан, Чотқол, Писком, Талас Олатови ва Қирғиз Олатовида қор чизигининг ўртача баландлиги 3500 — 3800 м, ёки Кўкшаал тоғининг шимолий ёнбағрида қор чизигининг баландлиги 4250 м. Бу ердаги ўртача 690 м атрофидаги фарқни ёнғингарчилик даражасидан деб ҳисоблаш тўғри бўлади.

Қор чизиги баландлиги тоғ ёнбағирларининг кунгайлигига қараб ўзгаради. Масалан, Қирғиз Олатовининг Олаарча дарёси ҳавзаси томондаги шимолий ёнбағирларида қор чизиги 3710 — 3720 м баландликкача кўтарилган. Ўша тоғнинг Сусамир томонидаги дарёлар ҳавзаларида (жанубида) қор чизиги 3960 м баландликда жойлашган. Кўриниб турибдики, бу ердаги 250 м фарқ ёнбағирлар экспозициясининг натижасидир. Бундай фарқланишлар Марказий Тяншанда 500 — 600 м, Катта Олой тизма тоғида 600 — 800 м гача етади.

Қирғизистон ҳудудидаги қор чизигининг энг баланд жойи Катта Олой тизма тоғининг шарқий қисмида, Джанайдартака дарёси ҳавзасида жойлашган. Шимолдаги Олой тизма тоғининг жанубий ёнбағридаги музликларда қор чизиги 4250 — 4350 м баландликдан ўтади. Катта Олой тизма тоғининг шимолий ёнбағридаги қор чизигининг ўртача баландлиги 4350 м. Бундай ҳолатларда ёнбағирнинг қуёшлилиги ёнғингарчиликнинг фарқи билан тўқнашиб (ёйишиб) кетган. Олой тизма тоғида Катта Олой тизма тоғига қараганда ёнғингарчилик икки ҳисса кўп (биринчисида 700-800 мм ва иккинчисида 350 — 430 мм).

Ички регионларда, айрим вақтларда, бошқа омилларнинг таъсири натижасида қор чизигининг юқорилаши ёки пастлаши

кузатилади. Масалан, Иесиқкўлнинг ўз атрофидаги намлик даражасига кўрсатган таъсири натижасида Терскай Олатовда қор чизиғи 3650 — 3750 м гача, Сарижаз тизма тоғининг шимолида эса 3900 м гача пастлайди. Сарижазда қор чизиғининг бундай ўзгаришига Терскай Олатовнинг шарқий қисмида мутлақ баландликнинг 3500 — 3600 м дан ошмаслиги асосий сабаб бўлиб ҳисобланади. Кўл водийсида намга тўйинган ҳаво оқими, уни ошиб ўтиб, Сарижаз тизма тоғининг шимолий ёнбағирларига бориб, намни ташлайди. Фарғона тоғининг нам ҳаво оқими йўлида кўндаланг жойлашиши бундаги қор чизиғининг Олой тизма тоғларидагига қараганда 150 — 200 м паст бўлишига сабаб бўлади.

Марказий Тяншаннинг йирик музликларида қор чизиғининг баландлиги 4200 — 4500 м. Маҳаллий музликлардаги қор чизиғининг ўзгариб туриши тоғларнинг қиймаланганлик даражасига ва чуқурлигига боғлиқ. Айрим музликлардаги қор чизиғи баланд ёнбағирларда ва водийларнинг маълум баландликларида жойлашади. Тик ёнбағирли тоғ водийси ўртасида жойлашган музлик баландлиги қайси даражада бўлса, қор чизиғи ҳам ўша даражада бўлади. Масалан, Писком тизма тоғидаги Ойганинг дарёси ҳавзасидаги бир музликда қор чизиғи 3250 м баландликдан ўтади, ваҳоланки, бу водийдаги қор чизиғининг ўртача баландлиги 3600 м. Марказий Тяншандаги Нансен номли музликнинг қор чизиғи баландлиги 3650 м, унинг ёнидаги Энгилчак музлигининг қор чизиғи баландлиги эса 4200 м га боради.

Қор чизиғининг баландлиги музлик **этаклари (тили)нинг баландлигига** тенг. Музликларнинг охири ҳам қор чизиғи сингарий ёғин-сочин билан таъминланган чекка тизма тоғларда паст жойлашган бўлса, ички регионларда эса анча баландда жойлашган. Бирдай катталиқдаги музликларда, масалан, Чотқол ёки Қирғиз Олатови ёнбағирларида 3200 — 3300 м гача пастласа, Кўкшаал тоғининг шимолий ёнбағрида 4000 м да тамом бўлади. Музлик этакларининг баландлигига қор чизиғидан бошқа табиий географик омиллар ҳам ўз таъсирини ўтказида.

Масалан, тик ва майда бўлақлардан иборат дараларни ҳисобга олганда музлик 2900 м баландликкача ва баъзан ундан ҳам пастлаши мумкин (Нансен музлиги). Аксинча, бир-бирига яқин жойлашган кенг қияликларда музликларнинг пастки қисми уларга нисбатан 500 — 600 м дан юқорида жойлашган. Қондага биноан музликлар пастки қисмининг юзаси мореналар билан қоп-

данган бўлса, йирик водий музликларининг этаклари жуда па-стлаб туради. Масалан, Марказий Тяншандаги Энгилчак муз-лигида мореналарнинг қалин қопламлари бор, уларнинг паст-ки қисми 2900 м гача тушиб келган. Агарда музлик қоплаган қояларнинг умумий баландлиги 7000 м деб олсак, музликлар-нинг баландлик бўйича тарқалиш диапазони 4000 м дан катта бўлади. Қўшни водийлардаги Семёнов (Қашқатўр), Мушкетов (Адиртўр) ва Қайинди музликлари 3270 м дан 3440 м гача бўлган баландлик диапазонларида жойлашган. Бундай фарқ-ланишнинг асосий сабаби Энгилчак музлигининг қуйи қисми қалин морена қоплами билан қопланганлигидир.

Кўкшаал тоғидаги йирик дендрит (шоҳлаган) типидagi музликларнинг қуйи томони 3800 — 3900 м баландликда. Муз-ликларнинг бундай баланд жойлашишининг сабаби-қор чизиг-ининг баландлиги ва водий ёнбағирларининг қиймаланмай те-кислигича қолганлигидир.

**Музликларнинг морфологияк типлари.** Қирғизистон орографиясининг хилма-хиллиги ва иқлимининг ўзига хослиги тоғ музликларининг турли шаклларини ҳосил қилган. Қирғи-зистон ҳудудида Марказий Осиёдаги музликларнинг ҳамма тури бор. Булар орасида яхлит кўлами бўйича энг йирик ҳисоб-ланган дендрит (шоҳлаган) гуруҳидаги музликлар алоҳида ўрин эгаллайди. Улар ёнма-ён жойлашган тизма тоғлар оралиғида-ги водийларни ва шимолий ёнбағирлардаги тоғ оралиғидаги йирик водийларни эгаллаган. Шоҳлаган (дендрит) гуруҳидаги музликларнинг энг йириклари ва уларнинг аксарият қисми Марказий Тяншандаги Хонтангри тоғ тугунида жойлашган. Кўкшаал тоғида, Катта Олой тизма тоғининг шимолий ёнбағ-ридаги қияликларда ва Оқшийроқ тоғ боғламида ҳам бир қан-ча йирик музликлар жойлашган.

Қирғизистон ҳудудидаги музликларнинг энг каттаси Жану-бий Энгилчак музлиги ҳисобланади. Унинг узунлиги 58,9 км, майдони 613,2 км<sup>2</sup>. У катталлиги бўйича Марказий Осиёдаги муз-ликлар орасида учинчи (Сиачен, Федченко музликларидан кей-ин) ўрнида туради. Жанубий Энгилчак системасига 121 музлик киради, буларнинг 21 таси алоҳида бўлиб, шу музлик ўзанида жойлашган. 99 музлик асосий музликнинг биринчи, иккинчи ва ҳоказо тартибди бўлаклари ҳисобланади. Биринчи тартибдаги айрим бўлаклари алоҳида, дендрит типидagi музликлар ҳисоб-ланади. Масалан, Юлдузча (Звездочка) музлигининг узунлиги 16,5 км, майдони 91,8 км<sup>2</sup>.

### Қирғизистоннинг майдони 25 км<sup>2</sup> дан ортиқ бўлган йирик музликлари

Тартиби	Музликларнинг номлари	Узунлиги, км	Майдони, км <sup>2</sup>	Жойлашган ўрин
1	Жанубий Энгилчак	58,9	613,2	Хонтангри тоғ тугуни
2	Шимолий Энгилчак	34,8	202,9	—
3	Қайиңди	25,8	107,4	—
4	Корженевский	21,5	89,1	Катта Олой тизмаси
5	Мушкетов (Адиртўр)	20,5	75,0	Хонтангри тоғ тугуни
6	Семёнов (Қашқатўр)	21,0	74,6	—
7	Петров	14,0	70,9	Оқшйроқ тоғ тугуни
8	Ленин	13,5	55,3	Катта Олой тизмаси
9	Нура	13,8	54,2	—
10	Шимолий Қорасой	10,5	46,5	Оқшйроқ тоғ тугуни
11	Қизилсув	16,9	43,0	Катта Олой тизмаси
12	Жамансув	10,4	39,0	Оқшйроқ тоғ тугуни
13	Хонйёлов	13,0	32,5	Хонтангри тоғ тизмаси
14	Колпаковский	10,0	30,4	Терскай Олатови
15	Оқсой (Комарова)	10,7	29,3	Кўкшаал тизма тоғи
16	Кўйқоп	11,1	27,8	Хонтангри тоғ тугуни
17	Қоракерме	11,8	27,3	Кўкшаал тоғ тизмаси
18	Қаман	12,0	27,0	Катта Олой тизма тоғи
19	Арчабоши	10,5	25,4	Олой тизма тоғи
20	Абрамов	9,0	25,2	—

Қирғизистон ҳудудидаги майдони 0,1 км<sup>2</sup> дан катта бўлган 6516 музликдан йигирматасининг майдони 25 км<sup>2</sup> дан ортиқ бўлса, 53 музликнинг майдони 10 км<sup>2</sup> дан кўпдир. Жадвалда берилган 20 та музликнинг умумий майдони 1696 км<sup>2</sup> ёки улар Қирғизистон ҳудудидаги ҳамма музликлар майдонининг 21% ини ташкил қилса, майдони 10 км<sup>2</sup> дан катта бўлган музликлар умумий майдоннинг 28% ини ташкил қилади.

Дендрит шаклидаги музликлардан кейин ҳажми бўйича иккинчи ўринда мураккаб ва оддий водий музликлари туради. Тартиб бўйича биринчи ўринда қор ва осилма шаклидаги музликлар туради. Булар сони бўйича барча музликларнинг 60% ини ташкил қилади. Тяньшандаги музликлар орасида «Ясси чўқкилардаги музликлар» алоҳида ўринни эгаллайди. Уларнинг сони 230 дан юқори, умумий майдони эса 215 км<sup>2</sup>. Бу музликлар кўпинча Ички Тяньшанда учрайди.

Қирғизистондаги музликларнинг силжиши (ҳаракати) уларнинг жойлашган ўрнига, алоҳида музликлар ўлчамига, баланд-



Тоғ водийсидаги музлик

лигига кўра ҳар хил бўлади. Йилига 2 м дан 10 м гача силжийдиган музликлар майда қар ва осилган шаклдаги музликлардир, узунлиги 3 — 5 км, майдони 4 — 10 км<sup>2</sup> бўлган музликлардаги йиллик ўртача силжиш 10 — 15 м ни ташкил қилади. Йирик ва шу билан бирга мураккаб дендрит шаклдаги музликларнинг йиллик силжиш тезлиги 100 — 150 см. Энгилчак музлигида кунлик силжиш тезлиги 65 см га тенг эканлиги аниқланган.

Геофизик усуллар ёрдамида музликлар қалинлигини ўлчаш шуни исботладики, музликларнинг қалинлиги уларнинг майдонига боғлиқ. Шундай қилиб, ўлчашлар ўртача катталиқдаги водий музликларининг энг пастки қисмининг қалинлиги 20 — 30 м, ўрта қисми 50 — 60 м, қор чизигига яқин қисми эса 100 — 120 м га тенг эканлигини кўрсатди. Масалан, Олой тизма тоғидаги Абрамов музлигининг пастки қисмидан 3,5 км юқорида унинг қалинлиги 150 м, Қора-Ботқоқда 51 м, ёки Жанубий Энгилчакнинг пастки қисмидан қор чизигигача 150 — 200 м дан 400 — 450 м гача ўзгаради. Мураккаб усуллар ёрдамида бажарилган ҳисоблашлар натижасида Қирғизистондаги музликларда 650 км<sup>3</sup> сув мавжудлиги аниқланди.

Ўз фаслида музликлар эрийди ва улар дарёларнинг асосий тўйиниш манбаига айланади. Ўз иқлимига муносиб ҳолда Республика ҳудудидаги музликларнинг эриш жадаллиги ҳам ҳар хил.

Масалан, Чотқол-Фарғона регионидаги музликларда июлавгуст ойларида музнинг 350-500 см гача қалинликдаги қатлами эрийди. Ички Тяншан ва Марказий Тяншанда эса 150-250 см гача қалинликдаги қатлами эрийди. Муз қопламининг эриш жадаллиги ва эриган музнинг қалинлиги Қуёш нурининг тик тушишига, музликлар устидаги мореналарнинг оз ёки кўплигига ва муз юзасининг қуёшлилигига ва бошқа омилларга боғлиқ. Агарда мореналар майда бўлакчалардан иборат бўлиб, унча қалин бўлмаса, музлик кўп эрийди, бироқ улар қалин бўлса, унинг эриши жуда секин бўлади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, 20 см қалинликдаги морена қоплами эриш жадаллигини 75-80% га су-сайтиради.

### Савол ва топшириқлар

1. Қирғизистон ҳудудида қор чизигининг баландлиги қандай ўзгариб туради?
2. Қуёшлилиги ва кенгликлар таъсирида музликлардаги қор чизиги баландлигининг ўзгаришини аниқланг.
3. Қирғизистон ҳудудидаги музликларнинг морфологик турларини санаб беринг.
4. 10-жадвалдан фойдаланиб, энг узун ва майдони бўйича энг катта музликнинг номини айтинг.

### 4.3. Абадий музликлар

Қирғизистон — тоғли ўлка. Тоғнинг баландлиги ортган сари ҳароратнинг пастлаб бориши қонуниятни ҳаммамизга маълум. Масалан, жуда баланд жойлашган «Тяншан» метеорологик станциясида (3616 м) кўп йиллик ўртача ҳарорат  $-7,7^{\circ}\text{C}$  га баробар бўлса, январь ойининг ўртача ҳарорати  $-21,2^{\circ}\text{C}$ , энг иссиқ ой — июлнинг ҳарорати  $4,3^{\circ}\text{C}$ . Юқоридаги кўрсаткичлар «Оқсой» метеостанциясида (3135 м)  $-6,9^{\circ}\text{C}$ ,  $-27,7^{\circ}\text{C}$  ва  $9,1^{\circ}\text{C}$ . Ҳар икки станцияда йил давомида 7 — 9 ойнинг ўртача ҳарорати  $0^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлади. «Оқсой» метеостанциясида 1953 йил қишда Қирғизистон ҳудудидаги ҳароратнинг мутлақ минимуми  $-53,6^{\circ}\text{C}$  ни кўрсатган.  $0^{\circ}\text{C}$  дан паст ҳарорат фақат йилнинг совуқ давридагина эмас, ёз фаслида ҳам бўлиб туради. Масалан, июль ойида Чатиркўл

бўйида кечаси  $-9,9^{\circ}\text{C}$  совуқ бўлган. Дўлўн довоида  $-5,1^{\circ}\text{C}$  совуқ июлнинг ўрталарида бўлган. Ҳарорат  $0^{\circ}\text{C}$  дан пастга тушмаган давр «Тяншан» станциясида йил давомида 18 кунга тўғри келади. Мана шундай иқлим шароитида ғовак жинслар орасидаги сувлар музга айланиб, кўп йиллар давомида эрмай, алоҳида хусусиятга эга бўлган «абადий музликлар» ҳосил бўлади.

Абадий музликларнинг мавжуд бўлишининг яна бир сабаби, қишда тушган қорнинг қалинлигидир. Масалан, 3000 м баландликда қор турмаган ердаги тупроқ юзасининг ҳароратини ўлчаганда  $-29^{\circ}\text{C}$  ни кўрсатган бўлса, қор қоплаган тупроқнинг юзаси  $-16^{\circ}\text{C}$  ни кўрсатган. Бундан қор қоплами ер юзасини қаттиқ совуқдан сақлашлигини билса бўлади.

Қорнинг қалинлиги умумий ёғингарчилик миқдорига ва қишда қорнинг қалин тушишига боғлиқ. Масалан, Тяншан метеостанциясининг атрофига тушган ёғингарчилик миқдори 311 мм бўлса, бундан октябрдан апрелгача тушгани 53 мм ни ташкил қилади. Мана шундай ҳолат Оқсой, Чатиркўл, Сарғаж ва бошқа баланд жойлашган ички водийларда бўлиб туради. Бундай шароитда, йилнинг совуқ фаслида ернинг устки қисми маълум қалинликда музлаши мумкин ва бу музлаган қатлам қисқа ёз ичида эриб улгурмайди. Бу жараён бир неча бор такрорланса, кўп йиллик музлик ҳосил бўлади.

Демак, Қирғизистон шароитида абадий музликлар маълум баландликда, маҳаллий иқлим таъсирида ҳосил бўлади. Бу баландлик ҳамма жойда бир хилда эмас, бу 2800 м дан 3300 м гача бўлган оралиқларда қайталанади. Қор оз тушган жойларда кунгайликка қараб, кўп йиллик музликлар 2800 — 3000 м баландликларда жойлашган. Қор қалин ёғадиған жойларнинг қуёшли томонларида 3200 — 3300 м баландликдан бошлаб кўп йиллик музликлар учрайди. Кўп йиллик музликлар жойлашган баландликнинг ўртачасини 3000 м деб қабул қилсак янглишмаймиз.

Қирғизистон ҳудудидаги кўп йиллик музлик қоплаган майдонлар 67 минг км<sup>2</sup>, ёки Республиканинг 34% майдонини эгаллайди. Бундан музликлар қоплаган майдонларни олиб ташласак, 60 минг км<sup>2</sup> майдон қолади. Мана шу майдонларнинг ҳаммаси ҳам кўп йиллик музликлар билан қопланган деб айтиш қийин. Сабаби, майда кристалл тоғ жинсларининг ҳарорати  $0^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлиши мумкин, бироқ кўп йиллик музликлар бундай тоғ жинсларида бўлмайди. Кўп йиллик музликларнинг ҳосил бўлиш сабабларидан бири тўпланган ғовак тоғ жинслар оралиқларида сувнинг бўлиши ва унинг музлашидир. Демак, у 3000 м

дан юқорида жойлашган водийларнинг ёнбағирларида ва майдаланган ғовак тоғ жинслари билан қопланган қияликларда ҳосил бўлади. Бундай нуқтан-назар билан қараганда, Қирғизистондаги кўп йиллик музликларнинг кўлами юқорида айтиб ўтилган майдоннинг (60 минг км<sup>2</sup>) 1/3 қисмига тўғри келиши мумкин ёки 20 минг км<sup>2</sup>. Бу рақам Республика майдонининг 10% дан ошиқроғини эгаллайди. Иккинчидан, юқорида айтиб ўтилган шартларга кўра, кўп йиллик музликлар яхлит қоплаб ётган майдонлар унчалик кўп эмас. Бу майдонлар қияликлардагина бўлиши мумкин. Воҳани тўла эгаллаган абадий музликлар Марказий Тяншан қияликларида ва Ички Тяншандаги Арабел, Қумтор, Оқсой, Чатиркўл водийларида кенг тарқалган. Қолган ҳудудлардаги кўп йиллик музликлар тоғ тизмалари бўйлаб жойлашган кичик майдончалардан иборат. Буларга Олой-Туркистон, Сўнкўл, Қирғиз ва Талас Олатовлари, Сусамир, Кунгай, Или Олатовлари мисол бўла олади.

Кўп йиллик музлик ётган жарликлар ва уларнинг қалинлиги маҳаллий табиий географик иқлимга қараб, ҳар хил бўлади. Масалан, Орабел, Қумтор водийларидаги кўп йиллик музликлар 40-100 см чуқурликдан бошлаб учрай бошлайди. Агарда қатламнинг таркиби майда қумли бўлса 100 — 250 см гача боради. Чатиркўл бўйидаги гуркираб ўсган сув ўтларининг илдизи қовланганда 20 см чуқурликда кўп йиллик муз қатламига дуч келинган пайтлар бўлган.

Кўп йиллик музликларнинг қалинлиги ҳақида аниқ маълумотлар жуда оз ва уларнинг аксарияти 4000 м баландликкача бўлган жойларга тегишли. 2860 м баландликдаги кўп йиллик музликнинг қалинлиги 3 — 4 м бўлса, 3100 м баландликда 40 — 50 м гача етганлиги маълум, Оқсой водийсида 3400 м баландликда топилган абадий музликнинг қалинлиги 107 м бўлган, Қирғиз Олатовининг 3750 м баландлигида ўлчанган абадий музликнинг қалинлиги 150 м дан ортиқ эканлиги маълум. Бу маълумотларга таяниб, 2800 — 2900 м баландликдан юқорида жойлашган абадий музликларнинг ривожланишини ўша жойнинг геологик тузилишига, рельефига, тупроқнинг намлик даражасига қараб, унинг қалинлиги 200 м га етиши мумкин, деган хулосага келиш мумкин. 4000 м баландликдан юқорида майда қум, тошлардан ташкил топган ғовак жинслар тўпланган жойларни учратиш ўта кам ҳодиса, майда кристалл тоғ жинслари орасида сувнинг туриб қолиши ҳам жуда қийин. Шунинг учун ҳам 4000 м дан юқорида абадий музликлар деярли учрамайди.

Абадий музликлар хўжалик ишларига ўз таъсирини ўтказди. Айниқса, қурилиш ишларида қийинчилик туғдиради. Ҳар қандай қурилиш ишларини бошлашдан олдин абадий музлик ерларнинг хусусиятларини яхши билиб олиш керак. Сабаби, бу музликлар эриб кетса чўкиш ёки қайтадан музлайдиган бўлса, кўтарилиш жараёнлари бўлиб туради. Бу жараёнлар уйлар пойдевори, кўприкларини кўтариб турувчи тиргаклар, алоқа ва электр симёғочлари бир хил турмай, ишдан чиқишига олиб келади.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Абадий музликларни ҳосил қилувчи омиллар қайсилар?
2. Қандай баландлиқдан сўнг абадий музликлар бошланади?
3. Сизлар яшайдиган жойдаги чорва моллари боқиладиган ўтлоқларда абадий музликларни учратиш мумкинми?
4. Қишда ҳосил бўлган қалин музларни учратсангиз, уларнинг қалинлигини ўлчаб кўринг.

### **4.4. Музликларнинг табиатдаги ва халқ хўжалигидаги аҳамияти**

Музликлар табиат комплекслари ичига кирган муҳим компонентлардан бири бўлиб ҳисобланади. Музликлар экзоген жараёнларнинг типик вакилидир. Биринчи навбатда, музликлар ер бетидаги тоғ жинсларини нуратиб, ҳар хил рельеф шакллариини ҳосил қилади, иккинчидан эса нураган тоғ жинсларини пастга томон суриб, баландлиқни пасайтириб, чуқурликларни чўкиндиларга тўлғазиб, денудация жараёнининг фаол омили бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун тоғли районлар ер юзасининг геологик тарихида ва унинг бугунги ҳолатида музликларнинг аҳамияти катта.

Ер юзида чиқиб турган қаттиқ тоғ жинсларини емиришда (майдалашда) музликнинг таъсири (қаттиқлиги) етарли эмас. Майдаланиш жараёни, биринчидан, ҳароратнинг кўтарилиш ва пасайиш даражасига, иккинчидан, музликнинг тагига тушиб қолган тошлар музлик билан бирга ҳаракатланганда, улар сурилма сингари тоғ жинсларини майдалашда қай даражада иштирок этганлигига боғлиқ. Ушбу жараёнлар ер юзида рельефнинг ҳар хил шакллариини пайдо қилади. Булар: силлиқланган қоялар, «Қўй манглайлар» («Қўй пешоналари»), думалоқ қоялар, нотекис водийлар, кресло шаклидаги тоғ бағридаги жарликлар

(карлар), ширклар (бир томони очик), уч томони тик қоялар билан ўралган жарлик, троглар (муз ҳосил қилган водий) ва бошқалар. Бундан ташқари, нурашдан ҳосил бўлган жинслар музнинг ҳаракати натижасида сурилиб, турли шаклларда тўпланиб, мореналарни ҳосил қилади.

Музликлар ҳаракатидан ҳосил бўлган рельеф шакллари Қирғизистон ҳудудида 1900 — 2000 м баландликдан то 3500 — 3900 м баландликкача кенг тарқалган. Бу баландликларнинг устки томонида ҳар хил скульптура шакллари, пастки томонида эса аккумулятив шакллар устунлик қилади.

Музликларнинг ҳаракати натижасида ҳосил бўлган скульптура шакллари ва морена чўкмаларидан ҳосил бўлган рельеф, ер юзасида минглаб йиллар давомида сақланиши мумкин. Қадимги тўртламчи давр муз қопланишининг излари ҳозирги кунгача сақланганлигини билиш қийин эмас. Музликларнинг яна бир хусусияти — уларнинг ҳосил бўлиши маҳаллий иқлим шароитига боғлиқ ва анча узоқ даврни ўз ичига олади. Юқорида айтиб ўтилган, яъни музликларнинг излари бўйича ўтган даврлардаги музликларнинг ҳолатларини ўрганиб, умуман табиатнинг ўсиш ва ривожланиш тарзини аниқ билиш мумкин. Бинобарин, шундай экан, табиат тараққиёти тарихини биз қанчалик чуқур ўргана билсак, келажакда унинг мумкин бўлган ўзгаришларини шунчалик равшан тасаввур қиламиз.

Музликлар — катта ҳажмдаги музга айланган сувлар бўлиб, улар тоғ дарёларининг, қайнар булоқларнинг асосий манбаидир. Ҳақиқатдан ҳам у табиатдаги сувларнинг энг тозаси. Шунинг учун тоғ музликлари водийлардаги, текисликлардаги аҳолининг яшashi ва хўжалик ишларини юритишларида катта аҳамиятга эга. Марказий Осиёнинг қурғоқчил иқлим шароитида, тоғ этакларидаги воҳаларнинг яшаш туришида ёз кунлари Қуёш нурлари таъсирида эриган музлик сувларининг аҳамияти жуда каттадир.

Қирғизистондаги оқар сувларнинг асосий қисми музлик ва қорларнинг эришидан ҳосил бўлади. Эриган қор сувларидан ҳосил бўлган оқар сувларнинг тўлиб-тошиб оққан даври май, июнь ойлари бўлса, музликлардан ҳосил бўлган оқар сувлар июль, август ойларига тўғри келади. Умумий оқим ҳосил бўлишида музлик сувларининг ҳиссаси, у жойлашган баландлик ва музлик эгаллаган майдонга боғлиқ. Масалан, бир хил шароитдаги Аламуддин ва Олаарча дарёларининг йиллик оқимидаги музликдан эриган сувнинг ҳажми 51% ва 34% ни ташкил қилади.

Музлик сувларидан ҳосил бўладиган энг суви кўп дарё Энгелчакдир. Бу дарё йиллик оқимининг 56%и ёзга музликлар жадал эриган (июль, август) вақтга тўғри келади.

Қирғизистондаги йирик дарёларнинг тўйинишида музликдан ҳосил бўлган сувларнинг ҳиссаси Чуйда—11%, Чўнкеминда—28%, Жирғаланда—22%, Катта Оқсувда—37%, Таласда—21%, Норинда—32%, Сўхда—44%, Қўўлуда—54% ни ташкил қилади.

Музликлар ҳосил бўлган гляциал-нивал зонаси истаган киши кўра оладиган жой эмас. Бу жойларга саломатлиги яхши ва жуда қизиқувчан кишиларгина бора олади. Шу жиҳатдан музликларнинг рекреацион аҳамияти ҳам диққатга сазовордир. Бишкекдан 30 — 40 км жанубдаги Аламудун ва Олаарча дарёларининг бошланишидаги музликларга чиқиб, тоғ туризми ва альпинизм билан шуғулланиш истагидаги кишилар кўплиги бизга маълум. Олаарча ҳавзасида бир замонлар Бутуниттифоқ альпинистлари лагери ишлаб, собиқ СССРнинг ҳар бир бурчагидан альпинистлар келиб, ўз машқларини ўтказиб, саломатликларини мустаҳкамлаб, дам олиб кетган. Қирғиз Олатовидаги музликлар бўйича махсус танланган йўл маршрутлари бор. Сарижаз дарёси бошланишидаги Энгилчак музлиги, Ғалаба ва Хонтоғ чўққилари туристларнинг сеvimли маконига айланиб қолган. Бу жойлар бундан кейин ҳам альпинистларни ўзига тортадиган жой бўлиб қолаверади.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Ер юзидаги рельефнинг ҳосил бўлишида музликларнинг қандай аҳамияти бор?
2. Мактабингизга яқин жойдан оққан дарёни кузатиб, унинг сувга тўлиб оққан даврини белгиланг.
3. Музликларнинг халқ хўжалигига кўрсатадиган таъсирини қандай тушунирасиз?
4. Ҳар бир ўқувчига алоҳида савол: музликка қай даражада яқинландингиз? Музлик устига қадам қўйганлар борми?

## **5. СУВЛАРИ**

Энг катта материк ўрталлигида, океан ва денгизлардан узоқ ва шимолӣи кенгликда жойлашганлиги ҳамда орографик хусусияти Қирғизистон ҳудудида ўзига хос қуруқ континентал иқлимнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Қирғизистоннинг чек-

ка томонларида жойлашган баланд тоғлар, нам ҳаво массалари оқими йўлида тўсиқ бўлиб, ёнғингарчиликнинг кўпроқ ёғишига сабаб бўлади. Шунинг учун чекка тоғ тизмаларининг шимолий, шимоли-ғарб ва ғарбий томонлари бироз намдироқ, оқар сувларга ҳам бойроқдир. Шарққа томон борган сари тоғ тизмалари мутлақ баландлигининг ортиши, шу билан бирга шамолга рўпара келган тоғ қояларида ёнғингарчиликнинг кўпайишига олиб келади, натижада сув оқимининг кўпайишига сабаб бўлади. Масалан, Чотқол дарёсининг чап ирмоғи-Терс ҳавзасининг ҳар бир квадрат км майдонида 16 л сув ҳосил бўлса, мана шу тоғ тизмасининг (Чотқол) шарқий ёнбағридан оқиб тушувчи Косонсой дарёсида ҳар бир км<sup>2</sup> юзадан атиги 6,07 л сув ҳосил бўлади. Текисликлар ва тоғ орасида жойлашган водийларда сув оқими кам ҳосил бўлади ва манфий сув мувозанати кузатилади. Сув мувозанати хусусиятига кўра Қирғизистон ҳудуди иккига бўлинади: оқим ҳосил қилувчи ва оқим сарфланувчи. Баланд тоғлар, пастқам тоғлар ва тоғлар оралиғидаги баланд водийлар оқим ҳосил қилувчи вазифасини бажарса, тоғ этагида жойлашган текисликлар эса сув оқимини сарфловчи ҳудудга тегишли бўлади.

## 5.1. Дарёлари

Қирғизистон ҳудудида узунлиги 10 км дан катта бўлган ва умумий узунлиги 35 минг км атрофидаги 2047 йирик дарё ва кичик дарё (сой)лар бор. Буларнинг асосий қисми, яъни Республика майдонининг—75,6% и Орол денгизи ҳавзасига тегишли бўлса, қолганлари Тарим (12,9%), Иссиқкўл (10,8%), Балхш кўли ҳавзаларига тегишли. Республика ҳудудига нисбатан Норин дарёси ҳавзаси—26,8%, Қорадарё ҳавзаси—6,3%, Чуй дарёсининг ҳавзаси—9,6%, Сарижаз дарёси ҳавзаси—6,1%, Талас дарёсиники—5,1%, Иссиқкўл ҳавзасиники (кўл юзасидан ташқари)—8,6%, Қизилсувники—5,0%, Оқсойники—4%, Чотқолники—3,6%, Фарғона атрофиники—23% га тенг.

Қирғизистоннинг энг катта дарёси Орол денгизи ҳавзасига қарашли Сирдарёнинг ўнг ирмоғи—Нориндир. Дарёнинг узунлиги Республика чегараси доирасида 535 км, сув йиғадиган майдони 53,7 минг км<sup>2</sup> ни ташкил этади. Норин дарёси Норин шаҳридан 44 км шарқда— Катта ва Кичик Норин дарёлари қўшилган жойдан бошланади. Бу дарёнинг бошланиш жойи Оқшнй-

роқ тоғ тугунининг шимол-ғарбий томонидаги Петров музлик-гига туташган қўлдан бошланувчи Қумтор дарёсига тўғри келади. Қумтор Арабел дарёси билан қўшилиб, Тарағайни (Жаак Таш) ташкил қилади. Тарағай билан Қорасой қўшилиб, катта Норинни ҳосил қилади. Кичик Нориннинг боши эса Жетимбел тоғ тизмасининг шимол томонидаги музликлардан бошланувчи Бурхон дарёсидир. Бурхон Арчали дарё билан қўшилиб, Балгарт дарёсини ҳосил қилади. Кейинроқ, Балгарт чап томондан Яланғоч сувини қўшиб олгандан сўнг, Кичик Норин деган номни олиб, Катта Норинга бориб қуйилади. Норин дарёси Ўрта Норин, Тўғуз Тўрў, Кетмонтепа ва Фарғона тизма тоғини кесиб ўтиб, Фарғона ботиғига чиққандан сўнг, чап томондан Қорадарёни қўшиб олиб, ҳавзасининг катталиги, серсувлиги жиҳатидан Ўрта Осиёда (Туркистонда) иккинчи ўринда, узунлиги жиҳатидан биринчи ўриндаги Сирдарёни ҳосил қилади. Онарча, Кажирти, Кўкўмерен, Отбоши, Чичқон, Узунаҳмат, Қорасув, Олабуқа, Кўкирем ва бошқалар Норин дарёсининг йирик ирмоқлари ҳисобланади.

#### II-жадвал

Гар-тиби	Дарёлар ва ирмоқларининг номлари	Сув тўлиш майдонининг ўртача баландлиги, м	Ўртача йиллик сув сарфи, м <sup>3</sup> /сек	Оқим модули, л/сек км <sup>2</sup>
1	Норин	2960	429	7,38
2	Катта Норин	3720	47,2	8,27
3	Кичик Норин	3500	48,8	11,20
4	Олабуқа	3260	31,0	8,35
5	Кўкўмерен	2800	102,0	9,8
6	Кажирти	2410	21,8	12,6
7	Чичқон	2740	23,0	20,0
8	Узунаҳмат	2360	28,9	16,1
9	Қорасув (ўнг)	1930	39,6	14,3

### Норин дарёси ва унинг ирмоқлари ҳақида айрим гидрологик маълумотлар

Сув режими бўйича Норин дарёси ва унинг ирмоқлари қор ва музликлардан тўйинувчи, йилнинг иссиқ даврида тўлиб оқадиган ва қишда оқими камайдиган дарёлар гуруҳига кирadi. Бундай режимнинг ўзига хос хусусияти йил давомида бўладиган ёғингарчилик ва ҳавзадаги музликларга боғлиқ. Умуман, Норин ҳавзаси ёз ойларида камдан-кам бўладиган ёғин-сочин билан кифояланади. Шунинг учун ички қисмида дарё суви

оз бўлади (5 — 7 л/сек км<sup>2</sup>). Фарбий томонидаги Тўғузтўрў ва Кетмонтепа дарёлари водийларига Фарғона томондан нам ҳаво кўпроқ кириб турганлигидан ёнғингарчилик кўпроқ бўлади. Ўртача оқим модули 15 — 20 л/сек км<sup>2</sup> гача ортади.

12-жадвал

### Фарғона водийсидаги йirik дарёларнинг гидрологик кўрсаткичлари

Тартиби	Дарёлар ва ирмоқларнинг номлари	Сув йиғилмиш майдони, км <sup>2</sup>	Сув йиғилмиш майдонининг ўртача баландлиги, м	Ўртача йиллик сув сарфи, м <sup>3</sup> /сек	Оқим модули, л/сек км <sup>2</sup>
1	Қорадарё	12400	-	121	9,7
2	Тор	4400	2810	45,4	11,9
3	Жазин	2620	2150	34,8	13,3
4	Кўгарт	1370	2110	18,1	17,9
5	Қораунғур (Тентаксой)	4130	2190	29,6	22,9
6	Қуршоб	3750	2700	26,2	8,09
7	Оқбура	2540	3110	21,4	9,12
8	Аравонсой	1960	2290	10,9	6,20
9	Исфайрамсой	2220	3240	21,1	9,90
10	Косонсой	1780	2330	10,8	7,07
11	Сўх	3500	3480	42,1	17,00
12	Исфара	3240	2500	14,7	9,42
13	Хўжабақирғон	2150	2420	11,0	6,32
14	Чотқол	5520	2610	122,0	17,20

Сирдарёнинг чап ирмоғи — Қорадарё Тар ва Қорақулжа дарёларининг қўшилишидан пайдо бўлади. Узунлиги (Тар дарёси узунлигини қўшганда) 177 км, сув тўплаш майдони 12,4 минг км<sup>2</sup> (Республика ҳудудида). Тар дарёси Олой ва Фарғона тоғ тизмаларининг қўшилган жойидан бошланади. Қорақулжа дарёси эса ўз сувини Фарғона тизма тоғларининг жануби-ғарбий ёнбағирларидан тўплайди. Қорадарёнинг ирмоқлари: Жазин, Кўгарт, Қораунғур (Тентаксой), Қуршоб, Оқбура, Аравонсой ва бошқалар, ирмоқларнинг аксарияти Республика ҳудудидан оқиб ўтиб, Ўзбекистон ҳудудида давом этади.

Фарғона водийсини ўраб турган тизма тоғлардан оқиб тушувчи кўпгина дарёлар Сирдарё ҳавзасига қарайди. Суғориш ишларида фойдаланилганлиги туфайли уларнинг кўпчилиги асосий дарёга етмай, қуриб қолади. Бу дарёларнинг катталари Олой ва Туркистон тизма тоғларидан оқиб тушадиган Исфайрамсой, Сўх, Исфара, Хўжабақирғон, Оқсув (Сардала), Чот-

қол тизма тоғининг жанубий ёнбағирларидан оқиб тушадиган Говасой, Косонсой ва бошқалардир. Тошкент воҳасига оқиб кировчи Чотқол дарёси Чотқол тизма тоғининг шимоли-ғарбий ёнбағирларида сув тўшлаб, Сирдарёнинг ўнг ирмоғи — Чирчиқ дарёсига қуюди.

Гидрографик белгилари ва сув режимининг хусусиятлари бўйича Фарғона тоғ тизмасининг дарёлари қор эришидан ҳосил бўлган сувлар ҳисобига тўйинувчи, баҳор ва ёз ойларида тўлиб оқувчи дарёлар турига киради. Сув тўшлаш ҳавзалари унча катта бўлмаса ҳам, нам ҳаво оқими учун қулай ўринни эгаллагانлигидан сув ҳосил қилиш имкониятлари юқори ( $14 - 23$  л/сек км<sup>2</sup>). Олой ва Туркистон тизма тоғларидан бошланадиган ирмоқлар баланд тоғлардаги қор ва музликлардан, сув олгани учун ҳам ёзда тошқинлар бўлиб туради. Сув тўшлаш майдонлари  $4500 - 5000$  м баландликда бўлгани билан, нам ҳаво оқимиغا нисбатан жойлашиши ноқулай бўлганлигидан, сув ҳосил қилиш имконияти жуда паст ( $5 - 9$  л/сек км<sup>2</sup>). Лекин биргина Сўх дарёсининг сув тўшлаш майдонидан оқиб чиққан сув миқдори Фарғона тизма тоғидан бошланган дарёлардан қолишмайди ( $17$  л/сек км<sup>2</sup>). Бу ҳолат Сўх дарёси ҳавзасида музликларнинг кўплигига боғлиқ. Чотқол тизма тоғининг жануби-шарқидан фарғона водийсига оқувчи сувлар қишда ёққан қорлар эришидан тўйинганлигидан май ойида тўлиб оқиб, июннинг охирида озаяди. Айримларининг кичик ирмоқлари қуриб ҳам қолади. Ҳавзаларнинг сув бериш имконияти  $5 - 6$  л/сек км<sup>2</sup>. Фарғона водийси атрофида баланд тоғлардан кейинги ўринда турувчи ясси тоғларда ва адирларда вақти-вақти билан пайдо бўлиб турувчи оқар сувларнинг қуруқ ўзашлари бор. Бу сув йўллари фақат баҳор кунларидагина сувга тўлиб оқади, агар баҳорги ёнингарчилик кўпроқ бўлса, сел ҳосил бўлиш эҳтимоли ҳам бор. Сунъий ариқлар-каналлар, сув омборлари тоғ этагида жойлашган текисликларнинг гидрографик тўрлари ҳисобланади. Чотқол дарёси ва унинг ирмоқлари қор ва музликларнинг эришидан ҳосил бўлганлигидан тўлин сув даври баҳорнинг охири ва ёзнинг бошига тўғри келади. Чотқол тоғ тизмаларининг қулай жойлашганлиги сабабли баҳорги ёнинг-сочин миқдори ҳам катта. Шу туфайли унинг ҳавзасида сув ҳосил бўлиши  $17 - 18$  л/сек км<sup>2</sup> дан кам эмас.

Олой водийсининг дарёлари Амударё ҳавзасига қарашли. Бу ердаги Қизилеув Вахш дарёсининг ташкил этувчиларидан биридир. Қирғизистон ҳудудида унинг узунлиги  $222$  км, сув тўшлаш майдони  $7680$  км<sup>2</sup>, Олой водийсининг шарқ томонида-



Норин дарёси

ги Тоғбурун сув тақсимлагичидан, Айлана ва Қорасув дарёларининг қўшилган жойидан бошланади. Ғарбга томон йўл олгандан сўнг чап томонда Қизил оқар, Олтиндарё, Очиқтош, Жанайдартака, Камансув ва бошқа бир қанча ирмоқларни қўшиб олади. Ўнг ирмоқларининг йириги — Кўксув. У, асосан, музликлар эришидан ҳосил бўлган сувлар ва қор сувларидан тўйинади. Сув режими бўйича йилнинг илиқ даврида тўлиб оқувчи, музликлар ва қор сувларидан тўйинадиган Тяньшан типигаги дарёдир. Республика ҳудудидан чиқиш жойидаги ўртача йиллик сув сарфи  $56,5 \text{ м}^3/\text{сек}$ , оқим модули  $7,3 \text{ л}/\text{сек км}^2$ .

Шимолий Қирғизистоннинг хўжалик ишларида Чуй дарёсининг аҳамияти жуда катта. Чуйнинг умумий узунлиги 1030 км, унинг 260 км Қирғизистонда, ҳавзасининг майдони  $67,5$  минг  $\text{км}^2$ , бундан 22 минг  $\text{км}^2$  Қирғизистон ҳудудида. Кўчқор водийсидаги Жўўнариқ билан Кўчқор дарёси қўшилган жойдан, Кўчқор водийсининг чекка қисмида, ўнг томондан Ўқук дарёсини қўшиб олиб, кейин Терскай Олатов билан Қирғиз Олатовининг қуйи қисмларини кесиб ўтиб, Иссиқкўл водийсининг ғарб томонига оқиб чиқади. Қирғиз Олатовидан оқиб ўтган жойида Ўрта Тўқай

### Чуй дарёси ҳавзасидаги йirik дарёларнинг гидрологик кўрсаткичлари

Тартиби	Дарёларнинг номлари	Ҳавзасининг майdonи, км <sup>2</sup>	Сув тўплаш майdonининг ўртача баландлиги, м	Ўртача йиллик сув сарфи, м <sup>3</sup> /сек	Оқим модули, л/сек км <sup>2</sup>
1	Кўчкор	2590	2800	12,3	4,75
2	Жўтарик	2240	3100	11,4	5,09
3	Чўптемин	1890	3100	21,7	11,5
4	Шамши	475	2910	5,62	13,8
5	Иссиқота	546	3080	7,05	12,9
6	Аламудун	317	3260	6,38	20,0
7	Олаарча	233	3290	4,17	11,0
8	Оқсув	426	3060	4,67	11,0
9	Қораболта	577	2910	5,28	9,15

сув омбори қурилган. Балиқчи шаҳрининг ёнидан дарё ғарбга бурилиб, Боом дарасига киради. У дарадан чиқаверишда ўнг томондаги энг катта ирмоғи Чўнкеминни қўшиб олиб, Чуй водийсига чиқади. Кенг водий орқали шимоли-ғарб томонга қараб оқиб, Қирғизистон билан Қозоғистон ўртасидаги чегара вази-фани ўтайди. Республика ҳудудидан чиққандан кейин Мўюнқ-умга сингиб кетади. Чуй водийсидаги ирмоқлари: Кичик Ке-мин, Қизилсув, Шамши, Кечети, Иссиқота, Аламудун, Олаар-ча, Оқсув, Қораболта ва бошқалар.

Чуй ҳавзасидаги дарёларнинг пайдо бўлиши ва оқимининг ҳосил бўлиш шароитлари ҳар хил бўлганлигидан уларнинг сув режими ҳам турлича. Ўрта Тўқайгача бўлган ораликда дарё оқими бир хил иқлим шароитида ҳосил бўлади. Сув тўплаш май-донининг баландлигига қарамасдан оқим модули унча катта эмас (4-5 л/сек км<sup>2</sup>). Оқим ҳосил бўлиш жиҳатидан Чўнкемин водийси ва Қирғиз Олатови қулай шароитда жойлашган. Бу ердаги сув тўплаш ҳавзаларидан оқиб чиққан дарёларнинг оқим модули 11-20 л/сек км<sup>2</sup>. Сув ҳосил қилиш имконияти бўйича Аламудун ҳав-заси олдинги ўринда туради (20 л/сек км<sup>2</sup>). Сабаби, тизма тоғ-нинг баландлиги унинг ҳавзасида энг юқори даражасига етган ва муз билан қопланган. Қирғиз Олатовининг дарёлари ва Чўнкемин дарёси муз ва қорларнинг эришидан тўйинади, ёз бўйи сувга тўлиб оқади. Уларнинг асосий оқим ҳосил қилувчи

майдонлари 3000—4000 м баландликда жойлашган. Чуйнинг Кичик Кеминдан кейинги ўнг irmoқлари унчалик баланд бўлмаган (1500—2000 м) Чуй-Или тоғларидан бошланганлигидан сувнинг миқдори оз, ҳавзасининг сув ҳосил қилиш имконияти 1—2 л/сек км<sup>2</sup>. Тўлиб оқадиган даври баҳор ойларига тўғри келади. Тезда қуриб қолиши ҳам мумкин. Чуй водийсининг текисликлари оқар сувлар сингиб, сарфланадиган областга киради. Сувнинг кўп қисми экинларни суғоришда фойдаланилиб, сунъий ариқлар, каналларга бўлиниб кетади. Гидрографик тўрининг асосий қисмини сунъий оқар сувлар ва кўллар ташкил қилади. Ёйилма (конус)ларнинг этакларидан ер остидаги сувлар «қорасув» булоқлари номи билан ер бетига оқиб чиқади.

Талас дарёсининг ҳавзаси Қирғиз Олатови билан Талас Олатови оралиғидаги водийни эгаллайди. Талас дарёси Қоракўл билан Уч-Қўшўйнинг қўшилган жойидан бошланади. Қоракўл юқорида эслаб ўтилган иккита тоғ тизмаларининг бириккан жойидан бошланган Уч Чот ва Кўлтўр деган сувларнинг қўшилишидан бошланса, Уч-Қўшўй Талас Олатовининг шимолий ёнбағридан сув олувчи Чўнг Қўшўй ва Ўрта Қўшўйнинг қўшилишидан бошланади. Республика ҳудудидаги узунлиги 102 км, сув тўплаш майдони 9240 км<sup>2</sup>, ўртача кўп йиллик сув сарфи 33 м<sup>3</sup>/сек. Қирғиз Олатовининг энг ғарбий қисмини кесиб ўтган қапқа дарасида сув омбори қурилган. Охири суғориш учун сарфланиб, кейин Мўюнқумга сингиб кетади. Йирик irmoқлари: Қалба, Бештош, Урмарал, Кумуш Так, Қора Буура, Кенкўл ва бошқалар. Сув режими бўйича Талас дарёси ва унинг irmoқлари қор билан музликлардан тўйинувчи, баҳор бошланишидан тўлиб оқувчи Тяншан типидagi дарёлар гуруҳига киради. Ўнг irmoқлари ҳавзалари унча баланд эмас (Кенкўл), музлиги йўқ. Қирғиз Олатовининг жанубий ёнбағридан бошланганлигидан баҳорда тўлиб оқувчи, қор сувларидан тўйинувчи дарёлар турига киради. Умуман олганда Талас дарёсининг оқим модули унча катта эмас (2-3 л/сек км<sup>2</sup> дан 6-7 л/сек км<sup>2</sup> гача).

Қарқара дарёси Талас Олатовининг энг ғарбидаги баландликдан — Манас чўққисидан бошланиб, Асса дарёси ҳавзасига киради. Узунлиги (Терс дарёсигача) 56 км, ҳавзасининг майдони 454 км<sup>2</sup>, ўртача кўп йиллик сув сарфи 5,98 м<sup>3</sup>/сек. Қор ва музликлар сувидан тўйинади.

Тарим дарёси тизимига Қирғизистоннинг жануби-шарқидagi баланд тоғли қисмининг оқар сувлари ҳам киради. Хитой то-

### Тарим ҳавзасидаги дарёларнинг гидрологик кўрсаткичлари

Тартиби	Дарёлар ва irmoқларнинг номлари	Ҳавзасининг майдони, км <sup>2</sup>	Сув тўплаш майдонининг ўртача баландлиги, м	Ўртача йиллик сув сарфи, м <sup>3</sup> /сек	Оқим шудди, л/сек км <sup>2</sup>
I	Сарижаз	12900	3940	140,00	10,9
1	Кўўлу	817	3850	9,20	11,3
2	Энгилчак	1730	4380	30,00	17,1
3	Оқшийроқ	2290	3800	16,00	6,99
II	Қақшаал	7854	3655	32,00	4,10
1	Оқсой	5010	3590	12,00	2,40
2	Мудурум	1804	3720	17,5	10,2
3	Узунги Кууш	2880	3790	25,9	9,0
4	Қизилсув (Шарк)	1671	-	14,7	9,0

монга оқадиган Сарижаз, Узўнги Қууш, Оқсой, Қақшаал ва Шарқий Қизилсув дарёлари ҳам шу тизимга киради. Юқориди айтиб ўтилган ҳамма дарёларнинг сув тўплаш майдонининг асосий қисми 3500 м дан юқори баландликда жойлашган. Энг баланд жойи — Ғалаба (7430 м) чўққиси, энг паст жойининг баландлиги 1680 м.

Сувининг кўплиги ва ҳавзасининг майдони жиҳатидан Тарим ҳавзасидаги энг катта оқар сув Сарижаз дарёсидир. У Қашқа Тўр деган ном билан Семёнов музлигидан бошланади. Чап томондан Мушкетов (Адир Тўр) музлигидан бошланадиган Адир Тўрга қўшилгандан сўнг Сарижаз деб аталиб, олдин ғарбга (50 км), кейин жанубга томон оқиб, бир қанча тоғ тизмаларини кесиб ўтиб, кўплаб irmoқларни қўшиб олиб, Республика чегарасидан чиқиб кетади. У Хитойда Оқсув деб аталади. Республика ҳудудидаги узунлиги 167 км (ҳаммаси бўлиб 282 км), ҳавзасининг майдони 12900 км<sup>2</sup>, кўп йиллик ўртача сув сарфи 140 м<sup>3</sup>/сек. Йирик irmoқлари: чап томондан Энгилчак, Қайинди, Қўйқоп, Жамансув, ўнг томондан - Кўўлу, Учқўл, Оқшийроқ ва бошқалар.

Тарим тизимида ҳавзасининг майдони бўйича иккинчи ўринда турадиган оқар сув Қақшаал ҳисобланади. Оқсой дарёси Отбоши тизма тоғининг музликларидан Кенсув деган ном билан бошланиб, Тераксув қўшилгандан сўнг ўз номини олади.

Мудурум қуйилгунга қадар узунлиги 86 км, ҳавзасининг майдони 5010 км<sup>2</sup>. Ирмоқлари: Қизилсув, Қўшқоратош, Муз-дабас, Текелик, Кулжабоши ва бошқалар. Қақшаалнинг чап ирмоғи бўлган Мудурум дарёси Қақшаал тоғининг музликларидан бошланади ва давлат чегарасига 19 км қолганда Оқсойга қуюди. Ирмоқлари: Кентўр, Жаманэчки, Балиқти ва бошқалар. Хитой чегарасигача Қақшаал яна бир йирик ирмоқ — Кўкқияни қўшиб олади. Қақшаал ҳавзасининг Қирғизистондаги майдони 7854 км<sup>2</sup>, кўп йиллик ўртача сув сарфи 32,0 м<sup>3</sup>/сек.

Оқсой ҳавзасининг ғарбий қисмида алоҳида оқиб чиққан дарё — Чатиркўлнинг ҳавзаси жойлашган. Унинг майдони 1050 км<sup>2</sup>, кўлга қуйиладиган бир неча ирмоқлари бор, лекин ҳеч бир жойидан сув оқиб чиқмайди.

Сарижаз билан Қақшаал дарёларининг ўрталиғида Узанги Қўўшининг ҳавзаси жойлашган. Республика ҳудудидан чиққандан сўнг у Қақшаалга қуюди. Чегаригача бўлган узунлиги 83 км, ҳавзасининг майдони 2880 км<sup>2</sup>, Қутур ва Сарижазнинг қўшилишидан бошланади. Қақшаал тоғининг шимолий ёнбағридаги музликлардан ҳосил бўлади. Йирик ирмоқлари: Кичик Узанги Қууш, Катта Терак, Кичик Терак ва бошқалар.

Сарижаз, Узанги Қууш, Оқсой ва Мудурум Қақшаал дарёсига қуйилади. Жаркент дарёси Памирдан бошланган Маркансув билан Шарқий Қизилсувнинг қўшилишидан бошланади. Шарқий Қизилсувнинг узунлиги 38 км, ҳавзасининг майдони 685 км<sup>2</sup>. Унинг чап ирмоғи бўлган Кўксувнинг ҳавзаси майдони 976 км<sup>2</sup>. Иккала сув қўшилгандан кейин ўртача сув сарфи 14,7 м<sup>3</sup>/сек га тенг бўлади. Сув режими бўйича Қизилсув ёзда тўлиб оқувчи Тяншан гуруҳидаги дарёлар қаторига киради.

Сув режими бўйича Тарим ҳавзасидаги дарёлар музлик ва қор сувларидан тўйинувчи, ёз ойларида тўлиб оқувчи Тяншан гуруҳига киради. Уларнинг сув йиғилиш майдонининг ўртача баландлиги 4000 — 5000 м гача боради. Шунинг учун уларнинг сув ҳосил қилиш имконияти (оқим модули) ҳам бир неча баробар юқори (9 — 17 л/сек км<sup>2</sup>). Сув ҳосил қилиш имконияти энг паст Оқсой (2 — 3 л/сек км<sup>2</sup>) дарёсидир. Шу билан бирга ғарбдан шарққа томон оқувчи Оқшйроқ ва Учкўл дарёларининг ҳавзаларида ҳам оқим модули кичик (5 — 7 л/сек км<sup>2</sup>) дир.

Сувни оқиб чиқмайдиган берк Иссиқкўл ҳавзасининг майдони 22080 км<sup>2</sup>, шундан кўл юзасининг майдони 6236 км<sup>2</sup>. Кўлга майда ва ўртача ҳажмдаги 117 та оқар сувлар келиб қуйилади. Буларнинг энг йириклари Туп, Жирғалан ва Иссиқкўлнинг шар-

Тартиби	Дарёларнинг номилари	Ҳавасининг майдони, км <sup>2</sup>	Сув йиғиниш майдонининг ўртача баландлиги, м	Ўртача йиллик сув сарфи, м <sup>3</sup> /сек	Оқим модули, л/сек км <sup>2</sup>
1	Жирғалан	2060	2840	22,5	10,9
2	Туп	1130	1960	10,6	9,38
3	Қорақўл	325	3670	6,6	20,13
4	Жетиўгуз	263	3340	5,26	20,0
5	Жууқу	516	3260	6,28	12,2

қий қисмидаги дарёлардир. Иккала дарё ҳам бирдай-Терская Олатовнинг шимолий ёнбағирларидан бошланади. Жирғаланнинг ирмоқлари: Тургўн Оқсув, Оқсув; Тупнинг ирмоқлари: Кенсув, Чўнгтош, Толдисув; яна бошқа дарёлардан Қорақўл, Жетиўгуз, Катта Қизилсув, Жууқу, Барсғон, Тўсўр ва Катта Оқсув ҳисобланади.

Иссиққўл ботиғининг дарёлари сув режими бўйича ёз ойларида тўлиб оқувчи, қор ва музликлардан тўйинадиган Тяншан типидagi дарёлар қаторига киради. Қорақўл, Жетиўгуз ва бошқалар сув тошқинларининг хусусияти билан ажралиб туради. Терская Олатовнинг шарқий қисмида-Жирғалан ва Туп дарёлари ҳавзасида ҳосил бўладиган сув миқдори (оқим модули) бироз кам (9 — 11 л/сек км<sup>2</sup>). Фарбий ёнбағирларининг сув ҳосил қилиш имконияти 2 — 3 л/сек км<sup>2</sup> дан ортмайди.

Балхаш ҳавзасига тегишли Қарқара дарёси Қирғизистоннинг чекка қисмидан оқиб ўтади. Узунлиги 69 км, ҳавзасининг майдони 572 км<sup>2</sup>, ўртача йиллик сув сарфи 15,0 м<sup>3</sup>/сек, оқим модули 8,35 л/сек км<sup>2</sup>.

Қирғизистон ҳудуди текисликларидаги сунъий ариқлар, каналлар аста-секин сув оқимларига ўхшаб кетган ажойиб гидрографик тўрни ташкил қилади.

Ҳамма гидрологик жараёнларга, шу жумладан оқим ҳосил бўлишига Қирғизистон рельефи ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Баландликка қараб сув мувозанати ва оқим ҳосил бўлиши шароитлари ўзгаради. Ёғингарчилик миқдори ҳажми баландликка қараб кўпаяди, ҳарорат билан сувнинг буғланиши эса камаяди. Шунга мос ҳолда баландликка кўтарилган сари оқим миқдори ортади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, оқим модули 2500 м баландликдан бошлаб ўса бошлайди-да, 3300-3800 м баландликларда энг юқори кўрсаткичга етади. Бу зонада оқим ҳажмининг кўпайишига ёғин миқдорининг ортишигина эмас, балки музлик-

лар майдонининг катталашини ҳам сабаб бўлади. Шунинг учун айрим водийларда оқим коэффициенти бирдан ошиб кетади.

Рельефининг мураккаблиги ва хилма-хиллиги туфайли Қирғизистон ҳудудидаги ер остидан чиққан булоқларни гуруҳларга ажратиш қийин. Бугина эмас, бир дарё ҳавзаси бўйича ҳам сув оқими турли баландликларда турлича бўлишини кузатиш мумкин. Шунинг учун тоғли ҳудудларда гидрологик районлаштиришни гидрографик шаронти бўйича амалга ошириш қулайроқ.

Дарёлар тўйинишининг асосий манбаи қор ва музлик сувлари бўлиб, уларни ер ости сувларининг улуши билан бирга қўшиб ҳисобласак, умумий оқимнинг 80% ини ташкил қилади. Ер ости сувлари ҳам булоқлар манбаи ҳисобланади. Уларнинг улуши тоғ этакларида ва текисликларда ҳосил бўлган сувларда кўплик қилади. Масалан, Тўқмоқ ботқоқликларидан ҳосил бўлган Қизилсувнинг (Красная) ўртача йиллик сув сарфи 22 м<sup>3</sup>/сек гача боради.

Қирғизистонда ёнғингарчиликдан ҳосил бўладиган дарёлар йўқ ҳисоби. Улар умумий оқимнинг 2% дан 18% гачасини ташкил қилади. М.Н. Большаковнинг таъкидлашича Қирғизистон ҳудудида ҳосил бўлган дарёлар сувларининг умумий йиллик ҳажми 46,8 км<sup>3</sup>. Агарда ҳамма сув тарқалган ҳудудларни, яъни тоғлардаги берк ҳавзаларни қўшганда эса 47,3 км<sup>3</sup>.

Тўйиниш манбаларининг турлари бўйича Қирғизистон дарёлари қуйидагича бўлинади:

1. Музлик-қорлардан тўйинадиган дарёлар;
2. Қор-музликлардан тўйинадиган дарёлар;
3. Қор сувидан тўйинадиган дарёлар;
4. Қор сувидан ва ёмғирдан тўйинадиган дарёлар.

Дарёлар оқимининг йил давомида тақсимланиши таҳлил қилинса, уларнинг аксарият қисми йилнинг илиқ мавсумида кўпаядиган, қишда эса камаядиган дарёлар турига киради. Булар баҳордагина кўпайиб, йилнинг бошқа мавсумларида донмо камайиб турувчи сув режимидаги дарёлардир. Муз-қорлар ва қор-музликлардан тўйинадиган дарёлар узоқ давом этган ёзги тўлин сув даври билан фарқланади. Сабаби, қор эриш жараёни баландлик ортишига боғлиқ ҳолда ёзнинг охиригача давом этади. Сув кўпайган мавсумда йиллик оқимнинг 75% дан 90 % гача қисми оқиб ўтади.

Қирғизистон ҳудудидаги дарёларнинг максимал оқими қорнинг эриш жадаллигига ва жала ёмғирларга боғлиқ. Максимал оқим модули 300 — 400 л/сек км<sup>2</sup> гача боради. Баъзан бундан

ҳам юқори бўлиб, селга айланиб кетади. Сел келиши асосан, сув йиғиш майдони учга баланд бўлмаган, вақти-вақти билан оқим пайдо бўладиган хавзаларга тегишлидир.

Баланд тоғлардаги сел оқимлари ёғингарчиликка эмас, эриган сувларнинг бир жойга тўпланиб, кейин тўсиқни бузиб тез оқиб кетиши билан боғлиқ. Сел ҳавфи Фарғона водийсининг майда дарёларига ва Иссықкўлнинг ғарбий қисмларига ҳос.

Қирғизистон ҳудудида дарёлар сувларининг лойқаланиш даражаси  $10 \text{ г/м}^3$  дан  $200 \text{ г/м}^3$  гача ўзгаради. Энг лойқа сув оқими Фарғона водийси атрофидаги, айниқса, Фарғона тизма тоғининг жануби-ғарбий ёнбағирларидан оқиб тушадиган дарёлар учун ҳосдир.

### Савол ва топшириқлар

1. Контур харитага Қирғизистон дарёларининг номларини ёзинг.
2. Қандай шароитда ва қайси баландликларда дарё тармоқлари янч, дарё ҳавзасидан ҳосил бўладиган сув миқдори (оқим модули) юқори?
3. Норин дарёсининг йирик irmoқларини санаб беринг.
4. Ўзингиз яшаётган ҳудуддаги йирик дарёни тасвирлаб кўринг: бу дарёнинг узунлиги, сувининг кўп ёки озлиги, қайси мавсумда кўпаяди ва қайси мавсумда озаяди, ундан хўжаликда қандай фойдаланилади? Шу водийда яшаётган аҳоли учун унинг қандай аҳамияти бор?

## 5.2. Кўллари ва сув омборлари

Қирғизистон ҳудудидаги кўллар ва сув омборларининг сони 750 та, умумий майдони  $6836 \text{ км}^2$  ёки Республика майдонининг 3,4% ини ташкил этади. Булардан 16 кўл ва 11 сув омборининг майдони  $1 \text{ км}^2$  дан катта. Кўлларнинг кўпчилиги майда ва музликларнинг этагида, баланд водийлар тагидан ўрин олган. Келиб чиқиши ва морфологик тузилиши бўйича Қирғизистон ҳудудидаги кўллар учга бўлинади.

**Тўғонли ёки қулама кўллар** дарё водийсини тоғ қулашлари, сурилишлар, ер кўчкилари, музликлар ҳаракатлари таъсирида тўсилиб қолишидан ҳосил бўлади. Бунга сунъий кўллар ва сув омборлари ҳам киради. Тўғонли кўллар дарё водийлари ва irmoқларида ҳосил бўлиб, учга бўлинади. Дарёларининг қайир (кўлмак) кўллари сув озайган пайтда ҳосил бўлган вақтинчалик кўл ҳисобланади. Бундай кўллар бир қанча дарёларининг охирида қолдиқ кўлмак (қайир) кўллар сифа-

тида учрайди. Қолдиқ кўлмақлар дарё сувларини суғориш учун каналлар орқали олиб кетилганда, уларнинг қуйи қисмларида ҳосил бўлади. Улар унча катта бўлмайди (0,1—0,2 км<sup>2</sup>). Водийлар кўллари тоғ ёнбағирларидан сурилиб ёки нураб тушган тоғ жинслари уюмлари билан тор водийларнинг тўсилиб қолишидан ҳосил бўлади. Масалан, бундай табиий тўғонли кўлларга Саричелак, Кулун, Қорасув ва бошқалар киради. Тўқтағул, Ўрта Тўқай сув омборлари ҳам кўлларнинг шу, яъни сунъий тўғонли турига киради. Соҳил кўлларига Иссиқкўл соҳилларидаги кўллар кириб, улар сув озайган вақтларда кўлмақ тарихасида ҳосил бўлади. Бу кўлларга Қоракўл, Қўқуйкўл ва бошқалар киради.

**Ботикликдаги кўлларга** морена, қорли, карет, термокарет ва термодинамик кўллар киради. Морена кўллар қадимги ва ҳозирги музликларнинг ҳаракати натижасида ҳосил бўлади. Музликлар чекиниб, эриб кетган тақдирда уларнинг ўрнида турли ғовак жинслар нотекис ўнқир-чўнқирларни пайдо қилади. Шу нотекисликлар орасида морена кўллар ҳосил бўлади. Масалан, Арабел, Қумтор водийларидаги кўллар шулар жумласидандир. Креслосимон тоғ ёнбағридаги музлик эрозиясидан ҳосил бўлган рельеф шакллари «карет» деб аталади. Айрим каретлар остидаги ботикликларга сув тўлиб, карет кўлларини ҳосил қилади. Улар унча катта бўлмайди (0,1—0,2 км<sup>2</sup>). Карет кўллари сувда эрувчи оҳақтош, доломит, гипс, мрамар каби тоғ жинсларидаги бўшлиқлардан ҳосил бўлади. Улар асосан, ер ости тоғ жинсларининг сувда эриш хусусиятидан пайдо бўлади. Булар Фарғона водийсини қуршаб турган паст тоғларда учрайди. Термокарет кўллари кўп йиллик музликлар жойлашган баланд водийларда учрайди (Арабел, Қумтор, Саричелак, Оқсой ва ҳоказо).

Қирғизистоннинг энг катта кўллари — Иссиқкўл, Сўнкўл ва Чатиркўллар тектоник жараёнлар натижасида ҳосил бўлган кўллар гуруҳига киради.

**Аралашма кўллар** қосаси ҳар хил омиллар таъсирида ҳосил бўлади. Масалан, Чатиркўл билан Сўнкўлнинг қосалари тектоник жараён натижасида ҳосил бўлган, лекин кейинчароқ, у ерларни муз қоплаб, жило бериб, анча-муңча ўзгартирган.

Қирғизистоннинг энг катта кўли Иссиқкўлдир. Бу кўл Кунгай Олатов билан Терскай Олатовнинг ўртасидаги тектоник ботикда жойлашган. Сув сатҳининг мутлақ баландлиги 1607 м.

юзасининг майдони 6236 км<sup>2</sup>, энг чуқур жойи 668 м, ўртача чуқурлиги — 278 м, узунлиги 1778 км, энг кенг жойи 60 км, ўртача кенглиги 35 км, сув ҳажми 1738 км<sup>3</sup>, кўлнинг қирғоқ чизиғи узунлиги 688 км, қирғоғининг эгрилик коэффициенти 2.1. охириги 130 йил ичида (1856 — 1980 йиллар) кўлнинг сув сатҳи 8,5 м га пасайган. Бунинг сабаби, шу йиллар ичида кўлнинг сув мувозанати салбий бўлган, яъни унга қўшилади-ган сувлар миқдори сарфланиш (буғланиш) га нисбатан кам бўлган. Ҳозирги даврда кўлнинг сув сатҳи деярли бир меъёрда турибди. 80-йилларнинг охирида сув сатҳининг бироз кўтарилганлиги (3 см дан 13 см гача) аниқланган. Сув сатҳи йил давомида ўзгариб туради. Ёзда сув кўпайиб, сув сатҳи 21—22 см га кўтарилади. Қишда эса пасайиб туради. Кўл музламайди. Ҳароратининг йиллик ўзгариш амплитудаси 20° га (24°С дан 4°С гача) боради. Термик режими бўйича Иссиқкўл супротрик типдаги кўлларга тегишли. Бунинг сабаби кўл чуқур бўлганлигидир, натижада у музлаб улгура олмайди. Сувининг минераллашув даражаси 5,97% (промилл). Органик дунёси нисбатан бой, балиқнинг 22 туридан 10 таси маданийлаштирилган. Айрим балиқларни олиб келиб кўл шароитига мослаштириш самара бермади. Ҳозирги вақтда балиқ овлаш йўқ ҳисобида. Қишда бу ерда кўплаб сувда сузувчи қушлар қишлайди.

Майдони бўйича Сўнкўл Қирғизистонда иккинчи ўринда туради. У Муллатоғ, Сўнкўлтоғ ва Бўўр Олмос тизма тоғларининг қуршовида жойлашган. Сув сатҳининг мутлақ баландлиги 3016 м, юзасининг майдони 278 км<sup>2</sup>, энг чуқур жойи 22 м, ўртача чуқурлиги 9,2 м, узунлиги 29 км, энг кенг жойи 18 км, ўртача кенглиги 9,6 км, сув ҳажми 2,04 км<sup>3</sup>, айланасининг узунлиги 102 км, соҳилларининг эгрилик коэффициенти 1,7. Сўнкўл Қирғизистондаги чучук ва тоза (тиник) сувли кўлларнинг энг каттаси. Унга 18 та майда дарё ва сойлар келиб қуяди ва кўлдан ягона Кажирти дарёси оқиб чиқади. Сув сатҳи ўзгармайди, сабаби ундан оқиб чиққан дарё ундаги сув мувозанатини меъёрлаб туради. Сувининг минераллашув даражаси 0,3-0,4%, октябрнинг охири — ноябрнинг бошларида музлайди, апрелнинг охирида муз эрий бошлайди. Ўртача йиллик ҳарорат амплитудаси 12°С га тенг (0°С дан 12°С гача). Термик режими бўйича Сўнкўл мўътадил минтақадаги кўллар гуруҳига киради. Қушлар оламига бой (88 тури бор), уларнинг кўпчилиги қишламайдиган сайёҳ қушлар. Энг ноёб қушлардан бири ҳинд ғозидир. Сўнкўл ғозларнинг тухум қўйиб, кўпаядиган жойи. Кўлга

балиқ (пелядь) қўйиб юборилган. Келажакда улар тўр билан овлаш даражасига етади.

Майдони бўйича учинчи ўриндаги кўл-Чатиркўлдир. У Оқсой водийсининг ғарб томонида, Отбоши тизма тоғи билан Тўрифорт тоғининг оралиғида жойлашган. Сув юзаси сатҳининг мутлақ баландлиги 3520 м бўлса, майдони 170 км<sup>2</sup> га тенг. Энг чуқур жойи 19 м, узунлиги 23 км, энг кенг жойи 11 км, ўртача кенлиги 7,4 км, сувининг ҳажми 0,85 км<sup>3</sup>, қирғоқ бўйлаб узунлиги 1050 км. Кўлга 8 та кичик дарёлар келиб қўйилади, уларнинг энг каттаси-Кўкайғир. Кўлдан сув оқиб чиқмайди, минераллашув даражаси 2% га яқин. Сув сатҳи бир хилда эмас, сўнгги 100 йил ичида ўртача 4 метрга пасайган. Октябрдан апрелгача музлайди, музнинг қалинлиги 1,5 м гача боради. Балиқ йўқ, ёзда сайёҳ қушлар келади.

Тўғонли (қулама) кўллар ичида энг чиройлиси Саричелак кўлидир. Кўл «Туркистон (Ўрта Осиё) дурдонаси» номи билан машҳурдир. Чотқол тоғларининг жануби-шарқ томонидаги Хўжаота дарёси ҳавзасида, денгиз сатҳидан 1878 м баландликда жойлашган. Сув юзасининг майдони 4,92 км<sup>2</sup>, узунлиги 7,5 км, энг кенг жойи 234 м, ўртача чуқурлиги 98 м. Олимларнинг кузатишларига қараганда бу кўл бундан 10 минг йил аввал Саричелак водийсидаги тоғлар кулаб, сув йўлининг табиий тўғон билан тўсилиб қолишидан ҳосил бўлган. Кўл морфологик жойлашишига кўра қадимги типик тоғ водийсини эслатади. Атроф қирғоқлари тик тоғлар билан ўралган, бир қанча кўлтиқчаларга бўлинган. Қирғоқ бўйлаб узунлиги 21 км, кўлга Саричелак дарёси келиб қўйилади. Кўлдан Хўжаотанинг чап ирмоғи-Тўскўл дарёси оқиб чиқади. Сувининг энг кўпайган вақти май ойи бўлса, энг озайган вақти декабрь ойи ҳисобланади. Шу даврлардаги сув сатҳлари фарқи 40 — 50 см. Декабрнинг охирида музлаб, апрелда эрийди. Ёзги ҳарорати 19,80С илиқ, қишдаги эса 00С атрофида бўлади. Сув тубининг ҳарорати +50С дан пасаймайди, минераллашув даражаси 200 — 500 мг/л. Кўлда сазан (зоғора балиқ), карп ва маринка (қора балиқ) каби балиқлар кўп.

Шимоллий Энгилчак музлигининг пастки қисмида жойлашган Мерцбахер номли кўл сув мувозанати ва сатҳининг ўзига ҳос хусусиятлари билан фарқланиб туради. Суви ҳар йили музликнинг пастки қисми орқали оқиб кетиб, кўл сувсиз қолади, кейин кузнинг охири ва қиш бўйи сув йиғилиб, ёзнинг охиригача аввалги даражасига етади. Кўлнинг сувсиз қолиш муддати 5-8 кун, бу ҳолат август ёки сентябрь ойларига тўғри келади. Кўл суви

сатҳининг мутлақ баландлиги 3304 м, узунлиги 4 км, эни 1 км, сув юзасининг майдони 4,5 км<sup>2</sup>, энг чуқур жойи 60 м га етади. Чекка қирғоқларини муз қоплаганлигидан вақти-вақти билан қўлнинг ўлчами ўзгариб туради.

16-жадвал

### Қирғизистондаги йirik қўлларнинг морфометрик кўрсаткичлари

Тартиби	Қўллар	Йойлашган ўрни, дарё ҳавзаси	Сув сатҳининг мутлақ баландлиги, м	Сув юзасининг майдони км <sup>2</sup>	Сув ҳажми, км <sup>3</sup>	Энг чуқур жойи, м
1	Иссиққўл	Иссиққўл ботини	1607	6236	1738	668
2	Сўнқўл	Норин	3016	278	2,64	22
3	Чатирқўл	Чатирқўл	3520	170,6	0,85	19
4	Саринчелак	Қорасув (ўнг)	1878	4,92	0,483	234
5	Қорасув	Қорасув (chap)	2022	4,2	0,223	150
6	Қудун	Тар	2856	3,25	0,118	91
7	Қўласув	Қақшала	3514	4,5	0,338	-
8	Мерцбахер	Энгилчак	3304	4,5	0,129	60

Республикада сув заҳираларидан самарали фойдаланиш турли ҳажмдаги сув омборларини қуриш билан боғлиқ. Сув омборларининг асосий вазифаси сувни йил бўйи сақлаб, халқ хўжалигида улардан унумли ва оқилона фойдаланишни, электр энергиясининг узлуксиз, бир меъёردа бўлишини таъминлаш ва бошқалардан иборат. Республикадаги 200 дан ортиқ сув омборлари мақсадга мувофиқ равишда ишлаб турибди. Бир қанча сув омборларининг сув сифими 1 млн м<sup>3</sup> гача. Сув сифими 1 млн м<sup>3</sup> дан 10 млн м<sup>3</sup> гача бўлган сув омборларининг сони 7 та бўлса, сифими 10 млн м<sup>3</sup> дан ортиқ сув омборлари 12 тадир. Уларнинг ичида энг каттаси 1974 йилда қуриб битказилган Тўқтағўл сув омборидир. Унинг лойиҳада кўрсатилган сув майдони 284,3 км<sup>2</sup>, ҳажми 19,5 млрд м<sup>3</sup>, узунлиги 65 км, энг кенг жойи 12 км, энг чуқур жойи 215 м, тўғонининг узунлиги 292 м, қалинлиги 43 м, баландлиги 215 м. У асосан электр энергияси ишлаб чиқариш ва экин майдонларини суғориш мақсадида фойдаланиш учун қурилган.

Фақат суғориш мақсадлари учун қурилган сув омборлари: Ўртатўқай, Тўртқўл, Попон, Киров ва бошқалар.

### Қирғизистондаги йирик сув омборларининг морфометрик кўрсаткичлари

Тартиби	Сув омборларининг номлари	Дарё ҳаёаси	Сув ситими, млн м <sup>3</sup>	Сув юзаси майдони, км <sup>2</sup>	Тўғоннинг баландлиги
1	Тўқтагул	Норин	19500	284,3	215,0
2	Киров	Талас	550	26,5	83,1
3	Ўртагўжай	Чуй	470	25,0	52,0
4	Қурпсой	Норин	370	12,2	110,0
5	Попон	Оқбура	260	7,1	120,0
6	Тўрткўл	Исфара	90	6,6	34,0
7	Учкўрган	Норин	52,5	4,0	31,0
8	Найман	Абширсой	40,0	3,2	40,5
9	Олаарча	Олаарча	39,0	5,21	22,0
10	Бозоркўрган	Тентаксой	30	2,8	2,5

#### Савол ва топшириқлар

1. Контур харитага Қирғизистоннинг йирик кўлларининг номларини ёзинг.
2. Дафтарингизга Иссиқкўлнинг асосий морфометрик кўрсаткичларини кўчириб олинг.
3. Сиз яшаётган ҳудудда қандай кўллар ва сув омборлари бор? Уларни қисқача таърифлаб беринг.
4. Қирғизистондаги йирик сув омборларини санаб беринг ва уларнинг хўжаликдаги аҳамиятини аниқланг.
5. Тўғонли-берк кўлларга Қирғизистоннинг қайси кўллари киряди?

#### 5.3. Ер ости сувлари

Қирғизистон ҳудудидаги ер ости сувлари геоструктуравий жойлашув хусусиятлари ва чуқурлиги бўйича уч қатламга бўлинади. Энг паст қатламдаги сувлар, асосан палеозой ва протерозой эраларида ҳосил бўлган қаттиқ кристалл тоғ жинслари орасидаги ёриқлар, бўшлиқлар ва дарзликларда жойлашган. Бу сувларнинг ҳосил бўлишида маълум бир қонуният йўқ, қаерда бўшлиқлар, тоғ жинсларининг ёриқлари кўп бўлса, ўша ерда ҳосил бўлган.

Карбонатли тоғ жинсларидагина, айниқса, девон билан карбоннинг терригенли чўкмаларида (бўшроқ метоморфизмлаш-

ганлигидан) уларнинг эриш хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўлган каваклар, карст кўзчалари учраши мумкин.

Иккинчи, яъни ораликдаги қатлам сувлари мезозой, кайнозой даврларининг чўкмаларида, неоген-илк тўртламчи даврнинг малассларида (майдаланган жинслар) ҳосил бўлган. Бу тоғ жинсларида дарз кетган ёриқлар, ғоваксимон бўшлиқлар бўлади. Шу билан биргаликда сув ўтказмайдиган, сувни кам ўтказадиган (балчиқ, мергель, балчиқли мергель жинслари) тоғ жинслари ҳосил бўлган. Сувли горизонтларга конгломератлар, қумликлар, оҳақтош жинслари, қум киради. Бундай тоғ жинслари орасида кўпинча қатламлараро сувлар жойлашган.

Энг устки, учинчи қатламдаги сувлар асосан тўртламчи даврнинг ғовак жинсларида ҳосил бўлган. Бу тоғ жинсларининг сув ўтказиш даражаси юқори ва бўшлиқлари кўп. Шунинг учун устки қатламнинг сувли қатламлари қалин ва суви кўп бўлади.

Келиб чиқиши (генезиси) бўйича Қирғизистон ҳудудида гидрогеологик ҳавзалар ва артезиан ҳавзалари кўп бўлиб, улар икки гидрогеологик турга бўлинади. Гидрогеологик ҳавзалар айрим ҳолатларда қир-адирларда, тоғларда ва улар оралигида жойлашади. Ер ости сувлари манбасиз, ёриқлар орқали эркин оқиб турувчи сувлардир. Бу жойлар рельефининг қийманланганлиги туфайли сув тўпланишининг имкони йўқ. Шунинг учун, ер ости сувлари тездаёқ маҳаллий дарёларга қўшилади. Дарёлар оқимининг ҳосил бўлишида уларнинг ҳиссаси 25-35% гачадир. Гидрогеологик ҳавзалардан булоқ бўлиб оқиб чиққан сувлардан шаҳар ва қишлоқларни ичимлик тоза сув билан таъминлашда кенг фойдаланилади. Қирғизистон ҳудудининг 65% дан ортиқ майдонини гидрогеологик ҳавзалар эгаллайди.

Артезиан ҳавзалари кўпинча тоғ орасидаги пастга чўкиб, яна кўтарилган ер ости сувларининг тўпланиш жойларидир. Улар табиатан ташқи сувларга бой ва ички сув манбалари унча кўп бўлмаган гидрогеологик регионларга бўлинади. Қирғизистон ҳудудида улар 50 га яқин бўлиб, шундан 30 таси йирик кўламдаги артезиан ҳавзалари ҳисобланади.

Қирғизистон ҳудуди Чуй, Талас, Иссиқкўл, Норин, Сарижаз, Оқсой, Фарғона ва Олой сингари олти гидрогеологик регионга бўлинади. Биринчи беш регион Тяншан гидрогеологик областига, олтинчи-Олой региони эса Помир гидрогеологик областига киради.

**Чуй-Талас** гидрогеологик региони Қирғизистоннинг шимолӣ Тяншан табиӣ географик областига тегишли. Бу ре-

гионга Чуй дарёси ҳавзасининг ўрта қисми, Кемин водийси, Талас дарёси ҳавзасининг юқори ва ўрта қисмлари киради. Региондаги гидрогеологик ҳавзалар тизма тоғларнинг маълум ёнбағирларини эгаллайди. Артезиан ҳавзалари эса Қозоғистон ҳудудининг бир қанча жойини ўз ичига олган йирик Чуй-Сарисув артезиан ҳавзасининг жанубий чеккасидаги Чуй ва Талас артезиан ҳавзаларидир. Чуй артезиан ҳавзасининг таркиб топиши очик. Талас артезиан ҳавзасининг таркиб топиши эса ярим очикдир. Гидрогеологик ҳавзаларда интрузив, сланец-қумли ва конгломерат-қумли тоғ жинсларининг орасидаги дарз кетган бўшликларда эркин шилдираб оқадиган грунт сувлар ҳосил бўлган. Тоғ этакларидан то водийларнинг марказигача ер ости сувларининг оқиш мароми тўрт қисмга бўлинади. Чуй ва Талас артезиан ҳавзаларининг тоғ этакларида жойлашган қисми ер ости сувларининг зич тўпланган зонасига киради. Бу ерларда ҳосил бўлган шағал-тошли қатламлар орасидан сизиб чиққан тоғ дарёлари сувлари ер ости сувларининг ҳосил бўлишига имкон яратади. Бу сувларнинг чуқурлиги 100 м дан ортик. У қиялик бўйлаб тобора ер бетига яқинлашиб, булоққа айланади ва «қора сувлар» га қўшилади. Иккинчи зонадаги ер ости сувлари ҳам ер устига булоқ бўлиб чиқади ва буғланишга ҳамда экинларни сугоришга сарфланади.

Учинчи зонада ер ости сувларининг сатҳи тобора пасайиб, ер устига оқиб чиқиши тўхтайти. Тўртинчи, йирик табиий дренажли зонада водий тагидаги грунт сувларининг чиқиши кўп миқдорда бўлиб, гоҳида ботқоқликларни, шўрланган майдонларни ҳосил қилади. Чуй водийсидаги артезиан ҳавзаларининг сув чиқариш имконияти  $71,3 \text{ м}^3/\text{сек га тенг}$ . Талас водийси ер ости сувларининг сарфи  $31,5 \text{ м}^3/\text{сек га тенг}$  бўлиб, уларнинг аксарият қисми тўртламчи даврнинг чўкмаларида тўпланган ва улардан халқ хўжалигида, айниқса, тоза ичимлик суви сифатида кенг фойдаланилади.

**Иссиқкўл** гидрогеологик региони шу номдаги геоморфологик регион билан мос келиб, Иссиқкўл гидрографик тармоғини ўз ичига олади. Бу регионга Кунгай ва Терская Олатовларининг гидрогеологик воҳалари ва Иссиқкўл артезиан ҳавзаси киради.

Иссиқкўл артезиан ҳавзаси Чуй-Талас ҳавзалари сингари биринчи ўриндаги йирик ҳавзалар қаторига киради. Бу ерда оралик қатлам Сантош довоми орқали Кегендин ҳавзалари би-

лан қўшилади. Бироқ устки қатламнинг сувлари берк ҳавзага қарашли. Ҳавза майдонининг ярмини кўлнинг юзаси эгаллаб ётади. Шарқ томони рельефидаги антиклинал ички дўнгликлар (Ўргўчўр, Бўрибош, Тасма) ер ости сувларининг бир-бири билан қўшилишига тўсқинлик қилади.

Кунгай ва Терскай гидрогеологик воҳаларда коледонидлар орасидаги интрузивларда, дарз кетган ерлар ораликларида ҳам сувлар бор. Артезиан ҳавзаларидаги ер ости сувлари ташқарига чиқмайди, асосан кўл бўйигагина оқиб чиқиб, унинг сувига қўшилиб кетади. Ер ости сувларининг умумий сарфи 34 м<sup>3</sup>/сек. Ер ости сувларидан халқ ҳўжалигида, аҳоли зич жойлашган ерларда эса ичимлик суви сифатида кенг фойдаланилади.

**Норин** гидрогеологик региони Ички Тяншаннинг кўпчилик қисмини, Норин дарёси ҳавзасини (Тўктағул ГЭСигача), Чуй дарёсининг бош томонини эгаллайди. У бир қанча гидрогеологик воҳалардан ва ички артезиан ҳавзалардан иборат.

Норин гидрогеологик регионининг асосий хусусияти – ер ости сувларининг кўп тўпланишига имкон йўқлигидир. Устки-тўртламчи даврининг ғовак чўкмаларида тўпланадиган сувлар ҳам маҳаллий сувларга қўшилиб, охири Норин дарёсига бориб қуйилади. Биргина Кўчқор водийсидаги устки қатламнинг сувлари оқиб чиқувчи доимий йўл йўқ. Ҳар бир майда, ички артезиан ҳавзаларининг алоҳида оқиб чиқувчи жойлари маҳаллий гидрографик шохобчаларга бирикишган. Устки қатламнинг тоза сувларидан аҳоли яшайдиган жойларда ичимлик суви сифатида фойдаланилади.

**Сарижаз-Оқсой** гидрогеологик региони Марказий Тяншаннинг табиий географик регионини тўлиқ ва Ички Тяншаннинг жануби-шарқини эгаллайди. Регион ҳудудида тўлиқ абадий музликлар жойлашган. Булар Тарим ҳавзасининг энг банд жойига тўғри келади. Оқсой томонида гидрогеологик воҳалар, кичик артезиан ҳавзалари билан ёндош жойлашган. Сарижаз томонида эса аксарият ҳолларда гидрогеологик воҳалар учрайди. Оқар сувларнинг кўплиги сабабли ер ости сувлари деярли фойдаланилмайди.

**Фарғона** гидрогеологик региони Қирғизистоннинг жанубида жойлашган. У Чотқол-Фарғона ва Олой-Туркистон тоғ системаларининг, Фарғона водийсининг Қирғизистонга тегишли жойларини эгаллайди. Гидрогеологик томондан у яна учга – Чотқол-Фарғона, Олой-Туркистон ва Ўш-Жалолобод кичик ре-

гнони ер ости сувларининг жойлашуви бўйича катта аҳамиятга эга. У энг йирик ва шу билан бирга очик Фарғона артезиан ҳавзасининг шарқий чеккаларини эгаллайди. Унинг асосий хусусиятларидан бири ҳамма жойида мезозой-кайнозой чўкмаларининг бирдай жойлашиши, тўртламчи давр чўкмаларида сувли горизонтлар ва комплексларнинг кўплигидир.

Атрофидаги Чотқол – Фарғона ва Олой – Туркистон кичик регионлари Чотқол, Фарғона, Олой, Туркистон ва бошқа тизма тоғларнинг гидрогеологик воҳаларини ўз ичига олади. Булардан ташқари 40-кентликнинг артезиан ҳавзалари (Шоҳимардон, Исфара-Исфана-Ҳайдаркон-Қорабулоқ, Боткен) жойлашган.

Фарғона регионининг сув оқиб чиқувчи ва бувланиб, йўқолиб кетувчи қисми Ўзбекистон билан Тожикистон ҳудудида жойлашган. Фарғона регионининг Қирғизистонга тегишли қисмидаги ер ости сувларидан шаҳар ва қишлоқларни сув билан таъминлашда, суғориш ишларида кенг фойдаланилади.

**Олой** гидрогеологик региони Қизилсув ҳавзасининг ғарбий ва шарқий қисмини ўз ичига олади. Асосан Олой водийсида жойлашган. Бу ҳудуддаги Олой артезиан ҳавзаси ва Олой тизма тоғи этакларидаги гидрогеологик қатламни Катта Олой тоғ тизмаси билан чегаралаган чуқур (10 км гача) ботиқ эгаллаганлиги сабабли жуда қалин. Устки, тўртламчи даврга тегишли қатлам ҳам анчагина қалин. Ер ости сувларининг ер бетига чиқиши Республика чегарасидан ташқарида, Қизилсувнинг Тожикистонга қарашли водийсида учрайди.

Қирғизистон ҳудудида пайдо бўлган ер ости сувлари, ер бетидagi сув оқимлари билан узвий боғланган. Юза сув оқимларининг асосий манбаи, айниқса, сув озайган қиш ойларида дарёлар ер ости сувлари ҳисобига тўйинади.

Ер ости сувлари, айниқса, унинг устки қатламлари ўзининг тоза ва тиниқлиги билан жуда қимматли. Бу сувлар коммунал-маиший хўжаликда ва инсон ҳаётида ичимлик суви сифатида энг қимматлидир. Улардан суғориш ишларида фойдаланса ҳам бўлади, аммо бу мақсадларга ер ости сувларини сарфлаш, айниқса, ичимлик суви камёблиги сезилаётган ҳозирги пайтда ўринсиз ҳисобланади.

Ер ости сувларининг яна бир қимматли тури минерал ва илиқ (термал) сувлардир. Қирғизистон ҳудудида 100 дан ортиқ термал ва минерал сувли булоқлар ҳисобга олинган. Уларнинг ан-

чагиннаси шифобахш бўлиб, кишиларни даволаш мақсадларида фойдаланилмоқда, бир қисми эса идишларга қуйилиб, аҳолининг минерал сувларга бўлган эҳтиёжи қондирилмоқда. Термал ва минерал сувларнинг кўпчилиги табиий булоқлар сифатида аввалдан маълум, айримлари эса бурғилаш натижасида чиқарилган сунъий булоқлардир. Кимёвий таркиби ва ҳарорати бўйича улар қуйидаги турларга бўлинади: карбонат ангидридли, олтингугуртли, йод-бромли, тузли, шўр ва чучук сувлар. Ҳарорати 20°C дан 42°C гача ўзгаради. Энг кўп тарқалган термал сувлар — азотли сувлар чуқур дарз кетган ёриқлар зонасида тўпланишган. Бундай табиий булоқлар Терскай Олатовида (Оқсув-Арашан, Жетиўғуз ва бошқалар), Қирғиз ва Талас Олатовларининг ёнбағирларида (Иссиқота, Аламудун ва бошқалар) учрайди. Иссиқ ва илиқ сувлар Фарғона, Чуй, Иссиқкўл артезиан ҳавзаларида ғурғалаш йўли билан ҳам чиқарилган (Жалолобод, Жирғалан, Балиқчи, Сулукта ва бошқалар). Бу сувларнинг минераллашув даражаси 2% дан ошмайди, айримлари родонли сувлардир.

Карбонат ангидридли сувлар (боржоми, арзни, ессенуки, кисловодск сингари шифобахш сув булоқлари) ва бурғулаб чиқарилган сувлар Қирғизистонда кўп. Боржоми типидagi сувлар Чавай, Шилбилуу, Суртош ва бошқа жойлардан; арзни типидagi сувлар – Карашўрў, Қўнғурдўбў; ессенуки типидagi сувлар – Қорақулжа, Кўзубек; Кисловодск типидagi кўплаб шифобахш сувлар Чатиркўл ва Жертошдан чиқади. Юқоридagi сувлар Фарғона тизма тоғларининг ёнбағирларидаги Сўх артезиан ҳавзаларидан ҳам чиқади. Нарзан типидagi сувлар Кавак, Отбоши тоғларида, Қирғиз Олатовининг шимолий ёнбағирларидан топилган. Олтингугурт сульфидли сувлар Чаниртош, Мойлисув, Мойлисойдан топилган. Улар маъста сувлари қаторига киради. Тузли ва шўр (150 — 350%) сувларнинг булоқлари тузнинг гипс қатлами жойлашган палеоген ва неоген даврлари чўкмаларида Олой, Фарғона, Кетмонтена, Чуй ва бошқа артезиан ҳавзаларида учрайди (Учқашқа, Туурасув ва бошқалар).

Минерал ва термал сувларнинг Қирғизистондаги ресурслари 0,63 м<sup>3</sup>/сек, бундан 0,41 м<sup>3</sup>/сек илиқ ва қайноқ булоқлар, 0,26 м<sup>3</sup>/сек карбонат ангидридли сувлардир. Ҳозирги вақтда илиқ ва қайноқ булоқлардан фойдаланиш учун қурилган курортларга Иссиқота, Жетиўғиз, Жалолобод, Жирғалан, Оқсув ва бошқалар киради. Идишларга қуйилиб ичиш учун тавсия этил-

ганлари: Оқсув (Жарташ), Жалолобод, Қорашўра, Борбулоқ, Чатиркўл ва бошқалар).

### Савол ва топшариқлар

1. Қишлоғингиз атрофида булоқлар борми? Улар оқиб чиқиши ва йиллик сув режими бўйича бир-бирдан қандай фарқланади?

2. Китобингизнинг шу қисмида келтирилган гидрогеологик вилоятларнинг қайси бири Сиз яшаб турган шаҳар ёки қишлоқларингизга мос келади?

3. Сизларга таниш бўлган минерал, табиий ва сунъий булоқларни контур харитага туширинг.

4. Қирғизистон ҳудудидаги илиқ булоқларнинг қанчасини биласиз?

5. Ер ости сувларининг халқ ҳўжалигидаги аҳамияти қандай?

6. Шаҳар ёки қишлоғингизни сув билан таъминлашда ер ости сувларидан фойдаланиладими?


## 6. ТУПРОҚЛАРИ

### 6.1. Тупроқ ҳосил қилувчи омиллар ва тупроқ ҳосил бўлишидаги умумий қонуниятлар

Тупроқ-Ер пўстининг ўсимликлар ўсиши учун шароит яратилган энг юқори юпқа қатлами. Тупроқ — тоғ жинсларининг майдаланиб уқаланишидан (нурашидан) пайдо бўлган майда минерал моддалардан, бўшлиқлардаги ва минерал зарраларининг сиртларидаги сувлардан (намдан), бўшлиқлардаги ҳаводан, майда тирик организмлардан ва уларнинг қолдиқларидан иборат. Тупроқнинг асосий қисми — гумус. У чириндилардан пайдо бўлган қорамтир рангли ҳосила.

**Тупроқ ҳосил қилувчи омилларга** ер сиртида рўй бераётган ҳар хил физикавий, кимёвий ва биологик жараёнлар киради. Тупроқнинг пайдо бўлишида бу омиллар ҳар бирининг алоҳида таъсири эмас, балки уларнинг компеке (мажмуали) таъсири алоҳида аҳамиятга эга.

Қирғизистон — тоғли ўлка. Тоғларда барча омиллар ва ҳосилалар баландлик бўйича минтақаланиш қонуниятига бўйсунади. Масалан, тоғ жинсларининг парчаланиб, майдаланиши турли баландликларда турлича маромда содир бўлади. Парчаланган, уқаланган тоғ жинслари маҳсулотининг ўрнида қолиши, бир жойдан иккинчи жойга силжиши ёки бирор жойга



## Қирғизистоннинг тупроқлари

тўпланиши ер сиртининг рельефига ва парчаланиш даражасига боғлиқ. Тоғ чўққиларида ва баланд ёнбағирларда парчаланиш маҳсулоти бир жойда тўхтамайди, улар гравитацион куч таъсирида аста-секин ҳаракатланиб, қуйи томон кўчади. Демак, у ерларда қум ва чанг тўпланишига шароит яратилмаганлиги туфайли тупроқнинг пайдо бўлиши мумкин эмас. Қирғизистон ҳудудида тупроқ пайдо бўлмаган майдон, умумий майдоннинг 27% ини ташкил этади, бошқача айтганда, баланд қоялар, қорли музликлар, конгломератлар, шағал тошлар, қумлар ва бошқа тупроқсиз ерларнинг майдони 53,6 минг км<sup>2</sup> ни ташкил этади. Парчаланиб, уқаланиш маҳсулоти тўпланишига шароит яратилган тоғ этакларида ва баландликлари 3500 — 3600 м гача бўлган ёнбағирларда ҳар хил турдаги тупроқлар пайдо бўлади.

Тоғдаги тупроқнинг пайдо бўлишида рельеф ва денудация жараёнлари асосий аҳамиятга эга. Тобора баландлашган сари тупроқдан механик йўл билан олиниб кетилган минерал молдаларнинг миқдори ортади.

Тупроқ пайдо бўлишида иқлим омилларининг ҳам аҳамияти катта. Тепаликлар ва ёнбағирлар тузилиш таркиби бўйича иссиқликнинг тақсимланиши тупроқ турларини аниқловчи омиллардандир. Иссиқликнинг ёнбағирлар бўйича тақсимланиши баландлик минтақаси қонуниятига бўйсунди. Атмосфера циркуляцияси ёғингарчилик миқдорини ва намликнинг ёнбағирлар бўйича тақсимланишини аниқлайди. Қирғизистон ҳудудида жойлашган тоғ тизмаларининг ғарбий шимоли-ғарбий ва шимолий ёнбағирларида намлик етарли бўлганидан у ерлардаги тупроқларнинг барча турлари гумусли бўлиб, ўсимликларнинг ўсишига яхши шароит яратган. Ички регионларда, шарқий ва жанубий ёнбағирларда намликнинг етишмаслиги туфайли у ерларда гумус миқдори оз, қуруқ тупроқ пайдо бўлган.

Тупроқ ҳосил бўлишида ўсимликларнинг ва майда жониворларнинг (микроорганизмларнинг) аҳамияти ҳам катта. Сабаб, ўсимликларнинг ва жониворларнинг қолдиқлари гумус ҳосил қилувчи асосий компонентлардир. Шу билан бирга ўсимликларнинг ва жониворларнинг ўсишида тупроқ асосий омилдир. Шундай қилиб, табиатдаги тупроқлар, ўсимликлар ва жониворлар юқорида айtilган тупроқ ҳосил қилувчи омилларга бутунлай боғлиқ бўлади.

## 6.2. Тоғ тупроқларининг ўзига хос хусусиятлари

Қирғизистон ҳудудида тупроқларининг ҳар хиллиги мутлақ баландликнинг ўта ўзгарувчанлиги ва рельефнинг мураккаблиги билан боғлиқдир. Уларнинг жойланишидаги асосий қонуният — баландлик бўйича минтақаланишдир. Баландлик минтақаларига ўз ҳиссасини қўшадиған омилларга рельефнинг хилма-хиллиги ва иқлим хусусиятлари киради. Академик А.Мамитов Қирғизистон ҳудудидаги тупроқларининг пайдо бўлиш шароитларига таъсир этувчи омилларни икки гуруҳга бўлади. Ҳар бир гуруҳда хусусиятлари бўйича фарқланувчи бир қанча тупроқ турлари мавжуд. Икки гуруҳга бўлишининг асосий сабаби — Ер бетининг қиялиги ва унга боғлиқ бўлган тупроқ ҳосил қилувчи жараёнларининг оқибатидир. Унча қия бўлмаган тоғ этакгидаги текисликлар, тоғ оралиғидаги водийлар ва баланд тоғлар тепаларидаги тупроқлар бир турни, тик қияликка эга бўлган ёнбағирларнинг тупроқлари иккинчи турни ташкил қилади. Иккала турда ҳам баландлик бўйича минтақаланиш сезилади. Бироқ бирипчи турдаги баландлик минтақаланиши тугаш бўлмасдан бири-иккинчисидан алоҳида ажралиб туради. Масалан, Чуй водийси текислигидаги бўз тупроқлардан юқорида жойлашган Қўчқор водийсининг жигарранг тупроғи минтақавий жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлгани билан бир-биридан кескин ажралиб туради.

**Тоғ этакларидаги текисликлар ва тоғлар оралиғидаги водийлар тупроғи**, ёнбағирлардан олиниб келинган аллювий, делювий ва пролювий ётқизиқлари юзасида ҳосил бўлган. У ерларда қиялик унча катта эмас. Шунинг учун тупроқнинг пайдо бўлиш шароит яратилган пайтда ва ювилиб кетиши эҳтимолдан йироқ бўлган даврда юз беради. Бу гуруҳга тааллуқли тупроқларининг энг кенг тарқалганлари **бўз тупроқлардир**. Чуй ва Талас водийларининг текисликлари асосан қадимий шимолий **бўз тупроқлардан** иборат. Қуёшли, лекин текисликнинг паст қисмидаги қуруқ ҳудудларда оч рангли бўз тупроқлар кенг тарқалган. Уларнинг хусусиятларидан бири оз карбонатли, тупроқ пайдо қилувчи моддаларининг сувда эрийдиганлари баҳор ойларида нам билан бирга тепадан пастга қараб ювилади, ёз, куз ойларида юқорига қараб ҳаракатланади. Гумуслиги оз (1,5 — 2,5%), бироқ суғориладиган майдонларда ҳосилдорлиги юқори, кўп йиллар мобайнида суғорилиб келинган бўз тупроқларининг ҳоссалари ўзгариб, уларда гумусли қатламнинг

қалинлиги ортади. Улар жойлашган ҳудудларнинг мутлақ баландлиги 700 м дан 100 м гача ўзгаради.

Фарғона водийсидаги текисликларда асосан турон бўз тупроқлари устушлик қилади. Бўз тупроқларнинг асосий тури — қадимий турон бўз тупроғи. Қуёшли ерлардаги оч рангли турон бўз тупроғи, баландроқ кўтарилганда тўқроқ бўз тупроқларга алмашади. Уларнинг асосий хусусиятлари — юқори карбонатлиги. Гумуслиги оч бўз тупроққа нисбатан бойроқ (1,5% дан 3,5%) гача, бироқ суғориладиган ерларда ҳосилдорлиги юқори. Умуман текисликдан тоғ олди текисликларининг юқори қисми томон аввал оч, кейин типик ва тўқ бўз тупроқлар тарқалган.

Тоғ оралиғидаги берк водийларнинг тупроқлари уларнинг гипсометрик ҳолатларига мос равишда баландлик минтақаси бўйича ўзгаради. Иссиқкўлнинг ғарб томонидаги тошлоқ чўлнинг оч жигарранг тупроғи Қўчқор водийсида ҳам тарқалган. Ички Тяншаннинг тоғ оралиғидаги водийларида тупроқнинг турлари очиқ кулранг, тўқ кулранг тоғ тупроқлари эса Ўрта Норин, Жумғол, Отбоши водийларининг ўрта қисмига ҳос. Баландроқ жойлашган Сусамир, Қорақужур водийларида сур-қўнғир, қўнғир кулранг тупроқлар тарқалган. Олой, Оқсой, Арпа, Сўнкўл, Султонсари водийларига қалинроқ қатламли қўнғир-симон тупроқлар ҳос.

Кўп йиллик (доимий) музликлар жойлашган сиртларда ва 300 м баландликдан юқори жойлашган водийларда тақир чўлда тупроғи ва тундрали полигонал тупроқлар пайдо бўлган. Улар бирикмаган (тарқоқ), оз гумусли ва юқори карбонатлидир.

**Тоғ ёнбағирларидаги тупроқлар** баландлик минтақаси бўйича жойлашган. Энг пастки, текисликлар бўйлаб жойлашган минтақада қадимий бўз тупроқлар (Чуй, Талас) ва турон бўз тупроқлари (Фарғона) тарқалган. Бу минтақадан юқоридаги тоғ ёнбағирларининг қурғоқ-дала ва дала минтақасида асосан кулранг ва сур қўнғир тупроқ жой олган. 1200 — 2000 м баландликларда ўрмонли-дашт ва ботқоқли ўтлоқ-дашт ландшафтли зонаси жойлашган. Бу минтақада мевали ёнғоқ ўрмонининг тагида қалин гумусли қора кулранг тупроқлар алоҳида ўрин эгаллайди. Арча ўрмонининг ости тўқ жигарранг тупроқ, қарағай ўрмонининг остида эса тоғнинг қора тупроғи бор.

Субальп, альп ўтлоқлари билан ботқоқликларда ботқоқли-дала ва тоғ-ўтлоқ тупроқлари жойлашган. Уларнинг хусусият-

лари: гумуснинг кўплиги, чимнинг қалинлиги, яхши структурага эга бўлиши. Альп минтақасидаги тўғиз сирт ўсимлик ўсган, унча қия бўлмаган ёнбағирларда чала торфли, гумусли тупроқлар жойлашган. Энг баланд музликларга яқин бўлган ёнбағирларда тундра тупроқлари ва полигонал тупроқлар кўп учрайди.

Текисликлар ва тоғ ёнбағирларида зонага ёки минтақага алоқаси бўлмаган тупроқлар ҳам учраши мумкин. Улар ер остидаги сувлар ер юзасига чиқиб, ортиқча намлик кузатилган ерларда, минераллашув даражаси ортиқча бўлган шўрли ерларда, кичик дарё ва сойларнинг ёйилмаларида, ботқоқ ерларда ҳосил бўлади.

Қирғизистон ҳудудининг денгиз сатҳидан 500 м дан 7000 м гача бўлган баландликлари оралиғида ҳар хил рельеф шакллари, ҳар хил иқлим шароитлари ва бошқа табиат компонентлари, ҳар хил тупроқ турларини кўриш мумкин. Қирғизистон тупроқлари бошқа табиат комплексини ҳосил қилувчи компонентларга қараганда яхши ўрганилган. Бу илмий ишларнинг раҳбари академик А. Мамитов ҳисобланади. Бу олимнинг илмий ишларидан фойдаланиб, тупроқ ҳақидаги билимни чуқурлаштириш мумкин.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Тупроқ ҳосил қилувчи омилларга қайсилар киради?
2. Қирғизистон ҳудудининг қанча фоизида тупроқ ҳосил бўлиш жараёни поёнига етмаган?
3. Тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида ўсимликлар билан жониворларнинг роли қандай?
4. Бўз тупроқларнинг қандай турлари мавжуд?
5. Тупроқлар ранги баландлик бўйича қандай ўзгаради?
6. Мактабингиз жойлашган ернинг тупроғи қайси турга тегишли эканини аниқланг?

## **7. ЎСИМЛИКЛАРИ**

### **7.1. Ўсимликларининг тарқалишидаги асосий қонуниятлар**


Ҳозирги вақтда Қирғизистон ҳудудида ўсаётган ўсимликларнинг туркумлари, ер юзасининг геологик тарихи асосий босқичларига мувофиқ, миллионлаб йиллар мобайнида шаклланган.

Геологик даврнинг ҳар бир босқичига тегишли ўсимлик турлари рельеф шакллари билан иқлим хусусиятларига мос равишда ўзгариб турган: айримлари иқлимнинг ўзгаришига бардош бера олмай йўқолиб турса, бошқалари эса бошқа ҳудудлардан келиб, янги турларни пайдо қилган. Кескин ўзгаришлар альп бурмаланиши бошланиши билан боғлиқ. Альп бурмаланиши натижасида Қирғизистон ҳудудининг жанубидаги қадимги Тетис океани чекиниб, унинг ўрнига Помир, Химолай, Ҳиндиқуш каби тоғ тизма (система)лари ўсиб чиққан. Океан қирғоғидан узоқлашган ва тоғлар баландлашган сайин Қирғизистон ҳудудига намликнинг тарқалиши озайиб, иқлим қуруқ бўла бошлаган. Иқлимнинг ўзгариши аввалги субтропик ўсимликларнинг айрим турларини бутунлай йўқолишига, баъзи бирларининг эса янги шароитга мослашишига сабаб бўлган. Ўша мослашганлар ичидан ҳозирги вақтгача сақланиб келгани — арча ва ёнғоқ ўрмонлари эндемик флоралардан ҳисобланади.

Қирғизистон ер юзаси неоген даврида бошланган тектоник ҳаракатлар натижасида шаклланганлигини ва бу шаклланиш бир неча марта муз қоплашлар билан биргаликда бўлганлигини аввал айтиб ўтганмиз. Ўша муз қоплашларининг ҳар бир босқичида дастлабки водийлардаги ўсимликларнинг туркумлари йўқ бўлиб, муз қайтадан чекинганда ўсимликларнинг янги туркумлари пайдо бўлиб турган. Демак, Қирғизистон ҳудудида баландлашган сари ўсимликларнинг янги туркумлари пайдо бўлишини кўрамиз. Охириги муз қоплаш бундан 13 — 13,5 минг йил аввал бўлиб ўтганлигини ҳисобга олсак, унда музлик билан қопланган жойларнинг флораси бу муддатдан ёш бўлиши шубҳасиз. Ҳозирги даврда ҳам музликларнинг чекиниши, бўшаган майдонларда эса ўсимликларнинг совуққа чидамли, муҳитнинг оғир шароитига мослашган янги турлари пайдо бўлмоқда.

Шундай қилиб, Қирғизистон ҳудудида тарқалган ўсимликлар туркумларининг шаклланиши минглаб ҳатто миллионлаб йилларга чўзилган. Улар ер юзасининг тузилишига боғлиқ ҳолда ҳар хиллиги ва мураккаблиги билан ажралиб туради. Ўсимликларнинг табиатда тарқалиши, шубҳасиз, баландлик минтақаси қонуниятига бўйсунди. Минтақа ичида тарихий-экологик шароитларга мослашиб, турли йўллар билан ўсимликлар туркумини ҳосил қилган ҳоллар ҳам мавжуд.

Баландлик минтақалари намлиги, ўсимликларнинг ривожланиш хусусиятларига кўра 3 турга: қуруқ, нам ва ниваллига бўлинади. Қурғоқчил минтақаларга чўл, чала чўл, дашт минта-



Уссурйлар картаси

қалари киради. Тобора балаидлашган сайин намлик ортиб боради. Етарли намликка эга бўлган минтақаларга ўтлоқли-дашт, ўрмон-ўтлоқли дашт, субальп ва альп минтақалари киради. Нивал минтақада ўсимликлар йўқ десак ҳам бўлади. Қурғоқчил минтақаларнинг энг қуйиси чўл минтақаси, у чекка томонлардаги йирик водийлар бўйлаб тарқалган. Ички водийларда қурғоқчил минтақалар текис ерларда эмас, қуёшли ёнбағирларда жойлашган. Нивал минтақа ҳамма тоғ тизмаларига тегишли эмас, у тоғларнинг баландлиги қор чизигидан ортган тақдирдагина сезилади.

## 7.2. Ўсимликларининг баландлик минтақалари бўйича тарқалиши

Қирғизистон ўсимликларининг тарқалишида баландлик бўйича минтақаланиш қонуниятини аниқ сезилади. Минтақаликнинг энг пастки босқичида **чўл ва чала чўл ўсимликлари жойлашган**. Чўл ва чала чўл ўсимликлари чекка текисликларда ва тоғ этакларида, денгиз сатҳидан 1200-1300 м баландликкача тарқалган бўлса, ички баланд водийларнинг салқин чўллари 3400 м баландликларда ҳам шаклланган. Бу ўсимликларнинг кўпчилиги — ксерофитлар, озроқ қисми — галофитлар (шўр тупроқли ерларда). Бир қанча қисмини бута ва ярим бута ўсимликлари ташкил қилади. Чўл ва чала чўллар ўсимликлари орасида вегетация даври қисқа муддатли эфемерлар ва эфемероидлар кўпчилигини ташкил қилади. Тошлоқ тупроқли жойларда тиканли ўсимликлар ва танасида сув тўпловчи суккулентлар тарқалган. Чуй, Талас водийларида, Қирғиз олатови билан Талас Олатови этакларида шувоқли чўллар кенг тарқалган. Иккинчи ўринда қора қандимли, ундан кейин қизилчали чўллар келади. Баҳор фаслида бу чўлларнинг кўринишини ҳайратланарли даражада ўзгариб, гуллаган далаларга айланади. Айниқса, қалин гуллаган қизил гул, ҳар хил рангли гуллаган қизгалдоқлар чўл далаларига ўзгача чирой бахш этади. Ўсимликларининг кўпчилиги шувоқнинг турлари (оқ шувоқ, юлғун, шўра, ажирик ва бошқалар)дан бўлса, шўрли ерларда қора қандим, тошлоқ ерларда қизилча кўп ўсади.

Фарғона водийсининг чўллари ҳам шувоқли. Эфемерларнинг миқдори кўпроқ. Тоғ этакларидаги чала чўлларнинг ўсимликлари эрта баҳорда текис гуллаб, яшил либосга ўралади. Сўнг

қисқа вақт ичида офтобда куйиб, фақат чўлларга хос шувоқларнинг турлари, қиёқлар, қўнғирбош тиканли ўтларгина қолади.

Иссиқкўл гарбидаги, Ички Тяншан водийлардаги чўл ва чала чўл ўсимликлари эфемер, эфемероидларнинг озлиги ва баъзан умуман йўқлиги билан юқоридаги чўллардан фарқ қилади. Бу томонларда ҳам шувоқли, қора қандимли ва қизилчали чўллар учрайди. Шувоқнинг турларидан малла гулли шувоқ, Тяншан шувоғи кўпроқ тарқалган. Шунингдек чўл ўсимликларидан ташқари кўп йиллик буталар ҳам учрайди. Норин водийсида, Чотқол ва Олой тоғларининг этакларидаги чўлларда галофитларнинг турлари: қора қандим (ийри дарахти каби туташ баргли), саганлар, барсагай мевали сведа, қашқар реомерияси ва бошқалар учрайди.

Тошли, қумли чўлларда тиканли ўсимликлар ўсади. Қора қандим ўсган чўллардаги ўсимликларнинг турлари сони шувоқли чўлларга қараганда оз. Ер бетини қоплаб ўсиши 5-15% гагина етади. Баъзи жойларда ер бети тузнинг юпқа қатлами билан қопланган.

Чўлларнинг яна бир тури баланд жойлашган водийларнинг қўйи қис-мини эгаллаган салқин чўллардир. Бундай чўлларнинг шаклланиши иссиқликнинг озлиги, ўсимликлар ўсиш шароитининг қийинлиги билан тушунтирилади. Шу каби чўллар Орабел, Қумтор, Сарижаз водийларида, Оқсойда, Арпада ва Олойда учрайди. Салқин чўллар ўсимликларининг кўзга кўринганлари болишсимон ўт-ўланлар ва бошқа совуққа чидамдилардир.

**Дашт ўсимликлари.** Даштлар чўлларга қараганда нам билан яхшироқ таъминланган бўлади. Лекин намни кўп ёқтирадиган ўсимликлар учун бу етарли эмас. Шунинг учун, даштлардаги ўсимликларнинг туркумлари, худди шу каби ксерофитлар ҳам чўлларга қараганда турларининг кўпчилиги билан фарқ қилади.

Қирғизистон ҳудудида жойлашган даштларнинг флора таркиби структураси ва вегетацион ритмлари бўйича иккита асосий турга бўлинади: дренали (чимли) ва саваннасимон (субтропик) даштлар. Дренали даштлар Ички ва Марказий Тяншанда, Иссиқкўл ботиғида, Қирғиз Олатовининг ёнларида, Катта ва Кичик Кемин, Талас ва Олой водийларида учрайди. Кўп тарқалган ўсимликлар — бетагаларининг турлари, Крилов сулиси, ажирикбош ва бошқалар. Баландлик ҳолатига мос равишда бетагалар бошқа ўсимликлар билан биргалашиб, ўзгача тур-

кумларни ташкил қилади. Чўл минтақасига яқин жойларда бетагали-шувоқ, ажирикбош ва бошқалар тарқалган. Шу билан бирга юқори томонида эса бетагалар, тоғ сулиси, ажирикбош аралашган даштлар учрайди. Эфемерсимон ўсимликлардан Колпаковский ўсимлиги, ғоз пиёзлари, унинг туркистон турлари, астрагаллар, бойчечаклар ўсади.

Баландлашган сари дашт ўсимликларининг турлари озаяди ва баланд тоғ бетагалари ортиб, даштларнинг туркумлари камаяди. Асосий туркумни ташкил этган бетагалардан бошқа баланд тоғ даштларида айғир жигар, сариқ ғозпанжа учрайди. Ўтлоқли даштларда дашт ўсимликлари билан биргаликда ўтлоқда ўсадиган ғозпанжа, оддий ғозпанжа, кийик ўт ва бошқалар ўсади.

Фарғона водийсининг тоғ этакларидаги дашт ўсимликлари ўзгача шароитда ўсиб, ривожланади. Бу туркумли ўсимликлар саванналарга ўхшаш: баҳор ва ёз ойларининг бошида гуркираб ўсиб, ёз мобайнида қуриб қолади. Асосий ўсимликлар: қизил ўт, буғдайиқ, сариндиз, айиқ соч, пиёз тупли арпа ва бошқа ўсимликлар. Бу даштларнинг флора таркиби бой ва ҳар хил. Эфемерлар ва эфемерондлар кўп. Ириқ соябонсимон баланд ўсган ўсимликлар, қисқа бўйли кўкаламзор даштларнинг кўриниши тропик саваннани эслатади, лекин бу ландшафтнинг саваннадан анча фарқи бор.

Баландроқда дашт ўсимликлари яйлов ўсимликлари билан алмашади. Яйлов ўсимликлари дашт ўсимликларига қараганда озроқ майдонни эгаллайди. Тоғ ёнбағирларидаги баланд ўтли ўтлоқлар 1600 — 1800 м баландликлардан бошланиб, ўрмон қисмигача бўлган яйловларни эгаллайди. Уларнинг флора таркиби бой ва ҳар хил. Ўрмон қисмидан юқори субальп ва альп майсазорлари 3400 метргача чиққан. Бу ўтлоқлар ўтларининг асосий турлари: флемистлар, судилар, Томпсон лигулярияси, ғозпанжа, ерёнғоқ ва бошқалар. Субальп ўтлоғининг ўсимликлари: гулҳайри, қоя ғоз панжаси, қисқа найчали гулсапсар, ҳидли бўтакўз ва бошқалар. Бу қалин ва бўлиқ ўтлоқлар қисқа бўйли буталар билан аралашган. Буталарнинг асосийлари: зич ўсган туяқуйруқ, қарағай, туркистон арчаси, япалоқ арча ва бошқалар. 3000 метр юқорида жойлашган пакана ўтли альп яйловларининг ҳам флора таркиби бир қанча бой ва турлича. Асосий ўсимлик турлари: икки паллалилар туркумлари, ғалласимонлар, Семенов пиёзи, ёввойи арча, альп лигуляриялари, мамир ўти. Булардан ташқари ҳар хил рангда гулдайдиган ўсимликлар ҳам тарқалган.



Ўрмон-дашт зонаси

Ўсимликларнинг энг юқорида жойлашган минтақасида совуққа чидамли бўлган ёстиқсимон ўсимликлар билан бир қаторда қиёқ, тўнғиз сирти, момиқ ўт, лишайниклар ўсади. Ер юзасида ўсимликлар сийрак ўсади. Сийрак ўсган пакана ўтлар, ёстиқсимон ўсимликлар (дриадант) ўт ўсмаган майдонларнинг орасида жойлашган.

Ер қатламини, намни сақлаш хусусияти, ёнбағирдаги ҳар қандай гравитацион жараёнларга чидаш ва рекреация аҳамияти бўйича алоҳида ўринда турадиган ўсимликлар туркуми-ўрмонлардир.

**Ўрмон Қирғизистон** ҳудудининг 3,5% инигина эгаллайди ва ҳамма жойда бир хилда эмас. Ўрмонлар ва ўрмонзорларнинг флора таркиби жуда бой ва ҳар хил.

Қирғизистон ҳудудида қарағай, арча, ёнғоқ, кўк қарағай, тол, терак, қайин ўрмонлари кўп. Энг катта майдонни арчали ўрмонлар эгаллайди. Иккинчи ўринда қарағай ўрмонлар туради. Қирғизистондаги ўрмонлар орасида, дунёда тенги йўқ, ноёб ёнғоқзор ўрмонларнинг алоҳида ўрни бор.

Қарағай ўрмонлар Иссиқкўл водийси атрофидаги тизма тоғларда, Қирғиз Олатовининг шарқий қисмида, Кемин водийсида, Норинтоғ, Отбоши ва бошқа тизма тоғларнинг шимолга қараган ёнбағирларида, денгиз сатҳидан 1800 — 3100 метр баланд-



Тяншан қарағайзори

ликда жойлашган. Қарағай билан биргаликда аралашиб ҳар хил баргли дарахтлар, буталар ва ярим бутасимонлар ўсади. Уларнинг асосийлари: Тяншан толи, четан дарахти, учқат, спиреялар, зирklar ва бошқалар. Дарахтларнинг тагида ўсган ўтларнинг турлари ҳам жуда кўп. Улар, асосан ўтлоқларга хос ўсимликлардир.

Арчазор ўрмонларнинг кўп қисми Жанубий Қирғизистонда. Улар Олой, Туркистон, Фарғона, Чотқол тоғларининг денгиз сатҳидан 2800 — 3000 метр баландликдаги ёнбағирларида ўсади. Шимолий Қирғизистонда арчазор ўрмонлар Қирғиз Олатовида, Талас Олатовида ва Ички Тяншаннинг бир қанча жойларида учрайди. Турлари бўйича баланд бўйли қора арча (Зарафшон арчаси), сариқ арча (Туркистон арчаси) ва ярим шарсимон арчалар бўлиб, учга бўлинади. 3000 метргача бўлган баландликдаги ёнбағирларда, кўпинча уларнинг қуёшли томонларида арчаларнинг япалоқ шакллари учрайди. Сийрак ўсувчи арча билан бирга ўрмонли зоналарга тегишли буталар: зирк, наъматак, учқат, спирея ва бошқа ўтлоқ ўсимликлари ўсади. Қирғизистон ҳудудида тарқалган ўрмонлардаги дарахтларнинг энг узоқ яшовчиси арчадир. Уларнинг баъзи турлари 2000 йил яшаши мумкин.

Мевали ёнғоқ ўрмонлари табиий ҳолда Ер шарининг ҳеч қаерида учрамаган энг катта майдонни эгаллайди. Бу ўрмонлар тўртламчи даврдан аввалги неоген даврига тегишли тўрғай флорасининг қолдиғи (релект) бўлиб ҳисобланади. Ёнғоқзорлар Қирғизистоннинг жанубидаги Фарғона ва Чотқол тизма тоғларининг 1400 — 2200 м баландликдаги ёнбағирларидан ўрин олган. Асосан ёнғоқ дарахтларидан иборат. Қадимда лашкарбоши Александр Македонскийнинг юришидан кейин Грецияда ўстирилиб, фанга грек ёнғоғи деган ном билан кириб келган. Бу ўрмонларда ёнғоқлардан ташқари олма, олмурут, олча ва бошқа мевали дарахтлар ўсади. Ўрмон бўлақчаларида ўсувчи қора қарағай, зирк, дўлана, заранг ва бошқалар аралаш ўсади. Ёнғоқзорларда майсаларнинг турлари ҳам кўп. Уларнинг ичида ҳам қадимги тўрғай флорасининг қолдиқлари бор. Ёнғоқзорлар дам олувчиларни ўзига тортган ноёб ландшафтга эга. Ҳар йили кўплаб ёнғоқ териб олинади.

Сийрак учрайдиган ноёб ёнғоқзорлар авайлаб фойдаланишга, ҳимоя ва яна минглаб йилларгача сақлашга арзийди.

Чотқол ва Фарғона тизма тоғларининг ёнбағирларида мевали ёнғоқ ўрмонларига яқин жойлашган заранг ўрмонлари учрайди. Асосий ўрмон ҳосил қилувчи дарахт — Туркистон зарангидир.

Чотқол тоғларининг ёнбағирларидан бошқа жойларда учрамайдиган эндемик кўк қарағайли ўрмонлар ўрин олган. Кўк қарағайлар билан бирга қадимги Тяншан қарағайи (шренка) ҳам ўсади. Буталари ва майсалари асосан қадимги қарағай ўрмонларидагидай.

Тол-теракли ва қайинли ўрмонлар асосан, дарёларнинг қирғоқларида ўсади. Бунга айнан Талас ва Чуй дарёлари бўйидаги ўрмонларни мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳамма тоғ водийларида, ёнбағирларида ҳам ҳар хил бута ўсимликлар ўсади. Жанубий Қирғизистонда сийрак учрайдиган хандон писта, бодом буталари ҳам учраб туради.

### **Саволлар ва топшириқлар**

1. Ҳозирги ўсимлик туркумларининг шаклланишида қандай омиллар таъсир кўрсатган?
2. Қирғизистон ҳудудидаги ўсимликлар қандай қонуният асосида тарқалган?
3. Чўл ва чала чўл ўсимликларининг номларини айтинг?

4. Терскай Олатовнинг шимолий ёнбағирларида қандай ўрмонлар ва бутазорлар бор?

5. Қирғизистондаги ўрмонларнинг қайсилари энг қадимий?

6. Мактабингиз атрофида ўсган дарахтлар ва бута ўсимликларини санаб беринг. Уларнинг қайсилари ёввойи ва қайсилари маданий эканини аниқлаиғ?

## 8. ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ

### 8.1. Ҳайвонот дунёсининг тарқалиш қонуниятлари

Ҳайвонот дунёси ҳудудий-табiiий комплекснинг энг лозик компонентиدير. Шунинг учун табиатдаги кичик ўзгаришлар ҳам ҳайвонот дунёсида тез сезилади. Қирғизистон ҳайвонот дунёсининг (фауна) ҳозирги ҳолати ер юзининг шаклланиш тарихи билан бирга кўплаб ўзгаришларга дуч келиб, кўп босқичли мураккаб жараёнларни босиб ўтган. Натижада бир қанча жониворларнинг турлари йўқолиб, айримлари янги шароитга кўникиб, омон қолди. Айрим қўшни регионлардан келган жониворлар Қирғизистон фаунасининг ҳозирги туркумларини ҳосил қилган. Энг охири буюк табiiий катаклизмлардан бири – тўртламчи даврда бўлиб ўтган муз қоплашлар Қирғизистон фаунасининг шаклланиш тарихида энг катта аҳамият касб этган. Муз қоплашларнинг охири босқичида, чекинган музли майдонлар ўрнида ўсимликлар билан бирга жониворлар ҳам янги ҳудудларни ўзлаштириб, ҳозирги замон фаунасини шакллантирган. Жониворлар дунёсининг ҳар хиллиги ва бойлиги табiiий шароитларга ва ҳудуд майдонига, баландлик ҳолатига ва яна бир қанча омидларга боғлиқ. Олимларнинг фикрича Қирғизистон ҳудуди Палеоарктика фауна вилоятининг жанубий чеккасини ағалдаган тоғли Осиё провинциясига киради. Бу провинция ўз навбатида фауна регионларига бўлинади.

Тоғли Қирғизистон фаунаси текисликлар фаунасидан бир қанча хусусиятлари билан фарқланади. Бу хусусиятларнинг асосийлари жониворларнинг атроф муҳитга, экологик шароитга мослашиб тарқалишидир. Масалан, Чуй, Фарғона водийларининг текисликларида чўлларга мослашган, қўшни Ўзбекистон ва Қозоғистон чўлларида тарқалган жониворлар учрайди. Шу билан бирга, баландлашган сари, минтақалар бўйича жониворларнинг шу минтақага ҳос туркумлари тарқалганини сезамиз.

Атроф-муҳит шароитларига боғлиқ ҳолда ҳар хил экологик вазиятда шу ернинг шароитига мослашган жониворларнинг туригина яшайди. Ҳайвонот оламининг маълум бир тури яшайдиган, яшаш муҳити бўйича бир хил ҳудудлар биотоп деб аталади. Масалан, дарёлар ёйилмаларидаги ўрмон бир биотопга, шу водийнинг қуёшли ёнбағри иккинчи биотопга кирса, тескари томони учинчи биотопга киради. Ҳайвонот оламининг айрим турлари умр бўйи бир биотопнинг ичида яшайди, шунингдек, баъзи турлари бир биотопда кўпайиб, озиқ-овқат излаб, бошқа бир биотопга ўтиб, ҳаётини давом эттиради. У ёки бу жониворларнинг тирикчилиги ўтган минтақани шу жониворларнинг **яшайдиган ери деймиз**. Агар қарқурнинг яшайдиган жойи биргина биотопда-ўрмонда бўлса, бўрининг яшайдиган жойига бир қанча биотоп (чўл зонасидан бошлаб альп зонасигача) киради.

Бир биотопда яшайдиган жониворлар, у ерда ўсган ўсимликлар билан биргаликда бир биоценозни ташкил этади. У биоценоз шу ердаги табиатнинг ташкил этувчилари билан бирга (геологик тузилиши, рельефи, иқлими, сувлари, тупроғи) биологияда **биогеоценоз** деб, географияда эса **ҳудудий-табiiй комплекс** (ХТК) деб аталади.

Ҳайвонот оламини таърифлашнинг иккита шarti бор: биричиси, ҳайвонот оламининг турлари бўйича уларнинг яшаган ерларини аниқлаб таърифлаш; иккинчиси, табиий шароитни ҳисобга олиб, ҳар қандай шароитга мослашган жониворларнинг турини аниқлаб таърифлаш. Шунинг учун ҳайвонот оламини ҳудудий тарқалиши бўйича таърифлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

## **8.2. Ҳайвонот оламининг хилма-хиллиги ва баландлик минтақалари бўйича тарқалиши**

**Чўллар ва чала чўллар** ҳайвонот олами сони ва турлари бўйича унча бой эмас. Чўл ва чала чўллардаги жониворлар ёзининг иссиғига ва сув танқислигига чидаб яшайди. Шароитга яраша озуқа манбаи ҳам жуда мураккаб. Иссиқ кунларда майда жониворлар ни қовлаб, иссиқдан сақланишади, керакли намини ўсимликлардан ва ўзлари озиқланган жониворлар ҳисобидан олишади. Йирик сут эмизувчилари эса сув излаб, анча узоқ масофани тез ўтиш қобилиятига эга ва шу тартибда кун

кечиришади. Тирикчиликнинг қайнаган даври жазирамага ёзга, эфемерларнинг гуллаган вақтига тўғри келади. Баъзи бир жониворлар, ўт-ўланлар қуриб, ҳудуд қақраган чўлга айланган вақтда инига кириб, баҳорги тўплаган озуқаси ҳисобидан дам олиб, ухлашади. Умуман Қирғизистондаги чўл ва чала чўл зоналарининг ҳайвонот олами Ўрта Осиё чўлларидаги жониворларнинг вакиллари дур.

Ҳайвонот оламининг чўл ва чала чўлларда тарқалган турларинининг кўпчилиги судралиб юрувчилар — тошбақа, сургеккон, Туркистон агамаси, юмронқозик, эчкиэмар, қизил ва ола илонлар, бўғма илон, ўқ илон ва бошқалар. Булардан ташқари баланд жойлашган биотопларда ҳам учрайдиган қолқон тумшуқ илон, сув илони, калтакесак, дашт қора ола илони, чўл ва олой калтакесаклари ва бошқалар ҳам бор.

Сут эмизувчиларининг йириклари кам учрайди. Майдаларидан қадимги реликт сариқ сичқонлар, катта ва кичик қўшоёқлар, йиртқичлар (бўри, тулки ва бошқалар), қум сичқонлар ва қуёнлар тарқалган.

Қушлардан тўрғай, миккий, укки, бойўғли, бедана, каклик бор. Улардан ташқари қирғий, калхат, болтатумшуқ, сулихўрлар ва ҳоказолар яшайди.

**Дашт зонасининг ҳайвонот олами.** Чўл ва чала чўл зонасининг жониворларига қараганда сони бўйича ҳам, тури бўйича ҳам кўп. Даштлардаги жониворларнинг яшаш шароити чўлга қараганда қулайроқ, лекин бу зона одамлар яшайдиган ва фойдаланадиган ердир. Кўп ерлар экинзорга айланган. Дашт биотопларидай ўзгаришларга учраган биронта ҳам биотоп турлари мавжуд эмас. Бир томондан табиий яшган жониворларнинг вакиллари йўқолиб бораётган бўлса, иккинчи томондан янгиланган маданий ландшафт жониворларининг турлари бошқа зоналар ҳисобидан кўпайиб туради. Қушларнинг турлари кўп.

Даштлардаги жониворларнинг турларига қуруқда ва сувда яшовчилардан — зангори қурбақа, кўл бақаси; судралиб юрувчилардан — Ўрта Осиё (Туркистон) тошбақаси, Ҳимолай агамаси, сариқ илонлар, яйдоқ кўзлар, тезчопар калтакесаклар, кичик калтакесаклар, дала қора чипор илони, қолқон тумшуқ илонлар кирази. Буларнинг айримлари масалан, Ҳимолай агамаси Фарғона водийсидагина учрайди.

Қушлардан дала товуғи, бизгалдоқ чумчуғи, қора қарғалар дашт зонасига хос. Ҳозирги вақтда улар кам учрайдиган қуш-

лар қаторига киради. Дашт зонасига тегишли бўлган қушлар: тўрғайлар, чиллар, қизилиштон, сулихўрлар, ўрмон оти, жар бўйидаги уяларда, қояларда яшайдиган куйкалар, каптарлар, бойқуш, уй миқийлари, аричи чумчуқлар, дашт чумчуқлари, жар кўкимтир ва тошлоқ қораялоқлари, қалдирғочлар. Йиртқич қушлардан бўктарги (йиртқич қуш), қарчиғайлар, дала бургутлари, мойқушлар учрайди.

Сут эмизувчиларнинг турли вакиллари бор. Улардан кенг тарқалганлари: типратикан, юмронқозиқлар, сувурлар, сариқ сичқонлар, чумолихўрлар, қўшоёқлар, уй сичқонлари, полевкалар, кўрсичқонлар. Йирик сут эмизувчилардан: бўри, тулки, қўшқулоқ, мадил ва бошқалар учрайди.

Дашт зонасида фойдаланилмай қолган табиий майдонлар кам. Ҳайдалган ерлардаги турли маданий ландшафтлар орасида жониворларнинг табиий яшаш жойи бузилганлигидан, дашт жониворларининг йўқолиб кетиш тенденцияси кучайган. Шу билан бирга айрим жониворларнинг янги шароитга тез мослашиб, кўпайиб кетаётган турлари ҳам оз эмас.

**Ўрмон зонасининг ҳайвонот олами** дашт ва чўл зонаси ҳайвонот оламига қараганда бир қанча қулай шароитда яшайди. Очиқ ҳудудларга қараганда, ўрмон ҳайвонот оламининг озиқ-овқат топиши, ҳимояланиши ва кўпайиши анча эркин ва ишончли бўлади. Одамлар таъсирида ҳам табиий биотоплар унчалик ўзгаришларга учрамаган.

Қирғизистон ҳудудида ўрмонлар унча кўп бўлмагани билан ўрмон жониворларининг умумий сони ва турлари анча кўп. Ўрмонлар ичида алоҳида ўринни қадимги неогендан қолган (қолдиқ) мевали ёнғоқ ўрмонлари эгаллайди. Бу ўрмонларда шу ернинг ўзигагина хос бўлган жониворларнинг турлари учрайди. Масалан, қанотлилардан илончи қуш, оддий бойқуш, оқ қанотли қораялоқлар, болта тумшуклар, яшил муқур, Химолай сулихўри, Фарғонанинг катта ола чумчуқлари, барқилар учрайди. Сут эмизувчилардан – Туркистон каламушлари. Юқорида номлари қайд этилган жониворлар қарағайли ўрмонларда учрайди. Қарағайли ўрмонларга хос қушлардан: қора қурчу қарчиғай, қорақурлар, қарчиғайдай бойқушлар, пайпоқли муқурлар, уч тирноқли қизилиштон, олақарғалар, қизилбошли чумчуқсимонлар, қизил бошли чумчуқ, қайчи тумшуклар, оддий деҳқон чумчуқлар, яшил ва ҳинд мийқитлари (майналар), қора чўл бургути. Сут эмизувчилардан юмронқозиқлар, сув сичқонлари, буғулар учрайди.

Ёнғоқзор, қарағай ўрмонлари учун хос бўлган жониворларга қора тоғ чумчуғи, қирғийлар, буктарғи (йиртқич қуш), кичик бургут, каптарлар, мусичалар, каккулар, бойўғлилар, сассиқпўшишаклар, қарғалар, зағизғонлар, чуғурчуқлар, чиройли мукурлар, чумчуқсимонлар ондасига мансуб қушлар ва бошқалар киради. Сут эмизувчилардан дашт ва уй сичқонлари, бўрилар, тулкилар, қўнғир айиқлар, қум каламуши, сувсарлар, қўшқулоқлар, силовсинлар, кийиклар, ёввойи чўчқалар учрайди.

Арча ўрмонларида қарағай ўрмонларидаги жониворларнинг кўпчилиги бор.

Альп зонасининг ҳайвонот олами умуман олганда, Осиё баланд тоғларига мансуб жониворларининг вакиллари дур. Қирғизистонгагина тегишли жониворларининг турларига Мензбир суғри киради. Бу зонада қанотдилардан альп зағчалари, чумчуқсимонлар, қизилтумшуқ ўрдаклар, лочинлар, қирғийлар, болта ютар (бургутнинг бир тури) бургутлар учрайди. Сут эмизувчилардан эса илвирслар, архарлар, тоғтакалар бор. Бу зонага пастки зонадан бўри, айиқ, тулкилар келиши мумкин.

Жониворларининг ўзгача турларини кўлларда, дарёларда яшовчи балиқлар, қуруқликда ва сувда яшовчилар, сувда сузиб, кўлларга, сув оқимларига (дарёларга) тўпланувчи қушлар ташкил қилади. Қирғизистонда бақаниннг икки тури — кўл бақалари ва Марказий Осиё бақаси яшайди. Бақалар сув тозаллигининг индикаторлари бўлиб ҳисобланади. Агар кўлларда, дарёларда бақалар озайиб ёки йўқолиб кетса, унда бу сувлар ифлосланганлигидан дарак беради. Бизнинг асримиз бошланшидан, ҳозирги кунгача бўлган оз вақтда кўллардаги балиқларининг турлари ва умумий сонн кескин ўзгарди. Масалан, Иссиқкўл балиқларининг турлари 22 тага етди, шу билан бирга юзлаб тонналаб овланган балиқлар, ҳозирги вақтда умуман йўқолиб кетди ёки улар овлаш хусусиятини йўқотди. 30-йилларда қўйиб юборилган севан форели йириклашиб, йиртқичга айланиб, маҳаллий балиқларга қирон келтирмоқда. Кейинчалик қўйиб юборилган судак балиқлари билан бирга улар май чабак, чабак, кўк ола сингари ҳар хил майда маҳаллий балиқларининг тухумини қуритмоқда. Иссиқкўл балиқ ресурсларининг ҳозирги вақтдаги ҳолати кўлнинг миңглаб йиллардан бери шаклланган иштифаунасининг ўсиб, ривожланишига одимзотнинг аралашуви, уни яхшилашга бўлган ҳаракати тескари натижага олиб келганидан дарак беради. Юқоридаги ба-

лиқлардан ташқари Иссиққўлда ялтироқ балиқ, леш, пескаръ, линь, ясси балиқ ва бошқалар ҳам бор.

Одамларнинг кўллар ихтиофаунасини яхшилашга бўлган ҳаракати фойдали бўлганлигига Сўнкўлни мисол сифатида келтирса бўлади. Аввал балиғи бўлмаган Сўнкўлга қўйиб юборилган кўк ола, пелядь балиқлари яхши ривожланди ва пелядь балиғи заҳиралари овлаш даражасига етди.

Дарёларга 50-йилларда қўйиб юборилган Амударё форели маҳаллий балиқларни суриб, уларнинг ўрнини эгаллай бошлади. Дарёларда учрайдиган балиқларнинг турларига сазан, қизил балиқ, чўртон, сом, ялтироқ балиқ, шукамсимон жерех, итбурун ва бошқалар киради.

Олимларнинг маълумотларига қараганда Қирғизистондаги қушларнинг учдан бир қисми сувда сузувчи ва оқар сувлар қирғоқлари бўйида яшовчилардир. Уларнинг кўпчилиги сайёҳ қушларга киради, ёзин-қишин бу ерда ин қуриб яшайдиганлари унча кўп эмас. Масалан, ўроқ тумшуксимонларнинг 40 га яқин туридан 10 тасигина бу ерда ин қуриб кўпаяди. Улар: шуқорлар, лойхўрақлар, кичик мўйноқлар.

Қиш кунлари Иссиққўлда минглаб сувда яшовчи қушлар тўпланишади, уларнинг кўпчилиги ўрдаклар билан эгри тумшуклар турларига киради. Улар билан бирга балиқчи қушлар, ғозлар қишлайди. Ёз фаслида ҳам кўл атрофида яшаб, болалаган балиқчи қушлар бор.

Сўнкўлнинг асосий қушларидан бири — азалдан бу ерда яшайдиган тоғ ғози ёки ҳинд ғозидир. Асримизнинг бошида бу ғозлар минглаб саналган. Ҳозирги вақтда кўл атрофида ўнтага яқингина ғоз жуфти ин қурган. Ғозларнинг кескин камайишига ёзда туҳумларини йиғиб кетишлар сабаб бўлган. Ҳозирги кунда бу қуш қизил китобга киритилган.

Маданий ландшафтларнинг ҳайвонот олами хилма хиллиги, доимий эмаслиги ва қайтадан янгиланиб бориши билан ажралиб туради. Маданий ландшафтларда Қирғизистонда тарқалган қуш турларининг деярли ярми учрайди, лекин уларнинг кўпчилиги сайёҳ қушлардир. Шаҳарлар ва қишлоқларда кенг тарқалган қушларнинг турлари, жумладан чумчуқлар, мусичалар, чуғурчуқлар, қалдирғочлар, қиш фаслида кўп учрайдиган олақарғалар ва қора қарғалар бор. Шаҳар ва қишлоқларнинг боғ дарахтларига ўрганишган ўрмон қушлари — қарғалар, қорашақилдоқ, зағчалар, қашқа чумчуқлар, булбуллар, гўзал чумчуқлар, қизилбош чумчуқлар ва бошқалар кўплаб

учрайди. Кейинги вақтларда жанубдан келиб, кенг тарқалиб кетган афғон ола чуғурчуғининг сони кескин ортмоқда. Баҳор билан бирга келадиган жиблажибонлар аҳоли ўтроқлашган жойларга кўникиб қолган қушлардан ҳисобланади. Экин экилган майдонларда, яйлов-ўтлоқларда кўп учрайдиган қушларнинг бири — беданалардир.

Сут эмизувчилардан маданий ландшафтни ўзлаштириб, одам боласининг уларга қарши курашига бардош бериб, кўпайиб кетганлар асосан майда жониворлар бўлиб, уларга дала ва уй сичқонлари, каламушлар, момолойлар (дала сичқони), кўр сичқонлар киради. Уларнинг кўпчилиги дала экинларига, аҳолининг уй-рўзғорига зиён келтиради. Бундай зиёдли кемирувчиларнинг сонини ўстирмасдан ушлаб турадиган йиртқичлардан (маданий ландшафтларни ҳам ўзлаштирганлари) тулки, қум сичқони, каламуш ва бошқаларни айтиш мумкин.

### **8.3. Ноёб ва йўқолиб кетаётган ҳайвон турлари**

Кўпчилик ёввойи ҳайвонлар, уларнинг йирик вакиллари қадимдан бери одамлар тирикчилигида муҳим аҳамият касб этган. Қадимда баъзи бир жамоаларнинг фақат овчилик билан кун кечирганлиги бизга эртақлар, афсоналар орқали маълум. Ҳаёт қийинлашиб, одамлар оч қолган қахатчилик йилларида, овчилик яшашнинг бирдан-бир манбаи ҳисобланган. Шу билан бирга ноёб жониворларни овлаб, қимматбаҳо териларни сотиб, тирикчилик ўтказиш ҳам кенг тарқалган. Ишлов берилган терилардан чиройли ва энг қулай кийимлар тикилган. Кейинги даврда одамлар сони кўпайди, шунга яраша эҳтиёж ҳам ошди. Овчилар кўпайиб, ов қуроллари сифати яхшиланди. Одамлар айрим жониворлар турларини қириб, уларни йўқотиш даражасигача етди.

Ҳайвонот дунёси сонининг камайиб кетиши ва айримларининг йўқолиб бораётганига фақат овчиларгина айбдор эмас. Одамларнинг турлича ҳўжалик юритишлари оқибатида жониворларнинг яшаш шароити ўзгарди, уларнинг айрим турларига озик топиш қийинлашди, баъзи бир турларининг кўпайиш имконияти чекланди. Масалан, ер ҳайдаш жараёнлари даллада яшовчи жониворларнинг экологик шароитини бузди, ўт-ўланлар орасида уялайдиган қушлар бола оча олмай қолишди. Қишлоқ ҳўжалигида минерал ўғитлардан, заҳарли моддалардан фойдаланиш ҳам кўп жониворларнинг турларига зиён етказди. Натижада

жониворлар қирилиб, озая бошлади. Кам учраётган жониворлар дунё миқёсида «Табиатни ва табиий ресурсларни ҳимоялашнинг халқаро Қизил китоби» га киритилади. Қирғизистоннинг бу китобга киритилган жониворлари — жайрон, илвирс, қизил бўри, Мензбир сувори, бўз эчкизмар.

СССР давридаги давлат Қизил китобига, юқоридагилардан ташқари архарлар, Ўрта Осиё қундузи, Тяншан кулранг айиғи, Туркистон силовсини, ола қуюн, қўшқанотлар ва бургут киритилган. Қушлардан Қизил китобга оқ қумой, оқ тўш, кантар, болта ютар, бургут, илонзаҳри қуши, қирғий, қора қарқур, мойқут қуши, тоғ ғози, ўроқ тумшук чулдук, сув бургути, дашт товуғи, чул шумқори кирган.

Собиқ Қирғизистон ССР Министрлар Советининг 1976 йил 10 майдаги қарори бўйича Қирғизистонда «Қизил китоб» ташкил этилди. 1981 йили 13 апрелда «Қизил китоб»га кирувчи ҳайвонларнинг рўйхати тасдиқланди. Бу рўйхатга СССРнинг «Қизил китоби» га киритилган юқоридаги жониворлардан ташқари яна қуйидагилар ҳам киритилди: така тумшук, кичик қўшқанот, буғу; судралиб юрувчилардан — карелия илони, қизил катта илон; қушлардан — оқ қунас, жаннат чумчуғи, қарчиғайлар, қарқур, читтакнинг бир тури (ремез); балиқлардан — Туркистон балиғи.

Қирғизистоннинг Қизил китобида аввалги Қирғизистон ССР китобига кирган жониворларнинг асосан ҳаммаси сақланди ва унга сут эмизувчиларнинг – 13, судралиб юрувчиларнинг – 3, балиқнинг – 1, қушларнинг – 20 хили киритилди.

Қирғизистон давлати, собиқ СССР давлати, олимлар ва кенг жамоатчилик томонидан ҳайвонот оламининг генофондини, уларнинг турларини сақлаб қолиш учун ҳаракат бўлиб келган ва ҳозирги вақтда ҳам бўлмоқда. Жониворларнинг кўп турлари сақланибгина қолмасдан уларнинг кўпаяётганлигига мисоллар кўп. Лекин бу ҳаракатлар баъзан тескари натижа берган пайтлар ҳам оз эмас. Масалан, Саричелак кўриқхонасига қўйиб юборилган зубрлар бу ер шаронтига мослаша олмай кўнаймаяпти, кўп йиллардан бери уларнинг сони 10 — 15 тадан юқориламай келаётир.

Улар ёнғоқ ва бошқа дарахтлар, ўсимликларнинг ўсишига кўп зарар келтирди. Исеиқўл балиғи ҳақида юқорида айтилди. Олмаҳонларни Олаарча миллий боғига қўйиб юбориш ҳам тўғри бўлмаган. Улар озуқ топа олмай қарағайларнинг учидаги ёш новдалари билан озиқланиб оз сондаги қарағайларга ҳам зиён

келтирмоқда. Олиб келиниб, мослаштирувга ҳаракат қилинган жониворларга: оқ қуён, андатра, олмахон, жанатсимон ит, сув жанати, қизил норка, америка сув норкаси, сассиқ қўшқулоқ, эликбағиш, зубр ва бошқалар кирати.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Сиз ҳайвонот оламининг қайси турларини биласиз? Сут эмизувчилар, қушлар, қуруқликда ва сувда яшовчилар, судралиб юривчиларнинг рўйхатини ёзинг.

2. Сиз яшаётган жойда қандай ҳайвонлар бор? Улардан маданийлаштирилганлари қайсилар?

3. Жониворларнинг қайси турлари давлат томонидан муҳофазага олинган?

4. Турли хил жониворлар ҳақида халқ орасида тарқалган қандай мақолларни биласиз?

5. Мактабингиздаги болалар қайси жониворларни сақлашади ва уларга қандай ғамхўрлик қилишади?

6. Сиз яшаган жойингиздаги (қишлоқда, шаҳарда) қандай қушларни биласиз?

7. Капалак ёки бошқа ҳашоратлардан йиғиб, коллекция ясаб кўринг.

## **9. ЛАНДШАФТЛАРИ**

### **9.1. Ландшафтларни ҳосил қилувчи омиллар ва ландшафтларнинг тузилиши**

Қуруқлик юзаси геологик тузилиши, рельефининг хусусияти, иқлим шароити, сувлари, ўсимликлари, ҳайвонот дунёси бири-бири билан ҳамбарчас боғланган, бир-бирига тобе, ривожланиш шароити бўйича ягона бўлган ҳавзалар мажмуи ёки ландшафтлардан иборат.

Ландшафтнинг энг юқори таксономик бирлиги — географик қобикдир. Геоографик қобик материкларга, материклар зоналарга, зоналар бўлса табиий шароитларга мос равишда областларга, провинцияларга, районларга бўлинади. Шу маънода биз тундра ландшафти, ўрмон ландшафти, чўл ландшафти деб атаймиз. Ландшафтнинг иккинчи маъноси: геологик тузилиши, рельефининг хусусияти, иқлим шароити бир хил бўлган, чегараланган муайян ҳудуддаги табиий мажмуини ландшафт деб атаймиз.

Ландшафт бир неча таркибий қисмлардан ва компонентлардан ташкил топган. Бу компонентларнинг бир гуруҳи асосий ёки аниқловчи бўлса, иккинчи бир гуруҳи аниқловчиларга тобе ва уларга бўйсунди. Мисол учун, Қирғизистоннинг кўпчилик қисмида, аниқловчи (асосий) компонентлар ер юзасининг тузилиши билан рельеф шакли бўлса, ўсимликлари билан ҳайвонот дунёси тобе компонентларга қиради. Аммо, ер юзасининг тузилиши билан рельеф асосий (бош) компонент бўлавермайди. Масалан, гляциал-нивал зонада асосий компонент музликдир. Тўқмоқ шаҳрининг атрофларида эса асосий компонент ер ости сувлари ва ҳоказо.

Ландшафтлар — ҳар доим ҳам ўзгармас табиий компонент бўлавермайди. Давр ўтган сари, унинг қисмлари-компонентлари ўзгариб туради, улар билан биргаликда ландшафтлар ҳам ўзгаради. Аммо, ландшафт компонентлари ҳар доим бир-бирига нисбатан шартли турда тенг салмоқли бўлади. Маълум бир компонентларнинг дастлабки ўзгариши қолган компонентларнинг иложсиз ўзгаришига мажбур қилади. Қирғиз Олатовининг шимолий ёнбағирларидан оқиб тушадиган дарёлар сувларининг ариқларга бўлиб суғорилиши Бишкек шаҳрининг шимолидаги ер ости сувлари сатҳининг пастлашига, бу эса ўз навбатида ўтлоқларнинг қуришига олиб келади. Ўтлоқлардаги ўсимлик турлари озайиб, йўқолиб, бошқа ўсимликлар ёки маданий ўсимликлар билан алмашганлиги сабабли, ҳайвонот дунёсининг олдинги турлари ҳам кескин ўзгарди.

Инсониятнинг табиатга ўтказаятган таъсири кучайиб бораётган ҳозирги даврда, ландшафтларни типларга ажратиш, уларни харитага тушириш, табиат комплексларининг ички ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини аниқлаш, уларни ўрганиш, экологик муаммолар ечимини топишда жуда катта аҳамиятга эга. Тўпланган маълумотлар табиий шароит ва табиат ресурсларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, ландшафтларнинг бузилиб, зарарли ҳодисаларнинг кўпайиб кетишига йўл қўймаслик имкониятини беради.

Қирғизистон ҳудудида ландшафт ҳосил қилувчи асосий омиллардан бири — ер юзасининг ҳолатидир. Рельефнинг мураккаблиги Қирғизистон ерларининг иқлимни белгилайди. Шунингдек, тоғ ёнбағирларида иссиқлик билан намликнинг тақсимланиши ландшафт ҳосил қилувчи тупроқлар билан ўсимликларнинг хилма-хиллигини келтириб чиқаради. Натижада ҳар хил ландшафт турлари ҳосил бўлади.

Қирғизистон ҳудудининг ландшафтлари тоғли шароитга мослашганлигидан турли-туманлиги ва мураккаблиги билан фарқланади. Мураккаблик ер юзасида баландлик амплитудасининг юқорилигига (4000 — 5000 м) ва унинг ҳудудий орографик тузилишига боғлиқ. Турли баландликдаги, ҳар томонга йўналган тоғ ёнбағирларига Қуёш нурининг тушиши ва ёғингарчиликнинг миқдори турлича. Шунинг учун ландшафтларнинг турлари ҳам ҳар хил ва мураккаб.

## 9.2. Ландшафтларнинг ҳудудлар бўйича тарқалиш қонуниятлари

Ландшафтлар мураккаб ва жуда ҳам хилма-хиллигига қарамай, Қирғизистон ҳудудида кенглик бўйича ҳам, узунлик бўйича ҳам фарқ қилади. Бунга Чуй водийсининг текисликлари билан Фарғона водийсининг текисликлари ўртасидаги тафовут ёки Иссиқкўл ботиғининг шарқий ва ғарбий томонларидаги фарқларни мисол келтирсак бўлади. Биринчи тафовут Қуёш нури ерга қай даражадаги қиялик, ёки кенгликда тушаётганига боғлиқ бўлса, иккинчиси намгарчиликнинг тақсимланишига боғлиқ. Қирғизистон тоғли ўлка бўлганлигидан ландшафтларнинг тарқалиши асосий қонуният — баландлик минтақаларига бўйсунди. Баландлик минтақалари ҳудудий-табiiй комплекслар компонентларининг баландлик бўйича ўзгариши натижасидир. Баландлик бўйича рельеф таъсири ортади, ёғингарчиликнинг миқдори ўзгаради, ҳароратнинг ер юзасига тушадиган миқдори тобора озаяди, Қуёш нурининг энергияси ҳам ҳар томонга қараган ёнбағирларда ҳар хил бўлади. Мана шуларнинг ҳаммаси ландшафтни баландлик бўйича ўзгаришига олиб келиб, баландлик минтақаларини ҳосил қилади.

Қирғизистон ҳудудидаги ландшафт турларини тоғ оралиғидаги водийлар ландшафтлари ва тоғ ёнбағирлар ландшафтлари сифатида иккита катта қисмга бўлсак бўлади.

**Тоғ оралиғидаги водийлар** ландшафтлари асосан қурғоқчилик шароитида ривожланади. Ёғингарчиликнинг миқдори 400 мм дан ошмайди. Тоғ этакларидаги кенг текисликларни эгаллаган Чуй, Талас, Фарғона водийларида чўл-дашт ва дашт ландшафтлари тарқалган. Ички, тоғлар орасида баландроқ жойлашган водийларнинг қуйи қисмлари ҳам чўл-дашт ва дашт ландшафтлари билан қопланган. Баландлик

юқорилагани сари, ёғингарчилик етарли шароитларда дашт ва ўтлоқ-дашт ландшафтлари устунлик қилади. Чўл-даштга хос ландшафтлар 3000 — 3600 м баландликларгача чўзилган, бироқ улар алоҳида жойлашган чўл-дашт ландшафтларига нисбатан ҳарорати паст ва ёғингарчилик кам шароитларда ривожланади, ўсимлик ва тупроқ комплексларининг турличалиги билан бир-бирдан ажралиб туради.

Тоғ орасидаги водийларнинг энг баланд жойлашганлари Оқсой, Қумтор, Арабел ва бошқалар. Бу водийларда ёғингарчилик оз бўлади (300 мм гача), кўп қор ёғади. Ҳарорат паст, 0°C дан юқори ҳароратли ойлар — июнь, июль, август. Қолган тўққиз ойнинг ҳарорати ҳар доим 0°C дан паст. Бундай шароитда ривожланган ландшафтлар «совуқ чўллар» деб аталади. Тупроқда бир неча йиллар давомида эрмаган музликлар ва криоген жараёnlари устунлик қилади. Шунинг учун тупроғи ва ўсимликлари гумусга унча бой бўлмаганлигидан фақат ёстиқсимон ўсимликлар янгиланган ой сингари онда-сонда кўзга ташланади.

Тоғлар орасида жойлашган водийларнинг тупроқлари қалли ғовак жинслар устида ҳосил бўлиб, сув билан яхши таъминланганлигидан қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланилиб, кўпчилик майдонлари экинзорларга айлантирилган. Экинзорлар 2500 — 2600 м гача бўлган баландликлардагина яхши ривожлана олади.

**Тоғ ёнбағирларининг ландшафтлари.** Баландлик ортиши билан ҳарорат, ёғингарчилик, Қуёш нурининг ерга тушиш ҳолатига боғлиқ ҳолда ўсимликлар билан тупроқларнинг хусусиятлари ўзгаради. Шу туфайли бу ерда ландшафтлар ҳам баландлик зоналари қонуниятларига биноан жойлашган. Тоғ этакларидаги текисликлардан юқорида —1000 — 1600 м баландликларда **пастқам тоғлардаги дашт ландшафтлари** жойлашган. Рельефи эрозион-аккумулятивли ҳар хил шаклдаги лёссимон ғовак жинслар билан қопланган, натижада туб жинслар ер бетига чиқмаганлигидан ёнбағирларда ўнқир-чўнқир нотекисликлар йўқ. Эрозион жараёнлар ривожланган ҳудудларда неоген конгломератлари очилиб, нотекис жойларнинг рельефи ҳосил бўлган. Намланиш даражасига қараб, шимолда юпқа қатламли даштлар, аксинча Жанубий Қирғизистонда эса саванна сингари қурғоқчил даштлар жойлашган. Шимолдаги даштларда ёғингарчиликнинг кўплигига қараб, қора ва қора кўнғир тупроқларда чалов, ажириқбош ва шувоқ ўсим-



Яйлов — дашт зонаси

ликлари кўп. Жанубда эса баҳорги ёнғингарчиликдан ҳамда оч кулранг тупроқларда қорақийёқ, қизил ўт, баланд соябон гулдилар ва бошқа тоғ ўсимликлари ўсиб чиқади. Бу ландшафтда бутасимон ўсимликлардан бодом ва хандон писта ўсади.

Рельефи қулай майдонларга обикор экинлар экилади, қолган асосий майдонлардан баҳор ва куз ойларида яйлов тариқасида фойдаланилади. Ернинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ бўлган эрозия жараёнлари Фарғона водийсини ўраб турган пас-тқам тоғларида юз беради. Эрозия ва ер кўчки (сурилма)ларини камайтиришнинг бирдан бир йўли, бу ерлардан фойдаланишни бошқара билиш ва мумкин қадар кўпроқ дарахт ва бутасимон ўсимликларни экишдир.

**Ўртача баландликдаги тоғларнинг дашт ландшафтлари** тоғ ёнбағирларининг жанубий томонларини ва унга яқин қияликларнинг 1000 — 1200 м, айрим ҳолларда 2500 м баландликларигача кўтарилган. Бу ландшафтлар асосий қатламнинг майдаланган (нураган) жинслари устида юпқа кўнғир тупроқли қатлам ҳосил қилиб, қалин чалов майсали, қора қиёқ, сули сингари ўсимликларнинг ўсиши учун имконият яратган. Қоя тошлар кўриниб турган жойлар ҳам оз эмас. Жанубий Қирғизистонда айиқ сочли майсазорлар бор. Бу майсазорлардан пичан ғамлашда кенг фойдаланилади.



Ўрмон — яйлов — дашт (Кунгай Олатов)

Бу ландшафтларнинг эрозияга учраш эҳтимоли юқори. Нам етишмаслиги сабабли дарахт ўсмайди. Бу ландшафтларни сақлаб қолишнинг бирдан бир йўли, улардан яйлов сифатида фойдаланишни режа асосида олиб бориб, ўсаётган бутасимон ўсимликларни сақлаб қолишдир.

**Ўртача баландликдаги тоғларнинг ўтлоқ ва ўтлоқ-дашт ландшафтлари** ҳам 1000 — 2200 м, айрим жойлари 2500 м баландликкача етади. Бу ландшафтлар тоғ ёнбағирларининг шимол томони ва унга яқин жойлашган ёнбағирларидан ўрин олган.

Жойлашув ҳолатига кўра бу ерларда қишдаги қорнинг доимий қопламлари етади. Қор қалин ёққан ёнбағирларда баланд бўйли ўтлоқлар, қор қоплами юпқа ёнбағирларда эса паст бўйли ўтлоқлар жойлашган. Асосий қатламлар ер юзасига яқин жойлашган. Тупроғи асосан қора тупроқ ва оч қора тупроқ. Ўсимликлар тури кўплигидан бу ўтлоқлардаги ўсимликларнинг биомассаси юқори даражада. Бу ландшафтларда дарахтлар билан бутасимонлар жуда сийрак учрайди. Буларнинг асосийлари четан дарахти, арча, онда-сонда қарағай, заранг, қайин, ирғайлардир. Ўтлоқ ва ўтлоқ-даштли ландшафтлардан асосан яйлов сифатида фойдаланилади. Рельефи қулай қияликлардан ем-хашак гамланади. Аммо мол ва қўйлар кенг майдонда кўп боқилса,

ййловни бутунлай кераксиз отқулоқ сингари кўкатлар босиб кетиши мумкин. Шунинг учун бу ерлардан келажакни кўзлаган ҳолда аниқ режа асосида фойдаланиш керак.

**Тоғ-ўрмон, ўрмон — ўтлоқ-дашт ландшафтлари** Қирғизистон ҳудудида чекланган майдонни эгаллайди (5% га яқин). Улар асосан ўрмон хўжаликлари бор ҳудудларда жойлашган. Ўрмонзорлар учун аввало етарли миқдорда намлик зарур ва намнинг миқдорига яраша ҳавонинг ўртача ҳарорат ҳам етарли бўлиши керак. Бундай шароит Иссиқкўл атрофидаги тизма тоғларнинг шимолий ёнбағирларида (1800 — 3000 м баландликларда), Фарғона ва Чотқол тизма тоғларининг шимолий-ғарб, шимолий ёнбағирларида (1000 — 2000 м баландликларда) Қирғиз Олатовининг шимол томонида (1600 — 3000 м баландликларда) яратилган. Фарғона водийсининг асосий тоғ-ўрмон ландшафтларини ёнғоқ-мевали ландшафтлар ташкил қилади. Қарағайзорлар ёнғоқзор ўрмонлар устида жойлашган, ёнғоқ дарахтлари 1000 — 2000 м баландликлардаги ёнбағирларда ўсишса, қарағайлар асосан шимол томондаги майдонларда ўсади. Иссиқкўл ўрмонларини асосан Тяншан қарағайлари ташкил қилади. Бу ўрмонлар шимолга қараган тик қояларни эгаллаган. Мана шу баландликдаги ғарб ва шарққа қараган ёнбағирларда узун бўйли ўтлоқлар, бутазорлар бор. Жанубга қараган юзаларда эса дашт зонасига тегиншли ўсимликлар ўсади. Қарағайли ўрмонлар Марказий Тяншан, Нурин, Отбоши, Қирғиз Олатовида, Кемин водийсида жойлашган. Асосий ўрмон ўсимликларидан ташқари четин дарахти, қайин, тол, арча ўсади.

Талас водийсидаги Бештош, Кетмонтепа, Узунаҳмат даре­ларининг ҳавзасида ва Чотқол тизма тоғининг ёнбағирларида тоғ-ўрмон ландшафтларини ҳосил қилувчи дарахт тури кўк­арағай бўлса, Олой, Туркистон, Қирғиз Олатовининг ғарбий ёнбағирларида арча ўрмонлари яшнаб ётибди. Арчалар қалин ўсмаганлиги сабабли, уларнинг оралиқларини баланд бўйли ўтлоқлар ташкил қилади. Буларнинг қуёшли юзаларини эса дала майсазорлари эгаллаган.

Тоғ-ўрмон, ўрмон-ўтлоқли дашт ландшафтлари унчалик катта майдонни ташкил қилмагани билан, оқар сувларнинг кўплиги сабабли тупроқни сақлашда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ўрмон ландшафтларининг кўпчилиги муҳофазага олинган.

**Субальп баланд тоғли ўтлоқ ва ўтлоқ-дашт ландшафтлари** 2700 — 3000 м мутлақ баландликларда жойлаш-

ган. Бу ландшафтлар тоғ-ўрмон ва ўрмон-ўтлоқли-дашт ландшафтларининг альп зонаси томон юқорилаган бир қанча поғоналардан иборат. Бу ерда гумусга бой, чимли, юлқа қатламли қорамтир тупроқлар кўп, уларни майсазорлар қоплаган. Майсазорларда ер бағирлаб ўсувчи ясси арчалар ҳам ўсади. Ички Тяншанда янтоқ ўсган майдонлар ҳам учрайди. Рельефида эса ҳар хил қияликдаги ёнбағирлар, тоғора сингари чуқурликдаги водийлар, қоялар, конгломератлар, қурумлар учрайди. Бу ерларга қишда қор кўп тушади, ёзда эса улардан яйлов сифатида фойдаланилади.

**Альп баланд тоғли ўтлоқ ва ўтлоқ-дашт ландшафтлари** 3000 — 3300 м баландликда, гоҳи 3500 — 3600 м баландликкача кўтарилади. Бу ерда йилнинг иссиқ даври қисқа, ёзда июлнинг ўртача ҳарорати  $+10^{\circ}\text{C}$  дан ошмайди. Қор 6 — 9 ойгача эримади, айрим вақтларда ёз кунлари ҳам қор ёғади. Говак жинслар кўп йиллик эрмаган музликлар (доимий музлик ерлар) билан қопланган. Қалинлиги 20 — 40 см гача бўлган альп тоғ ўтлоқли тупроқларининг устида паст бўйли, йиллик биомассаси унча кўп бўлмаган бир хил майсазорлар жойлашган. Асосий ўсимликлари: Шимолий Қирғизистон билан Ички Тяншанда — ёввойи пиёз, флемистлар ва бошқалар, Жанубий Қирғизистонда эса флемистлар, ғоз панжалар, бисер тарқалган.

Альп ўтлоқлари қоя-тошлар, қор-музликлар билан ёнма-ён жойлашган. Улар кўпинча тоғора сингари водийларнинг остки қисмини, тупроқ ҳосил бўлиши учун имконияти бор тоғ ёнбағирларининг қуйи қисmlарини эгаллайди. Музликка ҳос ҳар қандай рельеф шакллари-криогенли ариқчалар, солифлюкция шакллари, текисликлардан бўртиб чиққан дўнгчалар учраб туради. Булар асосан ёзги яйловлар бўлиб, улардан режасиз кўп фойдаланилган тақдирда яйлов эрозиясига учраши мумкин.

**Гляциал-нивалли баланд қояли, қор-музли ландшафтлар** 3200 — 3500 м баландликлардан юқорида жойлашган. Республика майдонининг нисбатан кўпроқ қисмини эгаллайди. Йиллик ўртача ҳарорат  $0^{\circ}\text{C}$  га яқин бўлганлигидан, анчагина майдонни ёзда эрмаган қорлар билан музликлар ташкил этади. Қолган майдонларни қўл етмайдиган баланд қоя тошлар, қурумлар эгаллаб ётади. Тупроғи оз бўлганлиги сабабли ўсимликлар жуда кам ўсади. Нураш, емирилиш жараёнлари бўлиб туради, аммо бу нураш ва емирилиш жинслари ёнбағирларда турмай, ҳар хил йўллар билан тоғ этакларигача келиб

тўланади. Қадимги пенеппен тузилишининг қолдиқлари бўлган айрим жойлар 3500 — 3600 м гоҳо 4000 м баландликларда сақланиб қолган. Бу ерларнинг баланд жойлашган майдонларини ўзгача шаклдаги яси чўққилардаги музликлар эгаллайди. Пastroқ қисмларида **баланд тоғларнинг совуқ чўллари** жойлашган. Ёғингарчиликнинг озлиги, ҳароратнинг пастлиги, абадий музликларнинг ер бетига яқинлиги, тундра ландшафтини ҳосил қилади. Рельефида қадимги муз қоплашларнинг излари-мореналар, сндлиқланган қоялар, тоғора сингари водийлар (троглар) кенг ўрин олган. Абадий музлик текисликларида кўп қиррали шакллар ҳосил бўлиб, полигонал майдонларни учратиш мумкин.

Шундай қилиб, Қирғизистон ҳудудидаги ландшафтлар баланд тоғли мураккаб ва ҳар хил орографик ҳолатнинг таъсири остида вужудга келган. Қирғизистон ҳудудининг маълум қисми қурғоқчил чўл зонаси кенгликларида жойлашганлигига қарамай, бу жойлар ёғингарчилик билан тўла таъминланган, аммо айрим жойларида ёғингарчилик чўлдагидан ҳам оз тушади. Баландлик ҳамда орфографик жойлашиши намликнинг тақсимланишига ўз таъсирини ўтказиши. Намгарчилик эса тупроқ билан ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун муҳимдир. Тупроқ ва ўсимликлар эса ландшафтлар кўзгусидир.

### 9.3. Маданий ландшафтлар

Қирғизистон ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги ўсимликларини ўстиришига имконияти бор ерлар ўзлаштирилиб, маданий ландшафтларга айлантирилган. Маданий ландшафтлар — одамларнинг хўжалик ишлари натижасида ўзларининг табиий ҳолатини ўзгартириб, қўл кучи билан яратилган янги табиат комплексларидир. Ер юзасида хўжалик юритишининг кенг тарқалишига тўсқинлик қилувчи бир қанча омиллар бор. Булар рельеф ва ер қатламини ҳосил қилувчи тоғ жинеларининг ташкил топиши, дарёлар, ер ости сувларининг тарқалиши ва режими, куёш нуридан олиннадиган иссиқлик миқдорининг ер юзасига тушган улуши ва бошқалар. Масалан, рельефи ва геологик жойлашишига қараб ерларнинг ҳаммасини ҳам яхши деб бўлмайди. Текисликдаги бундай ерни ўзлаштиришига тўсқинлик қилган омил — намининг озлиги. Агарда дарёлар суви билан намин маълум даражага етказсак, у ер энг яхши маданий

ландшафтга айланади. Баландликларда рельефи ва геологик жойлашиши яхши бўлсада, ердан унумли фойдаланишга иссиқлик миқдорининг етишмаслиги тўсқинлик қилади. Қирғизистонда ҳар хил тоғлардаги деҳқончилик учун яроқли ерлар ўртача 2600 м гача бўлган баландликни ташкил қилади. Ундан юқорида эса вегетация даври қисқа бўлган тезпишар экинлар ҳам етилиб улгурмайди.

Маданий ландшафтлар тоғ этакларидаги қия текисликлардан, дарё водийларидан, дараларнинг қуйи қисмидан жой олган. Фарғона водийсидаги ҳудудлар сув билан таъминланган ва ҳамма ерлар маданий ландшафтларга айланган. Чуй водийсининг кўпчилик қисми, Талас водийсининг олд томони, Норин дарёси бўйидаги яроқли ерлар ва Иссиқкўл атрофидаги 1700 — 1800 м баландликда жойлашган қия текисликлардаги маданий ландшафтларнинг аҳоли зич жойлашган ерларида иқлим табиий ҳолатига қараганда бироз ўзгарган. Масалан, намлик юқорироқ, ҳарорат ҳам ёзда 2 — 3°C га пастроқ, қишда эса 0,40C га юқорироқ бўлади. Бу ҳолатлар маданий ландшафтларда иссиқлик мувозанати ўзгарганлигидан далолат беради. Табиий ўзлаштирилмаган ерда ёзда тушган Қуёш нури ер бетини иситиб, ундан пастки қатламга ҳам ўтиб туради. Ўзлаштирилган ерларда эса, иссиқликнинг бир қисми дарахтлар, қишлоқ хўжалик экинлари томонидан ўзлаштирилиб, транспирация (сувнинг буғланиши) учун сарфланади. Шунинг учун ўзлаштирилган воҳаларда намлик юқори ва ёзда ҳарорат бироз пастроқ.

Қўл кучи билан очилган ариқлар гидрографик тўрни ҳосил қилиб, тупроқ-грунтлардаги ер ости сувлари табиий режимини ўзгартиради. Бу жойларда гидроморф жараёнлари кечади.

Маданий ландшафт тупроғи аввалги ўзлаштирилмаган тупроққа нисбатан бошқачароқ бўлади. Доимо суғорилувчи жойларда тупроқнинг аввалги структураси бузилиб, уни намлик, иссиқлик ва биологик режими ўзгариб, суғорилувчи бўз тупроқларга айланади, сувлар оқизиб келган лойқалар тупроқнинг устки қатламга тўпланиб бориб, ер қатлами қалинлашади, гумусли қалин қатлам ҳосил бўлади.

Яхши ўзлаштирилган майдонларда суғориш қоңдалари бузилган ҳолларда, ер ости сувларининг сатҳи кўтарилиб кетиб, ерни яроқсиз ҳолатга келтириб қўйиши мумкин.

Маданий ландшафт ўсимликлари асосан инсон қўли билан ўстирилган ўсимликлардир. Булар ҳар хил қишлоқ хўжалиги экинлари, мевали дарахтлар, декоратив ўсимликлар ва бошқалардир.

Маданий ландшафтнинг ҳайвонот дунёси ҳам хилма-хилдир. Айниқса бу ерларда қушларнинг сони кўп. Улар маданий ландшафт зоналарига мос равишда тарқалишади. Айрим жониворлар одамга яқин яшаб, кўникиб қолган (чумчуқлар, сиққонлар, каламушлар, мусичалар, кўршапалаклар, қалдирғочлар ва бошқалар).

Маданий ландшафтлар ўз атрофидаги табиий ландшафтлардан кескин фарқ қилади. Бундай ландшафтларни **антропоген ландшафтлар** ёки одамлар яратган ландшафтлар деб аташади.

### Савол ва топшириқлар

1. Қирғизистон харитасини яхшилаб қараб, қайси тизма тоғлар ғарбдан ва шимолӣ-ғарбдан келадиган ҳаво оқимларининг йўлида жойлашганлигини аниқланг.

2. Нима учун тизма тоғларнинг шимолӣ ва ғарбӣ ёнбағирлари ўсимликларга бой?

3. Ландшафт ҳосил қилувчи асосӣ омиллар қайсилар?

4. Хўжалик ишларини юритиш мақсадида қайси ландшафтлар яхши ўзлаштирилган?

5. Қирғизистон ҳудудида қандай ўрмонлар ўсади?

6. Дашт ландшафтларига ҳоё ўсимликлар билан ҳайвонот олами рўйхатини ўз билимингизга ишониб тузинг.

7. Мактабингиз қайси ландшафт зонасида эканлигини аниқланг?

8. Қирғизистон ҳудудидаги асосӣ ландшафт турларини санаб беринг.


9. Маданий ландшафт дарахтларини санаб беринг ва бу дарахтларда қандай қушлар яшайди?

10. Мактабингиз атрофидаги табиий ва маданий ландшафтни солиштириб, уларни изоҳлаб беринг.

## 10. ТАБИЙ-ГЕОГРАФИК РАЙОНЛАШТИРИШ

### 10.1. Қирғизистон ҳудудини районлаштириш шартлари

Қирғизистон ҳудудини табиий-географик районлаштиришнинг бир қанча шартлари бор. Булардан энг асосийси 1987 йилда нашр қилинган «Қирғизистон ССР нинг атласи»да аке этган (муаллифлардан бири С.Ў. Ўмурзаков). Бу атласдаги районлаштириш ҳали СССР тарқалмай туриб, ҳамма СССР ҳудудини битта табиий географик бўлак деб ҳисобланган вақтда иш-



Табийй-географик районлаштириш

лаб чиқилган. Бу нуқтаи-назар бўйича Қирғизистон ҳудуди бошқа иттифоқдош республикалар ҳудудлари билан биргаликда учта табиий-географик ўлкага бўлинган (Ўрта Осиё ёки Туркистон паст текисликлари; тоғли Ўрта Осиё ва Марказий Осиё). Ўлкалар ўз навбатида олтита табиий-географик вилоятга, 10 провинцияга, 28 округга ва бир қанча районларга бўлинган. Ҳозирги вақтда бундай нуқтаи-назарга таяниб, Қирғизистон ҳудудини табиий-географик районлаштириш мумкин эмас. Атласда кўрсатилган Чуй-Талас провинцияси бир ўлкага, Шимолий Тяншан провинцияси иккинчи ўлкага киради. Иккала ўлканинг ёки номлари қайд этилган провинцияларнинг чегаралари 700 — 900 м баландликлардан ўтади, дейилган. Бу шарт бўйича Бишкек шаҳрининг ҳудуди текисликдаги Ўрта Осиё ўлкасига киритилиб, Чўнариқ, Ўртасой қишлоқлари эса тоғли Ўрта Осиё ўлкасига киради. Бу шарт аввалги СССР ҳудудини районлаштириш вақтида тўғри бўлсада, Қирғизистон мустақил суверен мамлакатга айланган ҳозирги даврда мутлақо тўғри келмайди.

Қирғизистон ҳудудини тўлалигича ягона ҳудудий табиий комплекс деб атасак мақсадга мувофиқ бўлади. Бу табиий комплексни шартли равишда ўлка деб ҳам аташ мумкин. Ривожланиш тарихи ва геологик тузилиши бўйича бу ўлка иккита табиий-географик вилоятларга — Тяншан тоғли вилоятига ва Помир-Олой тоғли вилоятларига бўлинади. Ҳар бир вилоят провинцияларга, округларга ва районларга бўлиниб кетади. Чуй, Талас ва Фарғона водийларининг текисликлари ҳам геологик жойлашуви, ривожланиш тарихи, иқлими, гидрографияси ва бошқа ўзига хос хусусиятлари, шунингдек тоёқияликлари билан қўшилиб, вилоятлар таркибига киради. Шунинг учун уларни алоҳида ўлкаларга ёки вилоятларга ажратмай ягона ҳудудий-табиий комплекс таркибида ўрганишимиз тўғрироқ бўлади.

Бу шарт бўйича Қирғизистон ҳудудидаги иккала табиий-географик вилоятлар қуйидагича табиий-географик провинцияларга бўлинади: Тяншан тоғли вилояти — Шимолий Тяншан, Ички Тяншан, Марказий Тяншан, Иссиқкўл ботиғи, Жануби-ғарбий Тяншандан иборат бешта провинцияларга бўлинади. Помир-Олой тоғли вилояти эса Олой-Туркистон ва Олой водийсидан ташкил топган бўлиб, иккига бўлинади. Бундан кейинги таърифлашлар бўлинган провинциялар бўйича берилади.

## 10.2. Шимолий Тяншан

Шимолий Тяншан ўз номи билан Қирғизистоннинг шимолий қисмида жойлашган. У шимол ва ғарб томонидан давлат чегараси билан, жанубдан табиий чегаралар — Кунгай Олатов, Қирғиз Олатови ва Талас Олатовларининг сувайирғичлари билан чегараланган. Юқорида қайд этилган тизма тоғларнинг шимолий ёнбағирлари, Или ва Чуй-Или Олатовларининг жанубий ёнбағирлари, Талас, Чуй, Катта Кемин, Кичик Кемин водийлари бу ҳудуд табиий комплексининг асосини ташкил қилади. Умумий майдони 26 минг км<sup>2</sup> га яқин. Бу провинциянинг ғарбдан шарққа, Манас чўққисидан Талғар тоғигача бўлган узунлиги 535 км. Чуй водийсидаги энг кенг жойи 105 км. Энг баланд жойи Қирғиз Олатовидаги Ғарбий Аламудун чўққиси (4895 м). Энг паст жойи Чуй дарёси қирғоғида жойлашган бўлиб, Камишановка қишлоғига яқин (530 м). Тизма тоғлар асосан кенглик бўйича чўзилиб ётса, тоғ оралиғидаги узун водийлар эса бироз шимолий ғарбга томон оғиб кетган. Дарёларнинг тоғ этагидаги водийларга чиққан жойларидаги учли, конуссимон кўтарилган тоғ сойлари ёйилмалари бир-бирига яқинлашиб, қия текисликларни ҳосил қилишади.

Провинциянинг шарқ томонини Кунгай ва Или Олатовлари ўртасида жойлашган Катта Кемин водийси эгаллайди. У тоғ оралиғидаги баландликда жойлашган водийларнинг бири ҳисобланади. Бунинг шимолида Кичик Кемин водийси жойлашган. Бўйим дарасининг бошланишидан ғарбга томон кенгайиб, қия текислик Чуй водийси жанубдан Қирғиз Олатови билан чегараланиб, унинг ёнбағирларидан оқиб чиққан оқар сувлар чуй дарёсининг чап irmoқлари ҳисобланади. Шимолий Қирғизистондаги тизма тоғ этакларидан бошланган текисликларнинг энг кенг жойи Оқсув ҳавзасидан Камишановка қишлоғигача 70 километр чиқади.

Шимолий Тяншаннинг ғарбий қисмини Талас водийси эгаллайди. Шимолдан Қирғиз Олатови, жанубдан Талас Олатови чегаралаб турган тоғ орасидаги водийнинг кенглиги 10 — 15 километрга яқин. Ғарбга томон кенгайиб бориб, тоғ этакларидаги текисликларга қўшилиб кетади.

Шимолий Тяншаннинг асосий тектоник тузилишининг шаклланишида Қирғизистон ҳудудидаги энг қадимги ороген каледон тоғ бурмаланишининг аҳамияти катта. Бу бурмаланиш давридан бошлаб ер юзаси энг мураккаб тарихни босиб ўтган. Қуйи

палеозойдан бошлаб Қирғизистоннинг бу қисмида геосинклинал режими охирлаб, антиклинал ва синклинал тузилишлар ҳукм сура бошлаган. Қирғиз Олатовининг тепаларида энг қадимий кембрийгача бўлган кристаллашган метаморфик чўкма жинслари очилиб, ер бетига чиқиб туради (гнейслар, кристалли сланецлар). Улар тепасида тўпланган палеозой чўкма жинслари тоғ ёнбағирларини ҳосил қилади. Чўкма жинсларни ёриб чиқиб, қотиб қолган интрузивлар-гранитоидлар, габронидлар учраб туради. Тоғ этаклари ва адирлар неогенли кучсиз цементланган қизил ва кулранг конгломератлар, тўртламчи даврнинг говак шағаллари билан қопланган. Тоғ ораллигидаги водийлар ва уларнинг этакларидаги текисликлар тўртламчи даврнинг қалин қатлами билан қопланган.

Рельефнинг ҳозирги кўрinishини ҳосил қилган тектоник кучлар альп ороген бурмаланишига тегишли. Неогенда бошланган бу ороген ҳаракати қадимги палеозой давридан сақланиб келаётган тектоник тузилишни қайтадан ҳаракатлантирган қарама-қарши йўналишдаги вертикал кучлар таъсири натижасида антиклинарийлар баланд тоғларга, синклинорийлар эса паст водийларга айлана бошлаган. Баландликлар бошланган жойларда нураш ва эрозия жараёнлари натижасида ҳосил бўлган тоғ жинсларини қуйи водийларга ташиб, уларни говак жинслар билан тўлғазиб туришган. Чуй водийсидаги палеозой пойдевори гача бўлган говак жинсларнинг қалинлиги 3,5 — 4,0 км га етади.

Шимолӣ Тяншаннинг иқлими асосан континентал иқлим. Иқлимнинг ўзгариб туриши ҳар бир ҳудуднинг гипсометрик ҳолатига, тизма тоғларнинг жойлашишига, ёнбағирларнинг турличалигига ва бошқа омилларга боғлиқ. Бу регионга ғарбдан ва жануби-ғарбдан йўналган нам ҳаво оқими текисликлардан ҳеч қандай тўсиқларга учрамай ўтиб, тоғ этакларига ва ёнбағирларига келганда баландлашган сари ёғингарчилик кўпая боради. Чўд зонасига яқин жойлашган пасттекисликларнинг шимол томонлари қурғоқчил бўлиб, ёғингарчилик оз. Бу ерларнинг қиши совуқ, ёзи иссиқ. Июннинг ўртача ҳарорати 24 — 25°C, энг юқориси 40 — 44°C. Қишда январнинг ўртача ҳарорати -8 — 10°C, энг совуқ пайти -40 — 43°C гача етади. Ёғингарчиликнинг ўртача йиллик миқдори 270 — 350 мм, ёғингарчилик асосан баҳор ойларида бўлади. Гипсометрик ҳолатига боғлиқ ҳолда тобора баландлашган жануб томон сари иқлим юмшай бошлайди. Қишдаги ҳарорат -4 — 5°C. Шу билан биргаликда ёғин-сочин-

нинг ўртача йиллик миқдори ҳам орта боради. Тизма тоғ тепаларида эса ёзги ҳарорат (июль) ўртача 7 — 8°C гача, январь ойи — 11 — 600 — 3000 метр. Бу зонада йилига 1000 мм гача ёғингарчилик бўлиши мумкин.

Ҳарорат режими ва ёғингарчиликнинг йиллик ўртача миқдори бўйича Катта Кемин водийси фарбдаги кенг водийларга қараганда ажралиб туради. Бу ернинг қиши совуқроқ (январнинг ўртача ҳарорати -9 — 10°C, ёзи салқин (16 — 17°C). Водийнинг фарби очиқ, шарқи берк бўлганлигидан ёғингарчиликнинг ўртача йиллик миқдори бироз юқори (450 — 600 мм).

Шимолий Тяншан ҳудуди асосан Чуй ва Талас дарёлари-нинг ҳавзасида жойлашган. Энг Фарбида Талас водийсидан кейин Қарқара дарёси ҳавзаси бор. Дарёлари ёзда тўлиб оқувчи қор ва музликлар сувидан тўйинадиган Тяншан туридаги ва фақат қор сувидан ҳосил бўлувчи Олтой типидagi дарёлардан ташкил топган. Ёмғир сувларидан тўйинадиган дарёлар йўқ ҳисобида. Катта Кемин дарёси ҳавзасида, Қирғиз ва Талас Олатовларининг шимолий ёнбағирларидан оқиб чиқувчи дарёларнинг ҳавзаларида умумий майдони 778 км<sup>2</sup> га яқин музликлар жойлашган. Йирик музликларнинг узунлиги 5-6 километр, майдони 7 — 9 км<sup>2</sup> гача боради (Шарқий Оқсув, Голубая ва бошқалар). Сувининг кўплиги бўйича Чуй дарёси ажралиб туради. Унга Катта Кемин қўшилгандан кейинги йиллик ўртача сув сарфи 62 м<sup>3</sup>/сек га етади. Унинг ирмоғи Катта Кеминнинг сув сарфи 22 м<sup>3</sup>/сек. Шимолий Тяншаннинг иккинчи йирик дарёси Талас ҳисобланади. Унинг кўп йиллик ўртача сув сарфи 27,4 м<sup>3</sup>/сек.

Шимолий Тяншан текисликларининг кўп қисми кул ранг туپроқли чўл зонасига киради. Баланглиги юқорилаб, тоғ томонга яқинлашган сари бўз туپроқ оч кулранг туپроқ билан алмашилиб боради. Асосий ўсимликлари — шuvoқ ва турли эфемерлардан иборат. Эрта баҳор нам етарли бўлган пайтларда даладар гуллаб, яшнаб кетади ва у кўшлаб жониворларни ўннга жалб қилади. Бу даврда ҳаёт қайнаб кетади ва бу ерлар ҳар хил судралиб юривчилар, майда ҳашаротлар, кўшлаб кушларнинг масканига айланади. Аммо, баҳорнинг охирларига бориб ўт-ўланлар қуриб, яланғоч далага айланади.

Кенг текисликлар билан тизма тоғларнинг оралиқларида мала чўлдан иборат мураккаб рельефли адирлар жойлашган. Баланглик юқорилашган сари, намликнинг кўпайиши сабабли ўсимликларнинг турлари кўпайиб, қалинлаша бошлайди.

Ландшафти баландлик минтақасига биноан шартли бўлакларга бўлина бошлайди. Унча баланд бўлмаган минтақада (900 — 1300 м) чўл, чала чўл, пастқам тоғлар билан адирлар жойлашган. Бу минтақа ясси тоғлардаги курфокчил дашт минтақаси билан алмашади. Ўртача баландликдаги тоғ этакларида ўтлоқ далалар ва ўрмон майсазорлари жойлашган. Бу минтақадаги ўрмонлар бир-бирига яқин жойлашган тепаликларда бўлиб, Кемин водийсида ва Қирғиз Олатовининг шарқий қисмидагина учрайди. Талас водийсида ўзаро яқин жойлашган ўрмонлар йўқ. 2800 м дан 3400 — 3600 м гача субальп, альп тоғли яйлов минтақалари бор. 3600 м дан юқорида музлик, қор, яланғоч қоялардан иборат гляциал-нивалли минтақа жойлашган.

Шимолий Тяньшан географик хусусиятлари бўйича уч округга бўлинади: энг ғарбида Талас водийси, ўртада Чуй водийси, энг шарқий қисмида эса Кемин районлари жойлашган.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Қирғизистон ҳудуди қандай табиий-географик вилоятларга ва провинцияларга бўлинади?

2. Шимолий Тяньшан провинциясининг чегаралари қандай табиий чегаралар билан ажралган?

3. Шимолий Тяньшан геологик тарихи бўйича бошқа провинциялардан нимаси билан фарқ қилади?

4. Шимолий Тяньшан ландшафтининг баландлик минтақаларини санаиғ.

5. Қирғизистон контур харитасидан Шимолий Тяньшанни ажратиб кўрсатиғ.

6. Контур харитага Шимолий Тяньшан дарёлари номларини ёзиғ.

### **10.3. Иссиқкўл ҳавзаси**

Иссиқкўл табиий-географик вилояти асосан Иссиқкўл ҳавзасини эгаллайди. У Қирғизистоннинг шимоли-шарқида, кунгай Олатови билан Терскай Олатови ўртасида ғарбдан шарққа томон 252 км га чўзилган кенг водий. Кунгай Олатови билан Терскай Олатови этакларининг оралиғи Барсғон довоинининг қаршисида 118 км шарқдан ғарбга торайиб бориб, Кеген ва Кўчқор водийларига ўтиб кетади. Ҳавзасининг умумий майдони 22080 км<sup>2</sup>. Иссиқкўл сатҳи океан сатҳига нисбатан 1607,5 м баландликда жойлашган. Терскай Олатовининг энг баланд чўққиси Қорақўл дарёсининг ҳавзасида жойлашган. Шу ердаги



«Ёрилган юрак» (Жети-Огуз)

Қорақўл чўққисининг баландлиги 5280 м. Иссиққўл сатҳидан шу чўққининг баландлиги 3672,5 м. Бу чўққидан ғарб ва шарққа томон тоғнинг баландлиги пасайиб бориб, ғарбдаги Қўчқор водийсида ниҳоясига етади, шарқда эса Марказий Тяншан системаларига қўшилиб кетади.

Кунгай Олатовнинг марказий қисмида ва Чотқол дарёси ҳавзасида энг баланд жойлар бор. Катта Оқсув ҳавзасидан Чотқол ҳавзасигача бўлган ораликда тизма тоғнинг баландлиги 4000 — 4500 м. Энг баланд жойи — Чотқол чўққиси (4774 м). Шарқда тизма тоғ Кеген водийсигача етади, ғарбда Бўём дараси билан кесишиб, Қирғиз Олатови билан бирикиб кетади.

Иссиққўл ботиғи ва уни қуршаб турган тизма тоғларнинг геологик ривожланиши ва ер юзасининг ташкил топиши Шимолий Тяншан тарихи билан боғлиқ. Тяншаннинг ҳамма қисмига тегишли бўлган мезозой давридаги секин ҳаракатдаги платформа режими Иссиққўл табиий-географик вилоятида ҳам палеоген охиригача ҳукм сурган. Олигоцен (палеогеннинг охири) охирида миоценнинг бошида, палеозой даврида из қолдирган структураларда вертикал ҳаракат аста-секин кучга кира бошлайди. Ҳозирги тектоник структураларнинг асосийлари ўша замонларда бошланган охириги ороген тоғ ҳосил бўлиш жараё-



Жети-Огуз курортининг атрофи

нининг натижасида ташкил тона бошлаган. Терскай ва Кунгай Олатовлари аста-секин кўтарилиб, йирик, мегаантиклиналларга айлана бошлаганда, Иссиқкўл ботиғининг таги пасайиб, кенг синклинал водийни ташкил эта бошлайди. Ҷша даврлардан бошлаб, Иссиқкўл ботиғи атрофида ўсаётган тоғларда тушган говак жинсларнинг қатламлари ташкил топган. Бу қатламларнинг дастлабкилари майда қизил тусдаги қум ва шағаллар, унчалик қотмаган конгломератларга айланган. Кейинги даврларда буларнинг устига аста-секин йиғила бошлаган говак жинслар, яхши қотишмаган лойқали шағаллар қизил ва кулранг тусда бўлган. Неогеннинг охириги даврларига тўғри келган чўкма жинсларнинг таркиби бўйича Иссиқкўл ўша даврдаёқ ҳосил бўлганлигини билса бўлади. Кўлнинг энг баланд сатҳи тўртламчи давр ўрталарига ёки ёппасига муз қоплаш даврининг охирига тўғри келади. Дастлаб кўлнинг майдони 8000 км<sup>2</sup> бўлган. Бўём дарасини кўлдан оқиб чиққан сув аста-секин ўйиб-ялаб пасайтириши натижасида кўлнинг сув сатҳи пасайиб, охирида берк (суви оқиб чиқмайдиган) кўлга айланган. Берк кўлга айланиши унинг минерал таркибини юқорилата бошлаган. Кейинчалик оқимининг ўзгариши туфайли кўлнинг сатҳи гоҳ кўтарилса, гоҳ пасайиб турган. Кўл суви

сатҳининг охириги юқорилаши ўтган асрнинг ўрталарига тўғри келади.

Кунгай ва Терскай Олатовларининг сув айирғичидан Иссиқкўл қирғоқларига томон юрилса, олдин музликларнинг иш ҳаракатларига ҳос рельефни, аста-секин чуқур дараларни, қияликларни, унча баланд бўлмаган адирларни ва кўл атрофидаги текисликларни кўрамиз. Баландлик ҳолати ва рельефининг ташкил топиши бўйича Иссиқкўл атрофидаги тоғлар, паст тоғлар ва қия текисликлар қуйидаги бир неча ярусларга бўлинади:

7. Ҳозирги ва қадимги музликларнинг излари қолган гляциал-нивалли рельеф (2700 — 3200 м дан юқори);

8. Қадимги музликларнинг излари билинмайдиган эрозия-денудация рельефи (1620 — 3250 м);

9. Баланд тоғ этакларида жойлашган эрозия ва аккумулятивли рельеф (1620 — 2600 м);

10. Ботиқнинг остки қисмидаги аккумулятив рельеф (1608 — 2100 м);

11. Кўл косасининг тагидаги рельеф (1607— 1000 м).

Биринчи ва иккинчи ярусларда тик қоматли баланд тоғларга ҳос рельеф кўринишлари шаклланган. Энг баланд жойларида музлик босган қоялар-чуқурликлар, кенг цирklar, карлар, майда чуқурлар кўп учрайди. Учди қояларнинг орасидаги қияликларни қурумлар-қуйма шағаллар, қумлар қоплаган. Бу ерларда эрозия жараёнлари ва денудация ҳамшиша устунлик қилади. Фовак жинслардан мореналарнинг йиғилган қатламларини топиш мумкин.

Учинчи ярус тоғ этакларидаги адирлар, пастқам тоғлардан иборат. Терскай Олатовнинг шимолий ёнбағирида, асосий тизмага параллел ёндошган пастқам тоғлар жойлашган. Айрим жойларда бу пастқам тоғлар билан асосий тоғ тизмасининг ўртасида кенглик бўйича чўзилган водийлар жойлашган (Қўнур-Улан, Олабош, Сутлибулоқ). Пастқам тоғлар дарёлар водийлари билан кесилиб, турли узунликдаги, эни 5 — 10 км келадиган 2000 — 2300 м баландликдаги воҳаларни ташкил қилади. Кунгай Олатовнинг ёнбағирларида алоҳида ажралиб турган паст бўйли тоғлар учрамайди. Эрозион ва аккумулятивли рельеф биринчи ва иккинчи ярусдаги рельефнинг давомига ўхшаб пастлаб бориб, қия текисликларга айланиб кетади.

Иссиқкўл косасини ташкил этган аккумулятив текисликлар потекис, қияликлар ўйдим-чуқур ҳосил қилиб жойланишган. Аккумулятив текисликларнинг энг кенг майдонлари ботиқнинг

шарқий қисмида Жирғалан ва Туп водийлари томонда жойлашган. Бу водийларнинг ўртасида Тасманинг дўнг тепалари шарқдан ғарбга томон 237 м дан 1800 м гача пастлаб, Тепкада тўхтайдди. Унинг давоми Жирғалан қўлтиғини Туп қўлтиғидан ажратиб турган қуруқлик Хребет ярим оролидир. Ундаи жануброқда Катта ва Кичик Бўрибош тепаликлари (1811 м), жануби-ғарбда Ўرғўчўр (2061 м) ва Кичик Ўрғўчўр (1747 м) тепаликлари ўрин олган. Юқорида қайд этилган тепаликлардан бошқа майдонларнинг ҳаммаси алювиал қия текисликлардир.

Ғарбдан Иссиқкўл ботиғи Қорақўй тоғ тизмалари билан Қўчқор водийсидан ажралади ва кўлнинг қирғоғидаги Оқўлан текислиги Балиқчи атрофидаги текисликлар билан бирикиб, кенг ҳудудни ташкил қилади. Текисликлар орасида Бўзбармоқ дўнглиги жойлашган.

Кўл косаси остининг рельефи ўз тузилишига кўра учга бўлинади: шельф ёки қуруқликдаги рельеф шаклларининг давоми (0-300 м гача), материк ёнбағри (300 — 550 м) ва абиссиал текислик ёки кўлнинг ости (550 — 660 м). Абиссиал текислик ўйдим-чуқури йўқ текислик дегани. У материк ёнбағирларига ўхшаб кетади. Материк ёнбағирлари рельефи мураккаб, ўйдим-чуқурлар, зовурлар билан майда бўлақларга бўлинган. Материк ёнбағирлари тепасидан кўлнинг чекка соҳиллари томонда майда-майда текисликлар бор. Бу текисликларнинг айрим жойларини дарё водийларининг сув босиб қолган жойлари кесиб ўтади. Бу водийлар Туп, Жирғалан ва бошқа дарёларнинг қадимги йўли эканлиги ва уларнинг ўзанлари ҳозирги кўлнинг сатҳидан 100 м чуқур эканлиги аниқланган. Ҳозирги вақтда кўлга сув қўймайдиган қадимги дарё изи Балиқчи шаҳрининг ёнида сақланиб қолган.

Иссиқкўл ботиғинининг иқлим шароити Қирғизистоннинг шимол томонига тегишли атмосфера циркуляцияси, радиацион режими ва бошқа омилларнинг таъсири натижасида юзага келади. Орографик берклиги ва кўл косаси кенг майдонни эгаллаганлиги иқлим шароитига кескин таъсир этади. Бундай таъсирларнинг бири ботиқнинг ғарбий қисми қурғоқчил бўлганлигидир. Балиқчи шаҳри атрофида кўп йиллик ёғин-сочининг ўртача йиллик миқдори 115 мм, энг кўп ёққан йилларда — 249 мм (1955), энг оз ёққан йилларда 40 — 60 мм. Шу пайтда ботиқнинг шарқий қисмида, аксинча, намгарчилик кўп. Қоракўл шаҳрида 100 йилдан ортиқ кузатишлар натижасида (1882 йилдан бошлаб) аниқланган йиллик ёғингарчиликнинг ўртача миқ-

дори 410 мм ни ташкил қилган. Ёғингарчилик кўп бўлган йилларда 660 — 680 мм, қурғоқчилик йилларида эса 225 — 260 мм гача ёғингарчилик бўлади.

Юқоридаги хусусиятлардан яна бири — ҳароратнинг ботиқ бўйича ўзгариб туришидир. Ҳароратнинг ўртача йиллик миқдори Қоракўлда 6°C, Балиқчида 4°C, Чўлпонотада 7°C, Тамғада 7,6°C. 1608 м баландликда ҳароратнинг бундай юқори бўлиши кам учрайдиган ҳолдир. Масалан, яқин жойлашган Қўчқор районида йиллик ҳароратнинг ўртача миқдори 4°C, Казарманда эса 5°C. Ботиқда қишдаги ўртача ҳарорат ҳам унчалик паст даражада эмас: Қоракўлда -7°C, Балиқчида -4°C, Тамғада -2,4°C, Чўлпонотада -3,4°C. Қишда унча совуқ эмас, қаттиқ совуқ деярли бўлмайди. Ёздаги ҳарорат ҳам унчалик юқори эмас. Июлнинг ўртача ҳарорати Қоракўлда +16,9°C, Балиқчида +18,8°C, Чўлпонотада +17°C, Тамғада +17,8°C. Ёз кунларидаги иссиқ қуёшли кунлар кўл бўйида сезилмайди.

Иқлим хусусиятларини энг юқори ва энг паст ҳароратлар фарқида ҳам кўриш мумкин. Чўлпонота атрофидаги энг юқори ҳароратнинг ўртача кўрсаткичи +27°C, Қоракўлда +30°C бўлса, мутлақ -энг юқори иссиқ ҳамма жойларнинг ўзида +31°C ва +34°C гача бўлади.

Қиш кунлари ҳарорат инверсияси ботиқнинг, айниқса, шарқий қисмида сезилади. Шунинг учун, шарқий қисмидаги энг пастки ҳароратнинг ўртача кўрсаткичи -21°C бўлса, Чўлпонотада -14°C, Тамғада -11°C, кўл атрофида кузатилган мутлақ энг паст ҳарорат Қўйсарида -35°C гача борган.

Ёғингарчиликнинг озлиги, қуруқ ҳаво, илиқ қиш ва салқин ёзи Иссиқкўл бўйини энг яхши курорт зонасига айлантирган. Бунга қўшимча, сувининг тозаллиги, ҳарорати ва ёз кунларидаги қуёш радиацияси инсон саломатлиги учун зарур бўлган табиий шароитларни яратган.

Иссиқкўл ҳавзасининг умумий майдони 22080 км<sup>2</sup>, бундан 6236 км<sup>2</sup> ни кўл эгалласа, 3092 км<sup>2</sup> майдонни кўл бўйидаги ва тоғ этакларидаги текисликлар ташкил қилади. Қолган 12752 км<sup>2</sup> майдон дарёларни ҳосил қилувчи майдонлардир. Бу майдонлардан 118 га яқин дарё кўл томонга оқади ва уларнинг 80 га яқини кўлга қуйилади. Ҳозирги вақтда дарё ва сойлар сувлари суғоришда фойдаланилганлиги учун кўлга қуядиган сувлар миқдори яна ҳам озаймоқда. Иссиқкўл ҳавзасидаги дарёлар оқимининг ҳосил қилувчи сувларнинг йиллик миқдори 3720 млн м<sup>3</sup> ёки ҳар

бир секундда  $118 \text{ м}^3$  сув оқиб чиқади. Бу дарёларнинг асосий сув манбаи баланд тоғлардаги музликлар ва қорлардир. Ёмғир суви Туп дарёси ҳавзасидагина бироз аҳамиятга эга. Энг катта дарёлари: Жирғалан ( $22,5 \text{ м}^3/\text{сек}$ ), Туп ( $10,6 \text{ м}^3/\text{сек}$ ), Қорақўл ( $6,6 \text{ м}^3/\text{сек}$ ), Жўўкў ( $6,28 \text{ м}^3/\text{сек}$ ), Жетиоғуз ( $5,6 \text{ м}^3/\text{сек}$ ), Катта Оқсув ( $5,12 \text{ м}^3/\text{сек}$ ). Кўлни ўраб турган тоғлардаги музликларнинг умумий майдони  $510,1 \text{ км}^2$ , сони — 675 та. Булардан бир қанчаси ( $369,8 \text{ км}^2$ ) Тереккай Олатовининг шимолий қисмида жойлашган. Қайд этилган дарёларнинг ҳаммаси кўлга қуйилади. Аммо кўлдан бирорта ҳам дарё оқиб чиқмайди. У берк кўл ҳисобланади. Кузатувчиларнинг маълумотига қараганда кўл юзасига тушадиган йиллик ёғингарчилик миқдори 251 мм, дарё сувларининг миқдори 437 мм бўлса, кўл юзасидаги буғланиш 702 мм ёки сув баланси  $251 + 437 - 702 = 14$  мм. Демак, ушбу фарқни тўғри деб ҳисобласак, ҳозирги кунда кўл йилга 14 мм қалинликдаги сув қатламини йўқотиб туради.

Иссиқкўл ботиғининг тупроғи ва ўсимликлари баландлик минтақалари бўйича ўзгаради. Фарб томони чўл ва чала чўл (1608 — 2200 м баландликда), шарқий қисмида, шу баландликда даштли майдонлар ҳар ерда жойлашган. Тупроғи карбонатли кулранг тупроқ, ўсимликлари — шувоқ, чий (ёввойи гилос), терескен ва бошқалар. Шарқда қора кулранг тусли тупроқда ҳам бир қанча ўсимлик ва ўтлар ўсади. Бу жойлар тўлиқ, ўзлаштирилиб, маданий экинзорларга айлантирилган. Фарбида ҳам дала майдонлари бўлиб, улар 2000 м дан 3000 м гача баландликда жойлашган. Тупроғи қора кулранг, кунгайлигига қараб чала чўл ўсимликларидан тортиб, то ботқоқ дала ўсимликларигача бор. Шарқда ўрмон далалари бўлиб, ер юзасининг ҳолатига қараб ўзгариб туради. Тўқай қисмлари асосан Тяньшан қарағайлари билан қопланган. Улар Тереккай Олатовида, Қажисой водийсидан шарқ томонга қараган майдонларни эгаллайди. Қарағай билан аралашиб, иргай, арча, шилби (уч қат), зирк, табиғи, наъматак шунга ўхшаш бошқа бутасимон ўсимликлар ўсади. 3000 — 3300 м баландликларда бутали субальп, унда юқорида 3600 — 3800 м гача альп ўтлоқлар, 3600 — 3800 м дан юқори тоғ тепаларида гляциал-нивалли минтақа ўрин олган.

Иссиқкўл ботиғининг ҳайвонот дунёси ҳар хил ва улар турлича келиб чиқиш хусусиятига эга. Ўсимликлари билан тупроқлари сингари ҳайвонот дунёсининг тарқалишида ҳам баландлик минтақалилиги сезилади. Чала чўл ва дашт майдонларида, қуруқликда ва сувда яшовчилардан тошбақалар, сичқонлар, йирик

сут эмизувчилардан жайронлар учраб туради. Қуён ва тулкилар бор. Қушлардан: тўрғай, чумчуқ, қалдирғоч, бойўғли ва бошқа кўплаб сайёҳ қушлар яшайди.

Пастқам тоғлардаги майсазор далаларда ва ўрмонларда кийиклар, буғулар, ёввойи чўчқалар, айиқлар, тулкилар, бўрилар ва майда сут эмизувчилар учрайди. Нина баргли ўрмонларда мусича, қалдирғочлар учраб турса, қуёшли томонларда каклик, чил ва ҳар хил йиртқич қушлар кўзга ташланади.

Альп зонасида суғурлар, архарлар, эчкилар, айиқлар, тўнғизлар бор. Йиртқич қушлардан бургут, лочин ва бошқа қузғунлар учрайди. Яна бир қанча сайёҳ қушлар ёз ойларида пайдо бўлишади.

Иссиқкўлда сувда сузувчи қушлар айниқса кўп, ўрдаклар, чағалай ва оққушлар шу ерда қишлашади. Бошқа кўплаб қушлар ёз ойларида бу ерга келиб, бола очишади.

Иссиқкўлга 30-йилларидан бошлаб турли томонлардан ҳар хил балиқлар келтирилиб, урчитилган. Бу кўлга ташланган форель ва судак балиқлари йиртқич балиққа айланиб кетишди. Улар маҳаллий балиқлар — чабак, кўкола, қанчилтир, лешларни йўқ қилишиб, ҳозирги кунда балиқларнинг умумий сонини озайтириб юборишди. Иссиқкўл аста-секин балиқсиз кўлга айланиб бормоқда.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Иссиқкўл ботиғининг чегараларини аниқланг. Уни қайси тоғ тизмалари ўраб туради?
2. Иссиқкўл ботиғининг келиб чиқиш тарихи қайси даврга тўғри келади?
3. Иссиқкўл ботиғининг ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси қандай қопуният асосида тарқалишган?
4. Иссиқкўл ботиғининг баландлик минтақаларини сананг.
5. Қирғизистон контур харитасида Иссиқкўлни алоҳида кўрсатинг.
6. Иссиқкўлга қуйиладиган йирик дарёларни санаб беринг.
7. Иссиқкўлнинг майдонини, чуқурлигини, биландлигини аниқлаб, айтинг.

## **10.4. Марказий Тяньшан**

Марказий Тяньшан Қирғизистоннинг шарқ томонидаги энг баланд тизма тоғлар билан тоғ оралиғидаги баланд водийларни эгаллайди. Унинг чегараси: шимолда Терскай Олатови шарқий қисмининг қирлари, жанубда Қақшаал тоғи, шарқда Меридиан тизма тоғи ва ғарбда Оқийроқ тоғ тугунининг сув айирғичи.

Марказий Тяншан ҳудуди Сарижаз дарёсининг ҳавзасига тўғри келади ва умумий майдони 12900 км<sup>2</sup> га тенг. Регионнинг узунлиги Оқшайроқнинг сув тақсимлагичидан Меридиан тизма тоғига қадар 200 км га яқин, эни 70 км (Терскай Олатовидан Қақшаал тоғининг қирларигача). Энг баланд жойи — Ғалаба чўққиси (7439 м). Мана шу ҳудудда машҳур чўққи Хонтоғ (6995 м) ва 6000 м дан ортиқ бир неча тоғ чўққилари бор. Энг паст жойи Сарижаз дарёси ўзани. Унинг Қирғизистон ҳудудидан чиқиб кетаётгандаги баландлиги 1680 м. Демак, энг баланд жойи билан энг паст жойининг фарқи — 5759 м, ўртача баландлиги 3000 м дан юқори.

Тизма тоғларнинг асосий йўналиши шарқдан ғарбга қараб чўзилиб, аста-секин ғарбий қисмида бир-бирдан йироқлашиб, ёйилиб кетган. Энг тор ва баланд қисми Ғалаба ва Хонтоғ чўққиларининг атрофи, бу ердаги Меридиан тизма тоғининг узунлиги 32 км, ўртача баландлиги 6417 м, ғарбий ёнбағри қор ва музликлар билан қопланган. Бу ердан Қирғизистоннинг энг баланд музликлари — Жанубий ва Шимолий Энгилчакдан бошланади.

Меридиан тизма тоғидан ғарбга томон Тяншан тоғ тизмасининг орфографик birlikлари — Қақшалтоғ, Бўзқир, Сарижаз, Тангритоғ бошланади. Юқорида айтиб ўтилган тизма тоғлардан яна янги тизмалар (Терскай Олатови, Энгилчактоғ, Қайинди, Майбош, Уччот тоғлари) ажралиб, Хонтоғри тоғ боғламанинг асосини ташкил қилади. Шарқдан ғарбга чўзилган тизма тоғларни Сарижаз дарёси шимолдан жанубга қараб кесиб ўтиб, чуқур дараларни ҳосил қилади. Сарижаз дарёсининг ғарб томонидаги тизма тоғларнинг давоми Кўўлу, Теректи, Уччот тизма тоғлари Оқшайроқ тоғ тугунига келиб тақалинади. Бу тизма тоғлар бир-бирдан тоғ оралиғидаги тор ва чуқур водийлар орқали ажралиб туради.


Водий ичкарасини Терскай Олатови билан Сарижаз тоғ тизмасининг баландлашган синклинал мульдани эгаллайди. Бунинг узунлиги 80 — 85 км, эни 25 км га яқин. Энг пастки қисмини морена дўнгликлари эгаллаб ётади, улар аста-секин унча баланд бўлмаган ясси қияликларга айланиб кетади. Бундай қияликлар бу ерларда яхши сақланиб қолган. Чуқурлатма эрозия Оттук ва Кўўлу дарёларининг мансабидан (ёйилмасидан) бошланади. Бу ҳудудда қадимги рельефнинг қолдиқлари тоғ тизмаларидаги текислик майдонлари тариқасида сақланиб қолган.

Энгилчак водийси Сарижаз тизма тоғи билан Энгилчак тоғи ўртасидаги чуқур водийдир. Унинг юқори қисмини катта муз-

лик — Жанубий Энгилчак эгаллаган. Унинг асосий хусусиятлари чуқурлиги, текислиги ва тоғора (корито) шаклидагидир. Пастки қисмида эни 1—2 км келган дарёнинг ёйилган жойи (ёйилмаси) фақат шағал тошлардан иборат. Қолган водийлар баланд тоғлардаги водийлардагидек торайган, қадимги музликларнинг излари кенг тарқалган.

Марказий Тяншаннинг асосий тектоник структураларининг юзага чиқишида каледон ва герцин орогенли ҳаракатларининг аҳамияти катта. Аммо рельефининг ҳозирги кўриниши охириги тоғ ҳосил бўлиши ёки альп ороген ҳаракати натижасида ташкил топган. Альп тектоник ҳаракати даврида Марказий Тяншаннинг қадимги структураларининг умумий кўтарилиш жараёнида бир хил монолитга ўхшаш йирик мегаантиклинаклар қатнашган. Шунинг учун қадимги денудацион текисликлар умумий кўтарилишда қатнашиб, ҳозирги баланд жойлашган қолдиқ текисликлар, яъни умумий сиртларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлган. Тизма тоғларнинг ҳозирги кўринишини пайдо қилган тектоник ҳаракат тўртламчи даврда тобора кучга кирган цикли тектоник ҳаракатларга мос ҳолда бир қанча марта қайталаниб турган муз қоплашларга дуч келган. Муз қоплашларининг биринчи ва иккинчи босқичидагина йирик водий музликлари ҳосил бўлиб, ҳозирги даврдаги муз қоплашларнинг изларини қолдирган. Ҳозирги тектоник кўтарилиш қолдиқларининг скульптура шаклларигина айрим жойларда сақланиб қолган. Фовак чўкинди жинслар Иссиққўл ва Тарим ботиқларида тўнланган.

Геологик тузилишида қадимги протерозой билан палеозойнинг бириккан ва метаморфизмлашган чўкмалари устунлик қилади. Бу чўкмаларни ёриб чиққан интрузив жинслар ҳам кенг тарқалган. Энг ёш чўкмалар Сарижаз, Қайинди муьдаларида қизил тусли неоген конгломератлари сифатида тарқалган. Тўртламчи даврининг чўкмалари асосан мореналар ва дарё тагидаги шағаллардан иборат. Марказий Тяншан иқлими континенталли, ер юзасининг баланд жойлангани, чегараларидаги баланд тизма тоғлар, уларнинг баландлик бўйича тарқалиши иқлимнинг кўп хусусиятларини келтириб чиқаради. Қишда Осиё антициклонларининг бир қисми доимий устунлик қилиб турганидан узоқ вақтгача ҳаво очиқ бўлиб, ёғингарчилик кам бўлади. Асосий ёғин баҳорнинг охири ва ёз ойларида ёғади. Куз ойлари илқ, қурғоқчил келиб, йилнинг энг яхши фасли ҳисобланади.



Қайинди музлиги ва унинг тармоқлари (Марказий Тяньшан)

Қуёш радиациясининг миқдори катта: Бишкекда қандай бўлса, Марказий Тяншанда ҳам шундай (2600 соат). Термик режими бўйича континенталли иқлимга хос кескин ўзгаришлар бўлиб туради. Январнинг ўртача йиллик ҳарорати водийларда  $-15^{\circ}\text{C}$ , тоғ тепаларида  $-22^{\circ}\text{C}$  бўлади. Июлнинг ўртача йиллик ҳарорати водийларда  $11-12^{\circ}\text{C}$ , баландликларда (3600 м)  $4-5^{\circ}\text{C}$ . Йиллик ўртача ҳарорати доимо  $0^{\circ}\text{C}$  паст туради.

Ёғингарчиликнинг тақсимланиши баландлик, экспозиция, орографик берклиги ва бошқа омиллар таъсири натижасида ўзгариб туради. Умуман ёғингарчиликнинг миқдори ғарбдан шарққа томон ортиб боради. Шунинг учун, жанубдаги водийлар қуруқ келади. Энгилчак музлигининг ички қисмларида 1000 мм гача ёғин бўлса, Оқшийроқ водийсида эса 189 мм, Қўўлу водийсида 300 мм, Семёнов музлигининг устида бўлса 700 — 800 мм, Хонтоғнинг жанубий ёнбағрида 600 мм ёғин ёғади.

Марказий Тяншан Қирғизистондаги музликларга энг бой регион ҳисобланади. Бу регион майдонининг 20,1% ини музликлар қоплаган. Асосий музлик райони Хонтағри тоғ тугуни (1580 км<sup>2</sup>). Оқшийроқ тоғ тугуни, Терскай олатови ва Қақшаал тоғининг Жанубий ёнбағри ҳисобланади. Хонтоғ ва Ғалаба чўққи-ларининг атрофларида Қирғизистондаги энг йирик музлик — Жанубий Энгилчак жойлашган. Унинг узунлиги 59 км, умумий майдони 613 км<sup>2</sup>. Ундан бўлак Шимолий Энгилчак, Қайинди, Семенов, Мушкетов, Қўйқоп ва бошқа йирик музликлар водийларнинг тўртини эгаллаб ётади.

Марказий Тяншан дарёлари Сарижаз дарёси системасига (гизимига) киради. Сарижаз дарёси системасига Қирғизистонда Норин дарёсидан кейин иккинчи ўринда туради. Семенов музлигидан бошланиб, Қақшаал тоғини кесиб ўтгандан сўнг, Республика чегарасидан чиқиб кетади. Бошланишидан давлат чегарасигача бўлган узунлиги 197 км, умумий узунлиги 282 км. Йирик irmoқлари: чап томонидан Энгилчак, Қайинди, Қўйқоп, Жамансув, Жангижер; ўнг томонидан Қўўлу, Теректи, Учкўл, Оқшийроқ. Булар асосан музлик ва сувлардан тўйинишади. Суви шонининг ўртасидан августнинг охиригача тўлиб оқади, февралда эса энг кам бўлади. Республика чегарасидаги кўп йиллик ўртача сув сарфи 140 м<sup>3</sup>/сек дан юқори.

Сарижаз дарёси ҳавзасида 70 га яқин кўллар бор. Уларнинг энг йириги Мерцбахер кўлидир. У шимолий Энгилчакнинг этагида, Жанубий Энгилчак музликларининг музи тўсиб турган водийдан ўриб олган. Майдони 4 км<sup>2</sup> дан ортиқ. Кўл сувининг

юзаси денгиз сатҳидан 3304 м баландда. Ёз ойларининг ўртала-рида ҳам кўлнинг устида муз синиқлари (айсберглар) қалқиб юради. Август оидан октябргача кўл косаси сувга тўлгандан кейин Жанубий Энгилчак дарёсининг сув сарфи 700 м<sup>3</sup>/сек гача етади. Суви бутунлай оқиб кетгандан сўнг яна қайтадан сув йиғилиб аввалги ҳолатига қайтади.

Ўсимликлари ва тупроғи баландлик минтақаси қонуният-лари бўйича жойлашган. Тоғ-чўл тупроғидан тортиб, қора кул-ранг тусдаги майсазор-дала, ўрмон тупроғи, альп зонасининг тоғ-яйлов тупроғигача бор. 3000 м баландликдан юқорида кўп йиллик, эрмайдиган доимий музлоқ ерлар жойлашган. Ўсим-ликларидан юлғун, шувоқ, дашт ўсимликларидан тўнғиз сир-ти, қиёқ (осока) ўсимликлари асосий майдонни ташкил қила-ди. Шимолга қараган ёнбағирлардаги ўрмонларда, асосан Тян-шан қарағайи ўсади.

Ландшафтларининг тарқалишида баландлик минтақаси яққол сезилади. Пастдан юқорига қараб чўл, қурғоқ дашт, дашт, ўрмон-ўтлоқ-дашт, субальп, альп, тундра, гляциал-нивал ланд-шафт минтақалари тартиби билан кетма-кет ўрин олган.

Ҳайвонлари: сувсар, архар, тоғ эчкиси, айиқ, бўри, силов-син ва бошқалар. Қушларига – итолғи, таз жўри, тибет қарғала-ри ва бошқалар киради. Марказий Тяншаннинг ҳудуди яйлов-дан иборат. Бу ерда чорва моллари қишлаши ҳам мумкин.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Марказий Тяншанни Шимолий Тяншан билан таққослаб кўринг:  
а) Баландлик ҳолатлари, баланд чўққилари, водийларининг фарқи-ни аниқланг;

б) Марказий Тяншанда қайси табиат комплекслари асосий ҳисоб-ланади?

в) Ландшафт минтақаларидан қайсылари оз майдоннинг, қайси-лари кўп майдонни эгаллайди?

2. Марказий Тяншан дарёларини ҳисобланг, уларнинг сув режими қандай?

3. Нима учун Марказий Тяншанда маданий ландшафтлар йўқ?

## **10. 5. Ички Тяншан**

Шимолдан Талас, Қирғиз ва Терекай Олатовлари, ғарб-дан Фарғона тизма тоғи, жанубдан Қақшаал тоғи билан чега-раланиб, шарқдан Сарижаз дарё системасини Норин дарё сис-

темасидан ажратиб турган сув айирғичларнинг ғарбий томонини эгаллаб турган тоғли ҳудудни Ички Тяншан провинцияси деб айтамыз.

Ички Тяншан Республика майдонининг 34% дан кўп қисмини эгаллайди (69,7 минг км<sup>2</sup>) ва ер юзасининг ўртача баландлиги 3000 м дан юқори. Орографик тузилиши энг мураккаб тизма тоғлардан ва уларнинг оралиқлардаги водийлардан иборат. Бу ҳудудда жойлашган тизма тоғлар асосан кенглик бўйича тобора ғарбга томон борган сари бир-биридан йироқлашиб, елпигич сингари ёйилиб, мутлақ баландлиги камайиб боради. Шимолидаги тизма тоғлар (Талас ва Қирғиз Олатовлари) Шимолий Тяншан системасига, ички тизма тоғлар (терскай Олатови, Жетим, Жетимбел, Норинтоғ ва бошқалар) Ўрта Тяншан системасига, энг жанубидаги Қақшаал тоғ эса Жанубий Тяншан системасига киради. Ҳар бир тоғ системасининг ҳосил бўлиш тарихи турлича. Шимолий Тяншан системасига кирган тизма тоғлар илк палеозой эрасида каледонли ороген қатлам ҳосил бўлиши натижасида пайдо бўлган. Ўрта Тяншан системасидаги тизма тоғларнинг пайдо бўлишига кўра ярми каледонга, иккинчи ярми эса герцин орогенли бурмаланишга дахлдор. Жанубий системага кирган Қақшаалтоғ тўлиқ герцин ороген бурмаланиши натижасида ҳосил бўлган. Ҳосил бўлиш тарихининг мураккаблигига қараб, геологик жойлашиши ҳам жуда мураккаб.

Тоғ оралиғидаги водийлар ҳам юқоридаги каби бўлинади. Шимол томонидаги водийлар: Сусамир, Жумғол ва Қўчқор; Ўрта Тяншан системасига кирган ички водийлар: Кетмонтепа, Тўғузтўрў ва Ўрта Норин; жанубнинг ички водийлар: Арпа, Отбоши-Қорақуюн, Оқсой-Судурум. Провинциянинг шарқ ва жануб томонида қадимги палеозой денудациясининг охириги альп бурмаланишида баландлашиб, ҳозирги кунгача сақланиб қолган белгилари бор. Булар «сиртлар» деган атама билан география фанига кириб келган. Улар Арабел, Қумтор, Оқсой ва Арпа водийларида яхши сақланиб қолган.

Тизма тоғлар асосан палеозой даврида ва унгача бўлган даврларда ҳосил бўлган чўкмалардан, метаморфизмга учраган ва тоғ жинслари орасидан куч билан отилиб чиқиб, кейин қотиб қолган интрузив жинслардан иборат. Булар оҳақтош, кристалл, сланецлар, кум бирикмалари, гранит, гранодиорит ва бошқалар. Тоғ оралиғидаги водийларнинг таги неоген даврининг конгломератлари ва тўртламчи даврнинг говак жинс-

лари билан қопланган. Айрим водийларда бу чўкмаларнинг қалинлиги 3000 м гача етади.

Айрим водийлар чўкмалар, шўр балчиқлар, қумликлар, конгломератлар билан қопланиб, ўсимлик кам ўсувчи кулранг ола тусдаги қияликлардан иборат бўлиб қолган. Бундай қияликлар Урта Норин водийсида, Олабуқа дарёси ҳавзасида, Отбоши дарёсининг қуйи оқимида, Қўчқор водийсида учраб туради. Дарёларнинг юқори қисмида, баланд кўтарилган сиртларда қадимги музликларнинг ҳаракатидан ҳосил бўлган скульптурали рельеф шакллари (Тоғорасимон водийлар, силиқланган қоялар, қуйи пешонали қоялар) пайдо бўлган.

Ички Тяншан иқлими кескин континенталдир. Ер юзасининг мураккаблигига кўра намликнинг ва иссиқликнинг тақсимланиши турлича. Бу ерда иқлим ҳосил қилувчи асосий омиллардан бири — унинг ҳамма томонидан баланд тоғлар билан ўралганлигидир. Бу ҳудудга кириб келган ҳаво оқими ўз намининг асосий қисмини, чекка тоғ тизмаларининг ташқи ёнбағирларига тўкиб келади ва тоғдан ошган ҳаво оқими ички водийларга тушганда адиабатик илиқлик натижасида ёғингарчилик ҳосил қилмайдиган фён шамолларини юзага келтиради. Шунинг учун ички водийларда, айниқса, уларнинг шарқий ёнбағирларида қуруқ иқлим ҳукм суради. Ҳатто қишда қор қоплами ҳосил бўлмайди.

Провинциянинг умумий гипсометрик ҳолати шарқ томон баландлашганлиги, ҳар бир тоғ тизмасининг ғарбий ва шимоли-ғарбий ёнбағирларида ёғингарчилик миқдорининг кўпайишига сабаб бўлади. Шунинг учун тизма тоғларнинг шимолдй ва ғарбий ёнбағирлари нам билан яхшироқ таъминланиб, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун шароит яратилади.

Қуёшли даврнинг давомлилиги мумкин бўлган муддатнинг 55 — 60% ини ташкил қилади. Ёз ойларида водийларда, қиш ойларида баланд тоғларда бу муддат юқориламайди. Масалан, Норинда қуёшли даврнинг максимал давомийлиги (71 — 14%) август, сентябрь ойларида бўлса, Қумторда максимал узоқлик (69%) январь, февраль ойларига тўғри келади.

Ҳаво ҳароратининг тақсимланиши ер юзасининг мутлақ баландлигига, қай ҳолатда жойлашганига, қуёшлигига ва рельефининг ҳолатига боғлиқ. Мутлақ баландликнинг таъсири, айниқса йилнинг иссиқ даврида сезилади. Ҳар бир 100 м га юқорилаган сари ҳароратнинг  $0,6^{\circ}\text{C}$  га пасайишига олиб келади. Қиш кунларидаги ҳароратнинг фарқи баландликка қараб



Оқшйроқ тоғи (Қумтор олтин кони жойлашган ер)

эмас, рельефнинг шаклига қараб ўзгаради. Совуқ ҳаво иссиқ ҳавога қараганда оғир бўлганлигидан, тоғ ёнбағирларидан водийларнинг этаги томон интилади. Буларнинг ўрнини атмосферадаги эркин ҳаво оқими эгалланганлигидан адиабатик илиқлик жараёни ҳосил бўлади. Шу сабабга қўра қишда водийлар ёнбағирларига қараганда, унинг этагида ҳарорат анча паст бўлади.

Ички Тяншанда паст гипсометрик ҳолатни эгаллаган Кетмонтепа водийсида (800 — 1800 м) июлнинг ўртача ҳарорати  $21^{\circ}\text{C}$ , январники  $-18,7^{\circ}\text{C}$ . Водийларнинг гипсометрик ҳолати баландлашган сайин ёзги ўртача ҳарорат пасаяди, қишки ҳарорат эса бу қонуниятга бўйсунмаслиги мумкин. Масалан, Казарманда қишда Норинга ( $-7,1^{\circ}\text{C}$ ) қараганда бироз совуқроқ бўлса, Қўчқорга ( $-10,1^{\circ}\text{C}$ ) қараганда эса, январнинг ҳарорати деярли икки ҳисса паст. Энг паст ҳароратлар Оқсой водийсида бўлади  $-53^{\circ}\text{C}$ . Оқсойда январнинг ўртача ҳарорати  $-27,7^{\circ}\text{C}$ . Гипсометрик ҳолати ундан бироз юқори турган Қумторда  $-21,2^{\circ}\text{C}$ . Июлники эса Оқсойда  $+9,8^{\circ}\text{C}$ , Қумторда  $+4,3^{\circ}\text{C}$ . Қишда энг илиқ водий Кетмонтепа водийси ҳисобланади. Баҳори энг совуқ Арабел ва Қумтор сиртлари ҳисобланади. Қишки ҳарорат Сусамирда (2090 м) Қумторга (3616 м) қараганда совуқроқ. Оқсойдан кейинги энг паст ҳарорат ( $-49,5^{\circ}\text{C}$ ) Сусамирда кузатилган.



Арабел дарёсининг бошланиши

Ички Тяншанга ёғин-сочин оз тушади, айниқса ички чуқур Қўчқор, Отбоши, ўрта Норин водийларида 200 — 300 мм. Су-самир, Жумғол, Кетмонтёпа, Тўғузтўрў водийларида 300 — 350 мм бўлса, баланд тоғли водийларда 400 — 450 мм гача ёғингарчилик бўлади. Энг баланд жойлашган Оқшийроқ тоғ тугунининг ғарбий ёнбағирларида ёғингарчиликнинг йиллик миқдори 500 — 600 мм гача боради. Баланд тоғлар билан қуршалган гипсометрик ҳолати ҳам 3000 — 3500 м баландликдаги Оқсой водийсида ва Чатиркўл ботиғида ёғингарчиликнинг миқдори 200 мм дан бирозгина юқори, ёғингарчиликнинг кўпчилик қисми баҳор ойларига ва ёзнинг биринчи ярмига тўғри келади.

Қишда ҳамма водийларда ва тоғ ёнбағирларида доимий қор қоплами ётади. 1000 м дан 2200 — 2400 м гача баландликларда жойлашган водийларда деҳқончилик қилиш учун иқлим шароити қулай. Бу баландликлардан юқори жойлашган водийларда экин пишиб етила олмаганлигидан пичан ғамлаш учун ҳар хил ўсимликлар экилади.

Ички Тяншаннинг дарё системалари учга бўлинади. Бу дарёларнинг кўпчилиги Норин дарёси ҳавзасига киради (52,1 минг км<sup>2</sup>). Оқсой, Мудурум, Узангикуш Тарим ҳавзасига кирса, Қўчқор, Қорақужур, Тўлўқ водийларининг сувлари Чуй дарё-

сининг ҳавзасига тегишли. Дарёларнинг кўп қисми музлик билан қишдаги қорнинг эришидан ҳосил бўлган Тяньшан туридаги дарёлар типига киради. Фақат қорнинг эриган сувларидан ва ёнғингарчиликдан ҳосил бўладиган Олтой типидagi дарёлар ҳам бор. Биргина Қажирти дарёси кўлдан (Сўнгкўл) сув олади. Норин дарёси Кичик ва Катта Норин сувлари қўшилиши бошланади. Иккала дарё қўшилгандан кейин Нориннинг ўртача йиллик сув сарфи 90 м<sup>3</sup>/сек га тенг. Кетмонтепа водийсига чиққандан сўнг 382 м<sup>3</sup>/сек гача кўпаяди. Суғориш ишларида фойдаланиш ҳамда электр энергияси олиш учун Кетмонтепа водийсидан чиқаверишда Тўқтағул сув омбори қурилган. Нориннинг йирик ирмоқлари: Отбоши, Олабуқа, Кўкўмерен, Кўкийрим, Узунаҳмат ва бошқалар.

Ички Тяньшаннинг Чуй дарёси ҳавзасига қарашли қисми 6080 км<sup>2</sup> ни эгаллайди ва Қорақужурдан бошлаб, Қўчқор водийсини бутунлай ўз ичига олади. Бу майдонлардаги дарёлар Қўчқор ёки Чуй дарёларининг асосий ирмоқларидир. Оқсой дарёси эса унинг чап ирмоғи. Асосий тўйиниш манбаи музлик ва қорлардир. Ёзда тўлиб оқувчи Тяньшан туридаги дарёлар типига киради. Ҳавза-сидаги музликларнинг умумий майдони 688,5 км<sup>2</sup>.

Ички Тяньшан ҳудудидаги суви оқиб чиқмаган берк ҳудуд — Чатиркўлнинг ҳавзаси 1050 км<sup>2</sup> майдони эгаллайди. Майда дарёлар Чатиркўлга қуяди, аммо бу кўлдан сув оқиб чиқмайди. Кўлга қу йилган дарёларнинг энг йириги Кўкайғир. Бундан ташқари яна еттита майда дарё кўлга ўз сувларини қуяди.

Провинциядаги энг катта кўл — Сўнгкўл. У Норин ҳавзасига киради. Бунга 18 та майда сой-дарёча келиб қўйилади, ундан фақат Қажирти дарёсигина оқиб чиқади (5,1 м<sup>3</sup>/сек).

Ички Тяньшаннинг мураккаб орографик тузилиши ҳар бир гипсометрик баландликда таркиб топган тоғ оралиғи, водийларидagi ландшафт турларининг бир хил эмаслигига сабаб бўлган. Асосан, ҳамма водийларда, тоғ ёнбағирларида баландлик миқтақасининг қонуниятлари сезилади. Паст ва ўртача баландликдаги ботиклар билан водийлардаги очиқ кулранг тупроқларда чўл ва чала чўл ландшафтлари жойлашган. Усимликлари — сийрак учровчи ксерофитлар, эфемерларнинг тури Шимолий Тяньшанга қараганда бир қанча оз. Қуёшли ёнбағирларда чўлга хос ландшафтлар 2500 — 2600 м баландликгача чиқади. Чўл ва чала чўл қисмидаги юқори (1800 — 2200 м) да қуруқ дашт зонаси бошланади. Бу зонанинг тупроғи — оч бўз тупроқ. Ландшафт ҳосил қилувчилар — шувоқ юлғундан иборат дашт ўсим-

ликлари. Бу зона аста-секин қалин ўсувчи ўт-ўланларга бой намли даштга ва майсазорларга айланади. Айри тизма тоғларнинг шимолий ва ғарбий ёнбағирларда намлидашт зоналарга ўрмон зоналари ҳам қўшилиб кетади. Аммо ўрмонларнинг қўлами унча катта эмас (2,7%). Асосий дарахтлардан Тяншан қарағайи 1800 м дан 3000 м гача бўлган баландликларда ўсади. Провинциянинг ғарбидаги (Отўйноқ, Узунаҳмат тоғларида) майсазор ўрмонларда Тяншан қарағайи билан Семенов кўк қарағайи, арчалар ўсади. Ички Тяншаннинг ўрмон-майсазор ёки майсазор-ўрмон зоналарида буталар билан Туркистон япалоқ арчаси ўсади. Субальп зонасида юқорида қисқа ва турли ўт-ўланли альп зонаси жойлашган. Альп минтақасидан юқорида қоя тошлар, қурум, конгломератлар, тоғорасимон музли ва музсиз жойлар ва бошқа гляциал-нивалли минтақага ҳос ландшафтлар учраб туради. Совуқ иқлимди бу минтақанинг этакларидаги қулай майдонларда тўнғиз сиртли, момик ўт-ўланли тоғ тундраси учрайди.

Денгиз сатҳидан 3000 — 3100 м баланддаги текисликларда кулранг тупроқли, тақирсимон тупроқли совуқ чўллар жойлашган (Оқсой, Арпа, Чатирқўл, Арабел, Қумтор, Қорасой, Кўколчап, Қоракерма ва бошқалар). 3500 — 3600 м баландликдаги ўсимликларнинг бўйи 5010 см дан ошмайди. Ўроқсимон эгилган баҳорги ўт-ўланлар, ҳар хил майда ўсимликлар ҳам ўсади, бироқ улар жуда сийрак ва паст бўйли.

Гипсометрик ҳолати паст бўлган (1000 — 2000 м) ички водийларнинг иссиқлик баланси қишлоқ хўжалиги ўсимликларини ўстириш учун қулай шароит яратади. Масалан, Кетмонтепа водийсида қовун-тарвуз пишади. Тобора юқорилаган сари водийлардаги иссиқлик камайиб, қишлоқ хўжалиги экинлари пишмай қолади. Масалан, Сусамир водийсида арпа ҳам тўлиқ пишиб етилмай, ем-хашак учун ўрилади. Айрим баланд водийларда қишлоқ хўжалиги ўсимликларини ўстириш учун термик ресурслар чекланган. Улардан яйлов қаторида фойдаланилади.

Ички Тяншан провинцияси қуйидаги 9 табиий-географик округларга бўлинади: Кетмонтепа, Сусамир, Ўрта Норин, Қўчқор-Жумғол, Сўнгкўл Кичик Норин, Отбоши-Қорақуюн, Юқори Норин, Оқсой-Арпа ва Узангиқуш.

### Савол ва топширақлар

1. Қирғизистон контур харитасидан Ички Тяншаннинг чегараларини топиб, чизиб чиқинг.

2. Ички Тяньшан ҳудудидаги дарёлар қайси дарёлар тизимига тегишли эканлигини аниқланг.
3. Ички Тяньшан Марказий Тяньшандан қандай фарқ қилади, уларни аниқланг.
4. Ички Тяньшан иқлими қандай омиллар асосида ташкил топган?
5. Ички Тяньшаннинг қайси водийларида Қирғизистондаги энг паст ҳарорат ўлчанган?
6. Ландшафт ҳосил қилувчи омилларнинг ички водийларга нисбатан қандай фарқи бор?
7. Ички Тяньшандаги аҳоли яшайдиган водийларни санаб беринг.
8. Агарда мактабингиз Ички Тяньшан ҳудудида бўлса, унинг атрофидаги ландшафтларни асослаб беринг.

## 10.6. Жануби-Ғарбий Тяньшан

Ғарғона водийсининг шимол томони, Чотқол дарёсининг ҳавзаси билан биргаликда Жануби-ғарбий Тяньшан деб аталади. Бу ҳудуднинг умумий майдони 26 минг км<sup>2</sup>. Табiiий чегаралари: шимолдан Писком тизма тоғи билан Талас Олатовининг сиртлари орқали ўтиб, Отўйноқ тоғидан Норин водийсига тушади. Нориннинг тор дарасидан яна баландга кўтарилиб, Ғарғона тоғ тизимининг сиртлари орқали Олай тизма тоғларини жанубий этакларига бориб тақалади. Бу ердаги тоғ тизмасининг энг баланд жойи — Уч сант (4818 м) чўққисидан Олойку водийси орқали Тар дарёсига келиб, унинг водийси билан Ўзбекистон чегарасига келиб тақалади. Ундан кейин давлат чегаралари орқали қайтадан Писком тоғига келади.

Орографик тузилишининг асосини Талас-Ғарғона тектоник ёриқлари бўйлаб жойлашган Талас Олатовининг ғарбий қисми ва Ғарғона тоғ тизимлари ташкил қилади. Дастлабки морфоструктурани ҳосил қилган бу тизма тоғлардан деярли тикка бурчак ҳосил қилиб тарқалган йирик ва майда тизма тоғлар, елпигичсимон шаклда шимоли-шарқдан жануби-ғарбга томон тарқалади. Булар орасида Чотқол тизма тоғи бу регионнинг йирик морфоструктураларидан бири ҳисобланади.

Ер юзасининг умумий қиялиги Ғарғона водийсининг марказий текисликлари томонга йўналган. Чотқол водийси эса Тошкент воҳаси томонга пасайиб боради. Регионнинг умумий узунлиги 370 км, эни кенг жойида 150 — 160 км.

Энг шимоли-ғарбдаги Писком тизма тоғининг фақат жанубий ёнбағри Қирғизистонга қарашли. Унинг узунлиги 141 км, баланд жойлари 3800 — 4000 м. Энг баланд жойи 4395 м

(Бештўр чўққиси) бўлиб, музлик билан қопланган жойлари ҳам оз эмас. Писком тизма тоғининг жануби-шарқида унга параллел жойлашган Сандалаш тизма тоғи 72 км га чўзилади. Энг баланд чўққиси 4114.

Сандалаш тизма тоғи Талас Олатовидан бошланади ва қисқа масофага чўзилган. Чотқол тоғи жануби-ғарбга қараб 225 км га чўзилади. Энг баланд жойи — Афлотун чўққисида баландлиги 4503 м га етади. Чотқол водийсига қараган ёнбағрининг юзаси қисқа ва тик, Фарғона томонга қараган ёнбағрининг юзаси кенг ва аста-секин эгилиб пасткам адирларга айланиб кетади.

Фарғона тоғ тизмаси анча мураккаб тузилишига эга бўлган йирик морфоструктуралардан бири. Унинг Норин дарасигача бўлган шимолий қисми Отўйноқ тизма тоғи деб аталади, баландлиги 3000 — 3800 м. Норин дарасидан Уч саит чўққисигача бўлган узунлиги 206 км, эни айрим жойларда 80 км гача боради. Олойкудаги Уч саит воҳаси шимоли ғарбга томон баландлиги пасайиб, Кўгарт дарёси ҳавзасида 3200 — 3400 м га етади. Кейин яна баландлаб, Бабашотада 4427 м га етади. Фарғона водийсининг шимол томониغا қараган бир қанча тоғ ёнбағирлари (Сўўк, Ўзган, Серуун-Добо, Совиғантош, Бабашота) бор. Уларнинг оралиғидаги водийлар, шоҳлаб кетган дарё системалари тоғ ёнбағирларини ўйиб, чуқур дараларни ҳосил қилган. Даралар орқали Фарғона водийси томонга йирик дарёлар (Тар, Қорақулжа, Ясси, Кўгарт, Қорауғур, Мойлисой ва бошқалар). Норин дарасига яқин, шимоли-ғарб томонида Бабашотадан бошқа Чаёқтоғ, Кенгкўл, Исфан Яйлов, Тақталиқ тоғлари асосий тоғ тизмасининг алоҳида бўлаклари ҳисобланади.

Провинциянинг асосий қисми Талас-Фарғона тектоник ёриқлари бўйича энг катта бир томонлама горст-антиклинал ҳисобланади. Унинг охири Фарғона водийсининг чўкма жинслари билан қопланиб туради. Палеозойнинг бошларидаги каледон тоғ бурмаланиши жараёнида Талас Олатови ҳосил бўлган. Мезозойнинг охирида ва кайнозойнинг биринчи ярми-палеогонда ҳамма жойлардаги денудация кузатилади ва тоғлар емирилиб, дўнглик ва текисликларга айланган. Мезозой эрасида ҳосил бўлган ва ривожланган денгиз палеогонда ҳам сақланиб, провинциянинг ғарбий қисмида денгиз чўкмаларини ҳосил қилган. Бу чўкмалар Қирғизистоннинг бошқа жойларида учрамайди.

Орография ва рельефининг ҳозирги кўриниши неоген даври-

да бошланган альп тоғ ҳосил бўлиш жараёнининг натижасидир. Бу жараён натижасида бурунги ҳосил бўлган структура-лардаги тоғлар қайтадан кўтарилиб яшарган, синкинал ботиқлар чўкиб, ҳозирги рельеф шаклларини барпо қилган.

Жануби-Ғарбий Тяншаннинг Фағона водийсига қараган томонининг иқлими алоҳида шароитда вужудга келади. Бу ҳудудни қуршаб турган тоғлар шимолнинг совуқ ҳаво йўлига тўсқинлик қилиб, иқлимини, айниқса, қиш мавсумининг иқлимини бир мунча яхшилайти. Мана шундай иқлим шароитига мос қадимги субтропик тўрғай флорасининг қолдиғи — ёнғоқзорлар комплекси ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Чотқол водийсининг ва тоғ ёнбағирларининг иқлими ҳам ўзгача. Бунинг асосий сабаби, Тяншан тоғ системасининг ғарбий ёнбағри нам ҳаво оқимининг йўлида дастлабки тўсиқ бўлиб жойлашганлигидадир. Бунинг таъсирини ёнғарчилик миқдоридан билса бўлади.

Провинциянинг чекка томонларидаги тоғ этакларининг қиши юмшоқ, ёзи иссиқ. Бу ҳудудда январнинг ўртача ҳарорати  $1 - 5^{\circ}\text{C}$ , июлда  $25 - 27^{\circ}\text{C}$ . Йилнинг илиқ даври 210 — 225 кунгача чўзилади. Қиш кунларидаги энг паст ҳарорат  $-26 - 28^{\circ}\text{C}$  бўлса, ёзги иссиқ ҳарорат  $41 - 42^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилади. Тоғ этакларида ёнғарчилик нисбатан оз, 120 — 200 мм дан 350 — 400 мм гача бўлади.

Баландликка кўтарилган сари қишки ҳарорат юқорилаб, ёзги ҳарорат эса пасая бошлайди. Текисликларда қиш совуқ бўлиши сабабини ҳарорат инверсиясининг оқибатидан излаш керак. Масалан, Жалолобод шаҳрининг сатҳи бўйича январдаги кўп йиллик ўртача ҳарорат  $-4,3^{\circ}\text{C}$  бўлса, бунга яқин жойлашган Жалолобод курортида  $-15^{\circ}\text{C}$ . Ёзда, июлнинг кўп йиллик ўртача ҳароратида унчалик фарқ йўқ ( $26,3^{\circ}\text{C}$  ва  $26,5^{\circ}\text{C}$ ). Уларнинг баландлик фарқи 200 м. 1750 м баландликдаги Оқтерак-Ғовада январнинг ўртача ҳарорати  $-4,3^{\circ}\text{C}$ , июлда  $+19,6^{\circ}\text{C}$ . Бу жойдан 220 м баландда жойлашган Чотқол станциясида январнинг ўртача ҳарорати  $-13,5^{\circ}\text{C}$ , июлда  $+16,7^{\circ}\text{C}$ .

Тоғ тизмаларининг шимоли-ғарбий ва жануби-ғарбий ёнбағирларида ёнғарчилик миқдори баландлик ортиши билан кўпаяди. Ёнғарчилик кўп бўладиган жойлар Фарғона тоғ тизмаларининг ёнбағирлари, айниқса, ғарбга, жанубий-ғарбга қараган водийларнинг теварагидир. Ёнғарчилик сув айирғичларда 1300 мм га тенг. Саломаликда 700 — 900 мм, Кўгарт водийсининг ичкарисида 1000 мм, Оқтерак-Ғовада 900 — 1000 мм гача

ёғингарчилик бўлади. Ички водийларда эса ёғингарчиликнинг миқдори 300 — 400 мм дан ошмайди. Масалан, Чотқолда — 412 мм, Каравонда — 350 мм. Қишда ҳароратнинг унчалик пастлаб кетмаслиги, ёғингарчиликнинг мўл бўлиши Кўжўота ва Қораунғур дарёларининг ҳавзаларида мевали ёғоқ ўрмонларининг ўсишига ва ҳозирги иқлим шароитида сақланишига сабаб бўлган.

Дарёларининг ҳаммаси Сирдарё ҳавзасига қарашли. Шимол-ғарбидаги Чотқол дарёси Чирчиқ дарёсининг асосий ирмоғи бўлса, Қорасув, Паччаотасой, Норин дарёсининг ўнг ирмоқлари, Олабуқа, Косонсой ва Сусамир дарёлар эса Сирдарёга қуйилади. Фарғона тизма тоғидан оқиб чиққан Мойлисув, Қораунғур, Кўгарт ва Жазир дарёлари эса Қорадарёнинг ўнг ирмоқлари бўлса, Қоракулжа билан Тар дарёлари Қорадарёнинг асосий ирмоқлари ҳисобланади.

Жануби-Ғарбий Тяньшан дарёлари оқимининг қалинлиги ва сув йиғувчи майдонларининг ҳар бир кв кмдан оқиб чиққан сувларининг ҳажми бўйича Қирғизистон ҳудудида биринчи ўринда туради. Улар қишда тўпланган қорнинг эриган сувлари билан баҳордаги ёғингарчилик сувларидан тўйинади. Чотқол билан Тар дарёларигина музликлардан ҳам қўшимча сув олади. Чотқол ҳавзасидаги музликларнинг майдони 51 км<sup>2</sup> бўлса, Тар ҳавзасида 90 км<sup>2</sup> га яқин.

Сув сарфи бўйича Чотқол дарёси биринчи ўринда туради. Унинг кўп йиллик ўртача сарфи 88,8 м<sup>3</sup>/сек, оқим модули 15,5 л/сек-км<sup>2</sup>; Тарда — 45,4 м<sup>3</sup>/сек, 11,9 л/сек-км<sup>2</sup>; Жазир дарёсида — 34,8 м<sup>3</sup>/сек, 19,4 л/сек-км<sup>2</sup>; Қоракулжада — 21,3 м<sup>3</sup>/сек, 23,4 л/сек-км<sup>2</sup>; Кўгарт дарёсида — 18,1 м<sup>3</sup>/сек, 18 л/сек-км<sup>2</sup>; Қораунғурда — 28,7 м<sup>3</sup>/сек, 22,8 л/сек км<sup>2</sup>. Жазир дарёсининг ҳавзасида бир кв. км майдондан 30 л гача сув оқиб чиқади-ган майдонлар ҳам бор.

Орографик тузилишига боғлиқ бўлган ўзига хос иқлимнинг пайдо бўлиши натижасида Чотқол тоғларининг жануби-шарқий ва Отўйноқ тоғларининг жануби-ғарбий ёнбағирларида тупроғи, ўсимликлари ва жониворлари ўзгача. Бу ҳолат ажойиб ёғоқзор ландшафтларнинг ҳосил бўлиши учун, аниқроғи, қадимги ландшафтларнинг баландлик минтақасига бўлиниши учун шароит яратган. Бу ерда тоғ этакларидаги текисликлардан бошлаб, тоғ чўққиларигача олтита ландшафт минтақаси бор. Энг паст тоғ этакларидаги текисларда (800 м баландлик-гача) оч кулранг тупроқли чўл ва 1000 — 1100 м гача бўлган адирларда ҳақиқий кулранг тупроқли чўл ландшафтлари ҳосил

бўлган. 1100 — 1300 м баландликдаги пасткам тоғларда эфемерли дашт ва қурғоқчил дашт кулранг ва қўнғир тупроқли майдонлар жойлашган. Бу минтақаларда pista дарахтлари сийрак ўсади. Кейинги минтақа (1300 — 2600 — 2800 м) ларда, яъни ўртача баландликдаги тоғларда ўрмонли далалар бор. Бу минтақанинг пастки қисмидаги қоракулранг тоғли ўрмон тупроқларида ёнғоқ, олма, олча ва бошқа дарахтлар ҳамда буталар аралашиб ўсади. Юқори қисмида қарағайлар, уларнинг оралиғида майда ўт-ўланлар, шунингдек ўрмон ва ботқоқлик ландшафтлари жойлашган. Ундан юқорида бута-майсазордан иборат альп минтақалари бор. Энг юқоридаги минтақа гляциалнивалли минтақа деб аталади.

Чотқол водийсининг ландшафтлари бироз қурғоқчил, шу билан бирга тоғ этакларида Фарғона томонга ҳос бўлган чўл ва чала чўл минтақаси учрайди. Бу томонда бошқа минтақаларнинг ҳаммасини учратиш мумкин. Фарғона тоғ тизмаларининг баландлик минтақалари спектри кўпроқ. Энг пастки минтақалари тоғ этагидаги қия текисликларни ва паст бўйли адирларни эгаллаган чўл ва чала чўлдан иборат.

Жануби-ғарбий Тяншан ўрмонлари энг қимматли генофонд ҳисобланади. Ер шарида табиий ўсган ёнғоқ ўрмонлари мана шу ердагина учрайди. Ёнғоқ ўрмонлари сув ҳавзаларини сақлашда, тоғ ёнбағирларини эрозиядан ҳимоя қилиш фойдали. Шу билан бирга улардан турли уй-рўзғор буюмларини, мебелларни тайёрлашда фойдаланилади. Ёнғоқзорларнинг табиий ва хўжалик аҳамияти ҳисобга олиниб, бу ерларда кўриқхона ташкил этилган. Саричелек кўриқхонаси ЮНЕСКО томонидан биосфера кўриқхонаси сифатида рўйхатга олинган. Ҳозирги вақтда қабул қилинган (1995 й.) «Табиатни муҳофаза қилишнинг миллий дастури» бўйича бу ўрмонларда янги режа асосида кўплаб ишлар олиб борилмоқда ва кишиларнинг табиат бойликларига зиён келтирувчи хўжалик ишларига руҳсат берилмай, уларга қарши курашилмоқда.

Жануби-ғарбий Тяншаннинг табиат ресурслари орасида энг феодал фойдаланиладиганлари — ер ва сув ресурслари ҳисобланади. Сув бор ерларнинг ҳаммаси ўзлаштирилган ва сув чиқмайдиган ерларга насос билан сув чиқарилиб ўзлаштирилмоқда. Қазилма бойликларидан кўмир, нефт ва газдан фойдаланилади.

## Савол ва топшириқлар

1. Қирғизистон контур харитасидан жануби-ғарбий Тяньшаннинг ўрини аниқлаб, чегараларини чизиб чиқинг.
2. Шу хаританинг ўзига ёнғоқзорларни тушириб, улар қайси дарё ҳавзасида жойлашганлигини аниқланг.
3. Қайси дарёлар сувининг кўпчилиги жиҳатидан биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллайди?
4. Қадимги неоген флорасининг сақланиб қолишига нима сабаб бўлган?
5. География атласидан шу регионга қарашли тизма тоғларни топиб, уларнинг баланд жойларини аниқланг.

## 10.7. Олой-Туркистон

Фарғона водийсининг Тар дарёси ҳавзасидан ғарб томонидаги Оқсув дарёсининг ҳавзасигача бўлган жанубий томони Олой-Туркистон провинцияси деб аталади. Бу провинцияси Олой ва Туркистон тоғ тизмаларининг шимолий ёнбағирларидан то тоғ этакларигача тарқалган ерларни ўз ичига олади. Ғарбдан шарққа томон, Тожикистон чегарасидан Хитой чегарасигача 550 км га чўзилган ҳудуддир. Унинг морфометрияси: эни шарқда 110 км, ғарбида 75 км, майдони 30 минг км<sup>2</sup> дан ортиқ. Шимолида табиий чегара йўқ, Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги давлат чегаралари орқали бўлиниб туради.

Асосий орографик бирлиги Олой ва Туркистон тоғлари ҳисобланади. Олой тизма тоғи Олойқу водийсидан Сўх водийсигача жанубга томон эгилган ёйсимон бўлиб, 400 км масофага чўзилган. Ўртача баландлиги 4000 — 4500 м, энг баланд жойи Сўх дарёсининг сув айирғичидаги Томдиқул чўққиси (5539 м). Туркистон тизма тоғининг шарқий қисмидан 150 км га яқини Қирғизистон ҳудудига тегишли. Қолган ғарбий қисми Тожикистон билан Ўзбекистон ҳудудига қарашли. Ўртача баландлиги 4000 м, энг баланд қояли чўққиси — 5621 м. Олой тизма тоғ системасига Теректоғ, Кўкбулоқ, Олойқу, Олоконтоғ, Кичик Олой ва Коллектор сингари унча узун бўлмаган, бироқ баландликлари бошқа тоғлардан кам эмас тизма тоғлар киради.

Туркистон тизма тоғи системасига Адигинатоғ, Кўкчатоғ, Майдонтоғ, Қоратоғ, Белисиниқтоғ ва бошқалар киради. Уларнинг баландликлари Фарғона водийси томон аста-секин пасайиб боради. Умуман тизма тоғларнинг шимолий ёнбағирлари

кент ва меридионал йўналишда жойлашган водийлардан иборат. Улар паст тоғлар билан адирлар орқали ўтиб, Фарғона водийси текисликларига туташади. Геоморфологларнинг фикрига кўра асосий баланд тоғлар 40° кентлик бўйича чўзилган тоғ оралиғидаги водийлар ва тоғ этагидаги адирлар билан ирмоқ ва сойларни қўшганда, шарқдан ғарбга чўзилган геоморфологик зоналарга бўлинади.

Геологик структураси бўйича Олой-Туркистон провинцияси юқори палеозойдаги герцен бурмаланишида пайдо бўлган жанубий Тяньшан тектоник вилоятига киради. Умумий тузилиши катта радиусли бир томонлама горстантиклинарий ҳисобланиб, охириги чеккаси Фарғона водийсининг чўкинди жинслари остига тушиб жойлашади. Геологик ташкил топишида ўрта ва юқори палеозойга тегишли бўлган кремнийли, кристаллашган сланецлар, гнейслар, доломитлар, оҳактошлар иштирок этади. Шарқ томонида мезозойнинг конгломератлари, гравелитлари кўп тарқалган. Палеозей чўкма жинсларини ёриб чиққан интрузив тоғ жинслари Кичик Олой тизма тоғида айниқса кўп. Туркистон тизма тоғидаги интрузивлар пермь даврига тўғри келади. Интрузив жинсларининг асосийлари гранитоидлар ва гранодиоритлардир.

Орографияси ва рельефининг ҳозирги кўриниши неоген давридан шакллана бошланиб, бутун Тяньшанни ўз ичига олиб, альп бурмаланиши натижасида келиб чиққан. Бу даврдаги қатламланишлар бурунги герцен бурмаланиши вақтида ташкил топган структуралар бўйича антиклиналар тизма тоғларга, синклиналар эса ботиқ водийларга айланиб, рельефининг ҳозирги шаклларини барпо этган. Тоғ бурмаланишининг бошланиши билан кўтарилган жойлар эрозия, денудация жараёнларига учраб смирилган. Емирилиб, ясиланган тоғларнинг юзасида қадимги даврларга хос чўкмалар пайдо бўлган. Пастга эгилиб тушган ботиқларда эса, чўкмаларнинг қатламлари очилиб қолган. Палеоген ва неоген даврларида ҳосил бўлган чўкмалар кучсиз қизил, оч қизил, кулранг конгломератларга айланган. Тўртламчи даврнинг чўкмалари эса, устки ғовак қатламни ҳосил қилган. Водийларнинг остки аккумулятив аллювий, проллювий чўкмалари, сой сувларининг конуслари (ёйилмалари), тоғ этакларидаги адирлар эса лёсс (оқ лой) қатламлари билан қопланган.

Олой-Туркистон провинциясида қазилма бойликларнинг бир қанча турлари бор. Юра даврида ҳосил бўлган қўнғир кўмир

Кизилқия, Сулукта, Абинер ва Олмалиқ конларидан қазиб олинмоқда. Палеоген денгиз чўкмалари орасидан топилган нефт (Риштон, Каттақора, Жарқўтон) ва газ (Сариқамши) ҳозирги кунда қазиб олинмоқда. Олой-Туркистон симоби билан сурма конларининг донғи жаҳонга тарқаган.

Олой-Туркистон провинциясининг иқлими континентали, қуруқ иқлим. Фарғона водийсининг шимоли-шарқидан ўраб турган тизма тоғларнинг ёнбағирларида ёғадиган ёнғингарчиликларнинг миқдори баландлашган сари кўпайиши бу ерларга хос эмас. Бунинг сабаби нам олиб келадиган ҳаво оқимининг йўли Туркистон ва Олой тизма тоғлари билан параллелдир. Шунинг учун бу тизма тоғларининг ёнбағирлари бўйлаб ҳаво оқими кўтарилмай, ёғиб, яъни ўз йўналишини ўзгартириб кетганлигидан, бу ёнбағирлар орографик «кўланка» да қолади. Натижада ёнғингарчилик оз, иқлими кўфоқчил бўлганлигидан ўсимликларнинг ўсиши учун шароитлар қулай эмас.

Термик режими бўйича Олой-Туркистон провинцияси Жануби-ғарбий Тяншанга ўхшаб кетади. Бу томонларда Шимолий Тяншанга қараганда тоғ этакларида, пастқам тоғларда ҳарорат 2-3°Cга юқорироқ бўлади. Қиш ойларида ҳароратнинг ўзгариши сезиларли. Масалан, Ўшдаги бир-биридан 220 км оралиқда жойлашган икки станцияда январнинг кўп йиллик ўртача ҳарорати пастдагисидан (887 м) -4,1°C, юқоридагисидан эса (1013 м) -3,3°C. Ўшдан 1300 м баландликда жойлашган Кичик Олойда (2336 м) -6,9°C. Мана шу станцияларда июлнинг ҳарорати баландлик бўйлаб ҳар доим пасайиб боради (25,3°C, 24,4°C ва 15°C). 3000 м дан юқорида жойлашган Теминген станциясида январнинг ўртача ҳарорати -8,9°C, июлники - +10,6°C. Ҳароратнинг мутлақ минимуми -30°C дан ошмайди. Масалан, Ўшда -28,7°C, Темингенда -29,1°C. Аксинча, июлнинг энг юқори ҳарорати Ўшда 38,1°C. Ёнғингарчилик ҳамма жойда оз ёққани билан баландликка кўтарилган сари кўпая бошлайди. Масалан, Ўшнинг шимолидаги даштларда ёнғингарчиликнинг кўп йиллик ўртача миқдори 280 мм, Ўшнинг ўзида 360 мм, Темингенда 470 мм. Тоғ орасидаги водийларда ёнғингарчиликнинг камайиши сезилиб туради. Масалан, Кичик Олойда -290 мм, Янги Новқатда -290 мм. Энг кўп ёнғингарчилик шимолга қараган водийларнинг ичкариларида қузатилади. Мисол учун Косчанда 524 мм ёғин тушади.

Дарёларининг ҳаммаси тўлиқ Сирдарё ҳавзасига қарашли. Қуршоб, Оқбура ва Аравонсойлар Қорадарёнинг чап irmoқларидир. Исфайрамсойлар, Шоҳимардон, Сўх, Исфара,

Оқсув Сирдарёга қуйилади. Зилол булоқлариқишда тўпланган қорнинг эришидан, музликлар ва ёғингарчилик сувларидан ҳосил бўлади. Музликларнинг сувлари йирик дарёларнинг ҳосил бўлишида катта аҳамиятга эга. Олой ва Туркистон тизма тоғларининг Қирғизистон ҳудудидаги шимолий ёнбағирларда 1024 та музлик бор. Уларнинг умумий майдони 872 км<sup>2</sup>. Музликлари кўп бўлган водийлар: Сўх, Исфайрамсой, Оқбура ва бошқалар. Музликларнинг эришидан ҳосил бўлган сувлар ҳисобига тўйинадиган дарёларнинг ҳаммаси йилнинг иссиқ даврида кўпаядиган Тяншан туридаги дарёлар гуруҳига киради.

Сўх дарёси сув сарфи бўйича ҳудудда биринчи ўринда туради. Унинг кўп йиллик ўртача сарфи —42,1 м<sup>3</sup>/сек. Сув кўпайган давридаги сарфи 200м<sup>3</sup>/сек дан ошиб кетиши мумкин. Ҳавзасидаги музликларнинг майдони 258 км<sup>2</sup>. Ҳавзасининг ҳар бир км<sup>2</sup> дан оқиб чиққан сув миқдори бўйича ҳам биринчи ўринда туради 17 ( л/сек.км<sup>2</sup>). Қолган дарёларнинг катталари: Қуршоб (26,2 м<sup>3</sup>/сек), Исфана (14,7 м<sup>3</sup>/сек), Аравонсой (10,4 м<sup>3</sup>/сек).

Қурғоқчил иқлим шароити ёғингарчиликнинг озлиги Олой ва Туркистон тизма тоғларининг шимолий ёнбағирларида кузатилади. Тупроқ билан ўсимликларнинг жойлашишига бу ердаги намлик ва иссиқликнинг таъсири катта. Тоғ этакларидаги текисликлар билан унча баланд бўлмаган адирларда бўз тупроқли, оч бўз тупроқли чўл ва чўл минтақалари (1000 — 1500 м гача), ундан баландроқда (1300 — 2200 м) оч ва кулранг тупроқли субтропик ландшафтга ўхшаш дашт турлари жойлашган. Айниқса, Туркистон тизма тоғининг шимолий ёнбағрида субтропик иқлимга хос ландшафтлар аниқ кўринади. Олой-Туркистон провинциясидаги ўрмон-майсазор дашт минтақасига хос баландликларда (2000 — 3000 м) Шимолий Фарғонадагига ўхшаш баргли ўрмонлар учрайди. Бу ерларда кулранг, бўз кулранг тупроқли ҳудудлар сийрак ўсган арча, ўрмон-ўтлоқ дашт билан алмашинади. Олой-Туркистон тоғ тизмаларидаги арчазорлар табиат комплексидаги энг қимматбаҳо компонентдир. Улар тоғ ёнбағирларини эрозиядан сақлайди, сув ҳосил бўлиш жараёнида муҳим, шунингдек рекреацион аҳамияти ҳам бор. Арча жуда секин ўсувчи дарахт, шунинг учун кесилган арчазорларни қайтадан тиклаш жуда узоқ муддатни талаб қилади. Арчазорларнинг табиатдаги ва чорвачиликдаги аҳамиятини назарда тутиб, улар ўсган ҳудудларни қўриқхоналарга айлантириб, уларни муҳофазага олиш катта аҳамиятга эга. 3000 м дан юқорида ер бағирлаб сийрак ўсувчи япалоқ арчали субальп ва паст бўйли

ўтлоқлар альп минтақалари (3600 — 4000 м) гача баландликдаги тепаликларни эгаллайди. Улардан юқорида яланғоч қояли, қор-музликлар ва абадий муз қоплаган гляциалнивалли минтақа кенг жой олган. Олой-Туркистон провинциясининг табиий бойликлари орасида ер бойликлари алоҳида ўринни эгаллайди. Музликлардан бошланган дарёларнинг кўпчилиги, қурғоқчил иқлим бўлишига қарамай водийларни, тоғ этакларини, текисликларни ўзгартириш учун азалдан имконият яратиб келган. Ҳозирги кунда сув бор ерларнинг ҳаммаси гуллаган маданий воҳага айланган. Тоғ этакларида шаҳарлар ва қишлоқлар ўрни олган, тоғ оралиғидаги водийларда ҳам аҳоли зич жойлашган. Баланд тоғ тепаларидан эса ёзги яйлов сифатида фойдаланилади.

### Савод ва топшириқлар

1. Олой-Туркистон провинцияси Жануби-ғарбий Тяншандан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади?
2. Контур ҳаритага Олой-Туркистон провинциясини тушириб, ундаги асосий тизма тоғларни белгиланг.
3. Контур харитага дарёларининг носмларини ёзинг. Қайси дарё ҳавзаси кўп майдонни эгаллашини аниқланг.
4. Сувининг кўплиги жиҳатидан қайси дарё биринчи ўрнида эканлигини аниқлаб, ундан кейинги дарёларининг тартибини белгиланг.
5. Иқлимнинг қурғоқчилигига нима сабаб?
6. Жадвалдан шу региондаги дарёларни аниқланг ва сув сарфлари миқдорини кўчириб олинг.

## 10.8. Олой водийси

Олой водийси Қирғизистоннинг жанубида, Олой тизма тоғи билан Катта Олой тизма тоғларнинг оралиғида жойлашган. Геологик тузилиши ва рельефининг келиб чиқиш тарихи бўйича Тяншан тоғ системаси билан Помир тоғ системасининг табиий чегараси бўлиб ҳисобланади. Шарқдан ғарбга томон 200 км гача масофага чўзилган кенг водий тизма тоғларнинг ёнбағирлари билан чегараланган. Эни тизма тоғларнинг чўққиларигача 50 км гача, водийнинг этак қисмидан 3 — 27 км. Водийнинг кўпчилик қисми ғарб томонга йўналган бўлиб, Вахш дарёсининг ирмоғи - Қизилсув ҳавзасида жойлашган. Энг шарқий қисми Таримнинг бир ирмоғи бўлган Шарқий Қизилсув ҳавзасидадир. Провинциянинг умумий майдони 8400 км<sup>2</sup>. Олой водийси этак қис-

мининг энг баланд жойи шарқидаги сув айирғичда жойлашган тоғ — Мурун довоны (3536)дир. Энг паст жойи эса ғарбидаги Қорамик қишлоғига яқин (2400 м). Водийнинг ўртача баландлиги 3000 м дан ортиқ. Хитой чегарасидан Тожикистон чегарасигача 174 км.

Шимолдаги Олой тизма тоғининг жанубий томони тик ва қисқа. Унинг ғарбий томонигина бироз кенг бўлиб, Кўксув ҳавзасида бир нечта қатор жойлашган бўлақларга бўлиниб кетади. Шарқида Кўксув водийси, шимол томонга чуқур кирган дара, тизма тоғнинг шимолга қараб бурилган жойига тўғри келади. Геологик тузилиши бўйича Олой тизма тоғи Тяньшан тектоник системасининг жанубий чегараси ҳисобланади. Бурмаланиши герцинда бошланиб, ҳозирги тузилиши асосан ўрта ва юқори палеозойдаги оҳақтош, қумли ва кристалли сланецлардан ташкил топган. Мезо-кайнозойнинг чўқмалари тоғ этаклари, водийнинг паст қисмларини қоплаб ётади. Қирлари палеозой ётқизикларидан иборат бўлиб, улар эрозия натижасида парчаланган.

Катта Олой тоғининг жанубий ёнбағирлари жуда ҳам баланд, қорли, музли, тикка қоя қияликлари бор бўлган чўққилари кўп. Асосий Помир тоғ системасининг шимолий чеккаси ҳисобланади. Ўртача баландлиги Помирнинг умумий баландлигидан ҳам юқори (5500 м) энг баланд нуқтаси Ленин чўққиси (7134 м). Пайдо бўлиш тарихи бўйича Қирғизистон ҳудудидаги энг ёш тоғлар қаторига киради. Геосинклинал режими палеоген охири ва неоген бошларида охирлаб, альп бурмаланиш даврида денгиздан ҳоли бўлган. Геологик тузилиши асосан мезозой ва кайнозой эраларига тўғри келган қумли конгломерат ва бошқа жинслардан иборат. Палеозойнинг қаттиқ метаморфизациялашган сланецлари қирларга яқин тоғнинг ўзак қисмидагина учрайди. Тоғ этаклари кейинги тўртламчи даврнинг ғовак жинслари, кўпинча флювио-гляциалли морена тўпламлари билан қопланган.

Икки тоғ системасининг оралиғида жойлашган Олой водийси чуқур ва узунасига чўзилган синклинал ботиқдир. Кристалли пойдеворларнинг қалъилиги ўнлаб км га етади. Бу ботиқнинг чуқур жойлари палеоген-неоген даврларида ҳосил бўлган конгломератлар, қумликлар, устки томони эса тўртламчи даврнинг ғовак чўққиди жинслари билан тўлган.

Альп бурмаланишининг тик баландлашиш сари ҳаракати даврида Олой тоғ тизмалари эски ҳолати бўйича қолган бўлса, Катта Олой тизма тоғи янги ҳолатни ҳосил қилиб, унда умумий кўтарилиш кузатишган. Бу ҳаракатлар ҳозир ҳам давом этмоқ-

да. Водийларнинг чуқурлик эрозиясига учрагани бунинг гувоҳидир. Олой водийси бўлса тескари йўналишдаги ҳаракатда. Аммо бу водий пойдеворининг чуқурлиги икки томондаги тоғ ёнбағирларидан олиб келинган говак жинслар билан тўлдирилиб турганлигидан, унинг баландлик ҳолати унчалик ўзгарган эмас.

Тўртламчи даврда тизма тоғларнинг ўсиши, иқлимнинг қайтадан илиқлашиши бир неча марта такрорланган муз қоплашларга сабаб бўлган. Муз қоплашларнинг излари Катта Олой тоғининг этакларида жуда катта майдонни эгаллаган морена ўйдим-чуқурликларда, тоғорасимон водийларда учрайди. Маҳаллий аҳоли бу ерларни «чуқурликлар» дейишади. Қатор жойлашган «чуқурликлар» узунасига 20 км гача чўзилган.

Олой водийсининг иқлими кескин континентал ва қуруқ. Баландлиги туфайли ёзи салқин, қиши совуқ, қор узоқ муддат давомида эримай ётади. Водийнинг иқлими ўзгача шароитда вужудга келади. Фарбдан ва шимоли-ғарбдан келган нам ҳаво оқими Олой водийсига етгунча намни чекка тизма тоғларининг шимолий ёнбағирларида қолдириб келганлигидан ёғингарчиликнинг миқдори оз. Катта Олой тизма тоғи Олой тизма тоғига қараганда 1500-2000 м га баланд бўлганлигидан унинг шимол томонига ёғин-сочин кўпроқ тушади ва музликларнинг ҳосил бўлишига шароит яратилади. Январнинг кўп йиллик ўртача ҳарорати Дараутқўрғонда  $-14,4^{\circ}\text{C}$ , Олтинмозорда  $-10,8^{\circ}\text{C}$ , Саритовда  $-17,5^{\circ}\text{C}$ , Эргаштомда  $-12,1^{\circ}\text{C}$ . Шу станцияларда июлнинг кўп йиллик ўртача ҳарорати  $15,4^{\circ}\text{C}$ ,  $15,2^{\circ}\text{C}$ ,  $9,2^{\circ}\text{C}$ ,  $13,1^{\circ}\text{C}$ . Олтин-мозор билан Дараутқўрғоннинг қишки ҳарорати ўртасидаги фарқ Олой водийсида ҳам қишки ҳарорат инверсияси бор эканлигини далиллайди. Олой водийси энг паст ҳарорат ( $-41,7^{\circ}\text{C}$ ) Саритовда ва энг юқори ҳарорат ( $33,3^{\circ}\text{C}$ ) Дараутқўрғонда бўлган. Ёғингарчиликнинг кўп йиллик ўртача миқдори Саритовда  $-334$  мм, Дараутқўрғонда  $-276$  мм, Эргаштомда  $-185$  мм.

Катта Олой тизма тоғининг шимол томонида қор чизиги 4200 — 4600 м баландликдан ўтади. Тоғларнинг баландликлари 6000 — 7000 м гача етганлигидан музликларнинг ҳосил бўлишига яхши имконият яратилган. Шунинг учун баландлик ошган сари ёғингарчиликнинг асосан қор ҳолатида тушиши, ёғин миқдорининг ўсиши ҳам бунга мисол бўла олади. Катта Олой тоғ тизмасининг шимолий ёнбағирларда ва Қизилсувнинг ўнг irmoғи — Кўксув ҳавзасида умумий майдони  $875,5$  км<sup>2</sup> келадиган 200 га яқин музликлар бор. Уларнинг асосий майдонлари Ленин чўққисининг атрофида ва Қўрум чўққисига яқин жойлашган. Олой во-

дийсидан оқиб ўтган Қизилсув дарёси Амударё системасига киврувчи Вахш дарёсининг ирмоғи бўлиб ҳисобланади. Тоғмурун доvonининг ёнида «Айланма», кейин «Қорасув» деган номлар билан бошланиб, Қизилоқин суви қўшилишидан Қизилсув дарёси пайдо бўлади. Йирик ирмоқлар: Олтиндарё, Очиқтош, Жанайдартака, Камонсув ва Кўксув. Асосий тўйиниш манбаи муз ва қор сувлари. Ёзда кўпаядиган Тяншан типидagi дарёлар туркумига киради. Кўп йиллик ўртача сув сарфи – 56,5 м³/сек.

Олой водийсининг шарқидagi йирик дарё – Шарқий Қизилсув Маркан дарёсининг чап ирмоғи бўлиб, у эса ўз навбатида Таримга қуйилади. Шарқий Қизилсув Катта Олой тоғларининг шарқ томонидаги Қўрумди чўққиси атрофидаги музликлардан бошланади. Чап томондан Кўксув қўшилгандан сўнг Хитой томонга оқиб ўтади. Чегарадаги сув сарфининг ўртача йиллик миқдори 25 м³/сек.

Олой водийси арид (қурғоқчил) ландшафтларига эга. Тупроғи, ўсимликлари баландлик минтақаси қонуниятига мос. Энг пастки, ғарбий қисмидаги текисликлари, тоғ этаклари (2500 м гача) оч кулранг тупроқли, шувоқ ўсувчи чала чўл ва қуруқ дашт ландшафтларидан иборат. Водий ўрталарида, бош қисмида қора кулранг тупроқли ўтлоқлар ястаниб ётади. Тарим дарёси ҳавзасига қараган ҳудудларда қуруқ дашт ландшафтлари жойлашган. Кўксув ҳавзасида ва Нур дарёси соҳилларида мураккаб шароитда ўсган қарағайзорлар, арчазорлар учрайди. Катта Олой тизма тоғининг шимол томонидаги баландлик минтақаларининг энг куйи қисми – субальп далалари, субальп ўтлоқлари, пакана бўйли тўнгиз сиртли альп майсазорлар, қояли, шағалли майдонлар билан ёнма-ён жойлашган. Кенг кўламли гляциал-нивалли минтақа 3600 — 3900 м дан 700 м баландликгача боради. Бу ерда кўпчилик майдонлар қор ва музликлар билан қопланган. Олой тизма тоғининг жанубий ёнбағирларида аниқ кўзга ташланадиган баландлик минтақалари йўқ. Қуруқ дашт ва қисқа бўйли майсазорлар энг юқори баландликгача кўтарилади (3000 м дан юқори жойлашган). Говак жинслар тарқалган жойларда кўп йиллик музлоқлар ва унга яқин бўлган табиий комплекслар учраб туради.

Олой водийсидаги табиий ресурсларининг кўпчилиги яйловдон ерлардир. Кўпчилик яйловларни Ўзбекистон ва Тожикистон республикалари шартнома асосида арендага олиб, ёзда чорва молларини боқишади. Деҳқончиликка яроқли жойлар оз, уларнинг кўпчилиги даламкор ерлар. Дарё бўйларидаги текисликлардан, ясси қияликлардан пичан фамланади.

## Савол ва топшириқлар

1. Контур харитасидан Олой водийсини топиб, унинг асосий географик бирликларини ёзиб олинг.
2. Мана шу харитангизда музликлар жойлашган ҳудудларни белгилаб, кўрсатинг.
3. Олой водийсида нима учун ўрмонлар йўқ?
4. Катта Олой билан Олой тизма тоғларининг геологик тузилишидаги асосий фарқ нималарда намоён бўлади?
5. Катта Олой тоғ тизмасининг энг баланд жойи қайси?
6. Олой водийсининг энг паст жойи қайси баландликдан ўрин олган?
7. Жадвалдан фойдаланиб, шу регионга қаринли дарёларни топиб, уларнинг сув сарфларини айтиб беринг.

## 11. ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ҚЎРИҚХОНАЛАР

### 11.1. Табиат бойликлари ва улардан фойдаланиш

Қадим замонлардан бери одамлар яшаш фаолиятида турли хил табиат бойликларидан фойдаланиб келишган. Табиат бойликларига сув, тупроқ, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси, қазилма бойликлар, Қуёш ва шамол энергияси, қулай табиат иқлимлари ва бошқалар киради. Кишилиқ жамиятининг ўсиб ривожланиш даражасига қараб реал ва потенциал табиат бойликлари бўлиши мумкин. Масалан, ибтидоий жамият одамлари учун тошқўмир ёки бошқа қимматбаҳо тошларнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Деҳқончилик ривожлангунга қадар ер юзида одамзот учун ҳеч қандай фойдали ресурс бўлган эмас. Яқин вақтгача радиоактив элементлар энергия берувчи ресурслар ҳисобланмаган. Бундай мисолларни кўплаб келтирса бўлади. Кишилиқ жамиятининг ҳозирги ривожланиш босқичида ҳам табиий ресурс қаторига кирмаган айрим моддалар, ҳодисалар, жараёнлар келажакда қимматли ресурсларга айланиши мумкин. Шу билан бирга, кишилиқ жамиятининг ўсиб ривожланиш тарихининг бошланишидан бери қимматли ресурс тарикасида фойдаланиб келинган жониворлар ва ўсимликлар табиий ресурсларнинг элементлари бўлиб ҳисобланади.

Одам боласи минглаб йиллардан бери табиат ресурсларидан фойдаланиш жараёнида уларнинг ўрни ҳеч қийинчиликсиз қайтадан тўлиб қолишига кўникиб қолишган. Сабаби, табиий

муҳит ташқи таъсирларга чидамли бўлиб, маълум миқдорда эгилувчанлик хусусиятига эга. Табиатнинг эгилувчанлиги ва чидамлилиги хусусияти инсон учун энг керакли ва қимматлидир. Табиатнинг ушбу хусусиятларига таяниб, инсоният табиат компонентларини ўз ҳоҳишига кўра ўзгартира олади. Бироқ, бу ўзгартиришлар меъёр чегарасидан чиқмаслиги керак. Акс ҳолда табиатдаги ўзаро боғланишлар бузилиб, ёмон оқибатларга олиб келади. Натижада табиатнинг динамик тенг салмоқли ҳолатдан чиқиб, унинг ўз ҳоҳишича тобора янгилашиб туриш хусусиятини бузади, ўсиш ва ривожланиш издан чиқади. Табиатни муҳофаза қилиш — инсон томонидан табиатга келтирилган зиёнларни ўз ўрнига келтириш, унинг тобора янгилашиб туриш имкониятини сақлаб қолиш демакдир. Шунинг учун, табиатни муҳофазалаш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бир-бири билан жуда мустаҳкам боғлиқ ва улар бир ҳодисанинг икки томонидир. Табиат ресурсларидан кенг фойдаланиш учун, уни қўриқлашни ҳам билиш лозим. Табиатнинг янгилашиб туриш имкониятини сақлаш, унга ресурсларни қайтадан тўлдирилиб туришига ёрдам бериш, инсоният билан табиат ўртасидаги асосий муомаладир. Бу муомала табиатни муҳофаза қилишнинг асосини ташкил қилади.

Табиат ресурслари — тугамайдиган ва тугайдиган бўлиб, иккига бўлинади. Тугамайдиган ресурсларга Қуёш энергияси, шамол энергияси, иқлим ресурслари киради. Тугайдиган ресурслар ўз навбатида тикланадиган ва тикланмайдиган бўлиб, яна иккига бўлинади. Тугайдиган ресурсларнинг тикланмайдиганлари — қазилма бойликлар, тикланадиганлари — тупроқлар, ўсимликлар ва ҳайвонлардир.

Ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши тобора янги технологиялар оқимини жадал суратларда ишлаб чиқаришга жорий этишни талаб қилади. Одамлар умумий сонининг кўпайишига олиб келади. Бироқ, айрим табиат ресурслари чексиз эмас, улар тугаб қолиши табиий ҳолдир.

Одамлар яшаш шароитини тобора яхшилаб туриш учун ҳаминша табиат ресурслари керак. Ҳозирги даврда фан ва техниканинг ривожланиш даражаси ўсиб, табиат бойликларидан фойдаланишда янги усулларни топиб, тобора кўп миқдорда ишлаб чиқаришга имконият яратилмоқда. Бундай шароитда тугайдиган ресурслардан унумли ва тежамкорлик билан фойдаланиш зарур. Қайтадан тикланадиган ресурсларга ўзини ўзи тиклаши

учун вақт ва имконият бериш, ишлаб чиқаришнинг келажagini, унинг бир маромда ишлашини таъминлайди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши эса жамият ривожланишининг асосий замини — тиркаги бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши, табиий ресурслардан фойдаланиш даражасининг ўсиши атроф-муҳитга ўз таъсирини ўтказмоқда. Ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, ҳар хил кимёвий моддаларнинг атроф-муҳитга тарқалиши инсон ҳаётига салбий таъсир қилмоқда. Бу жиҳатдан табиатни қўриқлаш масаласи жамият аъзоларининг саломатчилигини сақлаш мақсадини кўзлайди.

Табиатни яхшилаш ва соғломлаштириш мақсадида ундан тобора кўп миқдорда бойликларни олиш учун қилинаётган ҳаракат кўп ҳудудларда салбий таъсир ўтказмаслигига эътибор бериш лозим. Бундай шароитда ҳудудий табиат комплексларини табиий ўсиб-ривожланишини сақлаб қолиш катта илмий аҳамиятга эга.

Табиатни муҳофаза қилишнинг яна бир мақсади манзарали сўлим жойларни, ноёб табиат объектларини пайхон бўлишдан асрашдир.

## **11.2. Қирғизистонда табиатни муҳофаза қилиш масалалари**

Республикамиз ҳудуди асосан тоғлардан иборат, 70% дан ортиқ майдонларимиз 2000 м баландликда ва ундан ҳам юқориде жойлашган. Шунинг учун кўпчилик ҳудудлар ҳали одамлар томонидан ўзлаштирилгани йўқ. Аммо, табиат бойликларимиз озайиб, айримлар, айниқса ҳайвонот олами зиян кўраётганини тан олишимиз лозим. Масалан, русларни таниқли саёҳатчиси П.Н. Семёнов-Тяньшанский ўзининг 1857 йилги саёҳати вақтида Иссыккўл бўйида, ҳозирги Покровка қўлтиғи яқинида тунаб қолган. Кечки пайт у билан бирга юришган рус казакларидан иккитаси, тиззасигача қўл сувига кириб олишиб, қилич билан балиқ чопишган экан. Ярим соат ичида 6 пуд балиқ тўплашибди. Мана шундай балиққа бой қўлнинг ҳозирги аҳволи тўр билан овлаш нагижасида эмас, балки олимларнинг балиқлар сифатини яхшилаш мақсадида қилган ҳаракатлари оқибатида юз берди. Ўша, аввалги асрнинг иккинчи ярмида яна бир рус олими (А.Н. Северцев) Иссыккўл соҳилларида тўп бўлиб юрган 400-500 га яқин

архар-кулжаларни кўриб тан қолган эди. Ҳозир бўлса буларнинг сони кескин озайиб, Қизил китобга кириб қолди. Сўнқўлнинг ғозлари ҳам шундай аҳволга тушиб қолган.

Республика ҳудуди 198,5 минг км<sup>2</sup>, бундан хўжалик учун яроқли ерлар 146,0 минг км<sup>2</sup>. Бу майдоннинг кўпчилик қисми (88,6 минг км<sup>2</sup>) табиий яйлов. Пичан ғамланадиган майдонлар 2,3 минг км<sup>2</sup>. Деҳқончиликка яроқли ерлар майдони 1,5 млн га, бундан фойдаланилаётгани 1,27 млн га. Демак, Республиканинг 6% гина ери деҳқончиликка яроқли. Агарда уни ҳозирги даврдаги Республика аҳолисининг сонига бўлсак, ҳар бир кишига 0,32 га деҳқончиликка яроқли ер тўғри келади.

Ҳайдаладиган ерлар табиий ресурсларнинг энг қимматли, иқтисодий бойлигимизнинг бебаҳо асосидир. Бироқ айнан мана шу ҳайдаладиган ерларнинг тобора қисқариб бориши кузатишмоқда. Ерлар нотўғри ишлатилиши натижасида эрозияга учраб, айрим жойларни эса шўр босиб кетиш ҳавфи туғилапти. Асосий қурилиш ишлари шу ерларда олиб борилмоқда. Минглаб гектар ерларга сув омборлари ва йўллар қурилган. Ердан унумли фойдаланиш, ҳайдов майдонларини йўқотмаслик, ҳар хил исрофгарчиликдан асраш, биринчи навбатда деҳқончилик ерларини қўриқлаш — Республикадаги энг долзарб масалалардан биридир.

Қирғизистон ҳудудида яйловбоп ерлар кўп, улар Республика майдонининг 45% ини ташкил қилади. Нотўғри фойдаланиш натижасида бу ерларда яйлов эрозияга учраган, фойдасиз ёввойи ўтлар босган майдонлар кўпайиб кетди. Кейинги вақтларда юз берган хўжалик юритишдаги янгиликлар, чорва молларининг кескин озайиб кетиши, яйловлар ҳолатини бир мунча яхшилаш имконини яратди. Бундай ҳолни Сўнқўл ҳавзаси мисолидан яққол кўриш мумкин.

Кишиларнинг саломатлиги ва соғлом ҳаёт тарзида ҳавонинг тозаллиги ҳам катта аҳамиятга эга. Тоза ҳавога, айниқса, шаҳар аҳолиси муҳтож. Шаҳар ҳавосини тоза тутиш мақсадида бир қанча ишлар қилинган ва улар ҳозир ҳам давом этмоқда. Аммо бу ишлар ҳам яхши натижа берганича йўқ. Шаҳар ҳавоси ҳам инфлослигича қолмоқда. Ўткинчи давр қийинчиликлари туфайли завод, фабрикалар тўхтаган. Бу ҳолат шаҳарнинг ҳавосини инфлослантирувчи манбалардан ҳолис қилди. Бироқ ҳавони инфлослантирувчи моддалардан ҳолис қилиш муаммолари ҳам ечилмасдан турибди. Бу муаммоларни ечиш учун кўп меҳнат ва ҳаражатлар талаб қилинади.

Туркманларда «бир томчи сув — олтин зарраси» деган гап бор. Ҳақиқатан ҳам сув — энг қимматбаҳо табиат бойлиги. Сувни ифлос қилмай, тежамкорлик билан ишлатиш ҳар бир кишининг бурчидир. Сувни сарфлаш бўйича қишлоқ хўжалиги биринчи ўринни эгаллайди, кейинги ўринда ишлаб чиқариш корхоналари. Аҳоли маиший хизматини таъминлаш эса учинчи ўринда. Масалан, шаҳар аҳолисининг ҳар бири ўртача бир кеча-кундузда 400 л сув ишлатади. Агарда Бишкекда 600 минг аҳоли яшаса, уларнинг бир кеча-кундузлик сув сарфи 240 минг м<sup>3</sup> га баробар бўлади. Шаҳардаги ҳамма ишхоналарда тўлиқ куч билан ишласа, яна ўшанча сув кетади. Демак ҳаммаси бўлиб 480 минг м<sup>3</sup> бўлса, Бишкек шаҳрини сув билан таъминловчи Аламуддин ва Олаарча дарёларининг бир кеча-кундузлик ўртача оқим миқдори 907 минг м<sup>3</sup>. Демак, бу дарёлар сувининг 53%ини Бишкек шаҳри ишлатади. Бишкекдан ташқари қанча шаҳар ва қишлоқлар, суғориладиган ерларни ҳисобга олсак, юқоридаги икки дарёнинг аҳамияти қанчалик катталиги ҳаммага аён бўлади.

Республикамиз сувга бой. Бизнинг ҳудудимиздан оқиб чиққан сувлар қўшни республикаларнинг ҳам сувга бўлган эҳтиёжларини қондиради. Йилига бизнинг тоғлардан оқиб чиққан сувларнинг миқдори 52 км<sup>3</sup> ҳисобланади.

Сувни ифлосланишдан сақлаш асосий муаммолардан бири. Сувни булғайдиган манбалар: ишлаб чиқариш чиқиндилари, шаҳар-қишлоқ аҳолисининг ахлатлари, тупроқ шўрини ювгандан кейин ариқларга оқизилган шўр сув ва ҳоказо.

Сувни ифлосланишдан сақлашдаги энг асосий ишлар — қишлоқ хўжалигида фойдаланувчи заҳарли моддалардан ва минерал ўғитлардан қондани бузмаган ҳолда меъёрида фойдаланиш, саноатда ишлатилган сувларни ариқларга оқизмай, тоза-лаб, қайтадан ишлатишга эришув ва ҳоказо.

Сув муҳофазасининг яна долзарб масалаларидан бири — унинг заҳира миқдорини камайишига йўл қўймаслик. Ҳар бир дарё ҳавзасидаги ўрмон майдонлари сув ҳосил бўлишининг асосий омилларидир. Ўрмон дарахтларининг кесиб йўқ қилиниши сув режимининг бузилишига, унинг умумий миқдорининг озайиб кетишига олиб келади. Шунинг учун арча ва қарағайзорларни, ёнғоқ мевазорларини қўриқлаш — сувни қўриқлаш демакдир.

Муҳофаза қилинувчи сув объектлари ичида энг диққатга сазовори Иссиқкўлдир. Бу кўлнинг суви ташқарига оқиб чиқмайди. Кўл атрофидаги дарёларнинг сувлари кўлга келиб қуйилади. Бундай шароитда кўл ҳавзасида олиб бориладиган хўжа-

лик ишлари махсус маромда бўлиши керак. Қишлоқ хўжалигида ишлатилувчи гербицидлар, ҳар хил минерал ўғитлардан фойдаланиш назорат қилинмаса, шаҳар-қишлоқлар чиқиндиларнинг сувга оқизилишига чек қўйилмаса, улар кўлга оқиб келиб, сувни булғаш мумкин. Булардан эҳтиёт бўлмаслик кўлнинг келажagini хавф остига қўяди.

Иссиқкўлнинг табиий иқлим шароити йил давомида дам олувчиларни ўзига жалб қилади. Саёҳатчиларнинг кўп келиши катта иқтисодий аҳамиятга эга. Аммо ҳар бир дам олувчи кишининг атроф-муҳит ифлосланишига қўшадиган ўз улуши бор. Чиқиндиларнинг миқдори одамнинг маданий савиясига боғлиқ. Маҳаллий аҳолининг ҳам атроф-муҳитга бўлган муоамаласи уларнинг экологик маданиятига боғлиқ. Шунинг учун Иссиқкўл атрофида яшаган туб аҳоли учун, дам олишга келган ҳар бир киши учун табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини билиш, уларнинг экологик маданиятини ўстириши катта аҳамиятга эга.

Ўсимлик ва жониворлар ҳудудий-табиий комплексларнинг энг нозик компонентларидир. Одамлар таъсирида биринчи навбатда шу компонентларга зиён етказилади. Ўсимликлар ва жониворлар зиён кўради деб, инсонлар ўз хўжалик ишларини тўхтатиб қўйишмайди, албатта. Шунинг учун ерни ҳайдаш, сув омборларини қуриш, турли саноат ва халқ хўжалиги иншоотларини бунёд этиш ишлари бўлиб келган ва улар яна давом этаверади. Натижада бир қанча жойлардаги ўсимликлар пайҳон бўлади, жониворларнинг яшаш майдони кичраяди ва бузилади. Бундай ҳолатда айрим жойларнинг табиий флора ва фаунасини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун, табиий ва миллий парклар, вақтинчалик қўриқхоналар ташкил қилинади ва Қизил китобга кирувчи ўсимликлар ва жониворларнинг рўйхати тузилади.

Қирғизистон Қизил китобига ўсимликларнинг 65 тури, жониворларнинг 69 тури киритилган. Йўқолиб кетиш арафасида турган ўсимлик ва жониворларни сақлаб қолиш мақсадида Қирғизистон ҳудудида қўриқхоналар, заказниклар ва табиий парклар ташкил этилган.

### 11.3. Муҳофазаланадиган ва махсус муҳофазага олинган жойлар, кам учрайдиган ва йўқолиб бораётган жониворлар

Ҳозирча Республикамыз ҳудудида 6 та қўриқхона, 1 табиий боғ ва 40 га яқин заказник бор. Буларнинг умумий майдони Қирғизистон майдонининг 2% дан кўпроғини ташкил қилади.

**Иссиқкўл қўриқхонаси** 1948 йили ташкил қилинган. Қўриқхонани ташкил этишдан асосий мақсад сувда сузувчи ва сув бўйларида яшовчи қушларнинг яшаш шароитини яхшилашдир. Халқаро конвенцияга кўра Иссиқкўл сузиб юривчи қушларни кўпайтиришда дунё аҳамиятига эга бўлган жой ҳисобланади. Олимларнинг кузатишларича Иссиқкўлда 100 мингга яқин сувда сузувчи қушлар қишлашади. Улар чулдуқлар (лой-хўрак), қашқалдоқлар, қилқуйруқлар, оқ турналар, ўрдаклар, фламинго (қизил ғоз), чағалайлар ва бошқалар. Охириги пайтларда улар кўпаядиган жойларнинг кичрайиши натижасида ва браконер овчиларнинг қилмишлари туфайли кўпчилик қушларнинг тури кескин озайиб кетган (оқ турналар, қарқур). Қўриқхонага кўл қирғоғидан 2 км гача бўлган қирғоқдаги зона кирди. Бироқ дам олиш жойлари, курортлар қурилиши айрим жойларда қўриқхоналар режимини сақлашга имкон бермайди.

**Саричелак биосфера** қўриқхонаси 1659 йил ташкил этилган ва 1979 йил ЮНЕСКО томонидан халқаро қўриқхоналар қаторига қўшилган. У Чотқол билан Отўйноқ тизма тоғлари туташган ердан ўрин олган ва энг катта ёнғоқзор ўрмонларнинг табиат комплексларини сақлаш учун ташкил этилган. Майдони 23,8 минг га. Фауна ва флорасининг турли-туманлиги, тоғ орасидаги кўли, ҳар хил катта-кичик жониворларнинг макони бўлган бу қўриқхона ўзининг гўзал манзараси, табиатнинг чиройлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Қўриқхонада дарахтларнинг 32 тури, буталарнинг 80, ўт-ўланларнинг 886 тури ўсади, сут эмизувчиларнинг 32, қушларнинг 157 тури шу ерда яшайди.

1961 — 1962 йилларда Саричелак қўриқхонасига ўрмон сувсари, америка сувсари (норка), зубр, кийик ва европа буғилари қўйиб юборилган. Маҳаллий биоценозга ёт жониворлар турларининг қўриқхонага киритилиши унчалик яхши натижа бермади.

Саричелак қўриқхонасининг ташкил этилиши маҳаллий ҳайвонот оламининг кўпайишига, аввал озайиб кетган йирик сут эмизувчиларнинг қайтадан кўпайиб, қўриқхонадан ташқаридаги тоғ дараларида ҳам яшашга имкон туғдирди.

**Бешорол қўриқхонаси** 1979 йили ташкил қилинган. Унинг асосий хизмати — Чотқол водийсининг асосий ноёб табиат комплексларини сақлаб қолиш, йўқолиб бораётган жониворлардан — Мензбир суғурини ҳимоялашдан иборатдир. Майдони 18,2 минг га. Қўриқхона майдонлари яхлит бўлмасдан, бошқа-бошқа бўлиб Чотқол водийсининг пастки қисмида, тоғ ёнбағирларида жойлашган.

**Норин қўриқхонаси** 1984 йил ташкил этилган. Унинг асосий мақсади — Қирғизистон ҳудудидагина яшовчи, йўқолиб бораётган эндемик, йирик сут эмизувчиларнинг вакили — Тяншан моралини (буғи) яшаш шароитини сақлаб, бу турни асраб қолиш. Қўриқхона Катта Норин дарёсининг чап ўсган қарағай ўрмонларининг майдонларини эгаллайди. Қўриқхона майдони 18,2 минг га, яна 30 минг га ерлар қўриқхона атрофидаги режимни сақловчи жойлардир. Қўриқхона уюштирилгандан бери буғуларнинг умумий сони ўсиб, мингтага яқинлашиб қолди. Буғулардан ташқари асосий ҳимояланувчи ҳайвонлар - эчкилар, архарлар, кийиклар, айиқлар ва бошқа йирик жониворлардир. Бу ердаги ўсимликлар табиий шароитга яхши мослашиб, ўсиш ва ривожланиши меъёрида кечмоқда.

**Қоратол-Жапириқ қўриқхонаси** 1994 йилда ташкил этилган. У Норин водийсининг ўнг томонида Сўнкўлнинг жануб томонида, Қоратол ва Жапириқ дарёларининг ҳавзаларини эгаллаган кичик ўрмонли тоғ комплекsidир. Асосий мақсади — табиат комплексларининг табиий ҳолатини сақлаб қолиш, шу ерда яшовчи йирик сут эмизувчиларнинг ўсиб ривожланиши учун шароит яратиш. Майдони 6 км<sup>2</sup> дан ортиқ.

**Саричот-Эгартош қўриқхонаси** 1995 йилда ташкил этилиб, қўриқхона статусига эга бўлди. Терскай Олатови билан Оқшйроқ тоғ тугуни оралиғидаги водийни, Сарижаз дарёсининг ирмоғи - Учкўлнинг асосий ташкил этувчиси Саричот дарёси ҳавзасини эгаллайди. Асосий мақсади — атроф табиат комплексини бузмай, уларни табиий ҳолида сақлаш. Бу ерда яшовчи архар-кулжа, илвирс, тяншан кулранг айиғи ва бошқа экзотик ҳайвонлар популяциясини ўрганиш ва уларни сақлашни таъминлашдир. Майдони 60 минг гектарга яқин. Асосан аҳоли яшамайдиган, 300 мдан баланд тоғларни, музликларни ва водий дараларини эгаллайди.

**Олаарча табиат боғи** 1976 йили ташкил этилган. Асосий мақсади, Бишкек шаҳрига яқин жойлашган Олаарча дара-сидаги табиат комплексларининг рекреацион имкониятларини

сақлаб қолиш ва ундан фойдаланишни тартибга солиш. Бю ташкил этилгунга қадар Олаарча дараси орқали Сусамирга мол ҳайдовчи йўл бўлган ва унинг ичкариларида моллар боқилган. Шунингдек, Бишкек аҳолиси дам олиш учун бу ерга келиб, табиат комплексига катта зиён етказишган. Сўнгги 20 йил ичида арча ва қарағай ўрмонлари қайтадан тикланиб, ҳайвонот олами кўпайиб табиат ўз ҳолига қайтмоқда. Шаҳарлик дам олувчиларнинг бу ерга келиб, дам олиши ҳам қонун асосида қатъий тартибга солинмоқда. Эркинликда кўпая бошлаган ёввойи чўчқалар, сут эмизувчилар бошқа яшаш жойларига ҳам ёйилиб, уларнинг баъзиларини суриб чиқармоқда (масалан кийикни).

Қизил китобга кирган айрим жониворларни ҳозирги вақтда учратиш қийин. Масалан, қизил бўри ва қундуз. Бу жониворларни яқин орада ҳеч ким кўрмаган, балки батамом йўқолиб кетгандир. Қора қунас, дала товуги, жайрон (қора қуёрук) ва бошқалар ҳам шундай ҳавф остида.

Қирғизистон ҳудудида Тяньшан кулранг айиғи, Туркистон силовсини, илвирс, арқар, ғоз, ўроқ тумшукли чулдуқ популяцияларининг кўпчилиги, мензбир суғури, мангул, бургут, болтаютар, итолғи, оқтўш каптарларнинг асосий популяциялари яшайди.

1995 — 1997 йиллардан бошлаб табиатни муҳофаза қилиш, табиат бойликларидан фойдаланишнинг янги шакллари ташкил қилиш бўйича Германия билан Қирғизистон ўртасидаги давлат шартномасига мувофиқ икки давлат олимлари ўзаро ҳамкорликда ишлашмоқда. Иссиқкўл вилоятининг тўлиқ, Норин вилоятининг шарқий қисмини ўз ичига олган катта биосфера майдонини ташкил этиш лойиҳаси келажакда амалга ошириши мумкин. Шу йилларда Дунё банкнинг ёрдами билан амалга оширилиши мўлжалланган Қирғизистон Республикасининг «Атроф-муҳитни муҳофазалашнинг миллий режаси» қабул қилинди (28.11.95 й.). Қораунғур ва Қораолма водийларида швейцарияликлар «КАРИТАС» лойиҳаси бўйича ишлашмоқда.

Қирғизистон ҳудудининг экологик ҳолати фақат Республикамиз аҳолисининггина қизиқтирмасдан, қўшни республикаларни, олисидаги ривожланган мамлакатларни ҳам қизиқтириб келмоқда. Сабаби, экологик ҳолати яхши ҳудудлар майдонининг кўп бўлиши, бутун ер юзи экологик ҳолатига ўз таъсирини ўтказди. Экологик муаммоларнинг чегараси йўқ, табиатни муҳофаза қилиш бутун инсониятнинг иши.

## Савол ва топшириқлар

1. Табиат бойликларини (ресурсларини) санаб кўринг.
2. Сизнинг фикрингизча қайси табиат бойликлари тугайдиган ва қайсилари тугамайдиган ресурсларга киради?
3. Тикланадиган ресурслар қайсилар?
4. Қирғизистон контур харитасида қайси ерлар хўжалик учун яроқли эканлигини аниқлаб, уни алоҳида кўрсатинг.
5. Муҳофаза қилиш зарур бўлган табиат объектларини санаб беринг.
6. Қирғизистон ҳудудида қайси жониворлар йўқолиб кетиш ҳавфи остида?
7. Қирғизистондаги қўриқхоналарни санаб, уларни харитадан топинг.
8. Сиз яшаётган ҳудудда муҳофаза қилинадиган жойлар борми? Бор бўлса, уни таърифлаб беринг.

## И Б Ў Л И М

### ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯСИ

#### 12. ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯСИ

##### 12.1. Қирғизистон Республикасининг аҳолиси, аҳолисининг жойлашиши, меҳнат ресурслари

**Аҳоли динамика ўсишининг ўзига хослиги.** 1985 йили Қирғизистон Республикасининг аҳолиси 4483 минг киши бўлган. Бундан 100 йил аввал, ёки 1897 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш маълумотига асосан ҳаммаси бўлиб 663 минг киши яшаган. Бу йиллар мобайнида аҳолининг сони 6,8 марта кўнайди. Дастлаб аҳоли сони, аксинча, озайиб кетди. Масалан, 1913 — 1920 йилларда аҳоли сони 0,5% га қисқарган. Аҳолининг ўсиши 1920 — 1940 йиллар орасида 77% ни ташкил қилган. Аҳолининг бу йиллардаги ўсишига табиий ўсиш ва Европадан кўчиб келган мутахассислар, малакали ишчилар ҳамда халқ таълими ходимларининг катта оқими сабаб бўлган. Уруш йилларида аҳолининг ўсиш тезлиги камайган, бироқ уруш давом этаётган йилларда Европадан, айниқса, душман босиб олган районлардан кўчирилганлар ва ўз ерларидан зўрлик билан ҳайдаб чиқарилганлар, ингушлар, қорачойлар, болқарлар, қрим татарлари ҳисобига аҳолининг умумий сони унчалик озайган эмас.

Аҳоли сонининг энг юқори ўсиши 1950 йиллардан кейин бошланди. Масалан аҳолининг ўсиши 1950 — 1960 йилларда 24%, 1960 — 1970 йилларда 38%, 1970 — 1980 йилларда 21,6%, 1980 — 1990 йилларда 21,7% ни ташкил қилган, 1950 — 1990 йиллар ораллигидаги ҳар бир ўн йилликда аҳолининг ўртача ўсиши 26,3% га тенг бўлган. Бу жуда юқори кўрсаткич. Бундай ўсишнинг энг асосий сабаби — табиий ўсишдир. Бу даврда ҳам ташқаридан кўчиб келганлар бўлган, бироқ уларнинг улushi оз миқдорда бўлган.

Аҳолининг ўсишини Республика ичидаги ҳудудлар бўйича солиштириганда бир қанча потекисликнинг гувоҳи бўламиз. Ўш, Жалолобод, Норин вилоятларида аҳолининг сони ва динамика-

си Республика ўртача кўрсаткичидан юқори бўлса, Бишкек шаҳрида, Чуй, Иссиқкўл вилоятларида эса аксинча ўртча кўрсаткичдан паст бўлган. Республика бўйича 1950 — 1990 йиллар давомида аҳолининг сони 2,37 марта ўсган бўлса, Ўш, Жалолобод вилоятларида 3 мартага яқин, шу билан биргаликда Чуй, Иссиқкўл, Талас вилоятларида 2 мартага кўпайган. 1990 — 1993 йилларда республикадан кўчиб кетувчилар кўпайди. Аммо аҳоли сонига ва унинг ўсишига таъсир кўрсатган асосий омил табиий ўсишдир.

**Аҳолининг табиий ўсиши.** Туғилганлар билан ўлганлар ўртасидаги фарқ табиий ўсиш деб аталади, у қуйидаги ифода билан тушунтирилади:

$$K_{15} = K_t - K_y$$

бу ерда:  $K$  — коэффициент,  $t$  — табиий ўсиш,  $t$  — туғилганларнинг сони,  $y$  — ўлганларнинг сони.

Туғилганларнинг сони 100 кишига нисбатан олинади. Мисол учун, 1993 йили туғилганларнинг коэффициенти 26,1 дегани, шу йили ҳар минг кишига 26,1 та бола туғилди демакдир.

Кейинги 50 йилда Республикада туғилганларнинг сони бир маромда сақланмоқда, бу кўрсаткич 1940 йилда — 33,0, 1960 — 36,9, 1980 йилда — 29,6, 1985 йилда — 32,0, 1990 йилда — 29,3, 1991 йилда — 29,1, 1993 йилда — 26,1 ни ташкил қилган. Умуман олганда, Республика бўйича туғилганларнинг сони, айниқса, охириги уч йилда (1994 — 1996 йиллар) бироз камайган.

Республика ҳудудлари бўйича ҳам туғилганларнинг сони бир хилда эмас: 1993 йилда Ўш вилоятидаги кўрсаткич 32,4 ни ташкил қилса, Жалолобод вилоятида — 25,1, Чуй вилоятида — 17,1, Бишкек шаҳрида — 13,2 ни ташкил этган. Қишлоқ жойларида шаҳарга нисбатан туғилиш юқори.

Ҳозирги даврда дунёнинг турли ўлкаларида турлича демографик сиёсат юргизилмоқда. Умуман олганда, ривожланган капиталистик мамлакатларда кўп болалилик сиёсати юритилаяпти. Давлат томонидан кўп фарзандли оналарга ёрдам, энгилликлар берилмоқда. Ҳомиладор бўлмаслик ва ҳомилани олиб ташлашга руҳсат берилмаяпти. Кўпчилик ривожланиб келаётган ўлкаларда, аксинча туғилишни чеклаш сиёсати тарғиб қилинмоқда. Буларда никоҳдан ўтиш ёши узайтирилиб, онла сонини қисқартириш чоралари ишлаб чиқилмоқда.

Аҳоли сонининг ўсишига таъсир қилувчи яна бир омил —

**Қирғизистон Республикаси вилоятлари бўйича туғилиш, ўлиш ва табиий ўсишнинг ялпи коэффицентлари (1000 киши ҳисобига, 1993 йил)**

	Туғилганлар сони				Улганлар сони				Табиий ўсиш			
	жами аҳоли	шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси	жами аҳоли	шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси	жами аҳоли	шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси	жами аҳоли	шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси
Қирғизистон Респ-си	26,1	19,1	30,0	7,7	8,6	7,2	18,4	10,5	7,2	18,4	10,5	22,8
Жалолобод вилояти	31,1	24,4	33,7	6,5	7,0	6,3	24,6	17,4	6,3	24,6	17,4	27,4
Исиккўл вилояти	25,1	20,7	27,2	8,2	8,2	8,2	16,9	12,5	8,2	16,9	12,5	19,0
Норин вилояти	30,5	32,0	30,1	6,8	4,7	7,4	23,7	27,3	7,4	23,7	27,3	22,7
Уш вилояти	32,4	24,5	35,2	6,1	6,5	6,0	26,3	18,0	6,0	26,3	18,0	29,2
Талас вилояти	28,9	23,5	29,9	7,1	7,7	7,0	41,8	15,8	7,0	41,8	15,8	22,9
Чүй вилояти	17,8	15,8	18,5	9,8	10,2	9,6	8,0	5,6	9,6	8,0	5,6	8,9
Бийикек шаҳри	13,2	13,2	4,7	10,4	10,5	0,3	2,8	2,7	0,3	2,8	2,7	4,4
Боткен вилояти (2000 йил ҳисобига)	24,0	25,8	23,1	5,8	9,7	4,7	18,2	16,1	4,7	18,2	16,1	18,8
Ўш вилояти (2001 йил ҳисобига)	21,7	18,8	22,6	5,0	5,4	4,8	16,7	13,3	4,8	16,7	13,3	17,8

ўлим даражасидир. Ўлим даражаси кишиларнинг иқтисодий аҳволига, гигиена шароитларига, медицина хизматига боғлиқ бўлади.

Ўлим даражаси қишлоқ жойларида шаҳарга нисбатан бироз пастроқ. Хотинларга нисбатан эркаклар ўртасида ўлим кўпроқ бўлади. Умуман, Республикада ўлимнинг озлиги аҳоли кўпчилиги қисми ёшлардан иборат эканлиги билан изоҳланади.

Миллий статистика маълумотларига кўра Қирғизистон Республикасида ўлимнинг асосий сабаблари қуйидагича: 1-ўринда юрак-қон томир касалликлари билан оғриганлар ўлими – 38,4%, 2-ўринда нафас олиш органлари касалликларидан – 16,6%, 3-ўринда турли хил ҳодисалар (ўлдириб кетиш, ўз жонига қасд қилиш, йўл тасодифлари) оқибатида ўлганлар – 11,6%, 4-ўринда рақ касаллигидан – 11,2%, 5-ўринда ошқозон-ичак касалликларидан – 4,2%, 6-ўринда турли юқумли касалликлардан ўлганлар – 3,8%.

Қирғизистон Республикасида табиий ўсиш иккинчи жаҳон урушидан бери 21— 22% дан кам бўлмаган.

Қирғизистон аҳолисининг табиий ўсишида ҳудудий фарқ мавжуд эканлигини 18-жадвалда кўриш мумкин. Агар 1993 йилда Республика бўйича аҳолининг ўртача табиий ўсиши 18,4% ни ташкил қилса (1000 киши ҳисобига), Ўш вилоятида –26,3%, Жалолобод вилоятида эса 24,6% га тенг бўлди. Бу вилоятларда туғилиш кўрсаткичи энг юқори, бунинг сабаби, аҳоли умумий сонининг кўпчилиги ёшлардан иборатлигидир.

Республиканинг ўртача табиий ўсишига яқин вилоятлар Талас, Норин ва Иссиқкўл ҳисобланади. Чуй вилояти билан Бишкек шаҳрида табиий ўсиш энг паст даражада (8,0% ва 2,8%). Сабаби, бу районларда кўпчиликини шаҳар аҳолиси ташкил қилади. Бишкек, Тўқмоқ, Қораболта шаҳарларида туғилиш жуда оз, қолаверса бу регионларда славян аҳолиси кўп, уларнинг миллий ва диний дунёқарашлари туғилишнинг озайишига сабаб бўлган.

Қирғизистон аҳолисининг ўртача ёши йилдан-йилга ўсмоқда (1991 йилгача), XX аср бошида ўртача ёш 30 атрофида, иккинчи жаҳон урушигача 40 — 45 бўлса, 1992 йил маълумотига кўра ўртача ёш 68,3 га етган. Бу кўрсаткич ривожланган капиталистик мамлакатлардаги аҳолининг ўртача ёшидан 2 — 3 ёш фарқ қилсада кўпчилик мамлакатларга нисбатан яхшидир. Ҳамма ривожланган мамлакатлардаги сингари Республикада хотин-қизлар (72,2 ёш) эркакларга (64,2) нисбатан кўпроқ яшайди. Ўлим эркаклар орасида кўпроқ бўлиб туради.

Туғилганлар сонининг ўсиши никоҳдан ўтиш ёшига боғлиқ. Кўпчилик ривожланган мамлакатларда вояга етган ўғил-қизлар кеч турмуш қуришади, уларнинг никоҳдан ўтиш муддати ҳамма ерда бир хил эмас, кўпчилиги 18 — 20 ёшдан бошланади. Аввал 13-15 ёшдаги қизларга 16 — 18 ёшдаги йигитлар билан никоҳдан ўтишга рухсат берилар эди. Республикада аҳолининг табиий ўсишига 18 дан 49 ёшгача бўлган никоҳдаги аёллар катта таъсир кўрсатади. Сўнгги 20 — 25 йил ичида никоҳдан ўтиш (1000 киши ҳисобига) коэффиценти 9,9 — 10,6 кишини ташкил қилган бўлса, оиланинг бузилиши, шу аснода 1,8 — 2 кишидан иборат. Республика бўйича бу кўрсаткич кескин ўзгаради.

Оиланинг бузилиши қуйидагича: Бишкек шаҳрида — 3,9, Чуй вилоятида — 2,7, Норин вилоятида — 0,7, Жалолобод ва Ўш вилоятларида — 1,0 га тенг. Оиланинг бузилиши қишлоқларда жуда оз, шаҳарларда эса қишлоққа нисбатан 2 — 3 ҳисса кўпдир. Бироқ қирғиз-ўзбек халқининг урф-одатлари ва ислом дини оила бузилишини бутунлай истамайди.

Жамиятнинг бошланғич ташкилоти оиладир. Оиланинг асосий вазифаси фарзандларни тарбиялаб вояга етказиш ва қарияларни эъзозлаб ҳурматини жойига қўйишдан иборат.

Қирғизистон Республикаси кўп миллатли бўлганлиги туфайли турли оилалар бор: оддий оила — эр, хотин боласи билан; кичик оила — эр, хотин 1 — 2 боласи билан; ўрта оила — эр, хотин 2 тадан ортиқ боласи билан; катта оила — 3 ва ундан ортиқ боласи билан. Республикада 5 — 6 кишидан иборат катта оилалар кўпроқ. Аммо бу кўрсаткич қишлоқ билан шаҳар, миллатлар орасида, шунингдек оила аъзоларининг дини ва касбига кўра кескин фарқ қилиб туради.

Қирғиз халқи ва барча мусулмонлар кўп асрлардан бери эр, хотин болалари билан ота-оналари ва бобо-бувилари билан бир оила бўлиб яшаб келишган. Бу анъана, айниқса, қишлоқ жойларда ҳозирги кунда ҳам сақланиб келмоқда. Бундай катта оилалар қирғизлардан ташқари ўзбекларда, қozoқларда, дунганларда ҳам бор.

**Аҳолининг ёши ва жинсий таркиби.** Аҳолининг ёши ва жинсий таркибини билиш катта аҳамиятга эга. Аҳолининг табиий ўсишини, меҳнатга лаёқатли кишиларни ҳисоблаб чиқиш, уларни ўрганиш, мактабгача ва мактаб ёшдаги болалар, нафақага чиққанларни билиш ва уларнинг эҳтиёжларига яраша турли-туман моллар ишлаб чиқаришни режалаштириш ўта муҳимдир.

Аҳоли ёш таркиби бўйича уч гуруҳга бўлинади:

а) ёшлар (0 — 15);

б) меҳнатга лаёқатлилар (16 — 59);

в) қариялар (60 ёшдан юқорилар).


1991 йил ҳисоби бўйича Қирғизистон Республикасидаги аҳолининг 39,7%ини ёшлар, меҳнатга лаёқатлилар — 50,2%, қариялар — 10,1 ни ташкил қилади. Бу кўрсаткич турли мамлакатларда турличадир. Ривожланган мамлакатларда ёшлар сони жуда оз (19 — 20%), меҳнатга лаёқатлилар — 50 — 65%, қариялар ҳам кўп — 17 — 20%ни ташкил қилади.

Республика аҳолисининг ўртача ёши бўйича ривожланган ва ривожланиб келаётган мамлакатлар орасида ўрта ўринни эгаллайди. Қирғизистонда туғилиш кўп бўлганлигидан, ўспирин ёшларнинг сони кўпчилиكنи ташкил қилади. Аҳолининг ёши, жинси бўйича таркибини аниқлашда графиклар ёки пирамидалар тузиш усулидан фойдаланамиз. Дунё бўйича олганда одамларнинг ярми эркеклар, ярми эса хотин-қизлардир. Бироқ Европа, Шимолӣ Америкада эркеклардан аёллар кўп. Осиё мамлакатларида эса, эркеклар сони кўпроқ.

Қирғизистон Республикасида 1939 йилги аҳоли рўйхати бўйича 1000 эркекка 965 хотин тўғри келган. Уруш йилларида эркекларнинг сони озайиб, бу кўрсаткич ҳозиргача сақланиб келмоқда. 1959 йилда эркеклар сони — 47,2%, хотин-қизлар — 52,8% бўлса, 1994 йили бу кўрсаткич 49,3 ва 50,7 ни ташкил қилган.

Ҳозирги даврда ёшлар орасида ўн ил болалар сони қизларга нисбатан кўпроқ, аммо меҳнат ёшидан ўтган даврда аёллар сони орта бошлайди. Умуман Республика бўйича хотин-қизлар сони эркекларга нисбатан 61,0 мингтага кўп. Республика минтақалари бўйича ҳам бу кўрсаткич анча фарқ қилади. Норин вилоятида эркеклар 51,1%, Иссыккўлда — 50%, Талас вилоятида — 49,9, Бишкек шаҳрида — 46,6%, Чуй вилоятида — 49,2%. Демак, эркеклар сони аёлларга нисбатан оз.

**Аҳоли миграцияси (кўчиш).** Аҳолининг турли мақсадларда бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриши миграция деб аталади. Аҳоли миграцияси ҳақида аниқ қонуният йўқ, бироқ турли хил сабабларга кўра аҳоли бир жойдан иккинчи жойга ёки бир ҳудуддан иккинчисига кўчиб туради. Бунга доимий ёки кўп йиллик муҳлат билан кўчиш, вақтинча кўчиш, «маятник» деб аталувчи — бир пунктдан иккинчисига бориб, яна қайтиб келишлар кирди.



Аҳолининг ёш-жинсий таркиби

Аҳоли миграциясининг асосий турларига қайтмайдиган ёки бира тўла (яшаган жойини алмаштириш) кўчиш, вақтинчалик (ишлаш учун, ўқиш учун, армия хизматига кетиш) кўчиш, мавсумий кўчиш (қишлоқ хўжалигида, қурилишда ишлаш) киради.

Миграция оқими йўналишига кўра ташқи ва ички бўлиб, иккига бўлинади. Давлат чегарасидан чиқиб кетганлар ёки бошқа давлатлардан келганлар «*ташқи миграция*» деб аталади. Ўз ўлкасидан бошқа ўлкага кетса – «*эмиграция*», аксинча чет ўлкадан келса – «*иммиграция*» деб аталади.

Бир ўлка ичидаги кўчишлар ички миграцияга киради. Ички миграция турларига вилоятлараро, районлараро, қишлоқдан шаҳарга, шаҳардан-шаҳарга, қишлоқдан-қишлоққа кўчишлар киради.

Миграциянинг икки хил шакли бор: а) режалаштирилган (қишлоқ хўжалигига ишга жўнатиш, дипломли мутахассисларни хизматга тақсимлаш, армия хизматига чақириш ва бошқалар) миграция; б) ихтиёрий кўчиш.

Миграциянинг иқтисодий ва ижтимоий сабаблари бўлиши мумкин. Иқтисодий сабабларига бўш жой, иш излаб, катта маошни кўзлаб кўчиши кирса, ижтимоий сабабларига – тирикчилик шароитини ўзгартириш учун, статусини ўзгартириш учун, сиёсий департация, уруш бўлиб турган ердан кўчириш ва бошқалар киради. Миграция ўз ҳоҳиши билан ёки мажбурлаш йўли билан ҳам бўлиши мумкин. Миграция даражаси кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар сони билан ўлчанади. Кўчиб келганлар ҳақиқий миграция бўлиб ҳисобланади. Миграция ўлканинг ҳар бир қисминини иқтисодий ва сиёсий даражасини тенглаб, аҳоли билан меҳнат ресурсларини ҳудуд ва вилоятлар бўйича қайтадан тақсимланишига таъсир қилади.

Миграция демографик жараёнларга ёки ҳар қандай ҳудуд аҳолисининг ўсиш даражасига таъсир кўрсатади. Миграция жараёни аҳолининг этник турига бўйсунади. Ҳар бир миллат ўзининг урф-одатларига ва тилига кўра миграция жараёнида турлича қатнашади. Мисол учун европаликларга қараганда Марказий Осиёнинг туркий халқлари, айниқса, қирғизлар миграция чет ўлкаларга чиқишда оз қатнашади. Маълум бир вақтда (ой, йил) келганларни (К), чиқиб кетганларни (Ч) билан белгиласак, буларнинг йиғиндиси миграцион масштаб деб аталади, айрим адабиётларда буни брутто-миграция деб ҳам аталади. Маълум вақт инда келганлар билан чиқиб кетганлар орасидаги фарқ (К-Ч) тоза миграция ёки миграция сальдоси деб аталади. Миг-

### Қирғизистон Республикаси аҳолисининг ташқи миграцияси (1993 йил)

Мазмуний ҳудудлар	Сони		Миграция сальдоси музбат (+) манфий (-)
	келганлар	кўчиб кетганлар	
Қирғизистон Республикаси	23015	143619	-120604
Ҳамдўстлик мамлакатлари	23015	132168	-109438
Озарбайжон	227	116	+111
Арманистон	42	28	+14
Белоруссия	121	1319	-1198
Қозоғистон	4160	9916	-5766
Молдова	33	53	-20
Россия	11076	106456	-95380
Тожикистон	3354	567	+2787
Туркменистон	78	296	-218
Ўзбекистон	2976	10220	-7244
Украина	613	3158	-2545
Грузия	60	39	+21
Латвия	56	24	+32
Литва	22	16	+6
Эстония	19	3	+14
Олиқ хориж мамлакатлари	188	11406	-11218

рация сальдосида келганлар сони кўп бўлса музбат (+), кетганлар сони кўп бўлса манфий (—) бўлади. Миграция сабабларини тадқиқ қилганда аҳолининг миграцион ҳаракат даражасини билиш зарур. Аҳолининг миграцион ҳаракат коэффициентини (АМХК) аниқлаш учун проф. С.А. Ковалёв қуйидаги ифодани тавсия этади:

$$AMXK = \frac{M_k + M_v \cdot 100(1000)}{C},$$

бу ерда:  $M_k$  — келган мигрантлар,  $M_v$  — чиқиб кетган мигрантлар, 100 ёки 1000 киши,  $C$  — ҳудуддаги аҳолининг умумий сони.

Турли миллатларнинг миграцион ҳаракати турлича. Масалан, Қирғизистон Республикасида бундан 100 йиллар бурун ҳам

ташқи миграция кузатилган. Россиянинг Европа қисмидан кўчиб келган руслар, украинлар Чуй, Талас, Иссиқкўл, Фарғонанинг аҳоли кўп яшайдиган манзилларига жойлашган. Уша йиллари Талас билан Чуйда эса немис қишлоқлари пайдо бўла бошлаган. Бу ерларни Украинадан ва бошқа жойлардан ҳайдалган немис мигрантлари эгаллаган. Ўтган асрда хитойлик зўравонлар зулмидан жафо чекиб, қувғинга учраган дунганлар билан уйғурлар кўчиб келишиб, асосан кенг Чуйда ва бошқа регионларда ўрнашиб қолишган. 20 — 30 йилларда Шимолий Кавказдан даргин (лазгин) ва бошқа миллатларнинг деҳқонлари зўрлик билан кўчириб келинган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида зўрлик билан кўчирилиб келинган чечен, ингуш, қорачой, болқар қрим татарлари билан немис окупациясида қолган европалик руслар, айниқса, ленинградликлар, украинлар, белоруслар, уруш ногиронлари, хотин-қизлар, қари-қартанглар ва бошқа эмигрантлар Республиканинг ҳамма вилоятларига кўчиб келишиб, жойлашиб олган. Қирғизистон Республикасига кўчириб келинган саноат корхоналари билан биргаликда юқори малакали мутахассислар ҳам келишган. Охириги 20 йил ичида Сибирдан, Узоқ Шарқдан, Россиянинг шимолидан ўз ихтиёрлари билан «яхши ер» излаб келганлар сони ҳам анчагина.

Охириги 1988-1990 йилларда ташқаридан кўчиб келганлар сони қисқариб, миграция сальдоси нейтрал ҳолатни эгаллаган бўлса, 1991 йилдан бошлаб Республикадан кўчиб кетувчиларнинг сони кўпаймоқда.

Жадвалдан кўриниб турибдики, чет ўлкалардан кўчиб келганларнинг деярли 99% ини Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистондан келганлар ташкил қилади. Олис хориждан эса ҳаммаси бўлиб 188 киши кўчиб келган. Мана шу йилларда кўчиб келганлар сони 143,6 минг киши, бундан 132,2 минг киши яқин ўлкаларга, 11,2 минг киши олис ўлкаларга кўчиб кетишган, миграция сальдоси эса – 120604 кишига баробар.

1993 йилги миграция сальдосини миллатлараро ҳисоблаганда 120604 кишидан, 80896 – руслар, 10585 – немислар, 10607 – украинлар, 5977 – ўзбеклар, 8759 – татарлар ва бошқалар ташкил қилишган. Олис хорижга 9828 немислар, 2144 руслар, 422 еврейлар, 238 украинлар ва бошқалар, ҳаммаси бўлиб, миграция сальдоси 12975 кишини ташкил қилган.

Бундай оммавий кетишларнинг сабаби — Республикадаги оғир иқтисодий шароит, кўпчилик саноат тармоқларининг ёпи-

лиши, Қирғиз Республикасининг мустақил мамлакат мақомига эга бўлиши. Давлат мулкчилигидан бозор иқтисодиётига ўтишдаги бурилишлар ва бошқалар ҳисобланади. Кўчиб кетганларнинг 50% дан кўпроғи юқори малакали ишчилар, зиёлилар, инженерлардир. Бу ҳолат, албатта, Республика иқтисодиётининг ўсишига зарар келтиради. Аҳоли эмиграциясини тўхтатиш, уни бошқариш давлат миқёсидаги асосий масалалардан биридир.

Ҳозирги вақтда миграциянинг асосий белгиларидан бири ички миграция ҳисобланади (71,4%). Айниқса ёшлар қишлоқдан шаҳарга, саноати ишлаб турган жойларга, ўрта ва олий ўқув юртларига жойлашиб олади. Иқтисодий имкониятлари паст, кичик ва ўрта шаҳарларда иш топилмайди, улар ўз меҳнат ресурсларидан ҳам тўлиқ фойдаланиша олмайди. Бундай шаҳарларда миграция оз бўлади. Бир маромдаги миграция қишлоқлардан шаҳарларга — Бишкек, вилоят мар-


20-жадвал

### Баландлик минтақалари бўйича аҳолининг тақсимланиши, % да

Қитъалар	Денгиз сатҳидан баландлиги, м						Ўртача баландлик, м	
	200 дан паст	200-500	500-1000	1000-1500	1500-2000	2000 дан юқори	Ўтrock-лашган	Хулуд-лар
Антрактида,								
Гренландия нирмайди	56,2	24,0	11,6	4,4	2,3	1,5	320	-
Европа	68,8	28,5	7,2	0,5	-	-	168	300
Осиё	56,6	23,5	11,7	4,9	2,5	0,9	319	950
Африка	32,5	24,1	20,8	13,8	6,9	2,0	590	750
Жан.Америка	42,5	15,0	22,8	4,7	4,2	11,0	644	580
Шим.Америка	46,9	33,3	7,9	4,1	4,0	3,8	430	700
Австралия ва Океания	72,9	17,8	8,4	0,9	-	-	95	350
Қирғиз Республикаси	-	-	80,0	10,0	8,2	1,8	700	1000

казларига, Тўқмоқ, Қораболта, Ўш сингари саноат марказларига томон кузатилади.

Ички миграцияга вилоятлараро, районлараро ҳаракатлар ҳам киради. Охири йилларда иқтисодий ва социал шароити оғирроқ вилоят ва районлардан йирик саноатли вилоят, район ва шаҳарларга кўчганлар сонини кўпайиб бормоқда. Масалан, Норин, Иссиққўл вилоятларидан Бишкек, Тўқмоқ шаҳарлари-



## Аҳоли зичлиги картаси

га, олис чорва районлардан Ўш, Жалолобод шаҳарларига келиб жойлашиш сезиларли даражада кузатилмоқда. Шунинг учун ички миграциянинг кўпчилиги қисми (80%) меҳнатга лаёқатли кишилардир. Келажакда шаҳар аҳолисининг ўсиши табиий ўсиш билан бирга миграция жараёнининг жадаллигига боғлиқ бўлади. Масалан, ҳозирги вақтда шаҳар аҳолисининг ўсиши табиий ўсиш 75% дан ортиқ бўлса, миграция 25% ташкил қилади, келажакда эса (2000 йил) буларнинг ҳиссаси мос равишда 54% ва 46%ни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. 1926 йилда аҳолининг зичлиги 1 км<sup>2</sup> га 5 кишини ташкил қилган бўлса, 1939 йилда – 10, 1971 йилда – 14, 1981 йилда – 18, 1989 йилда – 21, 1993 йилда – 22,5 кишини ташкил қилган. Республика ҳудудидаги вилоятларда яшаган аҳоли зичлиги ҳам бир хил эмас. Масалан, 1991 йил маълумоти бўйича Жалолобод вилоятида 1 км<sup>2</sup> ерга 24,4 киши, Иссиқкўл вилоятида – 9,9 киши, Норин вилоятида – 6,0 киши, Ўш вилоятида – 30,2 киши, Талас вилоятида – 17,8 киши, Чуй вилоятида – 75,8 киши тўғри келади.

Аҳолининг 80%и денгиз сатҳидан 1500 м баландликда чекка водийларда жойлашган, бу Республиканинг 15% га яқин майдонини ташкил қилади. Буларга Чуй, Талас водийлари, Фарғона водийсининг чекка қисмлари киради. Айрим жойларда аҳолининг ўртача зичлиги 100 — 150 кишига етади. 1500 м дан юқоридаги водийларда аҳоли зич жойлашган ерлар жуда оз. норин, Жумғол, Олой, Қўчқор, Чотқол, Сусамир, Отбоши ва Орол сингари ажралиб турувчи водийларда аҳоли жуда сийрак жойлашган. Қирғизистоннинг баланд тоғли водийларида, сиртларида, тоғ ёнбағирларида аҳоли ўтроқ яшаган кишлоқлар йўқ ҳисобиди.

Аҳолининг баландлик минтақаси бўйича жойлашишини 20-жадвал кўрсатиб турибди. Ер шаридаги 80,2% халқ денгиз сатҳидан 200 — 500 м баландликкача бўлган қуруқликда ўтроқлашган. Қирғизистонда бундай пастликлар бўлмаганлигидан аҳоли ўрнашган жойлар 500 м дан юқоридан бошланади. Аҳолининг асосий қисми 500 — 1500 м баландликларда ўтроқлашган.

Аҳолининг миллий ва ижтимоий таркиби. Қирғизистон Республикасининг халқи — кўп миллатли. Республикада ҳаммаси бўлиб 150 дан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари яшашади. Улар бир-бирларидан сон жиҳатидан, дини, маданияти, антропологик таркиби, урф-одатлари бўйича фарқ қилишади. Антропологик томондан Республика халқи монғолоид ва европоид

### Аҳоли миграциясининг миллатлар ўртасида тақсимланиши, 1992 йил

Миллатлар	Янги ва олис хориж ўлкалар миграцияси			Шу жумладан олис хориж мамлакатлар миграцияси		
	Сони		Миграция: Ўсиш (+) Камайиш (-)	Сони		Миграция ўсиш(+) камайиш (-)
	Кўчиб келган- лар	кўчиб кетган- лар		Кўчиб келган- лар	кўчиб кетган- лар	
Ҳаммаси бўлиб	26257	103728	-77453	251	-13226	-12975
Шу жумладан:						
Қирғизлар	5529	3321	+2208	25	113	88
Руслар	10781	59294	-48513	94	2238	-2144
Украинлар	1314	8064	-6750	16	254	-238
Белоруслар	116	722	-608	1	27	-26
Ўзбеклар	2509	8098	-5589	3	17	-14
Қozoқлар	1104	1512	-408	2	18	-16
Грузинлар	12	36	024	-	2	-2
Озарбайжонлар	676	344	+332	1	3	-2
Литвалар	13	45	-32	-	3	-3
Молдованлар	24	86	-62	-	7	-7
Латишлар	5	41	-38	1	5	-4
Тожиқлар	211	748	-537	-	4	-4
Армянлар	44	101	-57	4	6	-2
Туркманлар	7	36	-29	-	2	-2
Эстонлар	8	12	-4	-	1	-1
Татарлар	880	4286	+3406	7	37	-30
Яҳудийлар	39	489	-450	7	429	-422
Невислар	808	12833	-12025	24	9852	-9828
Уйгурлар	254	376	-122	4	9	5
Дунганлар	336	3263	+123	2	3	-1
корейслар	400	2494	-2094	-	2	-2
турклар	474	161	+313	26	9	+17
Бошқа миллатлар	701	2376	-1675	34	185	+151

бўлиб, иккита ирққа бўлинади. Туркий ва славян тилларида гаплашувчилар кўпчилигини ташкил қилади.

Республикада аҳолининг сони бўйича миллиондан тортиб минг, юз, ўн ва 1—2 кишидангина иборат миллатларнинг вакиллари ҳам яшайди. 1989 йилдаги аҳоли рўйхатининг маълум

моти бўйича сони 10 (ўн) ва ундан оз халқларнинг вакиллари 35 га етган. Республикада яқин ўлкаларнигина эмас, балки энг олис ўлкаларнинг, ҳамда айрим қитъалар халқларининг вакиллари ҳам бор. Масалан, греклар, хитойлар, болгарлар чехлар, эронликлар, курдлар, финлар, славянлар, америкаликлар, араблар, кубаликлар, венгерлар, голландлар, вьетнамликлар, албанлар, французлар, австралияклар, хорватлар ва бошқалар.

1993 йилдаги аҳоли рўйхати маълумотига кўра Қирғизистон халқи Аҳоли зичлиги картасининг кўпчилигини қирғизлар (56,5%) ташкил қилади. Аҳоли сони бўйича иккинчи ўринда руслар (18,8%), учинчи ўринда ўзбеклар (13,5%), украинлар билан немислар (1,5% данни), татарлар (1,6%) тожиклар (0,8%), турклар (0,5%), озарбайжонлар, корейликлар (0,4%) ва ва бир неча минг кишидан иборат белоруслар, яҳудийлар, қалмиқлар, арманлар, бошқирдлар, мордва, чуваш, грек, молдован, поляк, грузин, лўлилар яшашади. Республикада ҳар бирининг 1000 дан ортиқ вакили бўлган 30 миллат яшайди.

Охирги аҳолини рўйхатга олишда аҳолининг миллий таркибида қуйидагича ўзгаришлар юз берган: табиий ўсиш юқори бўлган қирғизларда 5,5% ўсиш бўлган. Бошқа Ўрта Осиёлик халқлар, жумладан ўзбеклар, тожиклар, уйғурлар, қozoқлар ҳамда корейликлар сонининг ўсиши билан бирга руслар, немислар, украинлар, татарлар, яҳудийларнинг сони қисқарган. Бу миллатлар сонининг қисқариши эмиграцияга боғлиқ. Охирги уч йил ичида чет мамлакатларга кўчиб кетганлар сони кўпаймоқда. 1992 йилдаги миллатлараро миграцияни 21-жадвалдан кўриш мумкин.

Қирғизистонда яшаган ҳамма миллат вакиллари Қирғизистон Республикаси халқини ташкил қилади. Уларнинг мақсади ягона, яъни иқтисодини ривожлантириш, идеологияни яратиш, бозор иқтисодиётига ўтиш, ҳар бир кишига ғамхўрлик кўрсатиш, халқлар ўртасидан дўстликни ривожлантириш, мустақил, эркин, демократия ва тенг ҳуқуқликка асосланган давлат барпо этиш ва уни мустаҳкамлаш. Ҳақиқий демократиянинг асоси-халқларни миллатларга, irqларга, «ўтроқ», «келгинди» слик бўлиб ҳисобланади. Тўғри, қирғизларга сон жиҳатдан кўп бўлганлиги ҳамда менталитети бўйича бошқа халқлар олдида жуда жуда катта масъулият юкланган. Давлат тили бўлиб қирғиз тили ҳисобланади. Давлат тили билан бир қаторда иккинчи тил рус тилидир.

Шу билан бирга бошқа тилларни ҳам ривожлантириш керак. Иккита тилни билиш, бугина эмас, 3 — 4 тилни ўзлаштириш, масалан, инглиз ва бошқа тилларни ўрганиш, ҳақиқий маданият эгаси бўлиш, дунёни билиш, камолотга интилиш йўлидир. Миллий манманлик, бошқа халқлар билан алоқани бузиш, орқага қайтишнинг белгисидир.

Қирғизлар Тяншандаги, Жанубий Сибирдаги энг қадимий миллатларнинг бири. «Хитой тарихининг отаси» ҳисобланган атоқли тадқиқотчиси Си-Мацан биринчи маротаба «қирғизлар» деган термин билан Енисейнинг Минусин ва Тува ботиқларида яшаган халқлар бирлигини атаган (янги эрадан 201 йил илгари).

Тяншан қирғизлари янги эранинг I асригача маълум бўлган. Қирғизлар юзлаб йиллар давомида Енисейнинг юқори оқимидан Тяншанга кўчиб келишган. Енисейлик қирғизлар маҳаллий форс тилидаги халқлар, айниқса, сак ва усунлар билан аралашувининг натижасида келиб чиққан. IX асрнинг 840 — 847 йилларида енисейлик қирғизлар Манчжуриядан тортиб, Тяншангача бўлган катта майдонда ўзларининг феодал давлатини тузишган. Бу давлат аср охирлариға бориб қулаган. X асрда иккинчи маротаба умумий кўчиш натижасида Тяншанда кўпчиликни ташкил этган халқ бўлиб қолган. Асрлар давомида жуда оғир кунларни бошидан кечирган қирғиз халқи, ўзининг тарихини, маданиятини, урф-одатларини, тилини сақлаб келди. Қирғиз миллатига дахлдор энг яхши урф-одатлар, анъаналар жуда кўп. Улар авлоддан-авлодга ўтиб, яшаб келмоқда. Масалан, катталарға ҳурмат, кичикларға иzzат, ота-онанинг сўзини қайтармаслик, меҳмондўстлик, ўзаро ҳамкорлик, жонкуярлик сингари ҳислатлар шулар жумласидандир.

Умуман қирғизларнинг сони кўп бўлмасида, улар дунё маданиятиға, адабиёттиға ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ҳозир Республикамизда қирғизлар сони 2,5 млн га яқин. Улар ҳамма регионларда бор, аммо қирғизлар энг жойлашган жойлар — Норин, Иссиқкўлнинг ғарби, Таласнинг шарқи, Чуй вилоятининг шарқий қисми, Фарғона водийсининг тоғ этаклари ҳисобланади. Чуй водийсининг Талас, Иссиқкўл вилоятларининг кўпчилик қисмида қирғизлар бошқа миллатлар билан аралаш ҳолда ўтrockлашган.

Қирғизлар олис ва яқин чет мамлакатларда — Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Афғонистонда, Туркия ва Хитойда ҳам яшайди.

Шимоллий Қирғизистонға XIX асрнинг 60-йилларида, жану-

бий Қирғизистонга 1893 йиллари руслар кўчиб кела бошлаганлар. Чор Россияси мустамлака сиёсатини юргизиб, русларни Қирғизистонга кўплаб кўчира бошлаган. Ундан кейинги катта оқим 1941—1945 йилларда рўй берган. Жаҳон уруши даврида шарққа кўчирилган завод, фабрикалар билан бирга юқори малакали ишчилар, ярадор бўлганлар, қариялар, болалар кўчириб келинган. Қирғизистонда руслар кўп яшайдиган регионларга Чуй вилоятидаги барча шаҳарлар, айниқса, Бишкек шаҳри, Ис-сиққўлнинг шарқий қисми, Талас вилоятининг ғарбий қисмлари киради.

1994 йилги аҳоли рўйхатида русларнинг сони 756278 кишини ташкил қилган. Булар ҳамма соҳаларда ишлашади, улар орасида юқори малакали ишчилар, зиёлилар кўп.

Ўзбекларнинг кўпчилиги Фарғона водийсининг жануби-ғарбий қисмида, Қўқон хонлиги давригача ҳам шу ерларда яшган. Буларнинг кўпчилиги Ўш, Жалолобод вилоятларида, Наманган, Андижон, Фарғона вилоятлари билан қўшни районларда яшайди.

Шимолӣ Қирғизистонда яшаган ўзбеклар Қўқон хонлиги ташкил топган даврлардаги ўзбекларнинг авлоди бўлиб ҳисобланади. Республикадаги ҳамма ўзбекларнинг 4/5 қисми, Ўш, Жалолобод вилоятларида яшашади. Уларнинг умумий сони 613 минг киши, асосан деҳқончилик билан шуғулланишади.

**Украинлар** Қирғизистонга руслар билан бирга келишган. Уларнинг кўпчилиги Украинадан (Полтава) ва Россиядан келганлар. Украинлар билан белорусларнинг кўпчилиги йирик шаҳарларда ва Чуй вилоятида яшайдилар.

**Немислар** Қирғизистонга асосан Украинадан кўчиб келишган, ўтроқлашган жойлари: Талас вилояти, Чуй вилоятининг Қант райони. Кейинчалик улар шаҳарларга кўчиб келиб, жойлашиб олишган. 1989 йилдаги рўйхати бўйича Республикада немислар 2,4% ни ташкил этган, аммо охириги уч йил ичида кўчиб кетганларнинг сони кўп (1994 йилда 0,8%).

Ҳозирги вақтда Республикада 59 мингга яқин татарлар яшайди, улар XIX аср бошларида кўчиб келишган, дастлабки мактабларни очиб, қирғиз ёшларига билим берган маориф ходимлари бўлишган. Татарларнинг кўпчилиги шаҳарларда яшайди, ишчи кадрлари жуда кўп, қолганлари зиёлилар ва савдо ходимлари.

XIX аср охирида Қирғизистонга Хитойнинг шимолӣ-ғарбидан кўплаб дунганлар кўчиб кела бошлаган. Цинь кўзғолони-

да қатнашганлиги учун дунганлар қаттиқ кувғинга олиниб, ўз ватани – Хитой чегарасидан чиқиб кетишга мажбур бўлишган. Дунганлар хитой тилида гаплашади, дини бўйича мусулмонлар, умумий сони 37 минг киши. Қирғизистонга келган дунганлар асосан Чуй водийсида (Тўқмоқ, Александровка, Миланфан, Кенг Будунг қишлоқлари), Иссиқкўлдаги Қоракўл, Ирдик қишлоқлари каби ерларга тўпланишган. Деҳқончилик, савдо-сотик билан шуғулланишади.

Қирғизистон Республикасига уйғурлар дастлаб XIX асрнинг 20-йилларида Хитойнинг Синцзянь районларидан, иккинчи маротаба эса 1950 йиллари «Маданий революция» оқибатида ўнг минглаб кўчиб келишган. Уйғурларнинг умумий сони 37 минг киши. Ўтроқлашган жойлари – деҳқончилик зоналари ва Бишкек, Тўқмоқ, Қоракўл шаҳарлари.

Қирғизистон Республикасида 41 мингдан ортиқ қозоқлар яшайди. Кўпчилиги Чуй, Талас вилоятларида, асосий машғулотлари — чорвачилик ва савдо. Республикада 18 мингга яқин корейлар бор. Улар XX асрнинг 20 — 30-йилларида Узоқ Шарқдан кўчиб келишган. Ўтроқлашган регионлари Чуй, Ўш, Талас вилоятлари. Аҳолининг кўпчилиги сабзаёт етиштирадиган деҳқонлар ва савдогарлар. Қирғиз Республикасида булардан ташқари кўплаб миллат вакиллари истиқомат қилади.

Ҳозир Қирғизистон Республикаси мустақил демократик давлат бўлиб, бозор иқтисодиёти ва кўп тармоқли (хусусий) иқтисодиётнинг асоси ташкил бўлаётган вақтда хусусий мулкчиликнинг янги турлари келиб чиқди. Масалан, 1993 йилда 723 кооператив корхоналар, 5171 майда корхона, 18269 якка хўжалик ҳисобга олинган. Шунинг билан биргаликда иқтисодиёт тармоқларида ишчи кучларини ўзаро қайта тақсимлаш жараёнлари пайдо бўла бошлади. Хўжалик юритишнинг бошқа альтернатив шакллари пайдо бўлганлиги сабабли, жамоат тармоқларида ишлайдиганлар сони қисқармоқда.

Аҳолининг ижтимоий табақалари таркибида зиёлилар алоҳида ўрин тутади. Фан-техника янгилликлари жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнат ўртасида кескин тафовутларга олиб келди. Бироқ ривожланган мамлакатларда ақлий меҳнат баҳоланиб, уларнинг сони, турлари ўсмоқда (операторлар, программистлар, назоратчилар ва бошқалар). Маиший хизмат соҳасида зиёлилар кўпаймоқда. 1993 йилда Республикадаги ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг 21,4%и саноат билан қурилишда, 39,0% қишлоқ хўжалигида ишласа, 19,9% гина медицина, спорт, ижтимоий-

таъминот, маданият ва маориф, санъат соҳаларида ишлаган ва илмий ходимлар бўлишган. Бу Қирғизистон Республикаси индустриясининг унчалик ривожланмаганлиги билдиради. Ривожланган индустриал мамлакатларда деҳқонларнинг 2 — 5% и бутун мамлакат аҳолисини боқа олади. Аҳоли ишлаб чиқариш қобилиятига кўра мустақил (ўз кучи билан) ва промустақил деган икки қисмга бўлинади. Мустақил аҳоли қаторига яшаш учун ҳаражатлари бор кишилар киради, иккинчи қисмга эса ота-она, қариндош-уруғларининг боқувидаги (болалар, нафақа олмайдиган қариялар) кишилар киради.

Мустақил аҳолининг асосини иқтисодий фаол кишилар ташкил қилади, улар меҳнат билан ўз маблағига эга бўлишади. Бу қисмга меҳнат қилиб, маблағ топганлар ёки давлат қармоғидаги нафақахўрлар, стипендия олувчилар кирмайди. Иқтисодий мустақил аҳоли асосан одамларнинг ёшига ва бошқа кўпгина хусусиятларига боғлиқ бўлади. Аҳоли таркибида ёш болалар, ўмирлар ёши катталарнинг сони қанчалик кўп бўлса, иқтисодий фаол аҳолининг ҳиссаси шунчалик паст бўлади.

Кўп тармоқли хўжаликка (якка хўжалик) ўтиш Республика аҳолиси ижтимоий таркиби хилма-хиллигининг кўпайишига олиб келади. Аммо у аҳоли ижтимоий таркибининг асосий кўрсаткичи эмас, асосий масала уларнинг сифатида, жипелигида, касб маҳорати, ҳозирги замон техника билимига эга эканлигида. Бозор муносабатига ўтиш янги мутахассисликларни келиб чиқишини тақозо қилади. Шунинг учун мактаблардаги ўқиш тизимини тубдан ўзгартириб, махсус ҳунар-техника ўқув юртлари ташкил этиш, коллеж, лицей, гимназиялар очиш, чет эллик мутахассислар билан ҳамкорликда янги турдаги бизнес, менеджмент, бошқарув ва бошқа ҳунар берувчи ўқув юртлари, янги турдаги олий ўқув юртларини очиш, кадрлар тайёрлаш жуда зарур.

Ҳозирги вақтда Қирғизистон Республикасининг регионларида аҳолининг ижтимоий таркибида катта фарқ бор. Санюати ишлаб турган, йирик корхоналари бўлган Чуй, Ўш, Жалолобод вилоятларининг кўпчилик районларида аҳолининг ижтимоий таркиби ҳар хил, кўпчилиги ишчи-хизматчилар, баланд тоғли районларда эса (Норин вилоятида, Олой, Сусамир, Тўнг, Чотқол ва бошқа районларда) аҳолининг ижтимоий таркиби бир хил — қишлоқ зиёлилари билан деҳқонлар.

Ҳар хил касбдаги мутахассисларни тайёрлаш, ўша ерли аҳолининг билим даражасига боғлиқ. Аҳоли ўз фаолиятида мод-

дий бойликлардангина эмас, балки маънавий бойликлардан ҳам фойдаланади.

Аҳолининг билимдонлиги асосан саводхонликка, ўрта ва ўрта махсус билим эгаларининг сонига боғлиқ. Ҳозир Республикамизда саводдилар кўрсаткичи энг юқори. Ёши 9 дан ошганларнинг орасида саводсизлик йўқ ҳисобида.

1993-1994 ўқув йилида умумтаълим мактабларида ўқиган ўқувчиларнинг сони 946, 7 мингга етган. Республикадаги 115 ҳунар-техника билим юртида 42,1 минг талаба, 18 олий ўқув юртида (1994 йил охирида уларнинг сони 32 га етган) 52,3 минг талаба, 50 махсус ўқув юртларида 38,7 минг талаба ўқиган. 1000 кишига 22 олий ўқув юртининг талабаси, 27 ўрта махсус билим юртининг талабаси тўғри келади. Республикада ҳар йили олий ўқув юртини 10,0 минг, ўрта махсус билим юртини 12,0 минг талаба битиради. Булар ичида кўпчиликни ташкил қилган мутахассислар: маориф тизими ходимлари биринчи ўринда, саноат ва қурилиш хизматчилари – иккинчи ўринда, тиббиёт, физкультура ва спорт хизматчилари – учинчи ўринда, кейинги ўринларда иқтисод ва ҳуқуқ, қишлоқ хўжалиги, санъат ходимлари туришади. Ҳамма мутахассиликларнинг ярмидан кўпини (айниқса маориф ва тиббиёт соҳасида) аёллар ташкил қилади.

Қирғизистон Республикасининг келажаги халқ фаровонлигини яхшилаш, маънавий бойликларини кўпайтириш, иқтисодни мустаҳкамлашнинг асосий булоғи – халқнинг билимдонлик даражасини ўстиришга боғлиқ. 1993 йилда Қирғизистон Республикасида меҳнат ресурслари 2256 минг кишини ёки Республикада яшаган аҳолининг 50%ини ташкил қилган, охириги ўн йил ичида улар 317 минг кишига ёки 17% га кўпайган.

Қирғизистон Республикасида меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ёши эркаклар учун 16 — 59 гача, аёллар учун 16 — 54 ёшгача деб белгиланди. Меҳнат фаолиятини давом эттираётган нафақахўрлар ва 14 — 16 ёшдаги ўспиринлар ҳам меҳнат ресурслари ҳисобланади. Меҳнат ёшидаги кишиларнинг ногиронлари, ишга яроқсизлари меҳнат ресурсларига кирмайди.

Меҳнат ресурсларининг сони ва сифати халқнинг иқтисодий фаоллигига, ёшига, жинсига, билимига, касб-ҳунар малакасига ҳудудий жойлашшига боғлиқ бўлади.

Аҳоли меҳнат қилиш йўналиши бўйича ишлаб чиқаришда ишловчилар ва хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайдиганлар сифатида иккига бўлиниди. Ишлаб чиқаришда банд бўлган кишилар қаторига энгил ва оғир саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги,

транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, савдо, жамоат озиқ-овқат системасида ишлаганлар киреди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларига маориф, илм-фан, санъат, адабиёт, физкультура, тиббиёт, ижтимоий таъминот соҳаси, банкларда ва омонат кассаларида ишловчилар, жамоат ташкилотлари, коммунал хизмат корхоналари, маиший хизмат уйи хизматчилари киреди.

Республикада 20 мингга яқин умумий мутахассисликлар бор, бироқ уларнинг ҳаммаси катта гуруҳларга жамланган. Давлат, район, шаҳар, қишлоқнинг турига қараб – индустрияли, аграр индустрияли минтақаларга бўлинади ва шунга кўра халқнинг меҳнат қилиш соҳалари таркиби келиб чиқади.

1993 йил охирида халқ хўжалигида ишлаган аҳолининг сони қуйидагича бўлган: саноат билан қурилишда –21,4% қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида –39%, транспорт ва алоқа тармоқларида –5,0%, савдо ва озиқ-овқат хизматида –5,6%, маориф, физкультура, ижтимоий таъминот, тиббиёт, маданият, санъат, илм-фан соҳасида –20,2%.

Қирғизистон Республикасида меҳнатга лаёқатли кишиларнинг 13% га яқини ёрдамчи хўжаликларда ва ўз томорқа хўжаликларида ишлайди, уларнинг кўпчилиги кўп болали аёллардир. Агарда меҳнатга лаёқатли аҳолининг ёши бўйича олсак, Республикадаги меҳнат қилишга лаёқатли кишиларнинг ярмидан кўпи ёшлардир (16-29). Бу мамлакатда меҳнат ресурсларининг имконияти юқори эканлигини кўрсатади. Меҳнат қилиш қобилиятига яраша меҳнатга яроқли кишиларни Б.Ц. Урданис қуйидаги гуруҳларга бўлади:

1. 30 — 39 ёшлилар – юқори малакали ва етарли иш тажрибасига эга бўлган меҳнат ресурсларининг энг фаол ва бир маромдаги гуруҳи;

2. 20 — 29 ёшдагилар – умумий билими яхши, махсус тайёргарлиги бор, бироқ иш тажрибаси озроқ. Эркактар миграцияга фаол қатнашгандиги туфайли хизматдан бўшаш ҳоллари кўпроқ. Аёллар эса бу ёшда бироз муқимроқ. Уларнинг фаоллиги уй шароитига ва жамият яратган шароитига боғлиқ;

3. 40 — 49 (ўрта) ёшдагилар – кўп йиллик иш тажрибаси бор, юксак меҳнат малакасига эга, ишлаш жойи бир маромга тушган, ишдан бўшаш ҳоллари оз;

4. 50 — 59 ёшдаги кексалар – иш тажрибаси катта, меҳнат фаоллиги ва унумдорлиги паст. Умумий билими ва тайёргарлиги юқори эмас, хизматчиларнинг улуши кўп;

5. 16 — 19 ёшдаги ўспиринлар — ўрта ва махсус ҳунар-техника билим юртларининг битирувчилари. Умумий билим даражаси юқори, иш тажрибаси йўқ. Иш шароити яхши бўлиши, обрўйи учун курашади. Улар орасида миграция ҳаракати кучли.

1993 йилдаги маълумотлар бўйича Республикадаги ҳамма меҳнатга қобилиятли аҳолини юқоридаги гуруҳлар бўйича бўлганда: биринчи гурупага — 631,0 минг, иккинчи гурупага — 730,4 минг, учинчи гурупага — 314,7 минг, тўртинчи гурупага — 298,1 минг, бешинчи гурупага — 869,5 минг киши тўғри келган. Умуман, меҳнатга лаёқатли даражага етмаганлар — 1778 минг, меҳнатга лаёқатлилар — 2243 минг, меҳнат ёшидан ўтганлар — 450 минг кишини ташкил қилган. Демак, Республика аҳолисининг 50%и меҳнатга лаёқатлидир.

Меҳнат ресурсларининг сифатига таъсир қилувчи омиллардан бири, уларни касб бўйича ўқитишдир. Республика мутахассислар тайёрлаш бўйича қўшни давлатлар қаторида туради. Ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларида олий ва ўрта махсус билим юртларида тайёрланган кадрлар бор. 1993 йили Республикада хизмат қилган 200 мингдан ортиқ олий маълумотли мутахассисларнинг 90 мингги муаллимлар билан маданият ходимлари, 50 мингги муҳандислар, 19 мингги иқти-

22-жадвал

**Республика регионлари бўйича шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг тақсимланиши (1 январ 1994)**

Вилоятлар	Аҳолининг миң киши этиб	Бундан			
		Шаҳар- ликлар	Қишлоқ- ликлар	Шаҳар- ликлар, %	Қишлоқ- ликлар, %
Қирғизистон Республикаси	4462,6	1588,4	2874,2	35,6	64,4
Жалолобод вилояти	817,0	224,0	593,0	27,4	72,6
Иссык-Кул вилояти	424,7	135,0	289,7	31,8	68,2
Норин вилояти	270,2	56,2	214,0	20,8	79,2
Ўш вилояти	1394,0	357,4	1036,6	25,6	74,4
Талас вилояти	203,1	31,5	171,6	15,5	84,5
Чуй вилояти	746,7	180,5	566,2	24,2	75,8
Бишкек шаҳри	606,9	603,8	3,1	99,5	0,5
Боткен вилояти	398,8	103,6	295,3	25,9	74,0

**Қирғизистон Республикаси шаҳар аҳолисининг сони  
(1 январ 1994 йил)**

Тар- пби	Шаҳарлар	Аҳоли сони	
		1989 йил ҳисоби бўйича	1994 йил 1 январга
1	Бишкек	668,3	606,9
2	Ўш	220,6	240,5
3	Жалолобод	77,5	78,3
4	Тўқмоқ	72,3	64,6
5	Қоракўл	68,4	68,3
6	Қораболта	57,4	50,8
7	Қизилқия	39,4	46,6
8	Балиқчи	45,8	46,9
9	Норин	45,2	47,6
10	Тошкўмир	25,0	40,4
11	Ўзган	36,7	36,2
12	Мойдисой	30,0	30,0
13	Талас	29,5	30,7
14	Қант	24,2	21,9
15	Қоракўл	24,2	20,7
16	Кўкёнгөк	21,3	16,9
17	Қорасув	22,4	17,9
18	Сулуқта	22,0	22,9
19	Чўпонота	10,7	10,6
20	Одсув	9,5	9,5
21	Шиновон	9,6	7,7

содчилар, 16 мингги врачлар, 9 мингги агроном, зоотехник, ветврачлар, 4,5 мингги товаршунослар, 2,5 мингги юристлар ва бошқалар бўлган. Меҳнатга лаёқатлиларнинг 48,7%и аёллар ёки ҳозирги кунда 1,090 минг аёл меҳнатга лаёқатли деб ҳисобланади. Бироқ буларнинг кўпчилиги ишламайди, сабаби қишлоқ аёлларининг кўпчилиги кўп болалаи. Болалар боғчалари етишмайди ва уларга хизмат қилиш соҳаси яхши йўлга қўйилган эмас. 1993 йилда халқ хўжалигида ишлаган аёл - хизматчи, ишчиларнинг сони 639,5 минг киши бўлган.

Қирғизистонда ички регионлар бўйича меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси бир хил эмас. Бу кўпинча шу регион хўжалигининг тармоғига яраша бўлади. Масалан, Норин вилояти чорвачиликка ихтисослашган, аҳолининг асосий касби чорвачилик. Чорвадорларнинг ҳиссаси умумий меҳнат ресурсида юқори бўлмаганлигидан иш билан таъминлаш жуда қийин. Йирик шаҳарларда ҳам ишчиларнинг етишмаслиги се-

**Ўш, Боткен вилоятлари шаҳарлари, аҳолисининг сони  
(минг киши ҳисобида)**

3	Шаҳарлар	Аҳоли сони	
		1989 йил ҳисоби бўйича	2002 йил ҳисоби бўйича
<b>Ўш вилояти</b>			
1.	Ўш	211,0	220,2
2.	Қорасув	18,9	21,3
3.	Ўзган	34,4	43,7
<b>Боткен</b>			
1.	Боткен	-	12,9
2.	Қизил-қия	36,8	32,6
3.	Сулукта	14,8	13,7

зилади. Аммо ҳозирги иқтисодий кризис вақтида кўпчилик ишхоналар ёпилиб, ишсиз қолганларнинг сони кўпаймоқда. Масалан, 1991 йили Республикада 94 киши ишсиз деб рўйхатдан ўтган бўлса, 1992 йилда – 136 киши, 1993 йилда – 1796 кишига етган. Ишсизларнинг 60%и саноат корхоналари ёпилишидан ёки қайта ташкил этилганлиги оқибатида бўшаганлар. улар орасида олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар бор.

Халқнинг ўtroқлашиши, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси. Қирғизистонда умумий аҳоли сонига қараганда шаҳар аҳолисининг сони тез ўсмоқда. 1994 йили Республикадаги 4462,2 минг аҳолининг 1588,4 мингги шаҳарлик бўлган. 1926 йилдаги аҳоли рўйхати бўйича эса Республикадаги жами 1001,7 минг аҳолининг 122,3 минггича шаҳарликлар ташкил қилган. Бошқача айтганда, бу йиллар ичида шаҳар аҳолисининг умумий сони 13,9 ҳисса ошган. Шаҳар аҳолисининг ўсиш мароми: 1926 йилда жами аҳолининг 12,2%и шаҳарда яшаган бўлса, 1939 йилда – 18,5% , 1959 йилда – 33,7%, 1979 йилда – 38,7% , 1981 йилда – 38,8%, 1994 йилда – 35,6% аҳоли шаҳарда яшаган. Қишлоқ аҳолисининг шаҳарга келиб ўрнашиб қолиши натижасида шаҳар аҳолиси тез ўса бошлади, сабаби, Республиканинг индустрияси ривожланиб, кўплаб янги саноат корхоналарининг шохобчалари, ишхоналари пайдо бўлди.

Инқилобгача Қирғизистон ҳудудида 6 тагина шаҳар бўлган: Бишкек, Тўқмоқ, Қоракўл, Жалолобод, Ўш, Ўзган.

Ҳозирги даврда Республикадаги шаҳарлар сони 21 га, шаҳарчаларнинг сони эса 30 га етди. Янги шаҳарларга кўмир қазиб олиш саноати базасида шаклланган. Сулукта, Қизилқия, Тошкўмир, Кўкёнғоқ; маъмурий марказ шаҳарлар: Норин, Талас; нефть базаси асосида қурилган шаҳар – Мойлисой, ГЭС қурилиши асосида бунёд бўлган шаҳар – Қоракўл, курорт шаҳри – Чўлпонота, саноат маркази шаҳарлари – Қораболта, Қант ва бошқалар кирди.

Жадвалдан кўриниб турибдики, Республикадаги шаҳарлар бир-биридан катталиги билангина эмас, фаолияти, меҳнатнинг ҳудудий тақсимотидаги ўрни, генезиси (пайдо бўлиши) ва ривожланиши бўйича ҳам фарқ қилади. Шунинг учун шаҳарларни ўзига хос белгилари бўйича алоҳида турларга, синфларга бўлиш талаб қилинади.

Географияда шаҳар типидagi аҳоли пунктлари қуйидаги белгилари бўйича синфларга бўлинади:

1. Катталиги (аҳолининг сони бўйича);
2. Функцияси;
3. Меҳнатни ҳудудий тақсимотидаги ўрни;
4. Келиб чиқиши;
5. Иқтисодий-географик ўрни бўйича.

Барча мамлакатларда шаҳарларни катталигига қараб географлар, статистлар аҳолиси 100 минггача, 100 мингдан ошиқ бўлган ва миллионер шаҳарларга бўладилар.

Собиқ СССРда шаҳарлар қуйидагича синфлаштирилган:

- кичик шаҳарлар (аҳолиси 50 минггача);
- катта шаҳарлар (100-150 минг);
- йирик шаҳарлар (200-500 минг);
- энг йирик шаҳарлар (500 мингдан ортиқ);

Бироқ географлар қуйидагича синфлаштиришдан фойдаланадилар. Кичик шаҳарлар (аҳолиси 20 минггача бўлган) ўрта шаҳарлар (20 мингдан 100 минггача). Булар қуйи ва юқори гуруҳларга бўлинади. Қуйи гуруҳларда 20 мингдан 50 минггача, юқори гуруҳда эса 50 мингдан 100 минггача аҳолиси бор. Катта шаҳарларда 100 мингдан 500 минггача бўлса, энг йирик шаҳарларда 500 мингдан юқори бўлади.

Қирғизистон Республикасининг шаҳарлари аҳолисининг сони бўйича қуйидагича бўлинади. Бишкек – энг йирик шаҳар, Ўш – энг катта шаҳар, Жалолобод, Тўқмоқ, Қоракўл, Қораболта, Қизилқия – ўрта шаҳарлар, қолган шаҳарлар – Балиқчи, Норин, Тошкўмир, Ўзган, Мойлисой, Талас, Қант, Қоракўл.



Кўкёнғоқ, Қорасув, Сулукта, Чўлпонота, Оқсув, Шопоков кичик шаҳарлар қаторига киради.

Иқтисодий шаҳарларга саноати, транспорти, савдо-сотиқ яхши ривожланган шаҳарлар киради. Ноиқтисодий шаҳарларга эса маъмурий, маданий, рекреацион шаҳарлар киради. Биргина вазифани бажарадиган шаҳарлар **монофункционали** (бундайлар оз учрайди), бир нечта вазифани бажарадиган шаҳарлар эса полифункционали шаҳарлар деб аталади. Республика шаҳарларини бажарган вазифаларига кўра қуйидагича синфлаштириш мумкин:

1. Йирик полифункционали шаҳарлар, буларга Бишкек, Ўш шаҳарлари киради. Республика шаҳарлар аҳолисининг 40%и ва саноат потенциалининг 50%и Бишкекда тўпланган. Бу шаҳарлар йирик саноат, сиёсий ва маданий, аҳоли ўтроқлашувининг асосий таянчи, илмий-техника тараққиётининг, кадрлар тайёрлашнинг марказларидир;

2. Полифункционали шаҳарлар ва саноатнинг ривожланиш истиқболи бўйича ўрта шаҳарларга Тўқмоқ, Жалолобод, Қораболта, Қоракўл шаҳарлари киради;

3. Саноатнинг ривожланиш даражаси паст, алоҳида ҳудудлардаги ўрта шаҳарлар киради;

5. Тоғ-кон саноат марказлари бўлган шаҳар ва шаҳарчалар: Тошкўмир, Қизилқия, Кўкёнғоқ, Сулукта, Жирғалан — иқтисодий йўналишлари бир тармоқли;

6. Тоғ-кон саноати ва раангли металлургия маркази бўлган шаҳарчалар: Борду, Оқтуз, Сумсар, Тераксой, Ҳайдаркон, Чаувай ва бошқалар;

7. Гидроэнергетика ва сув хўжалиги иншоотлари яқинидаги шаҳарлар — Тўқтағул, Қоракўл, Ўртатўқай, Дўстлик, Найман, Шомолдисой;

8. Транспортнинг ривожланиши натижасида ташкил топган шаҳарлар: Балиқчи, Қоракўл, Маймоқ ва Саритош;

9. Курорт маркази — Чўлпонота. Функционал тизимига биноан аҳолининг ўсиш даражаси, ёши, жинсий таркиби, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси, аҳолининг кўчиши ўзгариб туради.

Ҳудудий меҳнат тақсимотида тутган ўрни бўйича Қирғизистон Республикасининг шаҳарлари ва шаҳарчаларини қуйидагича бўлиш мумкин: а) маҳаллий алоқаларда қатнашадиган шаҳарлар (район даражасидаги иқтисодий, маъмурий ва маданий марказлар: Шопоков, Чўлпонота, Жирғалан ва бошқалар);

б) вилоят ичидаги меҳнат тақсимотида қатнашадиган шаҳар ва шаҳарчалар (Сулукта, Тошкўмир, Кўкёнғоқ); в) вилоятлараро (иқтисодий районча) меҳнат тақсимотида қатнашадиган шаҳар ва шаҳарчалар (Жалолобод, Қорақўл, Норин, Балиқчи, Талас ва бошқалар); г) ҳалқаро меҳнат тақсимотида қатнашувчи шаҳарлар ва шаҳарчалар – Бишкек, Ўш, Тўқмоқ, Қораболта, Ҳайдаркон, Оқтуз, Қант ва бошқалар.

Иқтисодий географик ўрни бўйича Республика шаҳарларини бир қанча типларга бўлиш аҳамиятли, бироқ бу мураккаб ва кам ўрганилган соҳа. Иқтисодий географик аҳамиятига кўра бўлинган гуруҳлар: а) хом ашё ёки ёқилғи конларида жойлашаги шаҳарлар – Қизилқия, Тошкўмир, Сулукта, Кўкёнғоқ, Қант, Мойлисой, Қўчқорота, Ҳайдаркон, Орловка, Оқтуз, Жирғалан, Борду ва бошқалар; б) порт шаҳарлар – Балиқчи, Қорақўл пристани; в) темир йўл бўйида жойлашиб, саноат, транспорт марказларига айланган шаҳарлар – Бишкек, Ўш, Жалолобод ва бошқалар.

Шаҳарларни генетик жиҳатдан тасниф (классификация)лашда бу шаҳарлар қачон, нима учун, шу ерда пайдо бўлган, уларни даврларга бўлиш ишлари, шаҳарлар архитектураси ҳисобга олинади.

Бундай таснифдан «шаҳарлар географиясини» ўқитишда фойдаланса бўлади. Аҳолиси зич жойлашган шаҳарларни ўрганишда, уларни катталиги бўйича ажратиб, айниқса йирик шаҳарларни бўлиб кўрсатиш талаб қилинади. Республикадаги 21 шаҳар, 30 шаҳарча умумий шаҳар тармоғини ташкил қилади. Бу шаҳар тармоғининг кўпчилиги (3/4 қисми) кичик, ўрта шаҳарлар ва шаҳарчалар, бироқ бутун шаҳар халқининг 1/2 қисми иккита шаҳарда — Бишкек билан Ўшда жамланган. Бир-бири билан узвий боғланишдаги, бир мақсадни кўзлаб иш юргизувчи шаҳарлар, шаҳарлар тизимини ташкил қилади. Шаҳарлар тизими иқтисодий, ишлаб чиқариш, маданий истиқомат ва бошқа алоқаларни таҳлил қилиш асосида ўрганилади. Шаҳардаги ўтrockлашув тизимининг бири — агломерациядир. Агломерациялар ривожланиш суръати, алоқанинг интенсивлиги, тузилиш даражаси, ҳудудий тармоқ структуралари бўйича фарқ қилинади. Қирғизистон Республикаси йирик шаҳарларининг атрофларида шаҳар агломерациясининг ўсиш тенденцияси сезилади. Чуй водийси марказида Бишкек агломерацияси шаклланиш арафасида турибди, агломерация — ғарбдан Қораболтага, шарқда Қант шаҳригача, жанубда Қирғиз Олатовининг этакларигача (Байтик

водийси билан), шимолий томондан Қозоғистон билан чегарагача бўлган ҳудудни эгаллайди. Жанубда эса, Ўш – Қорасув йўналишида Ўш шаҳар агломерацияси шаклланмоқда.

Овул-қишлоқ аҳолиси географияси. Қирғизистон Республикасида, 1994 йил ҳисоби бўйича, овул-қишлоқ аҳолисининг сони 2874 минг кишини ташкил этган, бу кўрсаткич Қирғизистондаги бутун халқнинг 64,4%ини ташкил қилади. Овул-қишлоқ аҳолисининг ҳиссаси 1926 йилда – 87,0%, 1939 йилда – 81,5 %, 1959 йилда – 66,3%, 1970 йилда – 62,6 % бўлган, бошқача айтганда, уларнинг умумий сони ўсгани билан қишлоқ аҳолисининг миқдори йилдан-йилга аста-секин камаймоқда. Сўнги 20 йил ичида овул-қишлоқ аҳолисининг миқдори овул-қишлоқ динамикасида ҳеч қандай ўзгариш бўлгани йўқ. Сабаби, овул-қишлоқ аҳолисининг табиий ўсиши юқори бўлгани билан уларнинг кўпчилиги шаҳарларга кўчиб кетмоқда. 1970-1992 йиллар давомида овул-қишлоқ аҳолиси ўзгаришсиз (62%) бўлгани билан унинг абсолют ўсиши жуда юқори, яъни 1970 йилдаги 1835,7 мингдан 1994 йилда 2894 мингга етди.

Ривожланган капиталистик мамлакатларда овул-қишлоқ аҳолисининг ҳиссаси жуда паст (12 — 14%). Табиий шароитнинг нотекислиги, тарихий-иқтисодий жараёнининг мураккаблиги, этник хусусияти, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг потенциал даражаси, қишлоқ аҳолиси яшаган ерларнинг ҳар хил бўлишига олиб келди.

Овул-қишлоқ аҳолиси яшаган ерга комплекс иқтисодий географик тавсиф бериш схемасини С.А.Козлов ишлаб чиққан. Қишлоқ халқи яшаган ерларни синфларга, типларга бўлишнинг аҳамияти катта, чунки қишлоқ аҳоли пунктлари сони жуда кўп. 1992 йилда Республикада уларнинг сони 2,5 мингга етган ёки ҳар бир шаҳарга 80 га яқин овул-қишлоқ тўғри келади. Қишлоқлар катталиги, бажарган хизмати, рельефга нисбатан жойлашиши, пайдо бўлиш даври ва бошқа белгилари билан фарқ қилади.

Қишлоқларни гуруҳларга бўлишда кенг фойдаланиладиган йўл, уларни катталиги бўйича синфлаштиришдир (аҳолисининг сонига қараб). Қирғизистон Республикасидаги қишлоқларда аҳоли сони 5 — 10 дан 5 — 10 мингга қадар етади. Катталиги бўйича Республика қишлоқларини 3 турга бўлиш мумкин:

1. Йирик қишлоқлар — йирик хўжаликларнинг марказлари. Булар қишлоқ жойларининг асосий ўзаги бўлиб ҳисобланади. Йирик қишлоқлар асосан тоғ этакларида ёки тоғлар ораларидаги водийларда, транспорт магистраллари бўйида жойлашган;

2. Ўргача қишлоқлар тоғ этакларидаги текисликларда, тоғ оралиғидаги ботиқларда жойлашган. Бу типдаги қишлоқларнинг кўпчилиги хўжаликларнинг бригада ёки бўлим марказларидир;

3. Майда қишлоқлар яйлов, қишлоқ, кузги-баҳорги яйловлардаги молларни боқиш учун солинган доимий ёки вақтинчалик овуллар, майда бўз уйлар, чодирлардан иборат. Баланд тоғли водийлардаги маданий марказлар ҳам шу 3-типга киради.

Бажарган хизматига қараб қишлоқлар қишлоқ хўжалиги, ноаграр-индуриал хўжалик, кўп тармоқли хўжалик, маҳаллий марказ қишлоқларига бўлинади.

Қишлоқ-хўжалик қишлоқларига, хўжалик марказлари, деҳқончилик ёки комплексе бригадаларнинг ерлари, бригада қишлоқчанинг филиаллари, бўлим қишлоқлари, дала шийповлари, олис яйловлардаги чорвачилик пунктлари, қишлоқ-хўжалик маҳсулотларини қабул қилувчи, ўтказиб берувчи пунктлар, баланд тоғлардаги маданий марказлар ва бошқалар киради.

Қишлоқ жойларидаги аҳоли пунктларига (посёлкаларга) саноат корхоналарининг, йўл ходимларининг, ўрмончиларнинг, балиқчилар яшаган жойлар, дала ҳовлилар, ишчи-хизматчиларнинг шаҳар чеккасидаги яшаш пунктлари киради. Кейинги йилларда аграр саноат комплекси қишлоқ хўжалик посёлкаларини саноат посёлкаларига айлантормоқда.

Қишлоқ аҳолиси кўпроқ яшайдиган жойларда ишлаб чиқариш билан маданий марказларнинг вазифалари уйғунлашмоқда. Булар хўжалик ишлари, ташкилотчилик, билим бериш, тиббий масалалар, савдо, маиший хизмат йўналишлардир. Район марказларининг аҳамияти катта, чунки унда маъмурий, маданий, тижорат, хизмат жойлари ва йирик базага эга бўлган корхоналар тўпланади.

Маҳаллий марказларга йирик хўжаликларнинг марказлари, айрим бригадаларнинг марказлари ҳам киради. Улар атрофидаги аҳолига ҳар томонлама хизмат кўрсатиб туришади.

Қирғизистонда қишлоқларнинг аҳоли сони бўйича турларга бўлинишида унинг тоғли рельефи, сувлари ва бошқа табиий шароитлари таъсир қилади. Республикада кўпроқ тарқалган қишлоқ тури — тоғ этакларидаги делювиал қишлоқлардир, бу ерларда суғориш ишларини амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари тоғ дарёларининг дараларидан чиқаверишдаги қишлоқлар, тоғ орасидаги водий қишлоқлар, Иссиқкўл атрофидаги қишлоқ жойлари турларига бўлинади.

Республика шимолидаги катта йўл бўйида қатор-қатор қишлоқлар бир-бирдан 2 — 5 км оралиқда жойлашган. Бу йирик қишлоқларга Чуй водийсидаги Панфилов, Беловодек, Соқулук, Новонавловка, Иссиққўл водийсидаги Ананьево, Туп, Покровка ва бошқалар кирadi.

Республика жанубида йирик, компактни, тузилиши мураккаб, эски қишлоқлар асосида ўсиб чиққан, ўз ҳолича турдаги қишлоқлар (Сузоқ, Аравон, Бозоркўрғон ва бошқалар) ҳам тарқалган. Республикадаги қишлоқларни келиб чиқиш муддати бўйича учта асосий гуруҳга бўлинади:

а) Бир неча юз йил бурун пайдо бўлган жанубдаги қишлоқлар;

б) Ўтган асрнинг охирида кўчманчи аҳоли асослаган йирик қишлоқлар: Чуй, Талас, Иссиққўл водийларида;

в) 1920 — 1930 йилларда пайдо бўлган бир қанча майда ва ўрта қишлоқлар, уларни дастлаб кўчманчи, ўтроқ аҳоли асослаган.

Республикада тоғли ерлардаги фойдаланиш мумкин бўлган майдонлар тарқоқ бўлганлигидан, хўжаликлар ичида мураккаб турдаги аҳоли жойлари анчагина. Масалан, Чуй водийсидаги хўжаликлар лалмикор ерлардан ташқари, тоғ ёнбағирларидан қайроқи ерларни, қисқа муддатли яйловларни, Сусамир билан Кенсе-Анархай яйловларидан фойдаланишadi. Бу жойларнинг ҳаммасида аҳоли яшовчи майда пунктлар бор. Хўжаликлар марказларидан ташқари фермалар, бригадалар, дала шийпонлари ва бошқа 5 — 10 кишилик майда пунктларни битта хўжалик бириктириб туради.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Қирғизистон Республикаси аҳолисининг динамика ўсиш хусусияти нимага боғлиқ? Табиий ўсиш қандайлигини тушунтиринг. Аҳоли кўчиши нимага боғлиқ?

2. Республикадаги аҳолининг зич ва сийрак жойлашган районларини аниқланг. Нима учун аҳоли текис жойлашган эмас?

3. Республика халқининг миллий таркиби қандай? Сиз яшаган районда қандай миллатлар яшайди, улар қайси ўлкалардан келишган ёки ўтроқми?

4. Аҳолининг ижтимоий таркибида қандай ўзгаришлар бўлмоқда?

5. Меҳнат ресурсларини тушунтириб бериш?

6. Республика шаҳар ва қишлоқ аҳолиси қанча? Шаҳарлар ва овул-қишлоқларнинг қандай типларини биласиз?

## 12.2. Ижтимоий таъминот комплекси

Ижтимоий тараққиётнинг аҳволи ва истиқболи. Ижтимоий жараёнлар, муносабатлар бутун жамият аъзоларининг ва ҳар бир инсон ҳаёт тарзининг йиғиндиси ижтимоий сиёсат объекти ҳисобланади. Ижтимоий муносабатлар инсоннинг жамиятдаги ўрнини, тенглик даражасини, ижтимоий эркинлигини, адолатлилигини, моддий ва маданий эҳтиёжини қондирилишини аниқлайди.

Ижтимоий муҳитнинг ривожланиши ва жамиятда ишлаб чиқаришнинг ижобий юксалиши бир-бири билан диалектик боғланишда ва ўзаро ҳамкорликда бўлади.

Моддий ишлаб чиқариш ижтимоий тараққиёт асосини ташкил қилади. Мана шу муҳитгина одамларнинг озиқ-овқатга, кийимга, билимга, уй-жойга, саломатлигини сақлашга бўлган эҳтиёжларини қондиради.

Меҳнатнинг юксак даражада унумдорлиги, иқтисоднинг натижаси ва сифати кўпчилик ҳолларда ўша ишлаб-чиқаришда ишлаётган одамларнинг саломатлигига, малакасининг юксалишига, интеллектуал ўсишига боғлиқдир.

Аҳолининг яшаш даражасини, билимини ва маданиятини юксалтириш, инсон қадр-қимматини ҳурматлаб, ҳуқуқи билан эркинлигини таъминлаш бугунги кунда турмушда амалга оширилиши шарт бўлган умуминсоний бойлик бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий қайта қуришнинг ҳал қилувчи омил — инсон омилдир. Ижтимоий йўналиш олган иқтисодиёт ҳақида гапирганда, буни давлат томонидан амалга оширадиган ижтимоий ҳимоя сиёсати деб ўйлаш керак. Буни ўз маблағини, меҳнати-ни сарфлаб ишлаб-чиқаришни ривожлантиришга интилган инсонни ишбилармонликка, иқтисодий қобилиятга ундовчи йўналиш деб айтсак бўлади. Лаёқатли, уста ва бевосита ишлаб чиқаришда самарали хизмат соҳасида унумли ишлайдиган янги инсонни вояга етказиш ҳозирги энг долзарб муаммолардан биридир. Билимга ва маҳсуе тайёргарликка эга бўлган янги аҳамияти жуда катта. Агар инсон иқтисодий, маънавий, сиёсий эркин, лаёқатли бўлса, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиб, жамиятдаги ўрнини топа билса, бундай кишига ижтимоий ёрдам беришнинг ҳожати йўқ.

Социалистик иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишда майда ва ўрта бизнесни, фермер хўжаликларнинг келажак бўғинларини тузиш лозим. Мана шундагина ҳар бир одамнинг яшаш

даражаси ўз ҳаракатига ва ишбилармонлик хусусиятига яраша бўлади.

Қирғизистон Республикасини ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган давр учун иқтисодий стратегияси ва 1996 — 1998 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий режаси ишлаб чиқилди. Бундай оғир иқтисодий инқироздан чиқиш учун тезроқ ижтимоий-иқтисодий ислохотни амалга ошириш, ижтимоий томондан халққа хизмат қилиши комплексини ҳар томонлама ривожлантириш вазифаси турибди.

**Аҳоли турмушининг ҳозирги даражаси ва унинг келажаги.** «Турмуш даражаси» деган тушунча «турмуш тарзи» деган тушунча билан қандайдир бир хил маъно касб этади (керакли буюмлар ва хизмат қилиш даражасининг ҳажми билан), шу билан бирга у даромадлар (пул, натура ёки текин хизмат шакллари орқали) ва уй-рўзғорда узоқ фойдаланувчи буюмлар (кийим-кечак, майда-чуйда буюмлар, керакли электр асбоблари) орқали ҳам аниқланади.

Демак, аҳолининг турмуш шароити ўзи яшаб турган жамиятнинг иқтисодий ривожланиш даражаси билан аниқланади. Жамиятда қанчалик кўп миқдорда моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқарилса, аҳоли турмуши шунча яхшиланади. Бунда аҳолига моддий ва маънавий бойликларни эҳтиёжига яраша тақсимлаш бирдай бўлмайди. Планетамиздаги аҳолининг 20% жуда бадавлат турмуш кечиради. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг маълумотиغا кўра, уларга дунёда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 82,7%, жаҳон савдосининг 81,2%, жаҳон кредит ресурсининг 94,6%ни тўғри келади. Аксинча, 20% жуда камбағал аҳолига мана шу бойликлар мос равишда 1,4, 1,0 ва 0,2%дан тўғри келади.

Қирғизистондаги аҳолининг бойроқ яшаётган 20% одамларининг қўлида ҳамма даромадларининг 48,3% жамланган бўлса, аксинча, қашшоқ яшаётган 20% аҳолининг қўлида пул даромадларининг 3,9%игина бор. Бундан дунёдаги бой аҳоли билан қашшоқ аҳоли ўртасидаги фарқнинг ортиб бораётганлигини осонгина билиб олиш мумкин.

Сўнгги йилларда аҳолини озиқ-овқат билан таъминловчи корхоналар талаблар даражасида ишламаяпти. Айниқса, қишлоқларда аҳолига хизмат кўрсатиш, аҳоли талабидан анча орқادا қолмоқда. Республикада кўпчилик аҳоли қишлоқларда яшайди. Бинобарин, тирикчилик тарзи учун ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар кўп.

Аҳолининг турмуш даражаси қишлоқ жойлардагина эмас, шаҳарларда ҳам ҳозирги шароит стандарт меъёрларидан паст.

Шунинг учун, Республикада давом этаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади – аҳоли турмушини тубдан яхшилаш, турмуш даражасини юксалтириш бўлиб ҳисобланади.

**Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш.** Қирғизистонда хўжаликнинг яна бир йирик тармоғи – аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўлиб ҳисобланади. Бунда кийим-кечак, пойабзал тиктириш, кийимларни химиявий йўл билан тозалаш, соч олдириш, суратга тушиш, транспорт техникасини таъмирлаш, узоқ фойдаланувчи буюмларни ижарага бериш, маиший хизмат уйларини кўпайтириш ва шу сингари кўп тармоқлар назарда тутилади.

Ҳозир Республикада аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўйича халқ талабини қондириш йўлга қўйилган эмас. Республика халқ хўжалигининг ҳамма соҳалари сингари, ўтиш даврида, бу соҳада ҳам иш анча сусайган.

Нарх-навоининг ўсиши, маиший хизмат айрим турларининг тижоратга ўтиши бир томондан аҳолига қимматга тушса, иккинчи томондан хизмат кўрсатишнинг айрим турларига бўлган талабнинг қисқаришига олиб келади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ҳар томонлама ривожлантириш ишлаб чиқаришга ва аҳолининг жамиятдаги ҳаётига бевосита таъсир қилади.

Маиший хизмат корхоналари хизматидан Республиканинг ҳар бир кишиси деярли мунтазам фойдаланади, унинг меҳнат унумдорлиги унга қандай хизмат кўрсатганлигига ва бу хизматдан у қанчалик қаноатланганлигига боғлиқ.

Ишни бундай тарзда уюштириш, жамоат меҳнатини енгиллаштиришга эргашини билан одамларни ёлланма уй меҳнатидан озод қилишга эришилади ва бу бўш вақтининг кўп бўлишига ёрдам беради.

Республикада ҳозирги иқтисодий ислохот ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида маиший хизмат кўрсатиш бўйича аввало аҳолининг эҳтиёжларини қондириш мақсадида бундан буён унинг янги турларини ривожлантириш ва бу соҳада муҳим ишлар қилиниши керак.

Қирғизистондаги ҳамма маиший хизмат кўрсатиш корхоналари хусусийлаштирилиб, акционерлик жамиятлари тузилди, шу билан бирга хизмат кўрсатиш ҳажми ва турининг кўпайишига шароит яратилмоқда.

Ҳозирги вақтда маиший хизмат кўрсатиш ҳақиқий ижтимоий йўналишни кўзлаб, энг аввало аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилган.

Шу мақсадда бор имкониятларни, кучларни, вақтни ва ҳар бир инсоннинг имкониятидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Турар-жой ва коммунал хўжалиги.** Турар-жой ва коммунал хўжалиги турмушининг энг керакли ва мураккаб тармоғидир. Тармоқнинг таркибига турар-жой хўжалиги, иссиқлик энергетикаси, газ хўжалиги, сув таъминоти тармоқлари, сувларни тозалаш, йўл ва кўкаламзорлаштириш хўжаликлари киради.

Турар-жой ва коммунал хўжаликнинг ривожланиш даражаси аҳоли фаровонлиги даражасига, гигиена шароитини яхшилашга, ҳаво ва сув ҳавзаларининг, табиий муҳитнинг тозаллигига, меҳнат унумдорлигининг юксалишига, одамларнинг ишлаши учун, турмуш тирикчилиги ва дам олиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга бевосита таъсир ўтказади. Шунинг учун турар-жой билан таъминлаш ва уларни яхшилаш тезлик билан ҳал қилишни талаб қиладиган долзарб ижтимоий муаммолар қаторида туради. Республикадаги умумий турар жой фондининг майдони 1985 — 1995 йиллар давомида 45533 минг м<sup>2</sup>дан 57885 минг м<sup>2</sup>га, бошқача айтганда 12052 минг м<sup>2</sup>га кўпайган. Шу билан бирга аҳоли жон бошига турар-жой билан ўртача таъминлаш 11,3 м<sup>2</sup>дан 12,9 м<sup>2</sup>га ортган. Умумий турар-жой фондининг 81%и яқка хўжалика, 17%и давлат ихтиёрига, 2%и ҳар хил кооперативларга тегишлидир.

Коммунал хўжалик хизмати ҳамма шаҳарлар, вилоятлар ва районлар марказларида аҳоли хизматини бажаради. Шаҳар, давлат, жамоат турар-жой фонди ва кооператив турар-жой фондлари марказлаштирилган иссиқлик билан 89%га, газ билан 91%га, иссиқ сув билан 72%га таъминланган.

Қишлоқларда турар-жой фондини ҳар хил ускуналар билан таъминлаш ва жиҳозлаш жуда оғир аҳволда, шаҳар жойларига нисбатан сув таъминоти тармоқлари 2,2 марта, канализация 2,6 марта, марказлаштирилган иссиқлик бериш 2,7 марта кам. Аҳоли турар-жой шароитини яхшилаш учун унинг барча тизимларини капитал таъмирлаш талаб қилинади. Ҳозирги даврда турар-жой қурилишида инвестиция ресурсларини кўпайтириш, қурилиш корхоналарининг қувватини кучайтириш зарур.

**Таълим тизими.** Республика таълим тизимининг ривож-

ланишига салмоқли ҳисса қўшганлар орасида К.Тинистанов, Т.Жолдошев, К.Юнусалиев, С.Токтоғонов, А.Какеевларнинг номларини ёдга олиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги вақтда таълим тизимида, ўқув жараёнларини такомиллаштириш мақсадида, қайта қуриш давом этмоқда.

Таълимнинг илгариги тизими ўз моҳиятини йўқотиб, бугунги кун маданияти, иқтисодиётига, техникасига, бозор иқтисодиёти талабларига тўғри келмай қолди.

Маълумки билим бериш марказида инсон туради, уни кадрлаш, унинг билим олишига ёрдам бериш керак. Бу мураккаб вазифани ҳал қилиш билим беришни демократиялаштириш, инсонийлаштириш, дифференциялаш тамойилларига асосланган.

Қирғизистон республикасида ўқиш ва ўқитиш ишлари давлат ва ҳусусий ўқитиш жойлари орқали амалга оширилади. Республикадаги олий таълим ўқув юргларининг сони 32 та, махсус ўқув юргларининг сони 54 та, умумтаълим ўрта мактаблари 1886 га етди (1995 йил ҳисоби бўйича). Талабалар кундузги, кечки ва сиртдан ўқиш бўлимларида ўқишади. Кундузги бўлимда ўқийдиган талабалар 73%ни, сиртқи бўлимда 21%ни, кечки бўлимда 5%ни ташкил қилади. Талаба қизлар талабаларнинг умумий сонига нисбатан 54%дан ортиқни ташкил қилади.

Қирғизистон ёшларининг билим даражаси анча юқори: 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган 1000 кишига 50 нафар олий маълумотлилар, 155 нафар тўлиқсиз олий, ўрта махсус маълумотлилар, 536 нафар умумий ўрта маълумотлилар ва 200 нафар тўлиқсиз ўрта маълумотли киши тўғри келади. (1995 йил).

Қирғизистон Республикасининг «Таълим бериш ҳақидаги» қонуни асосида «Таълим» дастури ва «ХI аср кадрлари» деган миллий дастурлар ишлаб чиқилган. Улар асосида Республикада таълим ислоҳоти амалга оширилмоқда.

Республиканинг олий ўқув юрглари асосан Бишкек шаҳрида жойлашган. Қирғизистон давлат дорилфунунига «Миллий» дорилфунун мақоми берилди. Қирғизистон қишлоқ хўжалиги институти асосида Қирғизистон аграр академияси, Қирғизистон медицина институти базасида, Қирғизистон медицина академияси тузилди. Бишкекда Қирғиз-Россия (Славян), Қирғиз-Турк, Чуй, Халқаро, Гуманитар, Педагогика, Техника дорилфунунлари, Тоғ-кўн ва металлургия, Архитектура ва қурилиш институтлари ташкил этилди. Ушда Ҷш давлат, Ҷш технология, Қирғиз-Ўзбек университети, Қирғиз-Турк техника университети, Қоракўлда Исеиққўл университети, Норинда Норин университети, Жа-

долободда Олий коммерция институти ва дорилфунуни бор. Булардан ҳар хил мутахассисликлар бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрланмоқда.

Ҳозирги даврда Республикада айрим предметларни чуқурлаштириб ўргатувчи мактаблар, гимназиялар, лицейларнинг сони кўпаймоқда. Қирғизистонда Турк давлатининг «Себят» фирмасининг 11 лицейи ишлаб турибди. Уларда ўқиш қирғиз, турк инглиз тилларида олиб борилади. Бундай ўқув жойлари Норин, Ўш, Жалолобод, Иссиқкўл, Талас вилоятларида ҳам очилган. Уларнинг асосий мақсади мактаб ўқувчиларига турк, инглиз, немис, француз тилларини ўргатиш ва айрим ўқув предметларини чуқурлаштириб ўқитиб, бозор иқтисодиёти шароитида олий маълумотли кадрларни тайёрлашга ёрдам беришдир.

Давом этаётган мактаб ислохотини жадаллаштиришнинг асосий бир муаммоси мактабларни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ҳамма мактабларда ўқитиш ишларини бир сманада ташкил этишдир.

Қирғизистоннинг келажакдаги янги авлоди олис чет мамлакатларда ўқиш учун грантларни олиш ҳуқуқига эга. Ҳозирги кунда мингдан ошиқ талабалар, аспирантлар ва мактаб ўқувчилари Туркия, АҚШ, Хитой, Франция, Англияда ва Испанияда ва яна бошқа мамлакатларда ўқишмоқда (1995 йил).

Республикадаги 105 та ҳунар-техника билим юртида 32 минг ўқитувчи ўқийди. (1995 йил). Улар асосан малакали ишчиларни тайёрлайди.

Фан ва маданият. Қирғизистонда фан ва маданиятни ривожлантириш учун кенг имкониятлар бор. Республикада турли йўналишлар бўйича 62 фан ва маданият марказлари, институтлар, лойиҳалаш ташкилотлари ишлайди. Илмий ташкилотларда 7405 илмий ходим бор, булардан 190 нафари фан докторлари, 1189 нафари фан номзодларидир. Ҳар хил илмий, лойиҳа конструкторлик ва технологик хизматларда 4548 ходим ишлайди.

Қирғизистон давлат миллий академияси етакчи илмий марказ бўлиб ҳисобланади. Бунда бажарилган табиий ресурсларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришни комплекс ҳал қилишда катта аҳамиятга эга бўлган фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижалари яқин ва олисдаги чет мамлакатларда ҳам маълум. Унда илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича кўплаб тадбирлар ишлаб чиқилимоқда. Кўпчилик олимлар яратган янгиликлар билан тадқиқотлар тоғ-кон ишлаб чиқаришида,

қишлоқ хўжалигида ва саноатда қўлланилаётир. Натижада ишлаб чиқаришни механизациялаштириш, автоматлаштириш ишлари кўзга кўринарли иқтисодий самараларни беради.

Қирғизистон Республикасида илм-фанни ривожлантиришда миллий академиянинг тўнғич президенти, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик И.Ахунбаев, кейинги президентлар — тарих фанлари доктори, профессор, академик К.Каракеев, физика-математика фанлари доктори, академик М. Иманалиев, геология-минерология фанлари доктори, академик М. Адишев, техника фанлари доктори профессор, академик, Қирғизистон Республикасининг тўнғич президенти А.Акаев, техника фанлари доктори, профессор, академик И.Айтматов, иқтисод фанлари доктори, профессор, академик Т.Койчуевлар алоҳида ўринни эгаллайдилар.

Фаннинг кўпгина тармоқларининг ривожланишида халқимизнинг салоҳияти, илмий хазинасининг хизмати катта. Миллий академия фондида «Манас» эпосининг қирқдан ортиқ вариантлари, аҳолидан ёзиб олинган халқ дostonлари, мақоллар ва бошқалар сақланмоқда. Улар орасида «Манас», «Семетей», «Сейтек» ва яна бошқа қисмларни ўз ичига олган ярим миллион мисрадан ортиқ, шеър тарзида ёзилган жуда катта ҳажмдаги трилогия — «XX аср Гомери», улуғ манасчи С.Каралаевнинг шеърый тарзда ёзилган 200 минг мисрадан иборат «Манас» эпосининг биринчи қисми, буюк манасчи Е.Орозбековнинг вариантлари бор. Бундан ташқари Калигул, Арстанбек, Мулла Қилич, Алдаш Мулла, Нияз, Эсенаман Жапак Ўғли, Нишан Мулла, Женгижок, Тўқтағул, Қўреўл, Тоголок Мулла, Барпи, калик, Усмонали Сидиқ ўғли, Тинибек Жапай ўғли, Мамбет Чокмор ўғли сингари кишилардан тўпланган мерослар сақланмоқда.

Қирғизистон Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий географияси асосчиларидан бири миллий академия академиги, география фанлари доктори, профессор К.Оторбаев бўлиб ҳисобланади. Унинг илмий ишлари асосан Қирғизистон ва унинг районларини иқтисодий ва ижтимоий томонларини комплекс асосда ўрганишга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва рационал жойлаштиришга, жамият ишлаб чиқаришининг ҳудудий комплексларини тузиш масаларини ўрганишга, Республика аҳолиси географиясига, география ва иқтисод фанларининг ривожланиш тарихига бағишланган.

Республикада табиий география ва картография фанларининг

ривожланишига зўр ҳиссасини қўшган олим – давлат мукофотининг лауреати С.Умурзаков ҳисобланади.

Ўлкамизда фалсафа ва ижтимоёт фанларининг ривожланишига катта ҳисса қўшган олимлардан академиклар А.Алтишбаев, А.Салиев, А.Какеев, миллий академия мухбир аъзолари Т.Абдилдаев, Табалдиев, А.Карипкулов, А.Наринбаев, Россия федерацияси социология академиясининг академиги К.Исаев ва бошқаларни айтиб ўтсак kiffoя.

Кейинги йилларда иқтисодий фанлар ҳам анчагина ўсди. Уларнинг ривожланишида академиклар Ж.Алишбаев, Ж. Лайлиев ва Т.Койчуевлар катта хизмат қилишди.

Республикада ҳисоблаш техникалари ва квант радиофизикаси, оптик ҳисоблаш техника тармоқлари сингари фаннинг янги соҳалари ривожланмоқда. Қирғизистон Республикасининг президенти, академик А.Акаев бу соҳаларни асосчиларидан бири ҳисобланади. Буларни ривожлантиришда миллий академия мухбир аъзоси Ж.Шаршеналиев баракали меҳнат қилиб келмоқда.

Қисқаси, фаннинг турли соҳаларини ривожланишига профессионал-мутахассислар, катта олимлар ҳисса қўшишган бўлса, иқтисод, билим, илм, маданиятнинг ривожланишига давлатнинг масъул ходимлари А.Ўрозбоқов, Ж.Абдурахмонов, И.Раззақов, Т.Усубалиев, А.Акаев каби маишхўр арбоблар катта ҳисса қўшган.

Қишлоқ хўжалигида чорва наслини яхшилашда, ем-хашак базасини мустаҳкамлашда олимлар томонидан ишлаб чиқилган, илмий асосланган натижалардан фойдаланилиб келинмоқда. Хўжалик шартномалари ва ишлаб чиқариш билан ҳамкорликда комплекс илмий ишларни бажариш асосида фаннинг турмуш билан боғлиқлиги кучаймоқда.

Ҳозирги даврда Республика олий ўқув юртларида турли соҳаларда жуда қизиқарли илмий ишлар олиб борилмоқда, уларнинг натижалари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва аҳолининг маданий тараққиётига зўр ҳисса қўшиб, кўпчилик корхоналарга, ишлаб чиқариш хўжаликларига илмий ёрдам бермоқда.

Қирғиз олимларининг Россиядаги илмий марказлар ва кўплаб чет мамлакатларининг олимлари билан илмий мулоқотларни кучайтириб, ҳозирги давр илмий муаммоларини ҳал этишга салоҳияти етарли бўлган юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашга имконият яратилмоқда.

Маданиятни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берилмаётир. Инсоннинг маънавий бойлигини юксалтиришда маданият

муассасалари – театрлар, телевидение, радио ва киностудиялар катта аҳамият қаб этади.

Қирғизистонда Республика маданияти ва санъатни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган кўплаб иқтидорли кишилар етишиб чиқди. Агарда XX аср бошида қирғиз халқида миллий профессионал театрлар, филармония, цирк йўқ бўлган бўлса, ҳозир Бишкек шаҳрида Қирғиз давлат академик драма театри, Крупская номидаги рус драма, Шаршен Термечиков номли драма театри, Тунгуч театри, Абдилас Малдибаев номидаги Қирғиз давлат опера ва балет театри, Тўқтағул Сатилганов номли филармония, цирк, Қоракўл, Ўш, Жалолобод шаҳарларида ҳам театрлар ишлаб турибди.

Ҳозирги кунда Республикада яшаётган кўпчилик миллатларнинг маданий марказлари тузилган. Булар аҳоли орасида маданий-маърифий ишларни муваффақиятли олиб бораётир, халққа хизмат қилиб, миллатлар бирлиги ва дўстлигини мустаҳкамлашмоқда.

**Табобат тизими.** Аҳолининг ижтимоий ҳимоялашининг асосий негизи табобат тизимига боғлиқ. Бунга кўп тармоқли ва махсус тармоқли касалхоналар, фельдшерлик ва акушерлик пунктлари, амбулатория, поликлиника муассасалари, аптекалар кирди.


Республикада табобат тизимига миллий даромаднинг 2%га яқини ажратилса, ривожланган АҚШ сингари мамлакатларда 10%дан ортиқ даромад ажратилади.

Республика ҳудудида касалхона, амбулатория, поликлиникаларнинг умумий сони 953 га етди. Уларда ҳаммаси бўлиб 57,3 минг киши аҳоли саломатлиги йўлида ишлашмоқда. Улар орасида олий маълумотли врачлар 15,0 минг, ўрта махсус билимли ходимлар 42,3 минг (1995 йил) кишини ташкил этади.

Табобат ишини йўлга солиш учун касалхоналарни, поликлиникаларни, аҳолини умумий диспансерлаштирувчи тармоқларни кенгайтириб, уларни ҳозирги замон талабларига яраша жиҳоз ва аппаратуралар билан, дори-дармонлар ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш масаласи ижобий ҳал этилиши лозим.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида табобатнинг айрим турлари ҳақ тўлаш орқали миждозларга хизмат қилишмоқда. Республикада табобат илми бўйича ислохот амалга оширилмоқда.

Саломатлигини сақлаш мақсадида бадан тарбия ва маданият ишларини ривожлантириш ҳозирги куннинг талаби бўлиб



## Қирғизистон Республикасининг махмурий-худудий бўлиниши



турибди. Шунинг учун бу тизим ишларини ҳам тубдан яхшилаш зарур бўлмоқда. Чунки, бундай ишлар ҳозир кўпаяётган порахўрлик, зўравонлик, гиёҳвандлик ва бошқа зарарли иллатларни йўқотишда бевосита ёрдам беради ва соғ танда соғ ақлини ривожлантришга шароит яратади.

#### **Савол ва топшириқлар.**

1. Ижтимоий таъминот нима эканлигини тушунтириб беринг.
2. Қирғизистоннинг ҳозирги даврдаги ижтимоий ҳолатини гапириб беринг.
3. Маънаний хизмат тармоғига қайсилар киради? Сиз яшаётган ҳудудда маънаний хизматнинг қандай муассасалари бор?
4. Республикада турар-жой ва коммунал хўжалик қандай аҳволда?
5. Қирғизистонда қандай илмий муассасалар бор?
6. Уқув юртлирининг қандай турларини биласиз?
7. Табобат муассасаларининг қандай турлари бор?

### **13. МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ БЎЛИНИШИ ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР**

Маъмурий-ҳудудий бўлиниши. Республика ҳудудидаги водийлар бир-биридан баланд тоғ тизмалари билан бўлиниб, иқтисодий ва табиий шароитлари, ривожланиш даражаси, тарихий



Қырғызистон  
Республикасининг  
герби



Қырғызистон Республикасининг  
Президенти Асқар Ақиев

келиб чиқиши бүйича жуда хилма-хил ва бир-бирдан кескин фарқ қилади.

Маъмурий-ҳудудий тузилиш бүйича яхлитликни сақлаш ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни ривожлантириш мақсадида, ишлаб чиқаришни юксалтириш ва уни мамлакат бүйича уюштиришни тўғри ташкил қилиш учун ҳудудий меҳнат тақсимоти ва минтақаларни ихтисослаштириш йўналишида, тарихий шаклланган, иқтисодий ва маданий марказлар бўлган мамлакат биричилигини назарда тутиб, минтақалар ишлаб чиқариш кучларининг эркин, ижобий ва ҳар томошлага ривожланиши ва умуман халқ хўжалигининг ўлкада ривожланиши ва жойлаштирилиши бүйича Республика маъмурий вилоятлар, районлар, шаҳарлар ва бошқаларга бўлинади.

Ҳозирги даврда Қырғизистон Республикаси 7 вилоятга, 41 маъмурий туманга (шаҳардаги районлардан ташқари) бўлинади, бундан ташқари Республикада 20 шаҳар, 29 шаҳарча, 417 овул ва қишлоқлар бор (1995 йил).

Чуй вилоятига 9 район — Тўқмоқ, Қораболта, Қант, Шопоков, Оқсув шаҳарлари киради. Маркази — Бишкек шаҳри. Иссиқкўл вилоятига 5 район ва Балиқчи, Чўлпонота шаҳарлари киради. Маркази Қоракўл шаҳри. Норин вилояти 5 тумани ўз ичига олади. Маркази — Норин шаҳри. Талас вилоятида 5 туман бор. Маркази — Талас шаҳри. Жалолобод вилоятида 9 туман ва Қоракўл, Кўкёнеоқ, Мойлисув, Тошкўмир шаҳарла-

ри жойлашган. Маркази Жалолобод шаҳри. Ўш вилоятига 7 район ва Қорасув, Ўзган, Гулча, Ўш шаҳарлари киради. Маркази – Ўш шаҳри. Боткен вилояти 1999 йилнинг октябрь ойида ташкил топди. Вилоят ўз ҳудудига Боткен, Қадамжой, Лайлак районларини ва Қизил-Қия, Сулукта шаҳарларини бириктиради. Маркази Боткен шаҳри.

Вилоятлардаги маъмурий районлар овул-қишлоқларга, посёлкаларга, қишлоқ кенгашларига бўлинади.

**Давлат тузилиши.** Қирғизистон Республикасининг Олий Кенгаши 1991 йил 31 август куни Қирғизистонни суверен, мустақил, эркин демократик мамлакат деб тантанали равишда эълон қилди. Бу кун умумхалқ байрами бўлиб ҳисобланади. 1993 йил 5 майда Қирғизистон Республикасининг конституцияси қабул қилинган.

Шу билан бирга Қирғизистон Республикаси (Қирғизистон) тенг ҳуқуқли, динга асосланмаган давлат бўлиб, бўлинмас, демократик Республика, унинг иродаси чекланмайди, халқи озод. Қирғизистон Республикасидаги давлат тузумининг негизи – халқ ўз ҳокимиятини бевосита, шунингдек давлат органлари тизими орқали Конституция ва Қирғизистон Республикаси қонунлари асосида амалга оширади, у сайлаган Олий Кенгаш ва Президентгина Қирғизистон халқи номидан гапириш ҳуқуқига эга.

Қирғизистон Республикасининг муқаддас давлат белгилари унинг байроғи, герби, мадҳияси ҳисобланади. Қирғизистон Республикасининг маркази — Бишкек шаҳри.

Мустақил Қирғизистон Республикасининг давлат мукофотлари бор. Ўлканинг олий даражадаги мукофоти – «Қирғизистон Республикаси қаҳрамони», ундан кейин «Манас», «Қаҳрамон она» орденлари, «Жасорат», «Шухрат», «Оналик шухрат» медаллари, фахрий унвон, фахрий ёрлиқлар бўлиб ҳисобланади.

Қирғизистон Республикасининг давлат ҳокимияти: Қирғизистон Республикасининг президенти, икки палата – Қонун чиқарувчи ва халқ вакиллари йиғинидан иборат Олий Кенгаш, Қирғизистон Республикасининг ҳукумати ва маҳаллий давлат маъмурияти, Конституциявий суд, Олий суд, Арбитраж суди, судлар ва адолатли судьялар системаси. Бу институтлар ўз фаолиятларини Конституцияда белгиланган ҳокимият ҳуқуқлари доирасида амалга оширадилар.

Қонун чиқарувчи, ижрочи ва суд ҳокимияти органлари мустақил ва бир-бири билан боғланган ҳолда маслаҳатлашиб иш

юритадилар. Улар Қирғизистон Республикасининг Конституциясида белгиланган ҳокимият ҳуқуқлари чегарасидан чиқиш ҳуқуқига эга эмас.

Қирғизистон Республикасининг Президенти — давлат бошлиғи, энг олий лавозимдаги шахс. Мамлакат ичкарисид ва халқаро муносабатларда у Қирғизистон Республикасининг номидан иш юритади.

Президент мамлакат бирлигини, конституцион тузилишининг бузилмас экалигини таъминлайди. Конституция ва қонунлар Қирғизистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқлари билан эркинлигининг кафолати ҳисобланади. Мамлакат органларининг биргаликда ишлаши ва ҳаракат қилишини таъминлайди.

Қирғизистон Республикасининг Президенти беш йиллик муддатга сайланади. Бир киши кетма-кет икки муддатдан ортиқ Республика Президентига сайлана олмайди. Мамлакат Президенти бўлиб 35 дан 65 ёшгача бўлган, давлат тилини билган, Президентликка номзод қилиб кўрсатилгунга қадар Республикада 15 йилдан кам яшамаган Қирғизистон фуқаролари сайлана оладилар.

Президент Олий Кенгаш депутаты бўлмайди, бошқа хизматни эгалламайди, якка ишбилармонлик билан шуғулланмайди.

Республика Президенти Давлат тузумини ташкил қилади. Халқ вакиллари йиғинининг розилиғи билан Республика Бош вазирини тайинлайди.

Шунингдек, бош вазирнинг таклифи билан ҳукумат аъзоларини, халқ вакиллари йиғинининг розилиғи билан Қирғизистон бош Прокурори, Қирғизистон Миллий Банкининг бошлиғини тайинлайди ва ҳоказо.

Олий Кенгаш икки палатадан: доимий ишловчи Республика халқининг хоҳиш-иродаси асосида сайланган 35 депутатдан иборат қонун чиқарувчи йиғини ва сессия ўтказиш йўли билан ишловчи, ҳудудга оид манфаатлар асосида сайланган 70 депутатдан иборат халқ вакиллари йиғинидан ташкил топган.

Иккала палатанинг вакиллари ҳам барабар — 5 йиллик муддатга сайланадилар. Улар депутатликка номзод бўлгунга қадар 25 ёшга кирган ва Республикада 5 йилдан кам яшамаган бўлишлари керак. Ўшандагина улар депутатликка сайланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қонун чиқарувчи йиғини, Қирғизистон Республикасининг конституциясида белгиланган тартибда Республика Конститу-

циясига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритади, мамлакатнинг халқаро битимларини ратификациялайди, ҳарбий унвонлар, дипломатик даражалар ва бошқа унвонларни белгилайди, сайлов ёки референдумларни ўтказиш бўйича марказий сайлов комиссиясининг раиси ва аъзоларининг учдан бир қисmini сайлайди, назораттафтиш палатаси бошлиғининг ўринбосарини тайёрлайди ва хизматдан бўшатади ва ҳоказо.

Халқ вакиллари йиғини Республика Конституциясида белгиланган тартибда Қирғизистон Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимчаларни киритади. Қонун чиқарувчи йиғин қабул қилган қонунларни Конституцияга мувофиқ тасдиқлайди. Республика бюджетини ва унинг ижроси бўйича ҳисобот қабул қилади, ўлка чегарасини ўзгартиради, маъмурий-ҳудудий масалаларни ҳал қилади, Президент сайлаш муддатини белгилайди ва тайинлайди, Бош вазирни, Бош Прокурорни, Миллий Банк бошлиғини тайинлашга розилик беради, Фавқулодда ҳолатни жорий қилиш, уруш ҳолатини эълон қилиш сингари Президент фармонларини тасдиқлайди ёки рад этади, бюджетнинг ижроси тўғрисида Бош Вазир ҳисоботини эшитади ва бошқалар. Ҳукумат – Қирғизистон Республикаси давлат ижрочилик ҳокимиятининг олий органидир. Ҳукумат Қирғизистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва давлат комитетларининг бошлиқларидан иборат. Ҳукумат таркибининг Бош вазирнинг таклифи бўйича Қирғизистон Республикасининг Президенти кўриб чиқади, уни Олий Кегашнинг Халқ вакиллари йиғини тасдиқлайди.

Республика Ҳукумати ижрочи ҳокимият сифатида ўлкадаги барча хўжалик, иқтисодий ва бошқа масаларнинг бажарилишини ташкил этади ва текшириб туради.

Қирғизистон суд органлари Республика Конституциясининг талабларига мувофиқ иш юритадилар.

Республикада маҳаллий ўзини ўзи бошқарув борган сари тақомиллашиб бораётир. Ҳар бир вилоятнинг, районнинг, қолаверса айрим қишлоқларнинг табиий шароитлари, иқтисодий, молиявий, демографик хусусиятлари ҳар хил. Шунинг учун ўзини ўзи бошқарувини уюштиришда маҳаллий аҳолининг хоҳиш-истакларини ҳисобга олиш ҳозирги замон талаби бўлиб ҳисобланади.

Вилоятларда, районларда, шаҳарларда ва қишлоқларда маҳаллий йиғинлар ишламоқда. Бундан ташқари ҳар бир вилоятда губернатор, районларда ва шаҳарларда маҳаллий дав-

лат ҳокимлиги, овул-қишлоқларда эса қишлоқ ҳукуматлари тузилган. Улар биргаликда, режа асосида иш олиб борадилар.

Қишлоқ ҳукумати ёки посёлка кенгаши ҳар бир қишлоқда мавжуд. Қишлоқ ҳокимияти ижрочи текширувчи орган сифатида қуйидаги ишларни амалга оширади: ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари лойиҳаларини қишлоқ, посёлка тасдиғига топшириш учун маҳаллий бюджетни тузади ва унинг ижросини ташкил этади.; қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини бошқариш ва уларни ривожлантириш, атроф-муҳит муҳофазасини уюштириш, аҳолини ижтимоий таъминотини яхшилаш ва бошқа ишларни бажаради.

**Сиёсий партиялар ва ташкилотлар.** Қирғизистон Республикаси ўзининг мустақиллиги йўлида оғир ва масъулиятли даври бошидан ўтказмоқда. Тоталитар буйруқбозлик даврида Республикада биргина бошқарувчи партия бўлган. У Коммунистик партия эди. Мустақил Қирғизистон мамлакатида бир қатор сиёсий партиялар, ҳунармандчилик уюшмалари ва жамоатчилик бирлашмалари пайдо бўлди. Конституцияда кўрсатилганидек, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний фаолияти давлат томонидан ҳимоя қилинади. Бироқ сиёсий партиялар давлат ишларида чекланган даражада иштирок эта оладилар. Олий Кенгашнинг ҳар иккала палатасига, давлат хизмат соҳаларига, маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органларига сайловларда ўз номзодларини кўрсата оладилар, ҳокимиятнинг ваколатли органларида фракцияларни туза оладилар.

Конституцияга мувофиқ Қирғизистон Республикасида давлат партиявий институтларнинг бирикиб кетишига, шунингдек давлат ишларининг партиявий дастур ва ҳукмларига бўйсунидиришга, давлат корхоналарида, муассасаларда партия ташкилотини тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатишига руҳсат берилмайди.

Давлат мансабдор кишилари партия ишини ўзининг хизмат ишига боғламаслиги шарт: армия, ички ишлар, миллий хавфсизлик, адлия, прокуратура ва суд органлари ходимларининг партияларга аъзо бўлишларига, қандайдир бир сиёсий партияни қўллашига, диний асосда сиёсий партиялар тузишга йўл қўйилмайди, диний уюшмалар сиёсий мақсадларни ва йўналишларни кўзламаслиги керак. Диний ташкилотлар ва диний хизмат ходимларининг давлат органлари ишларига аралашуви-га, бошқа мамлакатларнинг сиёсий партияларида ишлашларига руҳсат берилмайди.

Қирғизистон эркин мустақил мамлакат бўлганидан бери, ўз ҳолича сиёсий иш олиб бораётган, жамиятимизнинг ўзгариб бораётган ҳаётига таъсирини кўрсатиб келаётган 12 та сиёсий партия рўйхатга олинди. Булар қаторига кўзга кўринган партиялар – «Эркин Қирғизистон» демократик партияси (ЭРК), «Миллий уйғониш», «Асаба» партияси, Қирғизистон коммунистлар партияси, «Ата Мекен» партияси, Республика халқ партияси, Қирғизистон демократик ҳаракат (ҚДХ) партияси, Қирғизистон аграр партияси, Қирғизистон социал-демократик партияси, Қирғизистон (Табиат) экологик ҳаракат партияси ва бошқалар киради. Юқоридаги партиялар сони жиҳатидан кўпчиликни ташкил этмайди. Айрим партия аъзоларининг сони 2 — 3 минг кишидан ошмайди.

Бугунги кунда партияларнинг сиёсий фаолиятига кўра уч гуруҳга бўлсак бўлади. Биринчи гуруҳга, мамлакат кучларига оппозицияда туриб, улар йўл қўйган хатоликларни аёвсиз қоралаб, баъзан ўта ошириб юбориб, ўтган даврни эслаб, ёки миллатчилик позициясига чуқур кириб кетган партияларни киритиш мумкин (ЭРК, «Асаба» ва Коммунистлар партияси). Иккинчи гуруҳга бугунги кунда унчалик муваффақиятли бўлмаган ўзгаришларни амалга оширишга бел боғлаган ва аксарият ҳолларда мансабдор шахсалар бош бўлган партиялар киради (социал-демократик партия, аграр ва халқ партиялари). Учинчи гуруҳга бугунги кундаги сиёсий иқтисодий ҳолатга айрим сабабларга кўра сабр қилиб, ҳокимиятни яхши-ёмон демай, у билан «конструктив» ишлашга бел боғлаган партиялар киради. Буларга ҚДХ партияси, социал-демократлар уюшмаси ва экологик (Табиат) ҳаракат партияларини қўшиш мумкин.

### Савол ва топшириқлар

1. Қирғизистон Республикаси қанча вилоятларга ва районларга бўлинади? Қандай шаҳарлар ва шаҳарчалар бор?
2. Қирғизистон Республикасининг конституцияси қачон қабул қилинган, Республика Президенти, икки палатали Олий Кенгаш, ижрочи ҳокимият-дашлат, суд ҳокимияти ҳақида нималарни биласиз?
3. Қирғизистонда қандай сиёсий партиялар ва жамоатчилик марказлари бор?

#### **14. Хўжалигининг тузилиши, ривожланиши, корхоналари хусусийлаштириш**

Қирғизистон Республикаси ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва уни ривожлантиришнинг ўзига хос босиб ўтган йўли ва хусусияти бор. 1917 йилдан кейин Республикада халқ хўжалигини ривожлантиришда қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси асосий ўринни эгаллаган. Халқ хўжалиги ялпи маҳсулотида саноатнинг ўртача салмоғи 1926 йилда 2,6% бўлган. Аҳолининг кўпчилиги қишлоқ хўжалигида ишлаган. Шунингдек, Республиканинг саноат ишлаб чиқариши 1913 — 1940 йилларда 10 мартага, 1940 — 1970 йилларда эса 19 мартага кўпайган.

Саноатнинг тез ривожланиши туфайли Қирғизистон Республикасининг халқ хўжалиги тармоқлари тизимида йирик ўзгаришлар юз берди. Урушдан кейинги йилларда саноатнинг тутган ўрни анча мустақамланган. Шунингдек, саноат 1960 йилда Республика жами маҳсулотининг 51,2%ини ишлаб чиқарган, саноатдаги шундай кўрсаткич 32 йилдан кейин ҳам ўзгармади, яъни 1992 йилги маълумот бўйича у 51,3%ни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 1917 йилга қараганда бир неча ҳисса ўсиб, бурунги совет даврининг дастлабки йилларида ишлаб чиқарилган халқ хўжалиги маҳсулотларининг 90% дан ошиқ миқдоридан 1992 йилда 31,7%гача камайган.

Ҳозирги индустриал комплексга кирган саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа тармоқларига жамият ялпи маҳсулотининг 60,6% тўғри келади.

Қишлоқ хўжалигининг миқдорий даромадни ҳосил қилишдаги ҳиссаси, жамият ялпи маҳсулотига солиштириганда, 1992 йилда 11,3% га кўплик қилган. Шунингдек, саноатнинг миқдорий даромаддаги ҳиссаси шу даврнинг ўзида 38,3 индустрия тармоқларининг умумий ҳажми 46,2%ни ташкил этган.

1975 — 1992 йилларда Республика халқ хўжалиги тармоқларининг структуравий ўзгаришида индустрия комплекси ҳиссасининг пастлаганига қарамай, унинг иқтисодий аҳамияти катта. Саноат бошқа хўжалик тармоқларини турли техника жиҳозлари билан таъминлаб, уларни тез ривожланиши учун шароит яратади.

Охириги йилларда шакар ишлаб чиқариш 1,8 марта, гўшт 1,7 марта, консерва тайёрлаш 2,0 марта, минерал сувлар ишлаб чиқариш 2,6 марта камайган. Шундай аҳвол халқ хўжали-

гининг бошқа соҳаларида ҳам кузатилади. Масалан, 1990 — 1992 йиллар ичида республикада дон ҳосилининг умумий миқдори 23,0 минг тоннага, маккажўхори 22,0 минг тоннага, картошка 57,0 минг тоннага камайган, сигирлар 143 минг бошга, қўйлар 1400, 0 минг бошга, чўчқалар 224,0 минг бошга, паррандалар 6998,0 минг бошга қисқариб кетди.

Қирғизистон Республикасининг халқ хўжалигида бундай чуқурлашиб бораётган иқтисодий инқирознинг илдизи анча чуқур ва сабаблари кўп.

Республика иқтисодиётининг бундай суёт ривожланишининг асосий сабаби маъмурий буйруқбозлик, марказлаштирилган, режага мувофиқ бошқаришнинг устунлик қилиб келишидир. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришда беҳуда марказлаштириш кучайиб, табиий ресурслардан фойдаланишда катта камчиликларга йўл қўйилди. Халқ хўжалигини комплекс ривожлантириш ниқоби остида саноат тармоқларининг иттифоққа бўйсунган кўплаб корхоналари асоссиз жойлаштирилди. Шу туфайли саноатнинг ривожланиши Республика иқтисодиётининг умумий ҳолатига, ижтимоий шароитига, шунингдек, меҳнат ресурсларининг тизимига ва сифат таркибига тўғри келмай қолди. Муассасаларни жойлаштиришда ҳудудий, иқтисодий, экологик шароит, маҳаллий табиий бойликларнинг миқдори етарли даражада ҳисобга олинмади. Ниҳоят, жамиятда ишлаб чиқариш тизими, ресурслар ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўртасидаги нисбатнинг бузилишига олиб келди.

Ҳозирги кунда Республикада товар ишлаб чиқариш қисқариб, миллий даромад озаймоқда. Давлат бюджети тақсиллиги кучайиб, ташқи қарзларнинг миқдори анча кўпайди. Бозордаги нарх-наво кун сайин ўсиб, савдо-сотиқ ишида ноҳақликлар кучайди. Шунингдек, инвестициянинг етишмаслиги, муассасалардаги саноат асбоб-ускуналарининг эскириши, аҳолининг ҳали ҳам бозор муносабатлари шароитига етарлича кўника олмаганлиги, ишлаб чиқариш интизомининг почорлиги, ички ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг орқада қолиши, ишсизликнинг кучайиши ҳам Республиканинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини оғирлаштирмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида, энг аввало халқ хўжалигини барқарорлаштириш, хўжаликлараро комплекслар тизимини маҳаллий табиий бойликлар, қишлоқ хўжалиги хом ашёлари потенциалига яраша ўзгартириб, иқтисодий ислохотни амалга ошириш бўйича давлат миқёсида ишлар олиб бориламоқда.

Республика ҳудудда давлат ихтиёридаги мулкни хусусийлаштириш 1991 йилда бошланган эди. Ҳозирги кунда хусусийлаштиришнинг ҳар хил шаклларида фойдаланилмоқда. Улар мулкларни танлов асосида сотиш, акциядорлик усулига ўтиш, якка ва жамоа ҳўжалигига ўтказиш йўллари дир. Булар ҳиссасига 1994 йилгача хусусийлаштирилган муассасаларнинг 76,7% тўғри келади. Шунингдек, давлат мулкни халқ ҳўжалигининг турли тармоқлари бўйича хусусийлаштириш йўл-йўриқлари бирдай эмас. Саноат комплексига, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришига тегишли корхоналар ҳозир 40-41% хусусийлаштирилса, савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат тармоқларини янги изга солиш ниҳосига етай деб қолди.

Қирғизистон Республикаси халқ ҳўжалиги тармоқларидаги корхона-ларни хусусийлаштиришдаги туб фарқлар ҳудудлар бўйича ҳам яққол кўриниб турибди. Давлат мулкни хусусийлаштириш, 1994 йил бошидаги маълумот бўйича, Бишкек шаҳрида (47,0%), Чуй вилоятида (40%) жадал ўтказилаётган бўлса, Норин (18,0%), Талас (12,5%) вилоятларида анча сует олиб борилмоқда. Яқин йилларда Республикада давлат мулкни хусусийлаштириш 55% га етади ва 600 дан ортиқ турли корхона ҳамда муассасалар хусусийлаштиришнинг янги турларига ўтади.


### **14.1 Саноат тармоқлари ва тармоқлараро комплекслар**

Қирғизистон Республикаси халқ ҳўжалиги тармоқларининг асоси саноат дир. Бу тармоқ Республикадаги ялпи маҳсулотнинг ярмидан кўпроғини беради, миллий даромаднинг ва саноат фонднинг ярмини ташкил қилиб, ижтимоий ва хусусий ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг учдан бир қисми саноатда ишлайди.

Республикамиз ягона халқ ҳўжалиги комплексининг асосий тармоғи саноат бўлиб ҳисобланади. Ўлканинг иқтисодий потенциалидан, ишлаб чиқаришнинг техник даражасидан, табиат бойликларидан, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш саноатга боғлиқ.

Халқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларига қараганда, саноатнинг иқтисодий район ҳосил қилишдаги устиворлиги жуда катта.

У агросаноат комплексларининг (АСК) ўзагини ташкил қилади, ички ва ташқи районлараро алоқаларни таъминлайди,



Огир саноат

янги шаҳарлар, қишлоқ хўжалиги базалари, транспорт тизимининг тузилишига таъсир қилади, янги хом ашё, ёқилғи, энергия манбаларининг ташкил топишига имкон яратади.

Республика саноати 1917 йилгача яхши ривожланмаган, ярим ҳунармандчилик, қўл меҳнати устунлик қилган майда ва саноқлигина корхоналар бўлган, уларда механик кучдан фойдаланилган, ишчилар сони 16 — 30 кишидан ортмаган. Бу корхоналар саноат маҳсулотининг ҳаммаси бўлиб 5%инигина берган. 1917 йилдан бошлаб техник томондан дуруст, ихтисослашган йирик саноат корхоналари пайдо бўла бошлаган. Саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати бошқа мамлакатлар ривожланиш суръатидан юқори бўлган. Айниқса, улуғ Ватан уруш йилларида ва ундан кейин — 1960 — 1980 йилларда тез ўса бошлади (оккупацияда қолган ўлкалардан завод, фабрикалар кўчирилиб келинган). 1990 йилдан бошлаб, саноатда ишлаб чиқариш алоқалари бузилиб, Қирғизистон Республикаси алоҳида мамлакат бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида саноатнинг ривожланиш сурати пасайди. Ижтимоий мулкчиликдан бозор муносабатларига ўтиш даврида янги инвестицион сиёсатнинг кўплаб тамойиллари келиб чиқди. Бу тамойиллар қуйидагича:

— ҳозирги саноат корхоналарини тубдан ўзгартириб, янги техника билан жиҳозлаш учун ишлаб чиқариш капиталидан фойдаланиш;

— тез иқтисодий фойда берувчи саноат тармоқларига капитал маблағ сарфлаш;

— давлат мулкни кўп тармоқли мулкка айлантириш ёки ҳиссадорлик жамиятлари, ассоциация, концерн ва бошқа жамъа ва хусусий корхоналарни тузишга йўналтириб, маъмурий бошқарувни йўқотиб, рақобатчиликни кучайтириб, монополияга қарши сиёсатни қўллаш;

— саноат ишлаб чиқаришнинг фойдали тармоғини танлаб, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсатини юритиш;

— фан-техника ютуқларидан саноатда кенг фойдаланиб, электрлаштириш, саноатни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш, химиялаштириш, электронлаштириш, инсоният ҳаёт фаолиятида ахборотни кенг қўллаш, янги конструкцияли материалларни яратиш, биотехнологияни жорий этиш, прогрессив технологик жараёнлардан ва ишлаб чиқаришга мувофиқ тизимлардан фойдаланиш;

— иқтисодий стратегия марказида саноат маҳсулоти сифатини яхшилаш муаммоларини бўлиши;

— саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун моддий ресурсларни тежаш, хом ашё, ёқилғи, энергиядан исроф қилмай фойдаланиш, чиқиндиларни қайта ишлаш.

Юқорида айтиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш, саноатни интенсив ривожланишига имкон яратади. Саноатни интенсив ривожлантирмай туриб, ижобий иқтисодий ислоҳотни амалга ошириб бўлмайди. Ҳозирги кунда ислоҳотни амалга ошириш учун бошқариш тизимини янгидан ташкил этиш зарур. Бошқаришни ташкил этишнинг дастлабки қадами корхонадан бошланади, зеро у иқтисодиётнинг энг дастлабки звеносидир. Республикамиздаги кўпчилик майда ва ўрта корхоналар хусусийлаштирилмоқда. Чет эл инвестицияси ёрдами билан янги ишлаб чиқариш корхоналари тузилмоқда. Ҳозирги кунда Республикада тузилган саноат корхоналари жуда мураккаб ва ўртача даражада ривожланган комплексдир. Унинг таркибида 100 дан ортиқ саноат тармоқлари бор, бу тармоқларга 525 та хусусий балансда турган саноат корхоналари, ўнлаб лойиҳа конструкторлик муассасалари киради.

Республикада аввал саноат тармоқлари ичида, Иттифоқ давридаги сингари, ишлаб чиқариш ускуналарини, ишлаб чиқариш тармоғи («А» группаси) жадал суръат билан ривожланиб, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарувчи соҳа («Б» группаси) орқада қолиб келган. Бозор иқтисодига ўтишда кўпчилик эътибор инсонга, унинг талабини қондиришга қаратилиши керак, ёки «Б» группага кўпроқ аҳамият берилади.

24-жадвал

### Қирғизистон Республикаси саноат тармоқлари тизими (1992 йил охири, %да)

Тармоқлар	Маҳсулот ҳажми
Барча саноат тармоқлари	100,0
Жумладан:	
Ёқилғи энергетикаси	5,8
Машинасозлик	23,4
Химия-ўрмон хўжалиги	2,7
Қуриловчи саноати	4,2
Енгил саноат	36,5
Озиқ-овқат саноати	25,4
Бошқа соҳалар	2,3

Саноат тизимига ҳар хил омиллар таъсир этади. Уларга иқтисодий ва табиий омиллар, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси, илмий-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси, хом ашё ва ёқилғи-энергия билан таъминлашлар киради.

Ҳозирги вақтда Республикада энг ривожланган саноат тармоғига машинасозлик ва металлга ишлов бериш (асбобсозлик, станоксозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, автомобилсозлик, электрон машиналар, усуналар ясаш, автомобилларни, машиналарни таъмирлаш ва бошқалар) киради. Ривожланган тармоқларга рангли металлургия, кўмир саноати, электр энергияси ишлаб чиқариш ва енгил саноат, озиқ-овқат саноатлари киради.

Ҳар бир саноат тармоғининг ичида ўнлаб тармоқчалар бор: масалан, енгил саноатга – жундан, пахтадан, шпакдан газлама тўқиш, трикотаж, пойабзал ишлаб чиқариш; озиқ-овқат саноатига – ун, тарих, гўшт, сут, консерва, қанд, ароқ, вино, пиво, спирт ва бошқа ишлаб чиқаришлар киради.

Республика саноати, асосан, бойитувчи ва қайта ишлаш тармоқларига бўлинади. Бойитувчи тармоққа кўмир, нефть, газ қазиб олиш, олтин, рух, қўрғошин, сурма, симоб ишлаб чиқариш киради. Шунингдек, қайта ишлаб чиқариш тармоғига машинасозлик, газлама тўқиш, пойабзал тикиш, ёғоч ҳунармандчилиги киради. Бу иккала тармоқнинг энг афзали қайта ишлаб чиқарувчи тармоқдир. У энг афзал, тайёр, қиммат, малакаси юқори ишчи кучини талаб қилади. Натижада ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатли ҳисобланади. Республика саноати ривожидати сустликнинг сабаби тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг озлиги, масалан, тамаки, пахта, рангли металллар концентратини бошқа мамлакатларга арзон сотиш, ўша томонларда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва уларни Республикага қайта келтириб қиммат нархларда сотилишидир.

Республика саноати хом ашё ресурсларидан фойдаланишига кўра учта гуруҳга бўлинади:

- 1) қишлоқ хўжалиги хом ашёсини ишлатувчи саноат;
- 2) маҳаллий табиий бойликларни ишлатувчи саноат;
- 3) четдан олиб келинадиган хом ашё билан ишловчи саноат.

Республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлатувчи саноат яхши ривожланаётир. Бу саноат тармоқлари хилма-хилдир. Уларнинг асосий чорвачилик хом ашёсини ишлатиш, яъни сут, гўшт, ёғ, консерва гайёрлаш, жун, терини ишлатиш.

Маҳаллий табиий бойликларни ишлатувчи саноатга асосан Республикада ривожланган рангли металлларни ишлаб чиқариш (олтин, сурма, симоб ва бошқалар), кўмир, газ ва нефть қазиб олиш, қурилиш материалларидан мрамор, гранит, қумшағал, лой ва бошқаларни тайёрлаш киради.

Ёқилғи-энергетика комплексининг асосини гидроэлектростанциялар қуриш, электрдан иссиқлик энергиясини олиш ва кўмир қазиб олиш саноати ташкил қилади.

Четдан олиб келинувчи хомашё билан ишловчи саноат тармоғига машинасозлик, ёғочсозлик, енгил саноатнинг айрим тармоқлари, химия саноати ва бошқалар киради. Республикамиздаги энг яхши тармоқ машинасозлик бўлиб ҳисобланади. Қирғизистонда қора металлургия саноати бўлмаганлиги учун чўян, пўлат, прокат, машиналарнинг эҳтиёт қисмлари яқин чет ўлкалардан ташиб келтирилади. Иттифоқ тарқаб, ҳар бир Республика мустақил мамлакат бўлгандан буён, ишлаб чиқариш муносабатлари бузилди, кўпчилик корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариши кескин камайди. Бироқ бу жараён вақтинчалик, ўткинчидир. Машина ишлаб чиқармагунча бирорта мамлакат ривожлана олмайди. Бу техника тараққиёти жарчиси, Республикада эса, бу соҳанинг ривожланишига тўлиқ имкон бор: илмий-техника потенциали юксак, маблағлар етарли, темир конларини ишлаши масалалари ҳам кўтарилмоқда.

Юқорида келтирилган дастлабки иккита саноат тури маҳаллий хом ашёларни ишлатади, ҳажмига ва шунга яраша уларнинг истиқболи порлоқ.

Чет эллик инвесторлар ва мутахассислар ёрдами билан рангли металлургия, машинасозлик, енгил, озиқ-овқат саноати корхоналари ривожланмоқда. Ҳозирги вақтда маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш – Республика саноати ялпи маҳсулотининг ярмига тенг. Ўзимизда қораметалл ишлаб чиқарилмаганлигидан ҳозирча прокатни, пўлатни қўшни мамлакатлардан олишга тўғри келади. Шунинг учун Республикада машинасозликнинг металлни кўп талаб қилмайдиган, малакали иш кучидан кенг фойдаланиб, электрон, электроэнергетика, транспорт, асбобсозлик сингари тармоқларни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Республика бўйича саноат корхоналари бир текис жойлашган эмас. Ривожланиш даражаси бўйича, умуман, Чуй водийси, айниқса, Бишкек, Тўқмоқ, Қораболта шаҳарлари ажралиб туради. Бу ҳудуддаги саноат асосини машинасозлик, енгил,

озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноати ташкил қилади. Тоғ-кон, енгил, озиқ-овқат саноати, гидроэлектрэнергетика бўйича Ўш, Жалолобод олдинги ўринларни эгаллайди. Саноати яхши ривожланмаган ҳудудларга Иссиқкўл, Норин, Талас вилоятлари киради. Бироқ бу вилоятларда рангли металллар, айниқса, олтин қазиб олишнинг келажаги порлоқ.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Республика халқ ҳўжалигининг тизими қандай ўзгармоқда?
2. Давлат мулкани хусусийлаштиришнинг аҳамияти қандай?
3. Саноатнинг таркибий ўзгариши қандай бўлган?
4. Саноатни хусусийлаштириш принциплари ва шакллари ҳақида гапириб беринг?

## **14.2. Ёқилғи-энергетика комплекси**

Ёқилғи-энергетика комплекси ёқилғи ва энергияни ишлаб чиқарувчи мураккаб, тармоқлараро тизим бўлиб, бунга ёқилғини қазиниш, уни ишлатиш, маҳсулотни ташиниш, тақсимлаш ва фойдаланиш киради. Комплекс икки қисмдан: ёқилғи ишлаб чиқариш (кўмир, нефть, газ) ва электрэнергетикадан иборат. Бу икки тармоқ Республика саноатининг барча тармоқлари билан мустаҳкам боғланган, коммунал хўжаликлар, аҳоли, қишлоқ хўжалиги ва транспортни энергия билан таъминлаб туради.

Республикадаги ёқилғи-энергетика ресурсларига кўмир, «Оқ кўмир» деб аталувчи сув энергияси, нефть, газ, қуёш энергияси, шамол, ер ости термал сувлари, шунингдек тижоратдан ҳоли бўлган ёқилғи (ёғоч, тезак, қамиш, самон, тўпон) киради.

Кўмир запаси бўйича Республика Марказий Осиёда Қозғистондан, гидроэнергетика ресурси бўйича Тожикистондан кейин иккинчи ўринда туради.

Оғир саноатдан кейин ёқилғи-энергетика комплекси иккинчи ўринни эгаллайди. Барча саноат ялпи маҳсулотининг 5,3% шу тармоққа тегишли. Комплекснинг ички тармоқ тизимида электрэнергетиканинг ҳиссаси 67,0%ни ташкил этса, ёқилғи саноати 33,0%ни ташкил этади.

Республика ёқилғи-энергетика комплекси таркибида энергия ишлаб чиқарувчи ва ёқилғи қазиб олувчи 22 та йирик корхона ишлаб турибди.

Республикада ёқилғи-энергетика потенциалида кўмир конларининг иқтисодий аҳамияти жуда катта. Республика бўйича ҳозирги кунда 100 га яқин кўмир конлари маълум. Кўмирнинг геологик захираси 31,4 млрд тонна, балансга олинган захираси эса 2,4 млрд тоннани ташкил қилади.

Кўмир конлари Республика ҳудудлари бўйича текис жойлашган эмас, уларнинг 65% Жанубий Қирғизистонда, 33%и Норин вилоятида, 2% Иссиқкўл вилоятида жойлашган. Кўмир конларининг 70%дан ортиғи тоғли районларда тўпланган, шунингдек кўмир қазиб чиқарувчи машиналарнинг 90%и денгиз сатҳидан 2000 м баландликдаги ҳудудларга жамланган. Республикада кўмирнинг ҳамма турлари — кўнғир кўмир, тошкўмир, коксланувчи кўмир, антрацитлар чиқади. Қазиб олинган кўмирнинг ярмидан кўпроғи кўнғир кўмирдир. кўмир конларининг 20% дан ортиғи очиқ усулда қазиб олинади.

Республикада тошкўмир — Кўкёнеғоқ, Тошкўмир, Тегенек, Жирғалан конларидан, кўнғир кўмир — Сулукта, Қизилқия, Мингқуш, Олмалиқ конларидан қазиб олинади. Қазиб олинган кўмирнинг ярмидан кўпи энергетикада, 32%и коммунал хўжаликда, 13% қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Ҳозирги пайтда йилига 2,1 млн тонна кўмир қазиб олинади, 1980 йилга нисбатан 2 марта камайган. 1990 — 1993 йилларда кўмир қазииш 46%га камайган бўлса, қазиб олинган кўмирнинг нархи шу икки йил ичида 33%га ошган. Бунинг асосий сабаби, Республикадаги ўтиш даврида юзага келган иқтисодий инқироз, бу тармоққа ажратилган капитал маблағларнинг озлиғи, техниканинг эскирганлиғи, янги техникани олишга маблағ етишмаслиғи ва бошқалардир.

Ҳозирги кунда, Республикада кўмир конларининг кўп бўлишига қарамай, 60%дан ортиқ кўмир чет мамлакатлардан — Россиядан (Кемерово), Қозоғистондан (Қарағанда) ташиб келинади. Чунки 70% кўмир Шимолий Қирғизистонда ишлатилади, лекин 90% кўмир Республика жанубида қазиб чиқарилади. Кўмирни катта масофага ташиш учун кўп маблағ сарфланади, бу билан кўмирнинг нархи ошиб кетади. Чет мамлакатлардан ташиб келинган кўмирнинг нархи, давлат нархидан 3 — 5 ҳисса ортиқ, яқин йилларда эса яна 8 — 15 ҳиссага ортиб кетиши мумкин.

Шунинг учун, давлат энергетика дастурида кўрсатилганидек, ўзимиздаги ёқилғи-энергетика бойликларимизни ўзлашти-

ришни кучайтириш орқали четдан ташиб келинадиган ёқилги улушини кескин қисқартиришимиз керак.

Республикада кўмир саноатининг келажаги порлоқ, ўзлаштирилмаган конлар ҳали жуда кўп. Улардан шимолий Қирғизистон учун энг аҳамиятлиси Қовоқ қўнғир кўмир ҳавзасидир. Геологик заҳираси 800 млн тонна. Бу ҳавзада истиқболли ҳисобланган ва яхши ўрганилгани Қоракеча кони ҳисобланади. Табиий ва иқтисодий қийин шароитлар ҳозирча конни ўзлаштиришга тўсқинлик қилади, у 2800 — 300 м баландликтаги тоғда жойлашган бўлиб, темир йўл йўқ. Унинг заҳираси катта. А + В + С категорияси бўйича 325 млн тона, А + В категориясида 228 млн тонна, 190 млн тона кўмирни очиқ усулда қазиб олиш мумкин. Кўмирнинг қалинлиги айрим жойларида 200 м гача боради. Ҳозир кондан йилга 200 минг тоннагача кўмир қазиб олинади холос. Мутахассисларнинг фикрича, конни комплекс асосда ўзлаштириш мақсадга мувофиқ, бу эса биринчидан Қоракечага темир йўл қуриш, кўмирни транспортнинг шу арзон тури орқали Бишкекка, яна бошқа шаҳарларга етказиш, иккинчидан, кўмир чиққан жойга иссиқлик электростанцияларини қуриш, электр энергиясини истеъмолчиларга узатиш, учинчидан, кўмирдан газ олиб, қувур орқали истеъмолчиларга жўнатишни талаб этади.

Республика жанубидаги Ўзган Тошкўмир ҳавзасида 30 дан ортиқ кон бор. Тошкўмирнинг умумий заҳираси 2,2 млрд тонна. Унинг ярмидан кўпроғи коксланувчи кўмир. Тошкўмирнинг сифати жуда юқори. 7000 — 8000 ккал иссиқлик беради, ёнганда кули оз чиқади. Кўмирнинг таркибида фосфор, олтин угурт кўп. Очиқ усулда қазиб олишга тўлиқ имкон бор. Ўзган тошкўмиридан коксохимия саноатида ҳам ашё сифатида фойдаланса бўлади. Коммунал хўжаликда, ундан энергетик ёқилги сифатида, Республиканинг жанубидагина эмас, шимолида ҳам кенг фойдаланса бўлади.

Бу ҳавзани ўзлаштиришдаги қийинчилик — балан тоғли, мураккаб рельеф ва темир йўлнинг йўқлиги. Ҳавзадаги келажаги яхши конларга Қумбел (заҳираси 5 млн тонна), Қоратепя, Тууюқ, Қарғашадар киради. Қумбелдан келажакда йилга 1 млн тонна кўмирни очиқ усулда қазиб олиш мўлжалланмоқда. Республика саноат комплексининг энг кўҳна тармоғи — кўмир саноатидир. Кўмир қазиб олинган дастлабки конларга Сулукта ва Қизилқия киради (XIX асрнинг иккинчи ярми). Кўкёнгоқ кўмир кони 1910 йилда, Тошкўмир кони 1916 йилда ишга туширилган.

1913 йилда Қирғизистон Осиё бўйича қазилган кўмирнинг 70%ини бериб турган. Ўша вақтларда энг йирик кондан 100 минг тоннагача кўмир қазиб олинган. Кўмир қазиб олиш деярли чет элик акционерлар қўлида бўлган.

Совет ҳокимияти даврида кўмир саноатининг географияси кенгайиб, тез ривожлана бошлади. Кўмир қазиб олиш, уни четга ташиш механизациялашиб, янги машиналардан фойдаланила бошланди. Кўмирнинг аҳмияти Улуғ Ватан уруши йилларида жуда катта бўлган, сабаби, Ўрта Осиё, Қозоғистоннинг урушга ёрдам берувчи корхоналарининг бир қисми кўмир билан ишлаган.

Ҳозирги вақтда Қирғизистонда қазиб олинган ва ташиб келинган кўмирнинг 44%и несиқлик станцияларида, коммунал хўжаликларда 23%, саноат корхоналари, район қозонхоналарида 25% ёқилади. Кўмирни энг кўп ишлатадиган корхоналарга Бишкекдаги ТЭЦ, Ўш ТЭЦ, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар, коммунал хўжаликлари ва бошқалар киради. Кўмирни ишлатишда муаммолар кўп.

Масалан, Республика ўзи тошкўмирни қўшни Қозоғистондан, Россиядан ташиб келади, ҳамда бир қанча кўмирни эса қўшни Ўрта Осиё мамлакатларига, Жанубий Қозоғистонга жўнатди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кўмирдан ёқилғи сифатида фойдаланмай, уни электр энергиясига айлантириб, экологик тоза энергия сифатида ишлатиш фойдалироқ. Саноатда ва маиший корхоналарда электрлаштиришни кенг ёйиш, бу тармоққа чет мамлакатлар маблағларини жалб этишни кучайтириш ва яна бошқа кўплаб муаммоларни ҳал қилиш масалалари мавжуд.

Республика ёқилғи саноати тармоғига нефть ва газ қазиб олиш ҳам киради. Ҳозир йилига 113 минг т нефть ва 70 млн м<sup>3</sup> табний газ олинади. Ёқилғи-энергетика комплексида уларнинг ҳиссаси 5%ни ташкил қилади. Сўнгги 25 йил ичида нефть қазиб олиш 3 ҳиссага, газ олиш 5 ҳиссага камайди.

Ҳозирги пайтда Республикада 7 та нефть, 3 та газ, 2 та нефть-газ кони ишлаб турибди. Халқ хўжалигини ёқилғининг ана шу энг илғор тури билан таъминлаш жуда паст даражада. Шунинг учун нефть маҳсулотини, газни, қўшни Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Россиядан олишга мажбурмиз.

Республика бўйича нефть ва газ ресурслари бир хилда жойлашган эмас. Уларнинг унча катта бўлмаган захираси жанубда

– Фарғона водийсида. Нефть конларини қидириш XIX аср охирларидан буён давом этмоқда, аммо саноат заҳирасига эга бўлган кон топилгани йўқ. Саноат учун нефть ишлаб чиқариш Республикада 1937 йилда бошланган, бироқ бу кичик ҳажмда бўлган.

Ҳозирги вақтда нефть ишлаб чиқаришнинг 90% жанубдаги Избоскан, Чанғиртош ва Мойлисув — шарқий Избоскан конларига тўғри келади. Республикада 1940 йилда –20 минг тонна, 1950 йилда – 47 минг тонна, 1960 йилда –150 минг тонна, 1970 йилда – 155 минг тонна, 1993 йилда 113 минг тонна нефть қазиб олинган. Бу 1992 йилга қараганда 25 минг тонна оз. Республиканинг ўзида нефть қайта ишланмайди, сабаби хом ашё етишмайди. Республикада қазиб олинган нефтнинг ҳаммаси Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш заводига жўнатилади, у томондан нефть маҳсулотлари олиб турилади. Ҳозир Жалолобод шаҳрига яқин жойда, америкаликлар билан биргаликда, қуввати 0,5 млн тонна нефтни қайта ишловчи завод қурилиб, у 1996 йилда ишга туширилди. Нефтнинг янги конларини топиш ишлари давом этмоқда. Ҳозир унинг саноат заҳираси унча кўп эмас, 14,6 млн тоннани ташкил қилади.

Газнинг саноат заҳираси ҳам 5 млрд м<sup>3</sup> га етади. Избоскан, Қизилотмалар газ қазиб олинувчи жойлар, Фарғона, Чуй, Талас, Оқсой ва бошқалар келажакда ишлатилиши кўзга тутилган конлар қаторига киради. Газ ишлаб чиқариш 1993 йилда 7 млн м<sup>3</sup> бўлса, бу 1992 йилга нисбатан 2,5 млн м<sup>3</sup> оз ишлаб чиқарилган демакдир, унинг заҳираси озлигидан газ ишлаб чиқариш йилдан-йилга камайиб бормоқда. Жанубда Мойлисув – Жалолобод-Ўш газ қувурлари қурилган, шунингдек, Бухоро, Тошкент, Чимкент, Жамбул, Олмаота газ қувурига Бишкек, Тўқмоқ ҳам таштирилган. Бироқ қўшни мамлакатлардан газни юқори нархда сотиб олиш Республика учун энг оғир иқтисодий муаммоларни келтириб чиқарди.

Электро-энергетика ёқилғи-энергетика комплексининг асосини ташкил қилади. Республика халқ ҳўжалигини ривожлантиришда, район комплексларининг ташкил топишида унинг таъсири катта.

Республика электроэнергетикасининг ўсиши қуйидаги омилларга боғлиқ: арзон ёқилғи ва гидроэнергетика ресурсларидан фойдаланиб, арзон электроэнергия ишлаб чиқариш учун йирик район электростанцияларини қуриш, шаҳарларни ва индустриал марказларни иссиқлик билан таъминлаш мақсадида электр энергиясини ишлаб чиқариш билан боғлаб, гидроэнергетика

ресурсларини кенг ўзлаштириб, ундан электроэнергия олиш, шунингдек, ирригацияни ривожлантириш ва сув билан таъминлаш, юқори кучланишдаги ягона энергетика тизимини тузиш.

Қирғизистон Республикасида электроэнергетиканинг ривожланиши 1930 йиллардан бошланган. Инқилобгача 3 — 4 майда электростанциялар бўлган. 1980 йилда — 9171 млн, 1990 йилда — 13370 млн, 1993 йилда — 11060 млн квт.с ёки 1992 йилга қараганда 832 млн квт.с оз электр энергия ишлаб чиқарилган. Сўнгги йилларда электр энергия ишлаб чиқариш кескин қисқармоқда. Электр энергиясининг 70%дан кўпроғини гидроэлектростанциялар ишлаб чиқаради. Республикадаги йирик станцияларга Тўқтағул ГЭСи (1200 минг квт), Курпсой ГЭСи (800 минг квт), Бишкек № 1 (ТЭЦи (624 минг квт), Тошкўмир ГЭСи (450минг квт), Учқўрғон ГЭСи (180 минг квт) киради.

Қурилатган йирик станцияларга Бишкек №2 ТЭЦи, Шамолдисой, Тошкўмир, Қамбарота № 2 ва бошқалар киради. Гидроэнергетиклар шахри, ҳамда шаҳарчалари пайдо бўлмоқда. Масалан, Қорақўл, Шамолдисой, Тўқтағул, Ўртатўқай, Дўстлик, Найман ва бошқалар.

Республиканинг гидроэнергетика имконияти юқори, умумий қуввати — 16,3 млн квт. Ҳозиргача гидроэнергетика ресурсининг 10%га яқинигина ўзлаштирилган. Шунинг учун, келажакда Республикада нефть билан газ озлигини назарда тутиб, энг арзон энергия манбаи — ГЭСларни қуриш афзалроқ ҳисобланади.

Келажакда Республика иқтисодини ривожлантиришнинг асосий манбаи гидроэлектростанциялардир. Республикада ГЭСлар учун яроқли дарёлар жуда кўп. Улар: Норин, Сарижаз, Чуй, Чотқол, Исфайрам, Талас ва бошқалар. Ҳаммаси бўлиб 27 йирик дарёга Республиканинг 75% гидроресурси тўғри келади. Булардан энергиянинг энг катта запаси Норин дарёсига тўғри келади (6,97 млн квт). Норин дарёсига 18 дан ортиқ гидроэлектростанциялар каскадини қуриш мумкин.

Норин дарёси қувватининг кўплиги жиҳатидан Шимол-Шарқий Евросиё ўлкалари ичида 7-ўринда бўлса, Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллайди. Республикада Нориндан кейинги кучли дарё Сарижаз ҳисобланади. Унинг потенциал қуввати 1 млн квт. Чуй дарёсининг қуввати 0,79 млн квт.

Гидроэнергетикани янада ривожлантиришнинг яна бир йўли шарқираб оққан майда дарёлар сувларидан фойдаланиш. Кичик дарёларнинг умумий потенциали жуда юқори — 8,2 млн квт.

Бундай энергиядан корхоналари оз бўлган, баланд тоғли жойларда фойдаланиш жуда қулай.

Республиканинг ёқилғи-энергетика балансидан ҳозирча фойдаланилмай келинган табиий энергетика ресурслари ҳам кўп. Уларга Қуёш, шамол, геотермал сувларнинг энергиялари киради. Ҳозирча энергиянинг бу турларидан кенг фойдаланиш учун дастлабки қадамларгина қўйилди. Илмий лойиҳаларни яратиб, керакли жиҳозлар билан таъминлаб, синов ишларини уюштириб, чет эл мутахассислари тажрибасидан фойдаланиб, уларнинг ёрдами билан бу ишлар келажақда йўлга қўйилса, Республикамиз халқининг турмуш фаровонлиги янада ортади.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Республикадаги кўмир конлари ҳавзаларини айтинг, уларнинг келажаги қандай?
2. Нефть ва газ ишлаб чиқарувчи районлар қайсылар?
3. Республикадаги йирик ГЭСларни айтинг, уларнинг келажаги қандай?

## **14.3. Металлургия комплекси**

Қирғизистон Республикасида қора металлургия, темир қазиб олиш, чўян ва пўлат эритиш, прокат ишлаб чиқариш ҳозирча ривожланган эмас, металлни қўшни мамлакатлардан оламиз. Шунингдек, бизнинг Республика рангли, камёб металлларга бой бўлганлигидан бу комплекс яхши ривожланган. Бунинг таркибига сурма, симоб, кам учровчи элементлар, олтин, рух, кўрғошин, қалай, вольфрам саноати киради. Бу металлларни ишлаб чиқаришнинг келажаги катта, сабаби уларни етарлича захираси бор. Машинасозликда уларнинг аҳамияти катта. Масалан, электроника асбобларини ишлаб чиқаришда муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга уларга бўлган талаб чет мамлакатларда кундан-кунга ортмоқда.

Рангли металл ишлаб чиқарувчи ва уларни сараловчи ҳудудларда шаҳарчалар пайдо бўлган. Уларга Оқтуз, Боорду, Сумсар, Терексой, Ҳайдаркон, Чаувай, Советский, Мингқуш, Кажисойлар киради. Бу эса шу комплекснинг иқтисодий район тузишда роля бор эканлигини кўрсатади.

Рангли металлларнинг айримлари электр энергияни кўп талаб қилса (қалай), айримлари ёқилғини (глинозём), кўпчилиги

сувни кўп талаб қилади. Саралаш жараёнида жуда кўп зарарли моддалар ажралиб чиқади, улар атроф-муҳитга салбий таъсир қилувчи хусусиятга эга. Шунинг учун рангли металлургия корхоналарини жойлаштиришнинг турли (2 — 3) вариантлари ишлаб чиқилган.

Рангли, кам учровчи асл металллар Республиканинг барча 6 вилоятида ҳам бор. Масалан, рух, кўрғошин, висмут, олтин Чуй водийсида; қалай, олтин — Иссиқкўл вилоятида, олтин — Талас вилоятида, олтин, нефелин, сиенит — Ички Тяншанда; сурма, симоб, олтин, тарқоқ металллар — Жанубий Қирғизистонда жойлашган. Конларнинг ҳаммаси денгиз сатҳидан 2000 — 3000 м дан ортиқ баландликда жойлашган. Оғир иқлим шароитлар, мураккаб геологик тузилиш, рельеф, айрим жойларда сувнинг етишмаслиги, аҳоли пунктлари, йўлнинг йўқлиги, бу ерларда саноат ва ижтимоий инфратузилманинг қурилишига кетадиган ҳаражатларни кўпайтиради. Сурма ва симоб ишлаб чиқариш бўйича Қирғизистон дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторига киради.

Сурма саноати тармоғига Қадамжой комбинати киради. Бу комбинат 1934 йили қурилган. Қирғиз сурмаси юксак сифати билан ажралиб 1958 йилда Брюсселдаги Жаҳон кўргазмасида катта олтин медалга сазовор бўлиб, металлнинг тозаллиги бўйича жаҳон «эталони» сифатида қабул қилинган.

Ҳозир сурма 300 м чуқурликдан, мураккаб геологик шароитда қазиб олинади, унинг заҳираси озайиб бормоқда, келажакда у 500 — 600 м чуқурликдан олиниши мумкин, бу эса металл нархини оширади.

Аммо дунё бозорида бу металлга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Шунинг учун бу тармоқни янада ривожлантириш учун янги конларни излаб топиш, уларни ўзлаштириш, иетиқболли сурма конларини Терексой, Қозоқсой ва бошқаларини комплекс асосда ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Янги конларни ўзлаштириш, комбинат технологиясини реконструкциялаб, унинг қувватини кўпайтириш, келажакда сурма ишлаб чиқаришни йилига 26 миң тоннага етказди.

Республика симоб заҳираси бўйича Марказий Осиёда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Бу тармоқнинг асосини Ҳайдаркон симоб комбинати ташкил этади. Бунинг таркибига Ҳайдаркон, Чўнғқўй, Чаувай конлари киради.

Ҳозирги симоб кони чуқурлиги 400 м гача боради. Келажакда у 700 м га етиши мумкин. Симоб сурма билан аралаш ҳолда

қазиб ҳам олинади. Бироқ кондаги руда таркибининг кўпчилигини симоб ташкил қилади. Симоб заҳарли модда бўлгани билан, ундан физик асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришда, радиотехникада, электротехникада, медицинада, қишлоқ хўжалигида, рудадан олтин, кумушни ажратиш олишда, космик техникада, химоя тармоқларида кенг фойдаланилади.

Республикада иттрий гуруҳидаги камёб элементларнинг йирик конлари бор. Бу тармоққа Қирғиз металлургия комбинати киради. Бу тармоқнинг асосий корхонаси – Қирғиз металлургия комбинати ва Оқтуз, Бўёрду тоғ-кон корхоналаридир. Камёб 32 хил элементнинг 20 тури мана шу комбинатларда ажартиб олинади. Руда комплексе тарзда қайта ишланиб, ундан кўрғошин, мис, қалай, рух, висмут, кумуш, олтин сингари элементлар тозаланиб олинади.

Коннинг заҳираси, бу элементларни ишлатувчиларнинг ҳам ашё бўлган талаби, ҳам ашёнинг хилма-хиллиги, бу тармоқнинг истиқболли эканлигини кўрсатади.

Қораолта тоғ-кон комбинати ҳозирги «Қирғиз олтин» концернига қарайди. Комбинат атом саноати тармоғидаги кон сифатида 1950 йилда ташкил этилган.

У Қозоғистон уран конларининг базасида ишлаган. Ҳозирги комбинат уран, молибден, барий аралашмаларини, вольфрам ва молибден тузини, олтин сингари қимматбаҳо маҳсулотларни чиқаради.

Қирғизистон Республикаси рангли металлургия комплексининг энг фойдали, истиқболли тармоғи – олтин саноати ҳисобланади. Республикада олтин заҳираси жуда кўп, ҳозир турли ҳудудлардан 30 дан ортиқ олтин конлари топилган ва қазиб олинмоқда. Барча вилоятлардан олтин конлари топилди. Булар Қумтор, Жеруй, Толдибулоқ, Куранжайлау, Теракхон, Иштамберди, Султонсари, Макмал ва бошқалар йирик олтин конлари бўлиб ҳисобланади. Бу конларни ишлатишга чет эллик 40 дан ортиқ йирик компания ва фирмалар тайёр эканлигини билдиради.

Ишга туширилган олтин конлари таркибига Макмал кони киради. Унинг асосида 1986 йили Қирғиз олтин комбинати (Жалолобод вилояти) ишга туширилган.

Республикадаги энг катта олтин кони Қумтор (Иссиқкўл соҳилларида), денгиз сатҳидан 3500 — 4000 м баландликда жойлашган. Жаҳондаги олтин қазиб олувчи конлар орасида 7-ўринни эгаллайди. Унинг заҳираси тахминан 316 тонна ёки пулга айлантирилганда 11 млрд АҚШ долларига баробар.

Жаҳон тажрибасида 1 тонна тоғ жинсларидан 4 грамм олтин олинади ва бу истиқболли деб ҳисобланади. Қумтордаги 1 тонна рудадан 12 грамм олтин олинади. Қумторни Канаданинг «Камако» давлат хусусий корпорацияси билан «Қирғиз олтин» концерни биргаликда ишга туширишди. Чиқарилган олтиннинг 2/3 қисми Республикада қолса 1/3 қисмини «Камако» корпорацияси олади. Олтин комбинати 1996 йилда ишга туширилди, у йилга 16 тонна олтин ишлаб чиқариш қувватига эга. Комбинат энг сўнгги янги технология билан таъминланган.

Талас вилоятининг баланд тоғли қисмида Жеруй олтин кони жойлашган. Шу кон асосида ҳозир Талас олтин комбинати АҚШ фирмалари ёрдамида қурилмоқда. Комбинат 1996 йилда ишга туширилиб, йилга 2,5 тонна олтин ишлаб чиқаради.

Ички Тяншандаги Сўлтўнсари баланд тоғли водийдаги олтин кони ҳам Швейцария фирмаларининг ёрдамида ишлатила бошланди.

Чуйда энг арзон олтинни географик жиҳатидан қулай жойлашган Толдибулоқ, Қуронжайлау олтин конларидан қазиб чиқаришмоқчи. Қумбел ва Чотқол олтин конларини америкалик фирмалар ёрдами билан ўзлаштириш мўлжалланаётир.

Йирик олтин конларидан ташқари Республика ҳудудларидан 100 га яқин майда олтин конлари топилган. Уларнинг кўпчилигида саноат заҳираси ҳали аниқланмаган.

Республиканинг турли жойларидан қазиб олинган олтин Қораболта тоғ-кон комбинатига келтирилади. Келажакда комбинат қошида заргарлик цехи очилади, олтиндан, асил тошлардан қимматбаҳо заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Республикада қалай саноати ривожланиши учун ҳам тўлиқ имконият бор, сабаби қалайнинг саноат заҳираси бўйича Республикамиз Марказий Осиёда олдинги ўринларни эгаллайди. Унинг саноат заҳираси Сарижаз дарёси ҳавзасида жойлашган. Қалай кони комплекс таркибга эга, унда вольфрам, молибден бўлганлигидан конни комплекс ишлатиш режаси тузилган.

Рангли металлургия комплексига висмут ишлаб чиқариш ҳам қўшилиши мумкин, сабаби унинг саноат заҳираси географик жиҳатдан қулай бўлган Чуй водийсининг шарқий қисмидан топилган.

Висмут кони ҳам комплекс кон ҳисобланади, руданинг тар-

кибида висмутдан ташқари кумуш, мис, қўрғошин, вольфрамлар ҳам учрайди.

Қирғизистон Республикасида рангли металлургиянинг келажаги жуда порлоқ. Ҳозир ишлатилаётган металллардан ташқари, геология соҳасида тоғ-кон қидирув ишлари давом эттирилиб, янги конлар, янги металлларнинг турлари очилиши керак.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Рангли металлларнинг турларини айтинг, улар Республиканинг қайси ўлкаларида жойлашган?

2. Қирғизистон Республикасида қандай рангли металл қазиб олинади? Чет эл компаниялари билан бирга ишлаётган корхоналарни айтинг.

## **14.4. Машинасозлик комплекси**

Қирғизистон Республикаси оғир саноатининг янги ва жадал суръатлар билан ривожланиб келаётган тармоғи машинасозлик ва металлларга ишлов бериш. Машинасозлик оғир индустриянинг юраги, илмий техник тараққиётининг жарчиси. Ҳар бир мамлакат, районнинг иқтисодий ривожланиш даражаси машинасозликка яраша бўлади. Республика машинасозлик комплексининг ишлаб чиқариш потенциали жуда юқори. Республика ялпи саноат маҳсулотининг 26%, саноат ишлаб чиқариши асосий фондининг 44%, саноатда ишлаётган ишчиларнинг 40% машинасозликка тўғри келади. Машинасозликнинг ривожланиш суръати жуда юқори. 1940-1991 йилларда ялпи саноат маҳсулотининг ҳажми 50% ўсган бўлса, машинасозлик 616 ҳиссага ўсган. Бундай юқори даражадаги ўсиш сон жиҳатидангина эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам ривожланди. Ишлаб чиқаришнинг янги тармоқлари тузилиб, уларнинг ҳудудий жойлашиши ўзгарди.

1940 йилда машинасозлик ва металл ишлаб чиқариш саноати тармоғида бир қанча таъмирлаш ишлари олиб борилди, идиш-товоқлар, аравалар ва бошқа рўзғорбоп оддий нарсалар ишлаб чиқарилди. Ўша йили ялпи саноат маҳсулотининг 0,8% машинасозликка ва металлга ишлов беришга тўғри келган. Ҳозирги вақтда машинасозлик комплекси кўп тармоқли ва мураккаб хўжаликка айланди, унинг таркибида 100 га яқин иш-

насослик заводи. Завод 1927 йилда «Интергельпо» кооперативнинг механика заводи сифатида иш бошлаган, майда металл буюмларни ясаб, автомобил, тракторларни таъмирлаган.

1941 йилда Брянс шаҳридаги завод кўчиб келгандан бошлаб Фрунзе заводи қишлоқ хўжалиги машиналарини чиқарувчи йирик корхоналардан бирига айланди. Бу завод Ўрта Осиёдагина эмас, қўшни мамлакатлар орасида ҳам энг йирик завод ҳисобланади.

Завод сўнгги йилларда ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш ишларига кўп аҳамият бераётир. Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини кўпайтириб, сифатини яхшилашга эришган. Бироқ 1990 йилдан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқариш қисқариб келмоқда. 1980 йилда, 31,0 минг ҳашак прессловчи механизмлар ишлаб чиқарилган бўлса, 1985 йилда 35,1 мингга ортди, кейинчалик – 1990 йилда 23,4 мингга, 1991 йилда 7,2 минггача камайди.

Маблағнинг йўқлиги, ишлаб чиқариш алоқаларининг бузилиши, маҳсулот чиқаришнинг пасайишига олиб келди. Илгари заводнинг ишлаб чиқариш алоқалари жуда яхши бўлиб, хом ашё (металл, резина ва бошқалар)ни Россиядан, Қозоғистондан, Украинадан, Ўзбекистондан олиб келинардн, уларга ва кўплаб олинсадаги чет мамлакатларга – Ҳиндистон, Ироқ, Болгария, Польша, Монголия ва бошқаларга шундай механизмларни экспортга жўнатиб турар эди. Бироқ завод 1995 йил охирида маҳсулот чиқаришни тўхтатди.

Ўрта машинасозликка — автомобиль, станок, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва транспорт машинасозлиги, асбоб-ускунасозлик киради.

Автомобилсозлик ихтисослашган ва кооперация алоқалари кенг ривожланган тармоққа киради. Республикадаги «Қирғизавтомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ягона тармоқ бўлиб ҳисобланади. Бишкекдаги «Қирғизавтомаш» заводига 1947 йилда асос солинган. Дастлабки йиллари бу кичик корхона чўян эритувчи завод бўлган. 1949 йилдан бошлаб қуюв-механика заводига айлантирилган. 1954 йилда у велосипед ишлаб чиқарувчи завод билан бириктирилиб, улар базасида жуда катта «Қирғизавтомаш» заводи ҳосил бўлди. Завод техник жиҳатдан қайтадан жиҳозланган. Бу заводнинг сўнгги йилларда чиқарган маҳсулоти юк ташувчи ГАЗ, САЗ, автомобилларидир. Заводда ўша йиллари йилига 22 — 24 минг автомобиль чиқарилиб, келажакда 60 мингга яқин автомобиль

чиқариш мўлжалланган эди. Бироқ, 1991 йилдан бошлаб завод маҳсулот чиқаришни икки қисса қисқартирди. Кенг кооперациялашган бу ишхона Россия, Украина, Белоруссия, Ўзбекистоннинг ўнлаб корхоналари билан алоқа тузиб, керакли ускуналарни, машиналарни олиб турган, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўпчилиги ана шу алоқадор ўлкаларга жўнатиб турилган.

Завод, автомобиллардан ташқари, трактор прицеплари, мотоцикл аравачалари (люлкалар), енгил машиналар тиркагичлари, маиший товарларни ҳам чиқара бошлади.

Станок ишлаб чиқариш ва асбобсозлик саноати машиналарини ишлаб чиқариш асосан яхши ривожланган. Бу тармоққа Бишкекдаги ишлаб чиқариш бирлашмаси, В.И.Ленин номидаги станоксозлик заводи кирди.

Бу тармоқ ҳар хил маҳсулотларни, асосан металл кесувчи станокларни чиқаради. 1940 йилда 110 дона, 1960 йилда – 3320, 1980 йилда – 1960, 1990 йилда – 1342, шунингдек, 1991 йилда эса 1146 дона станок чиқарган. Станоклар ҳозирги талабларга ва андозаларга жавоб бериб, айримлари дастур асосида ишловчи станоклар бўлган. Бундан ташқари прессловчи машиналар (1980 йилда 550 дона, 1990 йилда – 317, 1994 йилда – 324 дона), 1985 йилдан эса саноат роботлари (йилига 140 — 150 донадан) ишлаб чиқарилмоқда.

Республикадаги енгил, озиқ-овқат саноати, маиший асбоблар, чорвачилик, ем-ҳашақ тайёрлаш машиналари, асбоб ускуналар ишлаб чиқариш ривожланган. Шопоков шаҳридаги «Торгмаш» машинасозлик заводи 1941 йилда Великие Лукидан кўчириб келинган йирик корхоналардан бирининг ускуналари асосида бунёдга келган. Завод озиқ-овқат саноати корхоналари учун ускуналар чиқаради. Унинг қуюв, механик автоцистерналар, қозонлар, асбоб-ускуналар, механика-энергетика тизимларини ишлаб чиқарадиган цехлари бор. Асосий маҳсулотлари: автобензин цистерналари, иссиқлик машиналари, аралаштирувчи, ювиш, тозалаш машиналари, овқат тайёрловчи (пиширувчи) универсал агрегатлар ва бошқалар. Сўнгги йилларда бу заводнинг асосий маҳсулотлари овқат пиширувчи универсал агрегатлар, овқат пиширувчи шкафлар, автоцистерналар, эмалланган идиш-товоқлар ва бошқалар бўлиб қолди.

Бишкекдаги назорат — ўлчов асбоблари заводида иссиқлик, электр ва оғирлик ўлчовчи асбоблар, ҳисоблаш машиналари (ва уларни таъмирлаш), овқат тайёрлаш воситаларини ме-

ханизацияловчи агрегатлар, болаларнинг йиғилувчи аравачалари, совға буюмлари чиқарилади. Бу заводнинг филиллари Оқсув, Ўш, Жалолобод, Қоракўл, Тўқмоқ шаҳарларида жойлашган.

Республикада сув насослари ишлаб чиқариш ҳам ривожланган. Ўрта Осиё мамлакатлари ва Қозоғистоннинг насосларга бўлган талаби жуда катта. Сабаби, бу ҳудудларда насос ёрдамида ер ости сувлари юзага чиқарилиб, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун ишлатилади. Келажакда Ўшдаги насос заводи кенгайтирилиб, уни янги техника анжомлари билан жиҳозлаб, химия ва машинасозлик саноати ишлаб чиқаришига йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Республикада ишлаб чиқарилган мураккаб асбобларга, автоматлаштириш воситаларига ва уларнинг эҳтиёт қисмларига технологик жараёнларни назорат қилувчи ва бошқарувчи асбоблар, механик катталикларни ўлчовчи асбоблар, бошқарувчи ва муҳандис-техниклар меҳнатини механизациялаштирувчи ва автоматлаштирувчи воситалар, телемеханика воситалари, медицина техникаси ва уларни ишлаб чиқариш кўпаймоқда.

Бишкекдаги заводлар ҳисоблаш техникаси воситаларини, медицина ва биология учун зарур асбоблар, технология жараёнларни бошқарувчи, электр сарфини ҳисобловчи асбоблар ва бошқа жараёнлар учун керакли маҳсулотларни чиқаради. Асбобукуналарни автоматлаштириш воситаларининг бундан кейинги ривожланиши Республиканинг ва қўшни давлатларнинг талабига яраша бўлади.

Республика машинасозлик гигантининг ихтисослашган ва энг йирик тармоғи электротехника саноати ҳисобланади. Ҳозир бу тармоқнинг 9 корхонасида машина ишлаб чиқариш тизимида ихтисослашган умумий мутахассисларнинг тўртдан бири ишлайди. Махсус илмий-тадқиқот институтлари бор. Тармоқдаги 3 та ташкилот биргаликда Иссиқкўл электро-техника заводлари ишлаб чиқариш бирлашмасини тузган. Давлат миқёсидаги аҳамиятга эга бўлган йирик корхоналарга Бишкекдаги «Тяжэлектромаш», «Қирғиз-электродвигатель» заводлари, Қайинидаги «Қирғиз-кабель», Мойлисойдаги «Қирғизэлектролампа», Кажисойдаги электротехника заводи ва бошқалар кирази. Тармоқнинг корхоналари турли хил маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Жумладан, 1994 йилда 1272 дона йирик электромашиналар, 22 минг дона ўзгарувчан ток вольтметрлари, 260 миллион дона электролампа, кичик кучланишдаги элект-

роаппаратуралар, шамол энергетикаси учун генератор комплекслари, ярим ўтказгичли асбоблар, бошқарув пульти ва станцияси, кабеллар ва ўтказгичлар, электроизоляция материаллари ва бошқалар ишлаб чиқарилган.

Бу тармоқ машинасозликнинг бошқа соҳаларига қараганда истиқболли, сабаби, металлни оз сарф қилади. Бу ерда узоқ йиллар давомида ишлаб келаётган малакали мутахассислар ва ишчилар ишлайди. Келажакда бу тармоқнинг янги корхоналарини ҳар бир вилоятда, айниқса ўрта ва кичик шаҳарларда қуриб, улардаги мавжуд меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланса бўлади. Бундай шаҳарларда Талас, Қант, Қоракўл, Жалолобод, Кўкёнақ, Ўзган ва бошқалар киради.

Радиоэлектроника ва электрон асбобсозлик саноати жуда тез суръатда ривожланаётир. Илмий-техника жараёнининг катализатори – ҳисоблаш техникаси эканлиги ҳаммага маълум, чунки ҳалқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини компьютерлаштирамай туриб, олдинга силжиш мумкин эмас.

Электрон ҳисоблаш машинаси (ЭҲМ) ёки унинг иккинчи номи компьютер қишлоқ хўжалигида, ишхоналарда ёки ишлаб чиқаришда ишлаган мутахассисгагина таниш бўлмасдан, борган сари у уй бекасига ҳам таниш ва керак бўлиб бормоқда. Биз компьютерни қандай мақсадда ишлатмайлик, у ихчам ва тўғри ишлашга имконият яратиб, энг ишончли маслаҳатчимиз бўлмоқда. У билан бирга бажарилган меҳнат жуда олижаноб бўлиб, унумдорлиги ўн, юз, балки миллион ҳисса юқори бўлади.

Бугунги кунда жуда кучли (секундига 1 млрд операция бажара олувчи) компьютерларга эгамиз. Бу компьютерлар олимлар, инженерлар ва бошқа мутахассислар тажрибаларининг юксалишидан ҳосил бўлди десак адашган бўламиз. Уларнинг бундай кучли яратилишига ҳаётимиз тақозоси, ўзи мажбурлади.

Ҳар бир инсон, хоҳ ўқитувчи, хоҳ ўқувчи ёки хизматчи, олим бўлмасин у ўз хизматида қандайдир маълумотни олишга ва уни қандайдир йўл билан ишлатишга мажбур бўлади. Ишни унумдорлиги маълумотни тез қабул қилиб, уни секунднинг бир қисмида ишлата билишига боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, ёнғин бўлиш хавфини олдиндан билиш, бизнинг территорияга учиб келаётган ракета хабарини бериш ва бошқалар.

Бундан ташқари, ЭҲМ тинчлик мақсадларида инсонга кўмакчи сифатида қуйидаги операцияларни бажармоқда: авиа билетни сотишда — кассир, театр кассири, медицина консуль-

танги, ҳунармандчилик ва рассомчилик музейида хизматчи, уй-рўзғор хизматида кимёвий тозалаш ва кир ювишда, кўча тозалаш, уй таъмирлаш хизматида, кийим тикиш, сартарошлик, электрон бека хизматида, зоотехник, кутубхоначи, милиция хизматида ва бошқа хизматларни бажаришда ишлатилмоқда.

Бишкек ЭҶМ заводи ҳисоблаш машиналарини ишлаб чиқарувчи Республикадаги ягона заводдир. Бу завод ишлаб чиқариш технологиясида ҳисоблаш машинасидан фойдаланадиган, юқори унумли ускуналар билан таъминланган замонавий корхонадир. Корхонанинг хусусияти шуки, бу ерда муҳандис-техник ходимларга талаб катта, сабаби, улар тайёрлаган ҳисоблаш техникаси — электромеханика ва уларнинг деталларини тайёрлашдаги хатолик 2 — 3 микрондан ошмаслиги керак. Завод чиқарган маҳсулотларга КУВТ «Корвет» типидagi мактаб ЭҶМ, бортли ЭҶМнинг янги турлари, шахсий ЭҶМлар учун эҳтиёт қисмлар, махсус процессорлар ва ҳоказолар киради. Уй-рўзғор радиоаппаратуралари, магнитофонлар, келажакда видеомагнитофонлар, уй-рўзғор учун шахсий ЭҶМлар чиқариш кўзда тутилмоқда.

Тўқмоқ шаҳрида Жанубий Корея билан биргаликда олий тоифадаги рангли телевизор ишлаб чиқарувчи «Голдстар» заводи қурилган. Завод ҳозирча йилига мингтача «Голдстар» телевизорлари чиқаради.

Келажакда Қирғизистон машинасозлик саноатининг ихтисослашган, устивор соҳалари — радиоэлектроника, электрон ва электромеханика тез ривожланади.

Республикада давлат томонидан ташкил қилинган йирик таъмирлаш-механика заводлари, автомобилларни таъмирловчи, йўл қурилиш машиналарини таъмирловчи, медицина-техника асбобларини таъмирловчи заводлар ҳам мавжуд.

Давлат томонидан ташкил қилинган йирик таъмирловчи корхоналар Бишкек, Тўқмоқ, Ўш, Жалолобод, Қорақўл, Балиқчи, Талас, Норин, Қораболта, Қизилқия, Қант шаҳарларида жойлашган.

Умуман Қирғизистонда тармоқнинг локал машина ишлаб чиқариш комплекслари тузилмоқда. Агарда илгари бу тармоқ корхоналари Бишкек шаҳри ва унинг атрофидаги аҳоли яшаган жойлар қўшилди.

Машиналар ишлаб чиқаришининг янада ўсиши, ихтисослашиши, кооперацияларининг қулоч ёзишига боғлиқ. Республикада қора металлургиянинг йўқлиги, рангли металлларнинг камёб-

лиги машинасозлик саноатида металлни кам сарфловчи соҳаларни ташкил этишга туртки беради. Келажакда бу соҳада фаолият кўрсатувчи илмий-техник ходимларни кўплаб тайёрлашга ва бу соҳаларни кенгайтиришга имконият яратилади. Тармоқнинг ўзгариши эса ҳудуд ёки ўлканинг тубдан ўзгаришига олиб келади.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Машинасозлик ишлаб чиқариш комплексининг ўсишига таъсир қилувчи асосий омиллар қайсылар?
2. Қирғизистон Республикасида машиналар ишлаб чиқаришнинг қандай соҳалари ривожланган, унинг сабабни тушунтириб беринг.
3. Республика келажagini белгилайдиган устивор машина ишлаб чиқариш тармоқлари қайсилар?

## **14.5. Химия саноати**

Химия саноатининг мамлакат, районлар иқтисодини ривожлантиришдаги аҳамияти жуда катта. Машинасозлик сингари у ҳам техника тараққиётининг асосий омили бўлиб ҳисобланади. Бу соҳанинг ишлаб чиқариш ва транспортнинг ўсишида халқ истеъмоли товарларини чиқаришда, деҳқончиликда эса ҳосилни кўпайтиришда, чорвачилик маҳсулдорлиги юксалтиришда аҳамияти беқиёс. Химиявий йўл билан олинган хом ашё табиий хом ашёларга қараганда пишиқ, жуда арзон эканлиги билан фарқ қилади. Ҳозирги даврда Қирғизистонда химия саноати ҳали унча ривожланган эмас. Бу Республиканинг умумий иқтисодиёти ривожланишидаги жиддий камчилик бўлиб ҳисобланади. Бу соҳанинг бутун саноатдаги улуши 0,5%ни ташкил қилади. Шунинг учун Республика керакли хомашёлар бошқа чет мамлакатлардан олиб келинади. Буларга химиявий синтетик тоғалар, смолалар, пластмассалар, автопокришканалар, минерал ўғитлар, гербицидлар, сульфат кислотаси ва содалар кирди. Шу билан биргаликда Республиканинг ўзида юқорида санаб ўтилган хом ашёларни олиш учун, умуман химия саноати учун моддий база етарли.

Республикада химия саноатини ривожлантириш учун барча имкониятлар — арзон электр энергияси, керакли хом ашёларнинг ҳаммаси бор. Ҳозир Бишкекда иккита химия заводи, пластмасса буюмларини чиқарувчи завод ва бошқа майда кор-

хоналар ишлаб турибди. Улар хом ашёни ташқаридан олишади. Маҳаллий хом ашёлар билан ишлайдиган корхоналар эса йўқ. Асосий ишлаб чиқарилувчи маҳсулотларга сунъий тери, пластмасса буюмлари, эмаллар, олиф, ҳар хил бўёқлар, линолуум, полиэтилен плёнкалари, ўйинчоқлар, ёпиштирувчи ленталар, қаламлар, дори-дармонлар ва бошқалар киради.

Республика саноат комплексининг бундан кейинги ривожланишида химия саноати муҳим аҳамият касб этади. Бу тармоқ соҳалар ва ҳудудлар бўйича ҳам катта ўзгаришларга дучор бўлишади. келажакда Бишкекдаги химия заводини Беловодск қишлоғига, пластмасса буюмлари ишлаб чиқарувчи заводни эса Қайинди шаҳарчасига кўчириш мақсадга мувофиқ деб саналмоқда. Бу эса аҳолиси кўп бўлган марказ шаҳарни экологик жиҳатдан тоза бўлишига ёрдам беради.

Ҳозир Қирғизистонда химия саноатининг энг яхши ривожланган тармоғи – минерал ўғитларни ишлаб чиқаришдир. Қирғизистонда ишлатилувчи химиявий хом ашёларнинг ҳажми ва аҳамияти бўйича биринчи ўринни азотли минерал моддалар ташкил қилади. Булар Россиянинг Кемерово вилоятидан (2500 — 4000 км), Ўзбекистондан, Жанубий Қозоғистондан олинади. Бу эса транспорт ҳаражатини кўп талаб қилади, сабаби, 500 минг гектардан ошиқроқ суғориладиган ерларга меъёр бўйича дон ўсимликлари учун -4, техника ўсимликларига -6,8, сабзавот ва картошка учун 9 центнер ўғит солиш талаб қилинади, кўриниб турибдики, ҳаммаси бўлиб йилига 520 — 550 минг тонна стандарт ўғитни келтириш керак.

Ҳозирги иқтисодий инқирозни, давлатлараро кооперация шартномаларининг бузилишини назарда тутадиган бўлсак, биргина тўғри йўл — Шимолий Қирғизистонга (Чуй водийсига) азотли минерал ўғитларни ишлаб чиқарувчи завод қуриш мақсадга мувофиқ бўлади. Қоракеча кўмиридан келажакда минерал ўғитлар учун хом ашё сифатида фойдаланиш мумкинлиги 1960 йилдан бери айтиб келинмоқда. Табiiий ўзгаришлар натижасида бу коннинг бир қанча жойларидаги кўмир ёқиш учун ярамай қолган, бироқ унинг таркибида 50 — 80% гача гумин кислотаси бор, ундан минерал ўғит сифатида фойдаланилса бўлади, самараси жиҳатидан минерал қолишмайди, таннархи эса жуда арзон.

Республика шароитида ҳар бирининг қуввати 250 — 300 минг тоннадан иборат (Қоракечанинги кўмир базасида — Чуй водийсида, Абшир, Қизилқия базасида — Жанубий Қирғизистонда) минерал ўғитларнинг иккита заводини қурса бўлади. Сулукта ва

Олмалиқ Беш-Бурхон кўмир конларидан ҳам шу йўсинда фойдаланиш мумкин.

Фосфорли минерал ўғитларни олиш учун дастлабки сульфат кислотасини Талас водийсидаги Аччиқтош олтингугурт колчедонидан олиш мумкин, бу кон Қозоғистондаги Қоратоғ фосфорит конидан 80 км масофада жойлашган. Бу икки конни ишлатиш натижасида олинган фосфорли минерал ўғитлар жуда арзонга тушади.

Марказий Тяншандаги, таркибида темир-марганец оз бўлган Жетим кони жинсларини майдалаб, кукун ҳолатига келтириб, калий минерал ўғити қаторида фойдаланса бўлади. Бундай табиий калийли минерал ўғитлар дон ўсимликларидан гектарига 7—7,5 центергача, қант лавлагидан 25 центнергача қўшимча ҳосил олишга имкон беради.

Химия саноатининг кўпгина тармоқларини туз конларидан фойдаланиш ҳисобига қуриш мумкин. Ҳозир Республикада 30 дан ортиқ туз конлари бор. Улар Кетмонтепа (ош тузи ва натрий сульфати), Жилдисув (ош тузи), Кичиккўл (Жумғол районида натрий сульфати), Қўчқор (ош тузи, тенардит, глауберит) ва бошқалар. Бу туз конларидан химия саноатида хлор ва унинг оксидли бирикмаларини олиш мумкин.

Химия саноатининг кўпгина тармоқларини кўмир, газ, нефть маҳсулотларидан фойдаланиш асосида ташкил қилса ҳам бўлади. Қоракеча, Ўзган (Туюқ, Қарғаша, Кўкқич) кўмир конларидан фақат энергетика мақсадалридагина эмас, химия саноати учун ҳам ашё сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Ўзган тошкўмиридан кокслаш йўли орқали ундан коксгази, смола, кокс кўмири олинади. Улардан пластмасса, синтетик каучук, минерал ўғит, кислоталар, дори-дармонлар, атирлар, портловчи моддалар, совун, бўёқ, киноплёнкаларни олиш мумкин.

Республика ҳудудларида қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини (сомон, тўпон), табиий ўсимликларни химия саноатида ишлатиб, улардан қуруқ ем-хашак ачитқиларини, витамин, оқсилга бой озуқаларни, картон, қоғоз, қурилиш плиталарини олиш мумкин. Ҳисоблашларга кўра ҳар йили 400 минг тоннадан ортиқ органик чиқинди далаларда қолиб кетар экан. Мана шу чиқиндилар базасида Республика жанубида иккита завод қуриш мумкин.

Пахта тозаловчи заводларнинг чиқиндилари асосида Шомолдисой поселкасида келажакда пахта целюлоза комбинатини қуриш кўзда тутилган.

Умуман олганда Қирғизистон Республикаси химиявий ҳам

ашё ресурсларига жуда бой ўлка. Бундаги органик ва ноорганик хом ашёлар химия саноатини, айниқса, органик синтез химиясининг ривожланишига имконият яратади. Химия саноатини ривожлантиришда хом ашёдан ташқари бошқа қулай имкониятлар ҳам бор. Уларга арзон гидроэнегия манбаи, саноат сувлари, ёқилғи, ишчи кучлари, илмий-техника базаси ва бошқалар кирadi.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Республикада химия саноати учун қандай хом ашёлар бор?
2. Республика химия саноати корхоналар номларини айтинг, келажакда ривожланувчи тармоқлар қайсилар?

### **14.6. Ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати**

Қирғизистонда бу соҳанинг ўсиши маҳаллий хом ашё эмас, хўжалик ва аҳоли эҳтиёжларига боғлиқ. Республикада бундай хом ашё йўқ ҳисобида. Шу туфайли ҳамма корхоналар деярли бошқа районлардан ташиб келтириладиган хом ашёлар билан ишлайди.

Республикада 1993 йиллари 46 та ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати корхоналари бўлган, улардан 40 таси ёғочсозлик корхоналаридир. Ўрмон (ёғоч тайёрлаш) хўжалиги ва целлюлоза-қоғоз саноати энг ривожланган соҳа ҳисобланади.

Ёғоч тайёрлаш ўрмон хўжалигига боғлиқ. Республикадаги ўрмонлар майдони 1049, 9 минг га ёки Республика майдонининг 3,5% ини ташкил қилади. Ўрмон фонди жуда оз. Ўрмонлар асосан тоғларда бўлиб, улар денгиз сатҳидан 1000 — 3500 м баландликдаги Тяншан, Олой тоғларида жойлашган. Бундан ташқари ўрмонлар Иссиқкўл вилоятининг шарқий, жануби-шарқий қисми, Норин, Жалолобод, Ўш вилоятларининг озроқ қисми, Чуй вилоятининг Кемин туманида ҳам мавжуд. Мана шу районларда ўрмон хўжаликлари ташкил этилган, уларнинг асосий мақсади ўрмон бойлигини сақлаш, янги ўрмонзорларни барпо қилиш, санитария ишларини олб боришидир. Саноат миқёсида ёғоч тайёрлаш йўқ ҳисобида. 1991 йилда саноат учун ҳаммаси бўлиб 6000 м<sup>3</sup> ёғоч тайёрланган. Шу боис Республика саноати учун ёғоч чет мамлакат-

### Ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қороз саноатининг асосий маҳсулот турларини тайёрлаш

Маҳсулот турлари \ йил	1960	1970	1980	1985	1990	1991
Республикада тайёрланган (ёғоч, минг м <sup>3</sup> )	81	41	35	30	28	26
Бундан ишлатилган, минг м <sup>3</sup>	35	22	14	7	6	6
Россияда тайёрлангани, минг м <sup>3</sup>	205	335	207	225	202	115
Картон, тонна	-	-	9095	9790	5538	4767

лардан, Россиянинг ўрмонли райони – Сибирдан ташиб келтирилади. У ёқда йилига 200 минг м<sup>3</sup> ёғоч тайёрланиб, бизга жўнатилиб турилади. Республиканинг ёғочга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш учун камида 300 минг м<sup>3</sup> ёғоч тайёрланиши керак бўлса, 1991 йилда Россияда тайёрланган ёғочнинг ҳажми аранг 115 минг м<sup>3</sup> га етиб, 1990 йилга қараганда икки ҳисса камайган. 1970 йилда Россияда бизнинг Республика учун 335 минг м<sup>3</sup> ёғоч тайёрланган.

Ёғочсозлик тармоғи яхши ривожланган, ёғочга асосан механик ишлов берилди: қурилиш материаллари, мебель ва ҳоказо. Ёғочсозликда мебель тайёрлаш асосий ўринни эгаллайди. Ялпи маҳсулотнинг 55% дан кўпроғини мебель ишлаб чиқаришни ташкил қилади. Қирғизистондаги энг катта ва қўхна корхона — Бишкекдаги мебель комбинатидир. У 1926 йили ташкил қилиниб, дастлаб 91 ишчи ишлаган. 1933 йили бу корхона «Бондарка» номи артелга айлантирилиб, ёғоч тилиб, пақир, филдирак ва мебелларни тайёрлаб, ёғочсозлик бўйича йирик корхонага айланган. 1950 йилда артелга Бишкекдаги тахта тилувчи ишхона билан кичкина фабрикалар қўшилиб, мебель комбинати ташкил этилди. Сўнгги йилларда комбинатда кўп жараёнлар механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди, шу билан бирга комбинат ишлаб чиқарган маҳсулотнинг сифати ҳам яшиланди ва кўп маҳсулот бера бошлади. Чунончи стол, стуллар, шкаф, сервант, диван, гарнитур, ёғоч кроватлар, юмшоқ мебеллар чиқарила бошланди. Уларга бўлган талаб ва харидорлар сони кўпайиб кетди.

Комбинат «Қирғиз мебель» бирлашмаси таркибидаги тўнғич корхона сифатида ишлаб чиқаришга кўп янгиликлар киритди, юқори сифатли маҳсулотлар, ихтисослашган янги

буюмларни чиқара бошлади. Уларга хона ва ётоқхона мебеллари, уй гарнитурлари, юмшоқ мебеллар, ошхона гарнитурлари, миллий мебеллар киради. Ҳар хил ёғоч қолдиқларидан болалар мебеллари ва ўйинчоқлар ясалади.

Хом ашё ташқаридан олиб келингани билан мебель чиқаришда жуда кўп чиқиндилар чиқади (50% дан кўпроқ). Шунинг учун хом ашёни тежаш мақсадида чиқиндисиз маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинмоқда. Шу мақсадда Бишкекда «Қирғиз мебель» бирлашмасининг иккинчи фабрикаси ишга туширилмоқда. Бундан ташқари Жалолобод шаҳрида янги мебель фабрикасини қуриш, Қант, Ўш мебель корхоналарини таъмирлаб, кенгайтириб, уларнинг қувватини ошириш керак.

Республикада ёғочга химиявий ишлов бериб, ундан қоғоз, целюлоза ишлаб чиқарилмайди. Бироқ хом ашёни иккинчи марта ишлатиш йўли билан (қоғоз макулатураси базасида) Тўқмоқда картон фабрикаси ишга туширилган. Ҳозир у чиқарган маҳсулот ҳажми унча кўп эмас, йилига 9 — 10 минг тонна картон ишлаб чиқарилган (1990 йилгача). Халқ эҳтиёжини қондириш учун унинг қувватини йилига 25 минг тонна етказиш керак. Келажакда Қирғизистонда иккита целюлоза-қоғоз фабрикасини очиш мақсадга мувофиқ. Сабаби, ҳозир кооперация алоқалари бузилиб, иқтисодий инқироз туфайли Республиканинг маблағи қоғоз, целюлоза сотиб олишга етишмаяпти. Шунинг учун Жанубий Қирғизистонда ғўзапоя ва бошқа маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб, Шимолий Қирғизистонда эса маҳаллий қишлоқ хўжалиги чиқиндилардан (сомон, тўпон ва бошқалар) фойдаланиб, целюлоза-қоғоз фабрикаларини очиш муаммоси турибди.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Ўрмон, ёғочсозлик ва целюлоза – қоғоз саноатининг тармоқлари қайсилар?
2. Бу тармоқларнинг келажаги қандай?

## 14.7. Қурилиш саноати комплекси

Халқ хўжалик комплексларини ривожлантиришда, айниқса, турар-жой, корхона ва маъмурий бинолар Республиканинг ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга ва ривожлантиришга катта ёрдам бераётган келажаги бор тармоқлардан бири. Бу комплекс, гранит, мрамор, майда тошлар, шағал, қум, ойна, цемент, гипс, карапа (йирик қум), халқ хўжалиги қурилишига ишлатиладиган материаллар (ғишт, бетон), тайёр уйлар ва бошқаларни ишлаб чиқарувчи соҳаларни ўз ичига олади.

Саноатнинг бу тури илгари унча ривожланган эмас эди, корхоналар кичик, ишлаб-чиқариш унумдорлиги паст бўлган. 1910 йил маълумоти бўйича, вақти-вақти билан ишлаган, қўл кучига асосланган 6 та кичик ғишт заводи, битта оҳақтош бўлган холос. Кейинчалик, 1922 йилда Республикада 400 минг дона ғишт чиқарилган бўлса, 1936 йил унинг сони 28,9 минг донага етган. Умуман қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг қуввати паст бўлган.

Республикада қурилиш саноати 1950 — 1960 йиллар ичида бироз ривожланди. Шу давр ичида Қурмўну цемент заводи, Қант цемент-шифер комбинати, Желарғи оҳақтош заводи, темир-бетон, гипсдан тайёрланувчи қурилиш материаллари саноати ишга туширилган.

Республика ҳудудларидан 2000 га яқин қурилиш хом ашёси конлари топилган. Булардан 140 таси ҳар томонлама ўрганилиб уларнинг 50 тасидан халқ хўжалигини ривожлантиришда фойдаланилмоқда. Айниқса, ғишт, цемент, керамзит, аглопирит, қурилиш гипси, оҳақтош, қум, шағал сингари материаллар кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Мрамор, гранит конларининг иқтисодий жиҳатдан келажаги порлоқ.

Қурилиш саноати корхоналарини таъминловчи хом ашёнинг умумий захираси 1512 млн м<sup>3</sup>. Ўрта ҳисобда йилига 25 млн м<sup>3</sup> қурилиш материаллари қазиб олинади. Хўжалик учун бу кўрсаткич етарли эмас, айрим хом ашёлар, аниқроғи ойна чиқарувчи кварцли қум Тожикистондан, сода Бошқиртистондан, натрий сульфати Украинадан, доломит Туркменистондан ташиб келинади. Бозор муносабатлари шароитида қўшни ўлкалардан олиб келинаётган материаллар қимматга тушганлигидан айрим корхоналар тўхтаб қолмоқда, шу сабабли бу комплекс ишлаб чиқарган материалларининг айрим турлари озайиб кетмоқда (26-жадвалга қаранг).

### Қурилиш саноати комплексида ишлаб чиқарилган материалларнинг асосий турлари

Номлари	Ўлчов бирлиги	Йиллар				
		1980	1990	1991	1992	1992
Цемент	минг т	1272,2	1387,2	1320,3	1094,8	672,4
Қурилиш оҳақтоши	минг т	89,7	85,5	85,5	36,1	13,3
Темир-бетон	миг куб	846,1	12517	11200	593,6	381,2
Девор материаллари, фишт ҳисобида	миг див	566	819	874	847	180
Асбест, цемент шифери	миг див	97,1	177,6	175,4	176,3	168,7
Ойна	миг км	3,2	1,0	0,0	7,7	6,7

Қурилиш саноати комплексида ишлаб чиқарилган материалларнинг асосий турлари

Қурилиш материаллари корхоналари Республика бўйлаб текис жойлашган эмас. Айрим тармоқлар конларга, айримлари истеъмолчиларга яқин жойларга қурилади. Масалан, Республика шаронтида цемент, фишт, шифер, ойна, оҳақтош, гипс тайёрловчи корхоналар, хом ашё чиққан жойларда жойлашса, бетон темир-бетон буюмлари, санитария, техника буюмлари, тош ишлатиш каби корхоналар, аксинча, истеъмолчиларга яқин жойлашади.

Республика қурилиш учун зарур бўлган ва иморатларни қопловчи қимматбаҳо тошларга, айниқса мармар, оҳақтош, гранит сингари конларга бой. Бу қимматбаҳо тошларни кесини, силлиқлаш ва ташиш арзонга тушиши билан бирга, мармар, гранит тошлари билан иморатлар юзасини қоплагани эстетик жиҳатдангина эмас, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Сабоби, қопланган ёки ётқизилган тош энг камида 350 йил чндайди, таъмирлаш ишларига кўп ҳаражат сарflanмайди.

Республикада ҳар хил тошларнинг 20 дан ортиқ кони яхши ўрганилган. Буларнинг заҳираси 142 млн м<sup>3</sup>. Конларнинг кўпчилиги денгиз сатҳидан 200 м гача бўлган баландликдаги тоғлар орасида жойлашган. 1993 йилда Республикада 500 миғ м<sup>3</sup> тош қазиб олинган. Яқин орада ўзлаштириш учун Оқўлан сиенити, Чаартош мрамари, Қиртобилғи гранити яхши ўрганилган.

Қурилиш саноати комплексининг келажаги порлоқ. Республикада унинг энг керакли тармоғи — тош қазиб олувчи ва уни қайта ишловчи саноати пайдо бўлди. Унинг корхоналари Тўқ-

моқ, Ўш sanoat тугунларида жойлашган. Уларнинг умумий қуввати йилига 18 минг м<sup>3</sup> бўлиб, мрамр, гранит ва чиганоқтош тайёрлашга ихтисослашган. Бироқ бу кўрсаткич Республика талабига тўлиқ жавоб бера олмайди. Айниқса, оқ ва қора мрамр, қизил ва оч қизил гранитга дунё бозорида талаб кучаймоқда.

Тошни қайта ишловчи sanoat Республикага валюта келтирувчи, иқтисодий нуқтаи назардан келажаги бор тармоқлардан бири. Шунинг учун мазкур тармоқ қувватини 4 — 5 ҳиссага ошириш кўзда тутилмоқда. Конларнинг потенциал захираси узоқ муддатга етарли, масалан, ҳозир мрамрнинг sanoat захирасидан 1% гина фойдаланмоқдамиз. Кейинги йилларда тошни қайта ишлаш sanoati географияси анчагина кенгайтирилди. Аниқроғи Арим, Оқтош, Бурулдай мрамрларини, Қайинди гранитини, Саритош чиганоқтошини қазиб олиш кўпаймоқда. Оқўлан сиенитини, Қиртоболғи гранитини, Новороссийск мрамрини, Бўзбутўў қора оҳақтошини, Эчкилитоғ рангли мрамрини қазиб олишга имконият бор.

Бу конларнинг лойиҳадаги йиллик қуввати 600 — 650 минг м<sup>3</sup> га тенг. Қурилиш sanoati комплекси, айниқса, тошни қайта ишловчи корхоналарнинг чет мамлакатларнинг компаниялари, фирмалари билан ўзаро шартномалар тузиш учун тўлиқ имкониятлари бор. Кон қазиб олишни дунёдаги энг яхши фирмалар билан бирга олиб бориш Республика иқтисодини яхшилашга катта ҳисса қўшади.

Тошни қайта ишлаш сирларини яхши ўзлаштирган мутахассислар тайёрланиб, илмий асосда энг яхши технологик жараёнларни қўллашга, тайёрланган тошлар сифатини яхшилашга, уларнинг экспорт улушини оширишга тўлиқ имкониятлар бор.

Ҳозир ишлатиладиган тош конларининг энг катталари — Саритош чиганоқтоши, Арим мрамри. Қазиб олинган мрамрнинг кўпчилиги Тўқмоқдаги мрамр заводида қайта ишланади ва жило берилади. Бу завод қувватини янада кучайтириш кўзда тутилмоқда. Сабаби, Республиканинг шимолий қисмидан топилган конлар маҳсулотининг кўпчилигини шу заводда қайта ишлаш самаралидир. Келажақда ишга туширилувчи тош конларининг энг кўзга кўрингани Оқўлан сиенити, унинг умумий захираси 1,3 млн м<sup>3</sup>.

Базальт конининг йирик захираси Сулутеракдан топилган, у Балиқчи шаҳрининг шимолий шарқида — 43 км узоқликда жойлашган. Республикада цемент sanoatининг иккита корхонаси —

Қант цемент-шифер комбинати ва Қурмўнту цемент заводи қурилган. Республика цемент хом ашёсига жуда бой, бироқ ҳозирча саноат захирасининг 5,5% игина ўзлаштирилган. 1993 йилда Республика бўйича 672, 4 минг тонна цемент, 168,7 млн дона шифер чиқарилган. Цемент ишлаб чиқариш охириги 5 йил ичида 2 ҳисса қисқарди.

Республика жанубида қурилиш комплексининг жадал ривожланиши учун цементга бўлган талаб тобора кўпайиб бормоқда. Шунинг учун Қизилқия шаҳрига яқин жойда цемент заводи қурилиши мўлжалланаётир. Лойиҳа бўйича бу завод йилига 4 млн тонна цемент, 500 млн дона шифер чиқаради. Бу ерда хом ашё жуда кўп ва сифатли. Завод қурилиб битгандан сўнг, нафақат Жанубий Қирғизистонни, қўшни Ўзбекистон, Тожикистон мамлакатларининг яқин жойлашган вилоятларини ҳам цемент ва шифер билан таъминлашга қудрати етади.

Республикада гипсининг 130 та кони топилган. Ҳозирги кунда Чаңғир-тош ва Новқат гипс конлари Республиканинг гипсга бўлган талабини қондирмоқда. Келажакда гипс корхоналари комплекси қурилиб, уларда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини 2 — 3 ҳиссага арзонга тушириш кўзда тутилмоқда. Гипс хом ашёсини арзонлатиш билан биргаликда Республика талабигина қондирилмай, келажакда уни Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон мамлакатларининг яқин жойлашган вилоятларини ҳам цемент ва шифер билан таъминлашга қудрати етади.

Қурилиш саноатининг илғор ва кўп қиррали тармоғи бўлган цемент ишлаб чиқаришдан кейинги ўринда темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш ҳисобланади. Ҳозир йирик шаҳарларни, ишлаб чиқариш корхоналарини темир-бетон ускуналари билан бир қаторда ойнасиз тасаввур этиб бўлмайди. Ойна ишлаб чиқарувчи заводлар асосан Чуй водийсида — Тўқмоқ ва Бишкек шаҳарларида жойлашган. Улар йилига 6 — 7 млн м<sup>2</sup> қурилиш ойнаси ишлаб чиқарадилар. Бундан ташқари бу корхоналар уй-рўзғор ойналарини ҳам ишлаб чиқаради. Қирғизистоннинг жануби-ғарбида қурилиш ойнаси ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона бунёд этиш жуда зарур.

Оҳактош хом ашёси Республиканинг ҳамма районларида бор, бироқ ҳозирги даврида биргина Кемин районидаги Желарғи оҳактош заводи (1965 йилда қурилган) қурилиш оҳактошни ишлаб чиқаради (йилига 13,0 минг тонна).

Республика ҳудудидан ғиштбоп тупроқ, қумли тупроқнинг 40 дан ошиқ кони топилган, уларнинг ярмидан кўпроғи фойда-

ланилмоқда. Республиканинг ҳамма районларида гишт ишлаб чиқарилади. Бир йилда Республика бўйича барча гишт заводларида 847 млн дона гишт тайёрланади. Келажакда гишт тайёрлаш географияси кенгайтирилади. Яқин йиллар ичида Ивановка, Жалолобод қурилиш материаллари комбинатларини, Оқсув, Қизилқия, Сулукта гишт заводларини олий даражадаги техника билан таъминлаш ва қувватини ошириш кўзда тутилган.

Келажакда қурилиш материаллари саноати корхоналарини бозор иқтисодиёти шароитида муваффақиятли ривожлантириш, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини яхшилаш, турини кўпайтириш, хом ашёдан тежаб фойдаланиш, ихтисослаштирилган акционерлик ва хусусийлаштирилган корхоналарни ташкил қилиш масалаларини ҳал қилиш вазифаси турибди. Айниқса, майда ва ўрта корхоналар географиясини кенгайтириш бозор иқтисодига ўтиш шароитида катта аҳамиятга эга. Уларнинг келажаги порлоқ, майда корхоналар барча иқтисодий районлардаги заҳираси оз конларни ишга тушириш учун жуда қулай бўлиб, қурилишга маблағ оз сарфланади, фойда кўп тушади ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлади. Бундай корхоналар чиқарган маҳсулотлар бозор муносабатларининг талабига мувофиқ тез ўзгартиришга қулай бўлиб, саноати ичор ривожланган тоғли районлардаги аҳолини иш ва керакли материаллар билан таъминлаш имконияти мавжудлиги билан фарқ қилади.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Республикада мавжуд бўлган қурилиш материаллари хом ашёларини санаб беринг.
2. Қурилиш комплексининг ривожланган тармоқлари қайсилар, давлат миқёсидаги энг йирик корхоналарни айтиб беринг?

## **15. АГРАР САНОАТ КОМПЛЕКСИ (АСК)**

**Аграр саноат комплекси** дегани нима? Бу мажмуа деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш, уларни йиғиштириб олиш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш чиқаришни жадаллаштиришдан иборат.

Аграр саноат комплексининг дастлабки тайёр маҳсулоти дегани нима? Бу қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулот-

ларнинг маълум қисмининг саноат қайта ишловидан ўтказилиб, тайёр ҳолга келтирилган озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги хом ашёларидан тайёрланган, аҳоли истеъмол қиладиган бошқа товарлардан иборат.

Аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалтиришда аграр саноат комплексининг аҳамияти катта. Унинг асосий вазифаларидан бири — бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ишончли тарзда доимий таъминлаш, уларни қишга ғамлаш, сақлаш ва қайта ишлов бериб, тайёр маҳсулотни аҳолига исрофсиз етказишдир.

Аграр саноат комплексининг таркиби учта асосий соҳадан ва ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмадан иборат. Аграр саноат комплексининг қолган тармоқлари учун ишлаб чиқариш ускуналарини саноат асосида ишлаб чиқариш киради.

Ҳозирча Қирғизистонда биринчи соҳага кирган қишлоқ хўжалиги машиналарини созлаш, автомобиль йиғувчи, радиатор ва автоприцепларни чиқарувчи, умумий овқатланиш корхоналари учун электр қозонларини тайёрловчи, автомобилларни ва қишлоқ хўжалиги машиналарини таъмирловчи, автомобиль, автомобиль цистерналарини ва автомобилларни чиқарувчи заводлар бор. Келажакда қишлоқ хўжалигида ишлайдиган кичик тракторларни ва машиналарни, озиқ-овқат ва енгил саноат учун асбоб-ускуналарни, чолғиларни, кетмон ва белкуракларни ишлаб чиқаришга киришилади. Ҳозир биринчи соҳа улушига АСК ялпи маҳсулотининг 7,3%, асосий ишлаб чиқариш фондининг 5%, комплексда ишлаётганларининг 5,8% тўғри келади.

Аграр саноат комплексининг иккинчи соҳасига қишлоқ хўжалиги тармоқлари — деҳқончилик ва чорвачилик киради. Булар АСКнинг энг асосий ўзаги бўлиб ҳисобланади. Қирғизистон аграр саноат комплекси тизимида унинг иккинчи қисмига қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 51,4%, асосий ишлаб чиқариш фондининг 81,7%, АСКда ишлайдиганларнинг 85,2% тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги хом ашёсини саноатда қайта ишлаб чиқарувчи тармоқларга ёки учинчи соҳага озиқ-овқат саноати (ғўшт, сут, балиқ, ун, чой, пон, қандолатчилик маҳсулотлари ва бошқалар), енгил саноат бўйича (газлама тўқиш, кийим тиқиш, тери ошлаш, пойабзал ва бошқалар) киради. Бу соҳа улушига АСК ялпи маҳсулотининг 36,7%, асосий ишлаб чиқариш фондининг 11,7%, бунда ишлайдиганларининг 8,1%и тўғри келади.

АСКнинг ишлаб чиқариш инфратузилмасига қишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий-техника жиҳатдан асбоб-ускуналар билан таъминловчи бирлашмалар, элеваторлар, омборхоналар, музлатгичлар ва бошқалар киради.

Шундай қилиб, Қирғизистон Республикасининг агросаноат комплекси энг мураккаб ва йирик тармоқлараро комплексдир. Унинг ҳиссасига Республикада халқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 52%, миллий даромаднинг 40% тўғри келади. Унинг барча корхоналарида халқ хўжалигида ишловчиларнинг 50% тўғри келади.

### **15.1. Қишлоқ хўжалиги – аграр саноат комплексининг ўзаги**

**Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусияти.** Қирғизистон қишлоқ хўжалиги аграр саноат комплексининг ўзагини ташкил қилади ва халқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлиб ҳисобланади. Республикада бу тармоқ саноатдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

XX асрнинг 20 йилларигача Қирғизистонда кўчманчи чорвачилик бўлган. Деҳқончилик кам ривожланган. Бошқа ҳудудларга қараганда Фарғона водийсида ўтроқ аҳолининг деҳқончилик хўжаликлари бўлган. Улар бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари билан бирга пахта ҳам экинган. Кейинчалик руслар, украинлар, тунгонлар ўтроқлашган ҳудудларда деҳқончилик ривожлана бошлаган. Қишлоқ хўжалиги бу даврларда экстенсив усулда ривожланиб, чорвачилик маҳсулдорлиги, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги жуда паст даражада бўлган. Ем-хашак танқислигидан қиш оғир келган йиллари чорва моллари озуқа етишмаслигидан қирилиб кетган, халқ баҳорга яқин жуда қийналган. Деҳқончилик асосан муҳтожликнигина қондириб турган. Деҳқончилик ишлари асосан қўл кучи, кетмон, ўроқ, чолғи, галвир ва бошқа оддий асбоблар ёрдамида амалга оширилган. Аммо булар ҳам жуда кам эди. 1910 йилда 24,9 минг от ооч, 86 эгри-бугри мола, 189 хашак ўрадиган асбоблар бор эди. Агротехника, ирригация ишлари жуда содда юргизилиб, суғориладиган майдонлар кенгайтирилган эмас эди.

Совет ҳокимияти даврида тоталитар-маъмурий ҳокимлик ўрнатилди. Марказлаштирилган маъмурий буйруқбозлик ва

режалаштирувчи тизим жорий этилди. Буйруқ ва зўрлаш йўли билан ер-сув ислоҳоти, коллективлаштириш ишлари ўтказилди. Кўчманчи халқ ўтроқ турмушга ўтди. Колхоз ва совхозлар пайдо бўлди. Республикада 1940 йилда коллектив хўжалик деҳқонларнинг 98,9%ини жалб этган, 36 совхоз, 1732 колхоз, 65 машина-трактор станциялари ташкил этилган эди.

Республика қишлоқ хўжалиги майин ва ярим майин жунли қўйчиликка, пахтачиликка, тамакичиликка, қанд лавлаги экишга, беда ва қанд лавлаги уруғини етиштиришга ихтисослашган. Шу билан биргаликда гўшт-сут йўналишидаги қорамол, чўчкачилик, паррандачилик, йилқичилик, узумчилик, боғдорчилик, полдизчилик ривожланди. Уларни жойлаштириш ва баландлик минтақалари бўйича қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш ишларига аҳамият берилди.

Республика ҳудудда баландлик бўйича бир-биридан фарқ қилувчи 8 та иқлим минтақаси бўлиб, улар денгиз сатҳидан ҳар хил баландликдаги водийларда жойлашган. Бу водийларнинг табиий шароитлари баландлик минтақалари бўйича ҳам ўзгаради, шу туфайли водийларда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархи ва бошқа хусусиятлари ҳам ҳар хил.

Республикада қишлоқ хўжалигини ихтисослаштиришда ва жойлаштиришда тоғли ўлкаларга хос бўлган баландлик минтақаларининг хусусиятлари тўлиқ ҳисобга олинмай қолган. Табиий, иқтисодий зоналар ва районлар бўйича қишлоқ хўжалигини илмий асосда жойлаштириш, энг яхши иқлим шароитлари ва маблағни кўпроқ тежаш имконияти бўлган қишлоқ хўжалиги экинларини ўстириш орқали қишлоқ хўжалигини режали ихтисослаштириш амалга оширилган эмас.

Қишлоқ хўжалиги зоналари маъмурий районлар бўйича шартли тарзда қуйидагича тақсимланади:

1. Фарғона водийсининг пахтачилик зонаси, Аравон, Сузоқ, Қорасув, Нўўкен, Бозорқўрғон районлари кирди;
2. Фарғона водийсининг тоғ этакларидаги пахтачилик-чорвачилик зонаси — Лайлак, Қадамжой, Боткен районлари;
3. Фарғона водийси тоғ этакларидаги тамакичилик ва чорвачилик зонаси — Новқат, Ўзган, Аҳси, Олабуқа районлари;
4. Чуй деҳқончилик-чорвачилик зонаси — Чуй вилояти.
5. Талас қўйчилик-тамакичилик зонаси — Талас вилояти;
6. Иссиқкўл чорвачилик-деҳқончилик зонаси — Иссиқкўл вилояти;

7. Баланд тоғли қўйчилик зонаси — Қўчқор, Жумгал, Норин, Оқтола, Тўғизтўра, Отбоши, Тўқтағул, Қорақулжа, Олой, Катта Олой, Учтерак районлари киради.

Ҳозир Республикада қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи кўпгина илмий-тадқиқот муассасалари бор. Бироқ қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш ва жойлаштириш муаммолари бўйича шуғулланувчи бирорта илмий муассаса ва мутахассис йўқ ҳисобида. Шунинг учун қишлоқ хўжалигини илмий асослаб, табиий-иқтисодий зоналар бўйича ихтисослаштиришни амалга ошириш, майда товар хўжаликларини, булар орасида деҳқон хўжаликларини (фермерларни), махсус ихтисослашган кооперацияларни, акционерлик жамиятларини, агрофирмаларни ташкил этишни талаб қилади.

Илгари, совет даврида, қишлоқ хўжалигини бошқарув сиёсатидаги кўпгина камчиликлар билан бирга, чорвачиликдан наслни яхшилаш, юқори ҳосил берувчи қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навларини яратиш, қишлоқ хўжалигини янги техника билан таъминлаш, электрлаштириш, суғориш майдонларини кўпайтириш, минерал ўғитлардан кенг фойдаланиш сингари ишлар амалга оширилган.

Қирғизистон олимлари билан илғор чорвадорларнинг ҳамкорлиги натижасида Республикада чорвачиликнинг янги наслдор зотлари (олатов сиғири, қирғизистоннинг майин жузли қўйи, янги насли қирғизистон йилқиси) етиштирилди. Булар маҳаллий шароитларга жуда чидамли. Уларнинг маҳсулдорлиги бурунги қирғизистон қўйига, молига, йилқисига нисбатан жуда юқори. Аммо чорвачиликдаги янги наслларнинг маҳсулдорлиги, қишлоқ хўжалигидаги янги навларнинг ҳосилдорлиги дунёдаги кўп мамлакатларга нисбатан анча паст. Шунинг учун Республикада моллар наслни, ўсимликларнинг янги навларини яхшилаш борасида кўплаб илмий ишлар олиб борилмоқда.

Республикада қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришда машина-трактор станциялари (МТС) катта аҳамиятга эга бўлган. 1958 йилдан бошлаб МТСлар тарқатилиб, уларга қарашли техника қишлоқ хўжалиги корхоналарига сотилган.

Қирғизистонда қишлоқ хўжалигини электрлаштириш 1935 йилдан бошланган. Бу ишлар иссиқлик (дизел) электр станциялари ва гидроэлектростанцияларни қуриш бошланган даврга тўғри келади. Кейинчалик йирик гидроэлектростанциялар қурилиб, қишлоқ хўжалигини давлат энергетика системаси орқали таъминлаш мақсадида овул-қишлоқларда юқори кучланишдаги

электр узатиш тармоқлари бунёд этилди ва улар кенг қулоч ёзди. Иирик ГЭСлар қурилиши билан овул-қишлоқларга яқин жойлашган тоғ дарёларига қурилган майда электростанцияларнинг иши тўхтатилган. Бу албатта нотўғри. Сабаби, қуввати 1,5 — 3 квт бўлган микроГЭСлар овул-қишлоқларга, айниқса, олис яйловларни электр энергияси билан таъминлашнинг арзон манбаи эди. МикроГЭСларни тоғ дарёларига қуриш ва улардан фойдаланиш кўплаб иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилинади. Бунинг устига майда ГЭСлар экологик жиҳатдан тоза ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштиришда четдан сотиб олинган техниканинг, қурилган электр станцияларнинг, юқори вольтли электр линияларини тортишнинг аҳамияти жуда катта. Улар ёрдамида ер ҳайдаш, уруғ сепиш, молалаш, пичан ўриш, ем-хашак тайёрлаш, уни майдалаш, сигирни машина ёрдамида соғиб олиш, кўй жунини қирқиш, буғдой, пахта, қанд лавлагиси, картошкани йиғиштириб олиш, донни тозалаш, қўра ва саройлар билан ишлаб чиқариш жойларини, парникларни электр ускуналари ёрдамида иситиш ва бошқа ишлар бажарилади. Бироқ ҳозиргача қишлоқ хўжалигини механизациялаш, электрлаштириш яхши йўлга қўйилган эмас.

Келажакда қишлоқ хўжалиги соҳаларини комплекс асосда механизациялаштириш ва электрлаштириш қишлоқ хўжалигининг интенсив равишда ривожланишига ва кўпроқ маҳсулот етиштириш учун имконият яратади.

Минерал ўғитлардан унумли ва сифатли фойдаланиш, тупроқ донаторлигини оширади. 1965 — 1990 йилларда Республикага минерал ўғитлар келтириш 8 ҳиссага кўпайган. Бироқ, улардан нотўғри фойдаланиш ва хўжасизлик туфайли 170 минг гектар суғориладиган майдонлар заҳарланди. Илгари минерал ўғитлар ўрнига маҳаллий ўғитлардан фойдаланилар эди, сўнгги йилларда ундан жуда оз, айрим районларда эса бутунлай фойдаланилмапти. Агарда минерал ўғитлар билан маҳаллий ўғитлар алмаштирилиб фойдаланилса, унда экин майдонлари заҳарланишдан сақланиб, деҳқончилик экинларининг ҳосилдорлиги бундан ҳам зиёда бўлиб, экологик тоза маҳсулотлар етиштирилди. Органик ўғитлар Республикада жуда кўп. Молхоналар, қишловларда тўпланган маҳаллий ўғитлардан ўринли фойдаланилса, қимматбаҳо минерал ўғитларни ташиб келтириш камайтирилса, кўплаб маблағ тежалган бўлур эди. Келажакда биогу-

мусдан деҳқончиликда кенг фойдаланиш лозим. Биогумус – минерал ўғитлардан кескин фарқ қилиб, экологик тоза ўғитдир.

Сув табиатнинг энг қимматбаҳо инъоми, тухфаси, уни ернинг кони деб бекорга айтмаганлар. Сув ерга ҳаёт беради. «Сувсиз ҳаёт йўқ» – деб бекорга айтишмаган.

Қирғизистон табиий шароитида қишлоқ хўжалигини, айниқса, деҳқончиликни ривожлантириш қийин. Суғориш ишлари, ҳозирги Қирғизистон ҳудудида илгаридан мавжуд бўлиб, водийларнинг кўп жойларида эски каналларнинг қолдиқлари ёки изи ҳозир ҳам учраб туради. Водийларга ёндош ётган унча баланд бўлмаган тоғ ёнбағирлари бўйлаб қазиб келинган ариқлар орқали қияликлардаги майдонлар суғорилиб, экин экилганлигини ҳозир ҳам кўриш мумкин. Кейинчалик йирик ирригация каналлари қурила бошлаганда, майда ариқлар кераксиз бўлиб қолди, улар сув келтирган қияликлар яйловларга айлантилди.

XX аср бошларигача, яъни суғорма деҳқончиликдан фойдаланилган аҳоли асосан чорвачилик билан шуғулланган. Масалан, 1914 йилда Қирғизистоннинг ҳозирги ҳудудидаги 640 минг гектар экин майдонининг 438,5 минг гектаригина суғорилган (68,5%).

Суғориладиган майдонлардаги деҳқончилик Республика қишлоқ хўжалигининг асосини ташкил қилади. Ҳозир қишлоқ хўжалиги экинларининг 70%, боғдорчилик, узумчиликнинг 90%, техника экинлари ва полизчилик суғориладиган майдонларда жойлашган. Чорвачилик соҳаси маҳсулдорлигини ошириш ҳам суғориш ишларига боғлиқ.

Ҳозир Чуй водийсида Ғарбий, Шарқий, Шимолний, Катта Чуй, Отбоши, Красноречка каби, Жанубий Қирғизистонда Кўғарт, Ўтузадир, Савай, Қораунғурсой, Талас водийсида Талас, Норин вилоятида Қуланак сингари қатор каналлар бор. Балад тоғлардан бошланиб, водийлар орқали оқиб ўтган дарёлар оқимини бошқариш мақсадида Ўртатўқай, Найман, Тўрткўл, Қорабура, Тўқтағул, Пастки Олаарча сингари сув омборлари қурилган. Ирригация каналларининг умумий узунлиги 30 минг км, бундан 5,3 минг км замонавий муҳандислик иншоотлари билан таъминланган. Суғориш тармоқлари тизимида 36 мингдан ошиқ гидротехник иншоотлар, 6,2 минг гидрометеорологик кузатиш постлари, 321 сув омборлари, 1100 насос станциялари, 1026 бурғилаш қудуқлари бор (1995 йил).

Маълумотларга кўра Республикада 2247,3 минг гектар ер

– мелиорация фонди бўлса, бундан 1077,1 минг гектари суғорилади. Бу кўрсаткич 1914 йилга солиштирганда 2,4 ҳиссага кўп демакдир. Республиканинг суғориладиган майдонларида суғоришнинг илғор усуллари бўлган ёпиқ суғориш тармоқлари, сув қувурларини ётқизиш ва ундан фойдаланиш, жўяклар усулида суғориш ва бошқалар ривожланган. Ҳозир Қирғизистонда суғориш учун яроқ ерларнинг 47,8% ўзлаштирилган, қолган ерларни суғориш ва сув билан таъминлаш келажакдаги вазифадир.

**Ер фонди ва қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг таркиби.** Қирғизистоннинг умумий ер майдони 19,6 млн га, бундан қишлоқ хўжалигига яроқли ер 10,6 млн га ёки 55,8%ни ташкил қилади. Ернинг 44,2% қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз. Улар тоғ чўққиларига, музликларга, музлоқ ерларга, тоғутошларга, мореналарга ва яна бошқаларга тегишли. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг умумий кўламига нисбатан экин майдонларига 12,3%, ўзлаштирилмаган ерларга –0,1% кўп йиллик ўсимликлар ўсадиган ерларга – 0,4%, табиий яйловларга – 85,6% тўғри келади.

Республикада ем-хашак тайёрладиган жойлар жуда оз, яйловлар эса ўсимликларнинг турлари, ем-хашак заҳираси, аҳамияти бўйича турли тумандир. Экин майдонларига яроқли ерлар асосан тоғ этакларидаги далаларда, баланд тоғ водийларининг текис жойларида учрайди. Собиқ колхоз-совхоз тизими бозор шаронтида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таъминлай олмай, якка ташаббусга йўл очиб бера бошлади. Шунинг учун 1991 йилдан бошлаб Республикада ер ва аграр ислоҳоти амалга оширила бошланди. Колхоз-совхозлар тугатилиб, ер 99 йиллик муддат билан қишлоқ аҳолисига берилди. Натижада қишлоқ жойларда фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ташкил этилди. Республикада 23,2 минг деҳқон ва фермер хўжаликлари бор (1 январь 1996 йил).

Республикада кишиларни завқлантирувчи, Олатовга ҳусн бериб турувчи ҳар хил дарахтларнинг турларидан ташкил топган ўрмонлар билан бутазорлар ҳам бор, бироқ буларнинг майдони жуда оз (3,5%).

Қирғизистонда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотнинг 53,4% чорвачиликдан, қолган 46,6% деҳқончиликдан олинади (1995 йил).

**Чорвачилик.** Қирғизистон чорвачилиги кўп тармоқли. Унинг энг асосийлари қўйчилик, йирик шохли қорамол ва йи-

лқичилик. Булардан ташқари паррандачилик, пиллачилик ва асаларичилик ҳам бор. Дарёларда, кўлларда, ҳовузларда эса балиқ кўп. Буларнинг барчаси ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотларини (гўшт, сут, ёғ, тухум, асал, балиқ), хом ашёларни (жуи, тери, пилла) ва чилик учун маҳаллий ўғит (гўнг) берса асаларичилик эса маданий ўсимликларни чаңглатиб, ҳосилдорликни кўпайтиришга ёрдам беради.

Чорвачиликнинг ривожланишида ва уни ихтисослаштиришда ем-хашак базаси катта аҳамиятга эга. Мустаҳкам ем-хашак базаси чорвачилик соҳаларини жадал ривожлантириш гаровидир.

**Ем-хашак базаси.** Республикада чорвачилик учун ем-хашак базасини табиий яйловлар, деҳқончиликдан йиғилган ем-хашак ва саноат асосида тайёрланган аралаш озуқалар ташкил қилади.

**Табиий яйловлар.** Қирғизистоннинг асосий табиий бойлиги — унинг табиий яйловларидир. Табиий яйловлар денгиз сатҳидан 500 — 4000 м баландликларда жойлашган. Баланд тоғли яйловлар денгиз сатҳидан 2600 — 400 м баландликда жойлашиб, 4,1 млн га майдонни эгаллайди. Бундан 1,9 млн га яйлов денгиз сатҳидан 3000 — 4000 м баландликлардан ўрин олган.

Яйловлар ва ўтлоқлар денгиз сатҳидан турли баландликларда, унча катта бўлмаган текис майдонларни ҳосил қилиб жойлашган, бу эса улардан кўчма яйлов сифатида фойдаланиб, мол боқишда қулайлик туғдиради. Баландликка боғлиқ ҳолда ўт-ўланлар ҳар хил муддатда ўсанлиги туфайли, мол учун йилнинг ҳамма фаслида озуқа топилади. Йил фаслларига қараб яйловлар ёзги, кузги, қишги ва баҳорғиларга бўлинади. Ёзги яйловлар 45%ни, қишқилари — 25%ни, баҳор ва кузгилари — 30%ни ташкил этади. Яйловлар субальп ва альп зоналарига мансуб бўлиб, айрим баланд тоғли районларда жуда катта майдонларга эга. Уларнинг айримлари ўзлари эгаллаган майдонни, ўтлоқ биомассасининг заҳираси ва географик ҳолатининг қулайлиги бўйича (Сусамир, Олай, Чотқол водийлари) Қирғизистондагина эмас, Марказий Осиё мамлакатларида ҳам катта аҳамиятга эга.

Ёзги яйловларнинг майдони жиҳатидан Норин вилояти Республикада биринчи ўринни эгаллайди, бироқ унинг Оқсой, Арпа сингари машҳур яйловларидан олислиги туфайли, яхши фойдаланилмайди. Иккинчи ўринни Республиканинг жануби эгаллайди. Унинг Катта Олой, Чотқол водийларида ёз фаслида Қирғи-

зистонгина эмас, Ўзбекистоннинг, Тожикистоннинг ҳам моллари боқилади. Қирғизистон ва Қозоғистон моллари учун Сусамир яйлови энг қулай яйловлардан бири ҳисобланади. Булардан ташқари Иссиққўлнинг Кунгай, Терскай томонларида, Сарижазда, Жетиўғиз ва Тўн районининг сирт томонларида, катта Кемин водийсининг ғарбий қисмидаги Кўкойроқда ҳам бир қанча ёзги яйловлар бор.

Қирғизистоннинг кўчиб юрувчи чорва моллари учун қишки яйловнинг ҳам аҳамияти катта. Бироқ майдони ва ем-хашак базаси ёзги яйловларга қараганда оз. Улар ҳамма яйловларнинг тўртдан бир қисминигина эгаллайди. Асосий районлари: Иссиққўл водийсининг ғарби, Иссиққўл сиртлари, Қўчқор, Жумғал, Қорақужур водийлари, Жалолобод вилоятидаги Қизилжар қишлови. Чуй вилоятининг районларида қишки яйловлар жуда оз. Шунинг учун сўнгги йилларда ўзаро келишув бўйича қўйларнинг кўпчилик қисми Қозоғистон ҳудудида — Балхаш кўлининг жанубидаги Кенес-Анархай қишловида ишлатилади.

Республиканинг кўп ерларида ёзги ва кузги яйловлар жойлашган. Экин майдонлари кенгайтирилгунга қадар бундай яйловлар Қирғизистоннинг ҳамма жойларида бор эди. Экин майдонлари шу яйловлар ҳисобидан кенгайди. Чуй, Талас водийларида, Ўш, Жалолобод вилоятларидаги ёзги-кузги яйловлар жуда қисқариб кетди. Ҳозирги кунда Иссиққўл, Норин вилоятларида ёзги-кузги яйловлар тоғ тизмаларининг қуйи ёнбағирларида учраб туради. Моллар баҳорда ва кузда доимо бир жойда ўтлатилганлигидан ем-хашак заҳираси етарли эмас.

Собиқ совет даврида чорва молларининг сони жуда кўпайиб кетган. Яйловларнинг ҳар бир гектарида меъёридан ортиқча мол боқилган. Яйловлардан режасиз равишда фойдаланилган. Мол туёғи остида эзилган яйловлар 75% га етган. Бутун яйловларнинг 3 млн га дан ортиғини мол емайдиған ёввойи хашак, 1,7 млн га майдон эрозияга учраб, ўт чиқмай, тақир ерга айланиб кетди. Тоғ ёнбағирлари ва этакларидаги 170 минг га ер эрозияга учраган. Баҳор ва кузги, қишки яйловларнинг кўпчилик майдонларини лойқа ва шўр босиб кетган.

Илмий муассасаларнинг маълумотларига кўра 1930 — 1950 йилларда яйловларнинг ҳар бир гектаридан 1012 ц хашак (қуритилгани) ғамлаб олинган бўлса, ҳозир эса 2 — 4 центнердан ошмайди. Агарда 1950 — 1960 йилларда табиий хашакнинг ҳиссаси Республикада тайёрланган чорва озуқасининг 65%ини ташкил қилган бўлса, ҳозир у 37% га тушиб қолди.

Келажақда яйловларни яхшилаш учун улардан алмаштирилиб фойдаланиш, йиллар мобайнида йиғилган гўнглари минерал озуқа қаторида ерга сочиш, эрозияга ва ёввойи ўсимликларга қарши кураш чораларини кўриш, яйловларни суғориш ва табиий ем-хашакка ярайдиган ўсимликларни экиб, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, қўйлар учун лалмикор ерларда, йирик шоҳди қорамоллар учун эса пичанзорларда маданий яйловларни ташкил қилиш сингари ишлар чорвачиликнинг доимий ем-хашак базасини яратишга кўмаклашади.

Бозор иқтисодиёти шароитида яйловлар давлат томонидан фермерларга, чўпонларга, кооператорларга ва бошқа хўжаликларга ижарага берилади. Улардан яйловлардан тўғри фойдаланиш, сифатини яхшилаш, илмий кашфиёт ва ютуқларни кенг ёйиш, ҳосилдорликни ошириш талаб қилинади.

**Деҳқончиликда озуқа етиштириш.** Озуқа етиштиришнинг иккинчи манбаи деҳқончиликдир. Озуқабоп ўсимликларнинг майдони 1913 йилда ҳамма экин майдонининг 6,3%ини эгаллаган бўлса, ҳозирги даврда 36,6% ни эгаллайди (1995 йил). Бунга ем учун экилган арпа, сули ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлар майдонини эгаллайди.


Озуқа учун экилган қишлоқ хўжалиги экинларининг майдони, табиий яйловлар майдонидан 17,5 ҳисса оз. Бироқ деҳқончиликда ем-хашакнинг 60% тайёрланади.

Республикада ем-хашак учун беда, эспарцет, қашқа беда, уй бедаси, оқ сўхта, чалов, тарақ бош, рапе ва бошқалар экилади. Илдиз мевали ўсимликлардан — қанд лавлагги, турп, шөлгом, картошка, ер олмурти, силос учун маккажўхори, кунгабоқар, ем учун экилувчи ловия, ем-хашак ва ем учун бугдой, сули, арпа, маккажўхорилар экилади.

Чорвачилик деҳқончиликдан қўшимча озуқа сифатида қатор дон экинларининг сомонини, қанд лавлагининг баргини олади.

**Саноат асосида озуқа ишлаб чиқариш.** Республикада аралаш озуқани саноат асосида ишлаб чиқариш кейинги йилларда йўлга қўйилди. Чорвачиликнинг аралаш озуқага бўлган талаби жуда юқори.

Аралаш озуқа саноати бошқа озуқабоп ўсимликлар, озиқ-овқат қолдиқлари, шунииндек, чет мамлакатлардан, кўпинча Россиядан, Қозоғистондан сотиб олинган дон, Узоқ Шарқдан балиқ қолдиқларидан тортилган ун, Москва атрофидаги вилоятлардан келтирилган фосфат бирикмалари, Грузиядан келти-



Кўй чорваси (чорвачилик тузилмасидаги ҳиссаси, %)

рилган натрий бентонити, Урал озуқа ачитқилари (хамиргуруш), Иркутскдан келтирилган шпрот сингари хом ашёлар асосида ривожланиб келган.

Аралаш озуқа заводлари Республикадаги ун комбинатлари қошида жойлашган. Булар Тўқмоқ, Бишкек Қораболта, Балиқчи, Қоракўл, Қорасув, Жалолобод, Ўш, Норин, Талас шаҳарларида жойлашган. Бироқ хом ашёнинг камлигидан улар тўлиқ қувватда ишлай олмайди.

Республиканинг овул-қишлоқларидаги хўжаликларда, олис ва баланд тоғли яйловларда озуқа ишлаб чиқарувчи цехлар қурилиб, улар Қирғизистонда ишлаб чиқарилган аралаш озуқанинг 5%ини бериб келган. Буларда чиқарилган аралаш озуқанинг таннархи, йирик корхоналарда тайёрланган озуқанинг таннархидан 2,5 ҳисса арзонга тушган. Сабаби, улар хом ашёни ўзлари етиштиришган.

Чорвачилик билан шуғулланувчи хўжаликлар ун комбинатларидан кепак, қанд заводларидан лавлаги қолдиғи билан шинисини, ёғ чиқарувчи заводлардан кунжара, пиво заводларидан барда, сут заводларидан сариқ сув билан қаймоғи олинган сутни олади. Озиқ-овқат корхоналари нушқутларини беради. Мана шулар аралашмасидан моллар учун зўр аралаш озуқа тайёрлаш мумкин.

Республика чорвачилиғи ҳали доимий озуқа билан тўлиқ таъминлангани йўқ. Бундан кейин Республика чорвачилиғи учун доимий озуқа базасини яратиш, сифатини яхшилаш чорвачилик маҳсулдорлиғини оширади, мол туёғини озаймаслиғига имкон яратади.

**Чорвачилик тармоқлари.** Қирғизистонда моллар сони йилдан-йилга кўпайиб келган. Аммо бозор иқтисодиғи ўтишдаги вақтинчалик даврда моллар сони кескин қисқариб кетди. Республикада чорвачиликнинг асосий тармоғи қўйчилик ҳисобланади.

**Қўйчилик.** Қирғизистон қўйчиликда азалдан номи чиққан ўлка. Бу унинг тоғли рельефиға ва табиий-иқтисодий шароитидан келиб чиққан. Қўйчиликнинг асосий озуқа базаси табиий яйловлардир. Қўйчиликнинг яхши ривожланиши учун қулай бўлган ҳудудларға Норин вилояти, Иссиқкўл сиртлари, водийнинг ғарбий томони, Ўш, Жалолобод вилоятларининг тоғли районлари киради.

Кейинги ўринда Талас, Кемин водийлари, Иссиқкўл водийсининг шарқий қисми, жанубда Фарғона, Олой, Туркистон тоғ-

ларининг Фарғона водийсига қараган ёнбағирлари туради. Дехқончилик яхши ривожланган Чуй, Фарғона водийларининг текисликлари қўйчилик учун ноқулай. Бироқ қўйчилик Республиканинг ҳамма табиий-иқтисодий зоналарида ривожланган.

Сўнгги йилларгача (1990 йил) қўйчиликка бутун чорвачилик маҳсулотининг 43%, шунингдек, қишлоқ хўжалигидан олинган ялпи маҳсулотнинг 34%, тоғли районларда эса 85 — 90% тўғри келган.

Собиқ совет даврида Қирғизистон жун ва қўй гўшти тайёрлаш бўйича Россия ва Қозоғистондан кейинги учинчи ўринда турган.

Ҳозир майин ва ярим майин жунли Қирғизистон қўйларининг маҳсулдорлиги Австралия, Янги Зеландия қўйларининг маҳсулдорлигидан бирмунча паст. Шунинг учун Қирғизистон олимлари янги майин жунли Қирғизистон наслдор қўйларини етиштириш устида ишламоқдалар. Ҳозир майин жунли қўйларнинг ҳар биридан ўртача 2,6 — 3,2 кг жун қирқиб олинса, янги зотли Қирғизистон майин жунли қўйидан 6,4 — 7,0 кг дан жун қирқилиб олинади. Тяньшан номли қўй зотларидан ўрта ҳисобда 4,9 — 5,5 кг дан жун олиш мақсадида уларнинг зотини яхшилаш ишлари олиб борилмоқда. Олой зотли қўйларнинг жунни ярим йирик. Улардан ўртача 3 — 4 кгдан жун қирқиб олинади. Бу жундан гилам тўкилади.


**Эчкичилик.** Қирғизистон ҳудудида азалдан осие эчкилари зотидан бўлган маҳаллий қирғизистон эчкилари боқиб келинади.

Маҳаллий эчкилар йил бўйи яйловларда боқилганлиги учун, улар ҳар қандай табиий шароитга чидамлилиги билан ажралиб туради.

Сўнгги пайтларда майин юнгли дурагай эчкилари кўпайтириш бўйича селекция — урчитиш ишлари давом эттирилмоқда. Тоза оқ юнгли эчкиларнинг юқори маҳсулотли янги зоти яратилди. Улар Ахси, Олабуқа, Ўзган, Тўқтағул, Тоғузтўрў, Жумгал, Боткен, Қадамжой, Лайлак, Олой районларида боқилади.

Республикадаги эчкичилик хўжалиги чорвачиликнинг келажаги бор тармоғидир. Эчки тивитини чет мамлакатларга доимий нарҳда валютага сотиш мумкин. Келажакда фермер ва бошқа хўжаликлар эчкилар сонини ва улардан олинувчи маҳсулотларни кўпайтиришидир.

**Қорамолчилик.** Қирғизистон чорвачилигининг иккинчи энг зарур тармоғи қорамолчилик бўлиб ҳисобланади. Қирғи-



Сут йўналишидаги мол чорваси (Мол чорвачилик тузилмасидаги ҳиссаи,%)

зистон хўжаликларида мол боқиш 2 йўналишда: Чуй, Талас водийларида, Иссиқкўл вилоятида, Жалолобод, Ўш вилоятининг деҳқончилик зоналарида сут-гўшт йўналишида, шунингдек, баланд тоғли районларда — гўшт-сут йўналишида ривожланмоқда. Қирғизистонда маҳаллий зот сигирлардан сут ва гўшти бўйича юқори маҳсулдорлиги билан ажралиб турувчи олатов зотли сигирлар етиштирилди. Талас водийсида сут-гўшт йўналишидаги зоти яхшиланган авлиёота дурагай сигирлари кўп боқилади. Ҳамма иқтисодий районларда молларни бўрдоқига боқадиган хўжаликлар бор.

**Қўтосчилик.** У Қирғизистон чорвачилигида кўмакчи тармоқлардан бири. Қўтослар баланд тоғларда денгиз сатҳидан 3—6,5 минг метр баландликда яшайди. Қирғизистоннинг баланд тоғли районларидаги қўтослар ёзи доимо қор-бўронли, чақир тошли, қорли бўлган яйловларда яшайди. Қишда эса бошқа ҳеч қандай ҳайвон юра олмайдиган ерларда ҳар хил ўт-ўданларни еб ҳаёт кечиради. Қўтослар ёввойи қайбергенлар (кийикларнинг подшоси) юрган жойларгача бориб, доривор ўсимликлар билан озиқланади. Энг баланд чўққиларда ҳам ўзларини яхши ҳис қилади. Қўтослар 50—60<sup>о</sup> совуққа, изғирин бўронли қор ва ёғин-сочинларга дош бера олади. Қўтослар арзон маҳсулот бераётган бўлсада, уларга етарлича аҳамият берилмаётир. Қўтосчилик хўжаликлари Катта Олой, Новқат, Отбоши, Тўн, Жетиоғуз, Чотқол, Қоракулжа, Тоғузтўрў сингари олис тоғли районларда жойлашган. Келажакда улар сонини кўпайтириб, арзон маҳсулот етиштириш ва кўп фойда олиш мумкин.

**Чўчқачилик** — Қирғизистон учун энг янги соҳа. Асосан Чуйда, Иссиқкўлнинг шарқий қисмида, Кўгарт водийсининг юқори қисмида, Қуршобда, Таласда, Бақайота районидаги айрим хўжаликларда жойлашган. Улар кўпинча оқ чўчқа зотини боқишади. Яхши аҳамият берилса, жуда сердаромад соҳа.

**Йилқичилик.** Қирғизистонда йилқичилик қадим замонлардан бери кўчманчи ёки ярим кўчманчи хўжаликларга мослашиб, ривожланиб келган. Собиқ совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ Қирғизистон отларининг зотини яхшилаш бўйича кўзга кўринарли ишлар қилинди. Иссиқкўл, Новқат, Талас, Тяншан районларида дурагайлаш бўйича от заводлари ташкил этилиб, янги зотлар яратилган. Аммо отларнинг сони 1950 йиллари кескин қисқарди. Агар 1925 йилда Республикада отлар сони 437,8 минг бош бўлса, у 1964 йилда 221,0 минггача

қисқарган. Сўнгги йилларда от боқишга аҳамият берилди бошланди. Йилқичилик хўжалиги гўшт, қимиз беради. Қимиз дам олиш уйларида кенг истеъмол қилиниб келинмоқда. От туризми гўзал дараларда, чиройли водийларда, айниқса, Иссиқкўлнинг курорт зоналарида кенг уюштирилмоқда. От спорти, отчопарлар яхши ривожланган.

Қирғизистон табиий-иқтисодий шароитида отларни уюрур (бир қанча байтал отлар битта айғири билан) боқиш қулай. Ҳозир Республикада отларнинг 62% уюр-уюри билан яйловларда ва қишловларда боқилади. Отларнинг ем-хашакка бўлган эҳтиёжининг 80 — 90%и йил бўйи даладан қондирилади. Бу эса кўп маблағни тежашга ёрдам беради. Келажакда йилқичиликни янада ривожлантириш учун тўлиқ имконият бор.

**Паррандачилик.** 30 йилларда Республика хўжаликларидан майда паррандачилик фабрикалари ташкил этилиб, улар кўмакчи хўжалик қаторида ривожлана бошлаган. Кейинчалик улар йўқ қилиниб 60-йиллардан бошлаб Сокулук, Оламудин, Отбоши, Бишкек, Жалолобод, Қорасув, Сузоқ, Иссиқота, Иссиқкўлда тухум ва гўшт йўналишидаги йирик паррандачилик фабрикалари ташкил қилинди.

Республикада тайёрланган тухумнинг 51,5%, парранда гўштининг 44,8% қўлда боқилувчи паррандалар ҳиссасига тўғри келади.

Паррандачилик фабрикаси аралаш озуқа ва ем базасида ишлайди. Уларни кўпинча Қозоғистондан ва Россиядан олиб туришган. Бозор иқтисоди шароитида чет мамлакатлардан дон келтириш камайди. Маҳаллий дон эса аҳоли эҳтиёжига ишлатилмоқда. Натижада, озуқа камлигидан фабрикалар ишламай қолди.

Сўнгги йилларда майда хўжаликларда товуқ, курка, ғоз, ўрдакларни боқишга аҳамият берилмоқда. Уй паррандаларининг асосий озуқаси дон бўлганлигидан Республиканинг деҳқончилик зонасида бу соҳа кўпроқ ривожлана бошлади. Асосий районлари: Чуй, Талас, Ўш, Жалолобод, Иссиқкўл вилоятининг деҳқончилик зоналари. Буларда паррандалардан — товуқ кўпроқ боқилади. Куркалар бўлса, асосан Ўш, Жалолобод вилоятларининг Фарғона водийсига туташган текисликлардаги ва тоғ этакларидаги хўжаликларда боқилади. Ғоз, ўрдаклар Чуй ва Иссиқкўлнинг айрим хўжаликларидан боқилмоқда.

**Пиллачилик.** Қирғизистон қишлоқ хўжалигида ёрдамчи тармоқ бўлиб ҳисобланади. У Ўш, Жалолобод вилоятларида

ривожланган. Пиллачилиқнинг асосини ташкил қилган тут дарахтининг барглари ипак қурти учун озуқа бўлиб ҳисобланади. Тут дарахтлари экин майдонларининг чеккаларига, йўл бўйларига, каналлар, ариқлар, ҳовузларнинг чеккаларига экилади. Шунингдек, тут дарахтлари махсус, унча катта бўлмаган майдонларга ҳам экилади. Ҳамма тут барги ялпи ҳосилнинг 82%ини қатор экилган тут дарахтлари беради. Тут плантацияларидан олинувчи озуқалар 18%ни ташкил қилади.

**Асаларичилик.** Қирғизистон табиий шароитида асаларичилиқнинг ривожланишига тўлиқ имконият бор. Республикада табиий гуллар ва қишлоқ хўжалиги экинлари бир вақтда гуллайди. Уларнинг гуллаш вақтлари баландлик минтақалари бўйича ўзгаради. Шунинг учун асалариларни яшиқлари билан бир минтақадан иккинчисига доимо кўчириб юришга тўғри келади. Водийларнинг деҳқончилик далаларидаги беда, эспацет, мева боғлари, сабзавотлар, полиз ва бошқа ўсимликлар, тоғларда ўсувчи табиий ўсимликлар гуллаган даврида бир томондан чанглаштиришни талаб қилса, иккинчи томондан асаларилар учун озуқа базаси бўлиб ҳисобланади.

Асаларичилик дастлаб XIX асрнинг 70-йилларида рус, украин мусофирлари томонидан Қоракўл шаҳрининг атрофига, 1910 — 1915 йилларда Республиканинг жанубига, Чуй водийсига олиб келинган. Кейинчалик аричилик хўжаликларда ва аҳолининг ёрдамчи хўжаликларида асаларичилик сердаромад соҳа қаторида ривожлана бошлади. Республикада 100 мингга яқин асалари яшиғи бор. Йилига ўртача ҳар бир яшиқдан 35 — 45 кг дан 80 кг гача асал олинади. Келажакда Республикадаги хўжалиқларнинг ҳаммаси, айниқса, овул-қишлоқ хўжалиқлари асаларичилиқни кенг ривожлантириш имкониятига эгадирлар. Мутахассисларнинг ҳисоби бўйича Республикада асалдан ташқари йилига 150 — 160 тонна асалари муми, 2 тонна асалари елими, 1,5 тонна асалари сути, 5 — 6 кг ари заҳари олиш мумкин.

**Балиқчилик.** Республиканинг балиқчилик хўжалиги табиий кўлларда, дарёларда, сув омборларида ривожланган.

Иссиқкўлда (балиқнинг турлари — мой чабоқ, кўк ола, сазан, форель, судак, лешч, сиг ва бошқалар), Тўқтағул, Палон, Ўртатўқай, Қорабура сингари сув омборларида, дарёларида балиқлар кўп. Қимматбаҳо балиқлар Иссиқкўлдаги Тўн, Қоракўл заводларида урчитилади. Заводларда йилига 17,5 млн форель 6,5 млн алабуға, 50 млн сиг балиқларининг уруғи инкубациялана-

ди. Улар Иссиқкўл, Сўнкўл, бир қатор ҳовузларда ва сув омборларида ривожлантирилади.

Келажақда Иссиқкўлда чабак балиғини кўпайтиришга, ҳовузларда, сув омборларида, балиқ заводларида, балиқ хўжалигини илмий асосда ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади.

**Дехдончилик.** Ҳозир Қирғизистон йирик чорвадор Республикагина эмас, балки пахта, тамаки, қанд лавлағи, беда уруғи, сабзавотчилик, боғдорчилик ва бошқаларни етиштирувчи ўлка сифатида ҳам машҳурдир.

Қишлоқ хўжалиги ўсимликлари майдонининг таркиби ХХ аср бошларига қараганда ҳозир анча ўзгарди. Мисол учун, 1914 йилда экин майдонларининг таркибида дон экинлари –86,5%, техника ўсимликлари –4,8%, сабзавот-полиз ва картошка –2,1%, ем-хашак ўсимликларига –6,4% тўғри келган бўлса, 1995 йилда дон экинларига –46,6%, техника ўсимликларига –9,5%, ем-хашак ўсимликларига –36,6% тўғри келган.

Экин майдонларининг таркибида бундан кейин ҳам дон экинлари кўпаяди. Сабаби Россия, Қозоғистон Қирғизистонга дон сотишни жуда камайтириб юборди. Шунинг учун Республика хўжаликларида дон етиштиришни кўпайтиришга киришилди. Дон аҳоли учун озиқ-овқат, мол учун тўйимли озуқа бўлиб ҳисобланади.

**Ғаллачилик.** Аҳолини озиқ-овқат (ун, нон, крупа) маҳсулотлари билан, чорвачиликни эса ем-хашак билан таъминлашда ғаллачиликнинг аҳамияти жуда катта. Дон етиштиришни кўпайтириш қишлоқ хўжалигидаги энг катта муаммолардан ҳисобланади. Дон экинлари Республикада суғориладиган ва лалмикор ерларга экилади. Унинг майдони йилдан-йилга кенгайтирилмоқда, ҳосилдорлиги ортмоқда, ялпи ҳосили кўпаймоқда. Қирғизистонда дон экинлари орасидан кўпроқ экиладигани буғдой, арпа, маккажўхори. Булардан ташқари сули, нўхат, тарик, шоли, жавдари буғдой экилади.

Республикада экиладиган ҳамма дон экинларининг 65%ини буғдой ташкил қилади. Авваллари фақат баҳорги буғдой экилса, ҳозир кўпинча кузги буғдой экилади. Буғдой экилувчи асосий районлар: Чуй, Талас водийлари, Иссиқкўлнинг маркази ва шарқий қисми, Ўш, Жалолобод вилоятларининг тоғ этаклари. Сўнгги йилларда буғдой ўсмайди деб ҳисобланган Отбоши районида ҳам буғдой экилиб, яхшигина ҳосил олинмоқда. Ҳозирги кунда Норин вилоятининг кўпгина районларида ҳам буғдой эки-

лади. Умуман Республиканинг ҳамма қишлоқ хўжалиги зоналарига буғдой экса бўлади.

Республикада баҳорги ва кузги арпа экилади. Арпа буғдойга нисбатан совуққа чидамли бўлади. Тоғ этакларидаги адирлар, баланд тоғли водийлар арпа экиладиган асосий районлар бўлиб ҳисобланади. Нерин, Ўш, Жалолобод вилоятларининг текислик ва суғориладиган майдонларида, Талас вилоятининг қуйи ҳудудларига экилади. Экилган маккажў-хорилар кўпинча Оқсувдаги крахмал-глюкоза заводига хом ашё сифатида жўнатилади, аҳоли учун озиқ-овқат ва моллар учун озуқа сифатида фойдаланилади. Сули Республикадаги йилқичилик фермаларининг атрофларига ем учун экилади. Бошқа районларда унчалик кўп экилмайди.

Дуккакли ўсимликлар дон экинлари орасида оз экилгани билан жуда қадрланади. Улар асосан Чуй, Талас, Иссиқкўл водийларида, Ўш, Жалол-обод вилоятларининг тоғ этакларида экилади. Келажакда уларнинг майдонларини кенгайтириб, ҳосилдорлигини кўтариш керак, сабаби улар жуда фойдали ва тўйимлидир.

Бошқа дон экинлари, айниқса шоли ва тарик кам экилади. Булар экиладиган майдонлар унча катта эмас. Сўнгги йилларда деҳқон хўжаликлари, кооперативлар ва бошқа хўжаликлар шолини Ўш, Жалолобод вилоятларида дарёлар ва каналлар бўйларига (кўпчилиги Қорадарё, Ясси, Қуршоб дарёларининг бўйларига) экишмоқда. Халқ орасида жуда қадрланувчи «Ўзган гуручи» мана шу ҳудудларда экилади. Бу қимматбаҳо экинни бундан кейин ҳам кўпроқ экиб, экин майдонларини кенгайтириш керак.

**Техника ўсимликлари.** Айрим техника ўсимликлари, айниқса, пахта Қирғизистонда қадимдан экилади. Собиқ совет ҳокимияти йилларида Қирғизистон техника ўсимликларини экувчи йирик ўлкалардан бирига айлантирилган. Қирғизистонда пахтадан бошқа зиғир, кунгабоқар, қанд лавлаги, каноп, горчица, тамаки экилади. Буларни жойлаштиришда ҳар бир водийнинг ва районнинг табиий, иқтисодий хусусиятлари тўлиқ назарда тутилмай, айрим техника ўсимликлари бир водийдан иккинчисига, бир хўжаликдан иккинчи хўжаликка кўчирилган. Масалан, Чуй водийсида 1932 йилгача тамаки экилиб келинган бўлса, кейинчалик 1950 йилларда тамаки Талас водийсида, пахта эса Республиканинг жапубида экила бошлади.

Сўнгги йилларда зиғир, кунгабоқар, горчица, каноп, кўксаф-

из, кўкнори, қанд лавлаги экилиши тўхтаб қолди. Шунингдек, пахта, тамаки, эфир мойи берувчи ўсимликларнинг майдони 58,9 минг гектарга қисқариб кетди.

Бозор иқтисодий шароитида қайси техника ўсимлиги аҳоли учун кўпроқ фойда ва даромад олиб келса, ўша ўсимликка кент йўли очилади.

Пахта кўп йиллар мобайнида Республикада асосий техника ўсимликларидан бири бўлиб келган. Аммо, охириги йилларда пахтага унчалик аҳамият берилмай кўйилди. Масалан, 1980 йилда пахта майдони 76,3 минг га бўлса, у 1992 йилда 21,5 минг гектарга, ёки 3,5 марта қисқарди. Ҳосилдорлиги гектарига 28 центнердан 21,1 центнерга, ялпи ҳосили 206,6 минг тоннадан 52,4 минг тоннагача ёки 3,9 мартага камайиб кетди. Пахтадан бўшаган ерларга тамаки, кўп йиллик ўсимликлар ва бошқалар экилган. Ҳозирги кунда пахта майдони яна кенгайтирилиб, 33,2 минг гектарга етди (1995 йил). Республикадаги пахтадан газлама тўқувчи корхоналарнинг талабини қондириш ва пахтачи четга сотиш учун, уни етиштиришни, кам деганда 100 минг тоннага етказиш талаб қилинади.

Совет ҳокимияти йилларида Жанубит-ғарбий Қирғизистоннинг баланд минтақалари ҳисобга олинмай, пахта икки зонага:

1) Фарғона водийсига тўғридан-тўғри туташ бўлган ҳудудларга;

2) Ўш, Жалолобод вилоятларининг тоғ этакларидаги районларига экиб келинган. 1963 йилгача пахта экиладиган майдонларнинг 80% биринчи зонага кирган Аравон, Қорасув, Сузоқ, Бозорқўрғон, Ноокен, Ахси, Қадамжой, Боткен, Лайлак районларининг 1000 м баландликдан пастда бўлган суғориловчи ерларида жойлашган. Бу зонадаги кўпчилик хўжаликлар пахта майдонининг ҳар гектаридан 27—30 центнер, айрим илғор хўжаликлар 4045 центнер ҳосил олишган. Илғор пахтакор, 2 марта Меҳант қаҳрамони бўлган А.Анаров гектаридан 80 центнергача ҳосил олган. Пахта экилувчи иккинчи зона 1000 м баландликдан юқорида жойлашган. Унда экилган пахтадан 20 йил мобайнида ўрта ҳисобда 8—10 центнердангина ҳосил олинган. Биринчи зонадан олинган пахтанинг таннархи иккинчи зонага қараганда 2,5—3 ҳисса арзон бўлган. Ҳақиқатан ҳам иккинчи зонанинг табиий-иқтисодий шароитларида пахтадан юқори ҳосил олишга имкон бўлмаган. Шунинг учун сўнгги йилларда пахта экилувчи майдонлар тўлиқ биринчи зонага жойлаштирилди. Аммо 1982 йиллардан бошлаб пахта майдонлари қисқариб,

тамаки ва бошқа ўсимликлар экилган. Сўнгги йилларда пахта майдонлари қайтадан биринчи зонада кенгайтирила бошланди. Бу тўғри йўналишдир.

**Қанд лавлаги.** Республиканинг Чуй, Фарғона, Талас водийлари, Иссиқкўл ботифининг шарқий қисми қанд лавлагини етиштириш учун жуда қулай. Бироқ пахта, тамаки майдонларига зиён келтирмаслик мақсадида қанд лавлаги 1930 йилларда Чуй водийсига жойлаштирилди.

1940 йилда қанд лавлагининг умумий майдони 15,1 минг гектарга, ҳосилдорлиги гектаридан 408 центнерга, ялпи ҳосили 682,4 минг тоннага етган. Шундай қилиб, суғориладиган ерларда етиштирилган қанд лавлагининг ҳосилдорлиги бўйича Чуй водийси жаҳонда танилди. Илғор лавлагикорлар ундан ҳам кўп ҳосил етиштиришган. масалан, 2 марта Меҳнат қаҳрамони Зууракан Кайназарованинг звеноси ўртача ҳар бир гектар ердан 724 центнердан ҳосил олишга эришган, ўзи бошқарган майдоннинг ҳар бир гектаридан 1000 центнергача ҳосил етиштирган.

Шуни таъкидлаш лозимки, дунёдаги энг ривожланган Америка Қўшма Штатларида XIX асрдан бери қанд лавлаги экилади. Бу ерда 100 йил мобайнида биринчи марта 1933 йили Калифорния штатидаги суғориладиган майдонларда деҳқончилик қилган хўжаликларда ҳар гектаридан 800 — 900 центнердан рекорд ҳосили олинган.

Сўнгги йилларда қанд лавлаги экиладиган ерлар майдони бирмунча кенгайтирилди: 1965 йилда 53,5 минг гектарга етказилиб, ялпи ҳосили эса 1874, 8 минг тоннани ташкил қилди. Бироқ ҳосилдорлиги ва ундаги қанд таркиби пасая бошлади. Масалан, Чуй водийсида лавлагининг қанд таркиби 1940 йилда 18,63% дан 1983 йилда 10,77% га, ҳосилдорлиги эса гектар бошига 206 центнергача камайди. Шунинг учун Қирғизистонда 1983 йилдан саоат асосида қанд лавлаги етиштириш тўхтатилди.

Ҳозир Қирғизистонда қандга бўлган талаб жуда кўпайди. Четдан сотиб келинган шакар жуда қимматга тушмоқда. Шунинг учун қанд лавлаги Чуй, Жалолобод, Ўш, Иссиқкўл, Талас вилоятларининг жадал ривожланган деҳқончилик зоналарига экилиб, экин майдонлари кенгайтирилмоқда. Шу йўналишда экин майдони 1995 йилда 13,5 минг гектарга етди. Яқин йилларда қанд лавлаги экиладиган ерлар майдони 27-30 минг гектарга етказилади. Унинг ҳосилдорлиги ва қанд таркибини юқорилатиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Қанд лавлаги келажаги бор ўсимлик.

**Тамакичилик.** Республикада 20-йилларда аҳолининг бир қисми тамакичилик билан шуғулланган. Тамаки асосан, нос тайёрлаш ва чекиш учунгина ўстирилиб, бозорда сотилиб турган. Қирғизистонда саноат учун тамаки 1929 йилдан бошлаб экила бошланди.

Тамаки асосан жанубдаги Новқат, Қуршоб, Ўзган, Мирзаака қисмларида етиштирилади. Бу ҳудудларнинг табиий-иқтисодий шароитлари юқори сифатли, хушбўй тамаки баргини етиштириш учун жуда мос келади. 80-йилларда тамаки пахта экиладиган биринчи зона ерларга ҳам экилди. Бу зоналардаги тамакидан ҳам юқори ҳосил олиш мумкин, бироқ сифати тоғ этакларилда етиштирилган тамакиларга қараганда анча паст.

Келажакда Республиканинг Фарғона водийсига туташ пахта экиладиган зонасида тамаки майдонини қисқартиш, бўшаган майдонларга сабзавот, маказжўхори, пахта, ем-хашак ўсимликларини экиш, шунингдек тамакини жанубдаги (тоғ этакларидаги) иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб ҳисобланади. Қирғизистон учун тамаки энг фойда кўп келтирадиган ўсимлик, У экспорт қилинувчи ўсимликлардан биридир.

**Мойли ўсимликлар.** Аҳолининг ўсимлик ёғига бўлган талаби кун сайин ўсмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллий халқ олдинлари экилиб, кейин экилмай, қолиб кетган ёғ берувчи зиғир, кунгабоқар, кунжут, горчица, софлор сингари ўсимликлардан маҳаллий шароитга мос келганларидан биттасини экиб, уни қишлоқдаги майда корхоналарда ёғини олиб, кундалик эҳтиёжга ишлатишмоқда.

Мутахассисларнинг ҳисоблашларига кўра Республика аҳолисини ўсимлик мойи билан таъминлаш учун камида йилига 100-145 минг тонна ёғ керак. Яқин орада Қирғизистонда кам деганда 45 минг тонна ўсимлик мойини ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Бу билан аҳоли талаби бироз бўлса ҳам қондирилади. Бунинг учун Республикада ёғ берувчи ўсимликлар майдонини 30 минг гектаргача кенгайтиришга тўғри келади.

Ёғ берувчи ўсимликларнинг кўпчилиги Кўгарт водийсининг юқори қисмида, Қуршоб, Мирзаака, Қорақулжа, Фулжа, Боткен, Аҳси, Олабуқа, Исфанаовул қишлоқлари атрофларида, Чуй, Талас, Қўчқор, Жумгал, Ўрта Норин водийларида, Иссиқкўл ботиғининг тоғ этакларида унча катта бўлмаган майдонларга экилмоқда. Айрим ёғ берувчи ўсимликлар, масалан, зиғир Ўш, Жалолобод, Иссиқкўл вилоятларининг даламикор ерларида экилади. Ундан юқори ҳосил олиш бўйича

маҳаллий халқнинг тажрибаси катта. Масалан, 1932 йилда зиғирнинг экин майдони Республикада 34 минг гектардан ошиқ бўлган. Келажакда ёғ берувчи ўсимликларнинг, бошқа қишлоқ хўжалиги ўсимликлари қатори, экин майдонларини кўпайтириш керак.

**Сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик, картош-качилик.** Қуёшли Республикамизда буларни етиштириш учун ҳамма шароит бор. Ҳозир Ўш, Жалолобод вилоятларида, Фарғона водийсига туташ текисликларда лимон, анжир, анор, узум, ҳар хил сабзавотлар, қовун-тарвузлар, шунингдек, нисбатан баланроқда, тоғ водийларидаги текисликларда ва адирларда карам, помидор, бақлажон, қалампир, бодринг, пиёз, саримсоқ, қовун-тарвуз, олма, нок майдонлари жойлашган. Уларни етиштириш бундан кейин яна ўсади ва ривожланади.

Республиканинг жануби-ғарбига нисбатан Чуй, талас, иссиқкўл водийларида сабзавотлар 3 — 4 ҳафта, Норин вилоятида 6 — 7 ҳафта кеч пишади. Шунга қарамай бу жойларда сабзавотларни, мева-чеваларни етиштириш иқтисодий томондан даромадли ҳисобланади. Республиканинг бошқа жойларига нисбатан Норин вилоятининг водийларида карамдан, сабзидан, картошкадан, пиёздан, саримсоқдан ва бошқа ўсимликлардан юқори ҳосил олинмоқда. Масалан, олдинлари Отбоши, Қорақуюн водийларида сабзавот, картошка, буғдой ўсмайди, ҳосил бермайди, деган тушунчалар бор эди. 1992 йилдан бошлаб Отбоши районининг аҳолиси картошка, буғдой, сабзавотларни экишиб, яхшигина ҳосил олишиб, ўз эҳтиёжларини қаноатлантириб келмоқда.

Республикада ёпиқ майдонларда (иссиқхона, плёнка билан ўралган ерларда) сабзавотчилик юқори суръат билан ривожланмоқда. 1965 йилда 32,8 минг м<sup>2</sup> парник ва 20 минг м<sup>2</sup> иссиқхоналар бўлса, 1990 йилда 45 минг м<sup>2</sup> иссиқхона ва 200 гектардан ошиқ вақтинча плёнка билан ўралган майдон бўлган. Бишкек шаҳрида иссиқхоналар майдони кенгайтирилмоқда. Келажакда курорт зоналаридаги хўжаликларда, айрим шаҳар ва қишлоқларда иссиқхоналар қуриш давом эттирилади.

Қирғизистонда мевали дарахтлар қадимдан ўстирилади. Республика боғдорчилиги меваларининг турли-туманлиги билан фарқ қилади. Бунда олма, олмурут, нок, ўрик, шафтоли, анжир, резавор мевалардан — парманчак, малина, қорақат ва бошқалар ўсади. Улар Иссиқкўл ботиғининг ғарбий ва ўрта қисмларидаги тошлоқ майдонларда, Чуй, Талас водийлари-

нинг, Ўш, Жалолобод, Боткен вилоятларининг тоғ этакларидаги тошлоқ ерларида ва тоғ ёнбағирларида кўпроқ жойлашган. Норин вилоятининг деҳқончилик водийларида олма, олмурут, ноклар (совуққа чидамли навлари) яхши ҳосил бера бошлади.

Узум Ўш, Жалолобод вилоятларининг Сузоқ, Қорасув районларида, Бурганди, Боткен, Орқа сингари водийларининг пахтага нобоп тошлоқ ерларида, Чуй водийсининг қуйи, ўрта ҳудудларида ва Қирғиз Олатовининг пастқам тоғ ёнбағирларида етиштирилади.

Картошка Иссиқкўл водийсининг шарқида, Катта Кемин водийсида, Фарғонаниннг тоғ этакларидаги водийларида, Чуй вилоятининг Байтиқ, Иссиқота водийларида экилади. Ҳозир Иссиқкўл вилояти Республикада етиштириладиган картошканиннг ярмидан кўпроғини беради.

Қирғизистон ўз аҳолисини сабзавот, мева-чева, узум, картошка билан таъминлашга ва уни четга чиқариш имкониятига эга. Аммо, ҳозирги кунда уларнинг кўпчилиги яқин чет мамлакатлардан ташиб келинади. Масалан, Республика 1990 йилгача Россиядан, Польшадан, Белоруссиядан йилига ўрта ҳисобда 30минг тонна картошка олиб турган.

Республика аҳолиси учун «иккинчи нон» ҳисобланган картошкани ўзи етиштириб, озиқ-овқат ва уруғлик учун таъминлаб турса иқтисодий жиҳатдан анча енгиллик бўлар эди.

Республика ёввойи ҳолда ўсадиган мевали ўрмонларга ҳам бой. Айниқса, жанубда катта майдонни эгаллаган ёнғоқ, мевали ўрмонларидан олма, олмурут, олча, бодом, хандон писта, қорақат, парманчак ва бошқалар ўсади. Қирғизистон тоғларида, дараларида, шарқираб оққан сув бўйларида зирklar, қорақатлар, облепиха (чаканда), наъматак ва бошқалар жуда кўп. Булардан тежамкорлик билан фойдаланиш ва четга сотиш Республикамизга кўплаб валюта олиб келади.

**Уруғчилик хўжалиги.** Республикада беда, лавлаги уруғини етиштириш учун имконият катта. Улар пишиб етилиши билан чет мамлакатларга сотилади ва ўз эҳтиёжимиз учун ишлатамиз. Қирғизистонда беда уруғини етиштирувчи майдон 45 миң гектарга етди. Илгари ҳосилдорлиги гектар бошига 2 ц бўлган хўжалиklar, ҳозир 3 ц дан 10 ц гача ҳосил олишмоқда. Бу етиштирилган уруғлар асосан Россиянинг марказий районларига ва Болтиқ бўйи ўлкаларига сотилади.

Уруғ учун беда Ўш, Жалолобод областларининг текис во-

дийларида экилади. Юқори ҳосилли Чуй вилоятининг Жайил, Панфилов, Москва, Иссиқкўл районлари хўжаликларида беда уруғини гектар бошига 4 — 5 ц дан ошириб олишади. Келажакда мана шу районларда уруғ учун экиладиган беда майдонларини 50 минг гектарга етказиб, йилига 15 минг тонна беда уруғини тайёрлаб, чет мамлакатларга сотилса, Республика даромади бир мунча кўпаяди.

Уруғлик учун қанд лавлагини экиш 1979 йили Чуй водийсида бошланган. Етиштирилган лавлаги уруғининг 6 минг тоннаси Қант районидаги машина синаш станциясига қарашли унча катта бўлмаган корхонада, қолгани Қозоғистоннинг Чуй станциясидаги корхонада тозаланади. Тозаланган қанд лавлаги уруғи Россиянинг марказий қора тупроқли райониغا, Латвия, Литва ва Эстонияга сотилади.

Келажакда уруғлик учун қанд лавлаги экиладиган экин майдонларини Чуй водийсидагина жойлаштириш давр талабига сувофиқ келади. Шу билан бирга уларни иложи борича (10 минг гектаргача) қисқартириб ҳосилдорлигини юқорилатиб, ялпи ҳосилини 15 минг тоннага етказиб Россия, Болтиқбўйи мамлакатларининг лавлаги уруғига бўлган эҳтиёжи қаноатлантирилган тақдирда, Республика кўпроқ даромадга эга бўлади.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Қирғизистон қишлоқ хўжалигининг ривожланиш хусусиятлари нималардан иборат?
2. Республиканинг аввалги ва ҳозирги кундаги ривожланиш ҳолати қандай?
3. Аграр ва ер ислохотининг фарқи нимада?
4. Республикадаги қишлоқ хўжалигига яроқли ер структурасини харита ёрдамида топинг.
5. Қишлоқ хўжалигининг тармоқ структураси қандай?
6. Чорвачиликда озуқа базасини шакллантиришнинг хусусиятлари ва унинг асосий манбалари қандай?
7. Қўй, мол, йилқи хўжалиklarининг жойлашишини ва ривожланишини статистик маълумотлар ва харита ёрдами билан таҳлил қилинг.
8. Республикада қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг структураси қандайлигини айтиб беринг.
9. Дон экинларининг, техника ва озуқа ўсимликларининг жойлашишини харита ёрдамида таҳлил қилинг.

## 15.2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хомашёларни қайта ишлаш тармоқлари

Аграр саноат комплексининг асосий тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва хомашёларини қайта ишлаш саноати бўлиб ҳисобланади.

Қирғизистон қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусияти унинг озиқ-овқат томон йўналиш олганлигида акс этади. Бунда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг 62,6 %и тўғридан-тўғри озиқ-овқат сифатида ёки саноат қайта ишлаб чиқаришидан сўнггина фойдаланилади, шунингдек, 37,4%и енгил саноатда қайта ишланиб, аҳоли истеъмоли товарларига айлантирилади.

XX аср бошларида Қирғизистонда қишлоқ хўжалиги хомашёларини қайта ишлаш корхоналари йўқ ҳисобида эди.

Совет ҳокимияти йилларида шаҳарларда озиқ-овқат ва саноат тармоқларининг бир қатор йирик корхоналари қурилган, овул-қишлоқларда эса уларни қуришга рухсат берилмаган. Натижада тоғли Қирғизистон шароитида йирик озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарининг хомашё базаларидан олиш бўлиши ва шу туфайли хомашё зоналарининг радиуслари жуда катта бўлганлигидан (200 — 500 км) хомашёларни тўплаш, сақлаш, транспортга юклаш, тушириш, ташиш, саноат корхоналарида қайта ишлаш, асосан тайёр маҳсулотни аҳолига сотишда кўп исрофгарчиликка йўл қўйилган, транспорт ва бошқа қўшимча ҳаражатларни кўп талаб қилган. Шунинг учун озиқ-овқат ва аҳоли истеъмол товарларининг таннарни жуда юқори бўлган. Бозор иқтисодиёти шароитида бундай ҳолатдан қутулишнинг асосий йўли қишлоқ хўжалиги хомашёларини етиштирган жойнинг ўзида қайта ишлаш лозим. Бунинг учун овул-қишлоқларда майда саноат корхоналари, тайёрлов жойларини кўпроқ қуриб, аҳоли талабини қондириш мумкин.

**Озиқ-овқат саноати комплекси.** Қирғизистонда чорвачилик ва деҳқончилик тармоқларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги хомашёларини қайта ишлаш асосида озиқ-овқат саноати ривожланиб, кўзга кўринарли ўринни эгаллаган. У бир қатор ихтисослаштирилган комплекслардан иборат.

**Гўшт аграр саноат комплекси.** Республикада чорвачиликнинг ривожланиши билан гўшт саноати ҳам ривожланган. Масалан, 1985 — Озиқ-овқат саноати 1995 йиллар орасида Қирғизистонда гўшт етиштириш (сўйилган вазиди) 169,1 минг

Умумий тайёрланган гўштга нисбатан мол гўшти –41,7%, қўй гўшти –39,8%, чўчқа гўшти – 8,5%, парранда гўшти –2,8%, от гўшти – 6,9%, қуён гўшти –0,4%ни ташкил этади (1995 й).


Республикада тайёрланган гўштнинг асосий қисми кўп йиллар мобайнида Бишкек, Тўқмоқ, Қайинди, Балиқчи, Қорақўл, Норин, Талас, Ўш, Жалолобод, Тошкўмир, Мойлисув, Сулукта, Қизилқия гўшт комбинатлари ва Часк, Кўкёнғоқ кушхоналари ҳиссасига тўғри келган. Ҳозир эса булар хомашёнинг йўқлигидан чала қувватда ишлашмоқда.

Гўшт саноати ўша йиллари 235 дан ошиқ маҳсулот турларини, жумладан, колбасанинг 105, котлетнинг 20 турини, чучваранинг кўплаб турларини тайёрлаб келган.

Гўшт ва гўшдан тайёрланувчи маҳсулотлар 1990 йилгача кўпайиб келган, бироқ сўнгги йилларда уларни ишлаб чиқариш камайиб кетди. Ҳозир овул-қишлоқларда, агрофирмаларда гўштни қайта ишлаш майда корхоналари пайдо бўлмоқда.

Гўшт комбинатларида, кушхоналарда сўйилган моллар терилари, ёғи, ичак-қоринлари, жигари, юраги, ўпкаси, буйраги, шохи, туёғи, суяклари, ёл ва думларини, қон ва бошқа қолдиқларини ҳеч қандай исроф қилмай, улардан фойдаланиш керак. Масалан, сўйилган ҳайвонлар шохидан, туёғидан «Қиял» бирлашмасида ҳар хил совғалар (тақинчоқлар) тайёрланади ва улар кўплаб даромад келтиради. Сўйилган қўйнинг ичаги (деярли ҳаммаси Голландия, Франция, Россия давлатларига ишбилармон кишилар томонидан қайта ишлатишга) арзон баҳода сотилмоқда. Уларни Республиканинг ўзида қайта ишлаб, кўплаб маҳсулотларни, жумладан, қўмиз ва бошқа мусиқа асбобларининг торини (қилини), медицина ипларини тайёрлаш мумкин.

**Сут аграр саноат комплекси.** Комплексе асосини соғин сирлар ташкил қилади. Сутнинг таркибида 84%дан 87,3%гача сув бор. Шу туфайли уни узоқ масофага ташиб бўлмайди. Шунинг учун сутни етиштирган жойда саноат қайта ишлашни ташкил қилиш иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб ҳисобланади. Қирғизистонда сут саноати корхоналари асосан овул-қишлоқларда жойлаштирилган. Айниқса, турли сут маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи йирик сут комбинатлари Бишкекда (сменадаги қуввати 200т), курорт зонасининг талабини қаноатлантирувчи Чўлпонота ва Қорақўл шаҳарларида (ҳар бирининг бир сменадаги қуввати 25т), Ўш, Жалолобод, Ўзган, Тўқмоқ, Талас ва Норинда жойлашган. Уларда шаҳар аҳолисини ва дам олувчи-



ОЗНҚ - ОВҚАТ САНОАТИ

ларнинг ҳар хил сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш мақсадида қаймоғи олинмаган сут, кефир, пишлоқ, ёғи ажратилган сут, музқаймоқ, ёш болалар учун сутдан тайёрланган озиқ-овқатлари ишлаб чиқарилади.

Ёғ, пишлоқ ишлаб чиқарувчи заводлар Беловодск, Калинин, Ананьево, Қизилсув, Боткен, Қадамжой сингари шаҳар ва катта қишлоқлардан ўрин олган, Республиканинг кўпгина овул-қишлоқларида сутдан қаймоқни ажратиб олувчи сепараторлар ҳам бор.

Қирғизистон сут аграр саноат комплекси аҳолининг сут маҳсулотларига, жумладан, қуритилган ва қуюқлаштирилган сутга ва болалар озиқ-овқатлари учун зарур бўлган талабларни тўла қаноатлантира олмайди.

Сут уни Ўзгандаги, қуюқлаштирилган сут Таласдаги, болалар сутли озиқ-овқатлари Бишкекдаги, Ўшдаги комбинатларда жуда оз миқдорда ишлаб чиқарилади. Уларни бошқа мамлакатлардан қиммат баҳоларда сотиб олинади.

Келажақда сут саноати корхоналарини ҳар томонлама қулай жойлаштирилишига аҳамият берилади. Илмий хулосаларга кўра сутни қайта ишлаш саноат корхоналари хомашё базасининг радиуси 50 км дан ошмаслиги керак. Бироқ Республиканинг йирик сут комбинатларига хомашёни 70 — 80 км олис масофада жойлашган хўжаликлардан ташиб келишади. Келажақда бозор иқтисодиёти талабига мувофиқ сутни қайта ишловчи корхоналарни уни етиштирган фермер хўжаликларида, ўрта ва кичик овул-қишлоқларда ташкил қилиш керак.

**Дон аграр саноат комплекси.** Комплексининг асосини дон хўжалиги ташкил қилади. У Республикада озиқ-овқат ва чорва моллари озуқасининг манбаи бўлиб ҳисобланади. Республикада етиштирилган ва четдан ташиб келинган дон ҳисобидан ун, крупа, макарон, қандолатчилик маҳсулотлари ва аралаш озуқа ишлаб чиқариш ривожланган.

Ўтган замонларда, яъни 1913 йилларда сув тегирмонлари рус, украин, немис миллатлари жойлашган кичик овул-қишлоқларда; Бишкек, Қоракўл, Ўш шаҳарларида бўлган. Кейинчалик, 1930 йиллардан бошлаб Чуй, Ўш, Жалолобод, Иссиқкўл вилоятларида кўплаб дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар қурилган.

Ун, крупа ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар Бишкек, Тўқмоқ, Қораболта, Балиқчи, Қоракўл, Ўш, Қорасув, Қизилқия, Норин, Таласда жойлашган. Уларнинг ҳар бири суткасига 100т

галлани (Норин, Талас), 500т гача донни (Тўқмоқ, Бишкек, Қорасув ва бошқалар) қайта ишлаб чиқара олади. Ҳозир эса бу йирик корхоналар галланинг камлигидан тўлиқ қувватда ишлай олмаяпти.

Ҳозир Республика ҳудудларида йирик корхоналардан ташқари, овул-қишлоқларда сув тегирмонлари қайтадан қурилмоқда. Кичик электр тегирмонларини, аралаш озуқаларни тайёрловчи тегирмонларни қуриш ишлари кенг тарқалган. Бу корхоналарда тайёрданган ун ва аралаш озуқанинг таниархи йирик корхоналардагига нисбатан 2 — 2,5 ҳисса арзонга тушади.

Республикамизда дон маҳсулотлари саноати тармоқлари ривожланмоқда, аҳоли жойлашган ҳар бир шаҳарда нон заводлари ва комбинатлари бор. Бундан ташқари поселкаларда, йирик овул-қишлоқларда нон пиширувчи корхоналар бор. Ҳозирги вақтда чет ўлкалардан келтирилган кичик заводлар ҳам қурилмоқда.

**Макарон ишлаб чиқариш.** Макарон кўп йиллар давомида фақат Бишкекдаги нон комбинатидагина ишлаб чиқарилган. Кейинчароқ макарон ишлаб чиқарувчи корхоналар Жалолобод, Тўқмоқ шаҳарларида пайдо бўлди. Қораболта, Қоракўл шаҳарларида эса Хитой билан биргаликда қурилган угра кесувчи корхоналар ишга туширилиб, ҳозир улар маҳсулот чиқармоқда.

**Қандолатчилик саноати.** Қандолатчилик саноати Бишкекдаги нон комбинати қошида ривожлана бошлаган. Унинг қуввати суткасига 25 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Охириги йилларда Бишкекда йирик қандолатчилик комбинати, Тўқмоқ ва Жалолобод шаҳарларида фабрикалар қурилган. Қант шахридаги собиқ қанд заводи базасида қандолатчилик маҳсулотлари чиқарила бошланди. Айрим нон заводларида махсус қандолатчилик цехлари бор. Республикада 3 та қандолатчилик фабрикаси, 11 та нон заводларининг қошида қандолатчилик цехлари ишлаб турибди. Буларнинг умумий қуввати 42,6 минг тонна маҳсулот чиқаришга етади.

**Қанд лавлагги аграр саноат комплекси.** Комплексе асосини саноат хомашёси бўлган қанд лавлаггиси ташкил қилади. Уни етиштириш Қирғизистонда 1929 йилдан бошланган. Дастлабки қанд заводи Чуй водийсидаги Қант қишлоғида қурилган. Кейинчалик Қораболта қанд комбинати, Шопоков, Тўқмоқ, Оқсев, Беловодск, Қайинди қанд заводлари қурилиб, Чуй водийсида қанд лавлагги экиладиган ерлар майдони кенгайти-

рилди. Бироқ қанд лавлаги экиш тўхтатилгандан сўнг, айрим заводлар бошқа маҳсулотларни чиқаришга мажбур бўлган. Масалан, Тўқмоқ қанд заводи майонез, маргарин чиқаришга, Қантдаги завод — конфет, печенье, лимонад чиқаришга, Шопоковдаги завод — лимонад чиқаришга, Оқсувдаги завод — крахмал, маккажўхори мойини олишга ихтисослаштирилган. Шунингдек, Қораболта қанд комбинати, Қайиндидаги қанд заводида йилига 430 т шакар қамишини денгиз ортидаги Куба мамлакатидан Чуй водийсига етказиб келиш жуда қимматга тушган. Мана шундай шароитда ва унинг устига аҳолининг қандга бўлган талаби ошган пайтда Қирғизистонда қанд лавлагини етиштириш экиш ва уни қайта ишловчи корхоналарни тиклаш давр талаби бўлиб қолди.

Ҳозир Қораболта қанд комбинати, Қайинди қанд заводи қайтадан ишлай бошлади. Охириги уч йилда Қорасув, Ўзган, Новқат, Аравон, Сўзоқ, Туп, Оқсув, Манас, Қора Буура районларида қанд лавлаги экилиб, уларни қайтадан ишловчи майда корхоналар қурилмоқда. Масалан, Қорасув районидаги Қурвоиқорада, Кемин районидаги Оқбўкўт қишлоғида кичик қанд заводлари қурилди.

Қирғизистонда қанд лавлаги саноати комплексининг қўшимча соҳаларидан бири спирт, ачитки ишлаб чиқаришдир. Улар Қораболтадаги қанд комбинатидан чиқади. Спирт олинувчи хомашё-патока бошқа заводлардан темир йўл орқали келтирилади. Спирт ароқ, вино ишлаб чиқаришдаги асосий хомашёдир. Спирт ажратиб олингандан кейин қолдиқлардан карбон кислоталари, қуритилган озуқа ачитқилари, нон маҳсулотлари тайёрлаш учун хамиртурушлар ишлаб чиқарилади.

**Боғдорчилик ва сабзавот аграр саноат комплекси.** Республикада етиштирилган сабзавотларнинг 50 — 54 %, мева-чеванинг 48-51%и саноатда қайта ишланади. Уларни қайта ишлаш учун мева-чева, сабзавот, консерва, вино заводлари, комбинатлари қурилган. Сабзавот, резавор мева заводларининг умумий бир йиллик қуввати 163,4 млн шартли банкдан ошади. Шу соҳага мўлжалланган йирик комбинат ва заводлар Чуй вилоятининг Бишкек, Тўқмоқ, Қораболта; Ўш вилоятининг Ўш, Қизилқия; Жалолобод вилоятининг Жалолобод; Иссиқкўл вилоятининг Қоракўл, Балиқчи шаҳарларида жойлашган. Булар хомашё базаларидан олиб бўлиб, ҳар бири йирик корхона бўлганлигидан, бир қатор қўшимча чиқимни талаб қилади ва ташинида кўп нобудгарчилик бўлган. Ҳозирги

кунда мева-чеваларни етиштирган овул-қишлоқларнинг ўзида, уларни қайта ишловчи корхоналарни қуриш кенг қулоч ёзди.

Қирғизистондаги сабзавотларни, резавор меваларни қайтадан ишловчи йирик комбинатлар, заводлар 80 дан ошқ ҳар хил ассортиментдаги маҳсулотлар (шарбатлар, компотлар, қиёмлар, джем, повидло, маринадлар, тузланган карам, бодринг, томатлар ва бошқаларни) ишлаб чиқаради.

Ҳозирги кунда ёввойи ҳолда ўсувчи резавор меваларни тўплашга, уларни саноат асосида қайта ишлаб чиқаришга аҳамият берилмоқда. Масалан, Бозорқўрғон районининг Аччи қишлоғида ёввойи олма, олча, қора ўрикдан консерва тайёрлаш йўлга қўйилган. Қоракўлда облепиха (чаканда)шарбати чиқарилади, унинг уруғидан Бишкекдаги химия-фармацевтика заводида ёғ олинади. Табиатнинг бундай бойликларидан аҳоли учун шифобахш озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида ишлаб чиқаришни кенгайтириш керак.

Овул-қишлоқлардаги деҳқон хўжаликларининг ўзларида резавор мева ва сабзавотларни сақлайдиган омборхоналарни табиий тошлардан ва маҳаллий қурилиш материалларидан қуриш ҳар томонлама фойдали. Бундай табиий бойликлар Республиканинг ҳамма жойларидан топилади.

**Узумчилик аграр саноат комплекси.** Қирғизистон жанубида ва Чуй водийсида узум етиштирилади. Уни янги узилган, қуритилган ҳолда ёки саноатда қайтадан ишлаш натижасида шарбат, қиём, джем, компот, вино (шароб) тайёрлаб, истеъмол қилиш мумкин.

Шампан комбинати Бишкекда, узумдан вино ишлаб чиқарувчи заводлар Жалолобод вилоятининг Ботиш, Жийда қишлоқларида, Ўш вилоятининг Қорасув, Қадамжой шаҳарларида, Чуй вилоятининг Аламудун, Москва, Чуй районларида жойлашган.

Кейинги даврларда эса узум етиштирувчи хўжаликларининг ўзида вино ва бошқа маҳсулотларни чиқарувчи корхоналар қурилмоқда. Уларнинг келажаги порлоқ.

**Ўсимлик мойи ишлаб чиқарувчи саноат.** Ҳозирги даврда маҳаллий аҳоли ёғ олинувчи ўсимликларининг Республикада тарқалган турларидан ўзлари яшаган жойларнинг тупроқ, иқлим шароитларига мос келадиганларини ва иқтисодий томондан фойдали бўлганликларини таниб, кичик майдонларга экиб, улардан майда корхоналарда ёғини олиб ўз эҳтиёжларини қондиришмоқда.

Чигитдан ёғ ишлаб чиқариш мақсадида 1952 йили Ўш вило-

ятининг Қорасув шаҳрида ёғ экстракцияловчи завод қурилди. Ушбу завод қурилгунга қадар Қирғизистондаги пахта чигити Ўзбекистоннинг Фарғона водийсидаги ёғ экстракцияловчи заводларига жўнатилиб турилган.

Ёғ экстракцияловчи заводнинг суткалик қуввати 380 тонна. Бундан ташқари бу завод тозаланмаган пахта мойини Ўш, Жалолобод, Аравон, Қорасув пахта тозалаш заводларидан олиб, 1982 йилгача хомашё билан тўлиқ таъминланиб, тинмай ишлаб келган. Бироқ 1982 йилдан бошлаб Республикада пахта майдонлари қисқара бошлади, пахтанинг ялпи ҳосили 2,6 ҳиссага озайди. Ўш, Аравон пахта тозалаш заводлари ёпилди. Қорасув ёғ-экстракция заводига чигитнинг келиши озайди, натижада завод ишсизликдан соя ёғини чиқара бошлади.

Заводда ишлаб чиқарилган ёғдан маргарин, парфюмерия маҳсулотлари тайёрлаш учун, шартнома асосида, чет эл корхоналарига ҳам жўнатилади. Тозаланган пахта ёғининг кўпчилик қисми аҳолига сотиш учун ва умумий овқатланиш корхоналарига жўнатилади.

Ишлаб чиқаришнинг қўшимча маҳсулоти — кунжара соғин сигирларга бериш учун ва аралаш озуқа сифатида ишлатилади.

**Тамаки аграр саноат комплекси.** Тамаки агросаноат комплексининг асосий тармоқларидан бири тамаки баргини ферментацияловчи заводлар ҳисобланади.

Республикада тамаки баргини ферментацияловчи заводлар Қизилқия, Жалолобод, Тошқўмир, Янгиариқ ва Бишкек шаҳарларида жойлашган.

Қирғизистонда тайёрлаган тамакининг 17%и Талас водийсида етиштирилсада, у ерда битта ҳам завод йўқ. Бу факт тамаки ферментация заводларининг нотўғри жойлаштирилганлигига гувоҳ бўла олади.

Бозор иқтисодиёти шароитида тамакининг етиштирилган жойининг ўзида ферментацияланиши анча қулайлик яратади. Бунинг тўғрилигини Новқат районининг Тельман номли хўжалигидаги, Талас вилоятининг Бақайота қишлоғидаги тамаки баргини ферментацияловчи кичик корхоналарнинг иш таржибаси яққол кўрсатди. Ферментацияланган тамаки баргидан турли папирос ва сигаретлар тайёрланади. Бироқ Қирғизистонда ферментацияланган тамакининг атиги 2 — 3% игина 1933 йилда қурилган Бишкекдаги тамаки фабрикасида тайёр маҳсулот чиқариш учун фойдаланилади. Қолган 97—98% хомашё энг арзон нархда чет мамлакатларнинг тамаки фабрикаларига сотилади.

Ўзимизнинг хомашёдан тайёрланган тайёр маҳсулотни эса 4 — 5 ҳисса қимматга сотиб олишга мажбур бўляпмиз.

Келажакда Қизилқия, Жалолобод, Талас шаҳарларига синарета фабрикаларини қуриш мўлжалланмоқда. Бу фабрикаларни Туркия, Греция, Италия фирмалари билан биргаликда қуриш учун шартномалар имзоланган.

Шартномага биноан янги қурилган фабрикалар йилига 30 млрд дона синарета чиқаради ва уларнинг кўпчилиги чет мамлакатларига сотилади. Ўшанда Республиканинг тамакидан кўрайдиган фойдаси кескин равишда юқори бўлади.

**Балиқ саноати.** Иссиқкўл районининг Григорьевка қишлоғида жойлашган балиқ комбинати балиқни қайта ишлайди. Овланган балиқларнинг бир қисми балиқ комбинатига жўнатилади, қолганлари аҳолига сотилади. Комбинат асосан музлатилган, қуритилган, тузланган, дудланган балиқларни тайёрлайди. Комбинат қуввати жуда оз, уни қайта қуриб, асбоб-ускуналарини янгилаб, аҳолини балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш ҳозирги замон талабидир.

**Енгил саноат.** Қирғизистонда чорвачилик ва деҳқончиликда етиштирилган хомашёларни қайта ишловчи енгил саноат тармоғи ёки ҳозирги адабиётларда ёзилшича ноозик-овқат маҳсулотлари агросаноат комплекси ривожланган ва уларнинг келажаги порлоқ. Саноат ялпи маҳсулотининг 36,5 % ёки саноат ишлаб чиқариш фондининг 10,2 % шу соҳага тўғри келади. Республика қишлоқ хўжалигининг ихтисослаштирилиши ва ривожланиши енгил саноат тизимига ўз таъсирини кўрсатади. Унинг тизимида тўқимачилик саноати биринчи ўринни эгаллайди. У енгил саноатда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотининг 79,2% ини беради. Тўқимачилик саноати тизимида эса жун саноати комплекси биринчи туради.

Жун агросаноат комплекси асосини қўйчилик ташкил қиладди. Сабаби, у жун беради. 1968 йилгача хўжаликларда етиштирилган жунни ювиб тозалаш учун олис Украинадаги Чернигов, Белоруссиядаги Журавичев, Латвиядаги Рига ва оз миқдорда Қозоғистондаги Жамбул жун тозалаш фабрикаларига жўнатилиб келинган. Республика ўша даврда йилига ўрта ҳисобда 22 — 26 минг т ювилмаган жунни 4 — 5 минг км масофадаги фабрикаларга жўнатиб турган. Тозалангандан кейин ушбу хомашёдан 51 — 56% гача жун толаси олинади. Шундай экан, Республика ҳар йили олис юртларга жунни темир йўл орқали ташиниш учун

уларга кетган транспорт ҳаққи ва бошқа чиқимларни ортиқча сарфлаган. Беҳуда чиқимларни тежаш, фойдасиз оворагарчилигидан қутилиш мақсадида жунга дастлабки ишлов бериб, сўнгра ювиб тозаловчи фабрикани ўзимизда қуриш жуда зарур.

Иқтисодий-географик томондан қулайлигини, темир йўл ва автомобил йўллари орқали Республиканинг ҳамма худудлари билан боғланганлигини назарда тутиб, фабрикани Тўқмоқ шаҳрида қуришга қарор қилинди. 1968 йилда Тўқмоқ шаҳрининг жанубий- ғарбида жунни дастлабки тозалаб, ювадиган фабрика қурилди. Унинг биринчи навбатининг йиллик қуввати 16,4 минг т, кейинчалик унинг қуввати 25,0 минг т тозаланган жун чиқаришга етказилади.


Қирғизистонда етиштирилган жуннинг ҳаммаси шу фабриканинг хомашё базаси бўлиб ҳисобланади. Хомашё зонасининг радиуси 50 км дан 100 км гача келади. Минглаб тонна жун олинган Олой, Қоракулжа, Тўгузтўрў, Отбоши сингари районлардан доволар ошиб, автомашиналар ёрдамида темир йўл станцияларгача ташилиб, кейин темир йўл орқали Тўқмоққа жўнатилиб турилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида Тўқмоқдаги фабрика «Осиё» ҳиссадорлик жамиятига айланди. 1993 йили Хитой фирмалари билан биргаликда Иссиқкўл вилоятида тайёрланган жунни ювиб тозаловчи корхона Тўн районининг Оқўлан қишлоғида, Норин областида тайёрланган жуннинг бир қисmini тозаловчи корхона Қўчқор қишлоғида қурилди. Бундай майда ва ўрта корхоналарни Республиканинг жанубида ҳам қуриш давр талабига жавоб беради.

Ювиб тозаланган жуннинг 37% и Республикада ишлатилади. Қолган қисми Хитой, Россия, Украина, Белоруссия, Литва, Латвия, Туркменистон, Англия, Белгия, Испания, Франция, Германия, Японияга сотилади. Бундай қимматбаҳо миллий хомашёни кўпайтириш ва уни жаҳон андозаларига мос қилиб маҳсулот етиштириш Республикага кўпроқ фойда келтиради.

Республиканинг жун етиштириш саноат комплексининг йirik корхоналаридан бири 1963 йилда ишга туширилган Бишкек камволь-мовут комбинатидир. У Ўрта Осиёда жундан тўқилган ҳамма газламаларнинг

90 %ини беради. Комбинат синтетик толаларни қўшиш орқали костюмбop, кўйлак ва пальтобop газламалар, ярим майни



## Енгил саноат

жундан тўқилган драп, одеял ва жундан йигирилган ипларни чиқаради. Масалан, комбинат 1991 йилгача ўрта ҳисобда йилга 10 млн м гача жун газлама, 10 минг тонна га яқин жундан йигирилган ип тайёрлаб келган.

Комплексе тармоқларига Тўқмоқдаги 1947 йилдан бери ишлаб келаётган жундан кийгиз тайёрловчи фабрика ҳам киради. Бу фабрика Тўқмоқдаги камволь йигириш фабрикасининг чиқиндилари ҳисобига ишлайди. Фабрика асосан бўз уйларга лойиқ кийиз, этик ва ола кийизларни чиқаради.

Тўқмоқдаги 1978 йилдан бошлаб ишлаётган камволь йигириш фабрикаси тўр кийимларни тўқувчи саноат районлари учун ўртача йилга 3 — 4 минг т жундан йигирилган ипни тайёрлаб келган. Унинг келажаги порлоқ.

Келажаги яхши бўлган саноат корхоналаридан яна бири гилам тўқиш корхонасидир. Уларнинг энг йириги Қораболта гилам комбинати (1983 йилда ишга туширилган), кейинчалик у «Қирғизгилам» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган.

Комбинатда махсус ип йигирув цехи 1993 йилда ишга туширилган. Унда йилга 750 т ип йигирилар эди. Бу қўшимча 350 минг кв м гилам чиқаришга имконият яратади. Республикада бозор иқтисодиётига мос равишда гилам тўқиш кичик корхоналар пайдо бўла бошлади. Масалан, Чуй Олой районининг Қашқарсув қишлоғида маҳаллий хомашё базасида гилам тўқиш корхона ишлай бошлади. Бундай корхоналар Республиканинг бошқа овул-қишлоқларида ҳам очилиши мумкин.

**Ипакчилик агросаноат комплекси.** Қирғизистон жанубида ипак қурти жуда қадим замонлардан бери боқилади. XIX аср охирида деҳқонлар етиштирган маҳсулоти ва хомашёсига арзон баҳода ҳақ тўлаб, асосий хомашёни италиялик ва франциялик капиталистлар сотиб олишган.

Қирғизистонда ипакчилик 1920 йилгача яхши ривожланган эмас. Бу йилларда пиллани қайта ишлайдиган бир нечагина оддий турдаги корхоналаргина бўлган, шунингдек, пилладан ип йигирувчи ва газлама тўқувчи корхоналар бўлган эмас, шунинг учун пилла чет мамлакатларга жўнатилиб турилган.

1927 йилда Ўш шаҳрида ипак қурти уруғини етиштирадиган завод қурилди. У йилга ўртача 600 — 1000кг ипак қурти уруғини тайёрлаб, аҳолига боқиш учун берган ва ортиқчасини Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистоннинг ипакчилик хўжаликларига сотишган.

Ўшда 1926 йилдан бошлаб пиллакашлик фабрикаси ишлай

бошлаган. 1942 йилда Москва ҳудудидан кўчириб келтирилган Рахмонов номли йнгирув-тўқув фабрикаси (125 тўқув станог) пилла чувиш фабрикаси билан бирикиб, Ўш ипак комбинатининг ташкил топишига сабаб бўлди. 1948 йилда гул солимай бўялган газлама тўқувчи фабрика ишга туширилди. 1949 йилда, янги ускуналарни ўрнатиш натижасида, ипак комбинати тўлиқ ишлаб чиқариш циклини (ипак қурти уруғи заводи, пилла ўрвчи, йнгирув, тўқув, бўяш цехлари ёки пилла қабул қилишдан ипак газлама чиқаришгача) ўзлаштирди.

**Пахта агросаноат комплекси.** Қирғизистоннинг пахта аграр саноат комплекси пахта ни ўстиришдан тўртиб, ундан тайёр маҳсулотларни чиқаришгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Жанубнинг пахтачилиги комплекснинг негизи бўлиб ҳисобланади.

Қирғизистон жанубида пахтачиликнинг ривожланишига асосланиб, Қорасув, Аравон, Жалолобод пахта тозалаш заводлари қурилиб, Республикада етиштирилган паختанинг ҳаммасини тозалашга. Кейинчалик пахта етиштириш камайиб кетгандиги сабабли пахта заводлари ёпишган. Бироқ, Қорасув, Жалолобод, Аравон заводлари жуда кичик қувватда ишлаб келишмоқда.

Пахта тозалаш заводларидан олинган чиқит Қорасув ёр-экстракция завоидига, пахта толаси Ўшдаги тўқимачилик комбинатига, Бишкекдаги ип йнгирув ва 8 март номидаги тўқимачилик фабрикаларига жўнатилади. Ўшдаги тўқимачилик комбинатининг тўлиқ комплекси 1975 йилда ишга туширилган. Унинг таркибида 2 йнгирув-тўқув фабрикаси, бўяш ва гул бо-сиш фабрикалари бор. Фабрика ич кийимлик ва гулли газла-маларни, сатин, ўраш ва қоп материалларини, техника учун салфетка ва бошқаларни ишлаб чиқаради. Ўшдаги Тўқимачи-лик комбинатида 10 мингдан ортиқ ишчи ишлаган. Бишкекда-ги пахта толасидан ип йнгирувчи фабрика асосан тўрдан мато тўқувчи корхоналарга ип етказиб беради.

Пахта саноат комплексининг келажаги катта. Унинг тез ривожланиши аҳоли турмушини яхшилайдиган ва чет мамлакатларга пахта толасини ва ундан тўқилган газламаларни чиқаради, шу билан бирга Ватанимиз ҳазинасини кўпайтишига муносиб ҳисса қўшади.

**Трикотаж саноати.** У Улуу Ватан уруғи йилларида ва урушдан кейин ривожланди. Ҳозир Республикамиздаги трико-таж корхоналарининг ҳаммаси «Илбирс» ҳиссадорлик жамия-тига бирикишган. Улар ярим жуи, пахта толасидан, жуи па

сунъий толадан тўқилган ички ва ташқи кийимларни чиқаришади.

Трикотаж ишлаб чиқариш корхоналари Республика бўйича рационал тартибда жойлашган эмас, у фақат Бишкек шаҳридагина бор. Республика майдонинг 90,4 %ини эгаллаган Ўш, Жалолобод, Иссиқкўл, Норин, Талас вилоятларида бирорта трикотаж корхонаси йўқ.

Бишкекда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Республиканинг турли бурчакларига кўпинча қўшимча ҳаражатларни сарф қилиш билан етказилади.

Келажақда трикотаж саноати корхоналарини Республиканинг бошқа ҳудудларига, худди маҳаллий саноат артеллари сингари, трикотаж ательелари ҳам майда ва ўрта шаҳарларга, йирик қишлоқларга жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қирғизистонда пайпоқ ишлаб чиқариш корхонаси Бишкекда ва Аламудунда жойлашган. 1941 йилда эвакуация қилинган Харьков трикотаж фабрикасининг айрим ускуналари базасида Аламудун пайпоқ фабрикаси (Аламудун қишлоғида)га асос солинган. Бу фабрика биринчи кунлари фронт учун кийим-кечак (болдир ўрайдиган лента, ич кийим) чиқарган. 1942 йилдан пайпоқ (аёлларнинг узун, эркакларнинг қисқа пайпоғини) чиқара бошлаган. Бу фабрика 1970 йилларда қайта қурилиб, табиий тола, синтетик, ярим жун ва синтетик ип пайпоқларини чиқаришга ихтисослашиб, қуввати 13 — 16 млн жуфт пайпоқ чиқаришга етишди.

Бишкек шаҳрида 1983 йилда турли ассортиментдаги пайпоқ чиқаришга ихтисослашган катта корхона қурилди. У эркаклар билан аёллар учун ип, синтетик пайпоқлар, болалар учун ҳамма ассортиментдаги пайпоқларни чиқаради. Пайпоқ тўқиш саноат корхоналари ҳам Республика бўйича текис жойлашган эмас. У фақат Бишкекдагина жойлашган. Келажақда, бозор иқтисодиёти шароитига мувофиқ, Республиканинг майда шаҳарларида, йирик овул-қишлоқларида пайпоқ тўқувчи майда корхоналарни барпо этиш жуда ҳам зарур.

**Тикувчилик саноати.** Даставвал бу саноат тармоғи Республикада йўқ ҳисобида эди. Аҳолининг кийим-кечакка бўлган эҳтиёжи ташқаридан ташиб келинган маҳсулотлар ёки уйда тикувчи чеварлар ёрдамида қондирилиб турилган. Кейинчароқ, 30-йилларда Республикамиздаги йирик шаҳарларда артель типдаги чеварчилик корхоналари пайдо бўлди. Айниқса, бу тармоқ Улуғ Ватан уруши даврида, ундан кейин ривожланиб, Рес-

публикада йирик корхоналар пайдо бўла бошлади. Уларнинг дастлабкиси 1941 йилда Харьков шаҳридан Бишкек шаҳрига кўчириб келинган тикувчилик фабрикасидир. 1957 йилда бу корхона Октябрь 40 йиллиги номини олди. Ҳозир эса «Айгул» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Бу фабрикада болалар, аёллар учун 44 турдаги кийим (пальто, плаш, куртка ва яна бошқалар) тикилади.

1947 йилдан бошлаб Бишкекда эркаклар костюмини тикишга ихтисослашган йирик фабрика ишлаб бошлади, у 1981 йилда янги бинога кўчирилди ва Франциядан келтирилган янги тикувчилик ускуналари билан жиҳозланди. 1959 йилда «1-май» номли кийим тикувчилик арьтели базасида йирик корхона қурилиб, у хотин-қизлар ва эркакларнинг кўйлақларини тикишга ихтисослашди. Шундай қилиб, тикувчилик фабрикаларининг энг йириклари Бишкек шаҳрида жойлаштирилган.

Қирғизистоннинг бошқа ҳудудларида тикувчилик корхоналарининг ўртачалари 60-йиллардан бошлаб ривожлана бошлади. Бундай корхоналар Ўш, Жалолобод, Норин, Қоракўл, Талас, Ўзган, Кўкёнгёк, Мойлисув, Тошкўмир, Қизилқия, Судукта шаҳарларида, Чалибар, Орловка, Эски Новқат ва яна бошқа овул-қишлоқларда жойлашган. Улар асосан хотин-қизлар, эркаклар ва болалар учун кийим тикишга мослаштирилган.

Келажакда ўрта ва майда шаҳаларда, йирик овул-қишлоқларда тикувчилик саноатининг майда корхоналарини қуриб, Республикадаги газламалардан кўркам кийимлар ва бошқаларни тайёрласак, аҳолининг орзу-умидларини амалга оширилишига имконият яратилган бўлур эди.

**Каноп саноати.** 1941 йили Украинанинг Одесса шаҳридаги жут фабрикаси Бишкек шаҳрига кўчириб келинди. У кендир, каноп (бир йиллик толали ўсимлик) толаси билан ишловчи фабрикага айлантирилган. Сабаби, Ҳиндистондан жут келмай қолди. Фабрика арқон, қоп, таралар ва бошқа маҳсулотларни чиқаради. Каноп фабрикаси Ҳозир Ўзбекистондан, Туркменистондан ташиб келинган каноп толаси базасида ишлайди. Шунинг учун уни каноп фабрикаси деб аташади.

Ҳозир каноп фабрикасини қайта қуриш ниҳоясига етай деб қолди. Янги иморат қурилди. Янги ускуналар ўрнатилмоқда. Бу фабрика каноп маҳсулотларини кенг миқёсда ишлаб чиқаришга ихтисослаштиради.

**Тери ошловчи, булғори, пойафзал ва йирик кўнчилик саноати.** Қирғизистонда кўп йиллар давомида йилга

3,5 млн дан ошиқ кўй, 210 минг чўчка ва 250 мингдан ошиқ қора молларнинг териси ошланиб (ишлов берилиб) келинган. Бироқ буларнинг сифати жуда паст даражада бўлган. Бунинг устига тайёрлаган териларнинг кўпчилиги саноатда қайта ишлатилмасдан Республикадан ташқарига жўнатилиб турилган. Масалан, тайёрланган кўй терисининг 88% иттифокдош республикаларга берилган. Ҳозир Республикамизда ҳайвонларнинг сони камайиб кетганлиги сабабли, терилар жуда оз тайёрланади.

Терини қайта ишлаш (ошлаш) базасида Республикада булғори кийимлар, пойафзал, кўнчилик саноати ривожланган. (Булғори – юмшоқ тери)

**Кўнчилик саноати.** Қирғизистонда кўнчилик саноати энг кўхна тармоқлардан бири. У уй шароитида ва ярим хунармандчилик ҳолатида ривожланиб келган. Кейинчалик, 20-йилларнинг охирида Бишкек шаҳрига тери ошлаш саноатининг йирик корхоналари жойлаштирилди. 1926 йилда «Интергельпо» кооперативи таркибида кўн завоидига асос солинди. 1942 йилда унга И.В. Панфилов номи берилди, шунингдек, 1959 йилда кўн-химия завоидига қўшиб юборилди. Ҳозир эса завод «Ак-марал» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган.

Завод кўй, мол, эчки, чўчка териларини ошлаб, пойафзаллар ичи ва сирти учун хромли хомашёни, аёллар билан эркакларнинг куртқаларини, ҳар хил сумқаларни, қўлқопларни тайёрлайди.

Бишкек шаҳрида 1929 йилда иккинчи йирик кўн заводи қурилди. 30-йилларнинг охирида заводга М.И. Фрунзе номи берилди. 1941 йилда унга Украинанинг Одесса шаҳрида кўчириб келинган кўн — галантерея заводи қўшилди.

Завод пойафзал учун тери, чемодан, портфель, аёллар сумқасини, қўлқопларни ва бошқа галантерея буюмларини чиқаради.

Ҳозир Тўқмоқ шаҳрида яна битта кўн заводи қурилмоқда.

Республикамизда кўн заводлари ҳам тўғри жойлаштирилмаган. Қирғизистонда иккита кўн заводи бўлса, иккаласи ҳам Бишкекда жойлашган. Асосан терига бой бўлган Норин, Ўш, Жалолобод, Иссиқкўл, Талас вилоятларида биронта ҳам кўн заводи йўқ.

Келажақда ўртача ҳажмдаги кўнчилик корхоналарини Республиканинг кичик, ўрта шаҳарларига ва йирик овул-қишлоқларига қуриш иқтисодий фойда келтиради.

**Пойафзал саноати.** 30 йилларгача Республикада булғори пойафзал тикиш саноати ривожлана олган эмас. Аҳоли талабини уйда тикувчи этикдўзлар қўлидан келишича бажариб келишган. Қисқаси, булғорий пойафзал етарли бўлмаган.

1938 йил Бишкек шаҳрида 1-пойафзал фабрикаси ишга туширилди. Улуғ Ватан уруши йилларида Қоракўл, Норин, Ўш, Жалолобод, Қизилқия шаҳарларида, Чалдибар қишлоғида кичик булғори пойафзал фабрикалари жойлаштирилди. 1947 йилда Бишкекда модели пойафзал ва 2-пойафзал фабрикаси, Жангижер қишлоғида ва Талас қишлоғида янги пойафзал фабрикалари ишга туширилди. Кейинчалик Бишкекдаги «Чўлпон» пойафзал фабрикаси қайта қурилди. Ҳозир пойафзал тикиш корхоналари «Тулпор» ҳиссадорлик жамиятига бириктирилган.

Келажакда пойафзал саноати ҳар хил кооперацияларнинг, ҳиссадорлик жамиятларнинг хусусий корхоналари тизимида кичик корхоналарни очиш ва уларни самарали жойлаштириш натижасида аҳолининг пойафзалга бўлган эҳтиёжини қондириш мумкин.

**Қўй тери-мўйна саноати.** Сўнгги даврларгача Республикада тайёрланган қўй терилари тўлиқ ишлатилмаган. Аламудун мўйна ишлаб чиқариш комбинати ва Бишкекдаги тери-кўнчилик фабрикаси ошланган, бўялган қўй терисидан дубленка, цигейка, пальто, қўлқоп, пўстин, телпак, ёқалниклар тикишган. Болалар кийимларини тикиш учун тайёрланган қўй терисининг 14% игина фойдаланилган, қолганлари чет мамлакатларга қайта ишлаш учун жўнатиб турилган.

Республика мўйна буюмлари бозор фондининг 98% и ташқарида олиб келинади. Айниқса уларнинг катта қисми Россиянинг гарбий қисмидан, Туркия, Эрон, Покистон, Монголия ва бошқа мамлакатлардан сотиб олинади. Аламудун мўйна ишлаб чиқариш комбинати, Бишкек қўй-тери пўстин фабрикаси Туркия фирмаси билан биргаликда қурилган. Ивановкадаги тери ошловчи корхонанинг қуввати йилига 1 млн қўй терисини ошлаб, сувдан чиқаришга мўлжалланган. Тўқмоқ, Ўш гўшт комбинатлари қошида ташкил этилган териларни ошлаб, ишлатувчи цехлар Республиканинг мўйна буюмларга бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш бўйича ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Келажакда тери хомашёлари сифатини яхшиланга, қайта ишловчи саноат корхоналари қувватини ортдиришга, янги технологик ускуналарни ўрнатилга катта аҳамият берилиб, Аламудун мўйна ишлаб чиқариш бирлашмасидан ташқари, яна бит-

та йирик мўйна комбинатини Республиканинг жанубига қуриш мақсадга мувофиқдир. Овул-қишлоқларда қўй терисини ошлаб бўёқ берувчи ва улардан кийим тикувчи корхоналарни очиб, аҳолининг мўйнадан тайёрланувчи кийимларга бўлган эҳтиёжини Республиканинг ўзи қаноатлантириши мумкин.

### Савол ва топшириқлар

1. Озиқ-овқат саноатининг ривожланиши ва унинг асосий хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.
2. Дон аграр саноат комплексининг таркиби ва уларнинг жойлашиш хусусияти қандай?
3. Богдорчилик, сабзавотчилик, узумчилик аграр саноат комплексининг ривожланиш хусусияти нималардан иборат?
4. Енгил саноат ривожланишининг ва жойлаштирилишининг омиллари қайсилар?
5. Жун, пахта, ипак аграр саноат комплексининг ривожланиш омилларини яхшилаб ўрганинг ва уларнинг жойлашишини харита-схемага туширинг.
6. Трикотаж кийимларни тўқувчи ва тикувчилик саноатининг ривожланиши ва жойланиши ҳақида гапириб беринг.
7. Булғори буюмлар, пойафзал тикувчи, қўй тери-мўйна саноатининг хомашё базаси ва улардан фойдаланиш тўғрисида гапириб беринг.
8. Енгил саноат корхоналарини харита-схемага туширинг.

## 16. РЕКРЕАЦИЯ КОМПЛЕКСИ

Рекреация комплексига рекреацион табиий ресурслар, тарихий-этнографик ва маданий ёдгорликлар, архитектура ва тарихий ёдгорликларга бой шаҳарлар, овул-қишлоқлар, ҳар хил дам олиш жойлари ва бошқалар киради.

Рекреация комплекси одамларнинг саломатлигини мустаҳкамлаб, уларга руҳий тетиклик бахш этади. Уларни меҳнат қилиш жараёнида сарфланган куч-қувватини ўз ўрнига келтиради. Мана шундай мураккаб тармоқлараро комплекснинг ҳудудий ташкил этилиши қонуниятларини **рекреацион география** тадқиқ қилади ва ўрганади.

Қирғизистоннинг географик ҳолати ва гўзал табиий шароити хилма-хил табиий рекреацион ресурслари (бойликлари), тарихий-этнографик, маданий ва ижтимоий-этнографик омиллари Республикада рекреацион комплексни халқаро даражада ривожлантириш учун катта имконият яратади. Шу ту-

файли Қирғизистон иқтисодийётига нуфузли тармоқлар (қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат енгил саноат, сув энергетикаси рангли металлургия, электротехника ва микроэлектроника билан бирган бир қаторда рекреацион комплекс ҳам киритилган.

**Рекреацион ресурслар.** Қирғизистонда одамларнинг дам олиши, саломатлигини яхшилаши, саёхатга чиқиши учун ёқимли, хушманзара тоғ иқлими, минерал сувлари, шифобахш ботқоқликлари, хушбўй ўсимликлари, ҳайвонот дунёси, табиий ёнғоқзорлари, чўққилари, осмон ўпар товлари, музликлари, улар орасида жой лашган зилол сувли кўлар, табиат, тарих ва архитектуранинг кўплаб ноёб ёдгорликлари бор.

Қирғизистон ҳудудида табиий шароити одам саломатлигига ижобий таъсир этувчи, шифобахшлиги кучли бўлган 100дан ортиқ жойлар топилган. Уларнинг кўпчилиги денгиз сатҳидан 1000 — 2000м баландликда жойлашган. Буларга Исиккўл ботиғи, Фарғона тоғ тизмасининг табиий ёнғоқзо ва арчазорлари, Абширсой, Қорашўра, Аерлонбоб, Саричелак, Исиккота, Оқсув, Жетиўгуз, Олаарча, Сўнкўл, Чатқол, Талае сингари табиий комплекслар киради. Буларнинг кўпчилигида ҳозир бир қанча курортлар, санаторийлар ва дам олиш муассасалари жойлашган.

Табиий бойликлардан тўғри ва пухта билим асосида шифо топиш, дам олиш мақсадида фойдаланиш, Қирғизистон халқининг меҳнат унумдорлигини бир мунча оширишга, касалликларнинг кескин тарзда камайишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Қирғизистон ҳудудидаги тоғ иқлим шароити рекреацион комплексни шакллантиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Айниқса бу жойлар баландлик минтақаси бўйича иқлимнинг ўзгариши, кунгайлиги, қишнинг қисқалиги, тоғдаги чўққилар, қорнинг кўплиги билан ажралиб туради.

Республикада жойлашган табиий баландлик минтақалари орасида аҳолининг шифо топиши дам олиши учун қулай қисми 1000 — 2000 м баландликдаги жойлар эгаллайди. Бу ерларда бир йилда 300 — 328 кун дам олиш, 2,5 — 3,5 ойдан кўпроқ вақт давомида сувга тушиб, қуёшда товланиш, спортнинг ҳамма қишқи турларини ривожлантириш учун тўлиқ имкониятлар бор. Рекреация комплексининг жойлаштиришда иқлим шароитининг одам саломатлигига фойдаси, шифобахш ҳосияти бўйича Исиккўлга тенглашадиган жой жуда оз. Тоғ ораллиғида жойлашган бу тоғкўли одамлар дам олиши учун ёқимли иқлим шароити, табиий рекреация бойликлари билан ўзига хос кўринишга эга.

Бироқ ҳар бир баландлик бўлаги бўйича рекреация тармоқларини жойлантиришда уларнинг ҳар бирини ўзига хос хусусияти, такрорланмайдиган ўзгача хусни борлигини ҳисобга олиш зарур. Масалан, Республика тоғ этакларида, 1000 м гача бўлган баландликларда жойлашган шаҳарлар атрофида қисқа муддатли, дам олиш кунларига яраша рекреация корхоналарини қуриш замон талаби бўлса, альпинистлар лагерини эса баланд тоғли оқ қор, кўм-кўк муз билан қопланган чўққлардан бошқа жойда уюштириш ҳеч мумкин эмас. Шунинг учун ҳудуднинг табиий иқлим шароитини ва ресурсларини рекреация нуқтаи назардан баҳолашда баландлик минтақаларининг ҳудудий хусусиятини тўлиқ назарда тутиш жуда зарур ҳисобланади.

Республика ҳудудида 400 дан ортиқ табиий гор топилган. Булардан узунлиги 10 км бўлган Кан ва Гут, чуқурлиги 240 м гача бўлган Ферсман, жуда чиройли Ҳайдаркон билан Қадамжой, Чилмайрам, Чилустун, Туямўйин, Чотқол, Сандалаш, Оламушук сингари борлар туристлар эътиборини ўзига тортади. Гўзал Иссиқкўл, Саричелак, Сўнкўл, Арсланбоб, Қораолма, Жетиўғиз, Абширсой, Ички Норин сингари ҳудудлари, хилма-хил қуриқхоналари саёҳатчиларни қизиқтирмай қўймайди.

Рекреация бойликларининг асосийларига минерал сувлар ҳам киради. Ҳозир Республика ҳудудида ҳар хил физик-кимёвий хусусиятга эга 130 дан ошмиқ минерал булоқлар, бурғилаш асосида топилган минерал сувлар бор. Буларнинг потенциал миқдори суткасига 81,9 минг куб метрга баробар. Шифобахш хусусияти, мўл-кўллиги жиҳатидан айримлари азалдан дунёга номи чиққан минералга бой иссиқ булоқлардан кам эмас. Марказий Осиё мамлакатлари орасида Қирғизистон минерал сувларга бойлиги билан ажралиб туради.

Ҳозирги кунда фойдаланиладиган минерал сувларнинг умумий захираси миқдори суткасига 14,4 минг куб метр ёки Республикадаги ҳамма аниқланган минерал сувларнинг 24,0% ини ташкил қилади. Маълум бўлган булоқларнинг кўпчилиги саноати дуруст ривожланган, аҳоли зич жойлашган ерлардан олиса, табиий шароити мураккаб баланд тоғли ҳудудлардан ўрин олган. Шу туфайли фойдаланишга қулай бўлган ҳудудлардан минерал булоқларини топиш ишлари бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Қирғизистон шифобахш хусусиятли бор ботқоқликларга ҳам бой. Ҳозирги кунда 13 ботқоқлик манбаи топилган. Умумий ҳажми 5225,0 минг куб метр. Кўпчилиги Иссиқкўл бўйида, Чуй

ва Кўгарт водийларида жойлашган. Булар орасида Иссиқкўлдаги шифобахш ботқоқликларнинг сифати анча яхши. Улар рекреациянинг бошқа табиий бойликларига мос келиб, ҳажми мўл ёки Республикадаги ҳамма ботқоқликлар орасида 5 та ботқоқликнинг ҳажми махсус ўрганилиб, давлат комиссияси томонидан тасдиқланган. Буларнинг умумий ҳажми 573,1 минг куб метр ёки ҳамма ботқоқлар захирасининг 11%ини ташкил қилади.

Кўп сонли тарихий ёдгорликлар, Буюк Ипак йўли ўтган жойлар, Манас эпосининг 1000 йиллигига бағишланиб тайёрланган Талас водийсидаги Манас гумбази ва музей комплекси, Бишкекнинг чеккасига қурилган «Манас қишлоғи» — этнографик музейи, Тошробот карвон саройи, Ўзган, Бурана сингари қадимги тарихий ёдгорликлар, Сўзоқ, Чўлпонотадаги ўймакор тошлар, Ўшдаги тоғ (Сулаймон тоғунинг кун юриш тарафидаги Осаф ибн Бурхиё хужраси (Осаф ибн бурхиё) Сулаймон пайғамбарнинг тоғаси ва вазири), ундаги Бобурнинг дунёга номи кетган «Оқ уйи» ва бошқалар жуда қизиқарлидир.

Қирғизистон табиий рекреация ресурслари орасида Иссиқкўл бўй-ларидаги қумли соҳиллар эътиборга моликдир.

Ҳисоблашларга қараганда, ҳозирги кунда узунлиги 6000 км дан ошқ кўл бўйидаги қум бўлаклари орасидан 120 км ёки 2440 минг кв. метр жойини энг яхши ва сифати чиройли (1 ва 2 категориядаги) деб қабул қилиш мумкин. Булардан энг аҳамиятлиси Қўшкўл, САриўй, Бостери, Чотқол, Қўйсари, Чўлпонота, Бўзбешик ва бошқалар бўлиб, улар сифати ва ҳажми бўйичагина фарқ қилади.

Республиканинг Тяньшан, Помир-Олоё тоғ тизмаларидаги музлик-лари, қорли тоғ ёнбағирлари алпинизмнинг ривожланиши учун имконият яратади.

Қирғизистоннинг дунё «қизил китобига» кирган «Марко Поло» архари, илвире, кулжа (тоғ такасининг эркаги), тоғ такаси сингари кам учрайдиган ҳайвонларини отгандиги учун, четдан келган туристлар жон бошига 20 минг америка доллари миқдоридан жарима тўлайдилар. Бундан ташқари туристик юришларда чет элликлар кам учрайдиган ҳайвонларини бинокль билан кўриб, уларни ҳуркитгандиги учун, фотосуратга ёки кинокамераларга туширгандиклари учун ҳам америка доллари билан жарима тўлайдилар.

**Рекреация комплексининг ҳозирги ҳолати ва келажги.** Мутахассисларнинг изланишларига қараганда Республикадаги табиий рекреация бойликларининг 10% игина ўзлаштирилган.

Қирғизистон курорт хўжалиги 1929 йилдан бошлаб ривожлана бошлади. Ўша йилнинг ўзида Қўйсари курорти ишга туширилган эди. 1934 йилда Тамға, Воронцовка, Ўш дам олиш уйлари ишлай бошлади.

Кейинчароқ Иссиқота (1954 й.), Жалолобод, Жетиўғуз (1958 й.), Жирғалан (1960 й.), Мовий Иссиқкўл (1965 й.), Иссиқкўл (1974 й.) курортлари йилнинг тўрт фасли давомида ишлашга ўтишди. Саломатлигини мустаҳкамлаган дам олувчиларнинг сони 1929 йилда 250 киши бўлса, 1960 йилда 10034 кишига, 1985 йилда эса 482,8 минг кишига етди. Сўнгги йилларда иқтисодий инқироз туфайли дам олувчиларнинг сони қисқариб бормоқда. Мисол учун, 1933 йилда Республиканинг рекреация корхоналарида 298,5 минг киши дам олган, бу 1985 йилга солиштирганда 38,1%ни ташкил этади. Ҳозирги кунда аҳолининг курортларда даволаниш эҳтиёжи 29,0% гина қондирилмоқда.

Қирғизистон курортларини тоғ иқлими иссиқ булоқли курортлари, денгиз иқлимли курорт, минерал булоқлар курорти ва дам олиш уйларига бўлиш мумкин.

Тоғ иқлими, иссиқ булоқли курортларга Жетиўғуз, Иссиқота курортлари киради. Жетиўғуз Терская Олатовининг шимоллий ёнбағирларидаги энг чиройли, қалин ўрмон билан қопланган тоғ даррасида, Жетиўғуз дарёси бўйида жойлашган. Унинг энг тоза тоғ ҳавоси, ер остидан отилиб чиққан радонли иссиқ булоқлари одамларни кўп касалликлардан холис қилади.

Иссиқота курорти Қирғизистон Олатовининг шимоллий ёнбағридаги қалин ўрмонли, Иссиқота дарёси оққан энг гўзал дарадан жой олган ва ундаги олтингугуртли арашан, иссиқбулоқлари билан музликдан эсан салқин ҳавонинг шифобахш ҳосияти катта.

Денгиз иқлимли курортлар Иссиқкўл атрофларида жойлашган. Бу жойлар тоғли, тоза ҳаво, ультрабинафша нурнинг кўплиги билан ажралиб туради. Унинг тиниқ, шўр суви бугланганда атрофдаги ҳавога денгиз иқлими сингари ҳосият бағишлайди. Кўл атрофидаги майда қумлари, кўп сонли қайнар булоқлари, шифобахш ботқоқликлари, дам олувчиларга жуда яхши шифобахш этиб, ўзининг сифат даражаси бўйича дунёдаги атоқли курортлардан камлик қилмайди. Уларнинг энг яхшилари: «Мовий Иссиқкўл» (Чўлпонота шаҳрида), «Иссиқкўл» (Сўғўтида), «Тамға» (Тамға қишлоғида), «Қирғизистон денгизи» (Бўзтери қишлоғида) ва бошқа санаторийлар. Булардан ташқари кўп сонли дам олиш жойлари пансионатлар, бола-

лар санаторийлари — «Қирғизистон Артеги» (Чўлпонота шаҳри), туристик базалар — Тўруайғир, Қўшқўл, Каттатол, Қизилсув, Тамға, Бўкўнбаев ва бошқа қишлоқларда, Чўлпонота шаҳрида, Қажисой шаҳарчаларида жойлашган. Минерал булоқли курортлар гуруҳига Жалолобод шаҳри ёнидаги минерал сув базасида ташкил топган Жалолобод курорти киради. Бу курорт ошқозон, буйрак, жигар, ич бурғ, бўғин оғриқларидан тортиб, асаб касалликларигача даволайди. Бундан ташқари Жалолобод вилоятининг Асрлобоб, Саричелак, Қораолма, Ўш вилоятининг Ўш шаҳрида, Абширсой ҳудудларида, чуй вилояти — Қирғизистон Олатовининг шимолӣ ёнбағирларидан шарқираб оққан Оларча, Аламудун, Кегети, Шамши ва бошқа дарёларининг бўйларида дам олиш жойлари, пионер лагерлари ўрнашган.

Пансионат усулида дам олиш корхоналарига 104,2 минг рекреант келган, бу Республикадаги ҳамма рекреация комплексларига нисбатан 35,0%ни ташкил қилади. Рекреация тармоғининг бу тури билан аҳолининг 60,0%ни таъминланган (1992й.) Туризмдунёдаги энг сердаромад соҳалардан бири. Бу соҳа нефть ишлаб чиқариш тармоғидан кейин иккинчи ўрнида туради. Дунёда туризмга (давлат ичидаги ва ҳалқаро) 1 млрд дан ошиқ одам қатнашади ёки ер шаридаги аҳолининг ҳар бешинчиси туризм билан алоқадор. Туризм яхши ривожланган Испания, Италия, Непал, Мексика, АҚШ, Япония, Туркия, Греция сингари даврларда Американинг бир доллари сарфланса, ундан 20 доллар фойда тушади. Бундай мамлакатларда туризм ҳисобига миллий даромаднинг 20 — 40% гача ёки ундан ҳам кўпроқ фойизи тўғри келади.

Қирғизистоннинг жуда чиройли табиатидаги машҳур кўллари, курортлари, қарағайзорлари, ёнғоқзорлари, яшил гиламдай ёзилган ўтлоқлари, турли-туман гулларга бурканган тоғлари, абадий муз қопланган оппоқ қорли тоғ чўққилари, тоғдан тушган зилол сувларнинг шўх садолари, ер остидаги музей сингари безатилган унгуллари, Қирғизистон халқининг этнографик урф-одатлари, қадимги ва ҳозирги тарихи, Улуғ Манас эпосига боғлиқ воқеалар, Буюк Ипак йўли, тарихий ёдгорликлари ва бошқалари чет эллик туристларнинг қизиқишини ортттиради. Шунга қарамай, Қирғизистонда туризмни ривожлантириш яқиндагина ташкил қилади, бу албатта жуда оз. Аслини олганда, Қирғизистонда туризмнинг ҳамма турларини ривожлантириш учун барча шароитлар етарли.

Ҳозир Республикада 300 га яқин туристик фирма, Қирғизистон Республикасининг туризм ва спорт бўйича вазирлиги «Интурист» ҳиссадорлик жамияти, Қирғизистон қасаба уюшмалари федерацияси қошидаги Қирғизистон Республикасининг туризм ва экскурсия бўйича Кенгаши, «Қирғизистон Саёҳат» туристик корхонаси. Туризм бўйича «Олам», «Спутник» жамиятлари бор. Уларнинг моддий техника базалари жуда сустривожланган, хизмат кўрсатиш даражаси халқаро андозаларга жавоб бермайди. Чет мамлакатларга бориб келаётган туристларнинг аксарияти савдо-сотиқ билан овора. Шундай қилиб, ҳозирги кунда туристик соҳа тижорат йўли билан ривожланиб келмоқда.

Келажакда тоғ туризми (трекнинг, от, пиёда туризм), альпинизмни, тоғ чангиси, спорт турини, сув туризмини (рафтинг, видсервинг, яхтспорт), спелео туризми (ғор туризми), велосипед туризмини, миллий овчилик туризми (бургут, қуш, шунқор, лочин, тозини билан овчилик), курорт-санатория туризми, қўриқхона ва заказниклар базасида зоология, ботаника орнитология (қушлар) туризми, Экология туризми, маҳаллий миллатларнинг миллий ўйинлари, урф-одатлари, уй-рўзғор буюмлари билан таништириш мақсадида фольклор туризми, от спорт туризми ва бошқаларни кенг уюштириш ва ривожлантириш мумкин.

Республикада туризми ривожлантириш мақсадида миллий давлат дастури ишлаб чиқилган. Дастур жаҳон андозаларига тўғри келган инфратузилманинг пайдо бўлиши, реклама, сувенир ишлаб чиқариш масалаларини ўз ичига олади. Чет эллик инвестициялардан биргаликда фойдаланувчи компанияларни тузиш орқали, туризм индустриясини ривожлантириш, туристик-рекреация комплекси халқаро стандарт даражасида ташкил этиш, талабга мувофиқ кадрларни тайёрлаш жаҳондаги туристик компанияларни жалб қилиш учун кучли тижорат-рекламани йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Халқаро миқёсдаги туризми ривожлантириш учун чет эл сармояларидан фойдаланиш жуда катта рол ўйнайди. Туркия фирмаси билан биргаликда Бишкек шаҳрида 400 ўринли тўрт йўлдузли «Оқ кема» меҳмонхонаси қурилди.

Қирғизистон-Италия қўшма корхонаси — «Кавитал» консорциуми билан биргаликда Бишкек шаҳрида «Қирғизистон» меҳмонхонаси қайта қурилмоқда.

Республика ҳудудидаги айрим дам олиш уйлари, пансион

онатларни, туристик базаларни, тезда хусусийлаштириб, улар асосида чет эллик фирмалар билан ҳамкорликда олий даражадаги қўшма туристик базаларни қуриш керак.

Овчилик-туристик хўжалиги Қирғизистон рекреация комплексининг келажаги порлоқ тармоқларидан бири ҳисобланади. Республика ҳудудида овчиликка яроқли ер майдони 14,5 млн га. Бундан 1 млн га ер ўрмонлар эгаллайди. Уларда қушларнинг 342 тури, ҳайвонларнинг 82 тури, судралиб юривчларнинг 2 тури, балиқларнинг 60 дан ошиқ тури учрайди. Айниқса, чет элдан келган туристларни қизиқтирувчи ҳайвонот дунёсини кўпайтириш учун маҳсус ихтисослаштирилган овчилик хўжаликларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қирғизистонда туризмга қараганда альпинизм бирмунча яхши ривожланган. Сабаби, Республикада альпинизмни ривожлантириш учун дунё аҳамиятига эга бўлган табиий шароити ва осмонўпар баланд чўққилари бор. Хонтагри (6995 м), Фалаба (7439 м), Ленин (7137 м) чўққилари ана шулар жумласидандир.

Ҳозир Қирғизистон ҳудудида жойлашган Республика миқёсидаги «Тяншан», «Олаарча», «Лайлак», «Дуоба», «Олатон», «Олой» ва халқаро миқёсидаги «Памир» альплагерлари йилига 2000 альпинистни қабул қилишга қодир. Бироқ, улардан тўлиқ фойдаланмай келимоқда.

Қирғизистон ҳудудида, келажакда ҳозирги ишлаб турган альплагерларни кенгайтириб, таъмирлаб ва замон талабига мувофиқ келадиган янгиларни қуриб, альпинистларнинг иккита халқаро марказини барпо этиш керак. Уларнинг бири Марказий Тяншандаги Хонтагри, Фалаба чўққилари ҳудудида, иккинчиси эса Катта Олой тоғ тизмаларида жойлашгани маъқул (Ленин чўққиси ҳудудида). Келажакда йилига 5 минг нафар чет эллик альпинистга хизмат қилиш билан улардан илгари 8 млн доллар фойда олиш учун тўлиқ имконият бўлади.

Келажакда Иссиқкўлнинг Чўлпонота, Қорақўл шаҳарлари атрофида ва Тамға қишлоғи ёнида учта йирик курорт районларни ташкил топади. Ундаги санаторийлар, пансионатлар, спорт базалари мотель ва кемпинг туристик корхоналар халқаро андозалар даражасида ривожланиб, йилнинг тўрт фасли давомида мижозларни қабул қилиш имкониятига эга бўлади.

Рекреация комплексининг истиқболли районларига Чуй, Талас водийлари, Республика жанубидаги ёнғоқзор ўрмонлар Чотқол, Абширсой, Чилустун, Қорашўра, Оқбура сингари гўзал жойлари бор.

Келажакда ҳозирги рекреация корхоналарини бутунлай замон талабига мос қайта қуриб, Республика ва халқаро даражадаги курорт, санаторий, дам олиш уйлари барпо этиш, туристик йўналишларни, альпинистлар лагерларини давр талабига лойиқ мослаштириб қуриб, чет мамлакатдаги айрим тажрибали корхоналар билан биргаликда иш олиб боришни кучайтириш, табиат ресурсларидан фойдаланганлиги учун рекреация корхоналаридан маълум миқдорда ҳақ тўлаш шартини жорий қилиш керак. Шунингдек ресторан, бар, кафе, айниқса миллий ошхонага мослашган объектларни қуриш, туристик корхоналарга хизмат қилувчи мутахассисларни тайёрловчи ва чет тилни ўргатувчи марказларни ташкил қилиш, Республика рекреация комплекси келажagini етарли даражада кўрсатувчи чет тилларидаги кўркем мавзули рекламаларни кўпайтириш зарур.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Республикада рекреацион ресурсларнинг қайси турлари кўп?
2. Қирғизистон курортларини ҳарита-схемага туширинг.
3. Республикада туристлар ва альпинистлар лагерларининг жойлаштирилиши қандай?
4. Рекреацион комплекснинг келажagini қандай?

## **17. ТРАНСПОРТ КОМПЛЕКСИ**

Қирғизистон Республикаси халқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири транспорт ҳисобланади. Транспортнинг ривожланиши Республика ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан жойлашишига, бундан ташқари шаҳарларнинг жойлашиш тартибига ва аҳолисининг сонига боғлиқ. Бу омиллар юк алмаштириш ҳажмини, юк ҳиссасини ва юк ташиш масофасини аниқлайди, Республика хўжалигининг ихтисослашишига ва комплекс асосда ривожланишига ёрдам беради. Транспортнинг ривожланишида табиий шароит, рельеф ва иқлим шароити, ишлаб чиқариш ва аҳоли талабининг районлараро баланси, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо шохобчаларининг, аҳоли ва шаҳарларнинг жойлашиши каби омиллар муҳим аҳамият касб этиб, улар ишлаб чиқаришни комплекс асосида жойлаштириш ва уни мужасамлаштиришда ёрдам беради. Ҳозирги замон транспортининг ҳамма турлари (денгиз транспорти бундан мутас-

но) Қирғизистон Республикасида ҳам бор. Уларга темир йўл, автомобил, ҳаво, сув, қувур ва бошқа транспорт турлари киради. Транспортнинг ҳамма турлари ўзаро йиғилиб, умумий транспорт тизimini (транспорт комплексини) ташкил қилади. Ҳамма ташилувчи юклар транспорт тармоқларининг турига қараб, ўзаро бўлиниб ташилади. Тоғли мураккаб рельеф темир йўл қурилишига қийинчилик келтирганлигидан, Республикада транспортнинг асосий тармоғи автомобил транспорти бўлиб ҳисобланади. У Республика ичкарасидаги кўпчилик юкларни ва йўловчиларни ташувчи транспорт, унинг ҳиссасига 97% юк, 99% га яқин йўловчиларни ташиш тўғри келади.

Ташқи иқтисодий районлар, мамлакатлар билан бўладиган алоқалар темир йўл транспортига юкланади.

Узоқ масофаларга тез етказувчи транспортнинг тури — ҳаво транспортидир. Ундан кўпинча йўловчилар, почта, қимматбаҳо ёки тез бузилувчи маҳсулотларни ташиш учун фойдаланилади.

Республика жанубида ва Чуй водийсида қувурдан, Иссиқкўл вилоятида эса сув транспортдан ҳам фойдаланилади.

**Темир йўл транспорти.** Темир йўл транспорти Қирғизистонни ташқи мамлакатлар ва районлар билан иқтисодий алоқаларида катта аҳамиятга эга, барча ташқи юклар темир йўл орқали ташилади. Республикадаги мавжуд темир йўлнинг умумий узунлиги 372 км бўлиб, бир-бири билан боғлиқ бўлган иккита тармоқдан иборат: Республиканинг шимолида Чалдовар — Бишкек — Балиқчи; жанубида эса Ўш, Жалолобод, Қизилқия, Кўкёнғоқ, Тошкўмир шаҳарларини туташтирувчи қисқа йўллар бор. Республикадаги ҳамма темир йўллар Олмаота ва Тошкент йўлларидан тармоқланиб кетувчи берк йўллардир.

1924 йили Еттисув темир йўлидаги Луговая станциясидан Бишкек шаҳригача темир йўл қурилган. Турксіб темир йўлининг қурилиши билан Қирғизистон Шарқий Қозоғистонга ва Сибирга чиқиш имкониятига эга бўлди. 1932 йилда Луговая-Бишкек йўли Қант посёлкасигача давом эттирилган. Урушдан олдин — 1940 йилда Қант — Бистровка (ҳозирги Кемин) темир йўли қурилиши бошланиб, у 1942 йилда битказилган. Чуй водийсини ғарбдан шарққа кесиб ўтган темир йўл унинг иқтисодини янада ривожланишида катта аҳамият касб этади. Бу водий саноатининг ривожланиши, қишлоқ хўжалигининг юксалиши, Бишкек шаҳрини тез ривожланиши учун тўртки бўлган. Бу йўл орқали Бишкек Шаҳридан Талас водийсига, Ўзбекистонга, Қозоғистонга, Тошкент орқали жанубий Қирғизистонга, Сибир-

га, Европа мамлакатларига чиқиш имконияти бор. Урушдан кейин Бўём дараси орқали энг мураккаб, тоғ рельефли участка-Бистровка-Балиқчи темир йўлини қуриш давом этди. У 1948 йилда битказилган. Бу эса, Иссиққўл, Норин областларининг иқтисодини ўстиришга ва Жумғал водийларигача давом эттириш, Қоракеча кўмирини, рангли металлрини, тузларини, қимматбаҳо қурилиш материалларини тўлиқ ўзлаштириш учун имоният яратади.

Бишкекдан жануб томондаги Чу станциясига йўл қуриш ҳам жуда муҳим, сабаби ҳозирги Чу — Луговая — Бишкекнинг оралиғи 277 км, агар Бишкекдан тўғри Чу станциясига йўл солинса, унда уланинг оралиғи бор йўғи 120 км ни ташкил қилади ёки темир йўл 157 км га қисқарган бўлади. Бу қисқа йўл орқали Шимолий Қирғизистонга Қозоғистондан, Сибирдан юклар арзон нархда ташила бошлайди.

Келажакда Бишкек — Сусамир ёки Бишкек — Балиқчи-Тўрўғарт кейин Фарғона тоғи орқали Жалолободгача темир йўл қуриш лойиҳалаштирилган. Яқин йиллар ичида қурилиши мўлжалланган темир йўл лойиҳаси Балиқчи, Қўчқор, Жумғал, Кўкёнгёқ шаҳарларини туташтиришни кўзда тутлади.

Ҳозирги кунда Республикада туташган темир йўл тармоғи йўқ. Шимолий ва жанубий Қирғизистон ўртасида темир йўл йўқлигидан Луговая, Арис, Тошкент, Урсатьевская орқали 1300 км масофани босиб, уч мамлакат Қозоғистон, Тожикистон, Ўзбекистонни айланиб ўтишга мажбурмиз. Тўғри йўлга нисбатан бу йўл 3 ҳисса узунлик қилади.

Агар Шимолий Қирғизистондаги Чуй водийси, Бўём дараси, Иссиққўл бўйига темир йўл қуриш имкони бўлса, Жанубий Қирғизистонда аҳвол бошқача. Бу ерда Қирғизистон Республикасининг ҳудуди Фарғона водийсини ўраб турган тоғ ёнбағирларидан ўрин олган бўлиб, бу жойларга темир йўл қурилган. У Қўқон — Андижон — Наманган-Қўқон халқасини ҳосил қилади. Шу йўлдан дарё водийлари бўйлаб унча катта ва узун бўлмаган берк йўллар кўмир қазиб олинувчи конларга ва Ўш шаҳрига (1928 — 1935йилларда) қурилган.

1916 йилда Андижон — Қорасув — Жалолобод темир йўл участкаси қурилган. Фарғона халқаси темир йўлидан 1928 йилда Қувасой — Қизилқия, 1930 йилда Қорасув-Ўш, 1932йилда Жалолобод — Қўқон-Кўкёнгёқ, 1935 йилда Учқўрғон — Тошкўмир темир йўллари қурилган. Булардан ташқари Сулукта шаҳрига Пролетарск станциясидан кўмир ташиниш учун тор изли



темир йўл (1917 йилгача) солинган. Бу йўллар кўмир конларини ўзлаштиришга ёрдам берди, Жанубий Қирғизистонни Марказий Осиёдаги ёқилғи берувчи районга айлантириб, унинг умумий ишлаб чиқариш кучларини ривожланишига туртки бўлди.

Ҳозирги кунда Қирғизистонда фойдаланилаётган темир йўлнинг умумий узунлиги 372 км, унинг 275 километри Шимолӣ Қирғизистонда, 97 км жанубда — Ўш, Жалолобод вилоятларида. 1928 йилда темир йўлнинг узунлиги 140 км, 1941 йилда — 22188 км, 1959 йилда — 372 км ёки сўнгги 35 йил ичида умуман темир йўл қурилгани йўқ. Темир йўллар умумий майдонга, аҳоли сонига, зичлигига солиштирилса, бу кўрсаткичлар жанубда жуда паст даражада. Масалан, ҳар 1000 кв км майдонга 19 км темир йўл тўғри келса, 1000 кишига 0,09 км йўл тўғри келади. Республиканинг ҳамма вилоятларида ҳам темир йўл тармоқлари тўла шаклланишига йўқ. Ишлаб чиқариш кучларининг умумий ривожланишига солиштирганда темир йўл транспорти жуда орқада. Бу халқ хўжалиги билан аҳоли эҳтиёжини тўлиқ қаноатлантир олмайди.

Шимолӣ Қирғизистонга умумий темир йўл узунлигининг 75%ни тўғри келади. Умумий юк ташишни ярмидан кўпи Чалдовар — Бишкек участкасига тегишли. Луговая — Бишкек — Балиқчи йўли шимолӣ районлар учун катта аҳамиятга эга. Сабаби, бу йўл орқали Жанубий Қирғизистон ва яна бошқа ўлкалар билан алоқалар ўрнатилади. Луговая — Бишкек участкасига Республикадаги юк ташишнинг 80%ни тўғри келади. Жанубнинг конларидаги тинимсиз кўмир жўнатиб турганлигидан, бу темир йўллар фаол балансда туради. Республикада, умумий олганда, юкни темир йўл орқали жўнатишга қараганда, қабул қилиш 25%га ошиқча. Шимолӣ ва Жанубий Қирғизистонда уларнинг фарқи кескин ўзгаради. Шимолӣ Қирғизистонда юкни жўнатиш 33%, қабул қилиш — 75% ни ташкил қилса, Жанубий Қирғизистонда улар мос равишда 67% ва 25%ни ташкил қилади.

Темир йўл транспорти ташқи транспорт алоқаларини йўлга қўяди. Республиканинг жануби билан шимоли ўртасидаги юк ташишда унинг аҳамияти катта. 1990 йилгача темир йўл транспорти орқали МДХ (мустақил давлатлар ҳамдўстлиги)нинг 120 вилоятига юк жўнатилиб, 126 вилоятдан юк олиб келинган. Республика темир йўл станцияларига келиб тушувчи юкнинг асосийларини кўмир (23%), ёғоч материалдан (17%), минерал ўғит, қурилиш материаллари (14%) ташкил қилади. Темир йўл

транспорти бўйича юк ташиш ҳажми йилдан йилга ўсгани билан, унинг умумий юк ташишдаги ҳиссаси йил сайин озаийб бормоқда. Буни 26-жадвалдан яққол кўриш мумкин.

Темир йўл транспорти ишига фақат темир йўл тармоқларигина таъсир этиб қолмай, тизимда янги технологиядан фойдаланиш, уларни таъмирлаш ҳам таъсир этади. Кучли локомотивлар, махсус вагонлар, йўловчиларни ташувчи автоматлаштирилган машиналар, сигнализациялар, ҳозирги замон талабига жавоб берувчи рельсларни ётқизиш, АБТ (автоматлаштирилган бошқарув тизими)ни қўллаш ва бошқа кўплаб мураккаб тармоқларнинг бор имкониятларидан фойдаланишигина юк ва йўловчиларни ташишни яхшилаётлади.

26-жадвал

### Транспортининг турлари бўйича юк ташиш

Йиллар	Автотранспорт (млн т)	Темир йўл транспорти (млн т)	Сув транспорти (млн т)
1940	0,4	2,0	81
1960	87,7	4,9	136
1970	199,0	6,3	392
1980	287,2	8,3	483
1985	323,3	8,5	567
1987	333,3	8,8	601
1990	330,0	8,5	600
1993	14,6	2,1	131,7

Юк ташувчи поездларнинг тезлиги ортиб, у 1928 йила соатига 20 кмдан 1990 йилда — 70 км га етган. Темир йўл транспортини электрлаштиришнинг аҳамияти ҳам жуда катта. У арзонлиги, кучли қуввати ва экологик жиҳатдан тозаллиги билан фарқ қилади.

Темир йўл транспортида янги технологиядан фойдаланиш, йил сайин юк ташиш қобилиятининг ўсишига олиб келади. Ҳозирги даврда Қирғизистон ҳудудида 30 дан ортиқ темир йўл станциялари ишлаб турибди. Булардан 6 таси катта станция (Бишкек, Ўш, Жалолобод, Кўкёнғоқ, Қизилқия, Пишпек) лар бўлиб, Республикага келадиган ҳамма юкнинг 47,7%и, Республикадан жўнатиловчи юкнинг 46% шу станцияларга тўғри келади.

Йўловчиларни ташиш учун махсус поездлар бор, уларнинг асосий йўналишлари Бишкек — Жалолобод (1936 йил), Бишкек — Москва (1947 йил), Бишкек — Екатеринбург, Бишкек — Новокузнецк ва бошқалар. Бишкек атрофидаги йўловчиларни ташувчи поездлар ишини яхшилаш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан биридир.

Темир йўл транспортининг келажаги Қирғизистоннинг шимоли билан жанубини бирлаштирувчи қисқа йўл — Балиқчи, Қўчқор, Жумғал, Кўкёнғоқ, шаҳарларини туташтирувчи темир йўли қурилишига боғлиқ. Бу йўл икки олис ҳудудни бирлаштириб, юк, йўловчиларни ташиш билан биргаликда, шу трасса бўйида жойлашган кон бойликларини ҳам ўзлаштириш имконини беради. Бу конларга Жетим темир қони (заҳираси 10 — 12 млрд т), Ўзган кўмир ҳавзасининг коксланувчи қони (заҳираси 2 — 3 млрд т), Қоракеча кўмири, Чўлпон қишлоғи яқинидаги ош тузи (3,7 млн т), алюминий хомашёлари, Ахсининг кўрғошини (1,6 млн т), Чаекга яқин жойдаги барит (400 минг т), қимматбаҳо қурилиш материаллари киради. Республикада умумий темир йўл тармоқларидан ташқари 435 км узунликдаги ички темир йўллари ҳам бор.

**Автомобил транспорти.** Ҳозирги даврда юк ва йўловчиларни ташишда, Республика ишлаб чиқариш кучларининг ўсишида автомобил транспортининг аҳамияти катта. Республикадаги автомобил йўллари ягона транспорт тизимини туташтирувчи ва уларни ривожлантирувчи йўл бўлиб ҳисобланади. Қирғизистоннинг кўпчилик районларида автотранспорт-транспортнинг ягона тури бўлиб ҳисобланади. Республикадаги асосий автомобил йўллари, илгарилари почта ташувчи йўллар асосида қурилган. Буларга Тошкент — Бишкек — Олмаота, Бишкек — Тўқмоқ-Қоракўл, Норин — Қоракўл — Учқарқира йўллари киради. Автомобил тариспорти 1930 йилдан бошлаб ривожлана бошлади. Автомобил йўлларининг умумий узунлиги 8142 км ни ташкил қилиб, бундан 105 километри тошйўлдир.

1934 йилда Бишкек — Балиқчи — Қоракўл йўлини қайта қуриш бошланиб, у 1936 йилда битган. 1935 йилда «Улуғ Қирғиз тракти» деб аталган, Бишкекни Қирғизистоннинг ички районлари билан туташтирувчи, Бишкек — Балиқчи — Тўруғарт йўлини қуриш бошланиб, унинг узунлиги 823 км бўлган. Бу йўл 1937 йилда Норингача, 1938 — 1940 йилларда Акбайитгача битказилди. 1931 йилда Катта Олой тоғ тизмасида, 4280 м ба-

ландликдаги Қизарт довоии орқали ўтувчи, узунлиги 754 км бўлган Помир тракти (Ўш-Хороғ) қурилиши бошланиб, у 1934 йилда ишга туширилган. 1930йилда Жанубий Қирғизистонда Бурганди — Тошқўмир — Каравон, Ўш — Қизилқия — Сулукта, Тошқўмир — Кетмонтепа, Ўш — Новқат, Ўш — Қорасув, Талас водийсида Жамбул — Талас — Будёновка йўлларининг қурилиши бошланган. Бу йўлларнинг қурилиши билан Республиканинг кўпчилик районлари бир-бири билан боғланди. 1940 йилги умумий йўл узунлиги 11,5 минг км га етган, бундан асфальт ётқизилган йўлнинг узунлиги 1,2 минг км ни ташкил қилган. 1940 йилда бошланиб, уруш даврида тўхтаб қолган, энг аҳамиятли ҳисобланган Бишкек — Қораболта — Сосновка — Сусамир — Ўш йўли 1965 йилда битказилган. Унинг узунлиги 600 км. Бу йўл Қораболта дараси орқали Туяошув довоинга (3586м) яқин ерда туннель орқали ўтади. Туннель 3200 м баландликда жойлашган бўлиб, узунлиги 2,6 км. У Қирғизистондагина эмас, ер шаридаги энг баланд ноёб туннель бўлиб ҳисобланади, унинг жанубий қисмида Сусамир водийси жойлашган. 1953 — 1967 йиллар ичида бутун Иссиқкўл бўйлаб «Иссиқкўл халқаси» деб аталувчи автомобил йўли қуриб битказилган, унинг узунлиги 438 км. Кейинги йилларда Қирғизистоннинг ҳамма вилоятларида асфальт ётқизилган (қаттиқ) йўлларнинг узунлиги кўпайди, кўплаб янги йўллар қурилди. Ҳозирги вақтда автомобил йўлларининг узунлиги 19 минг км, бундан 16,7 минг км асфальтланган. Булардан ташқари ҳар бир маҳкаманинг ўз йўллари бор, уларнинг узунлиги 5 минг км ни ташкил қилади. Республикадаги ҳамма автомобил йўллари ўз аҳамияти, сифати ва бошқа белгилари бўйича: 1-халқаро миқёсдаги, 2-Республика миқёсдаги ва 3-маҳаллий миқёсдаги йўллар бўлиб учга бўлинишади.

Магистрал йўл бир неча мамлакатларни ёки йирик саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини туташтириб, уларни транспорт воситаларнинг ҳаракати билан таъминлаб турувчи умумий давлатлараро йўллар қаторига киради. Буларга Бишкек — Ўш, Бишкек — Тўруғарт, Бишкек — Олмаота, Бишкек — Тошкент, Ўш-Хороғ йўллари киради. Республика миқёсдаги йўлларга вилоятлар оралиғидаги саноат марказларини ва қишлоқ хўжалигини транспорт билан таъминловчи, Ўш — Қизилқия — Исфана, Талас — Кировка — Жамбул, Норин — Баётовка — Казарман ва бошқа йўллар киради.

### Қирғизистон Республикасидаги автомобил йўлларнинг узунлиги (йил охирида, минг км)

Йиллар	1940	1950	1960	1970	1980	1985	1990
Автомобил йўлларининг умумий узунлиги, бундан: Халқаро йўллар	11,5	13,0	14,1	19,6	23,1	23,5	19,0
Республика миқёсидаги йўллар	2,0	2,3	5,1	5,6	7,4	6,8	6,4
Маҳаллий миқёсидаги йўллар	8,5	9,7	7,6	11,4	12,81	12,9	9,0
Асфальт ётқизилган йўллар, бундан:	1,2	1,7	4,9	11,4	15,8	19,0	16,7
Давлат миқёсидаги йўллар	0,6	0,9	1,2	2,5	2,9	3,6	3,6
Республика миқёсидаги йўллар	0,3	0,3	2,3	4,7	6,5	6,4	6,0
Маҳаллий миқёсидаги йўллар	0,3	0,5	1,4	4,2	6,4	9,0	7,1

Маҳаллий миқёсидаги йўлларга қолган йўлларнинг ҳаммаси киради. Умуман давлатлараро, Республика миқёсидаги йўллар асосий транспорт магистраллари бўлиб ҳисобланади. Улар Республикадаги ҳамма йўлларнинг асосий негизини ташкил қилади, 90-95% и асфальтланган.

Маҳаллий йўлларнинг юқорида зикр қилинган йўллардан фарқи-асфальт ётқизилган йўлларнинг озлиги, чаңгли йўллардир, улар 60% га етади.

Чуй водийсининг, жанубнинг пахтакор районларидаги маҳаллий автомобил йўллари бошқаларга нисбатан 50 — 70% асфальт ётқизилиб, яхшиланган йўллар ҳисобланади.

Юк ташишда умумий фойдаланишдаги автожамламаларнинг аҳамияти жуда катта. Сабаби, улар ёрдамида юк ташишнинг энг илғор йўлларида фойдаланса бўлади. Масалан, уларда юкни марказлаштириб ташиш, самарали йўналишларни танлаш, автотранспортни саноат асосида таъмирлаш имкониятлари мавжуд бўлади, шу билан бирга уларда махсус техника базалари бўлиб, бундай автопаркларда юзлаб автомобиллар тўланади. Майда автомобил хўжаликларга қараганда, йирик хўжаликларнинг меҳнат унумдорлиги 1,5 — 2 ҳисса кўпроқ, меҳнатнинг таннарихи эса пастроқ бўлади. Республикадага ҳам-

ма юклар турини автомобил транспорти таший олади: қишлоқ хўжалиги юкларини, тез бузилувчи юкларни, темир йўлдан, қишлоқ хўжалигидан олинган юкларни тезлик билан истеъмолчиларга етказди ва ҳоказо.

Юк ташишни масофага қараб қуйидагича тақсимлаш мумкин: узоқ масофага ташувчи юклар —400км, ўртача масофага ташилувчи юклар —50 — 150 км, яқин масофаларга ташилувчи юклар-шаҳар атрофларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминловчи зоналар орқали ташилувчи юклар.

Кейинги вақтларда юк ташишнинг илғор шакллари пайдо бўлмоқда. Булар — марказлаштирилган юк ташиш, шаҳарлараро юк ташишлардир. Республикада шаҳарлараро юклар Бишкек — Норин, Бишкек — Балиқчи, Бишкек — Жамбул, Бишкек — Ўш, Бишкек — Олмаота, Бишкек — Тошкент, Балиқчи — Қоракўл ва ҳоказо шаҳарлараро ташилади. Шаҳарлараро юк ташишларда 7,8-8 тонналик автопоездли ЗИЛлар, 30 тонналик ярим прицепли МАЗлар, 32 тонналик уч актли МАЗлар, 18 тонналик автопоезди бор КАМАЗлардан кенг фойдаланилади.

Республикада йўловчиларни ташувчи автотранспортлар тез ўсмоқда. Йўловчиларнинг 85,5% и шу транспорт воситалари ёрдамида ташилади. Автобус йўналишларининг умумий узунлиги 20 минг км дан ошиқ. Такс ёрдамида йўловчиларга хизмат кўрсатиш ҳамма шаҳарларда ташкил этилган. Республикадаги шаҳар йўналишларига хизмат қилувчи автобусларининг 50% и Бишкек учун, 33% и Ўш-Жалолобод вилоятларининг шаҳарлари учун хизмат қилади. Йўловчилар умумий сонининг 62%ини шаҳар ичидаги йўловчилар ташкил қилади.

Қирғизистон Республикаси мамлакатлараро автобус линиялари орқали Қозоғистон, Ўзбекистон марказлари билан, Ўш-Жалолобод вилоятларига яқин жойлашган Ўзбекистоннинг, Тожикистоннинг Фарғона водийсига яқин жойлашган шаҳарлари билан мустаҳкам боғланган.

Йўловчиларга хизмат кўрсатишда катта аҳамиятга эга бўлган йўналишларга: Бишкек — Тошкент, Бишкек — Олмаота, Бишкек — Қоракўл, Ўш — Андижон, Жалолобод — Наманган ораллиқлари киради.

Автотранспорт орқали 1940 йилда —2,9; 1950 йилда —7,2; 1960 йилда—141,4; 1970 йилда—483,8; 1980 йилда—480,9; 1985 йилда—537,6; 1990 йилда—577,9; 1991 йилда—537,9; 1992 йилда—381,1; 1993 йилда—223,6 млн йўловчи ташилган.

Республика марказида дастлабки троллейбус йўли 1951 йилда очилиб, у Вокзал — Гўшт комбинати йўналиши бўйича қатнаган (1-йўналиш). Ҳозир эса ўнлаб троллейбус йўналишлари очилиб, троллейбус йўлининг узунлиги 160 км дан ошди.

Атроф-муҳитни тоза сақлашда, иқтисодий томондан фойдали транспортнинг тури электроэнергиядан фойдаланишдир. Ҳозиргача Бишкек билан Ўшдагина троллейбус йўловчиларга хизмат қилган эди. 1994 йил охиридан бошлаб эса Норин шаҳрида ҳам троллейбус қатнай бошлади.

Келажакда троллейбус линиялари Тўқмоқ, Қораболта, Қоракўл, Жалолобод ва бошқа шаҳарларда ишга туширилиб, аҳолига хизмат қилиши керак. Бишкек — Сокулук, Бишкек — Қант, Чўлпонота — Григорьевка троллейбус линиялари қурилса атроф муҳит тозланади.

**Ҳаво транспорти.** Қирғизистондаги ҳаво транспортининг асосий хизмати — йўловчиларни ташиниш. Ҳаво транспорти хизматида йўловчиларни ташиниш 90%ни ташкил қилса, қолган 10%ини почта, тез бузилувчи дори-дармонлар, тез етказишни талаб қилувчи юклар ташкил қилади. Бундан ташқари унинг хизматдан тоғли, баланд тоғли районлардаги аҳолини санавиация билан таъминлашда, қишлоқ хўжалигида, ўрмон хўжалигида фойдаланилади. Республикада ҳаво транспортининг вужудга келиши 1920 йилга тўғри келади. Доимий ҳаво йўли (Тошкент-Бишкек-Олмаота) 1924 йили очилган. 813 км масофадаги бу оралиқни самолёт 6 — 7 соатда босиб ўтган. 1930 йилда Республикада биринчи марта Бишкек — Тошкент — Ленинобод — Фарғона — Андижон — Ўш фуқаро ҳаво йўли очилган. 1933 йилдан Бишкек — Балиқчи — Норин — Ўзган — Ўш ҳаво йўли очилган. 1933 йилда Республика ичида Бишкек — Тўқмоқ — Балқчи — Ананьево — Қоракўл йўналиши очилган.

1945 йилда Бишкекда аэропорт очилиб, Қирғизистондаги авиайўловчиларга хизмат қилувчи Қирғизавиа бўлини ташкил этилган. Бу бўлинмада Республиканинг Бишкек — Тошкент-Ўш — Жалолобод, Бишкек — Балиқчи, Бишкек — Олмаота, Бишкек — Жамбул — Талас, Жалолобод — Тўқтағул ҳаво йўллар очилди. 1954 йилда янги очилган Бишкек — Адлер авиалинияси қирғизистонликларни Қора денгиз бўйидаги машҳур курортларга боришларига имкон яратди. 1952 йилда авиабўлини-ма базасида Қирғизавиа гуруҳи, 1968 йилда эса Қирғиз фуқаро

авиация бошқармаси тузилди. У 1990 йилдан бошлаб «Қирғиз миллий авиакомпанияси» деб атала бошланди.

1991 йилда ҳаво транспорти билан 1,7 млн одам ташиланган. Йўловчилар ташишнинг бундай тарзда ўсишига Бишкекдан, олисдаги йирик шаҳарлар — Москва, Санкт-Петербург, Киев, Баку, Новосибирск, Красноярск, Омск, Хабаровск, Одесса, Сочи, Минвода сингари шаҳарлари билан узвий боғланишлар сабаб бўлди. Сўнги 2 — 3 йил ичида Қирғизистон миллий авиакомпанияси янги йўналишларни очиб, кўпгина мамлакатлар билан туристик алоқаларни амалга оширмоқда. Уларга Сурия, Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Япония, Жанубий Корея, Финляндия, Греция, Туркия, Хитой, Бирлашган араб амирлиги ва бошқа мамлакатлар киради. Шу билан бирга янги маҳаллий ҳаво йўллари ҳам очилиб, йўловчиларга хизмат кўрсатилмоқда. Бишкек шаҳри вилоят марказлари билангина эмас, кўпчилик район марказлари билан ҳам ҳаво йўллари орқали боғланган. Масалан, Бишкек — Казарман, Бишкек — Караван, Бишкек — Тамға, Бишкек — Чўлпонота, Бишкек — Боткен ва бошқалар. Вилоят марказлари ҳам кўплаб районлар, Москва, Тошкент сингари йирик шаҳарлар билан ҳаво линиялари орқали боғланган. Ўш шаҳридан Ўш — Москва, Ўш — Тошкент, Ўш — Душанбе, Ўш — Қоракўл йўналишлари бўйича ҳаво линиялари очилган. Ташқи ва ички йўналишлар бўйича янги йўлларнинг очилиши, замонавий самолётлардан фойдаланиш, ҳозирги замон техникалари билан таъминланган аэропортларнинг ишга туширилиши йўловчиларнинг сонининг кўпайишига олиб келди. Масалан, Республикамызда 1960 йилда 241 минг одам авиация хизматидан фойдаланган бўлса, 1970 йилда — 916 минг, 1980 йилда — 1934 минг, 1990 йилда — 1800 минг, 1991 йилда — 1700 минг одамга ўсган. Ҳозирги кунда Қирғизистон миллий авиакомпанияси фойдаланилаётган ҳаво магистралларининг узунлиги 28 минг км дан ошди.

Бишкек шаҳри ҳаво йўллари орқали 70 га яқин мамлакатлар ва Республикамызнинг кўпчилик шаҳарлари билан боғланган. Бишкекнинг шимолӣ қисмига қурилган, ҳозирги замон талабига жавоб берадиган «Манас» аэропорти Марказӣ Осиёдаги йирик аэропортлар қаторига киради. У келажакда Европа ва Осиё мамлакатлари орасида транзитли аҳамиятга эга бўлган аэропортга айланади. Аэропорт ҳозирги кунда кўп ўринли, оғир салмоқли ИЛ-62, ИЛ-86, ТУ-154, АН-24, ЯК-42 самолётларини, чет мамлакат самолётлари БОИНГ, Трайидентларни қабул қилиб,

яна учира олади. Вилоят марказларига ҳам аэропортлар қурилган. Улар янги техника билан таъминлашиши керак. Республика ичкарасидаги махсус авиалинияларнинг ҳам аҳамияти зўр. Уларга санавиация, қишлоқ хўжалиги ва қурилишда фойдаланувчи авиациялар киради. Майда самолётлар, вертолётлар табиий офатлардан қутқаришда, тез ёрдам беришда, ёнғиндан сақлашда, геологик экспедициялар ва бошқаларда фойдаланилади.

**Сув транспорти.** Қирғизистон Республикаси бўйича сув транспорти биргина Иссиқкўл вилоятида бор. Иссиқкўл йил бўйи музламаганлигидан транспорт учун ундан йилнинг ҳамма мавсумида фойдаланилади. Бу кўл орқали юклар ва йўловчилар ташилади. Сув йўлининг узунлиги 580 км, водийда темир йўл йўқлиги учун, сув йўли орқали ғарбдан шарққа томон ва тескари томонга кўплаб юклар ва кам бўлсада, йўловчилар ташилади. Водийда Иссиқкўл кемачилик бошқармаси бор. У сув транспорти хўжалигини тўлиқ бошқариб туради. Унинг зиммасига сув йўлидан фойдаланиш, флот, қирғоқдаги пристань хўжалиklarидан фойдаланиш, таъмирлаш ва бошқанишлар юкланган. Иссиқкўл кемачилик бошқармаси қарамоғида 16 ўзюрар кемалар (қуввати 5 млн т), юк кўтариш қобилияти 11,1 минг т бўлган 14 баржа (юк ташувчи кема), 12 причал бор.

Сув транспорти Иссиқкўл водийсигагина хизмат қилади, асосий юк Балиқчи билан Қорақўл шаҳарлари ўртасида ташилади. Балиқчига темир йўл орқали олиб келинган юклар сув транспортига юкланиб, манзилга етказилади. Пароходчилик кемаларининг, баржаларининг сони кўпайиши билан юк ва йўловчиларни ташиш ҳажми ҳам 1991 йилга қадар ўсиб келган. 1940 йилда 81 минг т юк ташилган бўлса, 1960 йилда – 136 минг т, 1980 йилда – 483 минг т, 1990 йилда 646 минг т., 1991 йилда 550 минг т., юк ташилган. 1991 йилда юк ташиш ҳажми 1940 йилга солиштирилганда 6,5 җиссага ўсди. Асосий ташилувчи юкларни қуруқ юклар-кўмир (46%), қурилиш материаллари (30% гача) ташкил қилади. 1977 йилдан бошлаб кўл орқали нефть маҳсулотларини ташиш тақиқланган.

Иссиқкўлда курорт хўжалиги ривожланганлиги сабабли, сув транспортида ташилувчи юкларнинг таркиби ҳам ўзгарди. Сабаби, курорт хўжалиги кўплаб қурилиш материалларини, озик-овқат маҳсулотларини тилаб қилади. Кўлда йўловчилар ҳам ташилади. Қисқа муддатга дам олувчиларни, туристларни сайр қилдиради. Иссиқкўл кемачилиги сўнгги вақтларда ўзи юрар флот билан таъминланди, эски кемалар теплоходлар билан алмаштирилди, юк сифими, юкни ортиш қуввати ҳам кўпайди. Ба-

лиқчи, Қоракўл пристанлари йирик механизациялашган причалларга эга бўлиб, ўйлаб кема базалари, юк ортувчи, юк туширувчи техникаси бор комплекс хўжалиқлардир.

Сув транспорти транспортнинг бошқа турларига қараганда ўта тежамкорлиги билан фарқ қилади. Сабаби, бунда йўл куриш, уни таъмирлаш ҳаражатлари йўқ. Ташилувчи юкнинг таннархи сув транспортида жуда арзон тушади. Масалан, Иссиқкўл орқали юк ташишнинг таннархи автомобил транспортига қараганда 10 марта арзон. Аммо, иккинчи томонда, сув транспортини ривожлантиришнинг салбий томони ҳам бўлиши мумкин. Бу ерда асосий масала кўл сувини ифлос қилмасликдир. Иссиқкўл сувини муҳофиза қилиш муаммоси юк ташиндан юқори туради. Бунинг учун кемалар сонини кўпайтирмаслик, юк ташин ҳажмини камайтириш, кемаларни прогрессив энергия манбаи билан таъминлаш ва бошқарув муаммоларини ҳал этиш керак. Водий энг катта, машҳур курорт зонаси бўлганлиги учун, кўл сувидан йўловчиларни, дам олувчиларни экскурсия-сайр учунгина, пороходда ташиб, фойдаланиш етарли. ЮНЕСКО қарорига мувофиқ баланд тоғли Иссиқкўл табиий комплексини сақлаш мақсадда у қўриқхонага айлантирилган.

**Қувур ва узлуксиз қатнаб турувчи транспорт.** Транспорт комплексининг энг илғор турларидан бўлган қувур транспорти, махсус тайёрланган сим арқон орқали ҳаракатланувчи (канат йўл) транспорт Республикаминда яхши ривожланган эмас. Қувур транспорти Чуй водийсида ва Ўш, Жалолобод вилоятларида бор. Қирғизистон шимолида Бухоро — Тошкент — Жамбул — Бишкек — Олмаота магистрал газ қувури ётқизилган. Бу газ қувури орқали йилига 700млн кубометр Бухоро газини ташилади. Марказ шаҳар — Бишкекни арзон, сифатли ёқилги билан таъминлаш учун имконият яратилган. Жанубда esa Мойлисой — Жалолобод-Қорасув-Ўш газ қувури ётқизилган.

Қўчқорота-Ванновка нефть қувури ҳам бор. Республиканинг тоғ шароитида кўмир, газ, майдаланган қурилиш материаллари ва бошқа суяқ моддаларни ташинишда қувур, осма сим транспортларидан фойдаланиш яхши натижа беради. Масалан, мутахассислар Қоракеча кўмир конида қазиб олинган кўмирни ташинишда уни сувга аралаштириб, гидротранспортдан фойдаланишни тавсия қилдилар. Қоракеча карьерининг кўмирини келажакда Қоракеча — Балқчи темир йўлига етказиш учун одимлар томонидан осма сим транспортдан ёки конвейрдан фойдаланиш тавсия этилмоқда.

Транспортнинг бундай илғор усулларидан заводлар ичида, карьер ичидаги ишларда, аграр саноат комплексларида, чиқиндиларни шаҳар четига олиб чиқишда фойдаланилса яхши натижа беради. Бундай транспортдан йўловчиларни ташишда ҳам фойдаланилса бўлади. Масалан, Иссиқкўл курортида, туристик-экскурсия хизматининг яна бир тури қаторида кўл қирғонидан тоғ чўққиларига сим тортилиб, осма йўл (канат йўли) орқали дам олувчиларни, сайёҳларни тоққа олиб чиқиб, яна манзилига қайтариш мумкин. Тоғ чанғи спортида, тоғда дам олишни ташкил қилишда транспортнинг шундай илғор турига муҳтожлик сезилади. Бу албатта, келажакнинг иши.


### Савол ва топшириқлар

1. Республика ҳудудида транспортнинг қандай турлари ривожланган?
2. Ёзувсиз харитага халқаро миқёсдаги, Республика миқёсидаги автомобил йўлларини тушуринг.
3. Сиз яшаган районда транспортнинг қайси турлари ривожланган?
4. Темир йўл транспортини ривожлантиришнинг асосий муаммоларини нималардан иборат?

## 18. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ АЛОҚАЛАР

Ҳозир Қирғизистон Республикаси мустақил суверен мамлакат сифатида хоҳлаган давлатлар билан ўзаро муносабатларни ўриата олади. Бундан ташқари, Қирғизистоннинг географик ўрни ҳам яқин ва олис чет ўлкалар билан иқтисодий ва ижтимоий алоқаларнинг ривожланиши учун қулайлик яратди.


Қирғизистоннинг ҳозирги ҳудуди ўтган замонларда ва ўрта асрларда Буюк Ипак йўлининг бошланиш қисмига яқин турган. Қадим замонларданок Қирғизистонни буюк Ипак йўлининг уч тармоғи кесиб ўтган: Биринчиси — Хитойдан (Қашғар орқали) Эргаштомга, Қизилсувни ёқалаб, Катта Олой водийсидан ўтиб, ундан кейин Ғарбга кетган; иккинчиси — Ўзган, Ўш, Моди Отбоши (Қўшўй кўрғони) шаҳарлари орқали; учинчиси — Юқори Барскоон, Жууку, Тўн, Яр (Балиқчи), Невакет (Қизилсув қишлоғи), Суяб (Оқбешим қишлоғи), Нузкет (Қораболта) орқали ўтган. Булар орасида юқори Барскоон, Ўш,



Кыргызистон - Буюк Ипак йулида



Маҳмуд Қошғарийнинг Ер қурраси картаси



Маҳмуд Қошғарийнинг Ер қурраси картасида  
Боласоғун ва Борсоғун шаҳарларининг ўрни

қайта юкловчи марказларга айланган. Буюк Ипак йўли ўтган шаҳарларга карвонсаройлар қурилган, шарқираб оққан сувлар устига кўприклар солинган.

Буюк Ипак йўли 15 аср давомида ҳозирги Қирғизистон ҳудуди орқали ўтиб, уни халқаро савдо йўллари билан боғлаган. Археологик изланишлар натижасида сифатли импорт товарлари сотилганлиги аниқланган. Масалан, Қорабулоқдаги (Қирғизистон жанубида) қадимги мазорларни ўрганиш натижасида улардан юқори сифатли ипак турларидан тўкилган нақшдор кийимлар, қўлда тайёрланган ойнақлар, хитой форфорларидан, нефритдан тайёрланган буюмлар, шунингдек, Қўчқор, Иссиқкўл водийларидаги қадимги мазорлардан эса Сурия ва Рум давлатларида шиша ойнадан тайёрланган буюмлар, Олой ва Кетмонтепа мазорларидан Ҳиндистон тақинчоқлари, Ўрта Ер денгиз атрофидаги мамлакатларнинг ҳар хил безаклари берилган маржон-мушчоқлари, Ҳиндистоннинг қимматбаҳо тошлари, Хуросон билан Мовароуннахрнинг кумуш ва бронзадан тайёрланган идишлари ва бошқалар топилган.

Ўрта асрларда Қирғизистондан чет ўлкаларга кумуш, симоб, Қурол-аслоҳа, кумуш идишлар, елим, ёнғоқ, кийиз, сотиш учун тайёрланган ҳунармандчилик буюмлари чиқарилиб турилган.

Буюк Ипак йўлида товарларнинггина алмаштирмасда, гоё алмашинувлар ҳам бўлган. Ипак йўли ўтган жойлардаги аҳоли ўтган замонларда ва ўрта асрларда ўзларининг маданий ривожланиши бўйича атрофдагилардан юқори турган. Масалан, ёзувчи ва файласуф Юсуф Хос-Хожиб Болосо — гуний Қорахонийлар давлатининг маркази Болосоғун (ҳозирги Тўқмоқ қалъасининг жануб томонидаги Бурана атрофида) шаҳрида яшаган. У 1069—1070 йилларда «Қутлуғ билим» («Қутадуғ билик») номли дунёга машҳур бўлган асарини ёзган.

Турколоғ, тарихчи, географ Маҳмуд Қошғарий Иссиқкўлнинг жануби-шарқий қирғоғидаги Юқори Барскоонда яшagan даврида (1077йилда) «Туркий тиллар луғати» («Девону луғотит турк») деган китобини ёзган. Маҳмуд Қошғарийнинг луғатида дунё харитаси бўлган. Унда дунё маркази қаторида Иссиқкўл, Болосоғун ва Қашқар кўрсатилган.

Буюк ипак йўли ҳудудларида урбанизация жараёни фаол бўлган. Чуй, Иссиқкўл, Талас, жанубдаги шаҳарлар чет ўлкалардан келган товарларни сотиш марказига айланган. Бироқ XIII аср бошларида Қирғизистон шаҳарлари учун вайронгарчилик даври бошлайди. Уларни алдамчи келгіндилар, қора хитойлар,

Ўзган, Суяб ва бошқалар йирик савдо ва юкни алмаштириб, хоразм шоҳининг аскарлари, манмансираган ёвузлар талашди. Қирғизистон иқтисодига, маданиятига, ташқи савдо алоқаларига катта зиён етказди. Бунинг устига XV асрдаги Буюк географик кашфиётлар туфайли Европадан Ҳиндистонга, Хитойга, Атлантика, Ҳинд, Тинч океанлари орқали денгиз йўли очилиб, Буюк Ипак йўлининг дунё миқёсидаги аҳамияти аста секин йўқола бошлади.

XIV асрнинг иккинчи ярмида ва XV аср бошларида Амир Темур Тяншанга ва шарқий туркистонга юриш бошлайди. Натижада Қирғизистоннинг чет мамлакатлар билан бўлган иқтисодий ва ижтимоий алоқалари баттароқ зиён кўрди. Кейинчалик, Қирғизистон Қўқон хонлиги тасарруфида бўлган даврда ҳам қаттиқ талофат кўриб, қийин аҳволда қолди.

Қирғизистоннинг Россияга қўшилиши жараёни 1855 йилдан 1976 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Иқтисодий томондан Қирғизистоннинг Россияга қўшилиши даврида феодал муносабатлари устунлик қилган. Бу эса ўрта асрлардан бери ҳеч ким билан борди-келди билмай, ўзи билан ўзи яшаган Қирғизистонни иқтисодий ривожланиши бўйича анча юқори даражада турган, ривожланган капиталистик мамлакатларнинг иқтисодий ва ижтимоий жараёнларига тортди.

Россияда капитализмнинг ривожланиши Қирғизистоннинг ҳам иқтисодиётига, ташқи савдосининг авж олишига, ишлаб чиқариш кучларининг, товар-пул муаммоларининг ўсишига таъсир кўрсатди. Қирғизистон Россия билан иқтисодий ва ижтимоий муносабатларини кенгайтирди, у Россия хомашё базасига айланди.

Қирғизистондан Россия симоб, сурма, ҳар хил рангли металллар хомашёсини, жун, ипак, пахта, тери, гўшт ва бошқаларни олиб турган.

Россия Қирғизистонга ҳар хил қишлоқ хўжалиги ускуналари, пахта, жун, ипакдан тўқилган газламаларни ва бошқаларни сотган.

Совет ҳокимияти даврида, ёки сўнги 70 йил давомида сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан чегараланган жамият тушовида қолган Қирғизистон, маъмурий-бўйруқбозлик тизими натижасида, Москванинг айтганларига мувофиқ, собиқ СССР республикалари ва айрим чет мамлакатлар билангина иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни олиб борган.

Совет даврининг турли камчиликлари билан бирга, Қирғи-

зистонда ишлаб чиқариш қучлари, ижтимоий муҳит, маданият ривожланди.

Республикада бир қатор заводлар қурилди ва уларнинг Маҳсулотлари ташқарига чиқарилди. Масалан, М.В. Фрунзе номидаги қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида тайёрланган пичанин пресслаб боғловчи машиналарнинг, Мойлисойдаги электролампа заводи электр лампочкаларнинг, Ўшдаги насос заводи ишлаб чиқарган насосларнинг 95 — 98%и Россия, Украина, Белоруссия, Грузия, Ўзбекистон ва бошқа республикаларга жўнатилиб келинди. Сабаби, Республикадаги машинасозлик саноати бутунлай бошқа республикалардан келувчи ускуналар, хомашёлар эвазига уларнинг буюртмаларини бажарган.

Қирғизистон совет даврида асосан хомашё тайёрлаш йўналишида ривожланганлигидан у экспорт учун гўшт, жуң, пахта, тамаки, қанд лавлаги ва беда уруғини, қўй, мол, чўчқа, от териларини, симоб, сурма каби металлларнинг хомашёларини чиқариб келган. Шунингдек, ташқаридан оғир, енгил, озиқ-овқат ва бошқа саноатларнинг тайёр маҳсулотларини, айниқса, завод фабрикаларнинг технологик ускуналарини бутунлигича, тракторлар, комбайнлар, минерал ўғитларнинг ҳамма турларини, ишлаб чиқариш ускуналарини деярли ҳаммасини ташиб келишга мажбур бўлган. Қисқаси, Қирғизистонга керак бўлган барча маҳсулотларнинг ўртача тўртдан бир қисми Республикага ташқаридан ташиб келинган.

Экспортга қараганда импорт жуда юқори бўлиб, тескари салдонни ташкил қилган. Қирғизистондаги бундай тескари кўришишлар ҳозир ҳам давом этмоқда.

Мустақил давлат бўлгунга қадар дунёга номи чиқмаган Қирғизистонни ҳозирги кунда эркин демократик мамлакат сифатида бутун дунё тан олди. Кўпчилик мамлакатлар билан Қирғизистон Республикаси турли соҳалар бўйича ўзаро фойдали алоқаларни мустақамлашга ва чуқурлаштиришга, айниқса, ижтимоий, савдо, иқтисодий, фан-техника соҳасида, транспорт, маориф, медицина, маданият ва саноат, алоқа туризм ва бошқа йўналишларда ҳамкорликни ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда, ўзаро келишувларга қўл қўйилиб, улар амалга оширилмоқда. Масалан, Мустақил давлатлар Ҳамдўстлигига (МДҲ) кирган давлатлар-Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон ва бошқалар билан иқтисодий ва ижтимоий алоқалар бўйича келишим қабул қилган. Қирғиз-

стон, Қозоғистон ва Ўзбекистон республикалари ҳамкорлигида иқтисодий ҳудуд тузиш тўғрисидаги келишимга қўл қўйилган.

Дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ва ёрдамлашиш ҳақида Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Туркменистон ва бошқа мамлакатлар билан алоҳида келишимлар қабул қилиниб, улар бажарилмоқда.

Қирғизистон олис чет мамлакатлар билан ҳам тўғридан-тўғри иқтисодий ва ижтимоий алоқаларни кенгайтириб, улар билан иқтисодий, савдо, маданий, маориф, дўстлик ва ўзаро ёрдамлашиш келишимлари қабул қилиниб, улар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Масалан, бундай келишувлар Хитой халқ Республикаси, Япония, Жанубий Корея, Хиндистон, Туркия, Эрон, Покистон, Саудия Арабистони, Франция, Америка Қўшма Штатлари, Швеция, Швейцария ва бошқа мамлакатлар билан тузилди.

Кейинги даврларгача Қирғизистоннинг экспорт-импорт алоқалари бўйича Россия биринчи ўринни, кейинги ўринларни эса Қозоғистон, Ўзбекистон, Украина, Туркменистон, Тожикистон, Белоруссия эгаллаб келган.

Қирғизистон уларга қуйидаги товарларни экспорт қилади: теридан тайёрланган буюмлар, жун, пахта, ипак, тўқилган газламалар, индан тўқилган кийимлар, гилам, пахта толаси, тоғ исали, ёнғоқ, томат-паста, беда ва қанд лавлагининг уруғлари, доривор ўсимликлар, қайнар булоқ сувлари, электротехника асбоблари, пичанин пресслаб боғловчи қишлоқ хўжалиги машиналари, сурма, симоб, подир элементлар, ярим ўтказгич металлари, цемент, мрамор ва сопол плиталари, гранит сингари қурилиш материаллари, насослар, магнитофон, телевизор ва бошқалар.

Қирғизистон Россиядан бензин, тошкўмир, қора металл, телевизор, алюминий, трактор, силос тайёрловчи комбайн, енгил ва юк ташувчи машиналар, картошка, буғдой, минерал ўғитлар ва бошқаларни сотиб олади.

Қозоғистондан кўмир, қора металл, мойловчи ёғлар, буғдой, Ўзбекистондан бензин, дизель мойлари, газ, қишлоқ хўжалигига ва қурилишга керакли техникалар, ускуналар, сабзавот медаларни; Туркменистондан газ, нефть хомашёларини, синтетик кирювиш воситаларини; Украинадан қора металл, телевизор, магнитофон, холодильник, шакар ва бошқаларни олиб туради.

Сўнгги йилларда Қирғизистоннинг олис ва яқин чет давлатлар билан бўлган савдо-иқтисодий алоқалари географиясида ўзгаришлар бўлмоқда. Масалан, 1995 йилда, Республика 36 олис

11 яқин давлатлар билан савдо-иқтисодий, экспорт-импорт алоқаларида бўлган. Агар илгари Россия Қирғизистоннинг энг катта савдо ҳамкори бўлган бўлса, ҳозир биринчиликни Хитой Халқ Республикаси савдоси эгаллаб бошлади. Қирғизистон билан иқтисодий ҳамкорликнинг ҳажми бўйича Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатларининг даражаси бир хилда бўлиб қолди. 1994 йилда Қозоғистоннинг Қирғизистондаги импорти ҳиссаси 20,3%ни, экспорти 44,8% ни ташкил қилган. Россиянинг импорти -32,7%, экспорти -22,6%, Ўзбекистон импорти -36,2%, экспорти -19,4% ни ташкил қилган.

Келажакда экспорт-импорт ҳамкорлиги географиясини ўзгартириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ташқи иқтисодий-ижтимоий фаоллик миллий иқтисодётнинг халқаро меҳнат тақсимотида ихтисослашишига ёрдам беради. Натижада ишлаб чиқариш кучлари тизимини қайта ташкил қилишга, ишлаб чиқариш унумдорлигини кўтаришга имконият яратилади. Республикага импорт қилинган товарларни, Республиканинг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва экспортни кўпайтириш давр талабидир.

Қирғизистоннинг импорти экспортга нисбатан ҳозирги кунда ҳам кўплик қилади. Масалан, 1995 йилда Республиканинг импорти 522,4 млн доллар бўлса, экспорти 408,9 млн доллар бўлган ёки тескари сальдо 113,5 млн долларни ташкил этган.

Республикада юргизиладиган иқтисодий ислохотлар натижасида Қирғизистон индустриал давлатлар қаторига қўшилди.

Республика иқтисодиётида импорт ўрнини тўлғазувчи кўпгина хўжалик тармоқларини ривожлантириш, экспортни кучайтириш ва саноатнинг базавий тармоқларини яратиш натижасида дунё бозорида рақобатлашувчи, сифатли товарларни ишлаб чиқариш кўпаяди. Бундай мақсадни амалга ошириш учун чет эл сармояларини жалб қилишга тўғри келади. Сармоялар асосан маҳсулот импортини қисқартиришга ва экспортни кўпайтиришга имконият яратадиган хомашё бойликларини тайёрлаш, уларни қайта ишлайдиган корхоналарни техник жиҳатдан қайтадан қуриш ва реконструкциялаш учун фойдаланилади.

Сўнгги йилларда Республикада четдан келган ёрдамларни ва сармояларни жалб қилиш бўйича кўп ишлар қилинди. Халқаро валюта фонди (МВФ), Жаҳон банки (МБ), Халқаро тараққёт ассоциацияси (МАР) сингари халқаро молия жамиятлари Республика иқтисодини изга тушириш лойиҳасини амалга ошириш учун молия ресурслари билан ёрдам кўрсатишмоқда. Бу соҳада

Осиё тараққиёт банки (АБР), Европа реконструкция ва тараққиёт банклари (ЕГРР) ҳам ёрдам беришмоқда.

Республикага донор мамлакатлар (Япония, Германия, АҚШ, Туркия, Европа Иттифоқи комиссияси ва бошқалар) томонидан бирмунча кўзга кўринарли даражада ёрдам берилди.

Республикада чет давлатлар ҳамкорлиги комиссиялари, корхоналари, компаниялари йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Масалан, Қирғизистон билан Канаданинг «Камеко» корпорацияси Иссиқкўл вилоятининг Жетиғуз районидаги Оқшийроқ тоғ тизмасида жойлашган Кумтор олтин конини, Республика билан Американинг «Морисон Крудсен Голл» компанияси Талас районида жойлашган «Жер-Уй» олтин конини ўзлаштирига киришишди. Жапубий Корейанинг «Голдстар» фирмаси билан биргалликда Тўқмоқ радиозаводида рангли телевизор чиқарилмоқда. АҚШ билан биргалликда Жалолобод шаҳрида нефтни қайта ишлаш заводи, Швейцариялик фирмалар билан бирлашиб, минерал сувларни қалдоқловчи, болалар озиқ-овқат муҳсулотларини тайёрловчи комбинат, териларни қайта ишлаш корхона қурилди.

Қирғизистонда озиқ-овқат муҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаш масаласи анча паст даражада. Республикада аҳоли жон бошига 0,33 гектар экин майдони тўғри келади. Мана шундай даражадаги, ҳатто ҳар бир жон бошига икки ҳисса кам экин майдони тўғри келадиган Англия билан Германия озиқ-овқатга бўлган ички эҳтиёжларини тўлиқ ўзлари таъминлай олишади. Демак, Қирғизистон қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлигини Фарбий Европа даражасига кўтарса, ўшандагина ғаллани, қандни ташқаридан сотиб олиш тўхтар эди.

Республикада дон етиштиришни юқори даражада таъминлаб, уни экспортга чиқарса ҳам бўлади. Шунинг учун Жаҳон банки Қирғизистон имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, дон етиштиришни ривожлантириш учун 60 млн доллар маблағ ажратди. 20минг гектар майдонга Канада ва Исроил давлатларининг мутахассислари томонидан ўзларининг уруғи, технологияси билан ғалла ўсимликларини экинга киришишди.

Иероил давлатининг мутахассислари Қант районининг «Олга» кооперативинида янги технологияни амалиётга тадбиқ этиш бўйича давлат контрактини асосида ишламоқдалар.

Уларга томчилатиб суғориш учун ёмғир ёғдирувчи агрегатлар, ерни ишловчи комплекслар, экин техникалари, кушгабоқар, маккажўхори, помидор, поллиз ўсимликларининг уруғлар ва бошқалар берилди.

Исроил фирмалари билан шартнома асосида Аламудун районидagi «Дўстлик» ҳиссадорлик жамиятига 200 соғин сигир таълаб олиниб, улар нормал рациондаги озуқа билан таъминланди. Бу корхона селекция дурагайлаш ишларини амалга ошириш ҳисобига ҳар бир сигирдан сут соғиб олиниш 6 минг литр гача отказиш мўжалланмоқда. Унда етиштирилган сут базасида Исроил фирмаси билан кичик сут заводи қурилади.

Жаҳон банки билан ҳамкорликда Республика меринос қўй хўжалигидан сифатли маҳсулотлар олиб, халқаро бозорга чиқарилади. Келажакда жун сотиш туфайли Республикага анчагина валюта келади.

Қирғизистон ҳозирги даврда 1 кг ферментацияланган тамаки баргини 0,7—0,8 доллар нархда экспортга чиқаради. Чунки сифати паст. Жаҳон бозорида сифатли хомашёнинг баҳоси 3,5 доллар. Шунинг учун Республикада тамаки сифатини яхшилаш, келажакда унинг экспортдан кўпроқ даромад олишга имкон беради.

Республикада пахта, майиз, мева-чевални, асал, қанд давлати, маккажўхори дурагайи, сабзавот-мева ўсимликлари урувларини кўпроқ экспортга чиқариш имконияти бор.

Қирғизистон қишлоқ хўжалигида етиштирилган хомашёларни саноат усулида қайта ишловчи майда корхоналарни қуришга чет давлатлар ярдам бераётир, шу соҳага мўжалланган қўшма корхоналарнинг сони кўнаймоқда. Уларни қуришда Италия, Туркия, Германия, Хитой, Англия, Япония, АҚШ, Швеция ва бошқа давлатларнинг фирмалари актив қатнашмоқда. Масалан, Англиянинг машҳур фирмаси билан биргаликда Бинкек тамаки фабрикаси қайтадан қурилади. Хитой Халқ Республикаси билан биргаликда Иссиқкўл вилоятининг Тўн районидagi Оқдўн ва Норин вилоятининг Қўчқор қишлоғида жунга дастлабки ишлов берувчи фабрика қурилиб, ишга туширилди. Туркия фирмаси билан биргаликда қурилаган Ивановкадаги қўй терисини ошлаб, бўяб чиқарувчи (қуввати йилига 1 млн қўй териси), Қўчқор районидagi Чўлпон қишлоғида хитойликлар билан биргаликда қурилган терини ошлаб, бўяб берувчи корхоналар ишга туширилган.

Импортдан ҳоли бўлган саноатнинг ташкил тәнишида эркин иқтисодий районлар катта аҳамиятга эгадир. Ҳозир Қирғизистонда Норин, Қоракўл эркин иқтисодий зоналари ташкил этилган. Уларга чет эллик сармоялардан кенг фойдаланиб, энергия, дори-дармонлар, озиқ-овқатлар саноати, оғир саноат маҳ-

сулотларини олиш учун табиий бойликлар билан минерал хомашёлардан фойдаланувчи технологиялри киритиш мумкиг. Мисол учун, базальт буюмларини чиқариш, форфор ва фаянс идишлари, қурилиш ва электротехника, сопол буюмлари, кўмир брикетларини чиқариш, кўпгина маҳаллий хомашёдан доридармонлар тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги хомашёсини янги технологияни ривожлатириш бўйича ҳамма имкониятлардан фойдаланиш мумкин.

Чет давлатларнинг сармоя ёрдами билан Балиқчи — Кўчқор-Қоракеча — Тошкўмир ёки Кўкёнгёк темир йўлини қуриб, бу йўл бўйидаги табиий бойликлар, кон бойликлардан фойдаланиш, саноат тармоқларини ташкил этиб, импортни озайтириб, экспортни кўпайтиришга имкон яратилади.

Халқаро ташкилотлар Республиканинг ижтимоий комплексига ҳам ёрдам бериб келишмоқда. Табобат тизимига, медицина препаратлари ва болаларнинг озиқ-овқатига кўпгина кредитларни Европа ҳамкорлик комиссияси (КЕС) берди. Янги кадрларни тайёрлаш мақсадида Бишкек халқаро менеджмент ва бизнес мактаби очилмоқда, олис жойларга мактаб, касалхона, қуришиш ишларини молиявий ва техник томондан таъминлашда Бирлашган Миллатларо Ташкилотининг тараққиёт дастури (ПРООН) томонидан катта ёрдам кўрсатилмоқда.

Қирғизистон давлат миллий дорилфунуни АҚШ, Туркия, ёрдамида Қирғизистон — Америка, Қирғизистон — Турк факультетлари ишламоқда. Россиянинг бевосита ёрдами билан Бишкекда Славян дорилфунуни очилган.

Чет ўлкалар билан ҳамкорликда Республика ҳудудларида ҳар хил колледжлар, лицейлар, гимназиялар очилди ва ишламоқда.

Сорос фонди Қирғизистонда ўрта мактаблар, лицейлар, колледжлар, гимназиялар, махсус ўрта ва олий ўқув юртлирига дасрлик китоблари, ўқув қуроллари, дастурлари чиқариш учун ёрдамини аямапти.

Жанубий Корея, Япония, АҚШ, Туркия давлатларининг фирмалари билан ҳамкорликда телефон-алоқа воситаси бутунлай янгиланди. Бишкекда Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда 350 ўринли «Дўстлик», Туркия билан ҳамкорликда «Тўрт юлдузли» 400 ўринли «Оқ кема» меҳмонхонаси қурилган. Уларда яшаши учун ҳамма шароитлар яратилган.

Келажакда Қирғизистонда чет мамлакатлар сармоялари ёрдамида халқаро туризмнинг ҳамма турлари ривожланади.

Натижада Республика хазинасига кўпроқ валюта тушади. Ҳозир Республикада уч юзга яқин туристик фирма, «Оқ кема» хиссадорлик жамияти ва бошқалар бор. Улар Туркия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Малайзия, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Финляндия, Греция ва бошқа давлатларга туристик саёҳатларни уюштириб, иқтисодий ва ижтимоий бойликларни кўпайтиришда кўмакдош бўлиб келишмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Манаснинг 1000 йиллиги муносабати билан 1995 йилни «Манас йили» деб эълон қилди. Уни нишонлашда дунёдаги кўп мамлакатлардан вакиллар қатнашди ва Манас эпосининг вариантлари рус, инглиз, хитой, ҳинд, ўзбек ва бошқа тиллар чоп этилди.

Қирғизистон Республикасининг чет мамлакатлар билан иқтисодий ва ижтимоий алоқалари бундан кейин ҳам янада кенгайди, чуқурлаштирилади, импортни ўзинини босувчи товарлар, техникалар ва бошқалар кўплаб чиқарилади, экспортнинг ҳажми анча ортади.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Қирғизистоннинг ташқи алоқалари қадимги замонда қандай бўлган?
2. Совет ҳокимияти давридаги Қирғизистоннинг экспорт ва импорт тизимини таҳлил қилинг.
3. Қирғизистоннинг ҳозирги иқтисодий ва ижтимоий алоқаларини, ривожланган чет давлатларини харита-схемага тушириг.

## **19. ИҚТИСОДИЙ РАЙОНЛАШТИРИШ**

Қирғизистон Республикасининг иқтисодий ва табиий шароитлари, табиий бойликлари хилма-хилдир. Шунга кўра Қирғизистон ҳудудини иқтисодий районларга ва райончаларга бўлиш ва уларни ўрганиш, ўқитишнинг илмий ва амалий аҳамияти катта. Чунки иқтисодий районлаштириш — ишлаб чиқариш унумдорлигини ва ишлаб чиқаришни ўлка бўйлаб ташкил қилишнинг такомиллаштиришнинг асосий шакли бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий районлар меҳнатнинг ўлка бўйлаб тақсимла-ниши асосида тузилади. Унинг энг асосий белгиси ихтисосла-шиш ва мажмуали таъминлашдир.

Табиий шароитига, турли бойликларга, иқтисодий имко-

ниятига қўра Қирғизистон халқаро миқёсдаги меҳнат тақсимоотида рангли, камёб металлارни, қурилиш материалларини, машина ишлаб чиқариш тармоқларининг маҳсулотларини тайёрлашга, майин ва ярим майин жун берувчи қўйчиликка, пахта, тамаки беда ва қанд лавлаги уруғини етиштиришга ихтисослашган.

Қирғизистонни иқтисодий районларга бўлишда аввало қуйидаги омиллар назарда тутилади: табиати, иқтисодий имконияти, хўжалигининг шаклланишидаги тарихий-географик асоси, истиқболли районлар хўжалигини мажмуали ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришнинг асосий йўли, ҳудудда ишлаб чиқариш комплексини ташкил қилиш имконияти, маъмурий-ҳудудий бўлинишларнинг аввалги ёки кейинги ўзгаришлари, аҳолининг жойлашиши ва миллий хусусиятлари, доимий ишлаб чиқариш алоқаларинг ўзига хослиги, район ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил қилувчи саноат тугунларининг келажаги ва бошқалар.

Қирғизистон Республикасида иқтисодий районлаштириш муаммолари профессорлар С.Н. Рязанцевнинг, В.Ф. Павленконинг, М.М.Картавовнинг, академик К.О. Оторбаевнинг илмий ишларида кенг баён этилган. Буларнинг илмий ишларида Республиканинг ҳамма хусусиятлари назарда тутилиб, у икки районга: Шимолий ва Жанубий Қирғизистонга бўлинган. Улар ичидаги бир-бирдан фарқ қилувчи ҳудудлар бир қанча иқтисодий районларга бўлинган.

Ҳозир Республика ҳудуди «Олатовда олтига» дегандай, олти вилоятга бўлинади. Улар ўзининг эгаллаган ҳудуди, табиий-иқтисодий потенциали, аҳолисининг сони ва жойлашиши, ҳалқ хўжалигининг ҳозирги ва келажакдаги ривожланиш йўли, хўжалигининг ихтисослаштирилиши бўйича бир-бирдан фарқ қилади. Бироқ уларнинг кўпчилигининг чегаралари иқтисодий районлар ва райончалар кўринишида бир-бирига ўхшаб кетади.

Шимолий Қирғизистон ҳудудида Чуй вилояти (Шимолий Қирғизистон райончаси), Иссиқкўл вилояти (Шарқий Қирғизистон), Талас вилояти (Шимоли-Фарбий Қирғизистон), Норин вилояти (Ички Тяньшан), шунингдек, Жанубий Қирғизистонда Ўш, Боткен, Жалолобод вилоятлари жойлашган. Буларни Жануби-Фарбий иқтисодий район деб ҳам аташади.

Шимолий Қирғизистон райончаси (Чуй вилояти) географик ҳолатининг қулайлиги, ер юзаси кўпчилик қисмининг текислиги, иқлим шароитининг қулайлиги, шунингдек, иқтисодий ало-

қалари ҳудуднинг ижтимоий ва иқтисодий томондан яхши ривожланиши учун имконият беради. Вилоят ҳозир Республикадаги кўп тармоқли, халқ хўжалиги комплекси раванқ топган иқтисодий райончадир.

Шарқий Қирғизистон райончаси (Иссиқкўл вилояти) муздамайдиған Иссиқкўл кўплаб минерал сувлари, шифобахш ботқоқликлари, саломатлик учун зарур ва дам олишга қулай иқлим шароити, гўзал тоғ ладшафти, олтин, қалай ва бошқа рангли металлри билан машхур. Райончанинг курорт хўжалиги халқаро аҳамиятга эга.

Шимоли-Ғарбий Қирғизистон райончаси (Талас вилояти) майин жуңли қўйга, тамакига, рангли металл ишлаб чиқаришга (олтин ва бошқалар), озиқ-овқат саноат тармоғига ихтисослашган. Улуғ Манас гумбази, музейи билан дунёга машхур.

Ички Тяншан (Норин вилояти) мураккаб табиий шароити, баланд тоғли яйловлари, майин, ярим майин ва йирик жуңли қўйчилик хўжалиги, гидроэнергетика ресурслари, кўмир, темир, ҳар хил рангли металл конлари билан машхур. Ички Тяншанинг хилма-хил табиий бойликлари ўзлаштирилган эмас. Иқтисодий ривожланиш даражаси паст. Темир йўл йўқ.

Жануби-Ғарбий иқтисодий райони, уни Жанубий Қирғизистон деб ҳам аташади (Ўш, Жалолобод вилоятлари), меҳнатнинг ҳудудий бўлинишида йирик тоғ-кон саноатига (айниқса симоб, сурма, ёқилғи), бақувват энергетикаси, ривожланган енгил ва озиқ-овқат саноат тармоқларига, пахта, тамаки, майин ва дағал жуңли Олой зотли қўйчиликка ихтисослашган.

Келажақда Республиканинг иқтисодий районларини ва райончаларини тўғри ихсослаштиришни такомиллаштириш, ишлаб-чиқариш кучларини жойлаштиришни яхшилаш, уларнинг комплекс асосда ривожланишини таъминлаш мақсадга мувофиқ келади.

## **19.1. Шимолий Қирғизистон (Чуй вилояти)**

Шимолий Қирғизистонга Чуй вилояти киради. Вилоят таркибига Аламудун, Жайил, Қант, Кемин, Москва, Панфилов, Сўкудук, Иссиқота, Чуй районлари, 12 шаҳар ва шаҳарчалари киради. Қирғизистон Республикасининг маркази — Бишкек шаҳри ҳам Шимолий Қирғизистонда жойлашган. Вилоят майдони 18,8 минг квадрат км, Қирғизистоннинг Қозоғистон билан чега-

раланган, 300км га чўзилган Шимолий қисмини эгаллайди. Республика аҳолисининг 30,3.% и Чуй вилоятида яшайди. Вилоят Республиканинг иқтисодий томондан жуда яхши ривожланган иқтисодий райончасидир. Унга Республика бўйича ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг ярмидан кўпи тўғри келади, жадал ривожланган қишлоқ хўжалиги билан фарқ қилади. Киши бошига Республика кўрсаткичидан икки марта кўп саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Аҳоли зичлиги, шаҳар аҳолисининг кўплиги бўйича ҳам олдинги ўринда туради.

Чуй вилояти қулай иқтисодий-географик ўринга эга, сабаби унинг текислик қисмини ғарбдан шарққача Луговая — Балиқчи темир йўл кесиб ўтади. Бу йўл вилоятнинг ҳамма саноат марказларини, аҳоли зич жойлашган қисмини кўшни мамлакатлар билан боғлаб туради. Қарағанданинг коксланувчи кўмирига, металлга яқинлиги, унинг анча қулай жойлашишини кўрсатади. Республиканинг ички областлари (Норин, Иссиқкўл) ташқарига Чуй вилояти орқалигина чиқа олади, шунингдек Бишкек-Балиқчи — Тўруғарт халқаро автомагистрალი Қирғизистон Республикасини Хитой билан боғлаб туради. Республиканинг маркази — Бишкекни Чуй водийсининг ўрта қисмидан жой олиши ҳам унинг иқтисодий-географик ҳолатини яхшилайдди. Чуй вилояти шимол билан ғарбда Талас, жанубда Норин, шарқда — Иссиқкўл вилоятлари билан, шимолда Қозоғистон билан чегараланади.

Чуй вилоятининг рельефи тоғли, бўлақларга ажралган, абсолют баландлиги -550 — 5000 м. Вилоят ҳудудига Чуй ва тоғ оралигидаги Катта Кемин водийлари, шунингдек, уларни ўраб турган Қирғиз, Или, Кунгай Олатовларининг ёнбағирлари киради. Чуй водийсининг ғарбий ва ўрта қисмлари деярли текислик. Қирғиз Олатовининг этакларига яқин томони ҳамда Қирғиз, Или Олатовларига тақалган шарқий қисми бироз қияликлардан иборат. Қирғизистон Республикасига Чуй дарёсининг 550 — 1300 м баландликда жойлашган, асосан текисликдан иборат чап томони қарайди. Чуй водийси асосан шимоли-ғарбий томонга қия (1200дан 550 м гача) ва айрим жойлари дўнг ва ботиқлардан иборат. Чуй водийсининг, унда катта бўлмаган майдонда, Чуй дарёсининг ўнг қирғоғида Кичик Кемин водийси жойлашган. Водийнинг бу текислик қисми ҳозирги замоннинг йирик техникаларидан фойдаланишга, ерни суғоришга имкони бўлганлигидан Республикадаги энг катта ўзлаштирилган деҳқончилик ҳудуди бўлиб ҳисобланади.



Водийдан жанубда даралар билан бўлинган ўртача баландликдаги тоғ бўлаги ўрин олган. 3500 м баландликдан юқорида кўп йиллик музлоқ қоялар, музли минтақалар бошланади. Қирғиз Олатовидаги довонларнинг ҳаммаси денгиз сатҳидан 3000 м баландликда жойлашган. Тизма тоғнинг энг баланд жойи Олаарча ва Аламудун дарёларининг бошланишида жойлашган. Айрим тоғ чўққилари 4500 м баландликка эга.

Шарқда Или ва Кунгай Олатовларининг (баландлиги 4500 — 5000 м) оралиғида Катта Кемин водийси (1340 — 4000 м) жойлашган. Водий ичкарасида таниқли яйлов — Кўкойроқ жойлашган (50 минг га).

**Қазилма бойликлари.** Чуй вилояти Республикада иқтисодининг ривожланиш даражаси бўйича олдинда бўлгани билан, унинг қазилма бойликлари яхши ўрганилган эмас. Қазилма бойликларнинг маълум бўлганлари камёб, қиммабаҳо ва полиметалл рудалари, нометалл конлардир. Водийда камёб рангли металллар-висмут, рух, кўрғошин, олтин топилган. Нометалллардан ош тузи, гипс, мрамар, сиенит, гранит, мергел, қум, шағал, сланец, ва бошқа конлар бор. Юқоридаги конларнинг кўпчилиги Чуй водийсининг шарқий қисмида жойлашган. Рангли металл конларининг йирикларига Миронов висмут кони киради. Қуран Жайлоо, Толди Булоқ, Қора Моро, Суулу Терак, Долпран ва бошқалар, ҳаммаси бўлиб, 10 та кон чиққан жой, радиуси 5 км дан ошиқ бўлмаган майдонга тўпланган (Долпран Толдибулоқдан 25 км масофада жойлашган). Оқтуз ва Борду рух-кўрғошин конлари ҳозир ишлатилмоқда.

Чуқур бурғилаш орқали газ, нефть ресурслари яхши ўрганилган. Чалдибар ҳудуди, Қораболта билан Иссиқота дарёлари оралиғи, Серафимовка зонаси нефть ва газга бой район бўлиб ҳисобланади.

Қурилиш материаллари қазиб олинadиган энг бой ва йирик захирага эга бўлган конлар сифатида Қиртабилги гранит кони, Шабдан қишлоғига яқин жойдаги мрамар кони, Қарғайли булоқ, Кегетидаги Оҳақтош, Дмитриевкадаги цемент хомашёси, Гултекедаги керамзит шағали, турли қумлар чиққан Ивановка, Сарибулоқ, Ўроқ, Олаарча конларини эслатиш мумкин. Бу конларининг кўпчилигидан халқ хўжалигида кенг фойдаланилади.

Чуй водийсининг иқлими умуман олганда турлича, кескин континентал, ёзи иссиқ, қиши ҳам унча совуқ эмас, лекин айрим вақтларда жуда қаттиқ совуқ ҳам бўлиб туради. Баҳори қисқа,

март охиридан об-ҳаво илий бошлайди, ammo май ойигача, айрим вақтларди, ўсимликларини совуқ уриши ҳам мумкин. Ёзи иссиқ, июлнинг ўртача ҳарорати  $22^{\circ}$  —  $25^{\circ}\text{C}$ . Ёзнинг иссиғи, айрим кунлари, тоғдан эсган маҳаллий водий шамоли олиб келган тунги муздек ҳаво билан алмашилиши мумкин. Айрим вақтларда ёзги ҳарорат  $44^{\circ}\text{C}$  дан ошиб кетиши мумкин. Кузи қурғоқ, илиқ. Дастлабки совуқ октябрь ойидан бошланади, бироқ ундан кейинги об-ҳаво узоқ вақтгача илиқ туриши мумкин.

Йилнинг иссиқ даври Чуй водийсида ўртача 170 кунга баробар. Вегетация даври 220 — 230 кунгача давом этади. Январнинг ўртача ҳарорати  $-7^{\circ}\text{C}$ . Қор 75 — 90 кунгача туриши мумкин. Қишдаги об-ҳаво ҳам кескин ўзгариб туради, масалан, ҳарорат январь ойида  $-40^{\circ}\text{C}$  совуқдан,  $+15^{\circ}\text{C}$  иссиқгача кўтарилиши мумкин. Водийда йиллик ёғин ўртача миқдори 270 — 400 мм, тоғ ёнбағрларида — 500 — 600 мм. Текисликка нисбатан тоғ этакларида қиши бироз юмшоқроқ келиб, ёзи салқин бўлади. Катта Кемин водийсининг иқлими континентал, январининг Чуй вилоятининг иқтисодий картаси ўртача ҳарорати  $-10^{\circ}\text{C}$ , июлнинг ўртача ҳарорати  $+21^{\circ}\text{C}$ , йиллик ёғинининг ўртача миқдори 400 мм.

Чуй водийсининг дарёлари Чуй дарёси ҳавзасига киради. Чуй энг катта дарё, унинг узунлиги 1030 км. Унг ирмоқлари Катта ва Кичик Кемин дарёларидир. Чап ирмоқларига Қирғиз Олатовидан оқиб тушадиган Жералиқ, Толдибулоқ, Шамши, Бурана, Кегети, Иссиқота, Аламудун, Олаарча, Жиламиш, Сўқулуқ, Оқсув, Қораболта, Катта Қайинди, Жарди-қайинди, Аспара сингари дарёлар киради. Булар сув тўлиқ суғориш ишларида фойдаланилиб, Чуй дарёсига оқиб етмайди. Бишкек шаҳрини ва яна кўпгина аҳоли яшайдиган пунктларини сув билан таминлашда ер ости сувларининг ва шаҳар ичида артезиан қудуқларининг аҳамияти катта.

Қирғиз Олатовининг шимолий ёнбағридаги даралардан иссиқ ва минерал булоқлари (Арашан, Иссиқота, Оқсув, Қораболта, Аламудун, Шамши ва бошқалар) бор.

Водийда йирик кўллар бўлмаган ҳолда дарёларнинг ёйилиб оққан жойларида қолдиқ кўлмаклар, катта ва кенг ботиқларда, чуқур жойларда сунҳий кўллар кўп. Булардан саноат корхоналарини сув билан таҳминлашда, балиқ ва бошқа сув жониворларини кўпайтиришда, суғориш ишларида фойдаланилади.

Чуй водийсида ирригация қурилишлари кўп. Катта Чуй канал уч каналдан — Шарқий, Ғарбий, Жанубий Катта Чуй канал

ларидан иборат. Бундан ташқари Боролдай, Қизилсув, Отбоши ва бошқа каналлар ҳам бор. Ўртатўқай сув омборининг сувларидан Чуй водийсида фойдаланилади. Чўмич тўғонининг, Пастки Олаарча, Спартак сув омборларининг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти катта. Чуй водийсидаги дарёларнинг энергия захиралари 2 млн квт дан ошиқ, бироқ ҳали ундан тўлиқ фойдаланилганича йўқ.

Водий тупроғи баландлик минтақаси бўйича ўзгаради. Чуй, Кемин водийларининг текислик қисмида шимолий бўз тупроқ кўпчиликти ташкил қилади, айрим жойлардан нам ва шўртупроқлар, очиқ ва қорақўнғир тупроқ тарқалган. У баландликка кўтарилган сари қорая бошлайди. Қора тоғ тупроғи гумуста бой бўлиб, уларни суғориб, агротехника ишловларини бериш билан қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш мумкин.

Ўсимликлари ҳам баландлик минтақаси бўйича жойлашган. Водий текисликларидаги чала чўлли кўрғоқчил дала, юқоридаган сари пастқам тоғли ва баланд тоғли далага, кўкламзор далага ва майсазорларга айланади. Кўрғоқчил дала билан чала чўлда табиий ўсимликлар оз, сабаби, текисликдаги бу минтақалар экинзорларга айлантирилган. Табиий ёввойи ўсимликлардан шuvoқ-эфемерли чала чўл ўсимликлари, шuvoқ-ғалладонлар, чалов-шuvoқли дала, захкаш майсазорлар, қамиш ва бутасимонлар (чеканда), зирк, наҳматак ва бошқа учраб туради.

Тоғ этаклари асосан чалов ва қорақийёқ каби хилма-хил ўсимликларга бой. Ундан юқорида ўтлоқли дала ва баланд тоғ майсаеи тарқалган. Кунгай юзларда дала ўсимликлари, терскайда ўтлоқзор, бутасимонлар ва ўрмонзорлар мавжуд. 1200 м дан юқорида, тоғнинг шимолий ёнбағрларида бутасимонлар (наьматак, спиреялар, зирк) ўсади, ўрмонзорлар ҳам учраб туради. Қирғиз Олатовидаги далаларда, Катта Кемин водийсида қарағай, қайин, арча, четан дарахти ва бошқа ўрмонзорлар учрайди. 2400 м дан юқорида субальп ўтлоғи ўтлоқли далалар бошланиб, ўсимликлари хилма-хил. Альп ўтлоғи 2800 м дан бошланиб, ёввойи пиёз, чалов, ҳар хил ўсимликлар ўсади. 3600 м дан юқорида эса гляциал-нивалли минтақа жойлашган. Субальп ва альп ўтлоқлари ҳайвонлар учун яйлов, айрим жойлари ничанзор сифатида фойдаланилади.

Ҳамма ўрмонзорлар майдони 177,3 минг га бўлса, бундан майда ўрмонзорлар — 26,6 минг гектарни ташкил қилади.



Аҳолининг ёш-жинсий таркиби (01.1.1994)

Ҳайвонот дунёси ҳилма-ҳил, кўпчилиги тоғларда учрайди. Улар: тоғ такаси, кийик, архар, силовсин, тулки, бўри, қундуз, сувур, қашқулоқ ва бошқалар. Сувларида ҳар хил балиқлар, фоз, ўрдаклар, ондатралар бор. Бишкек шаҳридан 30 км наридаги Олаарча дарёси дарасида табиий парк ташкил қилинган. Бу иш табиат комплексини сақлаш ва уни тиклаш учун қилинган. Тўқмоқда қирғовулларни кўпайтириш давлат расадниги ишлаб турибди. Бунда нафақат қирғовулни, бошқа ёввойи қушларни ҳам кўпайтириш устида иш олиб борилмоқда. Москва районидаги Оқсувнинг юқорисида Оқсув давлат комплексе қўриқхонаси, Панфилов районидаги тоғли қисмида Жарли Қайинди давлат зоология қўриқхонаси, Кемин районидаги Шабдан қишлоғига яқин жойда Кемин давлат зоология қўриқхонаси бор. Буларнинг асосий мақсади табиат комплексларини, асосан ҳайвонларни сақлаш ва қўриқлаш ҳисобланади.

**Аҳолиси.** Ҳозирги вақтда вилоят ҳудудида Республика аҳолисининг 1/3 қисми яшайди. 1913 — 1992 йилларда аҳоли сони беш ҳиссага ёки 169 минг кишидан 1140 кишига ўсди.

Аҳоли сонининг ўсиши — табиий ўсишга, Бишкек шаҳрида эса механик ўсишга боғлиқ бўлган. Бироқ Республиканинг бошқа иқтисодий райончаларига солиштирганда, Чуй водийси аҳолисининг табиий ўсиши озроқ. Аҳолининг кўпайишида табиий ўсишигина эмас, балки миграция (кўчиш) жараёни ҳам катта аҳамият касб этади.

Ўтган асрнинг 50 — 70 йилларида Россиядан кўчиб келган рус, украин, немисларнинг сони кўп бўлган, улар бир неча янги қишлоқларни ташкил қилишган, шунингдек 70 йилларда Хитойда уйғурлар, тунгонлар кўчиб келишиб жойлашишган. Улуғ Ватан уруши йилларида Чуй водийсига уруш бўлаётган ерлардан кўшлаб руслар, украинлар, ўз еридан сургун қилинган чечен, ингуш, қорачай, болқарлар кўчириб келинган. 1991 йилдан бошлаб рус, украин, немис, яҳудий, татар, ўзбек миллатига мансуб аҳолининг водийдан кўчиб кетиш тенденциялари сезилади.

Аҳолининг зичлиги 1 квадрат километр майдонга 72 киши тўғри келади, бу кўрсаткич Республикадаги ўртача зичликдан тўрт ҳисса кўплик қилади. Аҳоли бўйича нотекис жойлашган ва асосан 3 қисмга бўлинади:

- а) шимолий қисм — Чуй дарёсининг соҳиллари бўйлаб;
- б) ўрта қисм — темир йўл магистрали бўйлаб, ер ости сувлари чиққан жойларда;
- в) жанубий қисм — Қирғиз Олатовининг этаклари бўйлаб (700 — 1200м).

Аҳолининг энг зич жойлашган ўрта қисмида 1 квадрат километрга 190 киши, тоғ этакларида 30 — 35 киши, шунингдек Чуй соҳилларида 20 киши тўғри келади. Аҳоли зичлигини маъмурий районлар бўйича олганда, марказий Аламудун, Қант, Сўқулук районларида 1 квадрат километрга 80 — 85 киши тўғри келади, шунингдек, марказий, четки Кемин, Панфилов районларида атиги 12 — 18 киши жойлашган.

Аҳоли ёшининг таркиби бўйича ўн олти ёшгача бўлган болаларнинг ҳиссаси 34,5 %, эмизикли болалар — 52%, шунингдек, эмиш даражасидан ўтганлар сонининг ҳаммаси 13,5% ни ташкил қилади. Вилоятда яшаган 1000 аёлга 950 эркак тўғри келади. Эркаклар билан аёллар сони тенглашиш даражасида.

Аҳолининг ижтимоий таркибида ишчилар оилалари билан 60%ни, иккинчи ўринда зиёлилар — 20%, учинчи ўринда деҳқонлар — 20%ни ташкил қилади. Ҳозирги вақтда бозор муносабатларига ўтиш даврида янги касблар, синфлар пайдо бўлмоқда: хусусий мулк эгалари, фермерлар, ижарачилар, савдогарлар, саноат, савдо, қурилиш корхоналарининг эгалари ва бошқалар.

Вилоятдаги ва Бишкек шаҳридаги аҳолининг миллий тар-

киби ҳар хил. Аҳолининг кўпчилиги қирғизлар ва руслар (вилоятда 70% дан ошқ, Бишкекда –78%), улардан ташқари немислар, ўзбеклар, украинлар, тунгонлар, татарлар, уйғурлар ва бошқа 30 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Улар биргаликда Қирғизистон аҳолисини ташкил қилади. Чуй водийсида, хусусан Бишкек шаҳрида юқори малакали меҳнат ресурслари тўпланган. Меҳнат ресурсларининг малакаси, унинг сифати ўша ҳудуднинг, шаҳарнинг ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига, тармоқлар турига, ҳудудий ривожланишига ва жойлашишига яраша бўлади. Юқори малакали меҳнат ресурслари тўпланган Бишкек, Тўқмоқ, Қора-болта, Сўқулук, Аламудун районларида меҳнат ресурслари етишмайди. Аксинча, майда шаҳарчаларда, шаҳарларда, қишлоқларда меҳнат ресурслари ошқича, уларни иш билан таъминлашнинг кўп усуллари бор. Биринчидан, йирик шаҳарларга саноат корхоналарини қуришни тўхтатиш, қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишловчи майда, ўртача ишхоналарни хомашё базаси яқинига қуриш, иккинчидан, водий ичкарасидаги аҳоли кўчишини (миграциясини) бошқариш керак. Йирик саноат корхоналарида ишлаётган маҳаллий аҳолининг сони жуда кам, сабаби, уларнинг малакаси жуда паст, шунинг учун касб-ҳунар ўқув жойларига маҳаллий ёшларни кўпроқ жалб қилиш керак. Учинчидан, индустрияси ривожланган Чуй водийсида меҳнатни кўп талаб қилувчи халқ хўжалиги тармоқларини (электр ускуналарини тайёрлаш, радиоэлектроника, энергетика ва бошқалар, шунингдек, қишлоқ хўжалигида узумчилик, мевачилик, сабзавотчилик, туризм индустрияси, савдо маиший хизмат тизимларини) ривожлантириш лозим.

Аҳолисининг кўпчилигини шаҳарликлар ташкил қилган Республикадаги ёлғиз иқтисодий районча — Чуй водийси, бунда 1992 йилда 60% дан ортиқ аҳоли шаҳарларда яшаган. 1913 йилда водийда иккитагина шаҳар бўлиб, Бишкек (14 минг киши), Тўқмоқ (3,5 минг киши) шаҳар аҳолисининг аранг 7%ини ташкил қилган.

Ҳозир Чуй водийсида 5 шаҳар 7 шаҳарча бор, уларга қуйидагилар қиради.

### Чуй водисидаги шаҳар ва шаҳарчаларнинг аҳолиси (1994 йил)

№	Шаҳарларнинг номлари	Аҳоли сони (миң киши)	Маъмурий бирлиkning номи
1	Бишкек шаҳри	606,9	Республикага қарашли
2	Тўқмоқ шаҳри	64,6	Чуй райони
3	Қораболта	50,8	Жайыл райони
4	Қант шаҳри	21,9	Қант райони
5	Шопоков шаҳри	7,7	Сўзулук райони
6	Обеув шаҳарчаси	9,5	Москва райони
7	Кемин шаҳарчаси	11,9	Кемин райони
8	Ивановка шаҳарчаси	14,4	Иссиқота райони
9	Қайинди шаҳарчаси	10,6	Панфилов райони
10	Орловка шаҳарчаси	10,0	Кемин райони
11	Октуз шаҳарчаси	2,1	Кемин райони
12	Борду шаҳарчаси	0,9	Кемин райони

Водийдаги шаҳарларнинг сони унчалик кўп бўлмагани билан, уларнинг бажарган ишлари, аҳолисининг сони, генетик келиб чиқиши, меҳнатнинг ҳудуд бўйича тақсимотидаги ўрни хилма-хилдир. Шаҳарларнинг ҳаммаси, шаҳарчаларнинг кўпчилиги Чалдибар — Бишкек — Балиқчи темир йўли бўйида, Кеминнинг шаҳарлари бир-бири билан ўзвий боғланишда, ҳар бири ўз вазифасини бажаргани ҳолда, улар ҳаммаси бири-киб ягона шаҳар тизимини ташкил қилишади. Шаҳар тизими-га шаҳар агломерацияси киради. Бишкек шаҳри атрофида (Қораболтадан — Қантгача, Бойтиқ водийсиданшимолдаги Қозоғистон чегарасигача) катта ҳудудни эгаллаган шаҳар агломерацияси шаклланимқда.

**Бишкек шаҳри** — Республиканинг пойтахти. Марказий Осиёдаги йирик шаҳарлардан бири, Республиканинг ижтимоий, иқтисодий, фан ва маданият маркази, йирик транспорт тугуни бор. Шаҳарнинг майдони 127 миң га, 1994 йилда аҳолисининг сони 606,9 киши бўлган. Шаҳар тўрт маъмурий бирликка — Биричи май, Ленин, Октябрь, Свердлов районларига бўлинади.

Шаҳар қулай географик ўринга эга бўлиб, Қирғиз Олато-вининг пастки қисмидаги Чуй водисининг ўрта қисмида жойланган. Шаҳар денгиз сатҳидан 700 — 900 м баландликда,

**Бишкек шаҳри аҳолисининг сони (минг киши ҳисобида)**

Йил	1884	1897	1913	1926	1939	1959	1970	1980	1990	1991	1992	1994
Сони	2,1	6,6	14,0	36,6	92,8	218	437	345,4	634,6	641,4	646,1	606,9

Олаарча ва Аламудун дарёларининг қуйилиш жойида жойлашган. Бишкек орқали темир йўл ва давлат миқёсидаги автомобил йўлларининг асосий қисми ўтади. Шаҳар ичида учта – Бишкек, эски Бишкек, Аламудун темир йўл станциялари, иккита автостанция бор. Шаҳардаги «Манас» аэропортининг халқаро аҳамияти жуда катта. Шаҳарни Катта Чуй капалигининг шимолий ва жанубий тармоқлари кесиб ўтади. Бишкек шаҳри 1825 йилда Қўқон хонлиги билан бўлган урушларда қўқонликлар томонидан қишлоқ (ғов) қатори асосланиб, 1878 йилда уезд марказига айлантирган. 1922 йилдан бери Республикамизнинг пойтахти. Бишкекнинг иқлими-континентал. Ҳавонинг ўртача ҳарорати 10,2<sup>o</sup>С, энг совуқ-январь ойининг ўртача ҳарорати – 4,6<sup>o</sup>С. Йиллик 0<sup>o</sup>С юқори даврнинг ўртача давомчилиги 267 кун, йиллик ёнингариликнинг ўртача миқдори – 409 мм. Бишкек энг қуёшли шаҳарлардан бири, йилнинг 322 кунини очиқ бўлади. Йиллик ўртача буёлиниш 964 мм бўлиб, йиллик ёнингариликдан 2,5 хисса кўп. Шаҳарга тоғдан шамол эсиб туради. Бишкек 9 балли сейсмик зонада жойлашган. Шаҳар орқали Аламудун, Олаарча дарёлари, Катта Чуй каналлари оқиб ўтади.

Шаҳарнинг шимолий-шарқий қисмида Чўмич тўғони жойлашган, 5—7 км масофада Аламудун ГЭСининг кўллари, Пастки Олаарча сув омбори (40 млн м<sup>3</sup>) дам олиш зоналарига айлантирилган. 1979 йилда шаҳар ҳудудидан иссиқ (39<sup>o</sup>С) минерал булоқлар топилган. Шаҳар атрофидаги 1200 га ерни мевали дарахтлар эгаллайди. Бишкекдаги мевали боғларнинг умумий майдони 4,2 минг га, ҳар бир киши бошига 19 метр квадрат боғ тўғри келади. Бишкек мевали дарахтзор шаҳарлар қаторига киради. Кўчаларига мевали дарахтларининг 150 дан ошмиқ тури ва бутасимонлар экилган. Шаҳарда 6 та маданий ва истироҳат боғи, 8 та ўрмонзор боғ, 35 та хиёбон, 11 та шаҳар боғи, 2 та бульвар ва бошқалар бор. Шаҳарнинг жанубида жойлашган ботаника боғининг майдони 130 га ерни эгаллайди. Шаҳар жанубидаги Халқ хўжалиги ютуқлари кўرғазмаси 120 га майдонини эгаллайди. Бунда ҳар хил мевалар, манзарали дарахтлар, буталар, гулзорлар, атрофига гуллар тўшалган йўлаклар бор. Бишкек шаҳрининг

аҳолиси жуда тез ўсмоқда. Сўнги 40 йилнинг ҳар 10 йилида шаҳар аҳолиси 100минг кишига кўнаиб турди. Шаҳар аҳолисининг бундай ўсишига сабаб, табиий ўсишнинг юқорилиги, шаҳар ва қишлоқлардан кўчиб келишлар (1992 йилгача) ва Бишкек атрофидаги айрим қишлоқларнинг шаҳар таркибига қўшилишидир.

Чуй водийсида аҳолининг жойлашиши айрим агломерациялардан иборат. Энг йирик агломерацияси ҳозирги вақтда шаҳардан ташқари ўнлаб қишлоқларни бириктиради. Шаҳарда ғарбдан Ҳарбий Антоновка, Ново-Павловка; шарқдан-Аламудун, Лебединовка Новопокровка; шимолдан — Пастки Олаарча, Маевка, Пригородний, Ленин; жанубдан — Чўнариқ, Ўртасой, Ўроқ, Ўртаолиш, Кўкжар қишлоқлари энг яқин жойлашган, улар шаҳар билан меҳнат, маданий ва ҳаёт турмуш тарзи бўйича яқиндан боғланишган. Шаҳарга яқин қишлоқлар аҳолисининг 70%дан ошири Бишкекда ишлайди.

Бишкек шаҳрининг аҳолиси кўп миллатли, 80 дан ортиқ миллат, элат ва этнос гуруҳларининг вакиллари яшашади. Буларнинг ичида энг кўпини руслар – 50,3%, қирғизлар –30,6%. Украинлар –4,7%, немислар –8%, татарлар –2,6%, ўзбеклар, уйғурлар, корейлар –1,8% ва бошқа миллат вакиллари ташкил этади.

Бишкек Республиканинг энг йирик иқтисодий маркази. Бунда кўп тармоқли хал хўжалиги комплекси ташкил топган. Шаҳарда Республикадаги саноат фондининг 1/3 қисми жамланган, хўжалигининг 30 дан ортиқ тармоғи ривожланган. Республика саноат маҳсулотининг 40% ини ишлаб чиқаради, 140 дан ошиқ турдаги саноат маҳсулотларини яқин мамлакатларга, шундан 50% га яқини одие чет мамлакатларга экспорт қилинади. Бишкекнинг саноати кўп тармоқли ва улар ҳар хил маҳсулот чиқаради. Устивор тармоғи машинасозлик ва металл ишлаб чиқариш. Тармоқнинг энг йирик корхоналари-Фрунзе номли қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи, «Қирғиз автомат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, оғир электр машинасозлиги заводи, электрон ҳисоблаш машиналар заводи ва бошқалар.

Ёғочсозлик саноатининг йирик тармоғи-мебелсозлик. «Қирғиз мебел» жамияти мебелнинг 25 га турини чиқаради. Қурилиш саноати ҳам кўп қиррали: гишт, ойназаводлари, темир-бетон заводлари, уйсозлик комбинатлари ишлайди. Енгил саноатнинг жундан гилам тўқиш, оёқ кийими, кийим тикувчи, тери ошловчи, тўр кийимлар тўқувчи ва бошқа тармоқлари ривожланган.

Озиқ-овқат саноатлари корхоналарига сут, гўшт, консерва маҳсулотлари, шампан-вино тайёрлайдига, кондитер маҳсулотлари, поён саноати ишлаб чиқариш бирлашмалари, ликер-ароқ заводи ва бошқалар киради. Полиграфия саноатининг 5 корхонаси, антибиотиклар заводи «Қиял» хунармандлик жамияти ишлаб турибди.

Электр энергиясини Бишкекдаги 1-ТЭЦ, Аламудун ГЭСларининг каскадлари беради. ТЭЦ шаҳарга иссиқлик ҳам беради. Бишкекда 2-ТЭЦ қурилиши битган. Бишкек шаҳри орқали Луговая-Бишкек-Балиқчи темир йўли ўтади. Республиканинг ҳамма шаҳарлари, вилоятлари автомобил йўллари орқали Бишкек билан боғланади. Энг йирик автомобил йўлларига Ўш — Бишкек, Бишкек — Балиқчи — Нөрин, Бишкек — Балиқчи — Қоракўл ва бошқалар киради. Автомобил йўллари Бишкекни Олмаота, Жамбул, Чимкент, Тошкент билан боғлаб туради. Шаҳар ичкарасида автобус, троллейбус, такси ва бошқа транспорт турларидан фойдаланилади. Халқаро аҳамиятга эга бўлган «Манас» аэропорти 70 га яқин шаҳарлар билан алоқа қилади (ички шаҳарлар, чет мамлакатлар). Бишкек орқали Бухоро — Тошкент — Жамбул — Бишкек — Олмаота газ қувури ўтган.

Бишкек — Республиканинг дастлабки маданий, фан ва маориф маркази, шаҳарда 85 умутаълим, 20 хунар-техника ўрта билим юрти, 15 та махсус ўрта билим юртлари ва 20 га яқин олий ўқув юртлари, булардан энг каттаси олий билим берувчи-Қирғиз давлат миллий дорилфунуни бор. Республикадаги барча талабаларнинг 90% дан ортиғи Бишкекдаги ўқув юртларида ўқишади.

Республикадаги илмий-тадқиқот ишларини Қирғиз миллий Фанлар Академияси бошқаради, унинг 17 илмий тадқиқот институтидан ташқари, ўшлаб тармоқлардаги илмий ва лойиҳалаш бўлимлари ишлайди. Шаҳарда Ленин номидаги давлат кутубхонаси ва унинг 80 дан ошиқ филиаллари ишлаб турибди. Бишкекда ҳар хил тилдаги адабиётларни чиқарувчи босмахоналар, 10 дан ошиқ музейлар Давлат филармонияси, Давлат цирки, Академик опера ва балет театри қошидаги театрлар киностудия, 25 га яқин маданият саройлари ва кинотеатрлари, мачит, черков, стадионлар, спорт саройи ва бошқалар бор.

Бишкек шаҳри ягона бош режа асосида ривожланмоқда. Ҳукумат уйи, Театр, Манас, Олатов ва бошқа майдонларда энг чиройли архитектура ансамбллари бунёд этилган. Ёлгорлик ва монументлар шаҳар архитектурасининг ажралмас қисмини таш-

кил қилади. Шаҳарнинг ҳамма томонида истироҳат боғлари, хибоблар, рестороанлар, кафелар, меҳмонхоналар, суный кўллар, фавворалар бор. Шаҳар ичида юзлаб савдо уйлари, айниқса кейинги 2-3 йил ичида хусусий савдо дўконлари пайдо бўлди. Энг катта «Айчурак» универмаги ва бошқа универмаглар, йирик бозорлар (Ўш, Аламулун, Ўртасой ва бошқалар) жойлашган.

1991 йилда Бишкекда турли соҳадаги 6308 врач, 9318 махсус ўрта билим медицина ходимлари ишлаган. 15 касалхона, 12 хотин-қизлар ва болалар консултациялари бор. Бишкекда ва унинг атрофида Иссиқкўл бальнеология курорти, курорт зоналари, санаторийлари, дам олиш уйлари, Олаарча табиий парки, Каттатош чалғида учинч базаси жойлашган. Махсус туристик меҳмонхоналар солинган ва туристлар учун базалар бор.

**Тўқмоқ** шаҳри Чуй водийсидаги йирик саноат марказлардан Ҳисобланади. У Бишкекдан 60 км шарқ томонда, Чуй вилоятининг уезд маркази сифатида асосланган, бироқ 1878 йилги сув тошқинидан шаҳар жуда катта талофатга учраганлигидан, уезд маркази Бишкекка кўчирилган. 1938 йилда Тўқмоқ шаҳригача темир йўл қурилган, ўшандан бошлаб, у йирик саноат марказига айлантирилган. Ҳозир шаҳарда 20 та саноат корхонаси ишлаб турибди. Уларнинг асосийлари: «Гольдстар» телевизори чиқарувчи радиозаводи, иккита автомобилни таъмирлаш заводи, темир-бетон, тош кесувчи, ойна, қанд, нон,сут заводлари, жун тозаловчи, ип йиғирувчи, кийгиз тайёрловчи, картон фабрикалари, консерва ишлаб чиқариш бирлашмаси, Бишкек гўшт комбинатининг цехлари ва бошқалар.

Шаҳарда 13 та мактаб, қишлоқ хўжалигини механизациялаш тех-никуми, маданий оқартирув, медицина, 2 та хунар-техника билим юртлари, 18 кутубхона, 3 кинотеатр ва бошқалар ишлаб турибди. Тўқмоқнинг жанубий қисмида ўрта асрларга оид бўлган шаҳар қолдиқлари сақланиб қолган. Ҳозир Бурана миораси ва унинг атрофлари музей ҳисобланади. Тўқмоқда 71,7 минг киши яшайди.

Бишкекнинг гарбий қисмида, 62 км масофада **Қораболта** шаҳри жойлашган. Бу шаҳар темир йўл ва автомобил йўллари бўйидан ўрин олган. Аҳолисининг сони 55,2 минг киши. 1975 йили шаҳар мақоми берилган. Шаҳарда 12 та саноат корхонаси, жумладан гилам тўқиш комбинати, консерва-ёғ чиқарувчи, пиво тайёрловчи, спирт заводлари, электромеханик ўйинчоқлар корхонаси, маиший хизмат комбинати, 4 қурилиш, 3 транспорт кор-

хонаси бор. Шаҳарда ўрта медицина билим юрти, озиқ-овқат саноати техникуми, иккита музика мактаби, 11 та умумтаълим мактаблари, 2 та хунар-техника билим юртлири бор. Маданият саройлари, клублар, музейлар, касалхоналар ишлаб турибди.

Чуй вилояти Республиканинг энг кўзга кўринадиган саноат ва қишлоқ хўжалиги райончасидир. У Республикада ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг учдан икки қисмини беради. Областининг саноати кўп тармоқли, унинг асосини ҳар хил машиналарни ишлаб чиқарувчи, енгил, озиқ-овқат саноатлари, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ташкил қилади. Вилоят саноат корхоналари Республикадаги машинасозлик саноати маҳсулотининг 95% ини кабель, ойна, оҳактош, картош, ювилган жун, кийгиз оёқ кийими, пайпоқ, шакар, макарон, спиртнинг ҳаммасини (100%) цементнинг 90%и, темир-бетоннинг 26%и, гўштнинг 40%и, сутнинг 30% и, минерал сувларнинг 60%ини ишлаб чиқаради. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳиссаси юқори: Республика майдонининг 10%га етмаган қисмини эгаллаган Чуй водийсида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотнинг 30%и ишлаб чиқарилади.

Деҳқончиликнинг асосий қисмини уруғ учун экиган қанд давлаги ва эфир мойи берувчи ўсимликлар ташкил қилади. Чуй Республикада етиштирилган сабзовот ва полиз маҳсулотларининг –70%, резавор меваларининг–50%, ғалланинг –40%, тухумининг 75%, сутнинг 47%ини беради. Чуй вилоятдаги саноатнинг энергетика базасини Бишкекдаги йирик иккита ТЭЦ ташкил қилади. 1-ТЭЦнинг қуввати 700минг квт. Бу ТЭЦлар Бишкек шаҳрини иссиқлик билан таъминлайди. Улар Бухоро газ и ва бошқа ташиб келинувчи ёқилғи билан ишлайди. Иссиқлик станциялардан ташқари қуввати камроқ бўлган яна бир неча гидроэлектростанциялар бор. Чуй водийсида Борду, Чуй каналларида Лебединовка ва олти каскаддан иборат Аламудун ГЭСлари бор. Бу станцияларнинг ҳаммаси Республиканинг ягона электр тизимига бириктирилган.

Саноат тармоғининг асосини машинасозлик ва металлга ишлов бериш корхоналари ташкил қилади. Бу тармоқ асосан бошқа давлатлардан (Россия, Қозоғистондан) ташиб келинган хомашё ва ёқилғи ҳисобига ишлайди. Республикадаги машинасозлик корхоналарининг кўпчилиги Бишкекда жойланган, булда пичан пресловчи, назорат-ўлчов асбоблари, металл кесувчи станоклар, инструменлар, преселаш машиналари, автоматлаштириш қурилмалари, қувватли электромашиналар, электр ҳара-

катлантирувчи, электрон ҳисоблаш машиналари, магнитофонлар, кир ювиш машиналари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Бишкекда бир неча таъмирлаш-механика заводлари жамланган. Бишкекдаги машинасозликнинг асосий йўналиши металл иш сарфловчи, юқори малакали ишчи кучини кўп талаб қилувчи тармоқлар – электроника, электротехника асбоблари, автоматлаштириш ускуналари станоклар, радиотехника буюмларини тайёрлашдир. Бишкекдан ташқари машинасозлик ва металл ишлатувчи корхоналарга Тўқмоқ шаҳридаги автомобилларни таъмирловчи иккита завод, Жанубий Корея билан ҳамкорликда қурилган «Гольдстар» радиозаводи, Кемин шаҳарчасидаги «Торгмаш» заводи, Қант, Ивановка, Аламудундаги таъмирлаш-механика заводлари, Қуйи Чуйдаги металл буюмлари чиқарувчи, Қайинди кабель заводлари киради.

Вилоятдаги ёғочсозлик ва мебел ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари ҳам, машинасозлик саноати сингари, ташқаридан ташиб келинувчи хомашё ҳисобига ишлашади. Бу соҳанинг йирик корхоналари Бишкек шаҳридаги «Қирғизмебел» ишлаб чиқариш бирлашмасининг корхоналаридир. Уларда 25 турдаги мебеллар чиқарилади.

Республикадаги рангли металлургия саноати маҳсулотининг 40%дан ошгани вилоят рангли металлургияси беради. Борду, Оқтуз конларидан қўрғошин, рух қазиб олиниб, бойитилади. Кемин районидаги висмут (Миронов), олтин(Куранжалоо, Толдибулоқ) конларини ишга гуширишнинг аҳамияти катта.

Қурилиш материаллари саноати асосан маҳаллий хомашё асосида ишлайди. Улар қаторига давлатаро аҳамиятга эга бўлган Қант цемент-шифер комбинати, Ивановка, Бишкек қурилиш материаллари комбинати, Желариқ оҳактош заводлари киради. Беловодек, Бишкекда йирик панелли уйлар заводлари, темир-бетон, асфальт бетон заводлари бор. Тўқмоқда, Бишкекда гранит, мрамар кесилиб, тахталар ясалиб, қурилишларни пардозлаш учун фойдаланилади. Бу шаҳарларда биттадан ойна заводлари ҳам бор.

Вилоят саноатининг ихтисослашган тармоғи-енгил саноатдир. Бу соҳа ҳам маҳаллий хомашё ҳисобига ишлайди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бир қисми ташқарига экспорт қилинади. Жундан газлама тўқиш бўйича Республикадагина эмас Ўрта Осиёда ҳам тенги йўқ. Жунга дастлабки ишлов бериш Тўқмоқдаги фабрикада бажарилади. Тайёр жун Бишкекдаги қирғиз

камвол-мовут комбинатига, Тўқмоқдаги ип йиғирув фабрика-сига жўнатилади, кийим тикувчи бир қанча корхоналар Бишкекда жойлашган, шунингдек Орловка, Чалдибарда ҳам бор, тери қайта ишловчи иккита булғори-хромлаш заводи ҳам Бишкекда жойлашган. Пойафзал ҳам Бишкекда чиқарилади. Теридан тикилувчи тўшлар икки жойдан чиқарилади: Турклар ёрдамида қурилган Ивановка мўйна фабрикаси ва Аламудун мўйна фабрикаси. Тўқмоқда кийгиз фабрикаси, Бишкекда толадан ип йиғирувчи ва тикув фабрикалари, каноп-жут фабрикалари ишлайди. Тўр кийимлар Бишкек, Аламудун, Василғевка фабрикаларида ишлаб чиқарилади.

Озиқ-овқат саноати маҳаллий хомашёлар ҳисобига ишлаб, кўшлар маҳсулотларини ташқарига чиқаради. 1985 йилгача вилоятда 6 та қанд заводи бўлган, ҳозир давлати экинмаганлиги сабабли, заводлар ташиб келтириладиган хомашё ҳисобига ишламоқда.

Бишкек, Қайинди гўшт комбинатлари ва Бишкек гўшт комбинатининг цехлари жойлашган шаҳрида колбасалар ва бошқа гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Бишкекда, Тўқмоқда сут комбинатлари, Қайинди, Беловодскийда, Эски Покровкада ёғ-пишлоқ заводлари бор. Тўқмоқда Республикадаги энг йирик консерва ишлаб чиқариш бирлашмаси, Бишкекда, Қораболтада консерва заводлари, Тўқмоқ, Қораболта, Қант, Беловодскийда ун ва нон комбинатлари ишлайди. Ароқ-шароб Бишкекда (ароқ-ликёр заводи, шампан-вино комбинати), Чуй, «Ала Тоо» ва бошқа узумчилик комбинатларида ишлаб чиқарилади. Вилоятда тўрт пиво тайёрловчи — Бишкек, Беловодск, Қораболта, Тўқмоқ заводлари, Бишкекда кондитер, бисквит, тамаки фабрикалари бор.

Чуй водийси деҳқончилик райони. Водийнинг майдони Ўш, Жалолобод вилоятларидан уч марта кичик, бироқ улардаги кўроқ ер суғорилади. Водийнинг 67% майдони деҳқончилик учун яроқли. Республикадаги ҳайдаладиغان ернинг 35% Чуй водийсига тўғри келади ва бу ерда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 30%и ишлаб чиқарилади. Деҳқончилик учун яроқли ерларнинг 60% и суғорилади. Чуй вилоятида деҳқончилик ва чорвачилик бир хилда ривожланган, бир хилда даромад беради. Деҳқончиликнинг асосини ғаллачилик ташкил қилади. Асосий ғалла ўсимликлари: буғдой, арпа, маккажўхори, сули. Умумий экин майдонларининг ярмидан кўнраги ғалла ўсимликлари экилади (205 мингга) Қирғизистон Республикасидаги энг катта ғал-

лачилик райончаси — Чуй водийси ҳисобланади. Сабаби, водийда Республиканинг 40%га яқин ғалласи етиштирилади. Асосий ғалла ўсимликларидан — кузги ва баҳорги буғдой, маккажў-хори ва арпа тенг миқдордаги (200 минг т) ғаллани беради. Бироқ кузги буғдойнинг ўртача ҳосилдорлиги (33,9 ц/га) баҳорги буғдойга (17 ц/га) қараганда икки баробар юқори. Энг юқори ҳосил маккажўхоридан олинади, ҳар бир гектардан 60 ц дан маккажўхори дони етиштирилади. Асосий ғаллачилик районларига Сўқулуқ, Москва, Жайил районлари киради. Улар водийнинг 50% ғалласини беради.

Техника ўсимликларидан (1985 йилгача) қанд лавлаги экилар эди. Сўнгги йилларда уни уруғи учунгина экилмоқда. Водийнинг ғарбий қисмида унча катта бўлмаган майдонга эфир мойлари олинувчи ўсимликлар — маврак (шалфей), ялпиз экилади.

Сабзавотчилик Бишкек ва Тўқмоқ шаҳарларнинг атрофида ривожланган. Республикадаги сабзавотнинг 60%дан кўпроғи Чуй водийсида етиштирилади. Йилига 10 — 12 минг га ерга экилган сабзавотдан 240 — 250 минг тонна сабзи, пиёз, помидор, бодринг, карам, патисон, қалампир, саримсоқ етиштирилиб олинади. Ихтисослашган сабзавот хўжаликлари ҳам тузилган (Пригородний, Майский, Киров, Алатоо ва бошқалар).

Картошка кўпинча шарқдаги картошкачилик хўжаликлари жойлашган Катта Кемин водийсида, ҳамда Қирғиз Олатовининг этакларида 6 — 6,5 минг га ерга экилади. Йилига 70 — 80 минг тонна картошка етиштирилади. Бироқ етиштирилган маҳаллий картошка аҳоли эҳтиёжини тўлиқ қаноатлантирмайди.

Мевачилик боғлари ва узумчилик ривожланган Чуй вилоятининг ҳамма районларида, тоғ этакларидаги адирларда резавор мевалар яхши ўсади, ҳосилдорлиги юқори. Мева боғларидан олма, нок, олхўри, олча, ўрик, шафтоли кўпроқ етиштирилади. Улар эгаллаган майдон 15,6 минг га. Узумчилик (3,5 минг га) Бишкек ва Тўқмоқ атрофидаги хўжаликларда ривожланган. Узумнинг асосан вино-шампан боп навлари ўстирилган. Шароб (вино) Бишкекдаги шампан-шароб комбинатида Беловодскдаги шароб заводида ишлаб чиқарилади.

Республикада етиштирилган қовун- тарвузнинг 63%ини Чуй водийси беради. Улар водийнинг темир йўли кесиб ўтган шимодий қисмида экилади. Маҳаллий аҳолининг боллиз экинлари билан таъминлашга имконият бор, Озуқа ўсимликлари Республикада ғалла ўсимликларидан кейин иккинчи ўринда туради. Улар

экиладиган майдон 110 — 115 минг га, силос учун маккажү-хори эса 35 — 38 минг га ерга экилади.

Чорвачиликни озуқа билан таъминлаш учун ҳосилни кўп берувчи(бир мавсумда 2 — 3 марта ўрилувчи) беда, эспарцет, рапс ва бошқа ўсимликлар экилади. Илдиз мева ўсимликларидан лавлаги, турнепс (ҳашаки шолғом) кабилар, ошқовоқ сингарилар экилади.

Водий қишлоқ хўжалигидаги энг аҳамиятли соҳа — чорвачилиқдир. Чорвачиликнинг ривожланиши учун қулай шароит мавсумий яйловларнинг бўлиши, айниқса Кўкойроқ, Қирғиз Олатовининг субальп, альп ўтлоқлари чорва моллари учун тенги йўқ яйлов. Кишкн яйловларнинг етишмаслигидан қўшни Жамбул вилоятининг Кенес-Анархай ва Балхаш бўйидаги жойлар кўп йиллик муҳлат ижарага олинган. Чуй водийсининг хўжаликлари ўша ернинг кишкн яйловларига, Қирғиз Олатовининг балаид довонлари орқали Сусамир водийсидаги яйловларга молларни ҳайдаб боришади. Водий чорвачилигининг ривожланган соҳасига қўйчилик хўжалиги киради. Бироқ қўйларнинг сони бўйича Республиканинг бошқа районларига нисбатан орқада. 1991 йилда водийдаги ҳамма тоифадаги хўжаликлар қўйларининг умумий сони 1208,6 мингтаини ташкил этган. Бошқа районлар билан таққослаганда водийда мол, чўчқа ва паррандачилик яхши йўлга қўйилганли билан фарқ қилади. Водийга сигирларнинг учдан бирдан кўпроғи чўчқанинг 80%, паррандаларнинг (товуқ, ўрдак, фоз ва бошқалар) — 53%, сутнинг — 47%, тухумнинг 75%дан кўпи тўғри келади. Қўйчилик хўжалиги сердаромад соҳа ҳисобланади. Кўпроқ майин жузли қирғиз зотли қўйлари боқилади. Ҳар бир қўйдан 3,2 кг дан жуи қирқилиб олиниб, водий хўжаликлари 5,5 минг тонна жуи топширади. Водийдаги районларда қўйларнинг сони, маҳсулдорлиги бир хил эмас. Яйлов кўп бўлган Кемин районида 235 минг қўй бўлса, Аламудун районида — 50 минг, Қанг районида 112 минггина қўй бор.

Бу ерда асосан гўшт-сут йўналишдаги «Алатоо» зотли сигирлар боқилади. Бундай зотли сигир Аламудун районидаги Стрелников номидаги давлат наслчилик заводида яратилган. 1991 йилда шохли қорамоллар 324,3 минг бош, бундан 124,22 минг боши сигир бўлган. Йилига 28 — 30 минг т мол гўшти, 400 — 425 минг т сут етиштирилади. Республикада Чуй вилояти молларининг маҳсулдорлиги бўйича олдинги ўринда туради. Ҳар бир соғин сигирдан 1990 йилда 3527 кг, 1991 йилда — 3290 кг сут соғиб олинган.

Шаҳар атрофидаги районлар – Аламудунда йилига 3900 — 4000 кг, Қанг районида 4235 — 4322 кг, шунингдек илғор сутчилик звероларида 5000 — 6000 кг сут соғиб олишади. Республикада соғиб олинган суннинг 47% и Чуй водийсига тўғри келади.

Чуй водийсининг кўпчилик хўжаликларида чўчкачилик-товар чорвачилиги ривожланган. Республикадаги 357,7 минг чўчкасининг 251,8 минги ёки 80%и водийга тўғри келади. Тармоқ ичида гўшт етиштирганда (22 — 30минг т) иккинчи ўринда, яъни қора молчилик хўжалигидангина кейин туради. Чўчкачиликка ихтисослашган хўжаликлар ва уларда малакали ишчилар бор.

Республикадаги паррандаларнинг ярмидан кўпроғи Чуй водийсининг хўжаликларига тўғри келади (4,4млн бош). Йилига 28 — 30 млн т пархез гўшт, 400 — 440 млн дона тухум етиштирилади. Республикада етиштирилган тухумнинг 75%ини Чуй водийсининг хўжаликлари беради. Ихтисослашган хўжаликларга Аламудун бройлер паррандачилик заводи, Сўқулуқ, Фрунзе паррандачилик фабрикалари киради. Паррандачилик шаҳар атрофидаги Сўқулуқ ва Аламудун районларининг хўжаликларида яхши ривожланган.

Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йилкичилик хўжалиги (46,4 минг бош), кўдларда балиқ, асаларичилик, қуён, тулки, нутрияларни боқиб каби чорвачилик соҳалари бор.

Чуй водийсининг қулай географик ўрни транспортнинг кўп соҳалари ривожланиши учун катта имконият яратган. Халқ хўжалигининг ташқи иқтисодий алоқаларида темир йўл, ички-ташқи алоқаларида автомобил транспортининг аҳамияти жуда катта. Чуй водийсида фардан шарққа томон ҳамма районлар орқали Луговая — Бишкек — Кемин — Балиқчи темир йўли ўтади (Чуй водийсидаги темир йўлининг узунлиги 186 км). Олмаота темир йўлининг бу тармоғи 1924 йида Кемингача етказилган, 1950 йилда эса Балиқчигача бўлган қисми фойдаланишга топширилган. Темир йўл транспорти орқали водий яқин, олис чет мамлакатларга — Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Россия, Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи, Кавказ, Шарқий Европа ўлкаларига бора олади.

Водийнинг иқтисодий алоқаларининг ривожланишида автомобил хўжалиги катта вазифани бажаради. Чуй водийсидан Талас, Ўш, Тошкент, Олмаота, Балиқчи, Норинга катта йўллар кетган. Айрим йўллар асосий автомобил трассаларидан Катта

Кемин водийсига, курорларга, конларга, дехқон хўжаликлари-нинг марказларига тармоқланиб кетади.

Бухоро газини етказиб берувчи Тошкент — Жамбул — Бишкек — Оламота газ қувури бор. Бишкек шаҳрига яқин, марказий «Манас» аэропорти Ўрта Осиёдаги энг йирик аэропортлардан бири бўлиб ҳисобланади. Мунтазам ҳаво йўллари Бишкекни Олмаота, Тошкент, Москва, Стамбул, Деҳли, Қоракўл, Норин, Жалолобод ва бошқа шаҳарлар билан боғлаб туради.

Тўқмоқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги механизациялаш ва электрлаштириш техникуми, медицина ва маданий оқартув техникумлари, Қораболгада озиқ-овқат саноат техникуми, медицина ўқув юртлиари ишлаб турибди. Водий районларида 350 кутубхона, 272 клуб ва маданий саройлар ишлайди. Ҳар бир йирик шаҳар маҳалларга, овулларга, қишлоқларга масжидлар солиноқда, 9 та район, 2 вилоят, 3 Бишкек шаҳар газеталари чиқарилади. Вилоятда 56 касалхона бор. Буларда аҳоли саломатлиги йўлида малакали врачлар хизмат қилишмоқда.

### Савол ва топшириқлар

1. Чуй вилоятининг географик ўрни, табиий бойликлари, ҳақида нималарни биласиз?

2. Қирғизистон Республикасининг саноат тиндаб чиқаришида Чуй вилоятининг аҳамиятини гапириб беринг. Чуй вилоятида қишлоқ хўжалигининг ихтисослаштирилиши қандай?

3. Чуй вилоятининг аҳолиси ва меҳнат ресурсларининг ўзига хос хусусияти нимада?

4. Чуй вилоятидаги Бишкек шаҳрининг Республикадаги аҳамияти қандай?

5. Чуй вилоятининг шаҳарлари, шаҳарчалари ва улардаги саноат корхоналари қайсылар?

6. Ёзувсиз харитага Чуй водийсининг саноат марказларини тушинг.

## 19.2. Шимолий-Ғарбий Қирғизистон (Талас вилояти)

Қирғизистон Республикасининг шимолий-ғарбий қисмидаги Талас водийсида Талас вилояти жойлашган. Майдоши ва иқтисодий қудрати бўйича бошқа вилоятлардан орқалда туради. Талас вилояти Республика майдоинининг 5,6% қисмини эгаллайди. Бу вилоятда Республика аҳолисининг 4,5%и яшайди.

Вилоят Республикада ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг 1%ини, ҳатто ундан ҳам камроғини ишлаб чиқаради. Бироқ шунга қарамасдан, Республиканинг бошқа иқтисодий районларидан фарқ қилиб, Талас вилоятининг табиий шароитида, аҳолисининг жойлашишида ва иқтисодиётида бир нечта ўзига хос хусусиятлари бор.

Талас вилояти 1944 — 1955 йилларда мавжуд бўлган, сўнг 1980 йилда қайтадан ташкил этилган. Умумий майдони 11,5 минг кв. км, 1994 йилдаги маълумот бўйича аҳолисининг сони 205,1 минг иши. Ривожланишининг хусусияти бўйича Талас вилояти — аграр индустриал ҳудуддир.

**Географик ўрни.** Талас вилояти Қирғизистоннинг энг чекка ғарбий қисмида, алоҳида ўринни эгаллаб туради. Унинг шимол-шарқий ҳудуди Қирғиз Олатови билан, жануби — Талас Олатови билан чегаралиб, биргина ғарби-Қозоғистон томони очиқ туради. Шимол, шимол-ғарбидан Қирғизистон, Жануби-ғарбидан Ўзбекистон ва Жалолобод вилояти, шарқдан Норин ва Чуй вилоятлари билан чегараланган. Талас водийсининг тоғлар билан ўралган доvonлари жуда баландда бўлганликларидан, Республиканинг ҳамма алоқалари водийнинг Қозоғистон томонидаги ғарбий қисми орқали юритилади.

Бишкек шаҳридан Талас водийсига бориш учун темир йўл, автомобил йўллари орқали Қирғиз Олатовини айланиб ўтиб, Қозоғистоннинг Жамбул шаҳрига бориш керак (230 км), ундан Талас водийсига автомобил йўли кетади.

**Табиий шароити.** Ер юзаси тоғли ва шу туфайли мураккаб рельеф шаклларига эга. Талас водийси Талас ва Қарқара дарёлари хавзасининг юқори оқимларини эгаллаб туради. Ғарбдан шарққа томон 230 км га чўзилган, энг кенг жойи 80 км. Водийни қуршаб турган Қирғиз ва Талас Олатовлар шарқда водий кенгайиб, умуман олганда учбурчакни эслатади. Водийнинг абсолют баландлиги 650 м дан 4500 м гача кўтарилади. Қирғиз Олатови шарқий қисмининг баландлиги 3000 м (водий ҳудудида), қирлари кенг, ғарб томонга борган сари пастлаб боради. Водий томонидаги ёнбағирлар тик даралар билан парчаланган. Қирғиз Олатовидан ғарбга томон Эчкили тоғи (баландлиги 2500 м гача) ажралиб чиқади. Уни Талас дарёси кесиб ўтиб, тор Чўн Қаңқа дарасини ҳосил қилади. Даранинг ғарб томонида Эчкили тоғининг давоми - Оқтош тоғи жойлашган. Талас Олатовининг (энг баланд чўққиси - 4482 м) ёнбағирлари тик дарали, жуда парчаланган, тоғ-тақларида кенг майдон-



## Талас вилоятида аҳолининг ўсиш динамикаси

Йиллар	Аҳоли сони млнг киши	Бундан		Аҳолининг умумий сонининг, % да		Ўртача зичлик
		Шаҳар	Қишлоқ	Шаҳар	Қишлоқ	
1925	110,6	-	11,6	-	100,0	9,6
1939	139,5	-	139,5	-	100,0	12,0
1959	137,7	21,5	116,5	15,6	84,4	11,9
1970	141,2	21,0	120,2	14,9	85,1	12,2
1980	167,9	24,1	143,8	14,4	85,6	14,4
1990	197,4	32,3	165,1	16,4	83,6	17,1
1991	198,6	32,8	165,8	16,5	83,5	17,3
1992	201,8	32,7	169,1	16,2	83,8	17,5
1993	203,9	32,5	170,5	16,0	84,0	17,6
1994	204,01	31,5	172,6	15,5	84,5	17,8
1996	206,6	31,2	175,4	15,1	84,9	18,0

лар ҳосил қилади. Пастқам текислик қисми шарқдан ғарбга 100 км масофага чўзилган. Бунда тоғ этакларидаги нураган тоғ жинслари, дарёнинг чап соҳилидаги текислик, Эчкили тоғига ёндош ётган Талас — Аҳси қия текислиги ва Таласнинг текисликдан иборат ёйилмаси жойлашган. Водийдаги экин майдонлари, қишлоқларнинг деярли ҳаммаси шу ерда ўрнашган.

Талас водийси турли хил қазилмаларга эга. Бироқ уларнинг кўпчилиги ишга туширилмаган. Водий ҳудудидаги конлардан Жеруй олтин кони билан Очиқтош олтингургут колчедони катта аҳамиятга эга. Улар геологик жиҳатдан жуда яхши ўрганилган. Саноат захираси бўйича бу конлардан олтин ва сульфат кислотасини ишлаб чиқариш имкони бор. Кўмирнинг унча катта бўлмаган захираси топилган. Вилоятнинг кўпчилик қисмида қурилиш материаллари конлари бор.

**Иқлим.** Водий текислигининг иқлими Чуй водийсининг иқлимига ўхшаб кетади. Умуман иқлими континентал, ёнғингарчилик оз. Текисликларда ёзи иссиқ, қурғоқчилик, қиши совуқ. Июлнинг ўртача ҳарорати 20 — 22 градус, январнинг ўртача ҳарорати -6 — 7 градус. Йиллик ўртача ёнғин миқдори ғарбда -200мм, шарқда-400 мм гача, совуқсиз кунларнинг сонининг 130 — 160 кунгача давом этади. Суғориш ишлари йўлга қўйилса, Талас водийсида ҳамма ғалла ўсимликларининг, кўпчилик техника ўсимликларининг, мевали дарахтларнинг, узум, сабзавотларнинг ва бошқаларнинг етиштириши мумкин.

Водийнинг тоғ ёнбағирларида вертикал зоналлик сезилади. Юқорига кўтарилган сари ённечарчилик миқдори кўпайиб, ҳарорат пасая бошлайди. Совуқсиз кунларнинг сони озаяди. Қия тоғ ёнбағирларнинг пастки қисмларида деҳқончилик қилса бўлади.

Вилоят дарёлари асосан Талас дарёси тизимига киради. Вилоятдаги Қарқара дарёси Аҳси дарёсига қуяди. Талас дарёси катталиги бўйича Қирғизистондаги учинчи дарё, узунлиги и 661 км. Қоракўл билан Уч Қўшўй дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлиб, Қозоғистоннинг Мўйин қумига сингиб кетади. Таласнинг Олатовдан оқиб тушадиган чап ирмоқлари Қалба, Бештош, Урмарал, Кумуштак, Бақайир, Қорабураларнинг суви кўп, ўнг ирмоқлари эса қисқа ва суви оз. Уларга Кенгкўл, Налди ва бошқалар киради. Улар қор ва музликлардан тўйинади ва сувидан водийни суғоришда кенг фойдаланилади. Талас дарёсининг Чон Қопқа ирмоғига Киров сув омбори қурилган. Унинг сув сифими 550 млн кубометр, майдони 30 кв. метр. Водийда табиий кўллар йўқ. Талас Олатовида музликлар учраб туради. Водийда ерости сувлари бор, улардан келажакда суғориш ишларида фойдаланилса бўлади.

Водийнинг тупроғи билан ўсимликлари ҳар хил. Талас водийсида энг тарқалган тупроқ тури – бўз тупроқ. Бу тупроқ тоғ ёнбағирларининг қуйи қисмлари (1500м баландликкача) эгалланган. Бўз тупроқ, айниқса, суғориладиган деҳқончилик жойларида мўл ҳосил беради. Қўрғоқчил дала, чала чўлда шувок-эфмерли ва шувок-бетағали (салов) ўсимликлар ўсади. Тоғ ёнбағирларида (1600 — 2500м) карбонатли қўнғир тупроқ ва тоғ ёнбағирларида тупроғи кўпчиликини ташкил қилади. Бу ерларни бетага-шувокли ёввойи галласимонлар, ҳар хил ўсимлик-шувокли қўрғоқчил дала эгаллайди. Баланд тоғ ўтлоқли минтақаси 2500 м дан юқорида жойлашган. Ҳар хил ўсимликлар ўсувчи ўтлоқларда арча, қарағай, пихта ўрмонзорлари учрайди. Гляциал-нивал минтақа 3400 — 3600 м баландликдан юқорида жойлашган, қоятош ва шағаллар орасида альп ўсимликлари ўсади. Талас дарёлари бўйларида (Кумуштоғдан Қоракўлгача) терак, тол ва бошқа кенг баргли дарахтлар ўсади. Ҳавзанинг асосий ўсимлик бойлиги яйловдир.

Водийни ўраб турган тоғларда ёввойи ҳайвонлардан силовсин, сувор, архар, тоғ такаси, кийик, ёввойи чўчқа, бўри, қашқулоқ, ҳар хил кемирувчилар, паррандалар, дарёларида балнқлар учрайди. Айрим ҳайвонларнинг овчилик аҳамияти бор. Талас водийсида, Талас шаҳрининг шимолӣ қисмида Талас

давлат комплекс кўриқхонасию, Қирғиз Олатовининг шимол-ий ёнбағрида Киров номидаги давлат зоология кўриқхонаси ташкил қилинган. Худуд табиат комплексини сақлашда уларнинг аҳамияти жуда катта.

**Аҳолиси.** Талас вилоятида 205 минг киши яшайди (194 йил). Аҳоли ўсишининг асосий манбаи — унинг табиий ўсиши ҳисобланади. Табиий ўсиш Республиканинг ўртача ўсишидан юқори (1994 йил). Ҳар 1000 кишига табиий ўсиш коэффициентини 25,8 кишинини ташкил этади. Механик ўсиш 1991 йилгача ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас эди, бироқ сўнгги йилларда руслар, немисларнинг кўчиб кетиш тенденцияси сезилмоқда. Вилоятда аҳолининг ўсиш динамикаси 30-жадвалдан кўриш мумкин.

Аҳоли сони сўнгги 30 йилда 40%дан ортиқ кўпаяди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 кв километрга 17,8 киши, бу кўрсаткич Республиканинг ўртача зичлигидан (22 киши) паст бўлган билан Иссиқкўл вилоятидан 2 ҳисса, Норин вилоятидан 3 марта юқори. Аҳоли вилоят ҳудудлари бўйича бир хилда жойлашган эмас. 30% аҳоли денгиз сатҳидан 1400 м гача баландликдаги ҳудудда жойлашган, айниқса Жамбул — Талас автомобил йўли бўйида аҳолининг зичлиги жуда юқори.

Вилоят аҳолиси кўп миллатли. Асосий қисмини маҳаллий қирғизлар ташкил этади. Талас водийсида қадим замонлардан бери чорвачилик касбини эгаллаган қирғизлар ўтrockлашган. Бу худудда XIII асргача деҳқончилик билан шуғулланган аҳоли яшаб, шаҳарлар бўлганлиги аниқланган. Мўғуллар босқинидан кейин, деҳқончилик касби йўқолиб, водий аҳолиси кўп йиллар давомида чорвачилик билан шуғулланиб қолншган.

XIX асрнинг биринчи ярмида қирғиз уруғлари Қўқон хонлигига тобе бўлиб қолади. XIX аср охирларида Талас водийсига руслар, украинлар, немислар, қозоқлар, тунгонлар кўчиб кела бошлаган.

Водийдаги аҳолининг 84%и қишлоқларда яшайди, шаҳарликлар ҳаммаси бўлиб 16% ни ташкил қилади. Республика бўйича эса қишлоқларда 62,2%, шаҳарларда — 37,8% аҳоли яшайди. Республикадаги вилоятлар орасида шаҳар аҳолининг энг ози Талас областидадир. Водийда-биринчи бўлиб шаҳар мақомини 1944 йилда Талас шаҳри олган. Аввал у Акчий, Дмитриевка номлари билан аталиб келган.

Ҳозир Талас шаҳри — вилоят маркази, кўпгина вазифаларни бажаради. У маъмурий марказгина эмас, саноат, мада-

ният маркази ҳамдир. Талас шаҳрида 32,0 мингга яқин киши яшайди.

Водийда Маймоқ шаҳарчаси бор. Унда яшайдиган аҳолининг сони минг кишига яқин. Шаҳарда темир йўл станцияси 1950 йилда қурилган. Бу ерда Бишкек тамаки ферментациялаш заводининг филиали бор. Вилоятдаги тўрт қишлоқ типидagi Бақайота (46 минг), Қорабура(44.ю5 минг), Манас (27,8минг), Талас (51,8минг киши)районларида 170 мингга яқин киши яшайди. Вилоятда 28 қишлоқ ҳокимияти бор. Овул-қишлоқ аҳолиси яшайдиган йирик қишлоқларга район марказлари Бақайота(7,8 минг киши), Қизиладир (11,5 минг), Покровка(7,3 минг киши) ва бошқа қишлоқлар киради.

Вилоятда аҳоли ёши бўйича қуйидагича тақсимланган: меҳнат ёшигача бўлганлар ҳамма аҳолининг 44,5% ини, меҳнат ёшидагилар – 46,6% ни, катта ёшдагилар –8,9%ини ташкил қилади ёки аҳолининг кўпчилиги (91,1%) ёшлар ва меҳнатга қобилиятлилардир. Вилоятдаги мавжуд меҳнат ресурсларидан рационал фодаланиш учун меҳнат кучини талаб қилувчи халқ хўжалиги тармоқларининг турини кўпайтириш керак (машинасозлик, енгил саноат, маиший хизмат, қишлоқ хўжалигида — техника ўсимликлари, мевачилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқаларни экиш мақсадга мувофиқ).

Иқтисодий географик нуқтан назаридан ўзгача жойлашган ўрни, иқтисодий жиҳатдан Республиканинг бошқа ҳудудларидан орқада туриши, унинг ижтимоий инфратузилмасининг ривожланиш даражасига таъсир кўрсатган.

Вилоятдаги 128 умумтаълим мактабларида 71 мингдан ортиқ ўқувчи ўқийди. 86 та мактабгача тарбия болалар борчаларида 86 минг бола тарбияланади. Вилоятда махсус ўрта билим юрти, 5 музика мактаби, 9 хунар-техника билим юрти ишлаб турибди.

Аҳолига маданий ва маърифий хизмат қилувчи 95 клуб, 155 кутубхона, 3 халқ театри, рассомлик-хунармадчилик музейи, 4 дам олиш истироҳат боғи, Манас гумбази, адабий-этнографик музей, ўнлаб мачитлар бор. Қирғиз тилида «Талас турмуши» газетаси ва Талас радиоси ишлайди. Манас эпосининг 1000 йиллик тўйи муносабати билан ноёб Манас комплекси қурилди.

Халқ таъбири йўналишида вилоятда 17 касалхона, 8 амбулатория, 74 фельдшер-акушерлик пунктлари, 1 тубдиспансер, 29 аптека, 7 санэпидемстанциялар бор. 1994 йилда ҳар мингкишига 30 врач (республикада 36.8 врач) 125 ҳамшира тўғри келган.

Вилоят 1994 йилдаги маълумотлар бўйича давлат кооператив савдоси бўйича, пассажир транспортининг хизмати, алоқа, маданият, туристик-экскурсия, санатория-курорт, медицина бўйича Республикадаги ўртача кўрсаткичдан орқада қолган.

**Халқ хўжалиги.** Талас вилояти Қирғизистон Республикаси халқ хўжалиги комплексининг кўзга кўринарли таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. У қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини етиштиришда муҳим ўрин тутди. Саноат тармоқлари бўйича, озиқ-овқат, енгил саноат, қурилиш материаллари корхоналари бор. Рангли металллардан олтин, химия саноатида сульфат кислотасини ишлаб чиқаришнинг келажаги катта. Ҳозирча вилоят саноат ишлаб чиқаришнинг кўрсаткичи Республика миқёсидан анча past. Вилоят қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари майин жунли қўй, гўшт сут йўналишидаги қорамолчилик, тамакичилик ва галлачилик ҳисобланади.

Саноатнинг ҳозирги вақтдаги асосий мақсади- қишлоқ хўжалиги хомашёларини қайта ишлаш ва аҳоли эҳтиёжини қондириш. Ҳозирча вилоятда қайта ишлаш саноати бор, бироқ маҳсулот чиқарувчи ва уни истеъмолчиларга жўнатиш тармоқлари ривожланган эмас. Миллий статистика қўмитасининг маълумоти бўйича вилоят саноат корхоналари 9 хил маҳсулот (гўшт, мол ёғи, сут маҳсулотлари, пишлоқ, алкогольсиз ичимликлар, пиво, ноёафзал, тайёр киймилар) ишлаб чиқаради. Вилоятда киши бошига Республикадаги ўртача кўрсаткичдан 7 — 8 марта оз саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Саноат ялпи маҳсулотининг 63,6% и қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлашдан олинади. Ишлаб чиқарилган саноат ялпи маҳсулотининг ҳажми бўйича ҳозир биринчи ўринда- озиқ-овқат, иккинчи ўринда- енгил саноат, учинчи ўринда эса қурилиш материалларини ишлаб чиқариш туради.

Озиқ-овқат саноатининг энг катта корхоналари: Талас шаҳридаги сут заводи, пишлоқ чиқарувчи заводлар, Қорабура районидаги ёғ заводи. Улар асосан пишлоқ, бринза, ёғ ишлаб чиқаради. Таласда, район қишлоқларида нон заводлари бор. Таласга пиво заводи ва гўшт комбинатлари қурилган. 1994 йилда вилоятнинг ушбу корхоналарида 6 минг т гўшт, 1 минг т дан ошнқ сариёғ, 5,7 минг т сут маҳсулотлари, 720т пишлоқ, 110 минг литр пиво ишлаб чиқарилган. Келажақда тамаки ферментациялаш заводи қурилиши керак.

Енгил саноат тармоғига кийим ва пойафзал ишлаб чиқариш киради. Талас шаҳридаги тикувчилик фабрикаси эркаклар ва болалар кийимларини, ишчилар қўлқопларини тикади. Таласдаги пойафзал фабрикаси йилига 1,1 — 1,2 млн жуфт пойафзал чиқаради. Вилоятнинг ҳамма тўрт буюртмалари бўйича кийим, пойафзал ва бошқа аҳолига керакли буюмларини ишлаб чиқаришади.

Талас ғишт заводи йилига 22 — 25 млн дона ғишт ишлаб чиқаради. Бу соҳанинг йирик корхоналарига Талас буйсозилик комбинати, саноат корхоналарининг Таласдаги филиали, Қорабура темир-бетон уюмлари корхонаси ва шағал сараловчи заводлар киради. Қайинди гранит конидан гранит қазиб олинади. Юқорида қайд этилган қуриш материаллари корхоналарининг ҳаммаси қайта қуришга кенгайтиришга мухтож.

Вилоят саноатининг ривожланиши қазилма бойликларининг ўзлаштиришига боғлиқ. Келажакда раиғли металлургия (олтин ва бошқалар), химия (сульфат кислотаси), ёқилғи саноати (кўмир ва бошқалар) ривожланади. ёқилғи энергетика комплекси саноат тармоғининг энг почор ривожланган соҳаси. Шунинг учун келажакда вилоят эҳтиёжини нефть, газ, кўмир билан таъминлаш асосий иқтисодий масаладир.

Ер, сув бойликлари, агроиклим шароити, яйловлар ва меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалигининг ривожланиши учун имконият яратиши керак. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғичорвачилик. Вилоятдаги чорва молларининг сони Республикадаги ҳамма чорва моллари сонига нисбаган 8,8% ни ташкил қилади. Бундан 12% қўй, 8% от ва чўчқа, 7% қорамоллар, 4% эчкига тўғри келади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланувчи ерларга нисбатан қўйларнинг зичлиги бўйича Республика кўрсаткичидан юқори. Ҳар бир қўйдан қирқиб олиналиган жуннинг салмоғи бўйича Республикада биринчи ўринда туради, шунингдек ҳар бир сигирдан сут соғиб олиш бўйича биргина Чуй вилоятидан орқада қолади.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи майин жунли қўйчилик. Бу соҳа 60% дан ортиқ даромад келтирган. Сабаби, қирғиз майин жули қўй зотининг яратилиш маркази Лушчихин (илгарги Жўнтепа) бўлган. Фақат майин жули қирғиз қўйларини боқишга Кўксой. Қайинди сингари хўжаликлар ихтисослашган. 1991 йилда вилоятда 871,4 минг бош қўй бўлган (1980 йилда 975,4 минг бўлган), ҳар бир қўйдан 3,30 кг дан жун қирқиб олишган (республика бўйича 3,10кг).

Чорвачиликнинг иккинчи тармоғи — гўшт-сут йўналишидаги қорамоллар ҳисобланади. Бу ерда Авлиёота зотидаги ситирлар боқилади. Қорамолларнинг сони 70 мингдан ошиқ, бундан 30 минги ситирлар. Ҳар бир ситирдан йилига 2500 — 2800 кг гача сут соғиб олинади.

Чорвачиликнинг учинчи тармоғи йилқичилик. Вилоятда ҳаммаси бўлиб 24 минг от бор. От зотларини яхшиловчи ва боқувчи 113-соли Талас йилқичилик заводи бор. Чорвачиликнинг кўшимча тармоғи чўчқачилик ва паррандачилик ҳисобланади. Кейинги йилларда асаларичилик хўжаликлари ихам ташкил этилмоқда.

Вилоят қишлоқ хўжалигида деҳқончилик асосий аҳамият касб этади. Деҳқончиликда фойдаланиладиган экин майдони 100 минг гектардан ошиқ, бунинг 90%и суғориладиган ерлар. Деҳқончиликнинг ихтисослашган ва сердаромад соҳаси тамакичилик бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда 2,5 — 3 минг га экин майдонига тамаки экилади. Қўл кучини кўп талаб қиладиган бу соҳа, энг сердаромад ҳисобланади. Тамакичиликни янада ривожлантиришнинг асосий муаммоси — унинг ҳосилдорлигини ошириб, қўл меҳнатини механизациялаштиришдир. Етиштирилган ҳосил ферментация завоидига ва Бишкекдаги тамаки фабрикасига жўнатилади.

Деҳқончиликдаги асосий ўринлардан бирини ғалла ўсимликлари эгаллайди. Ҳар йили 50% экин майдонларига ғалла ўсимликлари экилади. Бу соҳа деҳқончиликдан олинadиган ялпи маҳсулотнинг 30%ини ташкил қиладди. Ғалла ўсимликларининг ўртача ҳосилдорлиги 1991 йилгача юқорилаб келган. Масалан, 1970 йилда гектаридан 17,1 ц ғалла олинса, 1980 йилда — 22,5 ц, 1990 йилда — 27,9 ц, 1991 йилда 25,7 ц ғалла йиғиб олинган. Ғалла ўсимликларидан асосан буғдой, арпа, маккажўхори экилади. Маккажўхорининг гектар бошига тўғри келадиган ўртача ҳосилдорлиги 33 — 35 ц. Бу Республикадаги шртача ҳосилдорликдан (58 — 61ц) паст. Умуман, вилоят йилига 133 — 145 минг т ғалла етиштиради. Ғаллачиликнинг буидан кейинги ривожланиши, унинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобигагина бўлиши мумкин. Ғаллачиликнинг ривожлантиришнинг асосий йўли-сув билан таъминлаш, агротехникани илмий асосда қўллаб, минерал ўғитлардан ўсимликларнинг талабига яраша фойдаланишдир.

Вилоятнинг иқлим шароити чорвачилик учун зарур бўлган

озуқа ўсимликларни ўстиришга имкон беради. Озуқа ўсимликлари экин майдонининг 1/3 қисмини эгаллайди. Бироқ тайёрланган озуқа чорвачилик талабини тўлиқ қаноатлантирмайди. Бир йиллик, кўп йиллик озуқа ўсимликлари, илдииз мевали ўсимликлар экилади. Кундалик эҳтиёж учун керакли экинларнинг ҳаммаси экилади. Талас вилоятининг қуйи дехқончилик зоналарида узумчиликни, тоғ этакларида эса мевали боғларни барпо этиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш ҳам келажакта унча катта ўзгаришга олиб келмайди. Келажакда ҳам майин жуши қўй, тамаки, сут-гўшт йўналишидаги қорамоллар, ғаллачилик, сабзавотчилик, озуқа ва бошқа ўсимликларни экин сақлаб қолинади. Бироқ қишлоқ хўжалигининг янада ривожланиши унинг интенсивлигини оширишга боғлиқ. Бунга эришишнинг бирдан-бир йўли — дехқончилик ирригация ишларини йўлга қўйиш, минерал ўғитлардан фойдаланиш, механизациялаштириш, хусусийлаштириш ва бошқалар.

**Транспорти.** Талас вилоятида транспорт яхши ривожланган эмас. Транспортнинг асосий тури-автомобиль транспорти. Рельефи тоғли бўлганлиги сабабли темир йўл транспорти йўқ. Қорабура районининг Қозоғистон билан чегарадош ғарбий қисмидаги 17 км масофада Олмаота темир йўли ўтади. Бунда вилоятдаги ёлғизгина Маймоқ темир йўл станцияси қурилган. У водийдаги районларни транспорт хизмати билан таъминлайди. Темир йўл орқали ташилувчи юкнинг кўпчилиги Жамбул станцияси орқали жўнатилади. Жамбулдан район марказлари — Қорабура қишлоғигача—30 км, Талас шаҳригача—90 км, Бақайота қишлоғигача—65 км.

Талас вилоятида ташқи иқтисодий алоқалари, саноатнинг ночор ривожланиши, қазилма бойликларнинг ўзлаштирилмаганлиги ҳам мана шу темир йўл транспортига боғлиқ.

Вилоятда автомобиль транспортининг аҳамияти катта: ички, ташқи иқтисодий алоқалар, йўловчиларни ташинишда унинг ҳиссаси бекиёсдир. Йирик автомобил йўлларига Маймоқ — Аманбонв — Қорабура, Жамбул — Покровка — Қорабура — Талас, Жамбул — Қорабура — Талас шаҳарларини туташтирувчи йўллар киради. Айниқса, кейинги йўлнинг иқтисодий аҳамияти катта, у Сусамир водийсигача давом эттирилган (Бишкек — Ўш автомобиль йўлига қўшилади).

Автомобиль йўлларини қуриш ва уларни яхшилаш вилоятнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Кела-

жакда Жамбул — Қорабура — Талас — Сусамир (136 км), Қорабура — Янгибозор (30 км) йўллари бутунлай қайтадан қурилмаса, ташқарига юк ташиш ва ташқаридан юк олиб келишда катта қийинчилик пайдо бўлади. Бу йўлнинг қурилиши Талас шаҳридан юкни Ўш вилоятига ва темир йўлга чиқариш масофасини қисқартиради, натижада аҳоли учун енгиллик яратилади. Талас вилоятидан Олмаота темир йўлининг «Дуговая» станциясигача қисқа масофа билан мол ҳайдаш йўлини солиш керак, сабаби бу йўл мавжуд йўлни 200 км га қисқартиради.

Йўловчиларни ташишда ҳаво транспорти ҳам аҳамиятли. Талас шаҳри ҳаво йўли орқали Бишкек, Жалолобод, Тўқтағул, Янгибозор (Чотқол райони) билан боғланади.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Талас водийсининг географик ўрнига, табиий ресурсларига хўжаликни ташкил этиш нуқтан назаридан баҳо беринг.
2. Қишлоқ хўжалигининг ихтисосланган соҳалари қайсилар?
3. Талас ва Чуй вилоятларининг қишлоқ хўжалигидаги ўхшашлиги ва фарқи нимада?
4. Вилоятда саноатнинг ривожланиш даражаси қандай?

## **19.3. Жануби-Ғарбий Қирғизистон (Ўш, Жалолобод вилоятлари)**

**Географик ўрни.** Ўш ва Жалолобод вилоятлар Қирғизистоннинг жанубий қисмидан ўрин олган. Республиканинг бошқа районларидан баланд тоғлари орқали ажралиб турлади. Жануби-ғарбий иқтисодий район ғарб томондан Ўзбекистон, жануби-ғарбдан Тожикистон, жануби-шарқдан Хитой, шимолдан Талас, Чуй, шарқдан Норин областлари билан чегарадош. Майдони 79,9 минг кв километр, Республиканинг 39,9% худудини эгаллайди.

Қадим замонларда жануби-ғарбий Қирғизистон орқали буюк ипак йўлининг айрим тармоқлари ўтган. Ҳозир бу район Республика маркази Бишкек билан Тошкент орқали кетган темир йўл (1289 км) ва Сусамир орқали ўтган Ўш-Бишкек автомобиль йўли орқали боғланади. Хитой, Тожикистон, Покистон, Ҳиндистон сини ари мамлакалар билан боғловчи Ўш — Хорог, Ўш — Саритош — Эргаштом автомобиль йўлларининг аҳамияти жуда катта.



**Табий шароити, рельефи** хилма-хил ва мураккаб. Энг паст жой Лайлак районидаги Қулунди водийсидаги (394м), энг балаи жойи Катта Олой тизма тоғларидаги Ленин номли чўққи -7134 м. Жануби-ғарбда тизма тоғлар ва текисликлар кўшлаб учрайди. Тоғларнинг ҳаммаси Тяньшань, Помир-Олой ва Туркистон тоғ тизмаларига тааллуқли. Уларнинг тоғ этаклари Фарғона водийсига туташ ётган текисликлар, баланд-паст адирлар, тоғларнинг оралиқларида жойлашган текис водийдар деҳқончиликнинг ривожланиши учун жуда қулай.

Денгиз сатҳидан 500 — 1000 м баландликдан ўрин олган Қулунди, Туямўйин, Аравон, Қизилжар, Қораунгур водийлари ва Кўгартнинг қуйи ҳудудлари, шунингдек Ўш — Қорасув воҳаларининг ер юзаси текислик бўлиб, кўшлаб қишлоқ хўжалиги экинларини экиб ўстиришга қулай.

Атрофини тоғлар, адирлар ўраган Ифсана, Чорку — Лайлак, Боткен, Ҳайдаркон, Ўхна, Учқўрғон, Эскиновқат, Ўзган, Олабуқа, Каравон, Кетмонтепа сингари водийлар билан паст-баланд адирлар 800 — 800 м баландликдан ўрин олишган. Уларнинг ер юзалари текислик бўлиб, у ерларди бир қатор ўсимликларни ўстириш мумкин. Шунингдек, 2000 — 3000 м баландликда жойлашган Катта Олой, Чотқол водийларининг ер юзалари ҳам текис, бироқ вегетация даврининг қисқалиги туфайли, уларга дон экинлари билан чорва моллари учун озуқабоп ўсимликларгина экиш мумкин.

**Иқлими** континентал, ёзи иссиқ бўлиб, қиши айрим жойларда совуқ бўлади.

Баландлиги 500м дан 1000 м гача бўлган водийларнинг ва тоғ этакларининг иқлими чала чўл иқлими сингари қиши илиқ, намли. Январнинг ўртача ҳарорати -3 градус. Ёзи иссиқ ва қуруқ. Июлнинг ўртача ҳарорати 25 — 27 градус. Ёғингарчилик унча кўп эмас, йилига 150 — 200 мм ёғади. Вегетация даври 240 кунгача давом этади, +10 градус дан юқори бўлган фойдали йиғинди ҳарорат 4000 — 4500 градус. Мана шу омилларнинг ҳаммаси сувни кўпталаб қиладиган деҳқончилик билан мос келиб, иссиқ-севар, кеч пишувчи пахта, анжир, анор каби ўсимликларни ўстириш учун қулай имконият яратади.

Денгиз сатҳидан 1000 — 1800 м баландликдаги водийларнинг иқлими мўътадил, қиши, салқин, ёзи илиқ.

Денгиз сатҳидан 2000 — 3000 м баландликда иқлим мўтадил, қиши узоқ, бироз совуқроқ ва ёзи салқин. Тоғ этакларидаги адир-

лар билан тоғ водийларининг айрим жойларида дой экишлари, озуқа ўсимликларигина экилса, ундан ҳам юқори қисмларни банд тоғли яйловлар ташкил қилади.

Олой-Туркистон тоғларининг шимолий ёнбағирларида ёнғингарчилик оз бўлади, шунингдек Фарғона, Отўйноқ, Бабашота, Чотқол тоғларида ёнғингарчилик кўп бўлиб, лалмикор даҳқончилик учун шароит етарли.

Бу худуднинг музликлар Катта Олой тизма тоғидан (Корженевский, Ленин, Қурумду, Қизилагин), Туркистон тизма тоғидан (Оқсув, Зардали, Маяк ва бошқалар), Кичик Олойдан (Қизорт, Қарағай, Егоров ва бошқалар), Фарғона тоғ тизмасидан, Олойқудан ўрин олган. Улардан Сирдарё, Амударё, Қорадарё ҳавзаларидаги дарёлар ва уларнинг ирмоқлари бошланади.

Республиканинг бошқа иқтисодий районларига қараганда жануби-ғарбий Қирғизистон худудида, музликларнинг кўпчилиги ва ёнғингарчилик сероблиги сабабли, дарёларнинг сони ҳам кўп. Энг йирик дарёлардан Норин, Қизилсув, Оқбура, Кўксой, Косонсой, Қорадарё, Чотқол, Исфайрамсой, Сўх дарёлари бор. Буларнинг ўртача йиллик оқими 29,9 млрд куб ёки Республикадаги оқар сувларнинг 65,0%ини ташкил этади. Дарёлар музликлардан, қор-ёмғир ва булоқлардан тўйинади. Табиатнинг бундай инъомидан халқ хўжалигида тўғри фойдаланиш мақсадида Норин, Кўгарт, Аравонсой, Исфара, Қораунғур, Почтаота, Қуршоб, Қичиколой сингари дарёларга сув омборлари қурилган. Дарёлар ва улардаги гидроэнергетика ресурсларининг район иқтисодиётининг ривожлантиришдаги аҳамияти катта.

Иқтисодий район ер ости сувларига, минералли иссиқ булоқларга ва кўлларга бой. Аравон, Новқат, Ўзган-Қуршоб сингари жойларда ер ости сувларнинг захираси мўл. Улардан суғориш ишларида кенг фойдаланилади. Қорашўра, Жалолобод, Тошкўмир, Қизилқайрағоч, Мойлисуйдаги сингари кўлаб минерал сувлар ва ер остидан топилган булоқлар, Саричелак, Қулун, Қорасув, Кўкола кўллари рекреация хўжалигини ташкил қилишда катта аҳамиятга эга.

Район тупроқлари ва ўсимликлари турлича бўлиб, бандлик минтақалари бўйича ўзгаради. Ҳар бир минтақада ўсимликларнинг ёки тупроқнинг у ёки бу тури устулик қилади, шу хусусиятлари билан минтақалар бир-бирдан ажралиб туради. Денгиз сатҳидан 1500 м бандликкача бўз тупроқли чўл (500-800 м) ва чала чўллар (800 — 1500 м) эгаллайди. Бу минтақанинг кўпчи-

лик қисми қишлоқ хўжалигидаги маданий экин майдонларига айлантирилганлиги сабабли, табиий ўсимликларнинг кўпчилик турлари йўқ бўлиб кетган.

1000 — 2200 м гача бўлган минтақада ўтлоқли бўз тупроқ, оч тусли бўз тупроқ, қўнғир ва кулранг тупроқли қурғоқчил далалар жойлашган. Ўсимликлари: селин, юлғун, қора қандим, черкез, бетага, қизилча буталари, ҳандон писта, ёввойи бодом, ажриқбош, янтоқ, спиреялар ва бошқалар Туркистон тоғ тизмасида 1600 — 3500 м баландликгача чўл тарқалган. Келажакда бу ерлада боғдорчилик, узумчилик ривожланади. Шу минтақанинг (1200 — 1800 м) шарқий қисмидаги Фарғона, Чотқол тоғларининг нам тупроқли жанубий, ғарб ва жануби-ғарбида ёнғоқзорлар кенг тарқалиб, қора кулранг тупроқ устунлик қилади. Ўсимликларга бой. Кўпчилиги ёнғоқзорлар, айрим жойларида олма, олча, қайрағоч, бутасимонлар ўсади. Жумладан наъматак, бодом, анжир, тол, қайин ўсади. Ўрмон бойликларидан ўз ўрнида, эҳтиёткорлик билан фойдаланишнинг иқтисодий аҳамияти катта.

Қарағайзорлар 1600 — 1800 м баландликдаги Олой тоғ тизмасининг шарқида, Чотқол тоғида, Тор дарё ҳавзасида кўп учрайди. Арчазорлар Олой ва Туркистон тоғларида 3200м баландликгача тарқалган. Ўрмонли минтақа, субальп ўтлоғи (2500 — 3500м), альп ўтлоқлари (32000 — 3800м) баландлик бўйича бирин-кетин алмашинади.

Бу ҳудуди турли ҳил фойдали қазилмаларга бой. Улардан энг аҳамиятлиси ёқилғи ресурслари ва рангли металллардир. Ёқилғи бойлигининг асосини Ўзган тоқўмир ҳавзаси, Кўкёнғоқ, Тошкўмир, Судукта, Олмалиқ ва Қизилқия конлари ташкил этади. Фарғона водийсининг шимоли-шарқида Қўчқорота, Мойлисув, Чанғиртош, Избоскан нефть тизмаларида сурма, симоб, олтин, кўрғошин, нефелин, сиенитлар бор. Кетмонтепа водийсида тузнинг жуда катта захираси топилган. Қурилиш материалларидан мрамар, чинаоқтош, гипс, цемент, ёшиш, кулолчилик хомашёлари, қум, шағал, тош конлари жуда кўп. Табиат бойликларининг кўплари ҳозирги кунда ишлаб чиқаришга жалб қилинган ва ишлаб чиқариш кучларини рационал жойлаштиришда, уларнинг ўсиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Аҳолиси.** Жануби-Ғарбий Қирғизистонда қадим замонларда ҳам қирғизлар ва ўзбеклар ҳамда тожиклар яшаган. Бу жойларда аҳолининг ўтроқлашиши Республиканинг бошқа иқтисо-

дий районларига қараганда бирмунча эрта бошланган. Ҳозирги кунда Ўш, Ўзган шаҳарлари дунёдаги энг қадимги шаҳарлар қаторига кўшилади. Қирғизлар асосан чорвачилик билан шугулланганлар, деҳқончилик ва косибчилик билан яшаган ўзбек ва тожиклар ўтроқ ҳолда яшаганлар. Тилинг яқинлиги, дилининг борлиги уларда қиз олиш ва қиз беришда бир бирини ажратмаганлар. Натижада энг асосийси-қирғиз, ўзбек ва тожик халқларининг қон-қариндош бўлиб кетишган, шунингдек, рус, украин, татарлар бу томонларга XIX асрдан бошлаб кела бошлаган. Мана шу даврдан бошлаб район аҳолиси кўп миллатли. Кўпчилик аҳоли қирғизлар, ўзбеклар, қолганлари рус, украин, татар ва бошқа миллатларнинг вакиларидир.

Жануби-ғарбий Қирғизистон аҳолисининг сони бўйича Республикадаги энг катта ҳудуддир. Бу ерда 2295,5 минг киши яшайди (1996й) ёки Республикадаги аҳолининг 50,4%ини ташкил қилади. Ҳудуд аҳолисининг сони тез ўсмоқда. Масалан, 1926 — 1996 йиллар орасида аҳоли сони 448,3 минг кишидан 2295,5 минг кишига кўпайди ёки 5,7 марта ўсди. Аҳоли сонининг ўсиши, асосан табиий ўсиш ҳисобига бўлди. Ҳар минг киши ҳисобига, сўнгги 20 йилда йилига ўртача 25 — 30 кишидан ўсиш бўлган. Бу Республиканинг ўртача ўсишига солиштирганда 5 — 8 кишига кўплик қилади.

Кейинги йилларда шаҳар аҳолиси тез ўсиб бормоқда, 1926 йилда шаҳарликлар 11,5% бўлган бўлса, 1996 йилда 25,1% га етган. Тўғрисини айтганда, бу кўрсаткич Республика даражасидан 10% га кам. Ҳудудда қишлоқ аҳолисининг сони кўп. Сўнгги ўн йил ичида шаҳар аҳолиси Жалолобод вилоятида 2,7%, Ўш вилоятида 3,1% гача озайиб кетган.

Район ҳудудида 10 шаҳар, 15 шаҳарча, 168 овул-қишлоқ бор. Ўш вилоятининг маркази — Ўш шаҳри аҳолисининг сони, саноати ва маданий аҳамияти бўйича Республикада Бишкекдан кейинги иккинчи шаҳар бўлиб ҳисобланади. Кейинги ўрнини Республиканинг Жалолобод шаҳри эгаллайди. Бироқ у ўртача шаҳарлар турига киради. Ҳозир бу шаҳарда саноат корхоналари, олий ўқув юртлари бор. Қизилқия, Ўзган, Мойлисув, Тошкўмир ўртача шаҳарларга, Қорасув, Сулукта, Кўкёнғоқ, Қоракўл кичик шаҳарларга киради.

Районда аҳоли бир хилда жойлашган эмас. Аҳолининг кўпчилиги қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ривожланган жойларида, қолаверса Фарғона водийсининг текис жойларида яшайди. Аҳоли кўп яшайдиган жойларда унинг зичлиги 1 кв. км май-

донга 100 кишига етади. Шунингдек, Олой, Чотқол, Олойку сингари баланд тоғ водийларида 1 — 2 кишидан ошмайди. Худуд аҳолисининг ўртача зичлиги 1 кв км майдонга 27,4 киши тўғри келади. Бу эса Республиканинг ўртача кўрсаткичидан 4,9 кишига ортиқ демакдир.

Худудда меҳнат ресурслари етарли даражада. Бироқ, ҳозирги кунда ишсизлар сони кўпайиб бормоқда.

**Иқтисодийёти.** Худуд хўжалигининг тармоқларига рангли металлургия, ёқилғи саноати, сув энергетикаси, электротехника, снгил ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, фалла ва озуқа ўсимликлари, чорвачилик ва бошқа соҳалар киради.

Хўжаликнинг етакчи тармоғи саноат ишлаб чиқаришидир. Унинг қирқдан ортиқ тармоғи бор. Саноат маҳсулотининг 90%и маҳаллий фойдали қазилмалари, ёқилғи, гидроресурсларни ўзлаштиришдан, қишлоқ хўжалиги хомашёларини қайта ишлаш асосида тайёрланади. Республикада ишлаб чиқарилган симоб, сурма, нефть, газ, гранит, 90% га яқин кўмир, 95% гидроэнергия вилоят ҳиссасига тўғри келати.

**Энергетика комплекси** мазкур иқтисодий район ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда ва маҳсулот ишлаб чиқаришда қатта аҳамиятга эга. Комплекс тармоқларига ёқилғи ва электр энергетика саноати тармоқлари киради. Буларнинг ҳар бири табиий имконияти, шаклланиши, келажакдаги ривожланиши бўйича ўзига хос иқтисодий-географик хусусиятларига эга.

Ёқилғи саноати кўмир, нефть ва газ қазиб олиш тармоқларини ўз ичига олади. Бундай маҳсулотлар Қирғизистоннинггина эмас, Ўрта Осиё мамлакатлари иқтисодийнинг ривожланишига ҳам маълум миқдорда хизмат қилиб келган.

Кўмир саноати райондаги энг эски тармоқлардан бири бўлиб, кўмир қазиб олиш XIX асрнинг ўрталаридан бошланган. 1901 йилда 3000т кўмир қазиб олинган бўлса, 1940 йилда унинг миқдори 1466 минг т га етган. Бу кўрсаткич Ўрта Осиёда қазиб олинган кўмирнинг 87,5ини ташкил этган.

Ҳозирги кунда Тошкўмир, Кўкёнтоқдан тошкўмир, Сулукта, Қизил-Кия ва Олмалиқдан қўнғир кўмир қазиб олинади. Кўмир қазиб олиш 1985-1995 йиллар ичида 3508 минг тоннадан 388 минг тоннага ёки 9 баробар камайди. Кўмир қазиб олишнинг қисқа вақт ичида бундай тез озайиб кетишининг асосий сабаби, СССРнинг тарқалиб кетиши натижасида кўшимча марказлаш-

тирилган маблағларнинг келмай қолиши, конлардаги асбоб-ускуналарнинг эскириб қолиши билан боғлиқ. Кўмирнинг кўпчилиқ қисмидан рангли металлургия комбинатида, Ўш ва Фарғона шаҳарларидаги иссиқлик электр станцияларида, шунингдек саноатнинг бошқа соҳалари, коммунал хўжалиқларида кенг фойдаланилади.

Қирғизистондаги нефть ва газ саноати фақат Республиканинг жануби-ғарбий иқтисодий худудидангина жой олган. Кейинги йилларда нефть қазиб олиш анча озайиб кетди. 1985 — 1995 йиллар ичида 2,2 баробар ёки 190,0 минг тоннадан 88,5 минг тоннагача, газ 115,1 млн кубометрдан 35,7 млн кубометргача ёки 3,2 баробар камайди. Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун зарур бўлган ёқилғининг бундай кескин қисқариши, конларнинг тугаб бораётганлигига, айримларнинг табиий-иқтисодий шароити оғирлигига боғлиқ бўлмоқда. Ишлаб чиқарилган газ райондаги саноат корхоналарида, маиший корхоналарда ишлатилади. Нефть эса қайта ишлаш учун Ўзбекистонга жўнатилиб келинган. Ҳозир америкаликлар ёрдами билан Жалолободда нефтни қайта ишловчи кичик завод қурилмоқда.

Электр энергия саноати гидроэлектрэнергия ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчи корхоналарни ўз ичига олади. Бу ерда ёқилғи захирасининг ва гидроэнергия потенциалининг кўпчилигига қарамасдан кўп йиллардан бери энергетика корхоналари қурилган эмас. Бу худудда электр энергиясини ишлаб чиқариш, 1950йилдан бошланган. Ҳозир иқтисодий районда Учқўрғон, Тўқтағул, Қурупсой, Ташкўмир, Шомолдисой ГЭСлари ва Ўш иссиқлик электр станциялари ишламоқда. Гидроэлектростанцияларнинг ҳаммаси Норин дарёсига қурилган. Қувватининг умумий миқдори 2630 минг кВт. Ҳозирги кунда Қамбар ота ГЭСи қурилмоқда. Шу худуддаги Чотқол дарёсининг ҳам гидроэнергетика потенциали анча катта. Келажакда мана шу дарёга ҳам гидроэлектростанциянинг бир қанчаларини қуриш мумкин.

**Металлургия комплекси** жануби-ғарбий Қирғизистон саноатининг энг муҳим тармоғидир. Мазкур тармоққа Қадамжой сурма комбинати ва Ҳайдаркон симоб комбинати кирди. Улар комплекснинг асосий негизини ташкил этади. Бу ерда ишлаб чиқарилган сурма билан унинг аралашмаларининг жуда тоза ва сифатлилиги туфайли, уларни сотиб олувчи мамлакатлар сони тобора кўнайиб бормоқда. Қирғизистон сурмаси дунёнинг кўпчилиқ мамлакатларида, йирик кўرғазмаларда

сифати бўйича юқори ўринни эгаллаб олтин медаллар билан тақдирланиб келган.

**Машинасозлик комплекси** иқтисодий районнинг хўжалигида катта аҳамиятга эга. Мойлисуда электр лампа заводида электр токни ўтказмайдиған изоляторларни ишлаб чиқарувчи завод, Ўшда насос заводи, Тошкўмирда ярим ўтказгичлар заводи, Ўш ва Жалолобод шаҳарларида автомобиль ва қишлоқ хўжалиги машиналарини таъмирловчи заводлар жойлаштирилган.

**Қурилиш комплексининг** асосий моддий базасини қурилиш материаллари саноати ташкил қилади. Районда саноатнинг бу тармоғи 30 йилларгача яхши ривожланмаган, йирик корхоналар бўлган эмас. Кейинги давирда қурилиш материалларини ишлаб чиқриш бир мунча кенгайтирилди. Ҳозир Ўш, Жалолобод, Қизилқия, Қоракўл шаҳарларидаги, Шамолдисой шаҳарчасидаги қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар темир-бетон, ўтга чидамли буюмларни чиқариб мрамрни қурилишда ишлатишга тайёрлайди.

**Аграр саноат комплекси** райондаги йирик ва шу билан бирга мураккаб тармоқлараро комплекс бўлиб ҳисобланади, унинг асосини қишлоқ хўжалиги тармоғи ташкил этади. Ҳозир район Республикадаги қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 26,4%ини ўз ичига олиб, халқ хўжалигига керакли маҳсулотларнинг 41,0%ини етиштириб беради.

Жануби-ғарбий Қирғизистонда қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар майдони 3 млн гектардан ошиқ. Бунинг 80,7% табиий яйловлар, 14,3% экин экишга яроқли ерлар бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий районнинг қишлоқ хўжалиги тармоғи Республика халқ хўжалиги комплекси даражасида ривожланган. Асосан тамаки, пахта, беда уруғини етиштиришга, ипакчиликка ва майин жули кўйичликка иҳтисосланган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида боғдорчилик, ғаллачилик, узумчилик, сабзавотчилик, гўнг-сут йўналишидаги чорвачилик ҳам яхши йўлга кўйилган.

Деҳқончилик — районнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида энг асосий тармоқ. Ҳозир бу соҳа қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ярмидан кўпини беради. Деҳқончилик тоғ этакларида, Қорадарё, Норин, Қораунгур, Мойлисув, Кўгарт, Аравонсой, Оқбура сингари дарё бўйларида яхши ривожланган. Суғориш ишларини яхшилаш мақсадида Наймон, Бозоқўрғон, Учқўрғон, Тўктағул, Қурпсой, Попон, Тошкўмир, Тўртқўл сув омборлари қурилган.

Экин майдонларининг катталиги жиҳатидан иқтисодий район ҳудудда ғаллачилик устулик қилса, товар нархи, даромадлилиги бўйича пахта ва тамаки юқори туради. Пахта етиштириш тоғ этакларидаги минг метр баландликкага бўлган майдонларни ўз ичига олади. Улар Ноокен, Қорасув, Бозорқўрғон, Сузоқ, Аравон районларида жойлашган. 1995 йилда иқтисодий район бўйича 33,2 минг га ердан 74,5 минг тонна пахта териб олинди, ҳар гектаридан 22,4 ц ҳосил олишган. Келажақда пахта майдонларини кенгайтириш ҳосилдорлигини ошириш, қўл меҳнатини кўпайтириш борасида бир қатор ишлар бажарилиши лозим.

Иқтисодий районда тамаки 1899 йилдан экила бошлаган. Дастлаб у фақат нос учун ишлатилган. Бу даврда экин майдонлари жуда оз ва ҳосилдорлиги кам бўлган. Ҳозир тамаки Эскиновкат, Кетмонтепа, Боткен, Кўгарт водийларида, шунингдек, Ўзган, Қуршоб ботиқларида экилади. Район бўйича 18,6 минг гектар ерга тамаки экилади. Жами 49,0 минг тонна барг йиғиб олинган. Ўш вилоятида гектар бошига 28,5 ц, Жалолобод вилоятида 27 ц ҳосил олинган. (1993 й).

Ғалла иқтисодий район хўжалигининг асосий экинларидан ҳисобланади. Район бўйича Республиканинг 26,7% ғалласи етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик гектаридан 26,5 ц. Ҳудудда дон экинлари бир ҳилда жойлашган эмас. Тоғ этакларидаги водийларда бугдой, маккажўхори, арпа, дарё соҳилларида **шоли экилади**. Бу ерлардан 1993 йилда Республикада етиштирилган бугдойнинг 28,9% ва маккажўхорининг 57,6% йиғиб олинган.

Иқтисодий район Республиканинг 22,8% картошка, 34,8% сабзавот мевалари ва 36,8% полиз ўсимликларини беради. Картошканинг асосий қисми Эскиновкат, Ўзган, Қуршоб водийсининг 1200 — 1600 м баландликда ётган ерларида, сабзавот ва мевачилик, полиз ўсимликлари шаҳар ва шаҳарчалар атрофида экилади. Булар Республиканинг бошқа ҳудудларига қараганда эрта етилади.

Район ҳудудларидан Республиканинг 42,7% мевачиваси ва 65,5% узум йиғиб олинади. Районда олма, шафтоли, ўрик, олча ва узумнинг энг яхши навлари кенг тарқалган.

Чорвачилик иқтисодий районнинг энг сердаромад тармоқларидан бири бўлиб ҳисобланади. Хўжаликнинг асосини гўшт-сут йўналишидаги моллар ва майин жуили қўйлар ташкил қилади. Бу районга Республикадаги молларнинг 48,6%ни қўй ва эчки-

нинг 34,4%, отларнинг 41,1% тўғри келади. Эчкичилик Лайлак, Боткен, Ахси, Қадамжой районларида ривожланган.

Қорамолчилик иқтисодий аҳамияти бўйича районда қўй хўжалигидан кейинги ўринда туради. Иқтисодий район шароитида соғин сигирнинг аҳамияти катта. Бироқ, районда ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут жами Республикадаги 100 кг оз. Катта Олой, Қаракулжа ва Қадамжой районларининг баланд тоғлик ҳудудларида қўтослар боқилади.

Отлар гўшт, қимизгина бериб қолмасдан, ҳозирги иқтисодий шароитда улардан улов қатори ҳам фойдаланилмоқда. Районнинг ёнғоқзорларида, Ўзган, Қуршоб, Тўқтағул, Кўгарт ва Чоткол водийларида асаларичилик хўжаликлари яхши ривожланган.

Маҳаллий аҳолига қарашли ва чорвачилик хўжалигидан ташиб келтирилган хомашёлар базасидан озиқ-овқат ва енгил саноат, тармоқлараро комплекслар ривожланган.

**Пахта саноати** комплекси 1980 йилгача жуда яхши ривожланиб келди. Экин майдонлари 76,3 минг гектарга етиб, ҳосилдорлиги гектарига 27,1 ц, ялпи ҳосили 206 минг т га етган. Ўш, Қорасув, Жалолобод, Араванда пахта тозаловчи заводлар ишлаб турган. Пахта чигитидан ёғ чиқарувчи ёғ-экстракцион завод Қорасувда жойлашган. Ўш шаҳрида пахта толасидан газлама тўқувчи комбинат қурилган. Кейинчалик пахта экиладиган майдонлар 29,3 минг гектаргача қисқартирилди. Ҳосилдорлиги 24,4 ц гача камайиб, ялпи 49,2 минг тоннани ташкил этиб қолди. Натижада пахта тозаловчи заводлар тўхтади. Қорасувдаги ёғ-экстракцион завод, Ўшдаги пахтадан газлама тўқувчи комбинатлар ярим қувватда ишлаб турибди. Уларни хомашё билан таъминлаш учун пахта экиладиган майдонларни 30 — 35 минг гектарга, ҳосилдорликни 28-30 ц гача, ялпи ҳосилни 100 минг тоннага етказиш мақсадга мувофиқдир.

**Ипакчилик** аграр саноат комплексининг асосий негизи бўлган тут дарахтининг майдонлари Фарғона водийсига туташ жойлашган текисликларда кенгайтирилди, улар баргининг биомассаси кўпайиб қолди. 1927 йилда Ўш шаҳрида ипак қурти уруғини етиштирувчи завод қурилди, кейинчалик у йирик ипак комбинати айлантирилиб йилига 10 млн м ипак газламаларни тўқиб чиқаришга эришилди. Ҳозирги кунда хомашё камлиги натижада қуввати жуда камайиб кетган.

Ташқаридан ташиб келинган тери-хром ва бошқа хомашё-

лар асосида Қизилқия, Жалолобод шаҳарларида пойафзал фабрикалари ишламоқда.

**Озиқ-овқат саноати** асосини ташкил этган гўшт, сут, мева-чева, узум, галла аграр-саноат комплекслари бор.

Маҳаллий ва ташқаридан ташиб келинган буғдой, маккаж-ўхори, арпа ва бошқа донлар базасида, галла аграр саноат комплекси ривожланиб, Қорасув, Жалолобод, Ўш, Қизилқия шаҳарларида ун, крупа тортувчи тегирмонлар ва аралаш озуқалар тайёрлаш заводлар жойлаштирилган. Худуднинг йирик, ўрта ва кичик корхоналарида, маъмурий район марказларида нон заводлари ишламоқда. Овул-қишлоқларда нонвойхоналар бор.

Мева-боғдорчилик ва сабзавотчилик аграр саноат комплексининг консервлалаш корхоналари Ўш, Жалолобод шаҳарларидан ўрин олган. Уларнинг хомашё базалари Қорасув, Ўзган, Новқат, Сўзоқ, Қадамжой районларининг хўжаликларида етиштирилади.

Худудда етиштирилган гўшт хомашёси базасида Ўш, Қизилқия, Сулукта, Жалолобод, Тошкўмир, Мойлисув гўшт комбинатлари ишламоқда. Улар йилига 27,7 минг т гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Бироқ, улар ҳам ҳозирги кунда тўлиқ қувватда ишлаб олишмаяпти.

Маҳаллий сут хомашёси базасида, Ўш, Жалолобод, Ўзган сут комбинатлари, Қизилқия, Боткен, Сулукта, Қадамжой, Қўчқорота, Ахси ва бошқа сут заводлари қурилган. Илгари улар кўплаб турдаги сут маҳсулотларини ишлаб чиқарган. Ўзгандаги завод сут унини чиқариб турган. Ҳозирги кунда хомашё камлигидан улар ҳам тўла қувват билан ишламайди.

Республикада тайёрланган тамаки баргининг 90%ини жануби-ғарбий иқтисодий район беради. Унинг асосида Қизилқия, Жалолобод, Тошкўмир шаҳарларида, Янгинариқ қишлоғида тамаки ферментациялаш заводлари қурилди. Бироқ, шу кунгача, сигарета ишлаб чиқарувчи бирорта ҳам фабрика қурилмаган. Келажакда бундай фабрикаи Қизилқия шаҳрига қуриш лойиҳалаштирилган.

Келажакда, маҳаллий хомашёлар базасида, жун, тери, мўйна, пойафзал саноати корхоналарининг ривожланиши учун имкониятлар бор.

Қирғизистоннинг жануби-ғарбий худуди, рекреация комплексини ривожлантириш бўйича, Республикадаги келажак порлоқ районларнинг бири. Бу ерда дунёдаги энг катта табиий ёнғоқзор ўрмонлар, Чотқол, Саричелак, Абширсой, Чилустун, Қирғизота, Оқбура сингари табиати гўзал жойлар бор. Ленин

номидаги баланд чўққи ҳам шу ерда, тарихий архитектура ёд-горликлари ҳам кўйлаб топилади.

Келажакда Республиканинг жанубида рекреация комплекси корхоналарига тегишли ўришлар сони 40 мингдан ошади. Уларнинг кўпчилигини санаторийлар, спорт, дам олиш ва туристик жойлар эгаллайди. Улар йил бўйи ишлаш учун ихтисослаштирилади. Рекреация корхоналарининг кўпчилиги кичик бўлиб, уларни тоғ ораллигидаги водийларда, ўрмонларда, минерал булоқларнинг ва шарқираб оққан сувларнинг, зилол булоқларнинг бўйла-рида жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ келади.

**Транспорт.** Иқтисодий районда транспорт комплекси рес-публиканинг бошқа ҳудудларига қараганда анча яхши ривож-ланган. 1916 йилда Қорасув-Жалолобод темир йўли қурил-ган. Кейинчалик 1928 — 1935 йилларда Қувасой, Қизилқия, Қорасув, Ўш, Жалолобод, Кўкёнеғоқ, Учқўрғон, Тошқўмир те-мир йўл шохобчалари қурилган. Район бўйича темир йўлнинг умумий узунлиги 170 км. Бироқ юкни, йўловчиларни ташқари-га ташиб ва ташқаридан олиб келиш бўйича темир йўлнинг иқтисодий аҳамияти катта.

Иқтисодий районнинг тоғли рельефи шароити автомобилё йўлларининг аҳамияти жуда катта. Район ичида юк ва йўловчи-лар асосан автомобилларда ташилади. Энг асосийларига Биш-кек — Жалолобод — Ўш, Ўш — Сулукта, Ўш — Хороғ, Ўш — Эргаштом йўллари киради. Аҳоли зич жойлашган, халқ хўжа-лиги тармоқлари дуруст ривожланган жойларда Ўш — Жалоло-бод, Ўш-Қорасув ва Ўш-Ўзган йўлларида юк ва йўловчилар анча сероб. Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 8934 км, бун-дан 60,4% асфальт ётқизилган ва тон йўллардир. Ҳаво йўллари яхши йўлга қўйилган. Газ ва нефть қуворлари ишлаб турибди.

**Иқтисодий райончалари.** Жануби-ғарбий Қирғизистон ҳудуди табиий шароити, бойликлари, иқтисодий потенциал бўйича Ўш, Жалолобод, Қадамжой — Хайдаркон, Қуйи Норин иқтисодий райончаларига бўлинади.

Ўш — Жалолобод иқтисодий райончаси районнинг иқти-содий жиҳатдан энг яхши ривожланган қисми ҳисобланади. Унинг сабаби райончанинг иқтисодий-географик ҳолати, қулай табиий шароити, ижтимоий ва тарихий омиллари билан тушун-тирилади. Халқ хўжалигининг асосий қисмини озиқ-овқат сано-ати, машинасозлик, қурилиш материаллари саноати, пахта ва тамакичилик, чорвачилик эгаллайди. Район ҳудудида ҳозирги кунда Республикадаги ҳамма матолар, пахта, пахтадан тўқил-

ган газламалар, ўсимлик мойлари ишлаб чиқарилади. Халқ хўжалиги соҳаларининг кўпчилиги маҳаллий табиий бойликлар ва қишлоқ хўжалиги хомашёлари базасида ишлайди. Келажакда Ўрта Осиё энг йирик — Ўзган, тошкўмир ҳавзасининг ўзлаштириш бошланади.

Бу райончада Ўш ва Жалолобод, шунингдек, Кўкёнғоқ, Ўзган ва Қорасув шаҳарлари жойлашган. Булар орасида энг катта ва кўзга ташланарлиси Ўш шаҳридир.

Ўш шаҳри Оқбура дарёсининг бўйида, денгиз сатҳидан 900 — 1100м баландликда жойлашган. Ўш шаҳри дунёдаги энг қадимий шаҳарлардан биридир. Археологик излашлар буни тасдиқлайди. Эрамиздан аввалги I асрга тегишли бўлган турли тақинчоқлар, уй-рўзғор буюмлари бунга далил бўла олади. Шаҳар аҳолиси 220,2 минг киши. Кўпчилигини ўзбек, қирғиз, руслар ташкил қилади.

Ўш шаҳрида энгил ва озиқ-овқат саноати яхши ривожланган. У шаҳарда Тўқимачилик комбинати, ипак комбинати, мебелсозлик, маиший хизмат комбинати, ароқ-ликёр, нон, суг заводлари жойлашган. Шунингдек, насос, авторемонт заводлари ва иссиқлик электр станциялари бор. Шаҳарда Қирғизистон миллий фанлар Академиясининг жанубий ҳудудий бўлими, Ўш давлат дорифунуни, Ўш технология дорифунуни, Қирғиз-Ўзбек дорифунуни, Олий педагогика коллежди ва бир қанча техши-кумлар, Қирғиз драма театри, Ўзбек мусиқали драма театри, ўлкашунослик музейи Филармония, битта музика мактаби ўрта махсус мусиқа ўқув юрти, Г. Айтиев номли расомчилик мактаби мавжуд.

Қадамжой-Хайдаркон райончаси иқтисодий районнинг жануби-ғарбий қисмидан ўрин олган. Табиий шароити бир муңча яхши, қазилма бойликларга бой. Иқтисодиётининг ўзагини Қадамжой сурма комбинати билан Хайдаркон симоб комбинати ташкил қилади. Булар симоб ва сурма ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги йирик корхоналар таркибига киради.

Келажакда район иқтисодиётининг асосини сурма, симоб, ишлаб чиқариш, кўмир қазини (Қизилқия, Сулукта), тамаки баргини тайёрлаш, мрамар плиталар ясаш, қувурлар тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳар хил турларини етиштириш ташкил этади. Келажакда ишга туширилиши керак бўлган кон бойликлари жуда кўп. Булардан, Олой тоғида жойлашган нефелит сиенитини ишлатиш халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга.

**Қуйи Норин райончаси** иқтисодий районининг шимол-ғарбида жойлашган. Бунга Тўқтағул, Чотқол, Олабуқа, Бозорқўрғон, Ахси, Ноокен районлари, Тошкўмир, Мойлисув, Қоракўл шаҳарлари ва шаҳарчалари киради.

Районча ҳудуди табиий бойликларга бой. Айниқса, гидро-энергия ресурси, рангли металл, кўмир, мрамор, гранит конлари, қурилиш материалларининг хомашёси сероб, нефть билан газ захираси бор. Дунёдаги энг йирик табиий ёнғоқзорлар ҳам шу ерда жойлашган. Меҳант ресурслари етарли. Шундай кўп табиий ишлаб чиқариш комплекси ташкил этилмоқда. Бунинг асосини ёқилғи энергетикаси, агро саноат тармоқлараро комплекслари, тоғ-кон саноати ва машинасозлик ташкил қилади.

Комплексининг ривожланиши учун аввало табиий бойликлар ишга туширилиши, Тўқтағул, Учқўрғон, Қурпсой, Тошкўмир, Шомолдисой, Қамбарота гидроэлектр станциялари қурилиши катта аҳамиятга эга.

Чотқол тизма тоғларида турли фойдали қазилмалар бор. Ҳозир Қуру, Тегерек, Тераксой, Бозусчак сингари рангли металл конлари ишга туширилиш арафасида турибди. Масалан, Тераксой конининг ўзидагина сурма, олтин, кумуш, қўрғошинларни олин мумкин. Шунингдек, Тўқтағул водийсидаги, Республикада энг йирик ҳисобланган Кетмонтёпа туз конини ўзлаштиришнинг ўзи Қирғизистонни кўп йиллар давомида туз билан таъминлайди.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Жануби-Ғарбининг табиий шаронти ва табиий бойликларини тавсифланг.
2. Ёзувсиз картага маъмурий районлари, шаҳарлари ва шаҳарчаларини тушириг.
3. Райондаги тармоқлараро саноат комплексларини тушунтириб беринг.
4. Аграр саноат комплексининг ривожлантириш хусусияти қандай?
5. Карта ёрдамида район автомобиль ва темир йўлларини кўрсатинг, уларнинг аҳамияти тўғрисида сўзлаб беринг.

## 19. 4. Боткен вилояти

Боткен вилояти 1999 йил октябрь ойида ташкил топган. Маркази Боткен шаҳри. Вилоят таркибига Боткен, Қадамжой ва Лайлак туманлари, шунингдек Қизилқия, Сулукта шаҳарлари киради. Майdonи 16,9 минг кв км. Аҳолиси 385,5 минг киши. Боткен вилояти Ўш шаҳридан 230 км ғарб томонда Фарғона водийсининг каттагина қисмидан, Туркистон ва Олой тоғ этакларида жойлашган.

Вилоятнинг асосий ирригацион тармоқлари Исфайрам-сой, Шохимардон, Оқсув, Сўх, Исфара, Қорасув ва Лайлак дарёлари ҳисобланади. У Ўзбекистон ва Тожикистон республикалари билан чегарадош.

Иқлими континентал, ёзи иссиқ бўлиб, қиши айрим жойларда совуқ бўлади. Вилоятнинг водий қисмида ва тоғ этакларида июль ойининг ўртача ҳарорати +27 градус, январь ойида эса -3градус бўлиб туради. Ёғингарчилик унча кўп эмас. Водий қисмида йилига 200 — 500мм ёғинларни ташкил қилади. Вегетация даври 150 — 175 кунгача давом этади, +10 градус дан юқори бўлган фойдали йилги ҳарорати 4000 — 45000градус. Мана шу омилларнинг ҳаммаси суғориладиган деҳқончилик билан мос келиб, пахта, тамаки, сабзавот, узумчилик ва ўрик каби ўсимликларни ўстириш учун қулай имконият яратади. Боткен вилояти ўзининг қанддақ ўриги билан дунёга донни кетган. Олой-Туркистон тоғларининг шимолий ёнбағирларида ёғингарчилик оз бўлади, шунинг учун вилоятнинг бу қисмида эчкилик, хўжалиги яхши ривожланган.

Боткен вилояти ер ости қазилма бойликларига жуда бой ўлка. Нефть, газ, олтин, сурма, кўмир, симоб ва бошқа қазилма бойликларнинг захиралари бир неча миллионга яқин тонна ташкил қилади. Вилоятда ҳозирги кунда сурма, симоб ишлаб чиқариш ва кўмир қазиб олиш яхши йўлга қўйилган.

Вилоятнинг инвестицион имкониятини қуйидагича ишотлаш мумкин: олтиннинг захираси 150 тоннадан ошиқ, Қадамжой сурма комбинати йилига 10 минг тонна сурма ва бир тоннагача олтин ишлаб чиқариш имкониятига эга. Бундан ташқари ишлаб чиқариш корхоналарини кенгайтириш ҳисобига йилига 10 минг тонна узум шарбати, 3,5 минг тонна тамаки, 150 тонна пилла, 80 тонна эчки мومиги, 500 тонна эчки жушини, 24,5 минг тонна гўшт, 80,5 минг тонна сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш мумкин.

**Боткен вилоятида аҳолининг ўсиш динамикаси  
минг киши ҳисобида)**

Йиллар	Жами аҳолининг сони	Булардан		Аҳоли сони % ҳисобида	
		Шаҳар	Қишлоқ	Шаҳар	Қишлоқ
1989	316,7	81,6	235,0	25,7	74,2
1990	321,7	82,3	239,4	25,6	74,4
1991	329,8	82,9	246,9	25,1	74,8
1992	339,2	84,0	255,2	27,7	75,2
1993	345,7	82,8	262,9	23,9	76,0
1994	346,9	76,6	270,3	22,1	77,9
1995	351,7	74,8	276,9	21,3	78,7
1996	359,7	74,3	285,4	20,6	79,3
1997	366,9	73,8	293,1	20,1	79,8
1998	374,0	73,4	300,6	20,0	80,3
1999	380,6	73,2	307,4	19,2	80,8
2000	387,8	73,6	314,2	18,9	81,0
2001	393,1	85,8	307,3	21,8	78,1
2002	398,9	103,6	295,3	25,9	74,0

Боткен вилояти ташкил топиши билан Боткен шаҳрининг мавқеи ва инвестицион имконияти янада юксалди. Чунки Боткен шаҳри вилоят марказига айланди ва ундаги ишлаб чиқариш корхоналари кенгайтирилди ва янгилари барпо этилди. Боткен шаҳри ўзининг топографик манзараси ва рельеф кўрсаткичлари бўйича янги кўп қаватли биноларни қуриш талабига тўлиқ жавоб беради. Бу шаҳарда бир-бири билан тутшиб кетган канадизация системалар мавжуд. Санитария тозалаш шохобчалари, ёмғир-сел сувини қабул қилиш шохобчалари ва бошқалар. Шаҳар халқи артезиан булоқнинг суви билан таъминланади.

Инвестиция — фойда олиш мақсадида хўжаликнинг барча тармоқларига ажратилган моддий мол-мулк, қимматбаҳо қоғозлар, пул ва бошқа маблағлар кирди.

**Аҳолиси.** Вилоятда қадим замонларда ҳам қирғизлар, ўзбеклар ва тожиклар яшаган. Бу жойларда аҳолининг ўтrockлашиши Республиканинг бошқа иқтисодий районларига қараганда бирмунча эрта бошланган.

Аҳолининг сони 2000йил 1 январига қадар 385,5 минг киши ҳисобланади. Бундан: меҳнатга лаёқатлилар 187,3 минг киши, иқтисодий актив –124,64, иқтисодий барча тармоқларида қатнашувчилар 115,9минг кишини ташкил қилади. Вилоятда 60 дан ортиқ миллатлар элатлар ва этник гуруҳлар яшайди. Булардан:

қирғизлар — 284,1 минг киши ёки 73,69%

ўзбеклар — 35,1 минг киши ёки 14,29%

тожиклар — 28,5 минг киши ёки 6,87%

руслар — 8,3 минг киши 2,15%

татарлар — 3,9 минг киши ёки 1,01%

украинлар — 0,5 минг киши ёки 0,13%

қозоқлар — 0,3 минг киши ёки 0,07%

бошқа этник гуруҳлар — 6,8 минг киши ёки 1,79%

Шаҳарликлар — 75,2 минг кишини ташкил этади, қишлоқ ва овулларда эса 310,3 минг киши яшайди. Вилоят аҳолиси ёши ва жинси бўйича қуйидагича:

Эркаклар — 192946 киши

Аёллар — 192517 киши, булардан

16 ёшгачалар — 181133 киши

16дан 55 ёшгача бўлган аёллар — 93467 киши

16дан 60 ёшгача бўлган эркаклар — 96416 киши

55 ёшдан ўтган аёллар — 17222 киши

60 ёшдан ўтган эркаклар — 11222 киши

Ишсизлар сони 2000 йилнинг 1 январи ҳисоби бўйича 6969 киши. Бундан 4362 махсус ишсиз мақомига эга бўлгандар ҳисобланади. Умумий аҳолининг 3,7%и ташкил қилади.

**Халқ хўжалиги** Боткен вилоятида ишлаб чиқариш тармоқларидаги хусусий мулк эгаларининг сони 2000 йилнинг 1 январиди 7599 бирликни ташкил қилган бўлса, бу рақам 1999 йил 1 январга солиштирганда 969 га ёки 14,6 фоизга кўпайган.

Хусусий мулкчилик қишлоқ хўжалигида 3157 (51,5%), савдо ва умумий овқатланишда — 2844 (37,4%), ишлаб чиқаришда — 533 (7%), транспорт ва алоқада — 301 (4,1%) рақамни ташкил қилади.

Давлат ҳисобидаги ишлаб чиқариш мулки 2,2 фоизни тўзса, хусусий мулкчилик эса 95,8 фоизга баробар.

Вилоятда 1990 йил ҳисобига ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича 92,6% маҳсулот тайёрланган. Бундан: кўмир — 90,5 минг тонна (78,0), симоб — 629,1 т (99,9%), сурма бирикмалари — 1320,0 т (101,7%), ферментацияланган тамаки — 16993,9 т (90,0%), узум ва мева шарбатлари — 44,6 минг т (93,0%). Ишлаб чиқариш унумдорлигининг паслаб кетишига асосий сабаб маҳсулотнинг етишсизлиги ва асбоб ускуналарни камлиги бўлиб ҳисобланади.

Республикада ишлаб чиқарилган симоб, сурманинг кўпчилиги қисмини Хайдаркон ва Қадамжой комбинатлари, нефть, газни Арка ва Бурганди массивлари беради.

Хуллас, вилоят хўжалигининг асосий тармоқларига тоғ кон саноати, кўмир ишлаб чиқариш саноати, нефть газ саноати,

электр энергия, енгил ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, ғалла ва озуқа ўсимликлари, чорвачилик ва бошқа соҳалар киради.

Саноатнинг ҳозирги вақтдаги асосий мақсади қишлоқ хўжалиги хомашёларини қайта ишлаш ва аҳоли эҳтиёжини қондириш, камбағалликни камайтириш ва қишлоқ экономикасини юксалтириш.

Ҳозирги вақтда вилоятнинг 90 фоиздан ортиқроқ аҳолиси қишлоқларда яшайди. Шунинг учун, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш муҳим стратегик аҳамиятга эга. 1999 йилда вилоят бўйича 27376 т гўшт, 85908 т сут, 1046 т жун, 16386 дона тухум етиштирилган. Келажакда ғалла, пахта, тамаки, ёғ-мой берувчи ўсимликларни, сабзавот ўсимликларини, картошка етиштиришни яхши йўлга қўйилса ва уларнинг ҳосилдорлигини ўртача Республика миқёси даражасига кўтарган тақдирда вилоят кўпроқ даромадга эга бўлади. Бунинг учун қишлоқ хўжалигини янада такомиллаштириш учун деҳқончилик, ирригация ишларини йўлга қўйиш, минерал ўғитларидан фойдаланиш, механизациялантириш ва чет мамлакатларининг инвестицион кредит сармояларидан субсидия (ёрдам) ларидан фойдаланиш керак. Шундай қилинган тақдирда қишлоқ ишлаб чиқариш ускуналари, замонавий қайта ишловчи технологиялар, янги серҳосил уруғ навлари сотиб олинади ва қишлоқ хўжалиги интенсив ривожланиш йўлига тушади.

**Енгил саноат:** кийим ва пойафзал ишлаб чиқариш. Қизилқия шаҳридаги «Динамо» ва Қадамжойдаги тикувчилик фабрикаларида эркаклар ва болалар кийимлари тикилади. Вилоятнинг ҳамма районларида уй-рўзғор комбинатлари ишлайди. Улар аҳоли буюртмалари бўйича кийим, пойафзал ва бошқа аҳоли учун керакли буюмларни ишлаб чиқаришади.

**Транспорт ва коммуникация хизмати.** Боткен шаҳрида 50 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Ҳозирги кунда бу аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш муҳим масала бўлиб турибди. Бунинг учун 105 млн сўм ҳаражатни талаб қилувчи «Қоракўл-Боткен» водопровод қувурини қуриш керак.

Вилоятда автомобил транспортининг аҳамияти жуда катта: ички, иқтисодий алоқаларда, йўловчиларни ташинида унинг ҳиссаси беқиёсдир.

Йирик автомобиль йўлларига Боткен — Ўш, Қизилқия-Қадамжой — Боткен — Исфана шаҳарларини туташтирувчи йўллар киради.

Вилоятнинг муҳим масалаларидан бири бўлиб, «Қизилқия — Қадамжой — Боткен — Исфана» автомобиль йўлларини қуриб битириш ҳисобланади. Бу масалани чет мамлакатлар инвестицияларидан фойдаланиб тез битказилса, Боткен вилоятининг инфраструктураси жадал сурьатлар билан ўзгариб кетади.

Боткен вилоятининг геополитик ҳолатига ва автомобил йўлларининг қийинлигига қараб вилоятда тез муддатда «Боткен ҳаво йўллари» бирлашмаси тузилиб, Боткен, Қизилқия, Исфана аэропортларининг ҳисобига ўтказиб берилса, аэропортларнинг авиацион техник мавқеси юксалади. Аммо биргина Боткен аэропортининг ўзини таъмирлаш (реконструкциялаш) учун 40 млн ҳаражат талаб қилинади.

Йўловчиларни ташишда, тоғ қон бойликларидан сурма, симоб, олтин, қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан тамаки, жун ва бошқаларни экспортга (ташқи савдога) чиқаришда ҳаво транспортининг аҳамияти катта. Қанча кўп сармоя талаб қилинишига қарамай бу муаммолар ечилиши керак.

### Савол ва топшириқлар

1. Боткен вилоятининг географик ўрнига, табиий ресурсларига хўжаликни ташкил этиш нуқтаи назардан баҳо беринг.
2. Вилоят аҳолисининг ўсиш динамикаси ва миллий таркиби қандай?
3. Халқ хўжалигининг ривожланиши ва саноат тизими қандай?
4. Вилоят транспорт ривожланишининг асосий хусусиятлари ҳақида шималарни биласиз?

## 19.5. Шарқий Қирғизистон (Иссиқкўл вилояти)

**Географик ўрни.** Иссиқкўл вилояти Қирғизистон Республикасининг шарқий қисмида жойлашган. Маркази-Қорақўл шаҳри. Таркибига 5 район (Иссиқкўл, Туп, Оқсув, Жетпоғуз, Тўн), 3 шаҳар, 5 шаҳарча киради. Шарқдан, шимоли-шарқдан Қозоғистон, жануби-шарқдан Хитой Халқ Республикаси, ғарбдан, жануби-ғарбдан Норин вилояти билан чегарадош. Умумий майдони 43,1 миң кв. км (Қирғизистон территориясига нисбатан 22%). Аҳолиси 428,7 миң киши (1996й), Республика аҳолисининг 9,5%ини ташкил қилади. Ҳудуди ғарбдан шарққа 390 км, шимолдан жанубга 210 км га чўзилган.

**Табиий шароити.** Иссиқкўл вилоятининг табиий шароити жуда мураккаб ва хилма-хил. Бу ерда бутун Тяншанга хос бўлган баландлик табиат комплекслари бор. Иссиқкўл вилояти ҳудудини ер юзасининг тузилиши бўйича икки қисмга бўлиш мумкин: Иссиқкўл водийси ва Терскай Олатови билан Қақшаал тизма тоғларининг ўртасида жойлашган сирт майдонлари.

Иссиқкўл водийсини шимолдан Кунгай Олатови, жанубдан Терскай Олатови ўраб туради. Иссиқкўл водийсининг узунлиги 240км, эни 100 км га баробар. Водий марказини Иссиқкўл эгаллайди. Кўл атрофидаги текисликнинг ғарб ва шарқ томонлари кенг текисликларга айланиб кетади.

Иссиқкўл сиртларининг ер юзаси асосан яеси тоғлардан иборат. Терскай Олатови билан Қақшаал тизма тоғлари, деярли шу кенгликдаги ҳамма тоғ тизмалари каби, шарқда Хонтангри тоғ тугунига бирикиб кетади. Бу ерда бутун Тяншандаги ҳамма чўққилар: Ғалаба (7439м) ва Хонтангри (6695м) жойлашган.

Қақшаал тизма тоғи давлат чегараси бўйлаб, деярли 400км га чўзилиб ётади. Бу тизма тоғнинг айрим баландликлари 4000 — 5000 м га етади.


Иссиқкўл водийсининг атрофлари баланд тоғлар билан ўралиб, водийда музламайдиган кўл жойлашганлигидан бу ерда мўътадил континентал иқлим ҳукм суради. Шунинг учун бошқа водийларга нисбатан Иссиқкўл водийсининг қиши илиқроқ, ёзи салқинроқ.

Иссиқкўл водийсидаги асосий ҳаво оқимлари: ғарбдан эсувчи «Улан», шарқдан эсувчи «Сантош» шамоллари, кўл қирғоғидаги шамоллар-бризлар шабада ва тоғ водий шамоллари. Улар маҳаллий об-ҳавога катта таъсир кўрсатади.

Иссиқкўл водийсида ёғингарчилик миқдори 115мм дан (Балиқчи шаҳари атрофи), 600 — 700мм гача («Жирғалан» шахтаси райони) боради.

Иссиқкўл сиртлари иқлими кескин континенталли: қиши изиришли ва узоқ, ёзи салқин ва қисқа. Январнинг ўртасча ҳарорати бу ерда -21градус, июль ойида +5 -8 градусга баробар. Сиртларга ёғингарчилик оз тушади, ўртача 200 — 300 мм ни ташкил қилади.

Марказий Тяншаннинг Хонтангри тоғ тугунида Тяншаннинг йирик музликлар райони жойлашган. Бу жойда умумий майдони 1517 кв км га тенг бўлган музликлар бор. Буларнинг энг каттаси Жанугий Энцилчак, узунлиги 58,9 км, майдони 513 кв.км.



Исниккүл вилөятининг иқтисодий картасы

Бу бутун Тяншан системасидаги энг катта музлик. Иссиқкўл вилоятида умумий майдони 650,4 кв км бўлган 834 та музликлар бор. Уларнинг дарёларнинг тўйинишидаги аҳамияти жуда катта. Йирик дарёларнинг ҳаммаси музликлардан бошланади.

Иссиқкўл вилояти худудидаги дарёлар Иссиқкўл, Тарим, Норин, Чуй ва Балхаш ҳавзаларига киради.

Иссиқкўл ҳавзасига Кунгай Олатови билан Терскай Олатовидан оқиб тушадиган 80 дан ортиқ катта ва кичик дарёлар киради.

Иссиқкўл водийсидаги йирик дарёларга Туп, Қоракўл, Оқсув, Жети-оғуз, Катта Қизилсув, Жууқу, Барскоон ва бошқалар киради.

Сарижаз Иссиқкўл сиртидаги катта дарё. У Марказий Тяншандаги Семенов музлигидан бошланиб, юқори оқимида кенглик бўйича ғарбга, ўрта оқимида эса жанубга оқиб, Қақшаал тоғини кесиб ўтиб, давлат чегарасидан ташқарига чиқиб кетади. Сарижаз дарёсининг Қирғизистондаги узунлиги 197 км, ҳавзасининг майдони 12900 кв км. Йирик ирмоқлари: Коолу, Терекли, Учкўл, Оқшийроқ, Энгилчак, Қайинди, Қўйқоп, Жамансув ва Жангижер.

Сарижаз йирик ирмоқлари билан биргаликда гидроэнергетика ресурсларига жуда бой. Булардан комплекс фойдаланиш лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Катта Узангиқууш дарёси Ички Тяншаннинг Кўк Олачап тоғларидаги музликлардан бошланиб, жануби-шарқ томонга оқади. Қақшаал тизма тоғини кесиб ўтиб, Хитойнинг Қашқар текислигигача боради.

Қарқара дарёси Иссиқкўл вилоятининг чекка шимоли-шарқи томон оқади (Балхаш тизмаси), вилоятнинг чекка-ғарбий қисмидан Чуй дарёси кесиб ўтади.

Дарёларнинг халқ хўжалигида аҳамияти катта. Улардан суғориш ишларида ва шаҳар-қишлоқларни сув билан таъминлашда фойдаланилади. Тоғ дарёларининг ҳаммаси гидроэнергетика ресурсларига бой.

Вилоят худудларида кўллар жуда кўп. Уларнинг энг каттаси машҳур Иссиқкўлдир. Иссиқкўл бу тоғ оралиғида табиат инъом этган бир сирли сув ҳавзасидир. Қадим замонлардан бери Иссиқкўлга келганлар ва шу ерда яшовчи аҳоли, унинг чиройига дол қолиб келинган. Иссиқкўлни дур ва марваридга ҳам тенглаштирадilar.

Иссиқкўл дунёдаги баланд тоғли кўллар орасидан майдони

бўйича иккинчи (Жанубий Америкадаги Титикака кўлидан кейин) ўринни эгаллайди. Иссиқкўл шу ном билан аталувчи водий марказида, Кунгай Олатови билан Терскай Олатовининг ўртасида, денгиз сатҳидан 1608 м баландликда жойлашган. Майдони 6246 кв км, узунлиги 178 км, эни 60 км. Иссиқкўлнинг энг чуқур нуқтаси, охириги маълумот бўйича, 668 м, у кўлнинг марказий қисмидан жанубий томонда жойлашган. Иссиқкўлнинг ўртача чуқурлиги 278 м, ундаги сувнинг ҳажми 1738 куб километр.

Иссиқкўлнинг суви жуда тиниқ. Кўлнинг очиқ қисмида Секки дискаси сувга чўктирилса, у 19 — 20 м чуқурликгача кўринадди. Ҳаво очиқ даврларда кўлнинг усти кўкимтир товланиб туради.

Вилоят ҳудуддаги кичик кўлларнинг кўпчилиги қор-музликлар сувининг йиғилишидан ва сойлари кўчкилар бўғиб қўйишидан пайдо бўлган. Буларнинг йириклари юқори Нориндаги Болтир Бешик, Ўқурган кўл, Ийиқкўл, Арабел кўллари, Катта Узангиқушдаги Қайнар, Сарижаз ҳавзасидаги Мерепбахер, Учкўл, Терскай Олатовидаги Чуқуркўл, Ойдин-кўл ва Кунгай Олатовидаги Сутлибулоқ ва бошқалар.

Иссиқкўл водийсида қуйидаги тупроқ-ўсимлик баландлик мишгақалари бор: чўл (бўз кулранг тошли тупроқ), чўл-дашт (очиқ қўнғир тупроқ), қурғоқчил дашт ва дашт (тоғ тошли ва қора тупроқли), тоғ ўрмонлари ва майсазор, чўл (ўрмон қўнғир ва қора тупроғи) ва баланд тоғли ўтлоқ тупроқлари.

Иссиқкўл водийсининг ғарбий қисмида асосан бўз тупроқ, оч тусли тошлоқ чўл тупроғи ва тақир тупроқлари, шунингдек, шарқий қисмида тўқ тусли бўз тупроқ ва қора тупроқлар учрайди.

Сарижаз дарёси ҳавзасида полигонал тундра, чимли-ўтлоқ, тақир тупроқ, тоғ ўтлоқли ўрмон, жигарранг тупроқ, шўрхок тупроқ ва бошқа тупроқ турлари учрайди.

Иссиқкўл вилоятининг ўсимликлари жуда хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Ўсимликларнинг турлари ва тарқалishi бўйича Иссиқкўл водийси билан Иссиқкўлнинг сирғи бир-биридан ажралиб туради.

**Аҳолиси.** Иссиқкўл бўйида аҳоли қадимдан яшаб келмоқда. Бундан 5 — 10 аср илғари ҳам шаҳарлар бўлган. Тамим ибн Бахриддин маълумотига кўра IX асрнинг биринчи ярмида Юқори Барскоон (Иссиқкўл бўйида) ҳудудида саккизта шаҳар бўлган. XVII аср ўрталарида XVIII асрнинг иккинчи ярмигача Иссиқкўл водийсига Ойрот хонининг аскарлари бостириб

кирган. Қирғизлар вақтинча водийдан Помирга ва Фарғонага кўчиб кетишга мажбур бўлишган.

Қирғизлар Иссиқкўл водийсига XVIII аср охирида, Ойрот давлатини ағдаргандан кейин қайтиб келишган. У даврларда Иссиқкўл водийсида ўтроклашган аҳоли йўқ эди.

1831 йилда Иссиқкўлдаги қирғиз аҳолиси Қўқон хонлиги таркибига кирган. Қўқонликлар ҳозирги Қоракўл ва Барскоон шаҳарларининг ўрнига кичик уйчаларни ва душманлардан сақланиш учун мудофаа қўрғонларини куришган.

Иссиқкўл водийси 1855 йилда Россия таркибига қўшилган. 1863 йилда Оқсувда биринчи рус маъмурий (асосан ҳарбийлар яшайдиган) қишлоғи ташкил этилган. Кейинчалик тоғ сойларининг бўйларида, кўл бўйидаги текисликка чиқаверишда Туп ва Жирғалан водийларида Россиядан кўчиб келганларнинг қишлоқлари пайдо бўлади.

1869 йилда Қоракўл дарёси бўйида Қоракўл шаҳрига асос солинган. Икки йилдан сўнг Қоракўл шаҳри Жетисув вилоятидаги уезд шаҳрига айланади. Орадан бир қанча вақтлар ўтиб, рус, украин ва тунгонларнинг қишлоқлари пайдо бўлади. Иссиқкўл водийсида ер-сув реформаси ўтказилгандан кейин, 1921 йилдан 1926 йилгача 20 та қирғиз қишлоғи пайдо бўлган.

Аввалари Иссиқкўл водийсида аҳоли жуда сийрак яшаган. 1913 йилда чиқарилган Иссиқкўл уездининг картасида ҳозирги Чирпиқти, Торуайғир қишлоқларининг ўрнида алоқа почта шохобчаларигина бўлган, шунингдек, Балиқчида ҳаммаси бўлиб 96 кишигина яшаган.

Вилоятда сўнги 70 йил ичида аҳоли тез ўсди. Бу ерда туғилиш кўп, ўлимнинг озлигидан табиий ўсиш бирмунча юқори. Ҳозирги кунда ер шариидаги аҳолининг табиий ўсиши (1000 киши ҳисобидан) 16 киши, бундан ривожланган мамлакатларда 6 киши бўлса, ривожланаётган мамлакатларда 25 киши, шунингдек, Иссиқкўл вилоятида 20,4 киши.

Бу кўрсаткич Чуй вилоятидан ва Бишкек шаҳридан анча юқори (12,8 ва 8,5 киши).

Кейинги йилларда вилоятдаги турли фойдали қазилмаларнинг ўзлаштирилиши, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, туризм ва дам олиш муассасаларининг ўсиши Иссиқкўл вилоятида шаҳарлар, йирик қишлоқларнинг кўпайишига имкон яратди. Натижада 1924 — 1996 йиллар ичида аҳоли сони 125,8 минг кишидан 428,1 минг кишига ёки 3,4 баробарга, бундан шаҳар аҳоли-

си 12,5 мингдан 134,7 мингга ёки 10,8 баробарга ўсди. Ҳозир вилоят аҳолисининг 31,5%ини шаҳарликлар ташкил қилади, бу кўрсаткич 1924 йилда 9,9% ни ташкил қилган. Ҳозирги шаҳарлар — Қоракўл, Балиқчи, Чўлпонота, шаҳарчалар — Қажисой, Жирғалаң, Қоракўл, Пристан, Оқбулоқ, Ўртатўқай ва бошқалар тез ривожланмоқда.

Иссиқкўл вилояти аҳолисининг кўпчилиги (65,8%) овул-қишлоқларда яшайди. 1996 йилда Иссиқкўл вилоятининг овул-қишлоқларида 293,4 минг киши яшаган. Овул-қишлоқларнинг кўпчилиги кўл атрофидаги магистрал йўллар бўйларида, Туш ва Жирғалаң водийларида жойлашган. Иссиқкўл водийсининг ғарбида овул-қишлоқлар кам. Йирик қишлоқлар: Ананьево, Туш, Талдисув, Қизилсув, Тамға, Григорьевка, Бозтери, Саруу, Боконбоев ва бошқалар.

Ҳозирги даврда Иссиқкўл вилоятида аҳоли зичлиги ҳар бир кв км майдонга 9 киши бўлса, 1924 йилда 3 киши бўлган. Кўлнинг ғарбидан шарқи томон аҳоли зичлиги орта борали. Шарқда аҳоли зичлиги 25 — 30 киши бўлса, ғарбида, айниқса кўлнинг сиртларида аҳоли сийрак яшайди.

Иссиқкўл вилоятининг аҳолиси кўн миллатли. Бу ерда қирғизлар, руслар, украинлар, қozoқлар, ўзбеклар, татарлар, уйғурлар, тунгонлар яшашади. Ҳамма миллат вакиллари бир-бири билан иноқ, тинч-тотув меҳнат қилиб яшашмоқда.

Вилоятда маориф, маданият, таъбат, рекреация-курорт ташкилотлари ривожланмоқда. Қоракўлда К.Тинистанов номидаги Иссиқкўл дорилфунунининг олий иқтисод колледжи, Балиқчида Олий иқтисод-ҳуқуқшунослик колледжи ишлаб турибди. Аҳолининг 47,6% вилоятнинг меҳнат ресурслари ташкил қилади. 1990 йилгача меҳнатга лаёқатли кишилар давлат корхоналарида (меҳнат ресурсларининг 86%), колхозларда (12%), қонгашири маиший хизмат соҳаларида меҳнат қилишган.

Ҳозирги пайтда вилоятда бозор муносабатлари бўйича кўн босқичли иқтисодиётнинг асоси тузилаётган вақтда, хусусий мулкчиликнинг янги турлари пайдо бўлди ёки кооператив корхоналар, майда корхоналар, деҳқон (фермер) хўжаликлари, ҳиссадорлик хизмат корхоналарида ташкил қилинмоқда.

Меҳнатга яроқли кишилар саноатда, қурилишда, қишлоқ хўжалигида, тиббиёт, маориф, маданият соҳасида, саноатда, маиший хизмат корхоналарида ишламоқда.

**Иқтисодиёт.** Иссиқкўл водийси ва унинг атрофидаги баланд тоғларнинг табиий шароити ва бойликлари бу ерда хўжа-

ликнинг кўп тармоқларини ривожлантириш учун имкон яра-тади.

Бироқ, 1920 йилгача вилоятнинг умумий иқтисодий ривож-ланиш даражаси жуда паст бўлиб, Россиянинг мустамлака тузу-мига яқин патриархал-феодал хўжалиги тури ҳукм сурган, сано-ат йўқ ҳисобида бўлган, маҳаллий қишлоқ хўжалиги хомашёла-рини қайта ишловчи, уй-рўзғор хўжалигига керакли буюмлар-ни чиқарувчи айрим содда корхоналар ишлаган. 1913 йилда Прежевальск уездига (бунга ҳозирги Норин вилоятининг бир қисми ҳам кирган) бир нечта содда корхоналар — пиво заводи, ёғ чиқарувчи 3 корхона, тери ошловчи 11 корхона, сув тегир-монлари, ёғоч тилувчи майда ишхоналар, устахона ва бошқа-лар ишлаган. Буларда ишчиларнинг сони 120 дан ошган эмас. Ишхоналарда ишлаб чиқариш жараёни қўл кучи билан бажа-рилган.

Ҳозирги кунда вилоят хўжалиги рангли металл (айниқса қалай, олтин), электротехника буюмларини чиқаришга, кemasoz-лик ва кема таъмирлашга, жун, гўшт, сут етиштиришга, кар-тошка экишга, майин ва ярим майин жунли қўйлар, гўшт-сут йўналишидаги молларни боқишга ихтисослашган, унинг курорт хўжалиги дунё ахамиятига эга. Ишлаб чиқариш кучларининг янада ривожланиши ва жойлаштирилиши, хўжалиги тармоқла-рининг ихтисолаштирилиши асосан, курорт, саломатликни сақ-лаш корхоналарининг талабларига яраша ривожлантирилади.

Саноатнинг ривожланиши бўйича, ҳозирча Иссиқкўл бўйи Республиканинг бошқа йирик қисмларидан (Норин, Талас ви-лоятларидан бошқа) орқада қолган. Республиканинг саноат ишлаб чиқаришидаги маҳсулот ҳажми бўйича олганда вилоят-нинг улуши 4,5%ни ташкил қилади. Ҳозирги вақтда вилоят са-ноатининг ривожланиш даражаси нисбатан анча паст.

Вилоят ҳудудига 46 та саноат корхонаси ишлайди (1995 й). Озиқ-овқат саноати биринчи ўринда (52,8%), машинасозлик ва металлга ишлов бериш (18,5%), енгил саноат (11,0%), қурилиш металлари саноати (4,9%), ёқилғи саноати (2,2%) ва бошқалар кейинги ўринларда туради.

Ёқилғи энергетика комплекси тошкўмир, қўнғир кўмир қазиб чиқаришни ва электр энергия ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Иккита кондан йилга 42 минг т кўмир қазиб олинади. Жирға-лан кўмир кони Қорақўл шаҳридан 70 км масофада — шарқда жойлашган, 1950 йили очилган. Ўшандан буён тошкўмир қазиб олинади. «Марказий» кони (Сўғўтту кони) Тўн районидаги Ка-

жисой шаҳарчасида жойлашган, ундан қўнғир кўмир қазиб олинади. «Жирғалан» ва «Марказий» кўмир конлари вилоятнинг кўмирга бўлган эҳтиёжини анча-мунча бўлса ҳам қаноатлантиради.

**Электрэнергетикаси** Иссиқкўл энергия тармоқларидан иборат. Унинг таркибига Қорақўл энергия иссиқлик маркази (6500 квт), Сўғўтту ва Жирғалан кўмир конлари базасида ишлайди. Вилоят электроэнергиясининг асосий қисмини Шимолӣ Қирғизистон билан Жанубий Қозоғистон энергия тизимидан олади. Гидроэнергия ресурсларининг умумий захираси 10 млрд квт соат, унинг 8 млрд соат энергияси Сарижазга ва унинг ирмоқларига тегишли. Дарёлар гидроэнергия ресурсларининг 70% и уларнинг асосий дарёсига, 30% и ирмоқларига (энг йириклари Оқшийроқ ва Энгилчек дарёлари) тўғри келади. Бунчалик катта ҳажмдаги гидроэнергия ресурслари келажакда тўлиқ ўзлаштирилса, вилоят Қирғизистондаги йирик энергетика ҳудудига айланади.

**Тоғ кенг саноат комплекси** кейинги йиллардагина ривожлана бошлади. Бу соҳанинг келажаги порлоқ. Иқтисодий ислохот лойиҳасига мувофиқ, вилоятдаги стратегик йўналишларда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ташкил қилиш кўзда тутилган.

Сарижаз дарёси ҳавзасидан қалай, мис, қўрғошин, полиметаллар, вольфрам, тантал, ниобий, молибден, олтин ва бошқа металллар кони топилган. Булардан, ҳозирча қалай кони (вольфрам билан бирга) геологик жиҳатдан яхши ўрганилиб, саноат аҳамиятига эга.

Сарижаз қалай кони базасида қалай бойитиш комбинати қурилмоқда. Сарижаз қалай конидан ташқари Қўйлуу графит кони (18 млн т суьий олмос хомашёси) бор. Қурилиш материалларидан гранит, мрамор, оҳактош, сиенит ва бошқа конлар учрайди. Қумтор олтин кони ишлатилмоқда. У вилоятнинг Жетиоғуз районида денгиз сатҳидан 3500 — 4150 м баландликда жойлашган. Кон «Камеко» корпорациясининг (Канада) «Қумтор оперейтинг компани» компанияси билан ҳамкорликда ишга туширилган.

**Машинасозлик саноати.** Бу тармоқнинг ривожланиши аввало меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланишга олиб келади, чунки бу ерда кўп меҳнатни талаб қилувчи махсус машинасозлик тармоқлари устуьлик қилади. Қорақўл шаҳрида электротехника заводи бор. Бу ерда ҳар хил уй-рўзғор ишларида

фойдаланувчи электр плиталари, трансформатор, лаборатория электр ускуналари ва бошқалар чиқарилади. «Оргтехника» заводи 1985 йилдан бошлаб шарикли ручкалар, механик қаламлар, сиёҳли ручкалар чиқарилади.

**Ўрмон ва ёғочсозлик саноати**нинг негизи Балиқчи ёғочсозлик заводидан иборат. Вилоят ўрмон хўжалиги ҳудуднинг ёғоч материалларига бўлган эҳтиёжининг 3,4% ининг қаноатлантира олади. ёғоч ва ёғоч материаллари асосан Сибирдан олинади ва Балиқчи ёғочсозлик заводиди, коммунал, уй-жой қурилиши хўжалигида, уй-рўзғор, қишлоқ хўжалиги ва курорт қурилишларида ишлатилади. Ўрмон хўжалиги маҳаллий аҳамиятга эга.

**Қурилиш материаллари саноати.** Вилоят қурилиш материалларига бой. Булар асосида қурилиш материаллари саноати ривожланмоқда. Қурмунту цемент заводи, Балиқчи темир-бетон, керамзит, шағал заводлари, Қоракўл темир-бетон қоришмалари заводи, ғишт, шағал заводлари, Қизилсув ва Туп ғишт заводлари уларнинг энг йириклари ҳисобланади. Қурилиш материаллари саноатнинг маҳсулотлари асосан вилоятнинг хўжалик эҳтиёжларига ишлатилади. Вилоятда девор учун қоплама тош (Қашқарсувда — гранит, Оқўлунда — сиенит, Тупда — лой, Туруайғирда — базальт) конлари бор. Улар турли қурилиш ишларида кенг фойдаланилади.

**Енгил саноат** пойафзал ва тикувчилик фабрикаларини ўз ичига олади. Уй-рўзғор буюмлари комбинатлари Балиқчи, Чўлпонота шаҳарларида, Ананьево, Туп, Теплоключенка, Қизилсув, Боконбаев ва бошқа қишлоқларида ишлаб турибди. Енгил саноат корхоналаридан Қоракўлда пойафзал ва тикувчилик фабрикалари бор. Тўн районидаги Оқўлунда жунни ювиб тозаловчи фабрика ишламоқда. Ҳозирги вақтда енгил саноат корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотлар вилоят аҳолиси эҳтиёжларини қаноатлантирмайди. Шунинг учун ишлаётган енгил саноат корхоналарини кенгайтириш ва янгиларини қуриш зарур. Енгил саноат ҳозирча яхши ривожланмагани билан уни келажаги катта. Дам олувчилар билан туристларнинг кўл водийсига кўлаб келиши сабабли, бу ерда эсдалик совға қатори миллий ширдак, туш кийгиз, кийим-кечак, булғори-хром буюмларини чиқариш бўйича кичик корхоналар ишламоқда.

**Агросаноат комплекси.** Вилоятнинг ҳозирги агросаноат комплекси мураккаб тармоқлараро комплексини ташкил қилади. Унинг таркибига қишлоқ хўжалиги хомашёларини қай-

та ишловчи саноат тармоқлари киради. Комплексининг асосий тармоғи қишлоқ хўжалиғи ҳисобланади.

**Қишлоқ хўжалиғи.** Вилоят майин ва ярим майин жунли қўйчилик, гўшт-сут йўналишидаги чорвачилик зонасида жойлашган. Бундан ташқари бироз ғалла (асосан буғдой), картошка экилади. Боғдорчилик, сабзавотчилик, паррандачилик ва асаларичилик ҳам ривожланган. Вилоятнинг бутун майдони 2925 минг га, бундан 1641,8 минг гектари қишлоқ хўжалиғи учун яроқли ерлар ёки умумий майдоннинг 56,2%ини ташкил қилади. Жумладан, экин майдони 191 минг га, ёки 11,6%ни эгаллайди (бундан 135 минг гектари суғориладиган ерлар), табиий яйлов ва пичанзорлари 1350,0 минг га ёки қишлоқ хўжалиғига яроқли ерларнинг 82,3%и билан ошиқ.

Аграр ва ер ислоҳати натижасида вилоятда якка деҳқон (фермер) хўжаликлари кўпайиб, қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларининг кўпроқ етиштиришга ёрдам беришмоқда. Якка хўжаликлардан олинган гўшт семиз ва арзон, шунингдек, қишлоқ хўжалиғи ўсимликларининг ҳосилдорлиғи кохоз, совхозлариникига қараганда юқори бўлади. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — чорвачилик. Бу қишлоқ хўжалиғи маҳсулотининг — 60% ини (деҳқончилик 40%) беради.

**Чорвачилик.** Вилоят Республиканинг йирик чорвачилик райони бўлиб ҳисобланади. чорвачилик тармоқлари ва унинг келажаги доимий озуқа базаси заҳираларига боғлиқ. Вилоятда озуқа етиштиришнинг асосий манбаи табиий озуқа ва деҳқончиликдан ғамланган хашак ва аралаш озуқа ишлаб чиқаришдир.

1940 — 1995 йиллар ичида озуқа ўсимликларининг майдони 26,4 минг гектардан 108,3 минг гектарга кенгайган, ёки 4,1 баробар кўпайган. Бу давр ичида вилоят қишлоқ хўжалиғи ўсимликлари орасида озуқа ўсимликларининг ҳиссаси 1,6%дан 56,6% гача ўсди. Озуқа ўсимликлари орасида кўп йиллик ўсимликлар кўпчилигини ташкил қилади. Бу ўсимликлардан пичан, силос ва витаминли ўсимлик уни тайёрланади, кенг тарқалган кўп йиллик ўсимлик эспарцетдир. Унинг умумий майдони йил сайин кенгайиб бормоқда. Ҳозир у 80%дан ортиқ майдони эгаллайди.

Табиий яйловининг асосий қисмини Иссиқкўл сиртларидаги, Сарижаз ва Норин дарёлари ҳавзаларидаги Арабел, Оқшироқ, Тарағай, Қорасой ва бошқа яйловлар ташкил қилади. Иссиқкўл водийсида Кунгай ва Терскай Олатовининг ёнбағирлари, кўл қирғоғидаги айрим текисликлар (айниқса водийнинг

ғарбий қисми) яйлов қатори фойдаланилади. Вилоятдаги ҳамма яйловларнинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 4,6 ц, бундан баҳорги яйловлар ҳосилдорлиги 4,1 ц/га, ёзги яйловларники – 5,6 ц/га, қишки яйловларники – 3,1 ц/га ташкил қилади. Доймий озуқа базасини яхшилашнинг асосий йўли — табиий яйловларни яхшилашнинг асосий йўли — табиий яйловларни яхшилаш, яйловлардан алмашлаб фойдаланиш, уни минерал ўғитлар билан ўғитлаш, суғориш ва ҳоказо. Чорва молларини озиклантиришда кейинги йилларда аралаш озуқадан кенг фойдаланилмоқда. Аралаш озуқа ишлаб чиқарувчи корхоналар Балиқчи, Қорақўл шаҳарларида жойлашган, булардан ташқари фермер хўжалиklarининг ҳам озуқа цехлари бор.

Иссиқкўл вилояти ҳудудида табиий яйловларнинг бошқача турлари — курғоқчил даштлар ва чала чўлли яйловларнинг кўпчилиги аввалдан қишлоқ хўжалигида қўйчиликнинг ривожланишига имкон яратган. Қўйчиликда майин жунли қўйлар кўпчилигини ташкил қилади. Ёзда қўйларнинг кўпчилиги Иссиқкўл сиртларида боқилади.

Вилоятда рекреация комплексининг шаклланиши ва ривожланиши гўнг-сут йўналишидаги қора молларни кўпайтиришни талаб қилади. Уларнинг сони бўйича Иссиқкўл вилояти Чуй вилоятидан кейин иккинчи ўринда туради. Соғин сигирлар Иссиқкўл водийсининг шарқий ва марказий қисмларида боқилади. Иссиқкўл вилояти чорвачилигининг қўшимча тармоғи қўтос чорвачилигидир. Бу сердаромад соҳа. Улар Иссиқкўл водийсининг сиртларида боқилади. Вилоятнинг курорт зоналаридаги асосий муаммоларидан бири, аҳолини ва дам олувчиларни қимиз ва от гўшти билан таъминлашдир. Кейинги йилларда чорва молларининг айрим турлари озаиб кетган бўлса, отларнинг сони кўпайиб бормоқда.

Чўчқачилик Иссиқкўл водийсидаги чорвачиликнинг қўшимча тармони бўлиб ҳисобланади. Чўчқа асосан, Туп, Оқсув, Жетиоғуз, Иссиқкўл хўжаликларида ривожланиб келган. Бироқ, ҳозирги кунда аралаш озуқанинг етишмаслигидан ўз фаолиятини тўхтатди.

Иссиқкўл вилоятида асаларичиликни ривожлантириш учун гўлиқ шароит бор. Асаларилар тоғ водийларида, тоғ ёнбағирларида, йўл бўйларида, эспарцет ва бошқа қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ўсадиган ҳудудларда субальп ўтлоқларида боқилади. Ҳозир асаларичилик Туп, Оқсув, Жетиоғуз Иссиқкўл районининг шарқий қисмида ривожланмоқда. Бу соҳанинг келажакдаги кенг ва сердаромад соҳадир.

Балиқчилик Иссиқкўл бўйида яшайдиган аҳолининг касби. аммо мазкур соҳа 1930 йилдан ривожлана бошлаган.

Иссиқкўлда балиқнинг 22 тури бор. Бундан 12 тури Иссиқкўл балиқлари, қолган 10 тури (форель, судак, леш карп, байкал омули ва бошқалар) бошқа томонлардан олиб келинган. Иссиқкўл балиқлари орасида энг қимматбаҳоси осмон балиғидир. Маҳаллий аҳоли уни кўкола балиқ деб атайти (оғирлиги 250 — 500 граммгача, айримлари 3,5 кг гача бўлади), форель (айримлари 16 — 18 кг гача етади), сазан, маринка ва бошқаларга ҳам эхтиёж катта.

1960 — 1970 йилларда Иссиқкўлдан балиқлар кўплаб овланар эди, аммо кейинги вақтларда Иссиқкўл балиғи жуда озайиб кетди, шунинг учун, кам тугилади. Тугилган балиқнинг оз қисми Григорьевкадаги балиқ комбинатида қайтадан ишланиб, дудланиб, тузланиб, сотувга чиқарилади. Иссиқкўлда балиқни кўпайтириш мақсадида Тўн, Қоракўл балиқ заводларида форель, олабуға ва бошқа балиқларнинг уруғи урчителиб, кейин кўлга ташланади. Келажакда Иссиқкўлдаги балиқлар миқдорини 2 — 3 ҳиссага кўпайтириб, овлаш ҳажминини ошириш мақсадга мувофиқдир.

**Деҳқончилик.** Вилоятнинг экин майдонлари 191 минг га. Экин майдонларининг кўпчилиги (98%) Иссиқкўл водийсида, тўрироғи унинг шарқий ва марказий қисмларида, Туп, Жирғалан, Турған дарёлари водийларида Тасма ярим оролида, Қизилсув, Саруу, Даркан, Жетиоғуз, Барсхон, Тешлоқночечка, Бостери, Чўнгсарнууй атрофларида — денгиз сатҳидан 1800 м баландликгача бўлган минтақаларда жойлашган. Бундан юқори баландликларда экин майдонлари унча катта эмас, шунингдек сиртларда — денгиз сатҳидан 3000 м гача баландликдаги минтақалар бундан ҳам оз жойларга экин экилади.

Экинлар орасида биринчи ўринда ғалла ўсимликлари, иккинчи ўринда озуқа ўсимликлари, картошқачилик, сабзавотчилик туради. Кейинги йилларда ғалла экин майдонларини кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

**Ғаллачилик.** Ғалла ўсимликлари лаламикор ва суғриладиган ерларга экилади. Экин экишга яроқли ерларнинг 68%и суғриладиган ерлардир. Лаламикор ерларнинг деҳқончилиги водийнинг нами етарли шарқий қисмида жойлашган. Туп ва Оқсув районларида экин майдонларининг 50% ии лаламикор ерлар ташкил қилади. Вилоятда кўзги ва баҳорги буғдой, баҳорги арпа, сули ва бироз дўхат экилади. Ҳосилдорлиги 35ц/га,

суғориладиган ерларда 40 — 45 ц/га, айрим илғор хўжаликларда 50 — 55 ц/га ғалла етиштирилади. Кейинги йилларда Россия ва Қозоғистондан доннинг оз келиши сабабли аҳолининг, чорвачиликнинг ғалла экинларига бўлган талаби борган сари кучайтирмоқда. Шунинг учун вилоятда «Дон» дастури ишлаб чиқилди. Шунга биноан ғалла экинларининг майдони кенгайтирилиб, ҳосилдорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Қурғоқчил ҳукм сурган водийнинг ғарбий қисмида ҳам айрим хўжаликлар юқори ҳосил етиштиришмоқда.

**Картошқачилик.** Иссиқкўл водийсининг шарқий ва марказий қисмларида картошка экилади. Бу районда картошка жуда сердаромад соҳа. Аҳоли талабидан ортиқча картошкани Иссиқкўл вилояти, бошқа вилоятларга ва чет давлатларга уруғчилик сифатида ҳам сотилади. Республикада экиладиган картошка майдонларининг 33% Иссиқкўл вилоятидадир.

**Сабзавотчилик.** Вилоятда сабзавотчиликка 1,1% экин майдони тўғри келади. Сабзавотчилик тез ривожланиши учун вилоятда барча имконият бор. Сабзавотчилик бўйича Иссиқкўл вилояти Чуй, Ўш, Жалолобод вилоятларидан кейин тўртинчи ўринни эгаллайди. Водийда етиштирилган сабзавотнинг таннархи ва уни ўстириш учун кетган ҳаражатлари, Республикада ўстирилган сабзавотларга нисбатан арзон, ҳосилдорлиги, рентабеллиги юқори. Сабзавотчиликка Туп, Оқсув районлари, Иссиқкўл ва Жетиғуз районлари шарқий қисмининг табиий-иқтисодий шароитлари қулай. Бу ерларда сабзавот экинларининг бошқа ерларга қараганда ҳосилдорлиги юқори, таннархи арзон.

Иссиқкўл рекреация комплексининг ривожланиши билан водийнинг марказий қисмида сабзавот экинларини экиш ривожланмоқда. Вилоятда сабзавот экинларидан карам, сабзи, қанд ливлаги, помидор, бодринг ва бошқа экинлар етиштирилади.

**Боғдорчилик.** Водийнинг кўл қирғоқлари билан тоғ этакларининг шароити боғдорчилик учун жуда қулай. Водийдаги дастлабки мева боғлари 70-йилларда Туп, теплокпochenка қишлоқларида, Қоракўл, Чўлпонота шаҳарларида пайдо бўлган. Мевалар кўчати Верний (Ҳозирги Олмаота) шаҳридан олиб келинган. 1941 йилда водийда боғдорчилик майдони 320 га бўлган. 1995 йилда эса мева боғлари 8 минг гани ташкил қилган. Бу кўрсаткич Республикада боғдорчиликка ажратилган ерларнинг 16,8%ни ташкил этади. Ҳосилдорликни гектар бошига 35 — 40 ц, яъни ҳосили 60 минг тонна. Водийнинг ёзи салқин бўлганиги туфайли, мевалар кеч пишади, узоқ сақланади. Та-

шиш даврида бузилмади, мазасининг ўткирлиги билан фарқ қилади. Вилюят Марказий Осиё билан Сибирининг курорт зонасига, халқаро туризм марказига айлантирилганлиги сабабли, боғдорчиликни саноат даражасигача кўтариш кўзда тутилган. Водийда боғдорчилик уч (Марказий, Фарбий, Шарқий) зонада жойлашган. Марказий зонада уруғ мевали ва данакли меваларнинг қишқи навлари экилади. Иссиқкўл давлат боғдорчилик, нав етиштириш ва синаш участкаси Иссиқкўл районининг Бостери қишлоғига яқин жойлашган. Бу ерда кейинги 15 йил ичида олманинг ҳосилдорлиги гектарига 152 — 160 центнерга, нокнинг 170 — 175 центнерга етди.

Шарқий зона боғдорчилик учун унча қулай эмас. Қиши совуқ, баҳор ойининг охирида ва эрта кизда меваларни совуқ уради. Шунинг учун бу ерларда олма ва нокнинг совуққа чидамли навларигина экилади. Фарбий зонанинг тошлоқ ерлари абрикос етиштириш учун қулай. Балиқчи боғдорчилик комбинатида, Балиқчи ўрмончилик хўжалигида, Иссиқкўл районидagi Охунбобоев номи «Томчи» қишлоқ хўжалиги корхонасида «Иттифоқ» кооперативда мева боғларидан кўл ҳосил олинади. 1980 йиллардан бошлаб, «Қизил ўрик» плантацияси, «Дўстлик», «Ғалаба» олма-мевачилик плантациялари пайдо бўлди.

Водийда резавор, мева ўсимликлари 200 га майдонни эгаллайди. Бу ерларда смородина, малина, ғалла бошлилар экилади. Булардан юқори ҳосил олинади.

**Озиқ-овқат агросаноат комплекслари.** Вилюятнинг стратегик йўналишларидан бири — курорт хўжалигини, туризм билан альпинизм ни янада ривожлантириш. Яқин келажакда Иссиқкўл водийсида жаҳон миқёсидаги рекреация комплекси ташкил этилади. Иссиқкўл курорт районининг санаториялари билан дам олиш жойлари тўлиқ шифа туширилганда 1 — 2 млн киши қабул қилинади ёки дам олувчиларга бўлган хизмат даражаси 6 хиссага кўнаяди. Шунинг учун вилюят озиқ-овқат аграр саноат комплекси олдида маҳаллий аҳолини ва дам олувчиларни озиқ-овқат билан тўлиқ таъминлаш мажбурияти турибди.

**Ўшғ саноати комплекси.** Комплексе асосан ўшғ етиштирилади. Сўнгги 5 йил ичида ҳамма хўжаликлар бўйича 30 миш тоннадан ортиқ (тирик вазнда) ўшғ етиштирилган. Балиқчи ва Қоракўл ўшғ комбинатларининг умумий қуввати бир смнада 60 тоннани ташкил этади ва 6,5т колбаса тайёрлаши мум-

кин. Балиқчи гўшт комбинатига чорва моллари Тўн, Иссиқкўл районларининг хўжаликларидан, Норин вилоятининг Қўчқор, Жумғал районларидан, Чуй вилоятининг Кемин районларидан олиб келинади. Қоракўл гўшт комбинатига чорва моллари (бўрдоқилар) Оқсув, Туп, Жетиоғуз районларининг хўжаликларидан олиб келинади. Вилоят гўшт саноатининг асосий маҳсулотлари гўшт (қўй ва мол гўшти), колбаса, ярим фабрикатлар, шунингдек озуқа уни, медицина дори-дармонлари ва бошқалардан иборат.

Балиқчи шаҳрида Қозоғистон корхоналари билан биргаликда мол гўшти буғ ёрдамида пишириш ўзлаштирилган. Ҳозир гўшт комбинатлари ярим қувватда ишлаб турибди.

**Сут саноати комплекси** вилоят аҳолисини ва дам олувчиларни сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадини кўзлайди. 1940 — 1990 йиллар давомида давлатга сотилган сут миқдори 6,6 минг тдан 70,1 минг тоннагача ёки 10,6 ҳиссага кўпайди. Бу кўрсаткич вилоятда сут саноатининг ривожланганлигидан дарак беради. Сут саноати корхоналари Чўлпонота ва Қоракўл шаҳарларида қурилган. Булардан ташқари Туп ёғ заводи, Қизил-сув, Сантош, Ананьево қишлоқ заводлари ва Бўзучуқ, Кенгсув, Чиминдисой, Белқорасув қишлоқларида қаймоқ чиқарувчи бўлимлари бор. Қоракўл сут комбинати бир сменада сутни Оқсув, Жетиоғуз ва Туп оайонларидан олиб туради. Бу районда вилоят соғин сигирларининг 70%ни боқилади. Чўлпонота сут комбинати бир сменада 25 т сутни қайта ишлаб чиқаради. Комбинат сутни Иссиқкўл, Туп районларидан олади. Бироқ ҳозир бу корхоналар ҳам ярим қувватда ишламоқда.

**Мева-сабзавот саноати комплекси.** Вилоятда Қоракўл ва Балиқчи мева-шароб комбинатлари асосан мева консерваларини, томат шираларини ва бошқа маҳсулотларни чиқаради. Бу иккала комбинат 10 млн шартли банка мева консерваларини чиқаради (Республика ҳажмининг 29,5%). Бироқ бундай қувватдан фойдаланиш коэффициенти Республика бўйича 68,75 бўлса, вилоятда ўртача 42,5%, ёки Балиқчи комбинатида тўла қувватдан фойдаланиш коэффициенти 60% га тенг бўлса, Қоракўл комбинатида 15%ни ташкил этади. Балиқчида ширасиз мева консервасини Республика бўйича Қирғизистон-Хитой линияси ишлай бошлади. Ҳозирги вақтда табиий чаканда (облепиха) мевасини, смородинани, зиркни, наматак меваларини теришга кўп аҳамият берилмоқда. Иссиқкўл мева-шароб комбинатида йилига 270 т облепиха мевасини тўплаб, ундан 650

минг шартли банка шарбат (айрим вақитларда олма шарбати билан аралаштирилиб) олиш учун имконият бор. Саноат қолдиги — облепиха мевасининг данаги Бишкекдаги химфарим заводиди қайтадан ишлатилиб, чаканда мевасининг ёғи чиқарилади.

**Ғалла маҳсулотлари комплекси.** Вилоятда етиштирилган ва ташқаридан олиб келинган ғалла ҳисобига ун, ёрма, нон ва аралаш озуқа тайёрлаш саноатлари ривожланган. Ун чиқариш ва нон пишириш саноатлари азалдан ишлаб келган бўлса, аралаш озуқа тайёрлаш саноати янги тармоқ ҳисобланади. Комплекси Балиқчи ва Қоракўл ғалла маҳсулотлари комбинатларидан ҳамда Балиқчи, Қоракўл, Григорьевка, Чўлпонота, Кажисой нон заводлари ишлайди. Айрим катта қишлоқларда ҳам новвойхоналар бор.

Қишлоқ хўжалиги хомашёларини улар етиштирилган жойда қайта ишлаш мақсадида вилоят хўжаликлариди 36 тегирмон, 9 қолбаса цехи, 5 та теридан тўн тикувчи цех, 8 та макарон цехи қурилган. (1995 й).

**Рекреация комплекси.** Вилоятнинг турли табиат бойликлари орасида рекреация ресурслари ижтимоий-иқтисодий аҳамияти жиҳатидан кўзга кўринарли ўринларни эгаллайди. Инсонларнинг дам олиши, саломатлигини яхшилаши, саёҳат қилишлари учун ёқимли тоғ иқлими, минерал сувлари, шифобахш, хосиятли ботқоқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси, анчагина майдонни эгаллаб ётган Тяншан қарағайлари, арчалари, осмон ўвар тоғ чўққилари, ўсимликлари кўм-кўк, тиниқ сувли кўллари, вилоят ҳудуди орқали ўтган Буюк ипак йўлининг излари, тарихий ёдгорликлари, ўрта асрлардаги, бироқ ҳозир йўқолиб кетган шаҳарлари, Махмуд Қашғарийнинг саёҳат қилган йўллари ва шу сингарилар вилоятда халқаро талабларга тўлиқ жавоб бергудек курорт-санатория, туристик рекреация комплекси билан альпинизмни ташкил қилиш учун ва ривожлан-тириш учун тўлиқ шароит яратди.

**Рекреация шароитлари.** Вилоят ҳудудидаги тоғ иқлим шароити рекреация комплексини шакллантириш омилларидан ҳисобланади.

Вилоятнинг табиий рекреация ресурслари орасида Иссиқкўлнинг ўзи ва унинг атрофидаги қумли жойлар кўзга кўринарли ўринни эгаллайди. Қумли жойларнинг узунлиги 320 км. Кўлнинг суви шўр, ёзда илиқ (20 — 22°C), қишда музламайди.

Вилоят ҳудудида 30 дан ортиқ шифобахш минерал сувлар

бор. Уларнинг энг катталари Жетиоғуз, Оқсув, Жирғалан, Бўзучук, Чўлпонота, Қораўй, Чўқтол ва бошқалардир.

Вилоят шифобахш балчиқларга ҳам бой: Тамға, Қўйсари, Чўлпонота, Қораўй, Қизилсув, Қўрмўнту балчиқлари йирик ҳисобланади.

Рекреация ресурсларига кўл ёқасидаги ҳар хил (1500 дан ортиқ) археологик ёдгорликлар, кўл тагида ётган хилма-хил тарихий буюмлар, кўлнинг шарқий қисмидаги Н.М. Пржевальскийнинг, ғарбидаги П.П.Семёнов-Тянь-Шанскийнинг ҳайкаллари, шаҳарларидаги ўлкашунослик ва тарихий музейлар, Чўлпонотадаги ва бошқа жойлардаги турли шакл ва кўринишдаги тошлар киради.

Ҳудудда музликларнинг кўп бўлиши, альпинизмни тоғ туризмини ривожлантириш учун шароит яратади.

**Рекреация комплексининг ҳозирги ҳолати.** Иссиқкўл вилоятида, айниқса кўл атрофидаги талий рекреация ресурсларини ўзлаштириш бўйича бир қатор ишлар қилиниши лозим.

**Иссиқкўл** — табиат инъомидир. Шунинг учун кўл атрофида донғи кетган «Мовий Иссиқкўл», «Тамға», «Иссиқкўл», «Қирғиз денгизи», «Жети-оғуз», «Оқсув», «Борбулоқ», «Жирғалан» сингари курортлар ишламоқда.

Иссиқкўл районининг курорт зонасида, айниқса Бостери, Қораўй, Сарий, Қўримди, Қўшкўл қишлоқларининг кўл бўйидаги ерларида дам олиш уйлари, пансионатлар ташкил этилган. Бундай дам олиш жойлари Туп, Жетиоғуз, Тўн районларида ҳам бор.

Иссиқкўл вилоятида рекреация комплексининг асосий қисмини спорт дам олиш жойлари билан туристик корхоналар ташкил қилади. Вилоятда альпинизмни ривожлантириш учун имконият яратган алышлагерь бор. Ҳудуддаги рекреация комплекслари ичида туризмга тегишли корхоналар кўп. Масалан, «Улаё», «Иссиқкўл», «Қирчин», «Анаёево», «Тинч Бухта» сингари туристик базалар ишламоқда. Бироқ булар халқаро андозаларга жавоб бермайди.

Келажақда Иссиқкўл вилояти Марказий Осиёдан, Сибирдан ва олиндаги чет мамлакатлардан келган дам олувчилар учун халқаро талабларга жавоб бергудек курорт ишлари, туризм, альпинизм ривожланган йирик ҳудудга айланиши керак.

Давр талабига мос келувчи кучли рекреация комплексини яратиш, айниқса, курорт, санаторий, туризм, альпинизм тармоқларини келажақда старлича қуриш, ҳудуд иқтисодиининг ри-

вожланишига, аҳолининг яшаш даражасига, жойланишига катта таъсир кўрсатади.

**Транспорти.** Вилоят транспорти автомобилг, темир йўл, сув ва ҳаво транспортдан иборат. Вилоятнинг Рельеф хусусияти, айрим транспорт турларига, албатта ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Водийнинг вилоят хўжалигининг асосий қисми жойлашган текисликларида транспорт анча яхши йўлга қўйилган, аммо турли хил қазилма бойликлари ва гидроэнергия ресурслари кўп бўлган тоғли ҳудудларда транспорт яхши ривожланган эмас. Вилоят ичидаги алоқаларда автомобиль транспортининг аҳамияти катта.

**Автомобиль транспорти.** Асосий автомобиль йўли Иссиқкўл атрофи бўйлаб ўтади. Узунлиги 450 км. Автомобиль йўли бўйида, кўл атрофидаги кенглиги 10 — 15 км чамасидаги ёнбағирлар аҳоли ўtroқлашган жойлар ҳисобланиб, уларда вилоят аҳолисининг 80% га яқини яшайди. Асосий автомобиль йўлидан Жирғалан кўмир шахтасига, Иссиқкўлдан ташқарида жойлашган Оқшйроқ қишлоғига, Қумтор тилла конига, Турғун дараси ва Қарқара орқали Сарижаз водийсига, Энгилчак қишлоғига, Балиқчидан Қўчқор, Қорақужур орқали Тўнқияликларига, Чаёқ орқали Сусамирга, Норинг шаҳри, Отбоши, Тўруғорт орқали Хитойга, Балиқчи-Бишкек орқали Қозоғистонга, Ўзбекистонга, Ўш ва Жалолободга, Қарқара водийси орқали Олмаотага йўл ўтган.

Автомобиль транспорти юкларни, йўловчиларни вилоят ичкарисида, вилоятлар орасида ва мамлакатлар бўйлаб ташийди. Автомобиль транспорти юкларни, асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини улар етиштирилган жойлардан истеъмолчиларга ва қайта ишловчи саноат корхоналарига етказиб туради.

Балиқчи темир йўл станциясига асосан қишлоқ хўжалиги юклари етказиб берилади. Станциядан машиналар, ускуналар, минерал ўғитлар, нефть маҳсулотлари, кўмир, қурилиш материаллари (ёғоч, тахта, фанера), саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари вилоятнинг ички районларига, шаҳарларига ташилади. Вилоятда ташилган юкнинг 92%и, йўловчиларнинг 99%и автомобиль транспортига тўғри келади. Автомобиль йўлларининг узунлиги 6796 км, ундан 164 км халқаро, 2514 км Республика аҳамиятига эга, вилоят ва маҳаллий миқёсдаги йўлларининг узунлиги 2637 км. Йўлларнинг 84,8% ига асфальт ётқизилган.

**Темир йўл транспорти.** Вилоятдаги темир йўлнинг узунлиги 50 км. 1948 йилда қуриб битказилган. Бу темир йўл кўл

водийсини Республиканинг Чуй, Ўш, Жалолобод вилоятлари билан, Марказий Осиё, Сибир, Европа ва Кавказорти шаҳарлари ва саноат марказлари билан боғлаб туради. Келажакда Балиқчи — Қўчқор — Қоракеча — Кўкёнғоқ темир йўлини қуриш жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилинаётир. Ҳозир Балиқчи — Қўчқор — Қоракеча темир йўли қурила бошланди.

**Сув транспорти.** Иссиққўлда 1920-йиллардан ишлаб бошлаган. 1926 йилда Иссиққўл кемасозлик корхонаси ташкил этилган. Сув йўлининг узунлиги 200 км га яқин. Бу транспорт асосан вилоятга хизмат қилади ва районларнинг иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлайди. Сув йўли орқали кўмир, ёғоч материаллари, дон, темир-бетон буюмлари, шағал ва бошқалар ташилади. Йўловчиларга фақат саёҳат учунгина хизмат қилади. Иссиққўл курорт зонасининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда туристларни, экскурсия ва саёҳатга чиққанларни ташиб кўпайди.

**Ҳаво транспорти** вилоят иқтисодиётининг ривожланишида катта аҳамиятга эга. Вилоятда Қоракўл ва Чўлпонота аэропортлари ишлайди. Ҳаво транспорти олис жойларда яшайётган кишиларни саноат марказларига етказиб туради. Ҳаво транспортининг аҳамияти йил сайин кучаймоқда. У асосан йўловчиларни ташийди. Вилоят ҳаво транспорти орқали Республиканинг маркази Бишкек, Ўш, Жалолобод, Қизилқия шаҳарлари, яқин чет мамлакатларнинг марказлари — Тошкент, Олмаота билан алоқа қилиб туради.

### Савол ва топшириқлар

1. Шарқий Қирғизистоннинг табиий шароити ва табиий бойликларининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
2. Вилоят аҳолисининг ўсиш динамикаси ва ўtroқлашинининг ўзига хос хусусиятлари қандай?
3. Иқтисодининг ривожланиши ва саноат тизими қандай? Вилоятда отир саноатнинг жойлашинини харитага туширинг.
4. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг таркиби қандай? Озуқа жамғарини маибаларини тушунтириб беринг.
5. Вилоятдаги қишлоқ хўжалиги хом ашёларини қайта ишловчи саноат тармоқларини айтиб беринг.
6. Рекреация комплексини шакллантиришининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш йўлларини айтнинг.
7. Вилоят транспорти ривожланишининг асосий хусусиятлари қайсилар?

## 19. 6. Ички Тяншан (Норин вилояти)

Қирғизистон Республикасининг харитасида Норин вилояти марказий ўрини эгаллайди, яъни Тяншаннинг ички тоғли районларида жойлашган. У Қирғизистондаги ҳамма вилоятлар, Хитой Республикаси билан чегарадош, чегараларининг ҳаммаси баланд тоғ тизмалари орқали ўтади. Норин вилоятини фарбдан Ўш, Жалолобод вилоятларининг Фарғона тоғ тизмаси, шимолида чуй вилоятининг Қирғиз Олатови, шарқ томонидан Иссиқкўл вилоятининг Терскай Олатови, Жетим тоғ тизмалари, жанубдан Хитой Халқ Республикасининг Кўкшал тоғи ўраб туради. Кенг майдонни эгаллаган Ички Тяншан табиий шароити, хўжалигининг тармоқлари бўйича қўшни Чуй, Иссиқкўл ёки Қирғизистоннинг жанубий вилоятларига ўхшамайди. Бу ерлар баланд тоғлар билан ўралган, бир-биридан олис масофада ётган Қўчқор, Жумғал, Норин, Отбоши ва бошқа водийлардагина хўжалиги ривожланган. Бироқ, шу водийларнинг бирортасига ҳам шу кунгача темир йўл қурилган эмас. Энг яқин темир йўл станцияси Балиқчидан Қўчқор водийсигача бўлган масофа-60 км, Норин шаҳригача — 180 км, Отбоши водийсигача — 260 км. Вилоят қўшни иқтисодий районлар — Иссиқкўл, Чуй, Талас, Ўш, Жалолобод ҳудудлари билан водийлар, даралар орқали ўтадиган автомобил йўллари орқалигина алоқа қила олади. Норин вилоятининг майдони 45,2 минг км<sup>2</sup>, майдони бўйича Республиканинг бошқа вилоятларидан ондинда, Чуй вилоятидан 2,7 марта, Талас вилоятидан 4 марта, Боткен вилоятидан 2,5 марта катта.

Аҳолисининг сони 270,2 минг киши (Республикадаги аҳоли сонига нисбатан 6,1%). Аҳолининг ўртача зичлиги жуда кичик (ҳар 1 км<sup>2</sup> майдонга 6 киши).

Хўжалигининг асосий қисми чорвачилик ташкил қилади, саноатнинг айрим тармоқлари эндигина ривожланмоқда.


**Табиий шароити.** Ер юзаси тузилишининг ўзига ҳос хусусияти унинг денгиз сатҳидан маълум баландликда жойлашишида аке эгади. Вилоятнинг 1500 м баландликдан паст бўлган жойлари деярли йўқ. Умумий майдонининг 70% ини тоғлар, қолганини водийлар ва ботиклар эгаллайди. Тоғли водийлар билан тоғ тизмалари ёнма-ён, кендик жойлари 1800 м дан юқорида. Уларни ўраб турган тоғ тизмалари 3000 —

4000 м, ҳатто бундан ҳам баланд. Вилоятда аҳолининг асосий қисми денгиз сатҳидан 1500 — 2500 м баландликларда жойлашган Қўчқор, Жумғал, Ўрта Норин, Отбоши водийларида истиқомат қилади. Қишлоқ хўжалигида деҳқончилик билан ҳам шуғулланишади. Бу водийлардан ташқари, ўртача баландлиги 2500 — 3000 м баландда жойлашган баланд тоғли водийлар, сиртлар ҳам бор. Булар Оқсой, Арпа, Қорақужур, Султонсари, Сўнкўл ва бошқа кичик водийлардир. Чорвачиликда улардан асосан яйлов сифатида фойдаланилади. Аҳоли доимий яшайдиган жойлар жуда оз.

Вилоят ҳудудидаги тоғ тизмаларига — Сусамир, Жумғал, Муллатоғ, Норин, Отбоши, Борколдой, Жетим, Байбичетоғ, Қабақ, Соикўл, Жаман-тоғ тизмалари ва вилоятни ўраб турган ва бир қисми унга кирадиган тоғларга — Қирғиз Олатови, Фарғона, Терскай, Торуғарт, Кўкшаал ва бошқалар киради. Тоғ ёнбағирлари чуқур даралардан, паст-баланд тепаликлардан, ботиқларини сувлар емирган, текисликлари эса сувлар олиб келган аллювиал тоғ жинсларининг қалин қатламлари билан қопланган. Бундай жойлардан фақат яйлов сифатидагина фойдаланилади.

Норин вилояти турли фойдали қазилмаларга бой. Кўмир конлари — Жумғал районидаги Қоракеча кўмир ҳавзасида жойлашган. Унинг геологик захираси 4,6 млрд т, темир рудалари Икки Норин дарёсининг бошланишида жойлашган Жетим темир конида тўпланган. Нефелинли сиенит мансхур Сандиқ ҳавзасида жойлашган бўлса, бошқа жойларда қўрғошин, рух (Арси, Оқтошқўрў, Қубаки, Оқкўл ва бошқа) конлари, Жақболот марганец кони, Султонсари олов кони маълум. Қўчқор водийсида тош тузнинг йирик кони жойлашган. Жумғал водийсида глаубер тузи бор. Турли қурилиш материалларига ҳам жуда бой. Уларнинг асосийларига мрамар, чиганоқтош, гранит, қум, шағал ва бошқалар киради. Вилоят ҳудуди геологик жиҳатдан тўлиқ ўрганилган йўқ, келажакда яна янги конлар очилиши мумкин. Тошлан конлар эса ҳозиргача тўлиқ ишга туширилган эмас. Бунинг асосий сабаби темир йўлнинг йўқлиги. Темир йўл лириядари бу конларга етмаса, уларни ўзлаштириш мумкин эмас.

Иқлим кескин континентал, қиши совуқ ва узоқ давом этади. Жумладан, айрим водийларда қишнинг чўзилиши 8 ойдан



## Норин влоятининг иттиродий картаси

ошади. Баланд тоғли водийларда ёз жуда қисқа, аёзсиз кунлар йўқ ҳисобида. Совуқ ой январнинг ўртача ҳарорати  $-10^{\circ}\text{C}$  дан  $-20^{\circ}\text{C}$  гача ўзгаради, масалан, Қўчқор водийсида  $-10^{\circ}\text{C}$  бўлса, Оқсойда  $-27^{\circ}\text{C}$ . Шунингдек энг паст ҳарорат Оқсойда кузатилиб,  $-50^{\circ}\text{C}$  га етган. Норин, Жумғал, Отбоши, Қўчқор водийларида июлнинг ўртача ҳарорати  $+15^{\circ}\text{C}$ , баланд тоғли водийларда  $+10^{\circ}\text{C}$ ,  $+12^{\circ}\text{C}$ , Сўнкўл, Оқсойда баҳзан июлда ҳам аёз бўлади. Норин, Жумғал водийларида вегетация даври 5 ойгача давом этади.

Йиллик ёғин миқдори паст водийларда 200 — 300 мм, тоғ ёнбағирларида, Қоракужурда 400 мм га етади. Мураккаб иқлим шароити, айрим қишлоқ хўжалиги ўсимликларинигина ўсишига имкон беради. Масалан, ғалла ўсимликлари, озуқабоп ўсимликлар, сабзавот ва картошкагина ўсади. Ёғингарчиликнинг озлиги қишлоқ хўжалиги ўсимликларини суғоришни талаб қилади.

Норин вилоятининг **дарёлари** Сирдарё, Тарим, Чуй дарёларининг ҳавзаларига киради. Энг катта дарёси — Нориндир, у Сирдарё ҳавзасига киради. Умумий узунлиги 800 км, вилоят ҳудудидан 400 км га яқини оқиб ўтади.

Норинга 600 дан ортиқ катта ва кичик ирмоқлар қуйилади. Қўчқор ва Жўўнариқ дарёлари қўшилиб, Чуй дарёсини ҳосил қилинади. Оқсув билан Мудурум дарёлари қўшилиб, Хитой Халқ Республикаси ҳудуди томон оқувчи Қақшаал дарёсини ҳосил қилади.

Дарёларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти жуда катта, гидроресурсларга бой. Норин дарёси ирмоқлари билан бирга олганда йилга 36,5 млн квт электр энергиясини бера олади, шу жиҳатдан унинг келажаги катта. Дарёларнинг ирригацион аҳамияти ҳам катта.

Кўллардан — Сўнкўл, Чатиркўл кўзга кўринарли. Сўнкўл денгиз сатҳидан 3016 м баландлиқда жойлашган, узунлиги 30 км, эни 20 км, майдони 275 км<sup>2</sup>. Суви чучук, бунда балиқларни кўнайтириш ишлари олиб борилмоқда. Иккинчиси — Чатиркўл, денгиз сатҳидан 3530 м баландлиқда жойлашган, майдони 175 км<sup>2</sup>, суви унча шўр эмас.

Дарёларнинг кўнчилига қор ва музликлардан тўйинади. Музликлар 3500 — 4000 м баландлиқларда жойлашган, умумий майдони 500 м<sup>2</sup> ни ташкил қилади.

Вилоятнинг **тупроғи ва ўсимликлари** ҳар хил, улар байлиқ минтақалари бўйича тарқалган. Тоғ чўли ва чала

чўли минтақа Қўчқор, Норин, Жумғал, Отбоши водийларининг пастки қисмларини эгаллайди. Бу ерларда қумли бўз тупроқлар кўпчиликни ташкил қилади. Ўсимликлардан кўпинча шувоқ, бетага, ксерофитлар ва эфемерлар ўсади. Бу минтақадан, асосан, баҳорги-кузги ва қишги яйлов сифатида фойдаланилади. Айрим жойларда суфориладиган экинлар ҳам экилади. Дарёлар ҳавзаларида бутазорлар учрайди. Тоғли дала минтақасига ҳамма тоғли водийлар — Оқсой, Арпа, Отбоши, Аорақужур, Сўнкўл ботиғи Нориннинг юқори қисми ва тоғ ёнбағирларидаги дараларнинг қуйи қисмлари киради.

Тупроғи қўнғир ва сур қўнғир тупроқ. Ўсимликларга бой ва улар хилма хил. Асосийлари бетага, ёввойи арпа, ёввойи сули, ёввойи пиёз, шувоқ ва эфемерлар ҳам ўсади. Булар орасида бутасимонлар ҳам учраб туради. Бу ерлардан ёзги ва қишқи яйловлар сифатида фойдаланилади.

Субальп минтақасига 3500 м дан паст бўлмаган Қўчқор, Жумғал, Норин, Отбоши водийларини ўраб турган тоғ ёнбағирлари киради. Асосий тупроғи — субальп тоғли — ўтлоқ тупроқдир. Субальп ўтлоқларда асосан баланд бўйли ўтлар, шунингдек, бошоқлилардан ёввойи арпа, сули, бетагалар ўсади. Тоғларнинг шимолий ёнбағирларида буталар ва қарағай ўрмонлари учрайди. Субальп ўтлоқларидан, энг яхши яйловлар сифатида фойдаланилади.

Альп минтақаси тизма тоғларнинг энг баланд қисмларини эгаллайди. Бу ерда тоғли-дала тупроғи тарқалган. Бу минтақада қисқа бўйли майсазорлар, бетага, ёввойи пиёзлар тарқалган. Улардан чорвачиликда яйлов қаторидагина фойдаланилади. Вилоят ҳудудини 3% ини ўрмонлар ва бутазорлар ташкил қилади.

Вилоят табиий бойлигининг асосини яйловлар ташкил қилади, уларнинг умумий майдони 3 млн гектардан кўп.

**Аҳолиси.** Норин вилоятида 270,2 миң киши (1994 й) яшайди. Республика аҳолисининг 5,8% ини ташкил қилади. Аҳолининг табиий ўсиши юқори бўлганлигидан, ҳозир аҳоли сони 1926 йилга солиштирганда 2,5 баробар ўсади.

Аҳолининг ўсиш динамикасини, шаҳар аҳолиси билан овулқишлоқ аҳолисининг нисбий ҳиссасини қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин (31-жадвал).

## Норин вилоятида аҳолининг ўсиш динамикаси

Йиллар	Аҳоли сони, минг киши	Бундан		Аҳолининг умумий сонига нисбатан %да		Аҳоли зичлиги (1 км <sup>2</sup> га)
		шаҳар аҳолиси	Қишлоқ аҳолиси	шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси	
1926	102,3	1,6	100,7	1,6	98,4	2
1936	127,5	4,6	122,9	3,6	96,4	2
1959	139,2	26,5	112,7	19,0	81,0	3
1971	196,6	29,2	167,9	14,9	85,1	4
1979	233,3	40,0	193,3	17,1	82,9	5
1980	233,3	40,5	182,8	18,1	81,5	5
1986	258,2	49,5	208,7	19,2	80,8	5
1990	257,9	52,8	205,1	20,5	79,5	5
1991	259,9	54,5	205,4	21,0	79,0	5
1992	263,2	55,1	208,1	20,9	79,1	5
1993	267,9	56,0	211,9	20,9	79,1	5
1994	270,2	56,2	214,0	20,8	79,2	6
1995	263,3	56,0	207,3	21,3	78,7	5,8

1991 йилда Республикадаги табиий ўсиш 1000 кишига 22,2 киши бўлса, Норин вилоятида – 25,1 кишини, шунингдек, шаҳарларда эса 33,3 кишини ташкил қилган. Аҳоли зичлиги жуда паст, ҳар бир км<sup>2</sup> майдонга 6 киши тўғри келади, Республиканинг ўртача зичлигидан 4 баробар паст. Аҳоли зич яшайдиган жойларга Қўчқор, Жумғал, Отбоши, Норин водийларининг энг пастки, унча баланд бўлмаган қисмлари (1500 — 1800 м) киради. Баланд тоғ водийларида 5 — 10 км<sup>2</sup> га 1 одам тўғри келади.

Норин вилояти аҳолисининг ўзига хос демографик хусусиятлари бор. Биринчидан, аҳолининг миллий таркиби бир хил – 97,9% қирғизлар, бу Республикадаги қирғиз аҳолисининг 10% дан ортигини ташкил қилади. Иккинчидан, вилоятдаги аҳолининг кўпчилиги ёшлар (119,3 минг) ва меҳнатга лўқатлилар (125,2 минг), шунингдек, меҳнат ёшидан ўтганларнинг сони 21,7 минг киши ёки 8% ни ташкил қилади. Учунчидан, умумий аҳоли орасидан эркаклар билан аёллар ўртасида ҳам фарқ бор. 1992 йилдаги маълумот бўйича вилоятдаги эркаклар сони 135,6 минг, аёллар – 130,7 минг бўлган. Бошқа вилоятларда, Республика бўйича, шунингдек, мустақил ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳаммасида аёллар кўпчиликни ташкил қилади. Тўрттинчидан, аҳолининг кўпчилиги овул-қишлоқ халқи (79,2%), шаҳар аҳолиси эса 20% ни ташкил қилади. Вилоятда

биргина Норин шаҳри, Дўстлик ва Мингқуш шаҳарчалари бор. Норин шаҳрида 46,4 минг, Мингқушда – 8,6 минг, Дўстликда – 1,2 минг киши яшайди.

Вилоятда катталиги бўйича ҳар хил қишлоқлар бор. Район марказлари йирик қишлоқларга киради, масалан, Қўчқорда – 12 минг, Чаёқда – 10 минг, Отбошида – 12 минг, Баётов қишлоғида 7 минг аҳоли яшайди. Шунингдек баланд тоғли водийлардаги кичик қишлоқларда, ўзига хос маданий марказларда аҳоли сони 10-20 кишидан ошмайди. Вилоятдаги аҳолининг ярми меҳнат ресурсини ташкил қилади. 16 ёшгача бўлганларнинг сони ҳам ормоқда. Бироқ Норин вилояти чорвачилик ҳудуди бўлганлигидан, меҳнатни кўп талаб қилувчи соҳа йўқ. Шунинг учун меҳнатга қобилиятли кишиларни иш билан таъминлаш жуда катта муаммо. Охириги 3 йил давомида меҳнатга яроқли ёшларнинг кўпчилиги Бишекка, Тўқмоққа, Чуй вилоятининг бошқа районларига кўчиб кетмоқда. Бу муаммони ҳал қилиш учун келажақда вилоятнинг ҳамма районларида ишчи кучини кўп талаб қилувчи саноат тармоқларини бунёд этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Маҳмурий-ҳудудий бўлиниш.** Норин вилояти 5 қишлоқ туманидан, 49 қишлоқ кенгашидан иборат. Унга 1 шаҳар, 2 шаҳарча қарайди. Вилоят маркази – Норин шаҳри. Қишлоқ туманларига Оқтола, Отбоши, Жумғал, Қўчқор, Норин киради.

Вилоят маркази – Норин шаҳри вилоят тасарруфидаги шаҳар ҳисобланади. Мингқуш шаҳарчаси Жумғал район кенгашига қарайди.

**Хўжалиги.** Норин вилоятининг халқ хўжалагида асосий ўринни қишлоқ хўжалиги эгаллайди. Қишлоқ хўжалигининг ихтисослашган товар хўжалиги — чорвачилик. Вилоят саноати эндигина ривожланиб келаётир, бироқ унинг келажаги катта, сабаби, фойдали қазилмаларга, гидроэнергия ресурсларига жуда бой. Кейинги вақтларда Республикадаги ҳамма яйловларнинг 1/3 қисми, қўй ва йилқи (от) боши 1/4 Норин вилоятига тўғри келади. Вилоятдаги хўжаликлар Республикадаги жуннинг ва гўштнинг 1/4 қисмини тайёрлашадди, электр энергиясини ишлаб чиқаришда ва кўмир қазиб олишда ҳам унинг ҳиссаси катта.

**Саноати.** Норин вилоятининг саноати кўп тармоқли. Уларга электр энергияси ишлаб чиқариш, кўмир қазиб олиш, машинасозлик, тамаки саноати, тикувчилик, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, истеъмол буюмларини тайёрлашлар кира-

ди. Бу тармоқларнинг 15 йирик ва бир нечта майда корхоналари бор ва улар ҳозирги кунда ишлаб турибди. Вилоят ҳудуди бўйича саноат корхоналари текис жойлашган эмас.

Саноат корхоналари бор ҳудудларга Норин шаҳри, Жумғал, Қўчқор районлари, Дўстлик ва Мингқуш шаҳарчалари киради. Отбоши, Норин, Оқтола районларида саноат тармоқларининг бирортаси ҳам йўқ.

Электр энергияси ишлаб чиқариш вилоятда 60-йилларнинг охирида, кичик дарёларнинг гидроэнергоресурсларини ўзлаштиришдан бошлаган. Дастлаб, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган Кичик Қўчқор, Қуланақ ГЭС лари, районлараро миқёсдаги Отбоши ГЭСлари қурилди. Кичик маҳаллий иссиқлик станциялари ҳам бор. Вилоятнинг электр энергиясини ишлаб чиқаради. Вилоятнинг ҳамма районлари Республиканинг ягона электр энергия тизимига қўшилиб, энергия билан тўлиқ таъминланган. Вилоятда электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг келажаги катта. Вилоят ҳудудида Норин дарёсига ва унинг ирмоқларига бир нечта ГЭСлари қуриш мумкин.

Қоракеча кўмир кони базасида кучли иссиқлик электр станцияси қурилса, вилоят иқтисодиёти кескин ўзгаради.

Вилоятдаги кўмир қазиб чиқарувчи саноат корхонасига — Мингқушдаги «Оқ Улоқ» разрезни киради. Бу разрездан йилга 150 — 200 минг т тош кўмир қазиб олинади. Қазиб олинган кўмир вилоятнинг маҳаллий эҳтиёжларини қондириш учун ишлатилади. Ундан фойдаланишнинг қулай йўли уни брекетлашдир. Келажакда Қоракеча кўмирини ҳам брекетлаш режаси тузилмоқда.

Ёқилги саноатининг энг прогрессив турлари нефть билан газ чиққан районлар, Дастлабки қидирув маълумотлари бўйича Оқсой водийсида 40 — 50 млн т нефть, 1 млрд м<sup>3</sup> газ бор эканлиги аниқланади. Келажакдаги мақсад, чет эллик мутахассислар, инвесторларнинг ёрдами билан, мазкур ёқилги турларини ўзлаштиришдан иборат.

Қазиб олинувчи конларга Қўчқор районидаги «Чўнгтуз» шахтаси киради. Бу ердан қазиб олинган туз ички эҳтиёжларни қондириш учун фойдаланилади. 1995 йилдан бошлаб Султонсарни олгин конини ўзлаштириш бошланди.

Машинасозлик саноатига Жумғал районидаги «Оргтехника» заводи киради. Завод ҳозирги замон талабига жавоб берувчи давлат миқёсидаги корхона ҳисобланади. Бу заводда 2 мингдан ортиқ ишчи ишлайди. Заводга ҳам ашё ташқаридан ташиб

келинади. Асосий ишлаб чиқарган маҳсулотлари — ускуналар, автоматлаштириш асбоблари ва уларнинг эҳтиёж қисмлари. Маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашда заводнинг аҳамияти жуда катта.

Машинасозлик тармоғига Норин шаҳридаги автомобилларни техника жиҳозлари билан таъминлаш корхонаси, вилоят қишлоқ хўжалиги транспорти машиналарини, ускуналарини таъмирлаш қабилар киради. Бироқ буларнинг ҳаммаси техник жиҳатдан янгиланиш ва таъмирлаш сифатини ошириши керак.

Саноатнинг энг зарур ва яхши ривожланган тармоғи — озиқ-овқат саноати ҳисобланади. Озиқ-овқат саноати қорхоналарида чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари қайта ишланади. Бу соҳанинг йирик қорхоналарига Норин гўшт комбинати, Норин шаҳар сут заводи, Норин нон маҳсулотлари заводи, Қўчқордаги пиво заводи киради. Булардан ташқари ҳар бир район марказларида нон пиширувчи, сут маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи майда ишхоналар, Чатиркўл минерал сувини «Арашан» номи билан шишаларга қуйиш цехлари, Мингқуш нон заводи ва бошқалар мавжуд. Юқорида санаб ўтилган қорхона ва кичик ишхоналарда гўшт, сут, ёғ, нон, ун, пиво, алкоғолсиз ичимликлар, минерал сувлар, чорва учун аралаш озуқа ва бошқалар ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан, асосан, вилоят талабларини қондириш учун фойдаланилади.

Енгил саноат тармоғига Нориндаги тикувчилик фабрикаси, ҳар бир район марказидаги маиший хизмат комбинатлари, тайёр кийимлар тайёрланадиган ва пойафзал цехлари киради. Қўчқорда жун ювадиган қорхона ишлаб турибди.

Норин районида, Норин шаҳрида, Жумғал районида ўрмон хўжалиқлари ташкил этилган. Норин вилоятда босмаҳонаси ишлаб турибди.

Қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи қорхоналар, асосан Норин шаҳрига жойлашган. Булар гишт, темир-бетон конструкцияларини, симеғочларни чиқаради. Дўстлик шаҳарчасида гипс заводи ишлаб турибди. Жумғал районида форфор заводини қуриш мўлжалланган.

Норин шаҳрида, Қўчқор, Чаёқ, Отбоши, Баётов қишлоқларида маиший хизмат комбинатлари аҳолига хизмат қилади. Улар чиқарган маҳсулотлар асосан маҳаллий эҳтиёжларининга қондира олади.

Келажақда, вилоятда юқорида санаб ўтилган саноат қорхоналари ва кичик қорхоналардан ташқари, янгилари бунёд

этилиши лозим. Жетим темир конининг заҳираси бу ерга металлургия заводини қуришга имкон яратади. Сандиқнинг нефелинли сиенитининг, Қоракеча кўмирининг, тузларининг, турли рангли металллар конларининг тўлиқ ўзлаштирилиши — Юқори Норин саноат комплексининг шаклланишига имкон яратади.

Ҳозирги даврда саноат корхоналари вилоят ҳудудларида бир текисда ривожланган эмас. Саноатнинг тўпланган ва ривожланган жойи — Норин шаҳри. Норин шаҳрига вилоят саноати ишлаб чиқарган ялпи маҳсулотининг 75%и, саноат ишлаб чиқаришида банд бўлганларнинг 80%и тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги. Норин вилоятининг иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган чорвачилик асосий ўринда туради. Вилоятда қишлоқ хўжалиги тармоқларидан тушган даромаднинг 90% дан ортиғини чорвачилик беради. Республикада етиштирилган жуннинг 23 — 25%и, гўштнинг 15 — 20%и Норин вилоятига тўғри келади. Қишлоқ хўжалигининг чорвачилик бўйича ихтисослаштирилиши қишлоқ хўжалигида фойдаланувчи ерга, иқлим шароитига яраша бўлади. Ички Тяншаннинг баланд тоғли рельефи, мураккаб иқлим шароити, вегетация даврининг қисқалиги деҳқончиликни ривожланиши учун тўсқинлик қилади.

Вилоятдаги ҳамма ер майдонининг 72%и қишлоқ хўжалиги учун яроқли ҳисобланади (3 млн га). Қишлоқ хўжалигига яроқли деб топилган ернинг 93,6%и яйлов (2,75 млн га), 4 — 5% ига экин экинш мумкин (144 минг га), 1%и пичанзор (30 минг га).

Вилоят қишлоқ хўжалиги асосан майини жуни, ярим майини жуни қўйларни ва гўшт учун йирик шохли молларни боқишга ихтисослашган.

Ҳозир вилоятда аввалги 30 та колхоз, 18 совхознинг ўрнига 10 мингга яқин деҳқон хўжаликлари тузилган.

Вилоятда тоғли яйлов чорвачилиги ривожланган. Молларни қўшимча озуқа билан таъминлаш мақсадида (айниқса қиш, баҳор ойларида) деҳқончилик йўли билан озуқа кўпроқ етиштирилади бошлади (ғалла, ем-хашак). Табиий яйлов йилнинг ҳамма фасларида бирдай фойдаланилади. Бироқ улар эгаллаган ўрнига, ўсимликларнинг ҳосилдорлигига қараб қишлоқ, кузлик яйловларга бўлинади. Вилоятдаги энг катта яйловларга Оқсой, Арпа, Сўнқўл, Султонсари яйловлари, Оқсой, Қорақужур, Қўчқор, Ўргасирт қишловлари киради.

Аҳоли яшайдиган Отбоши, Жумғал, Норин, Қўчқор водий-

ларининг яйловлари баҳор, ёз, куз, қиш фаслларида тўлиқ фойдаланилади. Вилоятдаги ҳамма озуқанинг 70% дан кўпроғи яйловлардан олинади. Қолган 30% озуқа пичан ғамлашдан, деҳқончиликдан олинади. Чорвачилик маҳсулдорлигини кўтариш мақсадида Норин, Оқтола чорвачилик машина станциялари қурилган. Улар олис яйловларга пичан уруғларини сепиб, уларни суғориб, ҳосилдорлигини юқорилатиб, янги ерларни ўзлаштириш бўйича катта ишларни бажаришмоқда.

Норин вилоятида чорва молларининг ҳамма турлари боқилади. Асосий ўринни қўйчилик эгаллайди. Бу хўжалик тури халқ хўжалигидан тушган даромаднинг 70% ини беради. 1991 йилда вилоятдаги қўйларнинг сони 2,3 млн га етган. Ҳозир эса жуда озайиб кетган. Қўйлар сонининг ўсиш динамикаси қуйидагича: 1940 йилда – 663 минг, 1960 йилда – 1,2 млн, 1970 йилда – 2,1 млн, 1980 йилда – 2,2 млн, 1990 йилда – 2,3 млн га етган. Вилоятда қўйларнинг сони бўйича биринчи ўринда Қўчқор райони (510 минг), кейинги ўринларда Отбоши райони (480 минг) ва Норин райони (450 минг) туради. Қўйларнинг кўпчилиги қирғиз майин жули ва Тяншан ярим майин жули қўйлардир. Вилоятнинг ҳамма районларида майин жули қўйлар, Норин, Отбоши районларининг айрим хўжаликларида ярим майин жули қўйлар боқилади. Вилоят хўжаликларида йирик шохли молларнинг Олатов зотидан 92,6 минг боши боқилади. Улар асосан гўшт ва сут учун боқилади. Мол чорвачилигининг асосий камчилиги сут маҳсулотларининг озлигидир. Ҳар бир сигирдан 2200 кг дан сут соғиб олинади. Бу кўрсаткич Республика бўйича ўртача 2700 кг дан ортиқ бўлса, Чуй вилоятида 3200 кг ин ташкил қилади. Сут маҳсулотларини кўпайтиришнинг асосий йўли — ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, соғин сигирларини хўл озуқалар билан рацион асосида боқиш, насл берадиган моллар сонини кўпайтириш. Йилқичиликда асосан, янги Қирғизистон зотли отлари боқилади. Ҳозир уларнинг умумий сони 67 минг бошни ташкил қилади. Улар асосан гўшт ва қимиз олиш учун боқилади. Баланд тоғли водийларда, баланд қояли тоғ ёнбағирларида, бошқа моллар ўтлай олмайдиган яйловларда қўтослар боқилади. Қўтослардан олинadиган гўшт-сут маҳсулотларининг таннархи жуда арзон, сабаби уларни боқишга, парваришига кетган ҳаражат йўқ ҳисобида.

Вилоятда деҳқончилик қишлоқ хўжалигининг чорвачиликдан кейинги аҳамиятли соҳаларидан бири ҳисобланади. Кўп йиллар давомида бу соҳа қўшимча тармоқ бўлиб келган. Бу ал-

батта нотўғри, сабаби, деҳқончиликни ривожлантирмай туриб чорвачиликни интенсив йўлга солиб бўлмайти. Ҳозирги пайтда деҳқончиликнинг асосий вазифаси фақатгина чорвачиликка озуқа тайёрлашгина эмас, балки вилоят учун, маҳаллий аҳоли учун ғалла, картошка, сабзавотларни ҳам етиштириб беришдир. Кейинги йилларда ҳамма қишлоқ хўжалигига яроқли 144 минг гектар ернинг 61,5 минг гектарига ғалла ўсимликлари, 540 гектарига картошка, 100 гектар ерга сабзавот, 20,4 минг гектар ерга бир йиллик озуқабоп ўсимликлар экилади. Экин майдонларининг деярли ҳаммаси суғорилади. Деҳқончиликнинг асосий тармоғи — ғаллачилик хўжаликлари дир. Охириги 30 йил мобайнида ғалла экиладиган майдонларда ҳеч қандай ўзгариш бўлганича йўқ. Йил сайин бир хил қолипда, 55 — 60 минг гектар ерга экилади. Ғалла ўсимликлари орасида асосий ўринни арпа ва буғдой эгаллайди. Улар асосан Қўчқор, Жумғал, Норин, Отбоши водийларининг қуйи қисмларига экилади. Экин майдонларининг 80% ига арпа экилади. Норин вилоятининг йилига 0,5 млн тонна ҳосил йиғиб олиш учун тўлиқ имконияти бор. Бунинг учун, биринчидан, ҳосилдорликни 2 баробар юқорилатишга эришиш, иккинчидан, экин майдонларини бошқа озуқа ўсимликлари ҳисобидан камидан 1,5 баробар кўпайтиришга эришиш керак.

Маҳаллий аҳоли эҳтиёжини қондириш учун вилоятнинг ҳамма районларида картошка ва сабзавотлар экилади. Бироқ уларнинг ҳосили Республикадаги ўртача ҳосилдорликдан 3 марта оз. Ҳозир вилоят бўйича гектар бошига картошкадан 52 ц, сабзавотдан 55,2 ц ҳосил олинса, Республика бўйича эса, улар мос равишда 136,6 ц ва 179,7 ц ни ташкил қилади.

Озуқа ўсимликларининг майдони 1940 йилга нисбатан 10 баробар кўпайди. Кўп йиллик дуккакли ўсимликлардан беда, эспарцет экилади. Беда вилоятнинг ҳамма районларида, эспарцет эса Отбоши ва Қўчқор туманида экилади. Ўртача ҳосилдорлик гектарига 53 — 55 центнер, бир йиллик озуқа ўсимликларига қараганда ҳосил икки ҳисса кўп олинади. Баланд тоғли Қорақужур, Ўрта сиртларда арпа, сули экилади. Жумғал туманининг айрим жойларида силос ва сувли ерларда озуқа учун маккажўхори экилади. Жумғал, Қўчқор, Норин туманларининг айрим хўжаликларида озуқа учун лавлаг, турнепс (хашаки шолғом) экилади.

Келажакда Норин, Жумғал, Қўчқор водийларининг қуйи қисмларида мева боғдорчилигини ташкил этиш мумкин. Келажакда деҳқончиликни хилма-хил усулларида фойдаланил-

са бўлади. Бироқ вилоят учун энг афзали — суформа деҳқончиликдир.

Транспорти. Вилоятдаги транспортнинг асосий тури — автомобиль транспортидир. Давлат миқёсидаги Бишкек — Балиқчи — Норин — Туроғарт автомагистралидан вилоятнинг ҳамма томонларига, жумладан Қўчқор — Чаёқ — Мингқуш, Сарибулоқ — Арчали, Сарибулоқ — Қорақужур, Сарибулоқ — Тўлўқ, Норин — Баётов — Казарман — Жалолобод, Отбоши — Қинди — Оқсой йўллари солинган.

Вилоятда юк ташишнинг деярли ҳаммаси автомобил транспортига тўғри келади. У орқали ташқи, ички юклар, йўловчилар ташилади. Норин вилояти тоғли, баланд тоғли биридан олин турувчи водийлардан ташкил топганлиги учун автомобиль транспорти келажакда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Бироқ вилоят инструкциясини ривожлантириш, уни ҳақиқий ривожланган регионга айлантириш, темир йўлсиз мумкин эмас. Ички Тяншан тоғлари бағрида ётган фойдали қазилмаларни ишга тушириб, қора ва рангли металлургияни ривожлантириш темир йўлсиз амалга ошмайди. Вилоятда ҳаво транспорти йўловчиларни ва тез ташилиши зарур бўлган юкларни ташийди. Норин шаҳридаги кичкинагина аэропорт Бишкек, Ўш, Иссиқкўл вилоятларининг шаҳарлари билан алоқа қилиб туради. Норин вилояти баланд тоғли бўлганлиги сабабли, келажакда ҳаво транспортининг аҳамияти ортади, айниқса вертолет жуда қўл келади. Жуда баланд қоя-тошли, тор дарали, баланд тоғли Ички Тяншанда чорвачиликни от-уловсиз ривожлантиришни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Норин вилояти ҳудудида қандай табиий ресурслар бор ва улар халқ хўжалигида қандай фойдаланилмоқда?
2. Вилоят аҳоли географияси қандай ўзига хос хусусиятларга эга?
3. Қишлоқ хўжалиги нималарга ихтисослаштирилган, унга баланд тоғли йилловларнинг таъсирини тушунтириб бериш?
4. Саноатнинг ривожланиши нималарга боғлиқ эканлигини тушунтириш.

## ИЛОВАЛАР

1-жадвал

### Қирғизистон Республикаси аҳолисининг умумий сони ва овул-қишлоқ аҳолиси

Йиллар	Жами аҳоли, минг киши	Шундан		Аҳолининг умумий сонига нисбатан % ларда	
		шаҳар аҳолиси	овул-қишлоқ аҳолиси	шаҳар аҳолиси	овул-қишлоқ аҳолиси
1985	3975,7	1509,7	2466,0	38,0	62,0
1990	4367,2	1663,8	2703,4	38,1	61,9
1991	4422,2	1684,3	2737,9	38,1	61,9
1992	4484,5	1697,4	2787,1	37,8	62,2
1993	4502,0	1678,7	2823,3	37,3	62,7
1994	4462,6	1588,4	2874,2	35,6	64,4
1996	4546,8	1581,3	2965,5	34,8	65,2

2-жадвал

### Аҳолининг вилоятлар бўйича тақсимланиши Жалолобод вилояти

Йиллар	Жами аҳоли, минг киши	Шундан		Аҳолининг умумий сонига нисбатан % ларда	
		шаҳар аҳолиси	овул-қишлоқ аҳолиси	Шаҳар аҳолиси	овул-қишлоқ аҳолиси
1985	678,3	201,6	476,7	29,7	70,3
1990	766,6	228,2	538,4	29,8	70,2
1991	782,2	230,9	551,3	29,5	70,5
1992	800,2	234,0	566,2	29,2	70,8
1993	812,8	232,3	580,5	28,6	71,4
1994	817,0	224,0	593,0	27,4	72,6
1996	844,0	222,3	621,7	26,3	73,7

### Иссиқкўл вилояти

1985	385,7	119,9	285,8	31,1	68,9
1990	418,1	135,0	283,1	32,3	67,7
1991	426,4	139,0	287,4	32,6	67,4
1992	428,8	140,2	288,6	32,7	67,3
1993	429,3	139,0	290,3	32,4	67,6
1994	424,7	135,0	289,7	31,8	68,2
1996	428,1	134,7	293,4	31,5	68,5

**Норин вилояти**

1985	242,2	46,9	195,3	19,4	80,6
1990	257,9	52,8	205,1	20,5	79,5
1991	259,9	54,5	205,4	21,0	79,0
1992	263,2	55,1	208,1	20,9	79,1
1993	267,9	56,0	211,9	20,9	79,1
1994	270,2	56,2	214,0	20,8	79,2
1996	262,7	55,8	206,9	21,2	78,8

**Ўш вилояти**

1985	1141,6	327,3	814,3	28,7	71,3
1990	1295,0	359,6	935,4	27,8	72,2
1991	1322,5	363,3	959,2	27,5	72,5
1992	1353,8	367,7	986,1	27,2	72,8
1993	1380,9	368,5	1012,4	26,7	73,3
1994	1394,0	357,4	1036,5	25,6	74,4
1996	1451,5	363,5	1087,8	25,1	74,9
1997	1123,2	269,6	853,6	24,0	75,9
1998	1147,3	272,1	875,2	23,7	76,3
1999	1171,3	275,2	896,1	23,5	76,5
2000	1193,3	281,3	912,0	23,6	76,4
2001	1211,7	285,4	926,3	23,5	76,4
2002	1230,3	288,6	941,7	23,4	76,5

**Талас вилояти**

1985	183,1	28,5	154,6	15,6	84,4
1990	197,4	32,3	165,1	16,4	83,6
1991	198,6	32,8	165,8	16,5	83,5
1992	201,8	32,7	169,1	16,2	83,8
1993	203,0	32,5	170,5	16,0	84,0
1994	203,1	31,5	171,6	15,5	84,5
1996	206,6	31,2	175,4	15,1	84,9

**Боткен вилояти**

1989	316,7	81,6	235,0	25,7	74,2
2002	398,9	103,6	295,3	25,9	74,0

**Чуй вилояти**

1985	764,2	213,9	550,3	28,0	72,0
1990	797,6	224,7	572,9	28,2	74,8
1991	791,2	226,0	565,2	28,6	71,4
1992	790,6	225,1	565,5	28,5	71,5
1993	774,0	219,6	554,4	28,4	71,6
1994	746,7	180,5	566,2	24,2	75,8
1996	753,4	176,3	577,1	23,4	76,6

**Бишкек шаҳри  
(Чоңариқ шаҳарчаси ва Ўртасой қишлоғи билан)**

1985	580,6	571,0	9,0	98,4	1,6
1990	634,6	631,2	3,4	99,5	0,5
1991	641,4	637,8	3,6	99,4	0,6
1992	646,1	642,6	3,5	99,5	0,5
1993	634,1	630,8	3,3	99,5	0,5
1994	606,9	603,8	3,1	99,5	0,5
1996	600,5	597,3	3,2	99,5	0,5

3-жадвал

**Аҳолининг миллий таркиб**

Миллатлар	Аҳоли сонининг киши			Умумий аҳоли таркибига нисбатан % ларда		
	1991	1992	1993	1991	1992	1993
Жами аҳоли	4389,5	4451,8	4450,7	100	100	100
Бундан:						
Қирғиизлар	2371,6	2450,4	2656,1	54,0	55,0	59,7
Руслар	905,4	888,7	916,5	20,6	20,0	16,2
Ўзбеклар	508,3	593,3	625,4	13,2	13,3	14,1
Украинлар	104,4	101,1	75,7	2,4	2,3	1,7
Татарлар	72,3	71,5	55,6	1,6	1,6	1,2
немислар	70,0	56,3	26,1	1,6	1,3	0,6
қоляқлар	39,5	40,9	41,6	0,9	0,9	0,9
тожиклар	34,7	35,2	33,5	0,8	0,8	0,8
азарбайжонла	15,4	16,1	17,9	0,4	0,4	0,4
беларуслар	9,0	8,8	7,0	0,2	0,2	0,16
арманлар	3,9	3,8	3,6	0,1	0,1	0,1
яхудийлар	4,2	3,6	1,9	0,1	0,1	0,04
бошқа миллатлар	178,8	182,9	183,6	4,1	4,0	4,1

4-жадвал

**Аҳоли табиий ўсишининг умумий кўрсаткичлари**

Йиллар	Табиий ўсish миқдори			1000 кишига нисбатан табиий ўсish		
	туғилганлар	ўлганлар	табиий ўсish	туғилганлар	ўлганлар	табиий ўсish
1985	128460	32332	96128	32,0	8,1	23,9
1990	128810	30580	98230	29,3	7,0	22,3
1991	129536	30869	98677	29,1	6,9	22,2
1992	128352	32163	96189	28,6	7,2	21,4
1993	117311	34594	82717	26,1	7,7	18,4
1995	147146	36447	800699	25,9	8,1	17,8

## Аҳоли миграциясининг мамлакатлар бўйича (1995 й.)

Мамлакатлар	Сони		Миграция кўрсаткичи
	кўчиб келганлар	Кўчиб кетганлар	
Қирғизистон Республикаси, бундан: ҳамдўстлик мамлакатлари бўйича	18368	37302	*)-18934
Озарбайжон	18157	28603	-10446
Арманистон	101	39	+62
Белоруссия	17	6	+11
Грузия	110	161	-51
Қозоғистон	19	17	+2
Молдова	3679	1969	+710
Россия	7	24	-17
Тожикистон	9867	2011	-10250
Туркменистон	1632	264	+1368
Ўзбекистон	89	49	+40
Украина	2248	4228	-1980
Латвия	388	729	-341
Литва	13	4	+9
Эстония	3	12	-9
чет мамлакатларга	6	5	+1
	189	8678	-8489

\*)Миграция белгиси (—) кетганлар кўп  
(+ ) келганлар кўп



**Иш билан банд аҳолининг ҳалқ хўжалиги тармоқлари бўйича бўлиниши, 1995 йил ( % ҳисобида)**

Иш билан банд жами аҳоли	100%
Шундан:	
Саноат ва қурилишда	19,3
Қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалигида	42,0
Транспорт ва алоқада	5,2
Моддий техника таъминоти ва савдода	7,7
Маориф, маданият, савнат, фан ва илмий муассасаларда	18,0
Бошқарув органларида, кредитлаш ва давлат сугуртасида	4,0
Бошқа соҳаларда	2,7

8-жадвал

**Ишсизлар сони**

Сана	Рўйхатга олинган ишсизлар	Бундан нафақа олинганлар
1991 йил 1 августи	94	-
1992 йил 1 январга	136	74
1993 йил 1 январга	1796	1512
1994 йил 1 январга	2936	1733
1995 йил 1 ноябрга	43200	26784

9-жадвал

**Ишлаб чиқарилган саноат муҳсулотларининг асосий турлари ҳамми**

Муҳсулотларининг турлари	1985	1990	1991	1995
1	2	3	4	5
Электр энергияси млн кВт	10472	13370	14171	12283
Нефть (газ конденсатлари билан)	190	155	143	88,5
Табийий газ, млн м <sup>3</sup>	115	96	83	35,7
Кўмир, минг т	3949	3742	3473	473,7
Йиринк электр машиналари, дона	610	1263	1125	64
Ўзгарувчан электр ҳаракатлантيرувчи, минг дона	368	275	235	49
Электр лампочкалари, минг дона	378,0	319,8	298,8	137,7
Металл кесувчи станоклар, дона	1382	1342	1146	27

1	2	3	4	5
Темір прессловчи машина, дона	512	317	324	-
Электр нами, минг дона	20,2	23,5	17,4	1,0
Пичан пресслагич машиналар, минг дона	35,1	23,4	20,0	0,2
Насослар, минг дона	45,4	48,5	43,5	12,1
Юк ташувчи машиналар, минг дона	24,2	24,3	23,6	-
Цемент, минг т	1208,6	1387,3	1320,3	309,5
Қурилиш оҳактоши, минг т	87,2	85,5	69,2	5,2
Темір бетон конструкциялари ва буюмлари, минг дона	1014,8	1251,7	1160,2	72,2
Ғишт, млн дона	529	819	842	80
Шифер, млн дона	102,8	177,6	175,4	66,4
Бинокорлик ойналари, млн м <sup>2</sup>	9,1	1,0	0,0	2,1

### Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг тармоқлар бўйича бўлиниши

Тармоқлар	1985		1990		1993		1996 йил, январ	
	минг га	%	минг га	%	минг га	%	минг га	%
Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар жами	10467,0	100	10431,0	100	10806,0	100	10620,0	100
Шундан экни экишга яроқли ерлар	1300,7	12,4	1309,9	2,6	1312,0	12,1	1308,1	12,3
ўзлаштирилмаган ерлар	16,0	0,2	11,7	0,2	11,4	0,1	18,5	0,1
кўп йиллик мевали боғлар	44,3	0,4	44,7	0,4	44,2	0,4	44,8	0,4
пичанзорлар	220,8	2,1	207,5	2,0	188,5	1,7	159,5	1,6
табiiий яйловлар	8885,4	84,4	8661,0	4,9	9250,8	85,6	9089,2	85,6

## Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

Тури	1990 йил		1995 йил	
	млн сўм	%	млн сўм	%
Хўжаликнинг ҳамма тури				
Жами	15,1	100	9563,0	100
Деҳқончилик	5,5	36,8	4457,3	46,6
Чорвачилик	9,6	63,2	5105,7	53,4
Хусусий мулкчиликнинг ҳамма турлари бўйича				
қишлоқ хўжалиги корхоналари				
Жами	12,1	100	2099,9	100
Деҳқончилик	5,9	48,7	1679,9	80,0
Чорвачилик	6,2	51,3	420,0	20,0
Аҳоли шахсий томорқа хўжалиги				
Жами	11,4	100	5867,9	100
Деҳқончилик	1,9	25,7	1875,3	32,2
Чорвачилик	9,5	74,3	3992,6	67,8
Деҳқон (фермер) хўжалиги				
Жами	-	-	1595,2	100
Деҳқончилик	-	-	902,1	56,6
Чорвачилик	-	-	693,1	43,4

**Хўжаликнинг ҳамма турлари бўйича қишлоқ  
хўжалиги маҳсулотларининг таркиби  
(% ҳисобида)**

Хўжалик турлари	1985 й	1993 й	1995 й
Хўжаликнинг ҳамма турлари, буқдан:	100	100	100
Хусусий мулкчиликнинг ҳамма турлари бўйича			
қишлоқ хўжалиги корхоналари	76	45	23
Аҳоли шахсий хўжалиги	24	45	61
Деҳқон (фермер) хўжалиги	-	9	16

**Қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг экин майдонлари**  
(хўжаликнинг ҳамма турлари бўйича минг га)

	1913й	1985 й	1990 й	1993 й	1995 й
Ўами экин майдонлари	640	1292	1294	1258	1199,8
Ўумладан:					
ғалла экинлари	556	534	537	624	559,6
шундан: бутдой маккажўхори	351	218	194	338	363,9
техника ўсимликлари	31	59	66	41	35,0
шундан: пахта	31	73,7	52,1	71,2	114,5
тамаки	22	28,4	29,7	20,3	33,2
картошка	-	28,4	19,1	22,2	8,5
сабзавот	13	44,9	53,1	43,7	80,0
полза экинлари	4	20,9	25,2	26,6	43,8
шундан: картошка сабзавот	5	18,4	20,7	14,9	32,2
озуқа экинлари	40	639,7	641,4	519,2	445,7
шундан: кўп йиллик ўсимликлар (пичанбоп)	-	377,5	381,8	330,9	293,2

**Қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ялпи ҳосили**  
(хўжаликнинг ҳамма турлари бўйича ўртача  
йиллик маҳсулот ҳисобидан)

Экин турлари	1985 й	1990 й	1993 й	1995 й
Ғалла экинлари ялпи ҳосили, минг т	1477,1	1572,9	1595,2	981,2
ҳосилдорлиги ц/га пахта (тозаланимагани)	27,7	29,3	25,6	19,5
ялпи ҳосили, минг т	57,8	80,8	49,2	74,5
ҳосилдорлиги, ц/га	20,4	27,3	24,2	22,4
картошка, ялпи ҳосилон, минг т	306,5	365,1	308,3	431,6
ҳосилдорлиги, ц/га	137	136	108	98,7
сабзавот, ялпи ҳосилон, минг т	445,2	187,3	259,3	318,4
ҳосилдорлиги, ц/га	199	196	140	103,2

**Чорва моллари сони**  
(хўжаликнинг ҳамма турлари бўйича, йил  
бошидан минг бош ҳисобида)

Турлари	Йиллар						
	1916	1941	1985	1990	1993	1995	1996
Йирик шохли моллар шундан:	519	556	1110	1205	1062	920,1	869,0
соғин ситирлар	188	210	426,9	506,1	511,2	480,9	471,0
қўй-эчкилар	2544	2529	10200	9972,5	7322,3	5076,4	4274,8
чўчқалар	27	87	249,3	393,4	169,4	117,8	113,6
ёнақалар	708	408	278,5	312,6	321,8	299,0	308,1

**Чорвачилик маҳсулотлари**  
(ҳамма хўжаликлар бўйича минг тонна)

	1913 й	1940 й	1980 й	1990 й	1993 й	1995 й
Гўшт (сўйилган вазнда)	39	41	158	254,1	223,4	179,9
Сут	91	210	681	1185,0	941,7	864,2
Жун	5	3	32	39	30,8	14,2

**Енгил саноат маҳсулотларининг асосий  
турларини ишлаб чиқариш**

Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	1940 й	1980 й	1990 й	1993 й	1995 й
1	2	3	4	5	6	7
Пахта толаси	минг т	27,9	63,4	13,9	5,4	5,4
Ипак хомашёси	тонна	84	97	92,0	60,8	17,0
Пайпоқлар	ман ж.	0,3	13,9	113,3	82,9	42
Турдан тўзилган ирвчи кийимлар	ман. дона минг	0,1	12,3	38,7	24,1	8,8
Турдан тўзилган ташви кийимлар	юфрт	0,07	5,6	20,3	14,6	8,8

	2	3	4	5	6	7
Кийиз оёқ кийими	минг жуфт	20	80	91	-	-
Булгори оёқ кийими	млн жуфт	1,8	9,8	11,6	3,5	0,7
Гилам ва гиламдан ишланган буюмлар	минг м <sup>2</sup>	-	-	2004	1612	979,7
Ўзундан тўқилган газамалар	млн м <sup>2</sup>	-	-	11,6	7,2	2,0
Ипакдан тўқилган газамалар	млн м <sup>2</sup>	-	-	13,5	9,7	1,1

**Озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий  
турларини ештириш**

Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	Йиллар				
		1940	1980	1990	1993	1995
Шакар	минг т	65,5	270,4	379,9	115,8	69,7
Қолбаса	-	2,6	76,7	19,8	5,3	2,1
Гўшт	минг т	16,8	109,5	113,8	22,7	7,8
Молёғи	-	1,2	10,3	12,3	6,9	1,9
Ёғли пишлоқ	-	4,4	4,8	6,2	2,0	0,823
Тоза сут (ёгга айлантириб ҳисобланганда)	минг т	-	197,8	257,9	64,5	13,9
Ўсимлик ёғи (суяқ ёғ)	-	0,4	20,4	14,0	4,1	2,6
Консерва маҳсулотлари	млн банка	7,3	147,8	146,7	54,2	11,7
Қаңдолатчилик Макарон маҳсулотлари	мингт - -	1,3 0,3	37,0 6,2	31,6 6,8	9,5 13,6	9,4 0,02
Нон	-	113,6	233,1	244,1	288,8	88,4

**Жамоат транспортининг турлари бўйича  
юкларни ташиш (млн. т.)**

Транспорт турлари	1985 й	1990 й	1991 й	1992 й	1993 й	1995 й
Транспортнинг ҳамма турлари	100,6	109,8	103,3	49,7	16,8	5,2
Бундан: автомобиль	91,5	101,1	96,2	43,9	14,6	4,3
темир йўл	8,5	8,0	6,5	5,5	2,1	0,9
ички сув йўли,						
минг т	567,0	646,8	550,1	338,1	132,7	-
ҳаво йўли, минг т	14,8	10,8	9,4	5,0	0,8	-

20-жадвал

**Жамоат транспортининг турлари бўйича  
юкларни ташиш (млн. киши)**

Транспорт турлари	1985 й	1990 й	1991 й	1992 й	1993 й	1995 й
Транспортнинг ҳамма турлари	615,2	656,6	609,7	445,0	267,9	237,1
Бундан: автомобиль (таксини қўшганда)	537,7	577,9	535,9	381,1	223,6	181,9
темир йўл	0,98	1,4	1,4	1,7	2,8	0,820
ички сув йўли,	0,09	-	-	-	-	-
ҳаво йўли(авиация)	1,5	1,8	1,7	0,99	0,3	0,514
троллейбус	75,0	75,5	70,7	61,2	41,2	53,9

21-жадвал

**Юк ва йўловчиларни ташишда автомобил  
корхоналарининг улуши (% ҳисобида)**

Корхоналар	Юк ташиш			Йўловчиларни ташиш		
	1992 й	1993 й	1995 й	1992 й	1993 й	1995 й
Жами автомобиль транспорти	100	100	100	100	100	100
Шундан: транспорт вазирлиги	56,9	31,5	23,6	48,4	49,1	42,2
Транспорт вазирлиги таркибидagi акционерлик жамияти	41,5	65,8	76,4	12,6	11,0	24,6
Бишкек шаҳар департаменти	1,6	2,7	-	39,60	39,9	33,2

## АДАБИЁТЛАРИ

**Ахасев А.** Қирғизистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси ва бундан келиб чиқувчи кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида. Бишкек, «Учқун» 1993.

**Ахасев А., Эшенкулов П.** Электрон ҳисоблаш машинаси бизнинг дўстимиз. Фрунзе «Мектеп» 1989.

**Гаипкулов. И.Т., Обдунов Э.А., Бусурманова Т.К.** Боткен вилоятининг иқтисодиёти келажакдаги вазибалари. Ўш шаҳри, 2000 й.

**Бакиров Н.Б.** Чуйская долина (экономико-географическая характеристика). Бишкек, «Илим», 1995.

**Бакиров Н.Б., Исасев А.И.** ва б. Қирғизистон Республикасининг географияси (ўқув кўлланма). Фрунзе, «Мектеп», 1992.

**Бакиров Н.Б., Токомбаев Ш.Т.** Географик терминларнинг русча-қирғизча луғати. Бишкек, «Илим», 1995.

**Гречко В.В.** География населения (с основами демографии и географии населения Киргизстана). Учебное пособие. Бишкек, "Илим", 1991.

**Жыргалбеков Т.М., Лункин Ю.М.** Туризм в Кыргызстане. Бишкек, «Кыргызстан», 1993.

**Ибрагимов С.И.** Ошская область Кыргызстана. Фрунзе, «Кыргызстан», 1979.

**Исасев А.И.** Формирование и развитие агропромышленного комплекса Киргизии. Фрунзе, «Кыргызстан», 1985.

**Исасев А.И., Картавов М.М.** Табиат – бойлигимиз. Фрунзе, «Кыргызстан», 1971.

**Исасев А.И., Алиев З., Токомбаев Ш.** Тоғ кўйнидаги ям-яшил маржон (Иссиқкўл вилояти). Фрунзе, «Кыргызстан», 1982.

Қирғиз ўлкаси. Энциклопедия (ер-сув номлари). Фрунзе, 1990.

Кыргыз ССРи. Энциклопедия. Фрунзе, 1983.

**Оторбаев К.** Проблемы размещения производительных сил и формирования территориально-производственных комплексов. Фрунзе, «Кыргызстан», 1974.

Ошская область. Энциклопедия. Фрунзе, 1987.

Проблемы развития и размещения производительных сил Кыргызской ССР (Экономическое районирование) /под ред. академика К. Оторбаева. Фрунзе, «Илим», 1976.

Рязанцев С.Н., Павленко В.Ф. Киргизская ССР. М., Географгиз, 1960.

Токомбаев Ш., Абилгазиев А., Чормонов Б., и др. Иссык-Кульская область Киргизской ССР. Фрунзе, «Кыргызстан», 1982.

Чуй вилюяти. Энциклопедия. Бишкек, 1994.

Талас вилюяти. Энциклопедия. Бишкек, 1995.

Иссиқкўл вилюяти. Энциклопедия. Бишкек, 1995.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
-------------	---

### І Б Ў Л И М

Қирғизистон Республикаси табиғий географияси.....	5
1. Қирғизистоннинг географик жойлашиши, чегаралари ва ер юзиде тутган ўрни.....	5
1.1. Қирғизистоннинг географик жойлашиши.....	5
1.2. Қирғизистон чегаралари .....	7
1.3. Қирғизистон дунё снсіей харитасида .....	10
2. Рельефи, геологик тузилиши ва фойдали қазилмалари .....	12
2.1. Қирғизистон Республикаси ер юзасининг асосий хусусиятлари.....	12
2.2. Геологик ривожланиш тарихи, ер юзасининг тараққиети ва тектоникаси .....	21
2.3. Қадимий музликлар .....	26
2.4. Рельефининг умумий хусусиятлари .....	30
2.5. Қазилма бойликлари .....	37
3. Иқлими .....	41
3.1. Иқлимнинг таркиб топишига таъсир этувчи асосий омиллар .....	41
3.2. Иқлим ҳосил қилувчи элементларнинг ўзинга хос хусусиятлари .....	44
3.3. Иқлимнинг баландлик минтақалари бўйича ўзгариши ва регионал хусусиятлари .....	54
4. Музликлар ва абадий музликлар .....	58
4.1. Музликларнинг жойлашиши .....	58
4.2. Музликлар жойлашишидаги умумий қонуниятлари .....	63
4.3. Абадий музликлар .....	69
4.4. Музликларнинг табиатдаги ва халқ хўжалигидаги аҳамияти .....	72
5. Сувлари .....	74
5.1. Дарёлари .....	75
5.2. Кўллари ва сув омборлари .....	86
5.3. Ер ости сувлари .....	91
6. Тупроқлари .....	97
6.1. Тупроқ ҳосил қилувчи омиллар ва тупроқ ҳосил бўлишидаги умумий қонуниятлар .....	97
6.2. Тоғ тупроқларининг ўзинга хос хусусиятлари .....	100
7. Ўсимликлари .....	102
7.1. Ўсимликларининг тарқалишидаги асосий қонуниятлар .....	102
7.2. Ўсимликларининг баландлик минтақалари бўйича тарқалиши .....	105
8. Ҳайвонот дунёси .....	111

8.1. Ҳайвонот дунёсининг тарқалиш қонуниятлари .....	111
8.2. Ҳайвонот оламининг хилма-хиллиги ва баландлик минтақалари бўйича тарқалиши .....	112
8.3. Ноеб ва йўқолиб кетаётган ҳайвон турлари .....	117
9. Ландшафтлари .....	119
9.1. Ландшафтларни ҳосил қилувчи омиллар ва ландшафтларнинг тузилиши .....	119
9.2. Ландшафтларнинг ҳудудлар бўйича тарқалиш қонуниятлари .....	121
9.3. Маданий ландшафтлар .....	127
10. Табиий-географик райолаштириш .....	129
10.1. Қирғизистон ҳудудини райолаштириш шартлари .....	129
10.2. Шимолий Тяньшан .....	132
10.3. Иссиқкўл ботиғи .....	135
10.4. Марказий Тяньшан .....	142
10.5. Ички Тяньшан .....	147
10.6. Жануби-Ғарбий Тяньшан .....	154
10.7. Олой-Туркистон .....	159
10.8. Олой водийси .....	163
11. Табиат муҳофазаси ва қўриқхоналари .....	167
11.1. Табиат бойликлари ва улардан фойдаланиш .....	167
11.2. Қирғизистонда табиатни муҳофаза қилиш масалалари .....	169
11.3. Муҳофазаланадиган ва махсус муҳофазага олинган жойлар, кам учрайдиган ва йўқолиб бораётган жониворлар .....	173

## И Б Ў Л И М

### Қирғизистон Республикаси ижтимоий ва иқтисодий географияси

12. Қирғизистон Республикаси ижтимоий географияси .....	177
12.1. Қирғизистон Республикасининг аҳолиси, уларнинг жойлашиши, меҳнат ресурслари .....	177
12.2. Ижтимоий таъминот комплекси .....	208
13. Маъмурий-ҳудудий бўлиниши. Давлат тузилиши. Сийёсий партиялар ва ташкилотлар .....	218
14. Ҳўжалигининг тузилиши, ривожланиши, корхоналарини хусусийлаштириш .....	225
14.1. Саноат тармоқлари ва тармоқлараро комплекслар .....	227
14.2. Ёқилғи-энергетика комплекси .....	233
14.3. Металлургия комплекси .....	239
14.4. Машинасозлик комплекси .....	243
14.5. Ҳимия саноати .....	251
14.6. Ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати .....	254
14.7. Қурилиш саноати комплекси .....	257
15. Аграр саноат комплекси (АСК) .....	261
15.1. Қишлоқ ҳўжалиғи – аграр саноат комплексининг ўзати .....	263
15.2. Қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари ва хом ашёларни қайта ишловчи тармоқлар .....	287
16. Рекреация комплекси .....	304

17. Транспорт комплекси .....	312
18. Ташқи иқтисодий ва ижтимоий алоқалар .....	326
19. Иқтисодий районлаштириш .....	337
19.1. Шимолий Қирғизистон (Чуй вилояти) .....	339
19.2. Шимоли-Ғарбий Қирғизистон (Талас вилояти) .....	359
19.3. Жануби-Ғарбий Қирғизистон (Ўш, Жалолобод вилоятлари) .....	370
19.4. Боткен вилояти .....	385
19.5. Шарқий Қирғизистон (Иссиқкўл вилояти) .....	389
19.6. Ички Тяншан (Норин вилояти) .....	409
Иловалар .....	422
Адабиётлар .....	434

Учебное издание

**Б. Бакиров, А. И. Исаев, О. А. Осмонов**

**ГЕОГРАФИЯ КЫРГЫЗСКОЙ РЕСПУБЛИКИ**

Учебник для 8 — 9 классов

на узбекском языке

Оқуу басылмасы

**Г. Б. Бакиров, А. И. Исаев, О. А. Осмонов**

**КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫҢ ГЕОГРАФИЯСИ**

8 — 9-класстары үчүн оқуу китеби

ўзбек тилинде

Ўқув нашриёти

**Н. Б. Бакиров, А. И. Исаев, О. А. Осмонов**

**ЎРҒАЗ РЕСПУБЛИКАСИ ГЕОГРАФИЯСИ**

(Ўрта мактабларнинг 8 — 9-синфлари учун дарслик)

Ўзбек тилидан **Абдувоҳоб Қирғизбоев** таржима қилди.

Муҳаррирлар: **М.Т.Мамасядов, С. Набиева**

Бадний редактор: **К.Кобналис**

Тех. редактор: **Ж.Сооронкулова**


Компьютерда терганлар: **Х.Рўзиева, Д.Аббосова, М.Тешабоева**

Саҳифаловчилар: **Д.Султонмамедов, Р. Муқанбетова**

**ИБ 1234**

Теришга 22.03.2003. рухсат берилди. Босишга 12,05,03 имзо чекилди.  
Офсет қоғоз № 1. Формат 60x90 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. "Таймс" гарнитураси. Шартли босма  
тобоғи 27,5. Нашриет ҳисоб тобоғи 27,5. Адади 30000 нусха.  
Буюртма № 26. Баҳоси келишим асосида.

Контракт LCB ТВ 6 (1)  
«Учкун» АҚда басылды.  
720030. Бишкек ш., С.Ибраимов көчөсү, 24.





Абдуллаев Лартог: 8

